

**АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ
АТАМАЛАРИ ИЗОҲЛИ
ЛУҒАТИ**

Тошкент 2008

Автомобиль йўллари атамалари изоҳли луғати / техника
фанлар доктори профессор И.С. Содиков таҳрири остида,
“Ўзавтойўл” ДАК Автомобиль йўллари илмий-текшириш институти,
Тошкент, 2007 й.

Мазкур луғат рус тилида 2005 йилда нашр этилган «Справоч-
ник дорожных терминов» китобнинг ўзбекча таржимаси бўлиб, унда
йўл соҳасига тегишли атамалар ва уларнинг изоҳлари кўрсатилаган.
Бу атамалар йўлларни қидирув ва лойиҳалашга тегишли, йўл қури-
лиш материаллари ва ишлаб чиқариш корхоналарига тегишли, йўл
пойи ва қопламасини конструкцияси ва ҳисобига тегишли, автомо-
биль йўлларни ва сунъий иншоатларни қуриш ва эксплуатация
қилишга тегишли ва ҳамда ҳаракат-хафвсизлигига тегишли бўлган
атамалар ушбу луғатда жамланган.

Мухарирлар: проф. А. Р. Қодирова (1.1-1.3),
т.ф.н. Эшонкулов А. У. (3.1-3.5, 6.1-6.5),
Ш. Ахмедов (2.1-2.4, 4.1-4.6, 5.1-5.3),
Ж. И. Содиков (7.1-7.5)
проф. Қ. Азизов (8), М.Т. Низомова (9.1-9.3)

I. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ВА ЛОЙИҲАЛАШ

1.1. Умумий маълумотлар

Автомобиль йўлларининг таснифланиши

Автомобиль йўли - автомобиль ҳаракати учун кўзда тутилган муҳандислик иншооти. Йўл пойи, йўл тўшамаси, қатнов қисм, йўл ёқаси, сунъий ва доимий иншоотлар ва барча турдаги жиҳозлар йўлнинг асосий элементлари ҳисобланади.

Автомобильная дорога ведомственная - *муассаса ихтиёридаги автомобиль йўли* - корхона ва ташкилот баланси (ҳисоби)даги ва уларнинг ишлаб чиқариш, технологик юқларини ташишга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бўлиб, ишлаб чиқариш объектлари ва умум тармоқ йўлларига туташувчи технологик, ички хўжалик, хизмат, патруль ва бошқа йўлларга бўлинади.

Автомобильная дорога внутрихозяйственная - *ички хўжалик автомобиль йўли* - Қаранг: “Ижара хўжаликлари ва фермер хўжаликларининг ички хўжалик автомобиль йўллари”; “Саноат корхоналарининг автомобиль йўллари”.

Автомобильная дорога внутрихозяйственная сельского хозяйства - *қишлоқ хўжалигидаги ички хўжалик йўли* - ижара хўжалиги ва фермер хўжалигидаги йўл. Марказий кўрғонни бўлинмалар, чорвачилик мажмуалари, фермалар, дала шийпонлари, маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш корхоналари билан, шунингдек бу корхоналарни ўзаро ва умум тармоқ йўллар билан боғлайди.

Автомобильная дорога временная - *вақтинчалик автомобиль йўллари* - 5 йилдан кам хизмат муддатига мўлжалланган ва янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш даврида юқлар ва йўловчилар ташишга хизмат кўрсатиш бўйича қурилиш-транспорт воситалари ёки умум фойдаланишдаги транспорт воситалари ҳаракатини таъминловчи йўл.

Автомобильная дорога вспомогательная - *ёрдамчи автомобиль йўли* - йўлнинг асосий тармоғига туташувчи ва ёндашувчи, республика, вилоят, туман ҳудудини транспорт билан таъминлаш учун хизмат қилувчи йўл.

Автомобильная дорога второстепенная - *иккинчи даражали автомобиль йўли* - ўзининг аҳамияти, ташиш ҳажми ёки техник ечимлари бўйича кесишувчи ёки унга туташувчи йўлга ён беради.

Автомобильная дорога главная - *асосий автомобиль йўли* - ўзининг аҳамиятига кўра ҳаракат оқими, ташиш ҳажми ёки техник ечимлари бўйича уларни кесувчи ёки уларга туташувчи йўллардан устун йўл.

Автомобильная дорога горная - *тоғдаги автомобиль йўли* - бўйлама кесимда катта нишабли, режада кичик радиусдаги, эгрили, серпантинли ва кўчки, ўпирилиш, қор кўчкилари ва тош тўқилмалари ҳамда бошқалардан ҳимояловчи махсус муҳандислик иншоотлари бўлган тоғли жойдан ўтувчи йўл.

Автомобильная дорога зимняя (автозимник) - *қишки автомобиль йўли* - қатламли тарзда яхлаган музлардан ёки зичланган қор ва музлардан қурилган ҳамда яхлаган дарё ва қўл музлари бўйлаб ўтказилган йўл.

Автомобильная дорога кольцевая - *ҳалқасимон автомобиль йўли* - шаҳарнинг режалаштирилган ҳудудини ёки бошқа ҳудудни ёпиқ эгрилик бўйича четлаб ўтувчи, шаҳарга кириш йўлларини ўзаро бирлаштирувчи, шаҳар атрофи йўлларини ва шаҳар кўча тармоғини транзит ҳаракатларидан бўшатиш учун кўзда тутилган йўл.

Автомобильная дорога многополосная - *кўп тасмали (полосали) автомобиль йўли* - транспорт воситаларининг тўрт ва ундан ортиқ қаторли ҳаракатини таъминловчи йўл.

Автомобильная дорога местного значения - *маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўли* - маъмурий туман чегарасида қорхона, муассасаларнинг ўзаро алоқасини таъминловчи йўл.

Автомобильная дорога областного (краевого) значения - *вилоят, ўлка аҳамиятидаги автомобиль йўли* - мухтор республикалар пойтахтлари, ўлка ва вилоятларнинг маъмурий марказларини бирлаштирувчи; туманларнинг маъмурий марказлари ва шаҳарчаларни ўзаро ҳамда темир йўл бекатлари, аэропортлар, дарё бандаргоҳлари, даволаниш ва дам олиш масканлари, спорт мажмуалари ҳамда, умум давлат ва республика аҳамиятидаги йўллар билан туташтирувчи йўл.

Автомобильная дорога общей сети - умум тармоқ автомобиль йўли - давлат стандарти (оғирлиги ва ўлчамлари бўйича) талабларига жавоб берувчи, транспорт воситалари ҳаракатини таъминловчи умум фойдаланишдаги йўл. Республика йўл хўжалиги ташкилотларининг ҳисобида туради. Умум тармоқ автомобиль йўли ўзининг халқ хўжалигидаги ва маъмурий аҳамиятига кўра умумдавлат, республика, ўлка, вилоят ва маҳаллий аҳамиятлардаги йўлларга бўлинади.

Автомобильная дорога обходная - айланиб ўтувчи автомобиль йўли - шаҳар ҳудудининг ташқи томонида ёки бошқа аҳоли пунктидан қандайдир масофа узокликда жойлашиб, транзит ҳаракатни шаҳар кўча тармоғидан олиш ва энг қисқа вақт ичида тўсиқсиз ўтказиш учун хизмат қилувчи йўл.

Автомобильная дорога платная - пулли автомобиль йўли - автомобиллар ҳаракатини таъминлайдиган, транспорт катнови учун ҳақ олинадиган йўл.

Автомобильная дорога подъездная - кириш автомобиль йўли - туманлар, шаҳарлар, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини темир йўл тугунлари, дарё ва денгиз бандаргоҳлари, аҳолининг оммавий дам олиш жойлари билан боғлиқлигини таъминловчи ва бу объектларни юқоридаги йўллар билан боғловчи йўл.

Автомобильная дорога промышленного предприятия - саноат корхонасининг автомобиль йўли - саноат ёки бошқа корхона (ташкilot) баланси (ҳисоби)да турувчи, унинг ҳудудидаги ишлаб чиқариш, технологик ташишларига хизмат кўрсатувчи ва унга кириш йўли. Шу корхона ишлаб чиқаришнинг, технологик талаблари асосида лойиҳаланади.

Автомобильная магистраль - автомобиль магистрали - катта тезликларга мўлжалланган, юқори ўтказиш қобилиятига эга, автотранспорт воситаларининг тезкор ҳаракати учун кўзда тутилган, йўл олди ҳудудга хизмат кўрсатмайдиган йўл. Ҳаракат йўналишлари бўйича бир-биридан ажратувчи тасма билан ажратилган қатнов қисмларига эга. Бошқа йўллар (автомобиль, темир йўллар, трамвай, пиёдалар йўли) билан кесишиши турли сатҳда амалга оширилади.

Автомобильный транспорт - автомобиль транспорти - энг мобил хамда ҳар томонлама мукамал транспорт воситалари ва автомобиль йўллари тармоғининг жамлиги ҳисобланган ягона транспорт тизимининг муҳим транспорт турларидан бири.

Время сообщения - йўлни босиб ўтиш учун сарфланган вақт - йўлдаги тўхташ жойларини ҳисобга олмаган ҳолда кўрилатган

йўналиш (йўл) бўйича ҳаракатланиш муддати. Фақат бошқа автомобиллар мавжудлиги ва чорраҳалардаги кутишларга боғлиқ кечикишлар ҳисобга олинади. Соат ёки дақиқада ўлчанади.

Грузонапряженность дороги - *йўлдаги юк ташиш миқдори (брутто)* - бир бирлик вақт ичида берилган йўл қисмидан икки йўналишда ўтган транспорт воситалари ва юкларнинг умумий оғирликлари. Йилда (ёки бир кеча-кундузда) тонна ҳисобида ўлчанади. Йўлдаги ташилаётган юк миқдори (нетто) - бир-бирлик вақт ичида берилган йўл қисмидан икки йўналишда ташилган юкларнинг умумий оғирлиги. Саноат корхоналари йўлларини лойиҳалашда ва йўл тўшамасининг ишлаш қобилиятини баҳолашда қўлланилади.

Грузооборот - *юк айланмаси (обороты)* - юк ташишдаги транспорт иши кўрсаткичи, ташилган юк оғирлигини (тоннада) масофага (километрда) кўпайтириш билан ифодаланади.

Дорога лесозаготовительных предприятий (лесовозная) - *ёғоч тайёрлаш корхоналари йўли* - ёғоч тайёрлаш корхонаси фаолияти минтақаси чегарасида турли юклар ва ёғоч ташиб чиқариш учун кўзда тутилган автомобиль ёки трактор йўли.

Дорожное хозяйство - *йўл хўжалиги* - қисқа масофаларда катта тезликда автомобиль билан халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ кондиришга мўлжалланган моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бир қисми. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари тармоғини, ундан меъёрий фойдаланиш учун зарур бўлган барча иншоотларни, шунингдек бу йўлларни таъмирлаш ва сақлаш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларни ўз ичига олади.

Дорожно-климатическая зона - *йўл-иқлим минтақаси* - “Йўл-иқлим бўйича туманлаштириш”га қаранг.

Дорожно-климатическое районирование - *йўл-иқлим бўйича туманлаштириш* - йўлларни лойиҳалаш ва куриш мақсадида республика ҳудудини кўпроқ ёки камроқ даражада бир хил иқлим шароитли минтақаларга ажратиш. Намлик даражаси, ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги, грунтларнинг музлаш чуқурлиги ва йиллик ўртача ёғин миқдорига қараб республика ҳудуди тўртта йўл-иқлим минтақасига ажратилган.

Дорожные инженерные устройства - *йўл муҳандислик қурилмалари* - ҳаракат хавфсизлигини ва узлуксизлигини таъминлаш, йўловчилар, ҳайдовчилар ва автомобилларга ҳаракат бўйлаб хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган иншоотлар мажмуаси. Йўл

муҳандислик курилмаларига автобус бекатлари, тезликни ўзгартириш ўтиш тасмаси, автомобиллар тўхтаб туриши учун майдончалар, дам олиш майдончалари ва автобусларни кутиш учун айвонлар, йўлни қор кўчкларидан, қор босишдан ҳимоялаш курилмалари, алоқа тармоғи ва йўлни ёритиш воситалари киради.

Интенсивность движения - *ҳаракат жадаллиги* - бир бирлик вақт (бир кеча-кундуз ёки ўртача бир соат) оралиғида йўлнинг берилган кесимидан ўтадиган автомобиллар ва бошқа турдаги транспорт воситалари сони.

Интенсивность движения приведенная - *келтирилган ҳаракат жадаллиги* - ҳисобий автомобилга мосланган автомобиллар ҳаракат жадаллиги.

Интенсивность движения расчетная - *ҳисобий ҳаракат жадаллиги* - аниқ муддатга белгиланадиган ва лойиҳалаш вақтида йўлнинг тоифаси ва ўлчамларини белгилаш учун асос сифатида қабул қилинадиган ўртача йиллик, бир кеча-кундузлик ҳаракат.

Искусственные сооружения - *сунъий иншоотлар* - қордан ҳимояловчи, кўчкига қарши, дарёларни, жарликларни, тоғ, йўл ва бошқа тўсиқларни кесиб ўтганда қуриладиган иншоот. Автомобиль йўлларидаги асосий сунъий иншоотлар: кўприklar, йўл ўтказгичлар, тоннеллар, эстакадалар, қувурлар, сув кетказиш курилмалари, тимлар, тиргак, деворлар ва бошқалар.

Категория дороги - *йўл тоифаси* - автомобиль йўлининг республика умум транспорт тармоғи ва халқ хўжалигидаги аҳамиятини, ундаги ҳаракат жадаллигини ифодаловчи мезон. Бешта йўл тоифаси мавжуд. Тоифага қараб йўлнинг барча техник кўрсаткичлари белгиланади.

Классификация автомобильных дорог - *автомобиль йўллари*нинг таснифланиши - мавжуд ва лойиҳаланадиган автомобиль йўлларини ёки уларнинг алоҳида қисмларини тоифаларга ажратиш. “Йўл тоифасига” қаранг.

Коэффициент загрузки дороги движением - *йўлнинг автомобиль ҳаракати билан юкланганлик коэффициенти* - автомобилларнинг ҳаракат хавсизлиги ва шарт-шароитларини тавсифлайдиган ҳамда ҳаракат жадаллигининг шу йўл қисмининг ўтказувчанлик қобилиятига нисбати билан белгиланадиган кўрсаткич.

Коэффициент приведения автомобилей - *ҳисобий автомобилга келтириш коэффициенти* - ўққа тушадиган оғирлик

ихтиёрий бўлган ҳолатдан ўққа тушадиган оғирлик ҳисобий бўлган автомобиллар (ҳисобий автомобиллар)га ўтиш коэффициенти.

Объем перевозок - *юк ташиш ҳажми* - бир бирлик вақт ичида ташиладиган юк (тоннада) оғирлиги.

Пассажирооборот - *йўловчи (пассажир)лар ташиш ҳажми* - бир бирлик вақт ичида йўлда маълум масофага ташилади йўловчилар сони.

Плотность дорожной сети - *йўл тармогининг зичлиги* - айрим вилоят (туман)даги ҳисобга олинadиган барча автомобиль йўллари умумий узунлигининг шу вилоят (туман) майдонига нисбати.

Площадь городская - *шаҳар майдони* - шаҳар автомобиль йўллари(кўчалари)нинг кенгайтирилган қатнов қисми. Вазифасига, жойлашишига ва атрофидаги иморатларга қараб шаҳар ёки шаҳар туманинг бош асосий майдони, турар жой тумани майдони, жамоат бинолари олдидаги майдон, транспорт майдони, вокзал олди майдони, кўприкости майдони ва бошқаларга бўлинади.

Провозная способность дороги - *йўлнинг олиб ўтиш қобилияти* - бир бирлик вақт мобайнида автомобиль йўлининг берилган қисмидан ташилиши мумкин бўлган юкларнинг оғирлиги ёки йўловчилар сони.

Проезд боковой - *ёнлама йўл* - шаҳар йўлининг бир тури. Магистрал кўчалар қатнов қисмларининг ўтказиш қобилияти чекланганда транспорт оқимини ўтказиш учун хизмат қилади.

Проезд внутриквартальный - *маҳаллалараро автомобиль йўли* - маҳаллалар, кичик туманлар ичидаги, маҳаллий ва туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар билан маҳаллий транспорт алоқаларини таъминловчи шаҳар йўлининг тури. Баъзида алоҳида саноат ёки қурилиш объектларига кириш йўли бўлиб хизмат қилади.

Пропускная способность дороги - *йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти* - бутун йўл ёки йўл қисмининг берилган тезлик ва ҳаракат хавфсизлиги таъминлаган ҳолда бир бирлик вақт ичида ўтказиши мумкин бўлган энг кўп автомобиль микдори. Одатда 1 соатда ўтган автомобиль сони билан (авт/соат) ўлчанади. Шунингдек 8-бўлимга қаранг.

Протяженность дороги - *йўлнинг узунлиги* - ҳақиқатда пикет қозиклари ва километр белгилари бўйича кўрсатилган объектлар ёки аҳоли турар жойлари орасидаги йўлинг ҳақиқий узунлиги.

Развитие сети дорог - *йўл тармоқларини ривожлантириш* - бирон-бир минтақадаги халқ хўжалиги ва аҳолининг автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжига қараб автомобиль йўлларининг келажакда жойлаштириш режасини амалга ошириш.

Сеть автомобильных дорог - *автомобиль йўллари тармоғи* - республика, вилоят ёки туманлар ҳудудидаги мавжуд халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларига хизмат кўрсатувчи барча йўлларнинг мажмуаси.

Скорость движения расчетная - *ҳисобий ҳаракат тезлиги* - яқка енгил автомобильнинг қуруқ қопламали, кўриниш масофаси етарли бўлган, аниқ тоифали йўлда рухсат этилган энг хавфсиз ҳаракат тезлиги. Ҳисобий тезликка асосланиб йўлнинг геометрик элементлари меъёрланади.

Служба автотранспортная - *автотранспорт хизмати* - автомобилда юк ва йўловчи ташиш, ҳаракатланидиган составни ташкиллаштириш, бошқарувни марказлаштириш ва хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилган бўлинмалар мажмуаси.

Служба дорожная - *йўл хизмати* - автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини сақлаш ва таъмирлаш, автомобилларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, йўлларнинг техник даражасини ошириш бўйича ишлар юклатилган бўлинмалар мажмуаси.

Состав транспортного потока - *транспорт оқими таркиби* - юк кўтариш қобилияти, белгиланган вазифаси ва мотор тип (дизелли, карбюраторли ва ш.к.) бўйича фарқ қиладиган турли транспорт воситаларининг сифат ёки фоиз нисбати.

Транспортно-эксплуатационные показатели дороги - *йўлнинг транспорт* - фойдаланиш кўрсаткичи - йўлнинг техник тоифаси ва унинг фойдаланиш имкониятларини аниқловчи бир қатор ўлчамлар. Кўрсаткичларнинг аҳамиятига қараб йўл у ёки бу тоифага киритилади. Асосий кўрсаткичларга қуйидагилар киради: тезлик, ҳаракат жадаллиги ва таркиби, ўтказувчанлик ва ташиш қобилиятлари, авариялилиқ даражаси, йўл қопламасининг сифати, йўлни босиб ўтиш учун сарфланган вақт, автомобиль транспортида ташиш таннарни ва бошқалар.

Узел автомобильных дорог - *автомобиль йўлларининг тугуни* - икки ёки бир неча келиб қўшиладиган йўллардаги транспорт оқимларининг ўзаро таъсир минтақаси. Бу ўзаро таъсир хусусиятига қараб тугунлар йўлда кесишмалар ёки туташмалар ҳосил қилад, бунда туташувчи йўллар бир ёки бир неча сатҳда жойлашиши мумкин. Йўлнинг турли сатҳларда ўтказилиши, шунингдек бу йўллар

ўртасидаги боғлиқлик махсус муҳандислик қурилмалари мажмуаси ёрдамида амалга оширилади.

Улица - *кўча* - аҳоли яшаш жойлари чегарасидаги шаҳар автомобиль йўли.

Улица магистральная - *магистрал кўча* - асосий тармоқнинг шаҳар автомобиль йўли. Магистрал кўчалар умумшаҳар аҳамиятидаги (аҳоли яшовчи, саноат туманлари ва жамоат марказлари ўртасидаги алоқа, одатда шаҳар ташқарисидаги автомобиль йўлларига чиқади) ва туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар (туман чегарасидаги ва умумшаҳар аҳамиятидаги магистрал кўчалар билан транспорт алоқалари)га бўлинади.

Улица кольцевая - *ҳалқасимон кўча* - шаҳарнинг маълум тумани атрофидан ёки шаҳар автомобиль йўли тўлиқ ҳалқа ёки унинг бир қисмига ўхшаш.

Улица с односторонним движением - *бир томонлама ҳаракатли кўча* - транспорт воситалари ҳаракати фақат берилган бир йўналишда рухсат этилган шаҳар автомобиль йўли.

Улица радиальная - *шуъласимон [радиал] кўча* - шаҳар чеккасини унинг марказий қисми билан боғловчи шаҳар автомобиль йўли.

Улица тангенциальная - *уринма кўча* - шаҳарнинг бирор тумани ҳудудига уринма бўйича ўтган, ҳаракатни олиб келиш ва олиб кетиш вазифасини бажарувчи, шунингдек туманни айланиб ўтиш учун хизмат қилувчи шаҳар автомобиль йўли.

1.2. Қидирув ишлари ва автомобиль йўллари лойиҳалаш.

Аэросъемка - *фазодан суратга олиш* - жойнинг тасвирини фазодан суратга олиш жараёни.

Аэрофотосъемка - *аэрофотосъемка* - суратга олиш асбоблари (фотоаппарат), электрон аэрофотосъемка - махсус электрон қурилмалар, радиолокацион аэрофотосъемка - радиолокация асбоблари ёрдамида бажарилади. Радиолокация - фазодан кўринмайдиган нарсаларни, унинг қанча масофада ва қай томонда турганлигини радиотўлқинлар ёрдами билан аниқлаш услуги.

Автоматизация проектирования - *лойиҳалашни автоматлаштириш* - электрон-ҳисоблаш техникаси ва замонавий математика мосламаларини кенг қўллаш орқали автомобиль йўллар ва кўприкларни лойиҳалаш соҳасидаги илмий-техникавий тараққиётнинг йўналишларидан бири. Лойиҳалаш турлари

сонини анчагина кенгайтиришга ва қисқа муддатда энг оқилона қарорни қабул қилишга имкон беради. Келажакда автомобиль йўли, ундаги объектларни қидириш ва лойиҳалашнинг барча босқичларини ўз ичига олувчи мужассам автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш асосий йўналиш ҳисобланади.

Аэрофотоизыскания - *фазодан суратга олинган йўл устида изланиш* - йўлларни лойиҳалаш учун жойнинг фазодан олинган суратлари асосида трасса бажариладиган қидирув ишлари мажмуаси.

Видимость расчетная - *ҳисобий қўриниш* - автомобиль ҳаракатининг ҳисобланган шароитидан келиб чиқиб, йўлнинг геометрик элементларини таъминловчи, қаршидан келаётган автомобилни ёки йўл юзасини қўришнинг чегаравий масофаси.

Воздушная линия - *ҳаво йўли* - «Трассани ривожлантириш коэффиценти»га қаранг.

Георадар - *георадар* - ер ости муҳитининг юза қатламига геоакустик зондлашни ўтказиш учун қўлланиладиган кўчма (ҳаракатланувчи) радиолокатор.

Домер - *домер* - пикетаж қуришда киритиладиган, трассанинг бурилиш бурчагига чизиладиган ички айлана эгри ва икки тангенс узунлигининг фарқи.

Закрепление трассы - *трассани мустаҳкамлаш* - жойдаги махсус предметларга ёки махсус ўрнатилган реперларга трасса нуқталарини боғлаш бўйича бажариладиган ишлар мажмуи.

Инженерные изыскания автомобильных дорог - *автомобиль йўлларининг муҳандислик қидируви* - автомобиль йўли қурилиши ва фойдаланилиши амалга ошириладиган иқтисодий, техник ва табиий шароитларни излаш. Ундан мақсад - автомобиль йўлини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш учун оқилона техник-иқтисодий ечимни аниқлашдир. Йўлнинг ривожланиш, йўл лойиҳасини тузишда қуйдагича қидирув ишлар мавжуд: йўл лойиҳалаш ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қидирув иқтисодий ва техник турларга бўлинади. Тайёргарлик, дала ишлари, камерал ишлари босқичларни ўз ичига олади.

Изыскания камеральные - *камерал қидирув ишлари* - трассанинг умумий йўналишини белгилашга имкон берувчи картографик материаллар, маълумотномаларни ўрганиш бўйича лойиҳа- қидирув ишлари босқичларидан бири.

Изыскания технические - *техник қидирув ишлари* - жойни қўриб чиқиш ва асбобларда суратга олишни, шунингдек трасса йўналишини белгилаш ва йўл лойиҳасини ишлаб чиқиш учун унинг

муҳандис-геологик текширувини ўз ичига оловчи қидирув ишлари мажмуаси. Рекогносцировка ва батафсил қидирувларга бўлинади.

Изыскания технические подробные - *батафсил техника қидирув ишлари* - трассанинг аниқ йўналишини белгилаш ва йўл лойиҳасини барча иншоотлари билан тузиш учун зарур бўлган, жойида барча асбоблар билан суратга олиш, ўлчаш ва текширишни ўз ичига оловчи батафсил қидирув ишлари мажмуаси. Бунда трассанинг асосий йўналишини ва унинг турларини жойида белгилаш, ажратиш ва мустаҳкамлаш амалга оширилади, белгиланган режа ва бўйлама кесимни асбоблар билан суратга олиш бажарилади, тўлиқ гидрологик, муҳандис-геологик ва грунтли текширувлар, маҳаллий қурилиш ашёлари ва асосий очиқ конлар изланиши амалга оширилади, ишни ташкил қилиш лойиҳасини ва сметани, тузиш, шунингдек қурилиш учун ер ажратиш ва қурилмаларни бузиш қайдномалари, барча маълумотлар йиғилади, трасса ва лойиҳавий ечимларни манфаатдор ташкилотлар билан мувофиқлаштириш амалга оширилади. Одатда батасил техник қидирувлар лойиҳани ишлаб чиқиш билан бирга олиб борилади

Изыскания технические рекогносцировочные - *рекогносцировка техник қидирув ишлари* - лойиҳаланаётган йўл трассаси бўйлаб жойни олдиндан ўрганишда бажариладиган қидирув ишлари мажмуаси. Бунда, одатда (харитада) сунъий иншоотлар тахминий жойлаштирилади, олдиндан трассанинг асосий грунтли ва гидрогеологик шароитлари белгиланади, шунингдек ернинг баландлиги жойида текшириб чиқилади. Трассанинг турлари, жойлашиши, йўл иншоотларининг тузилиши ва ўлчамлари белгиланади, топографик ва аэрофотосъёмка қилиниши лозим бўлган ҳудуд аниқланади, ер ишлари ҳажмини олдиндан белгилаш учун маълумотлар йиғилади.

Изыскания экономические - *иқтисодий қидирув ишлари* - йўл қурилишидаги айрим объектларини қуриш ёки реконструкция қилиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, навбати ва босқичларини аниқлаш ҳамда асослаш учун дастлабки маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, бир тизимга солиш ва таҳлил қилишга оид ишлар мажмуи. Маъмурий ёки иқтисодий ҳудуддаги йўл тармоғини техник-иқтисодий асослаш ишларини ўз ичига оладиган титул ишларига ажратилади.

Интенсивность движения расчетная - *ҳисобланган ҳаракат жадаллиги* - **1.1. бандга қаранг.**

Карст - *карст* - ҳаракатланувчи ер ости сувлари таъсирида ер юзасида коваклик ҳосил бўлишига олиб келувчи тоғ жинсларининг эриш ва бузилиш жараёни.

Коэффициент заложения - *жойнинг ёнбағри ёки йўлнинг ён томон қиялик коэффициенти* - тик қиялик тавсифи - қиялик баландлигининг унинг горизонтал проекцияси - жойлашмага нисбати.

Коэффициент использования грузоподъемности - *юк кўтариш имкониятидан фойдаланиш коэффициенти* - ҳақиқатда ташилган юклар оғирлигининг автотранспорт воситаларининг номинал юк кўтариш имкониятига нисбати.

Коэффициент неравномерности перевозок - *юк ташишининг бир хил эмаслиги коэффициенти* - бир кеча-кундузда ёки бир ойда энг кўп ташилган ҳажмнинг бир йилдаги, бир кеча-кундуздаги ёки бир ойдаги ўртача ташиш ўлчамига нисбати.

Коэффициент пробега - *йўл юриш коэффициенти* - автомобилдаги юк (йўловчи) микдорининг берилган йўл кесими орқали ўтувчи шундай турдаги автомобилларнинг умумий микдорига нисбати.

Коэффициент развития (удлинения) трассы - *трассани ривожлантиш (узатириш) коэффициенти* - трассанинг ҳақиқий узунлигининг берилган пунктларни бирлаштирувчи тўғри чизик (“ҳаво йўли”) узунлигига нисбати. Трасса вариантларини солиштиришдаги асосий кўрсаткичлардан бири.

Кромка проезжей части - *қатнов қисмининг қирғоғи* - қатнов қисми йўл ёқасидан ажратувчи чизик.

Линия нулевых работ - *нол ишлар чизиги* - йўлнинг берилган лойиҳавий қиялигида кўтарма ва ўйма қурмасдан ўтказиладиган йўл ўқ чизигининг жойлашиш ўрни

Линия поверхности земли - *ер сиртининг чизиги* - трасса ўқ чизиги бўйича ер табиий юзасининг вертикал (тик) проекциясини ифодаловчи чизик.

Линия проектная - *лойиҳа ёки қизил чизик чизик* - йўл қирғоғининг ер сиртига нисбатдан бўйлама кесимда лойиҳавий жойлашишини ифодалавчи чизик.

Начертание сети дорог - *йўл тармоғининг кўриниш чизмаси* - лойиҳаланаётган йўл тармоғининг график тасвири.

Нивелирование - *нивелирлаш* - трасса нукталарининг баландликларининг фарқини аниқлаш.

Нормы проектирования - *лойиҳалаш меъёрлари* - йўлнинг асосий элементлари техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва ўлчамларининг рухсат этилган қийматлари. Меъёрлар йўлнинг тоифаси ва транспорт воситаларининг хусусиятларига қараб табақаланган. Автомобиль корхонасининг ўсиши, йўлни лойиҳалаш ва қуриш илмий асосининг ривожланиши ва тажрибасининг ортишига қараб меъёрлар вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

Ось автомобильной дороги - *автомобиль йўлининг ўқ чизиги* - қатнов қисм ёки ажратувчи тасма ўртасидан ўтувчи шартли чизиқ.

Отметка поверхности земли - *ер сиртининг баландлик белгиси* - ер сиртининг денгиз сатҳи ёки бирон шартли сатҳдан баландлиги (метрда ва сантиметрда).

Отгон виража - *виражга ўтиш узунлиги* - радиуси кичик бўлган йўлни эгри участкасида иккинчи нишабликдан бир нишабликка ўтиш узунлиги. Бу масофа виражга ўтиш ҳам дейилади.

Отметка нулевая - *бошланғич белги* - бўйлама кесимдаги нолга тенг бўлган ишчи белгилари нуқта - йўлнинг бўйлама кесимида кўтармадан ўймага ўтиш нуқтаси.

Отметка проектная - *лойиҳа белгиси* - йўл пойи қирғоғининг денгиз сатҳи ёки шартли сатҳдан баландлиги.

Отметка рабочая - *ишчи белги* - йўл ўқи бўйлаб лойиҳа белгиси ва ер белгиси орасидаги фарқ, кўтарма баландлиги ёки ўйма чуқурлигини белгилаб беради. Бўйлама кесимда лойиҳа чизиги (кўтарма) устида ёки унинг остида (ўйма) ёзилади.

Отметка руководящая - *кўрсатмавий белги* - йўл пойини қор босмаслигини таъминлайдиган ер юзаси устидаги йўл пойи қирғоғининг энг кам баландлиги ва унинг турли йўл - иқлим шароитида намланиш манбаларидан баландлиги.

Перелом проектной линии - *лойиҳа чизигининг синиши* - лойиҳавий тўғри чизиқларнинг бўйлама қиялик ўзгаришида кесишган нуқтаси.

Пикет - *пикет* - трассани нивелирлаш учун жойда белгиланган нуқта. Бир-биридан меъерий оралиқларда (100 м) жойлашган пикетларнинг ўзлари ва улар орасида жойлашган мусбат нуқталар фаркланади.

Пикет рублённый - *бўлакланган пикет* - узунлиги 100 м га тенг бўлмаган пикет.

Пикетаж трассы - *трассасини пикетлаш* - трасса узунлигини ўлчаш, уни пикетларга ажратиш, нивелирлашга тайёрлаш, йўл тасмаси режасини тасвирга тушириш бўйича ишлар мажмуаси.

План дороги - *йўлнинг режаси (плани)* - йўлда жойлашган барча иншоотлар билан йўлнинг горизонтал текисликдаги акси.

План трассы - *трасса режаси* - йўл ўқининг горизонтал текисликдаги акси. Трасса режасининг элементлари: тўғри чизиклар - трасса бошидан эгри бошигача ёки бир эгри охиридан кейинги эгри бошигача бўлган масофа; бурилиш бурчаклари; доимий ва ўзгарувчан радиусли эгри.

Привязка трассы - *трассани боғлаш* - трасса нукталарининг бириктириш белгисига нисбатан координатаси ва баландлик белгисини аниқлаш (давлат геодезик тармоқ пунктларидан).

Плотность транспортного потока - транспорт фойдаланиш хусусияти бўйича бир хил йўл участкасининг бирлик узунлигига тўғри келадиган, одатда, 1 км ораликдаги автомобиллар миқдори.

Полумост - *ярим кўприк* - оралик қурилмалари бир томондан ярим ўймада, иккинчи томондан таянчда жойлашган тоғлик жойлардаги йўлнинг кўндаланг кесими.

Понур - *понур* - кўп сув ўтказмайдиган грунт, асфальтобетон, полиэтилен плёнкадан қурилган парда кўринишидаги, кўп сув ўтказмайдиган, филтрланишга қарши баланд тўсиқли тўғон қисми.

Поток транспортный - *транспорт оқими* - турли даражада юкланган ва турли хил техник ҳолатда бўлган катта миқдордаги турли автомобиллар йўл бўйлаб айна бир вақтдаги ҳаракати.

Прогнозирование интенсивности движения - *йўлдаги ҳаракат жадаллигини прогностлаш* - автотранспорт корхоналари ҳисобот маълумотларини ўрганиш ва лойиҳаланаётган йўл бўйлаб ҳаракатнинг бевосита келажакда ўсиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда келажакдаги ҳаракат жадаллигини аниқлаш.

Проект автомобильной дороги - *автомобиль йўлининг лойиҳаси* - барча объектлар учун ишлаб чиқиладиган икки босқичли лойиҳалашнинг биринчи босқичи лойиҳа ҳужжатлари, бир босқичда лойиҳалаш рухсат этилганлари бундан мустасно. Автомобиль йўли, улардаги бино ва иншоотлар лойиҳаларида муҳандислик кидируви ва тури ишланмаларни инобатга олган ҳолда йўл тармоғини ривожлантириш чизмасида қабул қилинган йўлнинг транспорт фойдаланиш сифатини аниқловчи элементлар бўйича (қулайлик, тезлик, транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ва бошқалар), жойида йўлни ўтказиш бўйича, уларнинг режа элементлари бўйича ўлчамлари, кўндаланг ва бўйлама кесимлари, улардаги бино ва иншоотларнинг таркиби ва жойлашиши, қурилиш технологияси ва ташкил қилиниши этиш бўйича ҳулосалар

ойдинлаштирилади. Курилиш ёки реконструкция қилиш баҳосини йиғма смета ҳисобини ўз ичига олади. Автомобиль йўллари курилиши икки йилдан ортиқ давом этадиган бўлса, лойиҳа фақат курилишнинг биринчи босқичи учун ишлаб чиқилиши керак. Белгиланган тартибда ва тартибда тасдиқланган лойиҳа объект курилиши (реконструкция)ни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш учун асос ҳисобланади.

Проект индивидуальный - алоҳида (индивидуал) лойиҳа - андозавий лойиҳалар бўлмаганда ёки уларни қўллаш мумкин бўлмаганда, шунингдек муҳим ва мураккаброқ объектлар учун юқори сифатли ечимлар зарур бўлган ҳолларда ишлаб чиқиладиган иншоот лойиҳаси.

Проектирование автомобильных дорог - автомобиль йўллари лойиҳалаш - автомобиль йўллари лойиҳалаш-қидирув ишлари асосидаги ижодий жараён. Бу жараён йўлнинг энг қулай йўналишини танлаш, юк тўғизлигини, ҳаракат миқдорини аниқлаш, йўл тоифасини белгилаш, унинг тегишли техник кўрсаткичларини, капитал харажатлар, асосий курилиш ашёлари ва буюмлари, ишчи кучи, механизм ва транспортга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, курилиш муддатлари ва кетма-кетлигини, барча харажатларнинг қопланиш муддатларини белгилаш, барча қурилмалар ва иншоотларни жойлаштириш иқтисодий ҳисоб ва лойиҳа-конструкторлик ишлари мажмуасидан ташкил топган.

Проектирование вариантное - вариантли лойиҳалаш - трассани бутунлай ёки унинг айрим қисмларини ўтказиш бўйича оқилона (оптималь) қарорни танлаш услуги. Бу услуга мумкин бўлган турли вариантларни белгилаш, қабул қилинган кўрсаткичлар бўйича уларнинг ҳар бирини солиштириб баҳолаш ва мақсадга мувофиқларини танлашдан иборат. Трассага ёки унинг лойиҳа топшириғида кўрсатилган асосий пунктлари орасидаги қисмларига тегишли тўб вариантлар ва айрим қисқа масофали қисмларига дахлдор маҳаллий вариант мавжуд. Тўб вариантларни солиштириб баҳолаш учун иқтисодий қидирувлар, маҳаллий учун эса техник қидирувлар асос қилиб олинади.

Проектирование ландшафтное - манзаравий (ландшафтли) лойиҳалаш - йўл элементларининг ўзаро равиш туташишини ва йўлнинг атроф-муҳит билан уйғунлашувини таъминловчи лойиҳалаш услуги.

Проектирование по обертывающей - ер бағирлаб (ўровчи) лойиҳалаш - Талаб қилинадиган ишчи белгилари ва қияликларига

риоя қилган ҳолда имкон қадар жойнинг рельефига тушадиган лойиҳа чизигини ўтказиш усули, текис жойларда ва кичик тоифали йўллари лойиҳалашда қўлланилади.

Проектирование по текущей - *кесувчи чизик бўйича лойиҳалаш* - тепалик ва водий ён бағирларининг юқори қисмини ўймалар кесиш билан лойиҳа чизигини ўтказиш усули. Ўймадан олинган тупроқдан пастқам жойларни кўтариш учун фойдаланилади. Тепалик, жуда паст-баланд жойларда юқори тоифали йўллари лойиҳалашда қўлланилади.

Проект типовой - *андозавий лойиҳа* - ягона модул тизими ва белгиланган тарзда тасдиқланган ҳамда маълум қурилиш шарт-шароитларга боғлаш йўли билан лойиҳа ташкилотлари томонидан кўп ҳолларда қўллашга мўлжалланган қурилиш маҳсулотларини амалдаги стандартларини ҳисобга олган ҳолда техник савияда ишлаб чиқилган иншоот лойиҳаси.

Проектирование продольного профиля - *бўйлама кесимни лойиҳалаш* - йўлнинг ер сиртига нисбатан бўйлама кесимдаги йўл пойи қирғоғи ҳолатини белгилаш.

Проложение трассы - *трассани ўтказиш* - трассани давлат геодезик тармоғининг талаб қилинган бурчакларини қуриш, линия узунликларини ўтказиш, нишон қозикларини ўрнатишдаги мавжуд пунктларига боғлош маълумотлари асосида йўл трассаси ўқини жойига кўчириш.

Пункт грузообразующий - *юклари тўплаш пункти* - лойиҳаланаётган йўлдан юклари ташишни амалга оширувчи корхона, ташкилот, хўжалик.

Пункт грузопотребляющий - *юк қабул қилувчи жой* - лойиҳаланаётган йўлдан юклари келадиган корхона, ташкилот, хўжалик.

Пункт опорный - *таянч пункти* - лойиҳаланаётган йўл трассаси ҳолатини белгилашга сабаб бўладиган жой (саноат, сиёсий, маъмурий ёки маданий марказлар, транспорт тугунлари). Пунктларнинг сони ва хусусияти йўлнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятига боғлиқ.

Пункт пассажирообразующий - *йўловчилар тўпланувчи пункт* - лойиҳаланаётган йўлдан йўловчилари ташишни амалга оширадиган корхона, ташкилот, хўжалик, шифохона, дам олиш масканлари ва бошқалар.

Рабочая документация - *ишчи ҳужжат* - икки босқичли лойиҳалашдаги иккинчи босқич лойиҳавий ҳужжати

(1981 йилдан белгиланган). Автомобиль йўли, ундаги бино ва иншоотларни куришнинг ишчи ҳужжати таркибига қуйидагилар киради: белгиланган талабларга асосан ишлаб чиқиладиган ишчи чизмалар (йўл жиҳозлари элементлари, мустаҳкамлаш иншоотлари чизмалари, табиат ва атроф-муҳитни сақлаш ёки ерни қайта тиклаш, шунингдек меҳнат хавфсизлиги билан боғлиқ қурилма ва иншоотлар чизмалари, қурилиш-монтаж ишларини ташкил этиш учун мўлжалланган турли жиҳозлар, конструкция элементлари ва бошқаларни ўрнатиш чизмалари); объектли ва маҳаллий сметалар; қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари қайдномалар ашёларга бўладиган талаблар жамланган жадваллар; ишчи-қурилиш чизмаларининг паспорти; меҳнат харажатлари ва асосий ашёлар харажатларининг ҳисоблари; смета баҳоси кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгариш ҳисоблари. Ишчи ҳужжат лойиҳа ташкилотига буюртмачи томонидан берилган бошланғич маълумотларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Рабочий проект - *ишчи лойиҳа* - бир босқичли лойиҳалашда ўхшаш объектлар шунингдек техник жиҳатдан мураккаб бўлмаган объектлар учун фойдаланиладиган андозавий ва қайта қўлланиладиган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳавий ҳужжат.

Развитие трассы - *трассани ривожлантириш* - бўйлама қияликни камайтириш мақсадида икки нукта орасидаги трассани узайтириш. Берилган қияликни таъминлаш учун катта ер ишлари ҳажми талаб қилинадиган, ер сирти катта қияликка эга бўлган жойларда амалга оширилади.

Район изысканий - *қидирув ишлари ҳудуди* - лойиҳаланаётган автомобиль йўллари тармоғи ёки алоҳида йўлга хизмат кўрсатиши тахмин қилинган ишлаб чиқариш ҳудудий мажмуаси. Йўл тармоғини лойиҳалашда қидирув ишлари ҳудуди бутун маъмурий ҳудудий бирликни (вилоят, ўлка, республика, иқтисодий ҳудуд), шунингдек у билан ишлаб чиқариш, транспорт алоқалари бўлган қўшни маъмурий ҳудудлардаги туманлар ва шаҳарларни камраб олади. Алоҳида йўллари лойиҳалашда қидирув ишлари ҳудуди одатда, лойиҳаланаётган йўлга туташ ва йирик табиий чегаралар ёки шундай ёхуд юқорироқ тойифага эга энг яқин автомобиль йўллари билан чегараланган ҳудудни ўз ичига олади.

Район тяготения - *қамров ҳудуди* - лойиҳаланаётган автомобиль йўллари тармоғи ёки алоҳида йўл хизмат кўрсатадиган халқ хўжалиги мажмуаси ҳудуди. Олдиндан баҳолаш учун қамров

худудига бутун қидирув ишлари худуди киритилади. Қамров худудининг чегаралари транспорт алоқалари, юк тўпланувчи ва юк қабул қилувчи жойлар ва уларни ривожлантириш истиқболларини аниқлаган ҳолда текшириш натижалари бўйича ойдинлаштирилади.

Расстояние видимости - *қўриниш масофаси* - аниқланаётган ёки қўрилаётган объектларгача бўлган масофа. бўлган масофа. “Ҳисобий қўриниш”га қаранг.

Репер - *репер* - мутлақ ёки нисбий баландлик белгисига эга бўлган бошланғич баландлик нуқтаси. Реперлар ер ишлари минтақасидан ташқарида трасса, бўйлаб ўрнатилади. Реперлар доимий ва вақтинчалик бўлади. Доимий реперлар бир-биридан 15-30 км оралиқда, вақтинчалик эса ҳар 1-3 км да ўрнатилади.

Сводный сметный расчёт стоимости строительства или реконструкции автомобильной дороги - *автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш нархининг йиғма смета ҳисоби* - белгиланган тартибда тузиладиган ва барча асосий объектлар ва иш турларига кетадиган харажатларни қамраб олиб, смета баҳосини аниқловчи умумлаштирилган муҳим ҳужжат. У тайёргарлик ишларини, вақтинчалик бино ва иншоотларни, тасодиқий ишлар ва харажатларга захирани, қурилаётган корхона дирекциясини (техник назорат) сақлаш ва муаллифлик назорати харажатларини, лойиҳа-қидирув ишлари харажатларини, ходимлар тайёрлаш ва бошқаларни ўз ичига олади. Йўл, ундаги бино ва иншоотларни қуришнинг смета баҳоси, шу жумладан, қурилиш-йиғиш ишлари баҳоси жамланган смета ҳисобида қуйидагича аниқланади: бир босқичли лойиҳалашда - андозавий ва қурилишни маҳаллий шароитга боғланган, қайта қўлланилаётган тежамли алоҳида лойиҳа сметаси ҳамда ишчи чизмалар бўйича тузиладиган сметалар бўйича (объектларнинг ялпи қурилиши учун прејскурантлар ва умумлаштирилган смета меъёрлари қўлланилади); икки босқичли лойиҳалашда - умумлаштирилган смета меъёрлари, прејскурантлар ва ўхшаш объектларни баҳолаш кўрсаткичлари бўйича. Тасдиқланган смета баҳоси бутун қурилиш муддати учун лимит ҳисобланади.

Смета объектная и локальная - *маҳаллий ва объектли смета* - лойиҳалашда белгиланган тартибга асосан ишлаб чиқиладиган смета ҳужжатларининг асосий қисми. Ишчи ҳужжат таркибидаги смета баҳоси икки босқичли лойиҳалашда ва ишчи лойиҳаси таркибида (бир босқичли лойиҳалашда) шу мақсадга мўлжалланган умумлаштирилган смета меъёрлари, умумлаштирилган нархларга ва қурилишни маҳаллий шароитига, андозавий ва қайта қўлланидиган

тежамли алоҳида лойиҳаларга боғланган прејскурантлар (моллар нархи ҳақидаги маълумотнома) бўйича аниқланади. Бундай меъёрлар ва сметалар бўлмаганда эса ягона баҳо ва нархномалар бўйича аниқланади. Ишчи чизмалар бўйича тузиладиган маҳаллий ва объектли сметаларда меъёрий шартли - аниқ маҳсулот ажратилади.

Сметная документация - *смета ҳужжати* - лойиҳаланаётган автомобиль йўли, ундаги бино ва иншоотлар ёки уларнинг қурилиш навбати смета баҳосини аниқловчи лойиҳа ҳужжатлари умумий мажмуасининг бир қисми. Лойиҳалаш босқичига қараб қуйидаги смета ҳужжатлари тайёрланади: лойиҳа таркибида (икки босқичли лойиҳалашда) - баҳонинг жамланган смета ҳисоби, харажатлар маълумоти, объектли ва маҳаллий сметалар, лойиҳа ва қидирув ишлари сметалари; ишчи ҳужжатлар таркибида (икки босқичли лойиҳалашда) - маҳаллий ва объектли сметалар; ишчи лойиҳа таркибида (босқичли лойиҳалашда) - бир баҳонинг йиғма смета ҳисоби, харажат маълумотлари, объектли ва маҳаллий сметалар (объектли ва маҳаллий ҳисоботлар - икки йилдан ортиқ қурилиш муддатига эга бўлган объектлар учун). Лойиҳалар ва ишчи ҳужжатлар таркибида шунингдек ишга тушириладиган мажмуага тегишли объектлар қурилишининг смета баҳоси қайидномаси тузилади. Тасдиқланган лойиҳа (ишчи лойиҳа) таркибидаги смета ҳужжатларига махсус тушунтириш хати ишлаб чиқилиб, унда смета ҳужжатларини ишлашда қабул қилинган барча бошланғич маълумотлар берилади.

Смещение кривой - *эгрининг сурилиши* - ўтиш эгриси қўйилгандан сўнг эгри (уринмадан марказга) силжиган масофа.

Стадии проектирования - *лойиҳалаш босқичлари* - объектларни лойиҳалаш босқичлари. Лойиҳалаш бир ва икки босқичда амалга оширилиши мумкин. Бир босқичда- қурилиш андозавий ва қайта қўлланиладиган, лойиҳалар бўйича амалга ошириладиган корхоналар, бинолар, иншоотлар учун, шунинг техник жиҳатдан мураккаб бўлмаган объектлар учун жамлама смета баҳоси ҳисоби бўлган ишчи лойиҳа; икки босқичда - жамлама смета баҳоси ҳисоби бўлган лойиҳа ва бошқа қурилиш объектлари, жумладан, йирик ва мураккаб объектлар учун сметалари бўлган ишчи ҳужжатлар.

Схема развития автомобильных дорог - *автомобиль йўллариининг ривожланиши схемаси* - халқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ривожланиши чизмаси ва жойлашишининг ҳамда иқтисодий ҳудудлар бўйича ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши

чизмаси ва жойлашишининг умумий мужассам тармоқ чизмаси. Бу ривожланиш чизмалари республика ишлаб чиқариш кучлари жойлашишининг асосий чизмаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда камида 15 йил муддатга ишлаб чиқилади. Ҳар 5 йилда чизмага зарурий аниқликлар киритилади. Автомобиль йўллари ривожланиш чизмаларини ишлаб чиқиш бошқа тармоқ чизмаларидек икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда автомобиль йўлини ривожлантириш вазифалари ва асосий кўрсаткичлари белгиланади. Иккинчи босқичда шу чизмалар таркибида йўлларни лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш мақсадга мувофиқлигини, ривожлантириш ва техник савиясини оширишга оид тадбирларни асословчи, ҳисоб-китоб материаллари ишлаб чиқилади.

Тальвег - *тальвег* - жой рельефининг дарё водийси чуқурлиги, жар ва бошқа эрозия кўринишлари энг пастки нуқталарини бирлаштирувчи чизиги.

Тангенс кривой - *эгрининг тангенс*и - трасса бурилиш бурчаги учини шу бурилишдаги эгри боши ёки охири билан бирлаштирувчи тўғри чизик.

Термокарст - *термокарст* - ер ости музлари ёки музли грунтнинг эриши натижасидаги карст ходисаларининг маҳсулоти.

Технические средства САПР - *Автомат лойиҳалаш тизими(АЛТ)нинг техник воситалари* - таркибига натижаларни тўлиқ автоматик ёки қисман автоматик равишда ўз хотирасига қайд қилишни таъминловчи, унга уланган ташқи ускуналар билан биргаликда ЭХМ, жойнинг рақамли модели (ЖРМ)ни тузиш мақсадидаги аэрофототасвирларни, топографик режа ва хариталарни қайта ишлаш учун фотограмметрик жихозлар кирувчи техник воситалар мажмуи.

Точка контрольная - *назорат нуқтаси* - у орқали лойиҳавий чизик белгиланиши керак бўлган, кўндаланг кесимдаги қайд қилинган нуқта.

Точка плюсовая - *плюс нуқта* - пикетлар орасида жойлашган ва жой рельефининг характерли шакллари жойлашувига мос келувчи трасса нуқтаси ёки трассанинг назорат нуқтаси.

Точка перегиба трассы - *трассанинг ўзгариш нуқтаси* - трасса йўналишининг ўзгариш нуқтаси.

Точка трассы контрольная - *трассанинг назорат нуқтаси* - трасса ўтказиш йўналиши бўйича табиий ёки хўжалик шароитларидан келиб чиққан ҳолда трасса шу нуқталардан ўтиши (ёки айланиб ўтиши) шарт бўлган нуқта. Булар - дарё, жарлар,

ботқоқлик, темир йўл билан кесишмалар, тоғ тузилмаларидан ўтиш довлари, аҳоли яшаш жойларига туташ жойлар ёки шаҳарларни айланиб ўтиш йўллари.

Транспортные связи - *транспорт алоқалари* - лойиҳаланаётган йўл тармоғининг қамров ҳудудида келажакда ёки ҳисобий йилда юklar ва йўловчиларни ташиниш миқдори ҳамда йўналишлари ифода этилган график тасвир. Унинг турлари - туманлар ичидаги, туманлараро, вилоятлараро, давлатлараро, халқаро.

Трасса дороги - *йўл трассаси* - автомобиль йўли ўқининг жойидаги лойиҳавий ҳолатига жавоб берувчи ва икки текисликда, яъни горизонтал (режа) ва вертикал (бўйлама кесим) текисликлардаги акси билан аниқланадиган фазодаги ҳолати.

Трассирование - *трассасини ўтказиш* - берилган пунктлар оралиғида автомобиль йўли трассаси топографик, геологик, гидрологик ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳамда эстетик талабларга риоя қилган ҳолда ўтказиш.

Трассирование клотоидное - *клотоидал трассани ўтказиш* - кўпроқ катта ўлчамли туташ айлана ва ўтиш эгрилардан ташкил топган; тўғри чизиқлари унча катта бўлмаган ёки умуман бўлмайдиган йўл трассасини ўтказиш.

Угол поворота трассы - *трассанинг бурилиш бурчаги* - трасса йўналишининг режада ўзгариши. Бурилиш бурчаги трасса йўналишининг давоми билан унинг янги йўналиши орасида ўлчанади.

Уклон поперечный - *кўндаланг нишаблик* - йўл конструкцияси бирон бир элементи юзасининг (йўл пойи, йўл тўшамаси қатламлари) йўл ўқига перпендикуляр бўлган йўналишда ўлчанадиган горизонтал сатҳдан оғиши.

Уклон продольный - *бўйлама нишаблик* - лойиҳа чизигининг бўйлама йўналишдаги горизонталдан оғиши. Энг катта бўйлама нишаблик бўйлама кесимни лойиҳалашда қурилиш баҳоси, транспорт харажатлари ва ҳаракат хавфсизлигининг оқилона уйғунлиги таъминланган, чегаравий рухсат этилган нишабликдир. У ҳисобий автомобиль тури, йўл тоифаси ва жойининг рельефига боғлаб белгиланади.

Ход трассы - *трасса йўли* - жойининг рельеф шароитларига қараб трассани ўтказиш. Трасса йўллари қуйидагилар: водий йўллари - дарё водийларининг сув босмайдиган қисмидан унинг йўналиши бўйича, сув айирғичга кўтарилмасдан ўтади; сув айирғичдаги йўллар

- дарё водийлари орасидаги сув айирғичлар билан кесишган (довон бўйлаб) ҳолда бир водийдан бошқа водийга ўтади; тоғ ёнбағирдаги йўллар - водий ва сув айирғич орасидаги нишаблик бўйича ўтади.

Ходатайство (декларация) о намерениях - *мўлжаллар ҳақида расмий ариза (баёнот)* - ижро ҳокимияти маҳкамасига тақдим этиладиган, йўл қуриш мўлжалланаётган объектнинг умумий тавсифномасини, фойдаланиш муддатлари кўрсатилган ҳолда ерларни вақтинча ажратиб олиш ва мусодара қилиш зарурати ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган дастлабки лойиҳа олди ҳужжати.

Цифровая модель местности (ЦММ) - *жойнинг рақамли модели (ЖРМ)* - жойни математик моделлаш учун мўлжалланган бошланғич маълумот (рақам)ларнинг тартиблаштирилган рўйхати.

Шаг проектирования - *лойиҳалаш қадами* - бўйлама кесимда лойиҳа чизигининг бурилиш нуқталари орасидаги масофа.

Шейка серпантина - *серпантин «бўйинчаси»* - йўлни илон изи тарзида ўтказишда эгриларни ҳосил бўлган ўткир бурчаклар ичига олишнинг иложи бўлмайди, чунки эгрининг узунлиги унинг тангенс-лари йиғиндисидан анча кичик бўлади. Шунда йўлнинг бўйлама нишаблиги эгрилик қисмида рухсат этилгандан анча ортиқ бўлиб чиқади. Бурилиш бурчагининг ташқи томонидан чизилган (ўтказилган) эгрилар қўлланилади, улар серпантинлар дейилади. Серпантин тескари эгриларининг учлари орасидаги масофа «бўйинча»дир.

Ширина земляного полотна - *йўл пойи кенлиги* - қирғоқлар орасидаги масофа, йўл тоифасига қараб меъёрланади.

Эпюра грузонапряженности дороги - *йўлнинг юк ташиш тизиглиги эпюраси* - бир бирлик вақт ичида йўлнинг берилган оралиғидан тонна ҳисобида ташиб ўтилган юк оғирлигининг график кўринишдаги ифодаси.

Эпюра интенсивности движения - *ҳаракат жадаллиги эпюраси* - берилган оралиқдан ўртача бир йилдаги, ўртача бир кечакундуздаги автомобиллар ҳаракати жадаллигининг график кўринишдаги ифодаси.

GPS(Global Positioning System) - *технологиялар* - автомобиль йўлларининг кидируви, лойиҳаланиши, қурилиши ва фойдаланилишидаги геодезик ишларни бажаришда қўлланиладиган йўлдош-навигацион тизим.

1.3. Автомобиль йўлининг элементлари (қисмлари).

Биклотоида - *биклотоида* - бир хил эгриликдаги, туташтиш нуктасида бир хил кичик радиусларга ва умумий уринмага эга бўлган икки клотоиддан иборат эгри.

Биссектриса кривой - *эгрининг биссектрисаси* - трасса бурилиш бурчаги учини эгри ўртаси билан туташтирувчи тўғри чизик бўлаги.

Бордюр - *ҳошия* - катнов қисми сирти билан бир сатҳда ёки ундан юқорида ўрнатилган қопламанинг конструктив ён чегараси.

Бровка - *йўл қирғоғи* - **2.2. бандга** қаранг.

Вираз - *вираз* - кичик радиусли эгрилarda қуриладиган, эгри марказига йўналган катнов қисми бир нишабли кўндаланг кесими. Виразнинг асосий элементлари: катнов қисмининг бир кесимнинг кўндаланг қиялиги; бир нишабли кесимли участканинг узунлиги; виразга ўтиш узунлиги (икки нишабли кесимдан бир нишабли кесимга ва аксинча ўтиш амалга ошириладиган қисм). Бу ўлчамлар қийматини танлаш ҳисобий тезликка, эгри радиусига ва унинг марказий бурчагига, катнов қисм кенглигига боғлиқ. Автомобилнинг эгрида устуворлигини ошириш учун қурилади. Турли кўндаланг қияликлар билан зинасимон виразни қуриш мумкин.

Вставка прямая - *горизонтал эгри орасидаги тўғри чизик* - бир ёки қарам-қарши томонга йўналган режадаги ёнма-ён эгилар орасидаги трассанинг тўғри қисми.

Дорожная одежда - *йўл тўшамаси* - транспорт воситаларидан тушадиган оғирликни қабул қилувчи ва уни тупроқли асосга ёки тупроқ ости қисмига ўтказувчи кўп қатламли (баъзи ҳолларда бир қатламли) тузилма. Йўл тўшамасининг юқори қатлами йўл қопламасидан, остки қатлами эса асос ва асоснинг қўшимча қатламларидан иборат.

Земляное полотно - *йўл пойи* - йўл тўшамасининг конструктив қатламлари ва йўлнинг бошқа элементларини жойлаштириш учун асос бўладиган йўл иншооти. Йўл пойи, йўл ёқалари, ён-бағир қияликлари ва табиий остки тупроқларининг устуворлигини таъминлаган ҳолда маҳаллий (ёки ташиб келинган) тупроқлардан кўтарилади. Йўл пойи кўтарма ёки ўйма кўринишда, тоғ ён бағрида эса ярим кўтарма - ярим ўйма кўринишда қурилади. Йўл пойига у билан боғлиқ бўлган сувларни кетказиш тизимлари: ариқлар, захиралар, ернинг захини қочириш қурилмалари қиради. Йўл пойи

кенглиги - қирғоқлари орасидаги масофа бўлиб, йўл тоифасига қараб белгиланади.

Канава боковая (кювет) - *йўл четидаги ариқ (ён ариқ)* - катнов қисмидан ва атрофдан оқиб келадиган ер ости сувларини йиғиш ва кетказиш учун йўл пойи бўйлаб жойлашадиган ариқ, кўндаланг кесими нов, учбурчак ёки трапеция кўринишида бўлиши мумкин.

Клотоида - *клотоида* - эгрилиги унинг узунлигига тескари мутаносбликда ортувчи ($R=F^2/L$) эгри. Шунингдек “Биклотоида”га қаранг.

Кривая в плане - *режадаги эгри* - трасса йўналиши ўзгарганда йўлнинг режасида қуриладиган эгри чизикли йўл қисми. Катта радиусли битта айлана эгридан ёки бир нечта эгридан, яъни айланма эгри ва одатда, кичик радиусли айлана эгриларда ҳаракат шароитини яхшилаш учун қуриладиган ўзгарувчан радиусли эгрилардан ташкил топиши мумкин.

Кривая вспомогательная - *ёрдамчи эгри* - трасса йўналиши ва серпантиннинг тўғри чизиги орасидаги ўтиш эгриси.

Кривая в продольном профиле (вертикальная) - *бўйлама кесимдаги (вертикал) эгри* - қиялик ўзгаришида бўйлама кесим бурилишни туташтирувчи эгри чизик. Эгрилар қабарик ва ботик бўлиши мумкин. Қабарик эгри баландликка кўтарилишдан пастга тушишда, шунингдек баландликка кўтарилишда қиялик камайганда ёки пастга тушишда қиялик ортганда қўлланилади. Ботик эгри пастликдан баландликка кўтарилишда, шунингдек пастга тушишда қиялик камайганда ёки баландликка кўтарилишда қиялик ортганда қўлланилади. Бўйлама кесимни лойиҳа чизиги синган жойда қияликларни фарқи йўлларни тоифасига қараб, бўйлама кесимда вертикал эгри чизик лойиҳаланиши лозим.

Кривая коробовая - *коробали эгри чизик* - бир қатор айланма эгри чизиклар. Туташув нукталарида умумий уринмаларга эга бўлган, бир йўналишдаги эгрилик билан бир қатор айланма эгри чизиклардан иборат бўлган эгри.

Кривая круговая - *айлана эгри* - айлана ёйини ифодаловчи (ўтиш эгриларсиз) режадаги эгри чизикли қисм.

Кривая основная - *асосий эгри* - серпантиннинг айланма эгри ва иккита ўтиш эгридан иборат бўлган эгри чизикли қисми.

Кривая переходная - *ўтиш эгриси* - режадаги трассанинг турли эгри қисмлари орасида, шу жумладан, трассанинг тўғри қисми ва айлана эгри орасида равои ўтиш ҳосил қилувчи ўзарувчан

радиусли эгри чизик. Ўтиш эгриси клотоид, лемникаст, кубли парабола, коробали эгри ва бошқалар бўйича қурилади.

Кривые обратные - *тескари эгрилар* - йўналиши бўйича турли эгриликдаги туташ эгрилар.

Кривые односторонние - *бир томонлама эгрилар* - бир томонлама эгриликли туташ эгрилар ташкил топган эгрилар.

Обочина - *йўл ёқаси* - йўл пойининг икки томонида йўл ёқаси жойлашган бўлиб, у қатнов қисмининг ён томонидан йўл пойининг кирғоғигача бўлган жойдир. Йўл тўшамасининг четларини бузилишдан сақлаш, носозлик вақтида автомобилни мажбуран тўхтатиш, бекатларни тўсиқларни, сигнализаци воситалари ва ҳаракат ҳавсизлигини таъминловчи бошқа воситаларни жойлаштириш учун мўлжалланади. Йўл ёқалари махсус ишлов берилмаган (тупроқли) ва маҳаллий материаллар (чақик тош, шағал, тошлок) билан ёки ўтларни экиб мустаҳкамланган бўлиши мумкин. Йўл ёқасининг кенглиги йўл тоифасига қараб белгиланади.

Островок - *оролча* - йўлларнинг бир сатҳдаги кесишмаси ва туташмасининг элементи. Ҳаракатни ташкил қилишни яхшилаш ва ҳавфсизликни таъминлаш учун қурилади. (8- бўлимга қаранг.)

Остановка автобусная - *автобус бекати* - йўлда автобусларнинг қисқа муддатли тўхташлари учун махсус жиҳозланган, тушиш майдончаси ва айвончаси бўлган ёки йўловчилар учун павильон ва тезликни ўзгартириш тасмалари бўлган майдонча.

Ответвление соединительное - *бирлаштирувчи шохобча* - турли сатҳдаги йўлларнинг кесишиш ёки туташтириш элементи. Йўлларнинг қатнов қисмларини ўзаро туташтириш ва ҳаракатнинг бир йўлдан бошқа йўлга ўтиши учун мўлжалланади. Чапга ва ўнгга бурилиб ўтиш кўринишидаги бирлаштирувчи шохобчалари мавжуд.

Переезд железнодорожный - *темир йўлни кесиб ўтиш жойи* - автомобиль йўлининг темир йўл билан бир сатҳда кесишиши. Одатда, темир йўл бекатлари ва маневр йўллари чегарасидан ташқарида ўрнатилади. Кесиб ўтиш жойлари бошқариладиган ва бошқарилмайдиган бўлади.

Перекресток - *чорраҳа* - аҳоли яшаш жойлари доирасида кўчаларнинг кесишиши.

Пересечение дорог - *йўлларнинг кесишмаси* - келиб туташувчи йўллар узилмайдиган ва уларнинг ҳар бири бўйлаб ҳаракатланиш мумкин бўлган автомобиль йўллари тугуни. Йўлларнинг кесишмаси

уларнинг аҳамиятига ва ҳаракат жадаллиги қараб бир ёки турли сатҳда қурилади.

Пересечение дорог в одном уровне - *йўлларнинг бир сатҳда кесишмаси* - учрашувчи йўллар ва ҳаракатни бир йўлдан бошқасига ўтказиш учун хизмат қиладиган барча махсус қурилмалар бир сатҳда жойлашган йўллар кесишмасининг тури. Йўлларнинг бир сатҳдаги кесишмаси ҳаракат жадаллигига қараб оддий йўллар кесишмаси кўринишда ёки транспорт оқимларининг ажралишида, қўшилишида ва кесишишида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун махсус қурилмалар (оролчалар, тезликни ўзгартириш тасмалари) мажмуаси қўлланилган мураккаб (каналлаштирилган) кўринишда бажарилади.

Пересечение дорог в разных уровнях - *йўлларнинг турли сатҳдаги кесишмаси*. «Транспорт ҳаракати ечими» га қаранг.

Подъем - *баландликка кўтарилиш* - лойиҳа чизигининг горизонтал текисликдан юқорига кўтарилиши.

Полоса движения - *ҳаракат тасмаси* - қатнов қисмининг транспорт воситаларининг бир қатор ҳаракати амалга ошириладиган бўйлама тасмаси. Ҳаракат тасмасининг кенглиги (эни) хавфсизлик оралиқларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобий автомобиль кузовининг энига қараб олинади. Йўл тоифасига қараб белгиланади.

Полоса движения дополнительная - *қўшимча ҳаракат тасмаси* - қатнов қисми кенгайтириш усули билан қуриладиган ва баландликка кўтарилишда узоққа чўзиладиган қисмларда транспорт оқимининг аралаш таркиби учун ҳаракатни ажратиш тасмаси сифатида, шунингдек автомобилнинг тезлигини ошириш ва тўхташ тасмаси, кесишима ва туташмаларда оқимларнинг қўшилиш ва ажралиш тасмалари сифатида фойдаланиладиган ҳаракат тасмаси.

Полоса краевая - *четки тасма* - транспорт воситалари ҳаракатини ташкил этиш ва йўл қопламаси четини бузилишдан сақлаш учун йўлнинг четки ~ белги қўйиш минтақасини жойлаштириш мақсадида юқори тоифали йўлларда йўл тўшамасини (0,2...0,3 м) кенгайтириш. Одатда, қатнов қисмдан ранги билан фаркланади.

Полоса отвода - *йўл учун ажратилган жой* - автомобиль йўли ва унинг барча иншоотлари жойлашадиган ер. Йўл учун доимий ажратилган жойнинг кенглиги йўлнинг тоифасига қараб белгиланади. Шунингдек, ёнбошдаги захиралар, очиқ конлар (карьер) қуриш учун вақтинчалик ажратилган жой ҳам бўлиб, улар қурилиш тугагандан сўнг қайта тикланиши ва ердан фойдаланувчиларга қайтарилиши лозим.

Полоса переходно-скоростная – *тезликни ўзгартириш тасмаси* - асосий тасмалар бўйлаб ҳаракатланаётган умумий транспорт окимидан чиқиш жойида ёки оқимга киришда автомобилнинг секинлашишини ёки тезлашишини таъминлаш учун қуриладиган ҳаракат тасмаси. Асосан, кесишима ва туташималарда, шунингдек автомобиллар бурилиб оладиган жойларда, автобус бекатлари олдида ва бошқа жойларда қурилади. Улар икки турда: асосий қатнов қисмига параллел тарзда доимий кенгликда ва ўтиш тасмаси узунлигида аста-секин ўзгарувчан кенгликда қурилади.

Полоса разгона - *тезликни олиш тасмаси* - йўлнинг айрим қисмларида (кешишима ва туташмалар, автобус бекатлари, ёқилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа жойларда) қуриладиган, автомобилларнинг ўз тезлигини қўшни ҳаракат тасмасидаги тезликка етказиб олиши ва унга кириши учун хизмат қиладиган ҳаракат тезликни ўзгартириш тасмаси.

Полоса разделительная - *ажратиш тасмаси* - транспорт воситаларининг бир қатнов қисмдан бошқасига ўтишининг олдини олиш мақсадида, йўлнинг икки қўшни қатнов қисмини ёки икки қарама-қарши йўналишдаги ҳаракатни ажратувчи тасма. I -тоифали йўлларда қурилади.

Полоса стоянки - *автомобиллар туришига мўлжалланган жой* - юқори тоифали йўлларда автомобиллар тўхташи учун йўл четида қуриладиган қаттиқ қопламали жой.

Полоса торможения - *тезликни камайтириш тасмаси* - йўлнинг айрим қисмларида қуриладиган, автомобилларнинг асосий окимига таъсир кўрсатмасдан тезликни камайтирадиган ҳолда умумий окимидан чиқиб кетиш учун хизмат қилидиган тезликни ўзгартириш тасмаси.

Полоса укрепленная - *мустаҳкамланган қисм (тасма)* - қатнов қисмини чекловчи, одатда, ранги билан ундан фарқланувчи қаттиқ қопламали қисм. Ҳаракат хавфсизлигини ошириш ва қатнов қисм четининг бузилиши олдини олиш мақсадида йўл ёқасида ва ажратиш тасмасида қурилади.

Примыкания дорог - *йўлларнинг тушаималари* - автомобиль йўлларининг тугуни, бир йўлга бошқа, бевосита давоми бўлмаган ва шу тугунда тугайдиган йўлнинг бир ёки турли сатҳ туташishi.

Проезжая часть - *йўлнинг қатнов қисми* - транспорт воситаларининг бевосита ҳаракати учун кўзда тутилган йўлнинг асосий элементи. Ҳаракат жадаллигига қараб қатнов қисм бир, икки, уч ва кўп тасмали бўлиши мумкин. Қатнов қисм кенглиги қоплама

четлари оралиғида ўлчаниб, йўлнинг тоифаси ва ҳаракат тасмаси сонига боғлиқ.

Профиль дороги поперечный - йўлнинг кўндаланг кесими - йўл кесимининг ўқиға перпендикуляр бўлган текисликдаги ифодаси. Лойиҳаланаётган йўлнинг кўндаланг кесимини икки нишабли - йўл ўқидан йўл пойи қирғоғига мутаносиб (симметрик) равишда пастлаб борувчи қияликда, бир нишабли - йўл пойининг бир қирғоғидан иккинчисига қараб пастлаб борувчи қияликда бўлиши мумкин. Кўндаланг кесим элементлари: қатнов қисм, йўл ёқалари, ажратиш тасмаси, сувни кетказиш ариқлари, ёнбағирлар ва бошқалар.

Профиль дорог продольный - йўлнинг бўйлама кесими - йўлнинг ўқи бўйлаб ёки унга параллел тарзда ернинг таббий юзаси нуқталарни ва лойиҳа чиғиғи нуқталарини ва лойиҳаланаётган йўл ер юзасининг бўйлама қирқими шартли ифодаси. Йўл пойи қурилиши учун қўшимча маълумотлар ва тўғри чизикда берилган жой вазияти билан йўлнинг шартли режаси қиритиган жойнинг тавсилотлари тўлиқ кўрсатилади. Бўйлама кесим элементлари: қабарик ва ботик эгрилар, горизонтал ва бошқа тўғри чизиклар (чиқиш ва тушиш) кўрсатилади.

Радиус кривой в плане наименьший - *режадаги эгрининг энг кичик радиуси* - виражлар қурилиши ҳамда қатнов қисмни кенгайтириш билан қуруқ, нам қопламада автомобилларнинг ҳисобий тезлик билан хавфсиз ҳаракати таъминладиган радиус.

Серпантина - *серпантин* - трассанинг ўткир бурчак остида туташувчи икки йўналиши орасидаги бурилиш бурчагини ташқи томондан ифодаладиган режадаги эгри чизик тури. Одатда, йўллар тоғли жойда тоғнинг тик ёнбағрида ўтказилганда қўлланилади. Умумий ҳолларда асосий эгри, иккита ёрдамчи эгри ва асосий ҳамда ёрдамчи эгри чизиклар орасида жойлаштириладиган иккита тўғри чизиклардан иборат.

Спуск (салбий қиялик) - *тушиш* - лойиҳа чизигининг горизонтал майдонга нисбатан пастга оғиши.

Съезд противоаварийный - *аварияга қариш тушиш йўли* - йўлга ёндош, туташ чегарада ёки охирида жойлашадиган, транспорт воситасининг тормоз қурилмалари ишламай қолганда, ўтиш йўли юзасига ғовак материаллар (қум, шағал) тўшаш воситасида ҳаракатга (тепага чиқишга) қаршилиқни ошириш йўли билан мажбурий тўхтатиш учун кўзда тутилган боши берк кўча.

Съезд (въезд) соединительный - *боғловчи тушиш (қирши) йўли* - йўлларнинг турли сатҳларда кесишиш ёки туташуш элементи.

Йўлларнинг қатнов қисмларини ўзаро боғлаш ва ҳаракатни бир йўлдан иккинчисига ўтказиш учун кўзда тутилади. Чапга бурилиб тушиш-чиқиш ва ўнгга бурилиб тушиш-чиқиш йўллари мавжуд.

Левоповоротный съезд - *чапга бурилиб тушиш* - чиқиш йўли - кесишувчи йўлларнинг қатнов қисмларини туташтиради ва кесишаётган йўл бўйича чапга ҳаракатни давом эттириш учун мўлжалланади. Чапга бурилиб тушишчиқиш йўли куйидагича бўлиши мумкин: тўғри - ҳаракат йўли бўйича тушиш йўли боши режада йўлларнинг кесишиш жойигача, охири эса ундан кейин (ҳаракатнинг бошқа йўлга ўтиши чапга бурилиш билан амалга оширилади) жойлашади; ярим тўғри - тушиш йўлининг боши ва охири йўлнинг кесишиш жойидан кейин жойлашади (ҳаракатнинг бошқа йўлга ўтиши аввал чапга бурилиш, сўнг эса ўнгга бурилиб тушиш билан амалга оширилади); ҳалқали - тушиш йўлининг боши йўлнинг кесишиш жойидан сўнг, охири эса ундан олдин (ҳаракатнинг ўтиши ўнгга бурилиш билан амалга оширилади) жойлашади.

Правоповоротный съезд - *ўнгга бурилиб тушиш-чиқиш йўли* - кесишувчи автомобиль йўлларининг қатнов қисмларини туташтиради ва кейинги ҳаракатнинг кесишувчи йўл бўйича ўнгга бурилишини кўзда тутди. Тушиш йўли боши йўлларнинг кесишиш жойигача, охири эса ундан кейин жойлашади.

Транспортная развязка - *транспорт ҳаракати ечими* - турли йўналишлардаги транспорт оқимининг узлуксиз ҳаракатини таъминловчи йўллар кесишмасидаги муҳандислик иншооти (иншоотлар мажмуаси). Икки ёки бир нечта сатҳда қурилади. Агар транспорт ҳаракати ечимининг тархи (схемаси) автомобиллар ҳаракат йўлининг кесишишсиз, тўхтовсиз ҳаракатини таъминласа, бундай ҳаракат ечими тўлиқ, агар баъзи қисмларини режалаштиришда бир сатҳдаги ҳаракат йўли кесишиш нуқтасига эга бўлса, тўлиқ бўлмаган ҳаракат ечими дейилади.

Тротуар - *тротуар, йўлак* - пиёдалар ҳаракати учун кўзда тутилган йўл (кўча) қисми. Пиёдалар йўлакчасининг такомиллаштирилган тури, одатда, аҳоли яшаш жойлари доирасида ва кўприкларда қурилади.

Уширение проезжей части - *қатнов қисмини кенгайтириш* - ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун йўлнинг баъзи қисмларида (режада кичик радиусли эгриларда, бўйлама кесимда ботик эгрида, бўйлама қияликлар фарқи катта бўлган туташ қисмларда, бўйлама қияликлар фарқи катта бўлган тасмали йўлларда ҳаракатни ажратиш тасмаси қурилганда ва бошқалар) қатнов қисми кенглигини ошириш.

1.4. Автомобиль йўлларидаги муҳандислик иншоотлари

Берегозащитные сооружения - *қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар* - қирғоқ бўйлаб жойлашган автомобиль йўллариини ўпирилишдан, емирилишдан (денгиз, кўл, сув омборлари қирғоқларига тўлқин урилишидан бузилиш) ва ёнбош нурашидан ҳимоялаш учун қурилмалар тизими. Тўлқинни қайтарувчи деворлар, сув ости ва сув усти тўлқин кучини йўқотувчилар (сув ости ёнбағирларини ҳимоялаш учун), тўсиқлар (сув усти ёнбағирларини ва сув сатҳи минтақасини ҳимоялаш учун) кўринишида, шунингдек харсанг ётқизиғи, габионлар ва ҳар хил шаклли темирбетон блоklar ётқизиш йўли билан қурилади. Асосий мақсад тўлқин кучини камайтириш, пляж ва қирғоқ бўйидаги акватория доирасида чўкиндилар тўпланишига қаратилган.

Буна - *тўсиқ* - қирғоқларни ва конусларни ювилишдан ҳимоялаш учун тўғон кўринишининг бир тури бўлган иншоот. Унга тўшак, тошли ташланмалар, тош териш қиради.

Водоотводные устройства - *сувни кетказиш қурилмаси* - йўл пойи ва йўл тўшамасидан сувни кетказувчи, уларнинг ўта намланиши олдини олувчи (ён ариқлар, новлар, сув йиғиш, ернинг захини қочириш қурилмалари), иншоотлар мажмуаси.

Галерея - *тим* - 3.1 бандга қаранг.

Дамба лавиноотбойная (отводная) - *қор кўчкени қайтарувчи (йўналтирувчи) кўтарма дамба* - қор кўчкларининг ёки сел оқимининг ҳаракат йўналишини ўзгартириш орқали йўлни ҳимоялаш ва уларни бошқа дарё ёки махсус қурилган каналларга йўналтириш учун хизмат қиладиган муҳандислик иншооти.

Дренаж - дренаж қурилмаларига қаранг.

Дренажная воронка - *дренаж ўраси* - йўл тўшамасининг икки томони бўйлаб, шахмат тартибида йўл ёқаси тагида қуриладиган ёпиқ турдаги сувни кетказиш қурилмаси. Йўл пойининг устки қисмидан сувни кетказиш ёки қуриштириш учун очиқ юзага чиқиш жойи бўлган ғовак материаллар билан тўлдириладиган қурилма.

Дренажные прорези (завеси) - *дренаж ўйиғи* - тепаликнинг юқори қисмида (икки ён бағирда) ер ости сувларини қочириш учун мўлжалланган дренажнинг такомиллашган тури. Сувли қатламни ушлаб қолиш чуқурлиғи 3 м гача бўлганда сув ўтмайдиган қатлам чуқурликда жойлаштирилади. Ер ости сувлари ушлаб қолинадиган оқимлар йўналишига иложи борица перпендикуляр жойлаштирилади.

Дренажные устройства - *дренаж қурилмаси* - сизот сувлари сатҳини пасайтириш ва йиғиш, йўл пойидан ва йўл тўшамаси остидан уларни кетказиш учун кўзда тутиладиган иншоотлар мажмуаси. Горизонтал ва вертикал турдаги дренажлар мавжуд. Горизонтал дренажларга қувурсимон дренаж, яхлит тешик, дренажли тим, горизонтал қудуклар (дренажлар) киради. Вертикал дренажга қоқиладиган ва тешикли сузгичлар, қудуклар, сифон дренажлар киради. Дренаж қурилмалари қуйидагича ётқазилади: чуқур жойлашган сув ўтмайдиган қатламдан юқорида (мукаммал бўлмаган дренаж); ер ости сувларини тўлиқ ушлаб қолиш учун чуқур жойлашган сув ўтмайдиган қатлам юзасида ёки пастида (мукаммал дренаж).

Дренаж прерывающий (дренаж-преградитель) - *тўсувчи дренаж* - ўйма ёнбағирларда ва тоғ ёнбағридаги кўтармада сувли қатламдан келадиغان сизот сувларини ушлаб қолиш ва ён-бағирга чиқишига йўл қўймаслик учун қуриладиган қурилма. Шунингдек автомобиль йўлининг нам ўймадан кўтармага ўтиш қисмларида пастга тушишда ўрнатилади.

Дренаж противооползневый - *кўчкига қарши қуриладиган дренаж* - кўчкили жойдан юқорида ер ости сувларини ушлаб қолиш учун очик ёки ёпиқ ариқлар тизими кўринишидаги иншоот.

Дренаж трубчатый - *қувурсимон дренаж* - йўл тўшамаси остидан сувни кетказиш учун ёки тўшалган қатламни қуриштириш учун очик жойга чиқадиغان, тешикли ёки ғовакли деворлари бўлган ковак элементлардан ташкил топган ёпиқ турдаги сувни четлатиш қурилмаси.

Запруды, барражи - *тўғонлар, тўсиқлар* - автомобил йўлига юқоридан тушаётган сел оқизикларини ушлаб қолиш учун тош, бетон ёки темир бетондан яхлит ёки панжара тўсиқ кўринишидаги муҳандислик иншооти.

Защитные сооружения - *ҳимоя иншоотлари* - кўчкилар, тош тўқилмалари, қор кўчкилари содир бўладиган жойларда, ён бағирнинг талаб қилинадиган устуворлигини таъминлаш учун кўзда тутилган иншоотлар ва қурилмалар, қирғоқни мустаҳкамловчи иншоотлар, агроўрмонмелиорация иншоотлари ва бошқалар киради. Бу ишлар ёнбағир нисбатан мустаҳкам бўлган даврида бажарилади.

Изгородь плетеная - *тўқилган зов* - бир-биридан 7-8 м оралиқда, шахмат тартибида, узунлиги 10 м ли бўлақлар билан ўрнатиладиган, кўчкиларни ушлаб қолувчи симли қурилма.

Каптаж противооползневый - *кўчкига қарши махсус қурилма(каптаж)* - агар сувли қатлам қирқилган ёки доимий булоқлар мавжуд бўлса, ўймалар ёнбағрида қуриладиган захни қочирувчи ташлама, қувур, қудуқ кўринишидаги муҳандислик қурилмаси. Очиқ юзага чиқувчи ер ости сувларини қочиришни ташкил этиш ва улар таъсирида ёнбағирлар ювилишининг олдини олиш учун хизмат қилади.

Колодец водосборный - *сув йиғувчи қудуқ* - йўлнинг баъзи жойларида юза сувларни ушлаб қолувчи ҳамда бошқа сувларни қочириш ва кетказиш қурилмалари.

Лавинозащитная пирамида - *кўчкидан ҳимоя қилувчи эҳром (пирамида)* - ёнбағирларда қор кўчкини ушлаб қолувчи қурилма. Учтадан сим билан боғланган ва асосий тошлар билан кўмиб қўйиладиган ғўлалардан барпо қилинади. Эҳромлар бир-биридан 2 м ораликда шахмат тартибда ўрнатилади.

Лавинозащитные сооружения - *кўчкидан ҳимоя қилувчи иншоот* - қор кўчишидан ҳимояловчи иншоат - кўчкини тўхтатиш ва унинг ҳаракат йўлини белгиланган йўналишга ўзгартириш учун хизмат қилувчи муҳандислик иншооти.

Обвалонаправляющие сооружения - *ўпирилишни йўналтирувчи иншоотлар* - ўпирилиш жинсларини ушлаб қолувчи ёки уларни маълум жойга - жарга, пастликка йўналтирувчи девор ёки кўтарма кўринишидаги муҳандислик иншоотлари.

Переход пешеходный - *пиёдалар ўтиш жойи* - пиёдаларнинг йўл (кўча)дан хавфсиз ўтишлари учун кўзда тутилган, қатнов қисмда махсус ажратилган, йўл белгилари ва ётиқ йўл белгилари билан белгиланган кўндаланг тасма, автомобиль йўли тагидан ўтган ер ости ўтиш жойи (тоннел), ер усти пиёдалар йўл ўтказгичи.

Площадка обзорная - *қузатиш майдончаси* - ҳаракат қатнашчиларининг қисқа муддатли дам олишлари вақтида жойни қузатиш мумкин бўлган, автомобиль йўли яқинида жойлашган махсус ажратилган майдонча. Махсус жиҳозланган дам олиш майдончаси билан бирга бўлиши мумкин.

Площадка остановочная - *тўхташ майдончаси* - автобус бекатлари ёки енгил ва бошқа автомобилларнинг мунтазам қисқа муддатли тўхташлари режалаштирилган жойларда махсус жиҳозланган майдонча. Унга бориш йўллари қатнов қисмининг тезликни ўзгартириш тасмалари кўринишда бажарилади. Майдонлар ўлчами меъёрлаштирилади.

Площадка отдыха - *дам олиш майдончаси* - транспорт воситаларининг узок муддатли тўхтаб туришлари, йўловчиларнинг дам олишлари учун мўлжалланган, унга кириш ва чиқиш йўли бўлган, ўрмон ёқасида ёки дарахтлар, буталар ва ш.к. ўтказилган бог атрофида жойлашган, автомобиль йўли яқинидаги майдонча. Дам олиш майдони вазифавий белгиланишига қараб автомобилларнинг турар жойи, дам олиш жойи, ахлат ташлаш жойи ва ҳожатхонаси бўлган санитария-гигиена бўлинмаларидан иборат.

Площадка посадочная - *транспортга чиқиш майдончаси* - транспорт тўхташ жойи қопламасидан бироз кўтарилган ва ҳошия (бордюр) билан чегараланган автобус бекатидаги майдонча (ёки автобус станцияларидаги чиқиш олди майдони).

Поглощающие устройства - *ютувчи қурилма* - тўшалган тупроқнинг остки, ғовакли, сув ўтказадиган қатламларидан сувни кетказувчи сув қабул қилиш қурилмаси.

Противооползневые сооружения - *кўчкига қарши қурилмалар* - кўчувчи жинслар ҳаракатига қаршилиқни ошириш учун кўзда тутилган, кўчкига қарши курашиш учун мўлжалланган муҳандислик иншоотлари мажмуаси. У қуритувчи, оқиб келадиган сувларни ушлаб қолувчи, мустаҳкамловчи ва бошқа иншоотларни ўз ичига олади. Йўл қурилиши вақтида ва ундан фойдаланиш жараёнида ҳам ўрнатилади.

Свайные ряды - *қозик оёқли қаторлар* - ёнбағирларда унча катта бўлмаган кувватдаги (1,5 -2 м) тупроқ уюмларини ушлаб қолиш учун мўлжалланган ва мустаҳкам тупроққа шахмат тартибида ўзининг 2/3 узунлигида қоқиладиган бир неча қатор қозик оёқ ёғочлардан иборат бўлган, кўчки тупроқларини механик тарзда мустаҳкамлаш воситаси. Пармалаб ўрнатиладиган ёки пармалаб қоқиладиган қозик оёқлар ўрнатилади.

Селедук (селеспуск) - *сел ўтказгич* - 3.1. бандга қаранг.

Стена волноотбойная - *тўлқин қайтаргич девор* – автомобиль йўли участкасини дарё ва денгиз сувлари таъсиридан ҳимоялаш учун қуриладиган мукамал турдаги муҳандислик иншооти.

Стена заградительная - *тўсиқ девор* - автомобиль йўлига тушадиган тош тўкилмаларини ушлаб қолиш учун тоғ ён бағирларида қуриладиган мукамал турдаги муҳандислик иншооти.

Стена одевающая - *қоплама девор* - об-ҳаво таъсирида тез емирилишга мойил бўлган тупроқлардаги ўймаларни ёнбағрини ҳимоялаш учун усти қопланадиган мукамал турдаги муҳандислик иншооти. Горизонтал куч нолга яқин бўлганда бир ёки кўп қаватли қилиб қия ёки вертикал қатлами бетондан ёки тош териш билан

бажарилади. Асосан, мергелли ингичка тахтали сланецли тупроқларни, чуқур ўймаларни ва кўп сонли майда доналардан ташкил топган делювиал тупроқларни ҳимоялаш учун қўлланилади.

Стена подпорная - *тиргак девор* - орқасида жойлашган тупроқни кулаб кетишдан сақлаб турувчи, устига тушадиган оғирликларни ўзига қабул қилувчи мукаммал турдаги мустаҳкамловчи муҳандислик иишооти. Кўтарма ёнбағирлари ўрнига тик ёнбағирларда ярим ўймада, ўпириладиган ва сейсмик туманларда, тоғ ёнбағрида, дарё ва денгиз қирғоқларида, суриладиган ерларда ва бошқа жойларда қурилади. Темирбетон, бетон, тош териш, габионлар ва ряждан қурилади. Тиргак деворлар юқориги ва пастки бўлиши мумкин. Юқоригиси йўл юзасидан юқорида, пасткиси эса йўл сиртидан пастда жойлашади.

Стоянка автомобильная (автостоянка) - *автомобиль тўхташ жойи* - автомобилларнинг тўхташи ва қисқа муддатли туриши учун аҳоли яшаш жойларидан ташқарида жиҳозланган, катнов қисми кенгайтирувчи майдон.

Траншеи-полки - *ҳандақ-токчалар* - ёнбағирларда емирилишларни ушлаб қолиш учун, автомобиль йўлини уюмлардан эҳтиёт қилиш мақсадида қуриладиган мукаммал турдаги иншоотлар. Тоғ ёнбағирнинг қиялиги 115 гача бўлганида тупроқ тўкилганига қадар турғунликни ошириш учун поғоналар қилинади.

1.5. Йўл - транспорт иншоотлари.

Автобусный павильон (автопавильон) - *автобус павильони* - тўхташ жойларида йўловчиларнинг автобус ёки йўналишдаги бошқа транспорт воситаларини кутишлари учун кўзда тутилган, чипталар сотиш кассалари талаб қилинмайдиган автомобиль йўлидаги иншоот. Автопавильонларни бадий-меъморий жиҳатдан безатишда қурилиш ҳудуднинг миллий хусусиятлари, иқлим шароитлари инобатга олинади.

Автовокзал (автостанция) - *автомобиллар вокзали (автобекат)* - йўловчилар йиғиладиган йирик жойларда келажакни ҳисобга олиб қуриладиган, (1 кеча-кундузда олисга йўл олувчи 1000 ва ундан ортиқ йўловчига мўлжалланган) автотранспорт хизмати биноси. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш, транспорт ҳаракатини бошқариш муассасаси ходимларини жойлаштириш учун мўлжалланади.

Автозаправочная станция (АЗС) - *автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчаси (АЁҚШ)* - жойлашиши ва техник жиҳозлари ёнилги ва мойловчи материалларнинг чакана савдоси ҳамда транспорт воситаларига ёқилги қуйиш учун мўлжалланган иншоот. Ёнилги қуйиш шохобчалари ҳар 30-50 км дан кам бўлмаган масофада жойлашган бўлиши керак.

Автостанция грузовая - *юк ташувчи автомобиллар станцияси* - умумий фойдаланишдаги автотранспорт корхоналарининг ҳаракатдаги таркиби билан мунтазам равишда шаҳарлараро юк ташишни, шунингдек омбордаги жараёнларни амалга оширувчи транспорт корхонаси. Юклар жўнатиладиган ёки қабул қилинадиган йирик марказларда жойлаштирилади.

Гостиница придорожная - *йўл олди меҳмонхона* - йўлдан катновчилар тунайдиган, уларга маиший хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, умумий овқатланиш шохобчаси мавжуд бўлган мажмуа. Меҳмонхона олдида транспорт воситаларининг тўхтаб туришлари учун майдон мавжуд бўлади.

Здания и сооружения автотранспортной службы - *автотранспорт хизмати бино ва иншоотлари* - йўловчи ва юк ташишга, шунингдек ҳаракатдаги таркибга хизмат кўрсатиладиган бино ва иншоотлар мажмуаси. Унга автопавильонлар, йўловчи ва юк автостанцияси, автовокзаллар, мотеллар, назорат-диспетчерлик пунктлари, техник хизмат кўрсатиш станциялари, автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчалари, ювиш жойлари ва бошқалар қиради.

Здания линейные - *йўл хизмати бино ва иншоотлари (линейный бинолар)* - автомобиль йўллариини сақлаш ва таъмирлаш корхонаси жойлаштириладиган бино ва иншоотлар мажмуаси. Унга йўл бошқармаси, йўл бўлимлари, йўл таъмирлаш пунктлари, йўл усталари, таъмирловчилар учун бинолар, йўлни таъмирлаш ва сақлашда банд бўлган, йирик кўприк ва тоннелларни, кечув жойлари ва бошқа иншоотларни қўриқловчи ишчи ва хизматчилар учун уйлар қиради. Йўлга ажратилган ер майдонида жойлаштирилади.

Кемпинг - *кемпинг* - шахсий автомобиллар учун тўхташ жойи ва уларга хизмат кўрсатиш учун жиҳозланган вақтинчалик сайёҳлар жойи.

Колонка заправочная - *ёнилги қуйиш устуни* - суяқ ёқилгини сотиш - тарқатишда қўлланиладиган тақсимловчи ва ўлчов қурилмаси.

Контрольно - диспетчерский пункт (КДП) - *назорат-диспетчерлик жойи* - юк автомобилларига алоқадор юкларни юклаш

учун кулай бўлган жойларда жойлашадиган иншоот, жойлашиш ўрни юк ташишни бошқариш ташкилотлари билан келишилади.

Моечный пункт - *ювиш жойи* - одатда, техник хизмат кўрсатиш ва ёнилғи қуйиш станциялари билан бирлаштирилган, шаҳарга кириш йўлидаги иншоот. Кутувчи транспорт воситалари учун талаб қилинадиган келиш йўллари ва майдончаси мавжуд бўлиб, мотел ёки йўл бўйидаги меҳмонхона яқинида жойлашади.

Мотель - *мотель* - кўп автосаёҳатчилар оқими (бир кеча-кундузда 100 ва ундан ортиқ енгил автомобиль ва автобуслар)ни жалб қилувчи жойларда гараж ёки транспорт воситаларининг туриши учун майдони бўлган, йўлдан ўтувчиларга хизмат кўрсатиш учун махсус мослаштирилган меҳмонхона, ёнида, одатда, ёнилғи қуйиш устуни, шунингдек транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш учун жиҳозлар мавжуд бўлади.

Станция технического обслуживания автомобилей (СТОА, СТО) - *автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси* - техник хизмат, автомобилларни жорий таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар ва баъзи фойдаланиш материаллар билан таъминлаш ишларини бажариш учун ихтисослашган корхона. Техник хизмат кўрсатиш станциялари ишлаб чиқариш белгиси бўйича енгил, юк автомобиллари учун ва аралаш турдаги, ҳудудий белгиси бўйича шаҳар, туман ва йўл хизматиники бўлиши мумкин.

II. ЙЎЛ ПОЙИ ВА ЙЎЛ ТЎШАМАСИ

2.1. Умумий тушунчалар.

Верховодка - *юзаки сув* - кислород етишмаслигидан оксидланиш жараёнлари мавжудлиги натижасида буғланган тупроқларда яшил ёки зангори ранг билан фарқланиб турувчи турли тупроқли қалинлигида ҳосил сув бўлган сатҳи.

Вечная мерзлота - *абдий музлик* - камида уч йиллик давр мобайнида паст ҳароратга эга бўлган тупроқли қалинлиги. Абдий музлик йиллик ҳароратнинг ноль атрофидаги кенглиги чегарасида юқори ҳароратлига (-3°C дан паст бўлмаган) ва паст ҳароратлига (-3°C дан паст) бўлинади. Тарқалиш шароитига кўра яхлит ва оролчали абдий музликларга бўлинади.

Влагоемкость капиллярная - *капилляр намлик сизими* - капилляр ковакларнинг тўлиши билан боғлиқ бўлган тупроқ намлиги.

Влагоемкость объемная(весовая) - *ҳажмий (мезоний) намлик сизими* - капиллярлик ва молекуляр намлик сизими туфайли бирон-бир материалда сақланиб қоладиган сувлар ҳажми (массаси)нинг ушбу материалнинг қуруқ ҳолатдаги ҳажмига нисбати билан аниқланадиган нисбий катталиқ.

Влагоемкость полная - *тўлиқ намлик сизими* - коваклар тупроқ сувлари билан тўлиқ тўлган шароитдаги тупроқ намлиги бўйича аниқланадиган хусусият.

Влагоемкость почвогрунта - *ер тупроғининг намлик сизими* - тупроқнинг муайян шароитларда бир қанча сув миқдорини сиғдириш ва сақлаб қолиш хусусияти.

Влажность воздуха - *ҳавонинг намлиги* - ҳаводаги сув буғининг миқдори; мутлақ ва нисбий намлик, намлик етишмаслиги, сув буғининг эластиклиги, шудринг нуқтаси ва нисбий намлик билан тавсифланади.

Влажность грунта допустимая - тупроқнинг йўл қўйилган намлиги - тупроқни талаб қилинган ҳолатгача ҳали зичлаш мумкин бўлган максимал намлик.

Влажность грунта оптимальная - *тупроқнинг оптимал намлиги* - тупроқнинг тушаётган юк билан зичланишининг стандарт шароитларида унинг максимал зичлигига(қуруқ тупроқда қайта ҳисобланганда) эришиладиган намлиги.

Влажность грунта относительная - *тупроқнинг нисбий намлиги* - тупроқ намлигининг оқувчанлик чегарасидаги намликка нисбати, фоизларда ифодаланади.

Влажность грунта предельная - *тупроқнинг чегаравий намлиги* - тупроқни зичлаш шароитида яна эришиш мумкин бўлган зичлик коэффициенти катталигидаги энг юқори намлик, 0,9 га тенг.

Влажность грунта расчетная - *тупроқнинг ҳисобий намлиги* - муҳандислик ҳисоблашларида фойдаланиладиган, тупроқнинг физикавий - механик хусусиятларини аниқлайдиган намлик.

Влажность (равновесная) природная - *табиий (мувозанатли) намлик* - материалнинг гироскопиклиги билан боғлиқ бўлган табиий намлиги.

Вода грунтовая - *ер ости суви* - ер юзасидан биринчи сув ўтказмайдиган қатламда жойлашган, ер ости сувларини сақлайдиган қатлам юзасидан биринчи ҳисобланган ер ости суви. Ер ости сувлари босимга эга эмас, сатҳи ва махсус миқдори мавсумий ўзгаришга мойил. Уларнинг жойлашиш хусусияти автомобиль йўли қурилишини ташкил қилишга ва шароитга таъсир кўрсатади. Сувлар

куйидагича бўлиши мумкин: тажовузор - таркибида тузли, олтингугуртли ёки, цементбетонларга, эритмаларга, металлларга ва бошқа материалларга зарарли таъсир этувчи кўмир кислотаси

Вода капиллярно-подвешенная - *капилляр-аралашмаган сув* - ер ости сувлари сатҳи билан боғланмаган ва узоқ вақт тупроқ катламида сезиларли аралашувсиз сақланиб турадиган сув.

Вода кристаллизационная (химически связанная) - *кристаллашган (кимёвий боғланган) сув* - тупроқ таркибига кирадиган турли минераллар ва моддаларда кристалл панжаралар ҳосил бўлишида иштирок этадиган, 105⁰С ҳароратда буғланмайдиган сув.

Водопроницаемость грунта - *тупроқнинг сув ўтказувчанлиги* - тупроқнинг гранулометрик (донадорлик) таркиби ва зичланганлик даражасига кўра, босим тушиши, оғирлик кучлари ёки вакуум таъсирида ўзидан сув ўтказиш хусусияти.

Водопроницаемость удельная - *солиштирима сув ўтказувчанлик* - ишчи юзага перпендикуляр бўлган - геосинтетик материал сув ўтказувчанлигининг қалинлигига нисбати.

Газообразные включения - *газсимон қўшилмалар* - тупроқларда бир неча микдорда ёпик (боғланган сувли пленка билан ўралган қаттиқ минерал зарралар орасидаги бўшлиқда жойлашган), эркин (газлар атмосфера билан қўшилган) ва эритмали (ковак сувларида) ҳолатда ҳамма вақт қатнашадиган буғлар ва газлар.

Глей - *глей* - кўп намланган жойларда ва ҳавога яхши тўйинмаган шароитларда ҳосил бўладиган темир оксидли бирикмалардан таркиб топган тупроқ майдони.

Горизонт грунтовых вод расчетный (РУГВ) - *ҳиссий ер ости сувлари майдони* - ер ости сувларининг йўл тўшамаси мустаҳкамлигини қайта тиклаш ёки мукамал таъмирлашлар оралиғи давридаги максимал эҳтимолий кузги(музлашдан олдинги) сатҳи. Тез-тез давомли исиш кузатиладиган минтақаларда ер ости сувларининг мукамал таъмирлашлар оралиғи давридаги максимал эҳтимолий баҳорги сатҳи ҳисоблаш учун қабул қилинади.

Гравитационную свободную - *гравитацион эркин* - тупроқ коваклари таркибида бўлган молекулалар кучига таъсир этмайдиган, сувни тупроқ зарралари юзасида боғловчи, оғирлик ва юзаки таранглик кучи таъсирида томчи-суюқ ҳолатда силжийди.

Грунтовая толща - *тупроқ қалинлиги* - режада ва кесимда геометрик ўлчамларга эга бўлган ва тупроқлардан таркиб топган табиий ёки техноген массив.

Грунтовые воды - *ер ости сувлари* - юқоридан сув ўтказмайдиган жинсларнинг яхлит қоплмасига эга бўлмаган, доимий нам ер майдони юзасидан олдинда жойлашган ер ости сувлари. Босимга эга эмас ва сатҳ ҳамда дебитнинг ўзгариб туришига мойил.

Гумус - *чиринди* - ўсимлик ва жониворлар қолдиқлари, организмларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотларининг чириши натижасида шаклланган тупроқнинг органик моддалари.

Давление поровое - *говакли босим* - тупроқ ковакчаларида жойлашган сувдаги гидродинамик босим.

Дорожная геотехника - *йўл геотехникаси* - йўл пойи иншоотлари ва асосларини уларнинг тадбиқ этилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш, қуриш ва сақлаш масалаларини, транспорт юклари таъсиридаги ва атроф-муҳит билан бўладиган ўзаро таъсирдаги ишларни яхлит мажмуа ҳолида ўрганадиган илмий йўналиш.

Заиление - *лойқаланиш* - тупроқ ковакчаларининг филтрланган сувда бўлган майда муаллақ заррачалар билан тўлиши.

Заложение откоса - *қияликнинг жойлашиши* - қияликнинг горизонтал проекцияси.

Инфильтрация - *сингиш* - йўл тўшамалари ёки тупроқларда сувнинг вертикал сингиши.

Капиллярная зона - *капилляр сатҳ* - намлик миқдори кўпроқ капилляр кучлар таъсири билан белгиланадиган, сувли қатлам устидаги намланган сатҳ.

Капиллярное движение воды - *сувнинг капилляр ҳаракати* - сувларнинг тупроқ таркибига кирувчи фазаларнинг бўлиниш чегарасида юзага келадиган капилляр кучлар таъсирида капилляр коваклар бўйлаб пастдан юқорига ёки бошқа томонга кўчиб юриши.

Консистенция грунта - *тупроқ консистенцияси* - табиий ҳолатдаги юклар таъсирида тупроқнинг барқарорлик даражаси. Нисбий намлик қиймати билан тавсифланади.

Консолидация грунта - *тупроқларнинг бирикиши* - сувнинг сиқилиши ёки тупроқ зарраларининг яқинлашиши ҳисобига юзага келадиган, сувга тўйинган тупроқ қатламининг вақт ўтиши билан аста-секин зичлашиши.

Коэффициент водонасщенности грунтов - *тупроқларнинг сувга тўйиниш коэффициенти* - тупроқ табиий намлигининг тупроқ ковакларининг сув билан тўлиқ тўлишига мувофиқ келувчи тўлиқ намланиш сифимиغا нисбати.

Коэффициент водоотдачи - сувни қайтариб чиқариш *коэффициенти* - гравитацион куритилиш шароитида жинс қайтариб чиқариши мумкин бўлган сув ҳажмининг жинсининг умумий ҳажмига нисбати.

Коэффициент водопроницаемости - сув ўтказувчанлик *коэффициенти* - геосинтетик материал юзасида унинг қатламига сув ўтказувчанликнинг ҳосил қилиниши.

Коэффициент пористости - ғоваклик *коэффициенти* - ғоваклар ҳажмининг қаттиқ жисмлар ҳажмига нисбати. Бирликлар улушида ифодаланади. Тупроқлар учун ғоваклик *коэффициенти* киймати етарли даражада кенг доирада ўзгаради (тахм.0,20-1,5, органик-минерал тупроқларда эса 2-20 гача).

Коэффициент стандартного уплотнения грунта - *тупроқнинг стандарт зичлашиш коэффициенти* - конструкциядаги курук тупроқ зичлигининг худди шу тупроқнинг стандарт зичлик шароитидаги максимал зичлигига нисбати.

Коэффициент увлажнения грунта - *тупроқнинг намланиш коэффициенти* - тупроқ намлигининг стандарт зичлашиш шароитидаги унинг оптимал намлигига нисбати.

Коэффициент фильтрации грунта - *тупроқни сизиб ўтиш коэффициенти* - босим билан юз берадиган ўзгаришлар шароитида сувларнинг тупроқ оралиғидан сизиб ўтиши тезлигига тенг бўлган сув ўтказувчанлик *коэффициенти*, бирликларга тенг.

Кривая депрессии - *эгри турғунлик* - сувнинг ҳаракати юзасидаги тупроқ сувлари сатҳини тавсифловчи чизик.

Кривая компрессионная - *сиқилишдаги эгрилик* - ёнга кенгайиш мумкин бўлмаган шароитлардаги тупроқнинг сиқилишида тупроққа бериладиган босим ва тупроқ ғоваклиги *коэффициенти* ўртасидаги боғлиқликни ифодалайдиган эгрилик.

Кривая консолидация - *бирикиш эгрилиги* - доимий юкланганлик шароитидаги тупроқ деформациясининг унинг таъсири давомийлигига боғлиқлигини тавсифловчи эгрилик.

Лекало откосное - *қиялама лекало* - гипотенуза қиялиги берилган қияликка мувофиқ келадиган, тўғри бурчакли учбурчак кўринишидаги мослама; йўл пойини режалаштириш ва қияликларнинг жойланишини назорат қилш учун қўлланилади.

Механика грунтов - *тупроқлар механикаси* - тупроқларнинг мустаҳкамлик хусусиятлари, уларни бошқаришнинг қонун ва усуллари ҳақидаги фан.

Механические свойства грунтов - тупроқларнинг *механик хусусиятлари* - тупроқларнинг деформацияланишга ва механик кучлар таъсиридаги бузилишларга қаршилиқ кўрсата олишини тавсифлайдиган хусусияти.

Миграция воды - *сувларнинг кўчиб юриши* - босим ва ҳарорат ўзгариши таъсири остида тупроқдаги сувларнинг кўчиб юриши.

Наименьшая влагоемкость почвогрунта - *ер тупроғининг энг кам намлик сизими* - ер тупроғида тортиладиган сувларнинг тўлиқ эркин оқиб кетишидан кейин мустаҳкам сақланиб қолган намлик миқдори.

Органическая часть грунтов - *тупроқларнинг органик қисми* - торф ёки чиринди сифатида намоён бўладиган тупроқ заррачалари.

Осадка основания насыпей - *кўтарма асосининг чўкиши* - кўтарма оғирлигининг юки остида асос тупроқининг мустаҳкамланиши сабабли ёки қатламнинг сув билан таъминланиши шароитларининг ўзгариши туфайли кўтарма асоси юзасининг етарлича секин ва нотекис вертикал ўзгариши.

Парообразную - *буғсимон* - тупроқнинг ҳарорати юқорироқ бўлган жойидан тупроқ совийдиган жойга сув буғи кўринишида силжиши.

Перспективный период - *перспектив давр* - охириги йилда транспорт ҳаракати шароитларининг мураккаблашишидан келиб чиқиб, автомобиль йўли қисмларининг ва йўл тўшамаси тузилмаларининг геометрик параметрлари белгиланадиган вақт даври.

Пленочную связанную - *боғланган парда сув* - тупроқ зарралари билан молекуляр кучлар таъсири оғирлиқ кучидан устун келадиган.

Плодородный слой почвы - *тупроқнинг унумдор қатлами* - ўсимликлар ўсиши учун мақбул физик, химик ва биологик хусусиятларга эга бўлган тупроқ қопламасининг юқори чириндили қисми.

Подтопление временное - *вақтинча сув босиши* - юза сувлар сатҳи камида 30 сутка сақланадиган шароитда кўтармани сув босиши.

Показатели деформативности - *деформацияланиш кўрсаткичлари* - тупроқнинг зўриқиши ҳолатида ўзгаришлари шароитидаги унинг деформацияси ўзгаришини тавсифлайдиган кўрсаткичлар: деформациялар модули, чўкиш модули, ёрилиш модули, кўндаланг деформация коэффициенти.

Показатели прочности - *мустаҳкамлик кўрсаткичлари* - уларнинг ёрдамида ҳар қандай кучланганлик шароитида мустаҳкамликни тавсифлаш мумкин бўлган механик хусусиятлар. Тупроқлар учун бундай хусусиятлар ички ишқаланиш (φ) ва тишлашиш (с) бурчаги ҳисобланади.

Порометрия - *говакликни ўлчаш* - говаклар ўлчамини ўлчаш ва уларнинг жойлашиши таҳлили.

Поток фильтратационный - *сизиб ўтиш оқими* – тупроқ қалинлигининг захни қочирувчи қатламида ҳаракатланувчи эркин сув.

Просадка основания насыпи - *кўтарма асосининг ёрилиши* - ёриладиган тупроқлар, мас., соғ тупроқларнинг намлиниши билан ёки тупроқ қалинлигининг музли таркибида жойлашган ёрилувчи тупроқларнинг эриши билан боғлиқ бўлган кескин нотекис вертикал деформация.

Прочносвязанную - *мустаҳкам боғланган* - тупроқ зарралари юзасида юпка парда ҳосил қилувчи.

Прочность грунтов - *тупроқларнинг мустаҳкамлиги* - тупроқларнинг уринма кучла-нишларга қаршилиги ўлчови. Тупроқ мустаҳкамлиги бузилишининг асосий кўриниши - кесилишгача ўтадиган сўнмас силжиши туфайли унинг бир қисми орқасидан иккинчисининг силжиши.

Разуплотнение грунта - *тупроқ зичлигининг камайиши* - юклар бартараф қилингандан кейин, кўпинча ўймаларни қазиш вақтида ён босим йўқолгандан кейин тупроқ ҳажмининг катталаниши ёки иқлимий омиллар (музлаш ва эриш) таъсири натижасида қурилишда эришилганларга қарши равишда йўл пойи тупроғи зичлиги даражасининг камайиши.

Рыхлосвязанную - *бўш боғланган* - тупроқ зарралари атрофида диффузион қобиқ ҳосил қилувчи.

Водно-тепловой режим - *сув иссиқликнинг ўзгариши* - йил давомида берилган йўл-иқлим минтақаси ва маҳаллий гидро-геологик шароитларга хос бўлган йўл пойи тупроғининг юқори қатламларида намлик ва ҳароратнинг ўзгариши қонунияти.

Водоупор - *сув бардош* - ўзининг юзасида ер ости сувларини ушлаб турувчи, сув ўтказмайдиган жинс қатлами.

Гидроизгипсы - *гидроизогипслар* - ер ости сувлари туришининг бир хил сатҳини бирлаштирувчи чизиклар.

Глубина промерзания - музлаш чуқурлиги - қиш вақтида музлаган тупроқнинг кундалик юзасидан остки чегарасигача бўлган масофа.

Грунт- 4.1. бандга қаранг.

Грунт подстилающий - тўшалган тупроқ - йўл пойи куриладиган, тузилиши бузилмаган табиий грунт ёки йўл тўшамаси ётқизиладиган йўл пойининг устки қисми.

Грунт растительный - ўсимликли тупроқ - ўзининг органик - минералогик таркиби бўйича ерни кўкаламзорлаштириш ёки реновациялаш мақсади учун етарли серхосиллик хусусиятига эга бўлган тупроқнинг табиий юкори қатлами. Йўл курилишида бу тупроқ қирқиб олинади ва кейинчалик фойдаланиш учун бир четга суриб қўйилади, баланд кўтармаларда эса кўтарма тупроғи остида қолдирилади.

Дорожная конструкция - йўлнинг конструкцияси - ўз ичига йўл пойи ва кўшимча қатламли йўл тўшамасини олган муҳандислик иншооти. Лойиҳалаш ва муҳандислик ҳисоблари мажмуасида кўриб чиқилади.

Капиллярность - капиллярлик - тупроқлар ёки бошқа донатор материалларнинг кил ғовақлар - капиллярлар бўйича сувни юкорига, юзаки таранглик ҳисобига оғирлик кучи таъсири йўналишига қарама-қарши йўналишда кўтариш физик хусусияти. Капилляр кўтариш баландлиги капиллярлик ўлчови ҳисобланади.

Коэффициент морозного пучения - музлаган қатламнинг (кўпчиши) қабариш коэффициенти - қабаришдан тупроқ ва йўл тўшамаси кўтарилиш баландлигининг йўл пойи ва йўл тўшамасининг музлаш чуқурлигига нисбати (%). Иқлим, гидрогеологик шароит ва йўл пойи тури инобатга олиниб ҳисобланади.

Коэффициент рыхления - ғовақлик коэффициенти - кўтарма тупроқ ҳажмининг табиий шароитдаги тупроқ массасига нисбати.

Коэффициент уплотнения - зичлаш коэффициенти - захирадан олинган кўтарма тупроқ ҳажми зичлангандан кейинги йўл пойи тупроғининг шу масса ҳажмига нисбати. Кўтармада тупроқ зичлиги унинг захирадаги зичлиги билан солиштириш бўйича таърифланади.

Коэффициент устойчивости - чидамлик коэффициенти $[n]$ - иншоот (кўтарма ёки тоғ ён бағри)нинг чидамлигини таъминлаб берувчи кучлар ёки кучлар моментининг унинг чидамлилигини бузувчи кучлар ёки кучлар моментига нисбати. Чидамлик шарт (чегаравий ҳолат бўйича ҳисобда қўлланилади): агар $n > 1$ бўлса,

тупроқли масса чидамли ҳолатда, $p=1$ бўлса, масса чегаравий мувозанат ҳолатида, $p<1$ бўлса, чидамсиз ҳолатда турибди.

Линзы ледяные - *муз қатламчаси(линзаси)* - йўл пойи тупроқларида ёки табиий жойлашган тупроқларда ва йўл тўшамаси материалларида пайдо бўладиган муз (қатламча) нинг қўшилмалари.

Обвал - *кўчки* - тик тоғ ёнбағирларидан тош харсанглари, тошлар, шағаллар ва йирик бўлакли тоғ қоя тупроқларининг тўсатдан кулаши.

Оплывины - *ювилиб ўприлиш* - ёнбағирда тупроқларнинг ҳаддан зиёд намланиши натижасида чимли қатлам, ёш дарахтлар ва тупроқлар юқори қатлами силжиб ўпририлишининг бошланғич босқичини намоён этувчи юзанинг ўпририлиш тури. Режадаги одатдаги шакли - чўзилган томчи.

Оползень - *ўприлиш* - тупроқларнинг физик хусусияти ёки ёнбағирнинг ташқи кўриниши ўзгариши билан боғлиқ оғирлик кучи таъсирида ер массаси ёки тоғ жинсларининг силлиқ юза бўйича аста - секин силжиши. Бунда ёнбағирнинг устуворлик коэффиценти бирдан кичик бўлади. Силжийдиган қатламлар чуқурлигига боғлиқ равишда чуқур ва юзаки ўпририлиш турлари мавжуд.

Оползневый цирк - *ўприлиш доираси* - одатда ўпририлиш ўчоғининг бир қисми ҳисобланадиган зинапоясимон юзали тақасимон ўпририлиш.

Оползневый очаг - *ўприлиш ўчоғи* - ўзига хос манзарага эга бўлган ва бир неча ўпририлиш доираси ёки алоҳида ўпририлишлардан ташкил топган ўпририлиш тумани.

Оползни контактные - *боғланган ўприлишлар* - шакли, хусусияти ва силжиш тезлиги бўйича турли хил бўлган, кўп сонли ёриқлар - бузилишлар билан ўзига хос бўлган юза ўпририлишларининг тури. Ўпририлишли тўпламлар чуқурлиги 3-6 м дан 15-20 м гача ўзгариб туради.

Оползни ступенчатые - *зинасимон ўприлишлар* - асосий массивдан ажралганда ва катта ўлчамдаги қисм силжиганида зинасимон ўпририлишнинг бундай кўриниши параллел чўзилган кўтармалар ёки тизмалар қаторига хос зиналар ҳосил қилади. Ёнбағирларнинг юқори қисмида вертикал силжиш, унинг ўрта қисмида горизонтал силжиш билан ва пастки қисмида сиқилган минтақа ҳосил бўлиши билан фарқланади.

Осыпь - *тўкилиш* - нураш натижасида йиғилган майда бўлакли маҳсулотлар боғланмаган массаларининг ёнбағир бўйича пастга кўп йиллар давомида, узоқ давом этувчи тўхтовсиз ҳаракати.

Ҳаракат фақат юза қатламда кичик тезлик билан юз беради, бунда бўлақлар сараланади - каттароқлари ёнбағирнинг пастигача тушади, майдалари юқори ва ўрта қисмида қолади.

Пучение - *музлаган қатламнинг кўпчиши* - йўл пойида қишки намликнинг қайта тақсимланиши, тупроқ (айниқса, чангли) ҳажмининг ортиши, намликнинг остки қатламларидан юқорига капиллярлар бўйича кўтарилиш натижасида муз қатламчалари ҳосил бўлиши билан боғлиқ ҳолда кўпчиқ ҳосил бўлиш жараёни. Баҳорги эришда тупроқ ўта намланади ва унинг мустаҳкамлиги кескин камаяди (7.3. бандга қаранг).

Расчет устойчивости склонов и откосов - *ёнбағирлар ва йўл чети қиялигининг чидамлигини ҳисоблаш* - ўпирилиш (кўчки) минтақасида ёнбағир ва йўл чети қиялиги уларнинг барча ҳолатларида биринчи чегаравий ҳолат бўйича (чегаравий мувозанат шарти бўйича) бажариладиган ҳисоб усули. Бунда оғирликларнинг асосий уйғунлиги доимий, узоқ муддатли ва қисқа муддатли оғирликлардан ташкил топади, махсус уйғунликка эса сейсмик ва портлаш ҳаракатлари, технологик жараёнларнинг таъсири ва бошқалар киради.

Резерв - *захира* - автомобиль йўли кўтармасини кўтариш учун фойдаланиладиган тупроқ олинадиган, тўғри шаклдаги, чуқур бўлмаган қазилмалар кўринишида тупроқ ишлаб чиқариш учун ажратилган ҳудуд. Захира қуриладиган йўл яқинида, бевосита кўтарма асоси ёнида, унинг бир ёки икки томонидан ёки тепалик томондан, иложи бўлмаганда эса йўлдан узоқда бир жойда тўпланган тупроқли очиқ конлар учун ажратилган қисмда кўрилади.

Связность грунта - *тупроқнинг боғланганлиги* - тупроқларнинг улар заррачаларини ажратишга интиладиган тазйик куч (юк)ларга қаршилик кўрсатиш қобилияти, шунингдек юпқа дисперсли тупроқларнинг сув билан намланиши ва қуритилишидан кейин алоҳида элементар заррачаларга бўлинмайдиган зич масса ҳосил қилиш қобилияти.

Селевой конус - *сел конуси* - тоғ ёнбағридан катта тезлик билан ҳаракатланувчи сув ва у билан ювилган тоғ жинслари: лойқа, балчиқ, гил, кум ва турли катталиқдаги тошлардан ташкил топган оқим.

Слой дополнительный - *қўшимча қатлам* - йўл тўшамаси қатламларини ҳимоялаш вазифасини бажарувчи (ғовакли, совуқдан ҳимояловчи, лойқаланишга қарши ва бошқалар) асоснинг тузилмавий

катлами. Йўл тўшамасининг мустаҳкамлигини ҳисоблашда инobatга олинади.

Слой конструктивный - *тузилмавий қатлам* - йўл тўшамасининг алоҳида, бир хил материаллардан ва қўшни қатламдаги материаллардан ташкил топган, қўшни қатламдаги материал тури, унинг мустаҳкамлиги ва таркиби билан фарқланадиган қатлами. Йўл тўшамасининг мустаҳкамлигини ҳисоблашда инobatга олинади.

Тип местности - *жойнинг тури* - жойнинг юзасидаги оқим хусусияти ва намлик даражаси бўйича тавсифланадиган мезон: 1 - куруқ жойлар, 2 - йилнинг баъзи даврида ортиқча намликка эга бўлган нам жойлар, 3 - доимий ортиқча намликка эга бўлган зах жойлар. Йўл пойи ва йўл тўшамаларини лойиҳалашда инobatга олинади.

Угол естественного откоса - *табиий қиялик бурчаги* - тупроқ ёки бошқа сочилувчан жисмнинг мувозанат ҳолатида горизонтал билан эркин ёнбағир орасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган энг катта ўткир бурчак. Унинг қиймати йўл пойи ёнбағрининг қўшимча чуқурлиги ва нишаблигини белгилайди.

Уровень грунтовых вод (УГВ) - *ер ости сувларининг сатҳи* - ер ости сувлари юзасининг мутлақ ёки нисбий баландлик белгиси.

Усадка грунтов - *тупроқларнинг чўкиши* - нам тупроқларнинг қуригандан кейин ўз ҳажмини камайтириш қобилияти. Агар гилли тупроқларнинг нам тортиши улар ҳажмининг катталашишига олиб келса, табиий шароитлардаги ногидратланиш жараёни (сувларнинг буғланиши) улар ҳажмининг кичрайишига, б.а., тупроқларнинг чўкишига олиб келади.

Фиброметрия - *фиброметрия* - геосинтетик материаллар элементларининг кўндаланг ва бўйлама ўлчамларини ўлчаш ва уларнинг жойлашиши таҳлили.

Фильтрация - *фильтрация* - тўйинган захни қочирувчи тизимда сувларнинг секин ламинар ҳаракати.

Эрозия - *нураш* - тупроқ қатлами, ер иншоотлари ёки уларнинг баъзи қисмларининг ҳаракатланувчи сув (жала, дарё, денгиз сувлари) таъсирида ўпқонлар, жарлар, ўпирилишлар ҳосил қилиб ювилиши натижасида ёки шамол таъсирида оҳиста бузилиш жараёни.

2.2. Йўл пойи тузилиши ва турлари.

Анкерные удерживающие конструкции - *тутиб турувчи анкерли конструкциялар* - ўпирилган қияликларнинг мустақамлигини таъминлаш учун мўлжалланган, ҳар бири анкерли плиталар ва анкерли тортқичлардан ташкил топган анкерли тортқичларнинг шундай номланадиган бир ёки бир неча қаторлари.

Армогрунт - *армогрунт* - тупроқ билан тортишувчи кучда таққослаганда бирмунча чидаш бера оладиган, горизонтал жойлаштирилган, металл, пластинка тасмалар кўринишидаги арматуралар ва тупроқ қатламларининг конструктив ва технологик бириктириш йўли билан ҳосил қилинган арматурали тупроқ.

Банкет - *банкет* - ўйма ёнбағрининг юза сувлардан ювилишини тўсиш ва ҳимоялаш учун унинг юқори қисми бўйлаб тупроқдан тўқиладиган тўғри шаклдаги (трапецендал ёки учбурчак кесимли) иншоот.

Бассейн испарительный - *буғланиш ҳавзаси* - юза сувларнинг йиғилиши ва кейинчалик буғланиши учун автомобиль йўли бўйидаги сунъий ёки табиий пастлик жой. Сув сатҳининг ўзгариши буғланиш жадаллигига боғлиқ. Йўлдан ён ариқлар бўйича сувни олиб кетиш мумкин бўлмаганда, зарур ҳолларда даштли туманларда ва текис жойларда қурилади.

Берма - *берма* - катта қиялик ва узунликка эга бўлган, йўл пойи ён бағирларининг чизиғи бўйича қовланган тор горизонтал ёки ингичка қия тасма.

Бровка - *қош(қирғоқ)* - йўл пойи юзаси ва унинг ён-бағри текислиги туташган жойдаги кесишиш чизиғи. У бўйича автомобиль йўли пойининг ишчи белгиси аниқланади.

Быстроток - *тез оқар* - телескоп шаклидаги темирбетон қисмлардан зич бириктирилган йиғма нов кўринишидаги сувни четлатиш иншоотининг тури. Катта юзадаги ён бағирларда ўрнатилади ва сув оқимининг юқори тезлигида ҳисобланади. Тоғ ёнбағри ва бошқа ариқлардан (шу жумладан, ўпирилиш доирасидан четга) сувни четлатиш учун хизмат қилади ва сув қайтаргич қудуқ билан тугайди.

Водоотбойный колодец - *сувни қайтарувчи қудуқ* - тез оқимли ёки шаршарали ҳаракатланувчи сувларнинг энергиясини сўндириш учун мўлжалланган захни қочирувчи иншоот.

Водонепроницаемые экраны - сув ўтказмайдиган тўсиқлар - муз кўринишли сувлар оқимида музли тўсиқ қуриш ва уларнинг сунъий иншоотдан узоқроқда юзага чиқиши учун мўлжалланган иншоот.

Водоотвод дорожный - йўлдан сув кетказиш қурилмаси - йўл пойининг ортиқча намланиши ва йўл тўшамасида сувларнинг тўпланиши олдини олиш учун мўлжалланган иншоотлар мажмуи ёки алоҳида конструктив қурилмалар.

Водоотводные устройства - сувни қайтарувчи қурилмалар - йўл пойи ва йўл тўшамасидан сувни четлатувчи ва уларнинг ортиқча намланиши олдини олувчи иншоотлар мажмуи (ён ариқлар, новлар, сув туширувчи қудуқлар, сувни шимувчи ва захни қочирувчи қурилмалар).

Водосток (ливневая канализация) - тарнов (ёгин сувлари канализацияси) - ёмғир ва қор сувларини, кўчаларни суғориш ва ювиш сувларини, захни қочирувчи тизимлар ва биноларнинг ички оқава сувларини йиғиш ва четлатиш учун мўлжалланган шаҳарлардаги ер усти сувларини кетказиш тизими. Қўйидагиларга ажратилади: кўчанинг кўндаланг ён қисми таркибига кирувчи новлар, йўл четидаги ариқ, сувни четлатувчи ариқ, тальвег, ўзан, кичкина ирмоқчадан таркиб топган очиқ тизим; қувурлар тизимидан, сув қабул қилувчи ва кузатувчи қудуқлар ва камералардан ташкил топган ёпиқ тизим ҳамда очиқ ва ёпиқ тизимлар элементларини ўз ичига олувчи аралаш тизим.

Воронки трубчатые - қувурли воронкалар - йўл тўшамасининг захни қочирувчи қатламидан сувларни кетказиш ва йўл пойининг устки қисмини қуриш учун йўл чети остига ўрнатилган соф қақиқ, шағал ва сиздирувчи бетондан иборат қабул қилувчи қисм билан биргаликдаги захни қочирувчи қувурлар.

Выемка - ўйма - берилган кесим бўйича табиий тупрокни қирқиш йўли билан бажарилган ер иншооти; бунда йўл пойининг бутун юзаси ер юзасидан пастда жойлашади. Очиқ ўйма - қор босишдан ҳимоялаш ва ундан қорнинг шамол оқими бўйлаб ўтишини таъминлаш учун ўйма қоши ва йўл пойи қоши орасининг қия ёнбағрида (1:10 дан катта бўлмаган) қуриладиган кичик ўйма.

Выпуск дренажный - дренаж мосламаси - диаметри 8-10 см узунликдаги қувурлардан ясалган, бўйлама захни қочирувчиларнинг кўндаланг чиқарилган қувурлари. Кичик жойлашмадаги захни қочирувчи конструкциялар элементи. Чиқарилган қувур қиялиги бўйлама захни қочирувчининг қиялигидан катта, лекин 0,04-0,05 дан

кичик бўлмаслиги лозим. Кўндаланг чиқарилган қувурлар орасидаги масофа йўлнинг бўйлама қиялиги ва рельефи ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Высота насыпи - *кўгарманинг баландлиги* - йўл ўқи бўйича ер юзасидан йўл пойининг қоши чизигигача ўлчанадиган масофа.

Высота точки местности - *жой нуқтасининг баландлиги* - нуқтадан горизонтал юзагача бўлган вертикал масофа. Баландликлар мутлақ ва шартли бўлиши мумкин. Агар бошланғич горизонтал юза деб денгиз сатҳи қабул қилинса - мутлақ баландлик, агар бошланғич деб шартли юза қабул қилинса - шартли баландлик ўлчанади.

Геокомпозит - *геокомпозит* - компонентлари орасида ҳеч бўлмаганда битта геотўқима материал бўлган ёки тўлиқ геотўқима материалдан ташкил топган таркибий материал.

Геомембрана - *геомембрана* - ҳатто тупроқни сув сизиб ўтишидан ҳимоялаш ёки тупроқнинг муайян қатлами доирасида сувни сақлаб туриш учун қўлланиладиган шароитларда суюқликларни ўтказмайдиган, юпқа, эгилувчан, узлуксиз геосинтетик пленка. Битум геомембраналар ҳам мавжуд.

Георешетка - *геопанжара* - чўзилиш шароитида ишлайдиган битта тўлиқ полимер элементларнинг бирлашмасидан ясалган бир текис тўр кўринишидаги геосинтетик материал; тўр (панжара) туйнукларининг геометрик параметрлари тупроқ билан сезиларли даражада механик бирикишини таъминлайди.

Геосетка - *геотўр* - тўр туйнуғи тўқиш элементига қараганда кенгрок бўлган туташмаларга боғланадиган геосинтетик материал.

Геотекстиль - *геотўқима* - сезиларли улушдаги синтетик компонентли, турли толали хом ашёлардан тайёрланадиган ва ер иншоотларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлашда турли мақсадларда қоплама сифатида фойдаланиладиган тўқима ёки нотўқима ўрамли қурилиш материали.

Геотекстиль нетканый - *нотўқима геоматериал* - ишқаланиш ва ёки ёпишиш воситасида мустаҳкамланган, аниқ йўналтирилган ёки эркин йўл тутилган толалардан ташкил топган тўқима, юпқа тахта ёки наMAT кўринишидаги геосинтетик материал.

Геотекстиль тканый - *тўқима геоматериал* - калава, тола, ип, тасма ва бошқа элементлар бир ёки бир неча компонентларининг, одатда, тўғри бурчак остида тўқилиши йўли билан олинадиган геосинтетик материал.

Глубина выемки - *ўйма чуқурлиги* - ўймада йўл пойи ўқи бўйича тупроқ юзасининг ташқи сатҳидан йўл тўшамаси пастигача бўлган оралик.

Дно корыта - *корито туби* - тупрокли ён қўтармалар ёки уларсиз бевосита йўл тўшамаси куриладиган йўл пойининг зичланган юзасини шартли белгилаш.

Дрена вертикальная песчаная (пластиковая) - *қумли (эгилувчан) вертикал ер ости зах қочирувчи канал* - кучсиз асос (боткок) қатламидаги иншоот, режада зах қочирувчилар шахмат тартибда жойлаштириладики, бу асосдан сувларнинг сизиб ўтишини тезлатиш ҳисобига боткокликдаги йўл пойининг чўкишини тезлаштириш имконини беради.

Дрена вертикальная ребристая - *қовирғасимон вертикал ер ости зах қочирувчи канал* - ўтиш қисми ва майсалар экиб мустаҳкамланган йўл чети орасига ўрнатилган, йўл тўшамасидан сизиб ўтган сувларни йиғиш учун ва майсалар экиб мустаҳкамланган йўл четидан ўтиш қисмига сувларнинг сизиб ўтиши олдини оладиган захни қочирувчи конструкция.

Дрена фильтрующая - *сизиб ўтказувчи ер ости зах қочирувчи канал* - ғовакли тешилган материалдан ясалган қувур ёки ғовак материаллар ётқизилган ва тўлдирилган очиқ чокли, одатда, 1 м чуқурликдаги, ўзини ариқча сифатида намоён қиладиган зах қочирувчи. Зах қочирувчи ҳам юза сувларини, ҳам ер ости сувларини йиғиш учун (одатда, 0,6 м кенгликдаги “сизиб ўтказувчи зах қочирувчи”) ёки фақат ёпиқ ер ости сувлари учун (одатда, 0,15 м кенглик атрофидаги” француз сизиб ўтказувчиси”) фойдаланилади.

Дренажная траншея - *дренаж ҳандаги* - ўзини дренаж сифатида намоён қиладиган, йўл ўқиға параллел бўлган, кучсиз асос (боткоклик) қатламида жойлашадиган йўл пойи чўкишини тезлатадиган иншоот.

Дренажные устройства - *дренаж қурилмалар* - 1.4. бандға қаранг.

Дюза - *дюза* - устунларға ўрнатиладиган ва шамол таъсирида бўлган қияликка деярли параллел жойлаштирилган тўсик, ер усти қатламида қорли шамол оқими тезлигини кучайтиришға кўмаклашиб, кўчки ҳосил бўлишиға тўсқинлик қилади.

Заложение откоса - *йўл ёнбағрининг қиялиги* - йўл ёнбағрининг горизонтал акси.

Земляное полотно улучшенное – *яхшиланган йўл пойи* - йўл пойи материалига курилиш жойида ишлов бериш усули билан ўрнатилган қатлам.

Зероторы (охлаждающие установки И.С.Гапеева) - *зероторлар (И.С.Гапеевнинг совитувчи қурилмаси)* - сув бардошгача тупроққа ботирилган ва керосин билан тўлдирилган ёпиқ металл қувур; музли тўсиқлар куриш учун мўлжалланган.

Иглофильтр - *игнали сузгич(фильтр)* - очик ҳолатда сувни пасайтириш мумкин бўлмаганда, тупроқлардаги сувни 2 м/сут. сизиб ўтказиш коэффициенти билан чуқурликка пасайтириш учун жиҳоз. Сувни шимиш баландлиги 7-8 м.

Канава боковая - *йўл четидаги ариқ* - 1.4. бандга қаранг.

Канава нагорная - *тоғ ён бағри ариғи* - тоғ ён бағридан оқиб тушадиган сувни ушлаб қолиш ва уни йўлдан кетказиш учун йўлнинг тоғли томонидан қазилган ариқ.

Канава перехватывающая - *ушлаб (тутиб) олувчи ариқ* - ўпирилиш ҳаракати йўналишига ўткир бурчак остида ётқазиладиган ариқлар тармоғи кўринишидаги иншоот. Уларнинг туби ва деворлари бетонлаштирилади.

Канава поперечная - *қўндаланг ариқ* - катта ҳажмда сув йиғилиши кутилганда йўл четидаги ариқлардан, йўл пойидан ташқи томонга сувни тушириш учун қуриладиган сувни кетказтиш кетказиш ариғи.

Колодец водосборный - *сув йиғувчи қудуқ* - 1.4. бандга қаранг.

Колодец поглощающий - *сингдирувчи қудуқ* - ер юзасига яқин жойлашган ер ости сувларини сингдира оладиган бирмунча чуқур сув ўтказмайдиган қатламларга тушириш учун оддий ёки бурғуланган қудуқ. Йўл пойидан фойдаланиш шароитларини яхшилаш учун кўпроқ текислик жойларда қурилади.

Кольктафель - *кольктафель* - қорни бошқарувчи таъсир кучига эга, қор кўчкисига қарши, ўзини алоҳида турувчи қурилма сифатида намоён қиладиган, трапеция шаклидаги кесимга эга бўлган иншоот.

Контрбанкет - *контрбанкет* - кўтармага тиргак девор ўрнига қўшимча тўкма кўринишида тупроқдан ёки тошдан қуриладиган муҳандислик иншооти. Тик ёнбағирларда кўтарма этагида ёки ярим кўтарма-ярим ўймада уларни мустаҳкамлаш ёки асоснинг дўппайиб чиқишига йўл қўймаслик мақсадида қурилади.

Коэффициент заложения откоса - *йўл ёнбағрининг қуйилиш коэффициенти* - йўл ёнбағри баландлигининг унинг горизонтал акси - қуйилишга нисбати.

Контрфорс - *контрфорс* - йўл пойи юқори қиялигидаги (юқори нишаблик) жинсларнинг нишаб қатламларига тираладиган бетондан ёки тошдан терилган алоҳида турувчи элемент.

Лоток - *нов* - чуқур бўлмаган (тухумсимон ёки учбурчак кўндаланг кесим) қия ёнбағрига тош ётказилган йўл ёқасидаги сув ўтказувчи ариқ. Амалдаги даврий сув оқимлари кесишишида (сув чуқурлиги 0,2 м дан катта бўлмаган) ёки қатнов қисм юзасидан сувни ўтказиш учун ўтказувчи нов қурилади.

Лоток приприбордюрный - *ҳошия ёқалаб ўтказилган нов* - ҳошия тоши бўйлаб ўтказиладиган новнинг тури.

Лоток телескопический - *телескопик нов* - кўтарма ёки ўймадаги қиялик бўйича ер усти сувларини кетказадиган қурилма. Тор қисми юқорида, бирмунча кенг қисми олдин ётказилган элемент бўлган, бири орқасидан иккинчиси силжийдиган, трапеция шаклидаги темирбетон элементларнинг йиғма конструкцияси.

Насыпь - *кўтарма* - тўкма тупрокдан қилинадиган муҳандислик ер иншооти, бунда йўл пойининг барча юзаси ер сатҳидан юқорида жойлашади .

Насыпь пойменная - *қайирдаги кўтарма* - тошқин вақтида сув босадиган сойлик худудига тўкиб солинган кўтарма.

Насыпь фильтрующая - *фильтрловчи кўтарма* - 3.3. бандга қаранг.

Основание естественное - *табиий асос* - кўтарма асосини тутиб турувчи сифатида фойдаланиладиган табиий жойланиш шароитидаги тупроқ массиви.

Основание насыпи - *кўтарма асоси* - йўл пойи қуриладиган, тузилиши бузилмаган, тўшалган табиий тупроқ.

Откос - *ёнбағир* - сунъий ер иншоотини (йўл пойи, кўтарма тўсиқ ва бошқалар) чегараловчи, ён томондаги қия юза ёки табиий рельеф ёнбағри.

Перепад - *сув туширғич* - сувнинг рухсат этилмайдиган тезлигини камайтириш ва ювилишнинг олдини олиш учун бўйлама кесимда зинапоя шаклига эга бўлган сувни кетказиш ариғи кўринишидаги сув кетказиш қурилмаси. Катта нишабли жойларда қурилади.

Подошва насыпи - *кўтарманинг этаги* - тўшалган тупроққа тиркаладиган кўтарманинг остки юзаси.

Полка земляная - токча - чидамли ёнбағирларда (киялиги 1:3 дан катта) тоғ ёнбағирларини ўйиш йўли билан куриладиган поғона юзаси. Талаб қилинадиган нишабликда ёнбағирни бажариш мумкин бўлмаган ҳолда тиргак ёки қоплама деворлар курилади. Тоғ ёнбағри этаги ва ариқ (қоши сатҳида) орасидаги ўймада 0,5-1 м кенгликдаги токчалар кўзда тутилади.

Полувьемка-полунасыпь - ярим ўйма - ярим кўтарма - тоғ ёнбағрида табиий тупроқнинг бир қисмини поғона шаклида кесиб олиб, ундан ярим кўтармада фойдаланиш ёки ағдаргичга чиқариш билан бажариладиган ер иншооти.

Прослойка геотекстильная - *геотўқимали оралиқ қатлам* - йўл пойини ёки йўл тўшамаси конструкциясини геотўқималар билан қатламлаш. Қуйидагиларга ажратилади: арматурали, дренажли, ковакчали-бўлакли, химоявий, технологик қатламлашлар.

Прослойка изолирующая - *изоляцияловчи оралиқ қатлам* - қўшимча конструктив сув ўтказмайдиган қатлам. Сув сатҳи ёки ер юзаси устида жойлашган йўл тўшамаси остидаги талаб қилинган оралиқни таъминлаш мумкин бўлмаганда йўл пойи қисмига курилади. Яхлит ва ёпиқ (3-8 см қалинликда) ёки тешикчали-бўлакли (10-15 см қалинликда) қатламлашлар фарқланади. Қоплама юзасидан жойлашманинг чуқурлиги II-йўл-иклим минтақалари учун камида 0,9 м ва ер ости сувлари ёки кўтармани узоқ вақт сув босишининг эҳтимолий энг юқори сатҳидан 0,2 м баланд.

Слани - *тахта тўшама(слан)* - кўтарманинг бўш тупроқли асосида оғирликнинг тенг тақсимланишини таъминлаш учун куриладиган тахта тўшама.

Слой земляного полотна рабочий - *йўл пойининг ишчи қатлами* - йўл тўшамасидан музлаш чуқурлигининг 2/3 қисмигача пастда, бироқ ўтиш қисми юзасидан камида 1,5м пастда жойлашган йўл пойининг юқори қисми.

Стена подпорная верховая - *юқори тиргович девор* - кияликни баланд тиклик ҳолатига келтиришда ярим ўйманинг юқори киялиги чегарасида мустаҳкамликни таъминлаш учун мўлжалланган иншоот.

Стена подпорная низовая - *пастки тиргович девор* - ярим кўтарманинг пастки киялиги чегарасида мустаҳкамликни таъминлаш ёки ташқи қирғоқ бўйлаб йўл пойини чегаралаш учун мўлжалланган иншоот.

Улавливающая траншея - *ушлаб қолувчи ҳандақлар* - тоғ ёнбағирларидаги қиялама участкаларда йўл бўйлаб йўл пойининг

юқори томони билан йўлни ўпирилишлардан ҳимоялаш учун мўлжалланган трапециал шаклдаги иншоот.

Улавливающие стены - *ушлаб қолувчи деворлар* - юқори томондаги тоғ ёнбағирларини ўпирилишдан ҳимоялаш учун мўлжалланган иншоот. Тиргович деворлар каби тошлоқ тупроқларда терилган тошлар ёки яхлит бетонлардан амортизацияловчи чўкиндилар билан биргаликда курилади.

Ядро насыпи - *кўтарма ядроси* - юқоридан - ишчи қатламнинг пастки чегараси, пастдан - кўтарма асоси юзаси, ёндан - йўл пойи қирғоқлари орқали ўтказилган вертикаллар билан чегараланган кўтарма қисми.

Шпору гасители - *сув тезлигини пасайтирувчи тўсиқлар* - новдан катта тезлик билан оқувчи сувдан ювилиш таъсирини камайтириш учун нов - тез оқар тубидаги бетон ёки темирбетон тўсиқ.

2.3. Йўл тўшамасининг тузилиши ва турлари.

Водонепроницаемая прослойка (гидроизолирующая) - *сув ўтказмайдиган оралиқ қатлам (гидроизоляцияловчи)* - синтетик материаллар ёки органик боғловчилар билан ишлов берилган, амалий жиҳатдан сув ўтказмайдиган тупроқлар билан қатламлаш.

Дорога грунтовая проселочная - *тупроқли (дала) йўл* - автомобилларни фақат йилнинг куруқ вақтида ёки қишда ўтказиши мумкин бўлган, юриб текислаб қўйилган қопламасиз автомобиль ёки трактор йўли.

Дорога грунтовая профилированная - *текисланган тупроқли йўл* - йўл пойига маълум даражада бўйлама ва кўндаланг кесим бериб, текисловчи йўл машиналари ёрдамида курилган, қопламасиз автомобиль йўли. Мунтазам равишда текислаб туриш талаб қилинади (кесимни текислаш). Намлик ортганда қатнов тўхтатилади.

Дорога грунтовая улучшенная - *яхшилланган тупроқ йўл* - қатнов қисми скелетли қўшимчалар (шағал, куюнди ва бошқалар) киритиш йўли билан яхшилланган, текисланган тупроқ автомобиль йўли, паст турдаги қоплама. ғилдирак излари ҳосил бўлишининг олдини олиш учун доимо текислаб туриш талаб қилинади.

Дорога зимняя - *қишки йўл* - қатнов қисми (яхлит ёки ғилдирак изли) қатлам - қатлам музлатилган ёки зичланган қор ва

муздан қурилган, шунингдек бевосита музлаган дарё, қўл юзасидан ўтказилган йўл.

Дорога лежневая - *тўсинлардан қурилган йўл* - катнов қисми тасма кўринишидаги ёғочлардан қурилган, автомобиль ёки трактор ўтиш кенглигига тенг масофада ўтказилган ва кўндаланг тўсинчалар билан бириктирилган йўл.

Дорожная одежда - *йўл тўшамаси* - 1.3. бандга қаранг.

Дорожное основание - *йўлнинг асоси* - автомобилдан тушадиган оғирликни қоплама билан бирга қабул қилувчи ва уни қўшимча қатламлар ёки бевосита йўл пойи тупроғига тақсимлаш учун кўзда тутилган йўл тўшамасининг остки қўтарувчи қатлами.

Дорожная одежда капитальная - *мукаммал йўл тўшамаси* - энг юқори иш қобилиятига эга бўлган, юқори тоифали йўлнинг хизмат муддатлари ва ҳаракат шароитларига мувофиқ келадиган йўл тўшамаси.

Дорожная одежда низшая - *оддий йўл тўшамаси* - чақиқтош-шағал-қумтош аралашмалари; унча мустаҳкам бўлмаган тош материаллар ва шлаклар; турли маҳаллий материаллар билан яхшилانган ва мустаҳкамланган тупроқлар; ёғоч материаллар ва б.лардан тайёрланган йўл тўшамаси.

Дорожная одежда облегченная - *енгилаштирилган йўл тўшамаси* - III, IV тоифали йўлларда, шунингдек II тоифали йўлларда йўл тўшамасини босқичма - босқич қуришда қўлланиладиган, такомиллаштирилган қопламали (шимдириш усулида боғловчилар билан ишлов берилган қора чақиқтошдан, цемент билан биргаликда битум эмульсия қурилмасида ишлов берилган йирик парчали материаллардан, қумли ёки қумлоқ тупроқлардан ҳосил қилинган асфальтобетонли, катронбетонли) йўл тўшамаси.

Дорожная одежда переходная - *ўтиш йўл тўшамаси* - боғловчиларни қўлламасдан қистириш усулида мустаҳкамланган чақиқнинг мустаҳкам жинсларидан; чағиртош ва бўлакланган тошлардан, шунингдек оптимал донатор таркибли чақиқ-шағал аралашмалардан қурилган йўл тўшамаси.

Дорожные плиты - *йўл плиталари* - йиғма қопламалар ва йўл тўшамаси асосларини қуриш учун қўлланиладиган яхлит материалли плиталар. Темирбетон ва бетон плиталар энг кўп тарқалган, асфальтобетон плиталар, шунингдек синтетик материалли плиталар қўлланиладиган ҳоллар ҳам учрайди.

Дорожное покрытие - *йўл қопламаси* - транспорт воситаларидан тушадиган оғирликни бевосита қабул қилувчи ва берилган фойдаланиш талабларини таъминлаш ва йўл асосини атмосфера омиллари таъсиридан химоялаш учун кўзда тутилган, йўл асоси устига қуриладиган йўл тўшамасининг бир ёки кўп қатламли устки қисми.

Зернистые материалы слоев дорожной одежды - *йўл тўшамаси қатламларининг донадор материаллари* - ўзаро бирикишга эга бўлмаган (чақиқтош, қум, шағал ва б.), алохида доналардан ташкил топган йўл қурилиш материаллари.

Классификация дорожных одежд - *йўл тўшамасини таснифлаш* - йўл тўшамасининг иш қобилятини тавсифлайдиган, уларнинг асосийлигидан келиб чиқиб йўл тўшамаларининг турларга бўлиниши.

Кромка шва - *чокнинг чети (ҳошияси)* - бетон тош тахта ва чок девори юзасида юзага келадиган чизиқ.

Малосвязные материалы слоев дорожной одежды - *йўл тўшамаси қатламларининг кам боғланган материаллари* - ўзаро сезиларли бирикишга эга бўлмаган материаллар, заррачалар; улардан қурилган йўл тўшамалари қатлами бурилишлардаги чўзилишларга қаршилик кўрсата олмайди (қумли, шағалли, чақиқли материаллар). Баъзан бу материаллар кучсиз боғланганлар деб аталади.

Морозоустойчивость дорожной одежды - *йўл тўшамасининг совуққа чидамлилиги* - йўл тўшамасининг йўл қўйилган чегарада совуқдан кўпчиб кўтарилишини чеклаш хусусияти.

Мостовая брусчатая - *чорқирра тош ётқазилган йўл* - параллелепипед шаклига яқин, остига томон торайиб борувчи тошли ёки қуюндили чорқирра - донали материаллардан қурилган мукамал турдаги йўл қопламаси. Боғлагич билан ва чоклари тўлдирилиб қурилади.

Мостовая булыжная - *тош ётқазилган йўл* - донали материаллар - чақиқтош ёки дағал майдаланган тошли шашкалардан иборат йўл асоси ёки ўтувчи турдаги қоплама.

Мостовая клинкерная - *клинкер (сунъий тош) тўшалган йўл* - қумли асосга клинкерли ғишлар ёнламасига ётқазилиб такомиллаштирилган турдаги йўл қопламаси.

Мостовая мозаиковая - *қошинкор тўшама* - донали материаллар - қирралари бир хил ўлчамга эга бўлган тошли ёки сунъий шашкали мукамал турдаги йўл қопламаси. Боғлагич билан ва чоклари тўлдирилиб қурилади.

Мостовая торцовая - *тикка қилиб терилган тош йўл* - кўпинча бетонли асосда олти қиррали ёки тўғри бурчакли ёғоч шашкалардан уларни антисептиклар билан шимдириб ва чокларини тўлдириб қуриладиган (ҳозирги вақтда амалда қурилмаяпти) такомиллаштирилган турдаги йўл қопламаси.

Несвязные материалы слоев дорожной одежды - *йўл тўшамаси қатламларининг боғланмаган материаллари* - бир-бири билан ўзаро бирикишга эга бўлмаган материаллар, заррачалар. Йўл амалиётида кўпинча кам боғланганлар ва заиф боғланганлар билан бирлашади.

Обработка поверхностная - *устки ишлов бериш* - тайёр асос бўйлаб органик боғловчиларни бир ёки икки марта куйиш ва ҳар куйилгандан сўнг мустаҳкам минерал материал (майда тош) дан қатлам сифатида қуриладиган, такомиллаштирилган енгиллаштирилган қоплама. Бундай қопламаларни қуриш жараёни ҳам шундай номланади. (5.1. бандга қаранг).

Основание асфальтобетонное пористое - *серговак асфальтобетонли асос* - минерал кукунсиз серговак а/б коришмасидан (кам мустаҳкамликка эга бўлган бетон ёки бошқа паст маркали бетонлардан) қурилган йўл тўшамасининг тузилмавий қатлами ёки икки қатламли цементбетон қопламанинг остки қатлами.

Основание бетонное (цементобетонное) - *бетонли асос (цементбетонли)* - шиббалаб текисланган бетон ёки бошқа паст маркали бетонларни ҳам киритган ҳолда мустаҳкамланган цементбетонли аралашмалардан қурилган, йўл тўшамасининг конструктив қатлами ёки икки қаватли цементбетон қопламанинг пастки қатлами.

Основание битумогрунтовое - *битум тупроқли асос* - маҳаллий тупроқлар ва органик боғловчи материаллар ҳамда кўшимчалардан уларни тупроқка алоҳида ёки тўпланда киргазиб қурилган, тупроқли асос бўйлаб тақсимланган ва шиббаланган йўл тўшамасининг конструктив остки қатлами.

Основание гравийное - *шағалли асос* - тупроқли асосга тақсимланган ва зичланган, шағал ёки сараланган шағалли, қулай коришмалардан қурилган йўл тўшамасининг остки қатлами.

Основание грунтовое - *тупроқли асос* - тўшалган тупроқ ва йўл тўшамаси орасида ётувчи, зичлаб ёки бошқа усуллар билан энг юқори кўтариш қобилятига етгунча яхшиланган тузилмавий оралик қатлам (асосан - йўл пойининг устки зичланган қисми).

Основание дорожной одежды - *йўл тўшамасининг асоси* - қоплама билан биргаликда босимни пастда жойлашган асоснинг қўшимча қатламларига ёки йўл пойининг тупроқларига қайта тақсимлашни ва пасайтиришни таъминлайдиган йўл тўшамасининг мустаҳкам тутиб турувчи қисми.

Основание золошлаковое *кул-қуюндили асос* - такомиллаштирилган қопламанинг барча турлари остидаги йўл тўшамасининг тузилмавий остки қатлами. Боғловчи сифатида кул - қуюнди ёки кетувчи кул билан, одатда цемент (оҳак)нинг оз миқдор қўшилган аралашмаси билан қатламлари зичлаб курилади.

Основание из укрепленных грунтов - *мустаҳкамланган тупроқли асос* - органик ёки ноорганик боғловчилар билан тупроқ аралаштиргич машина ёрдамида ишлов берилган тупроқлардан курилган ва зичланган йўл тўшамасининг тузилмавий остки қатлами, такомиллаштирилган қопламалар остига курилади.

Основание пакеляжное - *пакелажли (шағал тошли) асос* - кум қатлами устига чақир тош ёки майдаланган тошлардан учини юқорига вертикал қўйиб, юзасини шағал қатлами билан текислаб ва зичлаб куриладиган йўл тўшамасининг тузилмавий остки қатлами.

Основание песчаное - *қумли асос* - йўл тўшамаси асосидан пастга ёки бевосита қоплама остига кумдан куриладиган қўшимча қатлам. Сиздирувчи (дренаж) ва текисловчи қатлам бўлиб ҳам хизмат қилади.

Основание цементогрунтовое - *цемент-тупроқли асос* - цемент (қўшимчалар билан ёки уларсиз) билан ишлов берилган маҳаллий тупроқлар қоришмасидан тупроқли асос бўйича тақсимланиб ва зичланиб куриладиган, такомиллаштирилган мукамал қопламалар остидаги йўл тўшамасининг тузилмавий остки қатлами.

Основание шлакогрунтовое - *қуюнди-тупроқли асос* - боғловчи сифатида доналанган қуюнди ёки цемент (оҳак) қўшилган тупроқ қоришмасидан курилган, такомиллаштирилган қопламанинг барча тури остидаги йўл тўшамасининг тузилмавий остки қатлами.

Основание шлакощебеночное - *қуюнди-чақиқтошли асос* - чақиқтошли асос усули бўйича майдаланган сунъий тошдан курилган, қатламма-қатлам зичланган, бир ёки кўп қатламли йўл тўшамасининг тузилмавий остки қатлами.

Основание щебеночное - *чақиқтош асос* - табиий ёки сунъий ишлов берилган ёки ишлов берилмаган, ғоваклари майдароқ чақиқтош билан тўлдирилган, сув сепиб қатламма-қатлам зичланган йўл тўшамасининг тузилмавий остки қатлами.

Отмостка - *тош тўшама* - тупроқ эрозиясининг олдини олиш учун сув ўтказувчи ёки дренаж қувурининг қуйи томонида донали материаллар (тош териш) билан ер иншооти юзасини мустаҳкамлаш.

Паронепроницаемая прослойка - *буғ ўтказмайдиган оралиқ қатлам* - амалий жиҳатдан сув буғларини ўтказмайдиган йўл тўшамаси қатлами, мас., полиэтилен пленка.

Плита подшовная - *чок остидаги тош тахта (плита)*-цементбетон қопламанинг кўндаланг чоклари остига ётқазиладиган бетон тўсинча ёки тош тахта.

Плита проезжей части - *қатнов қисм тош тахта (плита)си* - бўйлама ва кўндаланг чоклар билан чегараланган цементбетон қопламанинг қисми.

Подушка песчаная - *қумли таглик (қумли ёстиқ)* - устига донали тош материаллар ёки тош тахталарни ётқазиш учун қумли қатлам.

Покрытие дорожное асфальтобетонное - *асфальтбетон йўл қопламаси* - зич асфальтбетон қоришмаларидан (иссиқ, илиқ, совуқ) қурилган ва зичланган бир, икки, уч қатламли, мукамал турдаги такомиллаштирилган қоплама. Совуқ асфальтбетоннинг (одатда, юпқа қатламли) зичланиши автомобиллар ҳаракати натижасида охирига етади.

Покрытие дорожное из асфальтобетона на модифицированном битуме - *модификацияланган битумли асфальтбетон йўл қопламаси* - битум, одатда, унинг ёриқларга бардошлилигини оширадиган турли хил қўшимчалар билан модификацияланган ҳолдаги асфальтбетон аралашмалардан қурилган йўл тўшамасининг устки қатлами.

Покрытие дорожное бетонное - *бетонли йўл қопламаси* - “Цементбетон йўл қопламаси”га қаранг.

Покрытие дорожное гравийное - *шағалли йўл қопламаси* - зичлаш йўли билан шағалли қоришмалардан қурилган ўтувчи турдаги қоплама. Йўл пойининг бутун кесими (ўроқ шаклидаги кесим) ёки фақат қатнов қисми кенглиги бўйича бир ёки икки қатламда ётқизилади.

Покрытие дорожное дегтебетонное - *қатрон бетонли йўл қопламаси* - қатрон бетонли қоришмалардан қурилган ва зичланган, бир, икки қатламли, такомиллаштирилган, енгиллаштирилган қоплама.

Покрытие дорожное из дренаującego асфальтобетона - сув ўтказувчан асфальтбетонли йўл қопламаси - сувни ўз қатламининг ичига буриб юбориб, амалий жиҳатдан ёғинли даврларда ҳам қопламанинг куруқ ҳолатини таъминлайдиган ва автомобиль ғилдирагининг қоплама билан тишлашиши юқори коэффициентига эришишга кўмаклашадиган зич асфальтбетон асосга ўрнатилган, юқори даражада ғовакли махсус асфальтбетон қоплама.

Покрытие дорожное из литого асфальта - қуйма асфальтли йўл қопламаси - таркибида битуми (ғоваклар ҳажмидан 5% га кўп) оширилган ва юқори эгиловчанликка эга бўлган қуйма асфальт кумли қоришмадан қурилган, бир қатламли, зич, такомиллашган, енгиллаштирилган йўл қопламаси. Жойида тайёрланади ва механизациялашган асбоблар билан енгил зичланади.

Покрытие дорожное из песчаного асфальтобетона - қумли асфальтбетонли йўл қопламаси - такомиллаштирилган, мукаммал йўл қопламаси, асфальтбетон қопламанинг бир тури. Скелет қисми бўлмаган асфальтбетон қоришмадан қурилади.

Покрытие дорожное из щебнемастичного асфальтобетона - чақиқ тош мастикали асфальтбетон йўл қопламаси - целлюлоза, минерал кукунлар қўшилган (8...12%), майда чакиктошнинг оширилган микдоридан (10мм дан, баъзан 20мм гача), битумнинг оширилган микдоридан (6...8%) ташкил топган чакиктош-мастика асфальтбетон аралашмали зич қоплама. Зичлашда тебранма катокларни қўллаш тавсия қилинмайди.

Покрытие дорожное капитального типа - мукаммал турдаги йўл қопламаси - цементбетон, асфальтбетон ва тошли ёки бетонли асосга ётказилган чорқирра ва кошинкор тошли такомиллаштирилган қоплама.

Покрытие дорожное колейное - ғилдирак изли йўл қопламаси - ўқлари орасидаги масофа ғилдиракли ёки ўрмаловчи транспорт воситасининг ғилдирак излари орасидаги кенгликка тенг бўлган темирбетон тош тахтадан ёки ёғочли тўшмадан иккита алоҳида ингичка тасма кўринишида ётказиладиган вақтинчалик турдаги ёки махсус белгиланган қоплама.

Покрытие дорожное многослойное - кўп қатламли йўл қопламаси - физикавий - механикавий хусусиятлари бўйича бир хил ёки кам фарқ қиладиган ва ҳисобланган мустаҳкамликни таъминловчи икки қатлам ёки бир турдаги материаллардан кўп қатлам қилиб қуриладиган қоплама.

Покрытие дорожное монолитное - *монолит(яхлит) йўл қопламаси* - пўлат сим (тор)ни олдиндан вақтинчалик таянчларда мустаҳкамлаб тортиб, сўнг цементбетон қопламаси ётқазиб йўли билан қуриладиган, олдиндан зўриктирилган чивикли қуйма қоплама. Бетон 70-80% лойиҳавий мустаҳкамликка эришганидан сўнг симлар таянчдан ажратилади ва уларнинг кучланиши симнинг бетон билан тишлашиши ҳисобига сақланиб қолади.

Покрытие дорожное низшего типа - *паст турдаги йўл қопламаси* - маҳаллий аҳамиятдаги, одатда, V тоифадаги йўлларда қўлланиладиган, кўпинча турли маҳаллий материаллар билан яхшиланган ва мустаҳкамланган, кам мустаҳкамликдаги материаллар ва аралашмалардан қурилган қоплама.

Покрытие дорожное облегченное - *енгиллаштирилган йўл қопламаси* - органик боғловчилар(жумладан, турли қўшимчалар) билан ишлов берилган, чакиктош ва шағал материалли, такомиллаштирилган қоплама, III маркали асфальтбетон.

Покрытие дорожное, обработанное битумом (черное) - битум билан ишлов берилган йўл қопламаси(қора) - суюқ органик боғловчилар билан ишлов берилган, чакиктош ва шағал материаллардан қурилган, такомиллаштирилган, енгиллаштирилган қоплама.

Покрытие дорожное переходного типа - *ўтиши туридаги йўл қопламаси* - IV ва V тоифали автомобиль йўлларида ёки босқичма-босқич қурилишларда қўлланиладиган ва кейинчалик енгиллаштирилган ёки асосий қопламалар учун асос бўлиб хизмат қиладиган қоплама. Чакиктошлардан, шағал ва шлак материаллардан, шунингдек, боғловчилар билан ишлов берилган, маҳаллий, кучсиз тош материаллардан қурилади.

Покрытие дорожное по способу пропитки (пропитка) - *шимдирилган усулдаги йўл қопламаси* - бирмунча майда чакиктошлар жойлаштирилган, органик боғловчиларнинг конструктив қатламлари билан шимдирилган (ёки ярим шимдирилган), чакиктош материаллардан қурилган, кейинчалик бирмунча йирикрок чакиктошларни қўшиб зичланадиган, такомиллаштирилган, енгиллаштирилган қоплама.

Покрытие дорожное по способу смешения(смешение на дороге) - *аралаштириши (йўлда аралаштириши) усулидаги йўл қопламаси* - суюқ органик боғловчилар билан ишлов берилган, чакиктош, шағал, шлак ва бошқа минерал материаллардан, уларни махсус қурилмада иш жойида ёки бевосита йўлда аралаштириш

усули билан қурилган такомиллаштирилган, енгиллаштирилган йўл қопламаси.

Покрытие дорожное сборное - *йиғма йўл қопламаси* - турли шакл ва ўлчамдаги, кўпинча темирбетонли, алоҳида плиталардан ташкил топган, йўлдан ташқарида тайёрланган ва махсус ўрнатгичлар, ҳаракатланувчи кранлар воситасида ёки кўлда (кичик ўлчамли плиталар) ўрнатиладиган қоплама.

Покрытие дорожное струнобетонное - *пўлат симбетонли йўл қопламаси* - вақтинчалик таянчларга мустаҳкамланган пўлат арматуралар дастлабки ҳолатда таранг тортилгандан кейин бетон аралашмани ётқазиш усули билан қурилган, яхлит арматураланган, олдиндан зўриктирилган цементбетон қоплама. Бетонлар лойиҳавий мустаҳкамлигининг 70...80% ига эришилгач, пўлат симлар таянчлардан ажратилади ва уларнинг кучланиши пўлат симнинг бетон билан бирикиши ҳисобига сақланади.

Покрытие дорожное цементобетонное армированное - *арматурали цементбетон йўл қопламаси* - қурилишда унга цементбетон плитанинг эгилишдаги чўзилишини яхшилайдиган арматура (одатда, тўр кўринишидаги пўлат) ўрнатиладиган яхлит цементбетон қоплама.

Покрытие дорожное твёрдое - *қаттиқ йўл қопламаси* - боғловчилар билан ишлов берилган ёки берилмаган ва йўл бўйида автомобиллар қатновини таъминловчи, турли йўл қоришмалари ёки тош материаллар (чақиқтош, шағал, куюнди) дан йўл асосида қуриладиган қоплама.

Покрытие дорожное цементобетонное - *цементбетонли йўл қопламаси* - бир ёки икки қатламли, қуйма цементбетон (ёки полимербетон) қоришмаларидан қуриладиган, иш жараёнида зичланадиган ёки йиғма (яхлит ёки ғилдирак изли), саноатда тайёрланган темирбетон тош тахта (плита)лардан иборат бўлган, такомиллаштирилган турдаги мукамал қоплама. Қуйма қопламалар арматурали, арматурасиз, олдиндан зўриктирилган ва ўзи зўриқадиغان турларга бўлинади.

Покрытие дорожное цементобетонное непрерывно армированное (бесшовное) - *узлуксиз арматурали (чоксиз) цементбетон йўл қопламаси* - деформация чокларини қуришдан ҳалос бўлишга имкон берадиган, узлуксиз тарзда катта узунликда ўрнатиладиган, салмоғи оширилган арматурали яхлит цементбетон қоплама.

Покрытие дорожное цементбетонное предварительно напряженное - олдиндан зўриқтирилган цементбетон йўл қопламаси - чўзувчи кучланиш (бетонни арматурасиз кучлантиришда) қаршилигини ошириш учун цементбетони қурилиш жараёнида олдиндан сиқиб ишланган ёки олдиндан зўриқтириладиган арматурали (торлар, боғламлар, даврий кесимли ўзаклар (стерженлар) мукамал яхлит йўл қопламаси.

Покрытие дорожное шлакобетонное - шлакбетонли йўл қопламаси - таркибига тўлдирувчи сифатида шлакли чақиқ тош қўшилган, бетон қоришмасидан қурилган, такомиллаштирилган мукамал цементбетонли яхлит йўл қопламаси.

Покрытие дорожное щебеночное - чақиқ тошли йўл қопламаси - қатламлари ишлов берилмаган майдаланган тош материаллардан ётказилган (аввал йириклари, сўнг кичикрок бўлаклари), зичланган майда чақиқ тош ва босқичма-босқич сув қуйиб қатламларни зичлаш (эски номи «Оқ шоссе») билан қурилган такомиллаштирилган, энгиллаштирилган ўтувчи турдаги қоплама.

Прослойка изолирующая - изоляцияловчи оралиқ қатлам - қўшимча сув ўтказмайдиган тузилмавий қатлам. Сув сатҳидан ёки ер юзасидан йўл тўшамаси остигача бўлган талаб қилинган масофани таъминлаш мумкин бўлмаганда йўл пойи ичига қурилади. Қатламлар қуйидагича бўлиши мумкин: яхлит ва ёпиқ (қалинлиги 3-8 см) ёки капилляр тўсувчи (қалинлиги 10-15 см). Қоплама юзасидан қуйилиш чуқурлиги II йўл-иқлим минтақаси учун 0,9 м дан кам бўлмаслиги ва ер ости сувларининг мумкин бўлган энг баланд сатҳидан ёки кўтарманинг узок муддатли сув босадиган сатҳидан 0,2 м баланд бўлиши лозим.

Прослойка противозаиливающая - лойқаланишга қарши оралиқ қатлам - боғловчи тупроқ зарраларини юқорига - йўл тўшамасининг тузилмавий қатламларига ўтишидан химояловчи, яъни лойқаланишдан химояловчи қўшимча қатлам.

Слой выравнивающий - текисловчи қатлам - йўл тўшамасининг бирор - бир тузилмавий қатлами юзасидаги нотекисликни текислаш учун турли материаллар ёки қоришмалардан тайёрланадиган юпка қатлам.

Слой дренарующий - захни қочирувчи қатлам - йўл тўшамаси остидан ер ости сувларини четлатишни ва сатҳни пасайтиришни таъминловчи ёки йўл пойини қуриштириш учун хизмат қилувчи ғовакли материаллардан қуриладиган қўшимча тузилмавий қатлам.

Слой износа - *ейилиш қатлами* - кўп қатламли йўл тўшамасининг устки юпка қатлами. Одатда, органик боғловчилар билан ишлов берилган чақиқтошдан йўл тўшамаси юзаси бўйлаб текисланган гиламча кўринишида бажарилади. Қопламанинг ҳисобланган қалинлигига кирмайди ва йўлдан фойдаланиши жараёнида вақтивакти билан тикланиб турилиши лозим.

Слой морозозащитный - *совуқдан ҳимояловчи қатлам* - йўл пойи тупроқларининг ва йўл тўшамасининг манфий ҳарорат таъсиридаги деформацияларини бартараф этиш мақсадида совуққа чидамли материаллардан куриладиган қўшимча тузилмавий қатлам.

Слой подстилающий - *тўшаладиган қатлам* - тупроқли асоснинг юқори қатлами ёки бевосита йўл тўшамаси остида ётувчи, уни кўтариб турувчи қатламларнинг иш шароитини яхшилайдиган материаллар қатлами (қум ва ш.к.).

Слой фильтрующий - *филтрловчи қатлам* - аралашмаган зарарларни ушлаб туришга ва боғловчи чангсимон тупроқнинг юқорига ўтишига тўсқинлик қилишга қодир бўлган, боғланмаган материаллар (боғланмаган майда донали тупроқ ёки майдаланган бир хил майда тош материаллар)дан захни қочирувчи қатлам.

Ширина земляного полотна - *йўл пойининг кенглиги* - «Йўл пойи» 1.3. бандга қаранг.

Ширина проезжей части - *йўл қатнов қисмининг кенглиги* - «Йўлнинг қатнов қисми» 1.3. бандга қаранг.

Ширина шва - *чокнинг кенглиги* - чокни кесишда ҳосил бўладиган бетон қопламанинг, тош тахта(плита)лари орасидаги меъёрий масофа (бўшлиқ).

Шов деформационный - *деформация чоки* - тош тахта(плита)нинг ҳарорат таъсирида силжишига имконият яратиш учун бетон қопламада кесиладиган ҳар қандай чок.

Шов колебания - *тебраниш чоки* - бетон қопламада тузилма кесимнинг баландлиги бўйича ҳароратнинг нотекис ўзгаришида деформацияни камайтирувчи тўрли тортқили бириккан кўндаланг ошиқ-мошиқли чок.

Шов ложный - *ёлгон чок* - юқори қисмда (тош тахта қалинлигининг 1/3 дан кам бўлмаган чуқурликда) тоштахта кесимининг сунъий кучсизланиши натижасида бетон қопламанинг ёриқлар ҳосил бўлиш эҳтимоли кўпроқ бўлган жойларида ўрнатиладиган, чуқурлиги чегараланган деформация чоки. Кейинчалик бетон ёрилгандан сўнг сиқилиш чоки вазифасини бажаради.

Шов поперечный - *кўндаланг чок* - бетон қопламада йўл ўқиға кўндаланг кесилган ва тузилмани узунлиги бўйича бўлувчи деформация чоки.

Шов продольный - *бўйлама чок* - бетон қопламада йўл ўқи бўйича ёки қатнов қисм кенглигига боғлиқ равишда унга параллел кесилган, чўзувчи кучланишлардан юзага келадиган деформацияни камайтирувчи деформация чоки.

Шов расширения - *кенгайиш чоки* - ҳарорат ва намлик ортиганда бетон тош тахтанинг эркин кенгайиши имкониятини таъминлаш учун унинг бутун кенглигида бажариладиган кўндаланг чок.

Шов сжатия - *сиқилиш чоки* - бетон қопламанинг бир қисм қалинлигида кесилладиган кўндаланг чок. Бетоннинг чўкиши ва ҳарорат пасайиши таъсирида тош тахта узунлигининг қисқаришига йўл бермайди.

Шоссе - *шоссе* - майдаланган тош материаллардан қатлам-қатлам ётқазилган (остида йирик, устида майдароқ доналар), майда чақиқ тош зичланган ва қатламма-қатлам навбат билан белгиланган миқдорда органик боғловчи материаллар (қора чақиқ тошли шоссе) ёки сув (сувли бирикмали шоссе) куйиб зичлаб ётқазилган йўл тўшамасининг эскирган атамаси.

Штиры - *штирлар* - бетон плиталарнинг бўйлама силжишига йўл қўядиган ва бунда плиталарнинг кўндаланг йўналишда ва юқорига силжишининг олдини оладиган, бетон қоплама чокларидаги гильзаларга ўрнатиладиган пўлат стерженлар.

2.4. Йўл тўшамасини ҳисоблаш.

Автомобиль расчетный - *ҳисобий автомобиль* - йўл тўшамаси ва унинг элементлари мустаҳкамлигини ҳисоблашда ўлчамлари (ғилдиракка тушадиган оғирлиқ, қопламага тушадиган босим, туташиш минтақасида босимни ўтказиш майдонига тенг айлананинг диаметри)дан фойдаланиладиган шартли транспорт бирлиги. Ўқиға тушадиган оғирлиги турлича бўлган автомобиллардан ҳисобий автомобилларга ўтиш учун келтириш коэффициентидан фойдаланилади.

Взаимодействие (колеса и дороги) силовое - *куч орқали (ғилдирак ва йўлнинг/ўзаро таъсири)* - транспорт воситаси ҳаракатланганда қатнов қисми юзасига меъёрадаги кучларни ва уринма (тангенциал) бўйлама ҳамда кўндаланг кучларни қопламага

узатиш, шунингдек қиймати бўйича тенг бўлган, бироқ белгиси бўйича қарама-қарши реактив кучларнинг ғилдиракка таъсири.

Время действия нагрузки - *оғирликнинг таъсир этиш вақти* - қопламанинг маълум нуқтасига оғирлик тушганда йўл тўшамасининг тузилмаси қатламларида қандайдир ўзгариш (кучланиш, деформация, тебраниш ва бошқалар) содир бўладиган вақт бўлаги. Ҳаракатдаги оғирликнинг таъсир этиш вақти - қопламанинг маълум нуқтасида ёки йўл тўшамасининг бошқа қатламида кучланиш ва деформациянинг юзага келиши пайтидан уларнинг ўсиш даври ва кучнинг шу нуқтага яқинлашишидан энг катта қиймати эгаллангунча бўлган вақтни ўз ичига олиб, то кучланишнинг ўчиши ва ундан оғирлик олинганда деформациянинг тикланишигача бўлган вақт бўлаги.

Габариты автомобиля - *автомобилнинг габаритлари* - автомобилнинг баландлиги, кенглиги ва узунлиги бўйича энг катта ташқи ўлчамлари.

Габариты подвижного состава - *ҳаракатдаги таркибнинг габаритлари* - яхши ҳолатдаги ва юк ортилган транспорт воситаси (автомобиль, автопоезд, ярим тиркамали автоторгич ва бошқалар)нинг туртиб чиққан барча қисмлари ва сигналлари билан йўлнинг тўғри, горизонтал қисмига сиғиши керак бўлган транспорт воситасининг баландлиги ва кенглиги бўйича чегарасини аниқловчи чегаравий ташқи кўриниш.

Деформативная способность слоев - *қатламларнинг деформацияланиш хусусияти* - йўл тўшамаси қатламларининг уларга оғирлик тушганда деформацияланиши ва у олингандан сўнг бошланғич шакли ва ўлчамларини тиклаш (эластик деформация) қобилияти.

Деформация - *деформация* - жисм (кўтармалар, йўл тўшамалари, иншоотари ва бошқалар) нинг массаси ўзгармасдан шакли ёки ўлчамларининг ўзгариши

Деформация допускаемая - *рухсат этилган деформация* - йўл тузилмасига мувофиқ равишда йўл пойи ва йўл тўшамаси шакли ёки ўлчамлари (массаси ўзгармасдан)нинг меъёрлаштириладиган чекланган ўзгариши.

Деформация остаточная - *қолдиқ деформация* - таъсир этаётган куч четлатилгандан сўнг тузилма ва унинг элементларида қоладиган деформациянинг бўлаги.

Деформация относительная допускаемая - *рухсат этилган нисбий деформация* - йўл тўшамасига мувофиқ равишда рухсат этилган вертикал деформация (эгилиш)нинг ҳисобий автомобиль ғилдираги изига тенг бўлган айлана диаметрига нисбати, эластик ёки умумий (эластик ва қолдиқ) бўлиши мумкин.

Деформация пластическая - *пластик деформация* - ташки кучлар таъсиридан йўл пойи ва йўл тўшамаси материалининг ҳажми ўзгариши ва яхлитлигининг макроскопик бузилмасдан юзага келадиган қолдиқ деформация.

Деформация предельная - *чегаравий деформация* - иншоотни чегаравий ҳолатга келтирувчи шакли ёки ўлчамларининг ўзгариши.

Деформация разрушающая - *бузиб юборадиган деформация* - материал ёки иншоотнинг макроскопик бузилишига олиб келувчи, уларнинг шакл ёки ўлчамлари ўзгариши.

Деформация упругая - *эластик деформация* - жисмга таъсир этувчи куч бартараф этилгандан сўнг бир онда йўқ бўладиган деформация.

Деформация упруго-пластическая - *эластик ва пластик деформация* - ташки куч таъсиридан материал ёки иншоотдаги эластик ва пластик деформациялар тўплами.

Деформация упруго-вязкая - *эластик ва қовушқоқ деформация* - автомобиль оғирлиги таъсирида йўл тўшамасида юзага келадиган шакллар ёки ўлчамларнинг ўзгариши. Идеал эластик жисм деформациясига ўхшаб бир онда йўқ бўлмайди, балки аста-секин иншоот материали қовушқоқлиги таъсири ҳисобига қайтади.

Динамический фактор автомобиля - *автомобилнинг динамик омили* - бошловчи ғилдираклардаги тўлиқ тортиш кучи ва автомобилнинг бир бирлик массасига тўғри келадиган ҳаво муҳити қаршилиги орасидаги фарқ. Бу фарқ горизонтал, нисбатан равиш йўл қисмларида автомобилнинг одатдаги ҳаракати учун бошловчи ғилдиракнинг қоплама билан тишлашиш кучидан кичик ёки тенг, тортиш кучи бўйича эса ҳаракатга қарши кучлар йиғиндисидан катта ёки тенг бўлиши керак.

Допуск - *йўл қўйилган* - йўл ва кўприк иншоотларининг баъзи қисмлари ўлчамларининг лойиҳада ёки қоидаларда белгиланган (6.1. бандга қаранг) ўлчамларидан энг катта ёки энг кичик рухсат этилган оғиши.

Дорожная одежда жесткая - *қаттиқ (бикир) йўл тўшамаси* - бир хил эластик ёки қатламли асосда ётувчи тош тахталарнинг шартли ёки бошқа кўринишдаги тутташишида охири ўлчамли тош

тахтадек ишлайдиган тўшама. қаттиқ йўл тўшамаларга цементбетон қопламалар, шунингдек деформация чоклари билан такомиллаштирилган тош йўллар киради.

Дорожная одежда нежесткая - қаттиқ бўлмаган (нобикир) йўл тўшамаси - чексиз ёки чекли қалинликдаги ишловчи тўшама. Унга асфальт ва қатронбетонли, битум, цемент, оҳак мажмуи ва бошқа боғловчилар билан мустаҳкамланган материаллардан, тупроқлардан, шунингдек донатор материаллардан (чақиқтош, куюнди, шағал) тузилган қатламли йўл тўшамалари киради.

Жесткость - қаттиқлик - материал ёки иншоот тузилмасининг деформация ҳосил бўлишга қаршилик кўрсатиш хусусияти.

Запас прочности - мустаҳкамлик захираси - материал учун ~ берилган шароитда унинг ишлаши учун табиий мустаҳкамлигининг талаб қилинадигани билан солиштиргандаги ортиқчаси; иншоот учун - ҳақиқий мустаҳкамлигини зарурийси билан солиштиргандаги қолдиқ.

Износостойкость покрытия - йўл қопламасининг емирилишга чидамлилиги - ҳаракатдаги транспорт воситалари ғилдираги таъсиридан йўл қопламасида юзага келадиган емирилиш (едирилиш)га йўл қопламасининг қаршилик кўрсата олиш хусусияти.

Интенсивность движения приведенная - келтирилган ҳаракат жадаллиги - тасмадаги ҳисобий автомобилга келтирилган транспорт оқимининг ҳаракат жадаллиги.

Коэффициент динамичности нагрузки - оғирликнинг динамиклик коэффициентини - оғирликнинг динамик таъсиридан юзага келган кучланиш (деформация)нинг шу оғирликнинг статик таъсиридан юзага келадиган кучланиш (деформацияси)га нисбати.

Коэффициент запаса - захира коэффициентини - йўл тўшамасини ҳисоблаш услубларида: бузиб юборувчи оғирлик бўйича - бузиб юборувчи оғирликнинг амалдагига этувчи кучга нисбати; рухсат этиладиган кучланишлар бўйича - хавфли деб тан олиннадиган кучланишнинг ҳақиқий кучланишга нисбати. Шунингдек, бу коэффициентининг автомобиль йўлидан фойдаланишдаги ҳам кўрсаткич сифатидаги таърифига қаранг. (7.1. бандга қаранг).

Коэффициент перегрузки - ортиқча юк коэффициентини - иншоот ва йўл тўшамаси ҳисобида меъёрий талабда мумкин бўлган ва инобатга олинмаган оғирликларни инобатга олади.

Коэффициент повторности - такрорланиш коэффициентини - йўл тўшамаси ҳисобида оғирликнинг қайтарилишини (ҳаракатнинг тасмаси кенглиги ва тасмалар сонига боғлиқ равишда келтирилган

ҳисобий ҳаракат жадаллигини) ва динамиклигини ҳисобга олувчи коэффициент.

Коэффициент постели - *тўшама (ўрама) коэффициенти* - асоснинг қайишқоклигини тавсифловчи коэффициент. У сон жиҳатдан бир бирлик узунликка тенг бўлган, чўкиш берадиган асос майдонининг бирлигига қўшилиши керак бўлган кучга тенг.

Коэффициент приведения - *келтириш коэффициенти* - ғилдирак ўқиға тушадиган маълум оғирликли транспорт воситасининг йўл тўшамасига таъсири натижасининг ҳисобий автомобиль (анча енгил етакланувчи ўқ таъсирини ҳисобга олган ҳолда) таъсирининг натижасига нисбати.

Коэффициент суммирования - *жамлаш коэффициенти* - йўл тўшамасининг хизмат муддати даврида қўйилган юкларнинг умумий миқдорига нисбатан автомобиль ҳаракатининг суткалик миқдорини қайта ҳисоблаш учун хизмат қиладиган кўрсаткич(тушунча киритилган: ОДН 218.046.01.)

Коэффициент уменьшения напряжения - *кучланишни камайтириш коэффициенти* - бетон тош тахта узунлиги ўртасининг эркин четига қўйилган таъсир этувчи кучдан бўладиган кучланишнинг тош тахта ўртасида (оғирлик сурилганда) ўша оғирлик юзага келадиган кучланишга нисбати.

Масса сцепная - *уланиш (тишлашиш) оғирлиги*- транспорт воситасининг етакчи ўқиға тўғри келадиган, ғилдирак ва қоплама орасидаги мумкин бўлган тортиш кучини аниқловчи оғирлик.

Модуль деформации - *деформация модули* - кучланишнинг ундан ҳосил бўладиган тўлиқ нисбий деформацияга нисбати ёки эластик ва қолдиқ деформациялар йиғиндисининг оғирликни ўтказиш майдони диаметрига нисбати. Тупроқ, материал ва йўл тўшамасининг эластик, қайишқок ва пластик хусусиятлари тавсифи.

Модуль деформаций дорожной одежды или материала ее слоя - *йўл тўшамаси ёки унинг қатламидаги материалнинг деформация модули* - синовчи юк билан узатилаётган чекли босимнинг нисбий эгиловчан деформацияга нисбати. Нисбий эгиловчан деформация йўл тўшамаси ёки унинг қатламидаги материал эгиловчан (қайтувчи) деформациясининг ҳисобий автомобиль ғилдираги изи майдони катталигидаги айлана диаметрига нисбати билан тенг.

Модуль упругости минимальный требуемый - *энг кам талаб қилинган эгиловчанлик модули* - йўл тўшамасининг хизмат муддати даврида қўйилган юкнинг умумий ҳисобланган миқдорига

кўра ҳисобланадиган йўл тўшамасининг ҳисобий параметрлари (тушунча киритилган: ОДН 218.046.01.)

Модуль длительной упругости - *узоқ давом этадиган эластиклик модули* - оғирлик узоқ муддат таъсир этганда (5 мин. дан ортиқ) кучланишнинг ундан келадиغان нисбий эластиклик деформациясига нисбати. Оғирликнинг таъсир муддатига боғлиқ.

Модуль упругости общий - *умумий эгилувчанлик модули* - йўл тўшамаси ва йўл пойи тупроғи қатламларига кирувчи тизимларнинг эгилувчанлик модули (илгари эгилувчанлик эквиваленти модули деб юритилган).

Модуль упругости динамический (мгновенный) - *динамик (оний) эластиклик модули* - узоқ муддат таъсир этадиган (0,1с.дан кам) кучланишнинг ундан юзага келадиغان нисбий эластик деформациясига нисбати. Йўл тўшамаси қатламлари материалларининг эластиклик хусусиятини ва уларнинг ҳаракатланувчи транспорт воситаларидан юзага келадиغان оғирлиги таъсиридаги деформацияга қаршилигини тавсифловчи ҳисобий катталиқ.

Модуль упругости статический - *статик эластиклик модули* - йўл тўшамасидаги материалнинг статик кучлар таъсиридаги эластиклик хусусиятини тавсифловчи ҳисобий катталиқ.

Модуль упругости эквивалентный - *эквивалент эластиклик модули* - кўп қатламли йўл тўшамасининг эластиклик хусусиятлари тавсифи; кўп қатламли йўл тўшамаси ва йўл пойи (йўл тузилмаси) берилган тузилмасининг эгилиш ўлчами бўйича эквивалент бўлган бир хил ярим фазонинг эластиклик модулига тенг.

Морозное пучение дорожной одежды - *музлаганда кўпчиган йўл қопламаси* - музлаш зонасида йиғиладиган намларнинг музлаши сабабли йўл тўшамаси юзасининг нотекис кўтарилиши.

Морозоустойчивость дорожной одежды - *музлашга чидамли йўл тўшамаси* - йўл тўшамасининг бирмунча йўл қўйилган катталиқлардаги музли кўпчишларни содир этмаслик хусусияти.

Нагрузка временная - *вақтинчалик оғирлик* - муддати бўйича чегараланган, тасодифий таъсир этувчи оғирлик (ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг оғилиги).

Нагрузка динамическая - *динамик оғирлик* - қисқа вақт оралиғи давомида қиймати ўзгарадиган ва кўпинча тузилма элементларида тезланиш юзага келиши билан кузатиладиган оғирлик. Динамик оғирликларга зарбли, шунингдек муайян вақт давомида вақти-вақти билан ўзгарадиган, ҳаракатланувчи транспорт

воситаларидан юзага келадиган такрорий ўзгарувчан оғирликлар киради. 3.4. бандга қаранг.

Нагрузка на колесо - *ғилдиракка тушадиган оғирлик* - автомобиль, бошқа ҳар қандай транспорт воситаси ёки ғилдиракли машиналар (пневматик шинали каток, шатакчи, скрепер, автомобилли кран ва бошқалар)нинг энг кўп юкланган якка ўқининг ғилдирагига узатиладиган ва йўл тўшамасига таъсир этувчи меъёрий оғирлик.

Нагрузка нормативная - *меъёрий оғирлик* - иш шароити (ортиқча юклаш, такрорланиш ва бошқалар) коэффицентини ҳар бир турдаги иншоот учун меъёр бўйича ҳисоблаш (йўл тўшамаси, кўприклар, йўл пойи устуворлиги ҳисоби ва бошқалар) мақсадида белгиланган оғирлик.

Нагрузка осевая - *ғилдирак ўқига тушадиган оғирлик* - ҳисобий автомобиль ёки бошқа транспорт воситасининг энг кўп юкланган ўқига тўғри келадиган, ғилдираклар орқали йўл (кўприк) тузилмасига узатиладиган меъёрий оғирлик. “ғилдиракка тушадиган оғирлик”га қаранг.

Нагрузка постоянная - *доимий оғирлик* - 3.4. бандга қаранг.

Нагрузка приведенная - *келтирилган оғирлик* - ҳисоблаш вақтида йўлда ҳаракатланувчи барча автомобиллар ғилдираги (ўқи)даги оғирликларнинг ҳисобга келтирилган автомобиль ғилдираги (ўқи)га тўғри келадиган шартли оғирлик.

Нагрузка статическая - *статик оғирлик* - 3.4. бандга қаранг.

Напряжение допускаемое - *рухсат этилган кучланиш* - йўл тўшамасини рухсат этилган кучланиш бўйича ҳисоблашда қўлланиладиган, чегаравий (хавфли) деб эътироф этилган кучланиш қийматини умумий захира коэффицентига бўлиш йўли билан аниқланадиган кучланишнинг меъёрий қиймати.

Напряжение от нагрузок - *оғирлик таъсиридан юзага келадиган кучланиш* - йўлдан автомобиллар ёки бошқа транспорт воситалари ўтганда уларнинг статик таъсиридан йўл тўшамаси қатламларида юзага келадиган ва тарқаладиган кучланиш.

Напряжения суммарные - *умумлаштирилган кучланишлар* - ҳаракатланувчи транспорт воситаларидан тушадиган оғирликдан, атроф-муҳит ҳароратининг ўзгаришидан ва бошқа ташқи омиллар таъсиридан йўл тўшамаси қатламларида юзага келадиган ва йўл тўшамаси ўлчамларини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган кучланиш.

Напряжения температурные - *ҳарорат кучланишлари* (*ҳарорат таъсиридан юзага келадиган кучланиш*) - йўл тўшамасининг тузилмавий қатламларида об-ҳаво ҳарорати (иқлим, об-ҳаво таъсири) ёки бошқа ҳароратли омиллар (мисол учун, реактив самолётнинг газ оқими таъсири) натижасида юзага келадиган кучланиш.

Несущая способность - *кўтариш қобилияти* - йўл пойи ва йўл тўшамаси тузилмавий қатламининг якка оғирлик таъсиридан юзага келадиган кучланишларга қаршилик кўрсата олиш даражаси, тегишли тузилмавий қатламнинг мустаҳкамлигини тавсифлайди.

Осадка предельно допускаемая - *рухсат этилган чегаравий чўкиш* - қаттиқ бўлмаган йўл тўшамасининг чегаравий чўкиши, у ортганда оғирлик ва чўкиш орасидаги мутаносиб боғлиқлик бузилади ёки тўшаманинг қуйма қатламларида ёриқлар ҳосил бўлади.

Отпечаток колеса - *гилдирак изи* - гилдирак босими қопламага узатилган алоқа майдони.

Параметры дорожной одежды, расчетные - *йўл тўшамасининг ҳисобий ўлчамлари* - ҳисоблаш натижасида олинган ёки ҳисоблаш асосига киритилган йўл тўшамасининг асосий тавсифи (тузилма ўлчамлари, материалнинг мустаҳкамлиги, эластиклик модули, деформацияланиш)нинг сонли қиймати.

Ползучесть материалов - *материалнинг оқувчанлиги* - 4.6. бандга қаранг.

Предел упругости - *эластиклик чегараси* - 4.6. бандга қаранг.

Прогиб упругий - *эластик эгилиш* - қўш шина изи бўйича ҳисобий оғирликнинг тушиш марказидаги йўл тўшамасининг вертикал эластик деформацияси.

Прогиб предельно допускаемый - *рухсат этилган чегаравий эгилиш* - ҳисоблаш даврида йўл пойи тупроғининг эластиклик модули энг кичик бўлганда, йўл тўшамаси эгилишининг чегаравий рухсат этилган (кескин) эгилиши.

Прочность дорожной одежды - *йўл тўшамасининг мустаҳкамлиги* - транспорт воситаларининг оғирлиги, жойнинг ўзгарувчан об-ҳаво ва иқлим шароитлари таъсирида юзага келадиган кучланишлар ва деформацияларга йўл тўшамасининг қаршилиги. Қуйма қатламлар материалининг эгилиш ва чўзилишга қарши мустаҳкамлик чегарасида, яъни йўл пойи тупроғида, кучсиз боғланган донатор материалли (чақиқ тош, шағал, қум) йўл тўшамаси қатламларида чегаравий силжитувчи (уринма кучланиш), шунингдек қоплама яхлитлиги ва раволигининг бузилиши бошланадиган ва

ривожланадиган чегаравий нисбий вертикал деформацияси каттик бўлмаган йўл тўшамасининг мустаҳкамлик мезонлари ҳисобланади. Бетоннинг эгилишдан чўзилишга қарши мустаҳкамлик чегараси каттик йўл тўшамаси учун мустаҳкамлик мезони бўлиб хизмат қилади. Ноқулай тупроқли гидрологик ва об-ҳаво, иқлим шароитли йўл қисмларидаги каттик ва каттик бўлмаган йўл тўшамалари учун кўпчишнинг вертикал деформациясининг чегаравий қиймати мустаҳкамлик мезони ҳисобланади. Чунки бу қийматли қопламада ёриқлар ҳосил бўлади ва равшанлиги ёмонлашади (тузилманинг совуққа бардошлилиги бузилади).

Расстояние между швами - *чоклар орасидаги масофа* - ҳароратнинг ўзгаришидан ёриқлар юзага келмаслиги учун бетон қопламларини энг катта узунликдаги тош тахта(плита)ларга ажратиб ҳисоблаш йўли билан белгиланадиган оралик.

Расчет жестких дорожных одежд - *қаттиқ йўл тўшамасини ҳисоблаш* - йўл тўшамаси каттик қатламларининг оқилона ўлчамларини аниқлаш. Эластик асосдаги тўсиқ ва тош тахта (плита) назариясига ҳамда оғирлик таъсирида тош тахтанинг эгилиши ва асос юзасининг чўкиши билан боғлиқ умумий дифференциал тенглама ечимига асосланади. Оғир юкларни ўтказиш шарти бўйича белгиланган бетонли тош тахта қалинлиги, албатта, ҳарорат таъсиридан юзага келадиган кучланишда текширилади.

Расчет нежестких дорожных одежд - *қаттиқ бўлмаган йўл тўшамасини ҳисоблаш* - йўл тўшамаси тузилмавий қатламларининг оқилона ўлчамларини аниқлаш уч мезон бўйича амалга оширилади: тупроқда ва бўш боғланган материалли қатламларда силжишга қаршилиги бўйича (улардаги силжитувчи кучланиш силжиш бўйича маҳаллий чегаравий мувозанатга етмаслиги керак); куйма қатламларнинг эгилишга қаршилиги бўйича (кўп марта такрорланадиган эгилишдаги чўзувчи кучланишлар шу қатлам materiali учун чарчаш ҳолатини инобатга олиб белгиланган рухсат этилган кучланишлардан ошмаслиги керак); кучланиш ва деформация орасидаги чизикли боғлиқлик сақланиб қолиш учун чегараланадиган бутун тузилманинг эластик эгилишга қаршилиги бўйича.

Срок службы дороги - *йўлнинг хизмат қилиш муддати* - 7.1. бандга қаранг.

Схема приведенных нагрузок - *келтирилган оғирликлар схемаси* - тегишли иншоот режасида юкли транспорт воситаларида келтирилган оғирликларнинг график тасвири. Одатда, графикада

оқилонга бирликка келтирилган оғирликлар сонига аниқ кенгликдаги тасма тўғри келади.

Толщина плиты расчетная - *тош тахтанинг ҳисобий қалинлиги* - автомобиль йўли даражаси, маҳаллий тупроқларда ва иқлим шароитида ҳаракатланиши шароитини инобатга олиб ҳисоблаш натижасида белгиланган цемент - ёки асфальтбетон қопламали тош тахта қалинлиги.

Требуемый коэффициент прочности дорожной одежды - *талаб қилинган мустаҳкамлик коэффициентидagi йўл қопламаси* - тарангликнинг умумий модулини ҳисоблаш учун йўл тўшамаси таранглигининг энг кам талаб қилинган умумий модулига кўпайтириладиган ҳисобий кўрсаткич (тушунча киритилган: ОДН 218.046.01.)

Трещиностойкость - *ёриқларга бардошлилик* - яхлит қопламалар ёки йўл тўшамалари конструктив қатламларининг табиий-иқлим омиллари ва транспорт воситалари таъсирида ёриқлар ҳосил бўлишига қаршилиқ кўрсата олиш қобилияти. Автомобиль йўли қопламасининг ишончлилигини тавсифловчи ўлчамлардан бири.

Упругость дорожной одежды - *йўл тўшамасининг эластиклиги* - йўл тўшамаси тузилмавий қатламларининг деформацияни келтириб чиқарувчи кучлар таъсири тўхтаганда дастлабки ҳажми ва шаклини тиклаб олиш хусусияти (эластик “деформация” га қаранг).

Устойчивость конструктивного слоя - *тузилмавий қатламнинг чидамлиги* - кўп марта қайтариладиган оғирликлар, об-ҳаво, иқлим ва гидрологик омиллар таъсирида йўл тўшамаси тузилмавий қатламининг ўлчами, шакли ва хусусиятларининг вақт давомида сақланиши. (Йўл тўшамасининг ишончлилигини тавсифловчи катталиклардан бири).

III. КЎПРИК ИНШООТЛАРИ, ҚУВУРЛАР ВА ФИЛЬТРЛОВЧИ КЎТАРМАЛАР

3.1. Умумий тушунча

Кўприк иншоотларининг таснифи

Акведук - *акведук (нов)* - сув ўтказгич (канал ёки қувур ўтказгич)нинг бир қисми ҳисобланадиган дарё, қуруқ транспорт йўли ва бошқалар устидан ўтадиган кўприк иншооти

Балкон - айвон - бир томонидан тоғ ёнбағрига туташувчи ва йўлнинг зарурий кенглигини таъминлаш учун хизмат қилувчи тоғ йўлидаги кўприк иншооти.

Виадук - *виадук* - ўтиш сатҳи тўсиқ тубидан баланд жойлашадиган чуқур жар, дара, қуруқ сой, жарлик устидан ўтадиган кўприк иншооти.

Высота моста - *кўприк баландлиги* - қопламанинг энг юқори нуқтасидан ёз чиласидаги ўртача сув сатҳигача бўлган масофа.

Высота проезда - *ўтиш баландлиги* - йўл ўтказгич остида ер сатҳи, катнов қисм юзаси, из (рельс)нинг бошидан унинг устида жойлашган кўприк элементининг остки қиррасигача бўлган энг кичик масофа. Бу баландлик транспорт воситаларининг ўтиши мумкинлиги ёки чекланганлигини белгилаб беради.

Высота под мостом свободная - *кўприк остидаги бўш баландлик* - баланд сув сатҳидан ёки кема юра оладиган ҳисобий сатҳдан оралик қурилмаларнинг остигача бўлган кўприк остидаги энг кичик масофа.

Высота строительная - *қурилиш баландлиги* - оралик қурилма ўртасида ёки таянчда ўлчанадиган, оралик қурилма остидан кўприк иншоотидаги энг баланд нуқтагача бўлган масофа.

Габарит подмостовой - *кўприк ости ўлчами (габарити)* - кўприк оралиғидаги бўшлиқ чегараларининг оқим йўналишига перпендикуляр, чегаравий кўриниши, унинг ичига кўприк конструкцияларининг ёки унинг остидаги қурилмаларнинг элементлари киритилмайди.

Габарит приближения конструкций - *конструкцияларнинг яқинлик (габарит) ўлчами* - йўл ёки кўприк иншооти катнов қисмининг бўйлама ўқиға перпендикуляр бўлган, ичига конструкциялар (кўприк, тоннел ва бошқалар) ёки улар устида (ичида) жойлашган қурилмалар қирмаслиги керак бўлган чегаравий кўриниш. Кўприк, йўл ўтказгич устидаги ва остидаги, тоннел ва бошқаларнинг ўлчамлари ажратилди.

Галерея - айвон *йўл(галерея)* - тош, қор, тоғ жинслари босиб қолишдан транспорт йўлини ҳимояловчи, том тиркаладиган устун ёки девор кўринишида бажариладиган тоғ йўлидаги муҳандислик иншооти.

Длина моста - *кўприк узунлиги* - кўприк ўқи бўйича ўлчанадиган, унинг боши ва охири орасидаги масофа (“Кўприкнинг боши”, “Кўприкнинг охири”га қаранг).

Длина пролетного строения - *оралиқ қурилма узунлиги* - оралиқ қурилманинг ўқи бўйича ўлчанадиган, унинг чекка тузилмавий элементлари орасидаги масофа.

Испытание моста - *қўприкни синаш* - қўприкнинг техник ҳолатини текшириш, лойиҳавий катталикларни ҳисоблаш билан унинг ишлаш қобилиятини аниқлаш мақсадида қўприкни юк билан юклаш.

Книга мостовая - *қўприк китоби* - иншооти, тузилмаси, материаллари, кўтариш қобилияти, техник ҳолати, ўтказилган синовлар, тиклаш ва тузатиш ишлари тарихи ҳақидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ҳисобот ҳужжати.

Конец моста - *қўприк охири* - қирғоқдаги таянч қанотчаси охирини ёки қирғоқдаги таянчнинг бошқа қўринишдаги тузилмавий элементлари ёки оралиқ қурилмани қўприк ўқи билан туташтирувчи чизиқнинг километри йўналиши бўйича саналганда охирги кесишиш нуктаси.

Мост - *қўприк* - сувли тўсиқ устидан ўтувчи муҳандислик иншооти.

Мост автодорожный - *автомобиль йўли қўприги* - автомобиль йўлидаги ёки трамвай ҳаракати бўлмайдиган кўчадаги қўприк.

Мост алюминиевый - *алюмин қўприк* - оралиқ қурилмалари алюмин қотишмаларидан иборат қўприк.

Мост арочный - *равоқли (аркли) қўприк* - оралиқ қурилмаси равоқ ёки гумбазли қўприк. Қўприклар икки ошиқ-мошиқли, уч ошиқ-мошиқли ва ошиқ-мошиқсиз равоқли (гумбазли) бўлиши мумкин. Қуйидаги турлари мавжуд: равоқли консолли - оралиқ қурилмаси таянчлари билан каттиқ боғланган, тортиқли, ярим равоқли қўринишда бажарилган, қатнов қисм сатҳида жойлашган, оралиғи ўртасида бўйлама ҳаракатланувчи ошиқ-мошиқ билан бирлашган тиргаксиз тизимли қўприк; тортиқли равоқли (тиргаксиз) - «Тортиқли равоқли оралиқ қурилма», 3.2. бандга қаранг; тиргакли равоқли - равоқ тиргаги таянчга ўтказиладиган равоқли қўприк; ошиқ - мошиқли равоқли - ошиқ - мошиққа эга бўлган равоқли қўприк.

Мост балочный - *тўсинли қўприк* - оралиқ қурилмаси, яхлит деворлари тўсин, фермалар қўринишида бажариладиган қўприк. Вертикал оғирликларни таянчга фақат вертикал таянчли босимлар қўринишида узатади. Турлари - тўсинли консолли - оралиқ қурилмаси консолга эга бўлган тўсинли қўприк.

Мост бетонный - *бетон қўприк* - оралиқ қурилмалари бетонли бўлган қўприк.

Мост большой - *катта кўприк* - узунлиги 100 м дан ортиқ, шунингдек узунлиги кичик, лекин оралиқ қурилмаси 60 м дан ортиқ бўлган кўприк.

Мост вантовый - *вантли кўприк* - оралиқ қурилмаси қаттиқлик тўсинидан ва унинг қия элементларини ушлаб турувчи дев устунларга мустаҳкамланган, эластик таянч вазифасини бажарувчи вантдан ташкил топган кўприк.

Мост висячий - *осма кўприк* - оралиқ қурилмасида эгилувчан кабел ёки пўлат арқон асосий кўтарувчи элемент бўлиб хизмат қиладиган, қаттиқлик тўсинини осма ёрдамида ушлаб турадиган ва кучни дев устунга узатиб берадиган кўприк. Турлари: тиргаксиз - кабелларда юзага келадиган горизонтал таркибий куч қаттиқлик тўсинига узатиладиган осма кўприк (“Тиргаксиз осма оралиқ қурилма”, 3.2. бандга қаранг); тиргакли - кабелларда юзага келадиган горизонтал таркибий куч махсус таянчларга узатиладиган осма кўприк («Тиргакли осма оралиқ қурилма», 3.2. бандга қаранг).

Мост временный - *муваққат кўприк* - хизмат муддати чегараланган кўприк.

Мост высоководный (высокого уровня) - *тўлиқ(юқори сатҳли) дарё кўприги* - оралиқ қурилмаси ҳар қандай сув сатҳида ҳам сув босмайдиган ва дарё тошқин сувларни ўтказишни таъминловчи баландликда жойлашадиган кўприк.

Мост городской - *шаҳар кўприги* - шаҳар доирасида жойлашган, шаҳар транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати учун кўзда тутилган кўприк.

Мост грибовидный - *саллали(қўзиқоринсимон) кўприк* - оралиқ қурилмаси якка устунга қаттиқ ёки ошиқ-мошиқ орқали таянчдаги тош тахтага ўрнатилган кўприк.

Мост двухрусный - икки поғонали кўприк - транспорт воситалари ҳаракати икки сатҳда амалга ошириладиган кўприк.

Мост деревянный - *ёғоч кўприк* - оралиқ қурилмаси ёғочли кўприк. Елимли - оралиқ қурилмаси елим ёғочли ёки елим фанерали ёғоч кўприк.

Мост железнодорожный - *темир йўл кўприги* - темир йўл учун мўлжалланган кўприк.

Мост железобетонный - *темир бетонли кўприги* - оралиқ қурилмаси темир бетонли кўприк; темир бетонли оралиқ қурилмаси кучайтирилган арматурага (боғламлар, йўғон арқонлар, пўлат арқонлар, алоҳида стержень кўринишида) эга бўлган, уни таранг

тортилиши ҳисобига кўтариб турувчи конструкцияси сиқиладиган, олдиндан кучайтирилган темирбетонли кўприк.

Мост затопляемый - сув босадиган кўприк - баланд сув ўтганда сув босадиган кўприк.

Мост из арокных дисков, шарнирный - юпқа равоқли, ошиқ-мошиқли кўприк - оралиқ қурилмаси учта ошиқ - мошиқли юпқа равоқдан ташкил топган кўприк.

Мост из легкого бетона - енгил бетонли кўприк - оралиқ қурилмаси енгил тўлдирувчи (керамзит, шунгизит ва бошқалар) бетондан ташкил топган кўприк.

Мост каменный - тош кўприк - оралиқ қурилмаси табиий ёки сунъий тошдан таркиб топган кўприк.

Мост-канал - кўприк-канал - одатда кема ўта оладиган тўсиқ (сув оқими, йўл ва бошқалар) канал устидан ўтказиш учун кўзда тутилган кўприк иншооти.

Мост клепаный - михпарчинли кўприк - оралиқ қурилмаси михпарчинлардан ясалган металл кўприк.

Мост косой - қиялама кўприк - оралиқ қурилманинг бўйлама ўқи таянчлари ўқиға перпендикуляр бўлмаган кўприк.

Мост консольный - консолли кўприк - оралиқ қурилмаси бир ёки икки томонлама консолга эга бўлган кўприк.

Мост криволинейный - эгри чизиқли кўприк - бўйлама ўқи тўлиқ ёки узунлигининг бир қисми режадаги эгрида жойлашган кўприк.

Мост низководный - паст сатҳли кўприк - кўп сувлар ўтаётганда оралиқ қурилмасини сув босадиган кўприк.

Мост малый- кичик кўприк - узунлиги 25 м гача бўлган кўприк.

Мост металлический - металл кўприк (пўлатли) - оралиқ қурилмаси тўлиқ металлдан (пўлатдан) ёки катнов қисми унинг ичига қирмайдиган темирбетон, тош тахтали кўприк.

Мост многопролетный - кўп оралиқ қурилмали кўприк - биттадан ортиқ оралиқ қурилмага эга бўлган кўприк.

Мост монолитный - яхлит(монолит) кўприк - оралиқ қурилмаси оралиқда бетонлаштириладиган темирбетонли ёки бетонли кўприк.

Мост наплавной - қалқима кўприк - сузувчи таянчли кўприк.

Мост неразрезной - узлуксиз кўприк - оралиқ қурилмаси икки ёки ундан ортиқ оралиқни қоплайдиган кўприк.

Мост однопролетный - бир оралиқ қурилмалар кўприк - оралиқ таянчлари бўлмаган кўприк.

Мост пешеходный - пиёдалар кўприги - пиёдалар ҳаракати учун кўзда тутилган кўприк.

Мост плитный - тош-тахта плитали кўприк - оралиқ қурилмалар ёки кўп бўшлиқли тош тахта кўприк. Турлари: тош тахта қиррали, темирбетонли, оралиқ қурилмаси консолли тош тахта билан ёпилган, кенг жойлашган иккита тўсинли тузилма кўринишида бажарилган кўприк.

Мост подводный - сув ости кўприги - оралиқ қурилмаси сув ости чуқурлигида жойлашган, автомобиллар ҳаракатининг дарёдан кечиб ўтишини таъминлайдиган кўприк.

Мост понтонный - понтонли кўприк - понтонлар таянч бўлиб хизмат қилувчи қалқима кўприк.

Мост постоянный - доимий кўприк - хизмат кўрсатиш муддати тузилма материалнинг кўпга чидамлилиги билан белгиланадиган, узоқ муддат фойдаланиш учун мўлжалланган кўприк.

Мост разборный - қисмларга ажраладиган кўприк - юқори тошқин сувини ўтказиш даврида оралиқ қурилмаси ажратиб қўйиладиган паст сатҳли кўприк.

Мост разводной - ораси очиладиган кўприк - оралиқ қурилмаси ёки унинг бир қисми кемаларни ўтказиш учун бўшлиқ очиб сурилиши мумкин бўлган кўприк. Кема ўтадиган оралиқнинг оралиқ қурилмаси сурилиши усулига қараб ораси очиладиган кўприкларнинг қуйидаги турлари ажратилади: буриладиган - оралиқ қурилмаси горизонтал текисликда буриладиган кўприк; кўтариладиган - оралиқ қурилмаси вертикал текисликда кўтариладиган кўприк; очиладиган - оралиқ қурилмаси горизонтал ўқ атрофида буриладиган кўприк; икки қанотга очиладиган - оралиқ қурилмаси икки қисмдан (қанотдан) иборат ва горизонтал ўқлар атрофида буриладиган кўприк; орқага тисланадиган - оралиқ қурилмаси горизонтал йўналишда унинг ўқи бўйлаб сурилиш йўли билан кема ўтадиган оралиқдан чиқариладиган кўприк.

Мост разрезной - узлукли кўприк - ҳар бир оралиғи мустақил оралиқ қурилма билан ёпилган тўсинли кўприк.

Мост рамный - ромли кўприк - оралиқ қурилма таянчлар билан қаттиқ боғланган ва ромдан иборат бўлган кўприк. Турлари: ром тўсинли - вертикал оғирликлардан эгилишда ишлайдиган, лекин тиргак юзага келмайдиган, оралиқ қурилма таянчлар билан қаттиқ

боғланган тўсинли кўприк; ром консолли - ўзаро ошиқ-мошиқлар билан туташган, Т шаклли (олд томондан) ромдан ташкил топган кўприк; ромли осма - ўзаро осма оралик қурилмалари туташган, Т шаклли (олд томондан) ромлардан ташкил топган кўприк; ошиқ - мошиқли ромли - тутиб турувчи тузилмаси ошиқ-мошиқли ромдан иборат ромли кўприк.

Мост ребристый - *қовурғали (қиррали) кўприк* - оралик қурилмаси таврли ва қўш таврли тўсиндан иборат бўлган ораликли таянч кўприк.

Мост сборный - *йиғма кўприк* - оралик қурилмаси олдиндан тайёрланган элементлардан йиғилган темирбетон кўприк. Қуйидаги турлари мавжуд: йиғма - яхлит - оралик қурилмаси, қатнов қисмининг яхлит плиталари (йиғма - қуйма тош тахтаси) олдиндан тайёрланган элементлар билан бирлаштирилиб тайёрланган темирбетон кўприк; йиғма қисмларга ажраладиган, оралик қурилмаси ва таянчлари буюмли тўплами кўп марта фойдаланилиши мумкин бўлган элементлардан йиғилган, вақтинчалик кўприк.

Мост сварной - *кавшарланган кўприк* - кавшарланган оралик қурилмали металл кўприк, болтлар ёки михпарчинлар ёрдамида бажарилади.

Мост свайно - эстакадный - *қозиқ оёқли эстакада кўприк* - оралик қурилма билан бирга ромга ўхшаб бўйлама йўналишда ишлайдиган кўп ораликли таянч қозиқ оёқли кўприк.

Мост сводчатый - *куббали кўприк* - оралик қурилмаси кубба кўринишида бажарилган кўприк; тупроқ тўкмали кубба - устидан тупроқ тўкиб қўйилган яхлит кубба кўринишидаги куббали кўприк.

Мост с ездой поверху - *устидан (остидан, ўртасидан) ҳаракат ўтадиган кўприк* - “Устидан (остидан, ўртасидан) ҳаракат ўтадиган оралик қурилма” га қаранг, 3.2. бандга.

Мост совмещенный - *турли ҳаракат ўтадиган кўприк* - бир ёки турли сатҳларда жойлашган, автомобиль ва темир йўлни бир вақтда ўтказиш учун мўлжалланган кўприк.

Мост специальный - *махсус кўприк* - қувур ўтказмалар, кабеллар ва б.ш.к.ларни ўтказиш учун мўлжалланган кўприк.

Мост средний - *ўртача кўприк* - узунлиги 25 м дан 100 м гача бўлган кўприк.

Мост сталежелезобетонный - *пўлат темирбетонли кўприк* - оралик қурилмасининг асосий тўсини метали ва улар билан бирга ишлашга қўшилган қатнов қисмининг темирбетон тош тахтали кўприк.

Мост цельносварной - *бутунасига пайвандланган кўприк* - оралик қурилмаси пайвандланган кўтариб турувчи тузилмалар, йиғма бирикмалари ҳам пайвандлаб бажарилган металл кўприк.

Мост цепной - *занжирли кўприк* - осма кўтарма тасмалари тасмалар бир шаклдаги ҳалқалардан ошиқ-мошиқ занжир кўринишида бажарилган осма кўприк.

Мост эстакадный - *эстакадали кўприк* - кўтарма ўрнида, шунингдек эстакада ости бўшлиғида турли мақсадлар учун фойдаланиш зурурияти бўлганда қуриладиган, кўп ораликли кўприк иншооти ёки унинг бир бўлаги.

Начало моста - *кўприкнинг боши* - қирғоқдаги таянч қанотчасининг охири ёки қирғоқдаги таянчнинг бошқа кўринадиган тузилмалар элементлари ёки оралик қурилманинг кўприк ўқи билан ўтувчи тош тахталари ҳисобга олинмаганда, туташтирувчи чизикнинг километраж йўналиши бўйича саналганда биринчи кесишиш нуктаси.

Ось моста - *кўприкнинг ўқи* - йўлнинг қатнов қисми ёки ажратувчи тасма ўқи билан тўғри келадиган, режада ва кесимдаги ҳолати, ташқи кўриниши унга нисбатан ўрнатиладиган чизик.

Ось опорная - *таянч ўқи* - оралик қурилманинг оралик таянч ёки қирғоқдаги таянчга тиркаладиган нуктасини туташтирувчи чизик, оралик қурилма ўқи - режада оралик қурилманинг ҳолати ва ташқи кўринишига нисбатан ўрнатиладиган чизик.

Паром - *сол* - ер усти транспорт воситалари, йўловчилар, моллар ва бошқаларни сувли тўсиқ орқали ташиш учун кўзда тутилган ҳаракатланувчи қурилма. Фақат доимий сув оқимларида кўпинча вақтинчалик иншоотдек қўлланиладиган, кўприк қурилишигача фойдаланиладиган солли кечув.

Переход мостовой - *кўприкли ўтиш жойи* - сув оқимларидан ўтиш учун мўлжалланган кўприк, унга ёндош, қирғоқни мустаҳкамловчи ва сувни изга солувчи қурилмалардан ташкил топган иншоотлар мажмуаси.

Площадь моста полезная - *кўприкнинг фойдали майдони* - транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати учун кўзда тутилган кўприк фойдали кенглигининг унинг узунлиги кўпайтмасига тенг бўлган тўлиқ майдони.

Подход к мосту - *кўприкка бардош йўли* - кўприк иншоотига туташ, транспорт воситаларининг кўприкка чиқиши ва ундан тушиши учун хизмат қилувчи жойнинг кўтармалар қисми.

Пролет моста - *кўприк оралиғи* - қўшни таянчлар орасидаги бўшлиқ.

Пролет моста расчетный - *кўприкнинг ҳисобий оралиғи* - таянч қисм ўқлари орасидаги, улар бўлмаганда эса таянч ўқлари ёки оралиқ қурилманинг тиркаладиган шартли нуктаси орасидаги горизонтал масофа.

Пролетное строение ребристое - *қовурғали оралиқ қурилма* - кесими битта ёки иккита “Т” шаклли балкалардан иборат оралиқ қурилма.

Пролетное строение сборное - *йиғма оралиқ қурилма* - олдиндан тайёрланган элементлардан йиғилган оралиқ қурилма. Фаркланади: йиғма-яхлит - ўтиш қисмининг яхлит плиталарини бирлаштирган, олдиндан тайёрланган элементлардан қурилган оралиқ қурилма; йиғма-сочилувчи - кўп марта фойдаланиш мумкин бўлган асбоб қисмларидан йиғилган оралиқ қурилма.

Путепровод - *йўл ўтказгич* - автомобиль йўли, темир йўл ёки кўча устидан ўтган кўприк иншооти.

Селедук - *сел ўтказгич* - устидан сел оқимларини ўтказиш учун хизмат қилувчи тоғ йўли устидаги кўприк иншооти.

Середина моста - *кўприк ўртаси* - кўприкнинг боши ва охиридан бир хил узокликдаги нуктанинг геометрик ўрни.

Середина пролета - *оралиқ ўртаси* - қўшни таянчлардан бир хил узокликдаги нуктанинг геометрик ўрни.

Скотопрогон - *мол ўтказгич* - йўл остидан молларни ўтказиш учун хизмат қилувчи кўприк иншооти ёки қувур.

Сооружение мостовое - *кўприк иншооти* - тўсиқ устидан транспорт йўли ўтказиш учун кўзда тутилган, бир ёки бир нечта оралиқ қурилмадан ташкил топган йўл муҳандислик иншооти. Бу гуруҳ иншоотларга қуйидагилар киради: кўприклар, йўл ўтказгич, виадуклар, эстакадалар, канал-кўприклар.

Сооружение регуляционное - *сувни изга солувчи иншоот* - кўприк остига ёндошишда ва ундан чиқишда сув оқимини изга солиш учун кўзда тутилган сув оқимидан ўтиш тизимидаги муҳандислик иншооти.

Срок службы сооружения - *иншоотнинг хизмат муддати* - иншоот (кўприк, қувур ва бошқалар)нинг транспорт воситаси, пиёдалар ва сув оқимини бир меъёрга тўхтовсиз ўтказиш муддати.

Стена подпорная - *тиргак девор* - 1.4. бандга қаранг.

Схема моста - *кўприкнинг схемаси (шартли тасвири)* - кўприкнинг асосий ўлчамлари, геологик маълумотлари, шунингдек техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан график тасвири.

Тоннель - *ер ости йўли (тоннель)* - ернинг қалин қатламидан, тоғли массивдан ёки сувли тўсиқ остидан ўтувчи транспорт воситаси ва бошқаларни ўтказиш учун кўзда тутилган ер ости муҳандислик иншооти.

Угол пересечения - *кесишиш бурчаги* - режада кўприк, қувур ёки сизувчи кўтармалар ўқи ва улар кесиб ўтувчи сув оқими ёки автомобиль (темир) йўл ўқи орасидаги бурчак.

Ширина моста - *кўприкнинг кенглиги* - панжаралар орасидаги масофа.

Ширина моста полезная - *кўприкнинг фойдаланиш кенглиги* - катнов қисм ўқиға перпендикуляр ўлчанадиган, транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатини ўтказиш учун кўзда тутилган кўприкнинг барча элементлари кенглигининг йиғиндиси.

Формула моста - *кўприк ифодаси (формуласи)* - оралик ўлчамларини ва уларни кўприкда жойлаштириш кетма - кетлигини тавсифловчи шартли ёзув.

Эстакада - *эстакада* - «Эскадали кўприк» қа қаранг.

3.2. Кўприк иншоотларининг қисмлари.

Балансир - *лангар (мувозанатловчи)* - бир охири билан оралик қурилмага ёки таянчға бириктириладиган, бошқа охирида эса цилиндрлик ошиқ-мошиқ учун уяға эға бўлган таянч қисмининг пўлат элементи.

Балка вспомогательная - *ёрдамчи тўсин* - бошқа асосий бўйлама тўсинлар билан солиштирганда кичик баландликка эға ва катнов қисм тош тахтаси ишини енгиллаштириш учун кўзда тутилган, яхлит темирбетонли оралик қурилма.

Балка главная - *асосий тўсин* - тўсинли кўприкнинг оралик қурилмаси асосини кўтариб турувчи бўйлама элемент.

Балка жесткости - *бикирлик тўсини* - оралик қурилманиннг зарурий бикирлигини таъминловчи, осма, винтли ёки мураккаб кўприкнинг бўйлама элементи.

Балка крайняя - *чекка тўсин* - оралик қурилманиннг ташқи бўйлама тўсини.

Балка подвесная - *осма тўсин* - осма консол тизимли кўприкда бир ёки икки охири консолға тиркаладиган оралик қурилма тўсини.

Балка поперечная - *кўндаланг тўсин* - кўприкка кўндаланг жойлашган, асосий тўсинлар ва катнов қисмни бўйлама тўсин билан

каттик боғлаган, оғирликни улар орасида тақсимлаш учун кўзда тутилган оралиқ қурилманинг кўтарувчи элементи.

Балка продольная - *бўйлама тўсин* - ўқи кўприк бўйлаб йўналган оралиқ қурилманинг кўтариб турувчи элементлари ёки катнов қисм тузилмаси.

Балка составная по длине - *улама тўсин* - узунлиги бўйича алоҳида тўсинлардан ташкил топган, зўриктирилган арматура ёрдамида бириктирилган темирбетон тўсиқ.

Балка цельнопролетная - *яхлит оралиқли тўсин* - беркитиладиган оралиқнинг тўлиқ узунлиги бўйича, туташиб жойисиз тайёрланган темирбетон тўсин.

Башмак металлический - *металл бошмоқ* - қозиқ оёқларнинг остки учида уларни қоқиб киргазишда шикастланишдан ҳимояловчи металл элемент.

Блок сборный - *йиғма блок* - заводда тайёрланадиган ва монтаж қилиш жойига олиб келинадиган, ўзини таянч ёки оралиқ қурилма қисми сифатида намоён қиладиган конструктив монтаж қисми.

Блок тротуарный - *йўлак блоқи* - кўприкда йўлак қуриш учун кўзда тутилган, илгаридан тайёрланган темирбетон элемент.

Бордюр - *ҳимоя тоши(бордюр)* - транспорт воситаларининг юриш жойи чегарасини белгилаш учун кўзда тутилган, уларнинг шу жой чегарасидан ташқарига чиқишига тўсқинлик қилувчи, қоплама юзасидан кўтарилган кўприк пойи тузилмасининг элементи.

Брус колесоотбойный - *гилдирак қайтаргич тўсин* - автомобиль йўли ёғочли кўпригининг транспорт воситалари юрадиган қисми чегарасини белгилаш учун кўзда тутиладиган, ундан транспорт воситаларининг чиқишига тўсқинлик қилувчи, унинг чети бўйлаб ўрнатиладиган бўйлама тўсин.

Валок - *валок* - цилиндр(каток)нинг вертикал текисликлар билан кесилган шаклига эга бўлган, бетон, темирбетон ёки пўлатдан ясалган, ҳаракатланадиган таянч босимларини қабул қилиш ва уни нишаблик ҳисобига бўйлама сурилишини таъминлаш учун кўзда тутилган.

Ванта - *ванта* - кўтариб турувчи, бир ёки иккала учи билан бикирлик тўсинига маҳкамланган ва кучни дев устунга узатувчи вантли кўприкнинг қия жойлашган тортилган элементи.

Водоотвод моста - *кўприкдаги сув кетказгич* - кўприкдан сувни тезда четлатиш учун тузилмавий тадбирлар мажмуаси.

Водорез - сув кескич - кўприкдан юқори томонда ўрнатиладиган, ўзан таянчининг ўткирлаштирилган қисми (вертикал ёки 1/8 дан катта бўлмаган нишабликда).

Вылет консоли - *консол қулочи* - консол охиридан унинг таянч кесимигача бўлган масофа.

Гидроизоляция - *гидроизоляция* - кўтариб турувчи тузилмаларни ер усти ва ер ости сувлари таъсиридан ҳимояловчи тузилма.

Гидроизоляция дисперсно-армированная - *арматунали ёйма гидроизоляция* - қисқа толалар (мисол учун, шишали тола, асбестли ва бошқалар) билан арматураланган, елим битумли гидроизоляция.

Гидроизоляция из рулонных материалов - *ўрамли материаллардан ясалган гидроизоляция* - заводда тайёрланган ўрамга ўралган (фолгонзол, гидростеклоизол, стеклорубероид) материаллардан гидроизоляция.

Гидроизоляция мастичная - *мастикали гидроизоляция* - ҳимояланадиган юзада узлуксиз эластик парда ҳосил қилувчи битумли ёки бошқа полимер материаллар асосида мастика қўлланилиб бажарилган гидроизоляция. Мастикали гидроизоляция турли матолар, толалар ва бошқалар билан арматураланиши мумкин.

Гидроизоляция оклеечная - *ёпиштирма гидроизоляция* - мастика билан ёпиштирилган ўрамли материаллардан ёки материалда мавжуд бўлган мастика юзали қатламни ёндиргич билан эритиб тозалаб тайёрланган гидроизоляция.

Гидроизоляция пленочная - *пардасимон гидроизоляция* - сунъий пардасимон материаллардан тайёрланган гидроизоляция.

Гидроизоляция полимерная - *полимер гидроизоляцияси* - терморефаол елим асосида тайёрланган материалли гидроизоляция.

Гидроизоляция проезжей части - *қатнов қисм гидроизоляцияси* - қатнов қисмдан оралиқ қурилма тузилмасига сувнинг сизиб ўтишини қайтарувчи ҳимояловчи элемент.

Гидроизоляция рулонная - *ўрамали гидроизоляция* - заводда тайёрланган материалдан ясалган, ўрама шаклда йиғилган гидроизоляция (изопласт, мостопласт ва ш.к.).

Диафрагма - *пардадевор (диафрагма)* - оралиқ қурилманинг бирлашадиган элементлари ўқига перпендикуляр ёки бурчак остида жойлашган, уларнинг устуворлигини таъминлаш ва муваққат оғирлик кучи таъсирини тақсимлаш мақсадида ўрнатиладиган япроқ (пўлат кўприкларда) ёки девор оралиқ қурилма

Замок арки - *равоқ(арк) қулфи* - равоқнинг учидаги кесишма.

Заполнение деформационного шва - *деформация чокини тўлдириши* - қатнов қисм сатҳида бўшлиқни тўлдирувчи деформация чокининг тузилмавий элементи.

Заполненис перильное - *панжаравий тўлдириши* - устунлар, тутқич ва панжара асоси орасида жойлашадиган панжарали тўсиқнинг таркибий қисми.

Кабель - *сим арқон(кабель)* - бикирли тўсиқдан олиб қўйилган осма кўприкнинг асосий кўтариб турувчи элементи.

Каток - *галтак машина (каток)* - таянч босимини қабул қилувчи ва тебраниш йўли билан оралиқ қурилманинг бўйлама сурилишини таъминловчи, ҳаракатланувчи таянч қисмнинг цилиндр шаклидаги пўлат элементи. Галтак машиналар шунингдек оралиқ қурилмалар ва бошқа конструкцияларни ғилдиратиш учун ҳам қўлланилади.

Клетка проезжей части балочная - *қатнов қисмнинг тўсинли катаги* - кўприк пойидан юкни қабул қилувчи ва уни асосий тўсинларга узатувчи, кўприк қатнов қисми тузилмасининг бўйлама ва кўндаланг тўсинлари тизими.

Колодец опускной - *ботирма қудуқ* - ички бўшлиқдан ва қудуқ деворлари тагидан тупрокни олишда ўзининг оғирлиги таъсирида тупрокка ботадиган, ярим ёпиқ кўндаланг кесимли тузилмадан иборат (одатда, темирбетондан), чуқур жойлаштирилган таянч девори.

Компенсатор - *компенсатор* - 1. Деформация чокининг тузилмавий элементи бўлиб, унинг герметиклигини (зичлиги) таъминлайди ва оралиқ қурилмани ўзининг деформацияси ҳисобига бўйлама сурилишига тўсқинлик қилмайди; 2. Йўналтирувчи тахтача ва устун орасида жойлашган, тўсиқларга келиб урилишдаги қувватнинг бир қисми кетиши учун хизмат қилувчи тўсиқ ғовнинг элементи.

Конус насыпи - *кўтарма конуси* - кўприкли иншоотининг қирғоқдаги таянчига бевосита туташ, бориш йўлининг кесик конус шаклидаги кўтармасининг қисми.

Кромка проезжей части - *қатнов қисмининг ҳошияси (чети)* - қатнов тасмасидаги ўтиш қисмини хавфсизлик тасмасидан ажратувчи чегара.

Крыло моста раскрывающееся - *кўприкнинг очиладиган қаноти* - горизонтал ўқ атрофида вертикал текисликда бурилувчи, ораси очиладиган кўприкнинг оралиқ қурилмаси қисми.

Крыло откосное - *қия қанот* - пойдеворга суянган ва кўприк ўкига бурчак остида жойлашган, ўзгарувчан баландликли, девор кўринишидаги қирғоқнинг таянч элементи. Қирғоқдаги таянч ортига ўрнатилган кўприкка ёндош кўтарма тупроғини ушлаб туриш учун кўзда тутилган.

Куст свай - *қозик оёқлар тўплами* - тупроққа қоқилган қозик оёқлар гуруҳи.

Ледорез - *муз кесар* - ҳаракатланаётган музларни синдириш йўли билан таянчларни ҳимоялашга мўлжалланган, қозик оёқлар ёки ряжлардан иборат таянч олдидаги мустақил тузилма ёки кўприкнинг ўздан таянчининг юқори қисмининг ўткирлашган қия қирраси.

Ледорез кустовой - *бир тўп музкесар* - кучсиз муз оқадиган дарёларда қўлланиладиган, қозик оёқлар тўплами кўринишидаги содда турдаги муз кесар.

Ледорез плоский - *ясси муз кесар* - кучсиз ёки ўртача муз оқадиган дарёларда қозик оёқли таянчлар олдида ўрнатиладиган, бир қатор қозик оёқлардан ташкил топган, юқоридаги қия элемент билан бирлаштирилган муз кесар.

Ледорез шатровый - *чодирсимон музкесар* - тахта билан копланиб, ўзаро боғланган бир неча қатор қозик оёқлардан ташкил топган, кучли муз оқими кузатиладиган дарёларда кенг таянчлар олдида ўрнатиладиган муз кесар.

Лежень опорный - *таянч тўсини* - ўтказувчи тош тахта ёки оралик қурилма тираб қўйилиши учун кўзда тутиладиган, кўтарма жисмига ёки тупроқли асосга ётказиладиган горизонтал тўсин кўринишидаги оддий турдаги таянч.

Лист настила стальной - *тўшаманинг пўлатли тахтчаси* - транспорт воситаларидан тушадиган юкни қабул қилувчи ортотропли тош тахтанинг устки текис пўлатли тахтчаси.

Лист скользящий - *сирпанувчи тахтача* - ораликни ёпувчи ва оралик қурилмаларнинг бўйлама сурилишида бир ёки икки учи билан чокнинг чети бўйича сирпанувчи металл тахтача кўринишидаги деформация чоки тузилмасининг элементи. Сирпанувчи тахтчанинг текис ва оғма турлари мавжуд: текис - доимий кўндаланг кесимли; оғма - кўприк бўйлаб йўналишда ўзгарувчан кесимга эга.

Надарочное строение (надсводное) - *равоқ(арк) усти қурилмаси* - равоқ усти қурилмаси жойлашган, равоқли оралик қурилманинг қисми тешикли ёки яхлит тузилмали бўлади.

Накладка - *уланма* - металл конструкцияли тузилманинг туташувчи элементларига уларни қўшиш учун ўрнатиладиган бир шаклдаги металл тахтача.

Насадка - *учлик* - устун ёки қозик оёқлар боғичларини устидан бирлаштирувчи қозик оёқли ёки устунли таянчларнинг темирбетон ёки ёғоч elementi.

Настил - *тўшама* - ёғоч кўприкларда юриш тасмаси ва йўлакнинг тахта қопламаси, металл кўприкларда қатнов қисм тош тахтасининг юқори қисми юриш тасмаси ва йўлак қопламасини ҳам тўшама деб (айниқса, хорижда) атайдилар.

Настил сквозной - *тўлиқ тўшама* - ораси бироз кичик баландликдаги бир хил шаклли эгик тасмалар билан мустаҳкамланган, метал тасмаларнинг қирраси билан ётқазилишидан ташкил топган панжарасимон конструкцияли, металл кўприкнинг қатнов қисми тўшамаси.

Настил стальной плоский - *ясси пўлатли тўшама* - ясси тахтачалардан бажарилган металл кўприкнинг тўшамаси.

Нож колодца - *қудуқнинг пичоғи* - қудуқнинг тупрокка ботишини енгиллаштириш учун кўзда тутилган, ботирма қудуқ деворининг остки, ўткирлашган қисми.

Нож ледореза - *музкесарнинг пичоғи* - муз босимини бевосита қабул қилувчи ва унинг бузилишига имкон берадиган, музкесарнинг кесувчи қирраси.

Оголовок опоры - *таянчнинг каллағи* - устига таянчли қисмларни ўрнатиш учун хизмат қилувчи ва ораликларнинг таянчли босимларини бевосита қабул қилувчи, кўприк таянчининг энг юқори, йўғонлашган, одатда, арматураланган қисми.

Ограждение - *тўсиқ* - қатнов тасмаси чегарасида ўрнатиладиган, транспорт воситасини унинг доирасидан чиқиб кетиши олдини олиш ва ғовга келиб қолишида автомобиль ҳаракати йўлини тўғрилаш учун кўзда тутилган кўприк тасмасининг тузилмавий elementi. Тўсиқ бетонли, ёғочли, темирбетонли ва металл бўлиши мумкин. Тузилмаси бўйича устунлар, уларга мустаҳкамланган, қоплама юзасидан бироз кўтарилган горизонтал тўсин ёки кесимли пўлат тасма ёинки қувурдан ташкил топган тўсиқли ғов тури, турли шаклдаги темирбетоннинг девор кўринишида бажарилган парапетли тўсиқ тури мавжуд.

Одежда ездового полотна - *юриш пойининг тўшамаси* - лойиҳавий кесимларни, равонликни, шунингдек, оралик қурилма элементларини уларга сув ўтишдан ҳимоялашни таъминловчи юриш

пойи доирасида оралиқ курилмада куриладиган элементлар тўплами. Темирбетон кўприкларда, одатда, текисловчи қатлам, гидроизоляция, химояловчи қатлам ва қопламадан ташкил топади. Цементбетон қопламали кўприкларда химояловчи қатлам ўрнатилмайди.

Окаймление деформационного шва - *деформация чокини ҳошиялаш* - туташувчи тузилмалар охирини химояловчи (оралиқ курилма чеккаси, таянчнинг бош қисми қирраси ёки қирғоқ устунининг шкаф девори), улар ичида анкерланган ва чокни ёпиб турувчи элементлардан огирилиқни қабул қилиш ва транспорт воситалари таъсиридан химояловчи тузилма бузилишининг олдини олиш учун кўзда тутиладиган деформация чокининг тузилмавий элементи.

Опора анкерная - *анкерли таянч* - транспорт тўхташидан, ҳаракат таъсиридан ва бошқа горизонтал кучлардан бир нечта оралиқ масофаларда йиғиладиган, горизонтал кучларни қабул қилувчи кўп оралиқли кўприк таянчи.

Опора временная - *муваққат таянч* - кўприкни қуриш, тиклаш ёки таъмирлаш даврида фойдаланиладиган, хизмат муддати чегараланган таянч.

Опора гибкая - *эгиловчан таянч* - оралиқ курилманинг бўйлама сурилишини ўзининг эластик қайишқоқлиги ҳисобига қисман ёки тўлиқ таъминловчи, одатда, катта баландликка эга бўлган таянч.

Опора двухрядная - *қўш қаторли таянч* - олд томони бўйича икки қатордан ташкил топган, умумий ўрнатмага бирлашадиган қозик оёқли таянч.

Опора жесткая - *қаттиқ таянч* - кўприкнинг бўйлама йўналишида муҳим қаттиқликка эга бўлган, оралиқ курилмадан ўтказиладиган барча горизонтал юклар ёки кўтарма тупроғи босимини қабул қилишга қодир бўлган ва ўзининг деформацияси ҳисобига оралиқ курилманинг бўйлама сурилишини таъминлашда иштирок этмайдиган ҳайбатли таянч.

Опора качающаяся - *чайқалувчан таянч* - учида ошиқ-мошиғи бўлган устун ёки девор кўринишидаги таянч.

Опора массивная - *ҳайбатли таянч* - ўлчами, одатда, тузилмавий мулоҳазалар бўйича ҳисобланадиган катта ички бўшлиқсиз бетонли таянч.

Опора монолитная - *яхлит (монолит) таянч* - бевосита қурилиш жойида бетонланадиган, таянч тушадиган юкларни асосга узатиб берадиган, кўприкли иншоотнинг тутиб турувчи элементи.

Опора плавучая - қалқима(сузувчи) таянч - асос бўлиб сув хизмат қилувчи, муваққат кўприкнинг таянчи.

Опора пойменная - қайирдаги таянч - кўприкнинг қайир қисмида, яъни ўртача сув сатҳи чегараси ташқарисида жойлашган таянч.

Опора промежуточная - оралиқдаги таянч - устунлар орасида жойлашган кўп оралиқли кўприк таянчи («Бык» атамасини қўллаш тавсия этилмайди, бу атама фақат қаттиқ ҳайбатли таянчларга тегишли).

Опора пустотелая - ичи ғовакли таянч - тупрокқа тушадиган босимни камайтириш мақсадида материал сарфини ва умумий оғирликни пасайтириш учун кўзда тутилган ичи бўш бўлган таянч.

Опора рамная - ромли таянч - ром кўринишидаги темирбетонли ёки ёғочли таянч.

Опора речная (руслловая)- дарё (ўзан) таянчи - дарё ўзанида, яъни сув сатҳи минтақасида жойлашган оралиқ таянч.

Опора ряжевая - ряжли таянч - ғўладан ясалган кесик ёғочли ёки ичи тўсиқли, тўсиқ кўринишидаги таянч, кесиклар тош билан тўлдирилади.

Опора сборная - йиғма таянч - олдиндан тайёрланган темирбетон элементлардан у ёки бу усулда бирлаштирилган таянч.

Опора сборно-монолитная - йиғма-яхлит(монолит) таянч - олдиндан тайёрланган темирбетон ёки бетон элементларда бажарилган, қурилиш жойида бетон билан бирлаштирилган, одатда, тўлдирувчи вазифасини бажарувчи таянч.

Опора свайная - қозиқоёқли таянч - тепаси насадка билан бирлаштириладиган, бир ёки икки қатор (олд томон бўйича) қозиқ оёқлардан ташкил топган таянч.

Опора стоечная - устунли таянч - бир қисми пойдевор четидан баланд таянч. Тепаси насадка билан бирлаштирилган устунлар воситасида бажарилган.

Опора столбчатая - устунсимон таянч - бир ёки бир нечта яхлит ёинки ичи бўш устунлардан тайёрланган, тепасидан ригел билан бирлаштирилган ёки бирлаштирилмаган пойдеворсиз таянч.

Опора телескопическая - телескопсимон таянч - жисми бир нечта қаватдан иборат бўлган оралиқ таянч. Таянч кесимининг ўлчамлари шакли бўйича бир хил, лекин қават доирасида ҳар бир қаватда камайиб боради.

Опора устой - асос таянчи - кўприкнинг боши ва охирида жойлашган охирги таянчлар.

Опорная часть - *таянчли қисм* - оралик қурилмадан тушадиган таянч босимни таянчга узатиб берувчи, оралик қурилманинг бурчакли ва чизикли ёки фақат бурчакли сурилишини таъминловчи кўприк элементи.

Опорная часть анкерная - *анкерли таянчли қисм* - ишораси ўзгарувчан вертикал оғирликларни узатиб берувчи таянч қисм.

Опорная часть валковая - *ғўласимон таянчли қисм* - устки ва остки таянч тош тахталари орасида жойлашган бир ёки бир нечта ғўлалар орқали таянч босимини узатиб берувчи ҳаракатланувчи таянч қисм.

Опорная часть катковая - *ғалтак элементли таянчли қисм* - юқори ва қуйи таянч плиталарда жойлашган, бир ёки бир нечта ғалтак машиналари орқали тиргаклар таъсирини узатувчи ҳаракатли тиргак қисми.

Опорная часть комбинированная - *мураккаб таянчли қисм* - резина ёки қатламли резинали элементларини қўллаш усулида, ишқаланишга қарши материаллардан ташкил топган қатлам билан тўлдирилган, пўлат стакан кўринишида бажарилган таянчли қисм. Таянчли қисм оралик қурилманинг барча йўналишларда сурилишини, яъни резинанинг деформацияси ҳисобига (унинг марказдан ташқари эгилиши) бурчакли, қатлам бўйича сирғалиш ҳисобига бўйлама сурилишини таъминлайди. Биринчи таянчли қисм қўзғалмас, иккинчиси қўзғалувчан ҳисобланади.

Опорная часть неподвижная - *қўзғалмас таянчли қисм* - унга таяниб турадиган оралик қурилманинг фақат бурчакли сурилишини таъминловчи таянчли қисм.

Опорная часть однокатковая - *бир ғалтакли таянч қисм* - битта ғалтак билан қўзғалувчи таянчиқ.

Опорная часть подвижная - *қўзғалувчан таянчли қисм* - унга таяниб турадиган оралик қурилманинг бурчакли ва чизикли сурилишини таъминловчи таянчиқ.

Опорная часть резиновая - *резинали таянчли қисм* - резинанинг эластик силжиши ҳисобига оралик қурилманинг чизикли сурилишини, марказдан ташқари эгилиши ҳисобига бурчакли сурилишини таъминловчи, навбатма-навбат резина ва пўлат тахтача қатламларда ўзаро бириктирилган қўзғалувчан таянчли қисм.

Опорная часть секторная - *секторли таянчли қисм* - бир учи лангар билан оралик қурилмага бириктирилган, понасимон элементи юмалоқ сиртдан юмалаб кетиш ҳисобига оралик қурилманинг бўйлама сурилишини таъминловчи металл қўзғалувчан таянчли қисм.

Опорная часть скользящая - *сирғалувчи таянчли қисм* - таянч босимини узатиб берувчи юзада сирғалиш ҳисобига оралик курилманинг бўйлама сурилишини таъминловчи қўзғалувчан таянчли қисм.

Опорная часть тангенциальная - *уринма юзали (тангенциал) таянчли қисм* - устки қисми ясси ва остки қисми цилиндр юзали таянч тош тахталардан ташкил топган, босимни таянч тош тахталарнинг тутатиш юзаси бўйлаб узатиб берадиган ва сирғалиш ҳисобига бўйлама сурилишни, устки таянч тош тахтасининг нишаблиги ҳисобига бурчакли сурилишни ёки фақат бурчакли сурилишни таъминлайдиган металл таянчли қисм.

Опорная часть шаровая - *шарсимон таянчли қисм* - таянч босимини нуқтада узатиб берувчи ва оралик курилманинг фақат бурчакли сурилишини ҳар қандай йўналишда таъминловчи таянчли қисм.

Основание естественное - *табиий асос* - кўприк таянчининг пойдеворини қуриш учун асос сифатида фойдаланиладиган, етарли даражада мустаҳкамликка эга бўлган табиий тупроқ.

Основание опоры - *таянч асоси* - кўприк таянчининг пойдевори тагидаги табиий тупроқ ёки сунъий тайёрланган асос.

Основание свайное - *қозиқ оёқли асос* - бўш тупроқлар ётган жойларда унинг кўтариш қобилятини кучайтириш учун қозиқ оёқлар қоқилган таянч асоси.

Основание сооружения - *иншоот асоси* - пойдевордан пастда жойлашган ва иншоотдан тушадиган юкни қабул қилувчи тупроқ ёки тузилмавий қатламлар.

Открылок (крыло устоя) - *қанотча (қирғоқ устунининг қанотчаси)* - пойдевори бўлмаган ва кўприкка ёндош кўтарма тупроғини ушлаб туриш учун хизмат қилувчи қирғоқ устунининг консолли элементи.

Оттяжка - *тортқич* - тупроққа ёки махсус анкерли таянчга мустаҳкамланган осма кўприк кабелининг охириги қисми.

Панель - *панель* - ёнма-ён тугунлар орасидаги кўприк оралик курилмаси фермасининг бир қисми (белбоғ элементи).

Перекрытие деформационного шва - *деформация чокиннинг қопламаси* - қатнов қисм сатҳида ораликни қопловчи деформация чоки тузилмасининг элементи.

Перила бесстоечные - *устунсиз панжара* - устунга эга бўлмаган, зич жойлашган вертикал тўлдирилган ўзакли панжара.

Перила моста - *қўприк панжараси* - йўлакдаги тўсик қурилмаси.

Пилон - *дев устун(пилон)* - кабел, занжир ёки винтларнинг тизимли тиралиб туриш учун хизмат қилувчи минорали устун, пештоқ кўринишидаги осма ёки винтли қўприк таянчи, тузилмани кўтариб турувчи элемент. Биқир ва чайқаладиган дев устун турлари мавжуд.

Плита гребенчатая - *кунгирали тош тахта (плита)* - режада тишли металл тахтачалар кўринишидаги, бўйлама сурилиш бўлганда бошқа тахтача тишлари орасидаги ораликка кирадиган деформация чокининг қоплама элементи.

Плита многопустотная - *қўп ғовакли тош тахта (плита)* - оғирлигини камайтириш учун ғоваклари бўлган темирбетон тош тахта. ғовақлар ўқи тош тахтанинг бўйлама ўқига тўғри келади ёки уларга перпендикуляр.

Плита опорная - *таянч тош тахта(плита)си* - таянч босимини ферма ости тош тахтасига тақсимлаш учун хизмат қилувчи, тош тахта кўринишидаги таянчнинг пўлат элементи.

Плита ортотропная - *ортотропли тош тахта(плита)* - ясси пўлат тахтачалардан ташкил топган, биқирлик қобирғаси улар билан зич жойлашган қўприкнинг пўлат оралиқ қурилмасининг қатнов қисми тош тахтаси.

Плита откатная - *қайтадиган тош тахта(плита)* - эгри чизикли элементга суянган, оралиқ қурилманинг устки сатҳида жойлашган, оралиқ қурилма учлари сурилганда сирғаладиган ёки юмалайдиган, металл тош тахта кўринишидаги деформация чоки тузилмасининг элементи.

Плита переходная - *ўтувчи тош тахта(плита)* - бир учи билан қирғоқ устунининг шкафи деворларига ёки оралиқ қурилма консолига, бошқа учи билан эса ёндош кўтармадаги леженга таяниб турадиган темирбетон тош тахта кўринишидаги қўприкнинг ёндашиш кўтармаси билан туташтириш элементи. Тош тахтанинг горизонтга нисбатан нишаблик бурчагига ва унинг йўл тўшамасига нисбатан ҳолатига боғлиқ равишда чуқурлаштирилган, юзаки турдаги, ярим чуқурлаштирилган ўтувчи турлари мавжуд.

Плита подферменная - *ферма ости тош тахта (плита)*- оралиқ қурилмаларининг таянчларини ўрнатиш учун хизмат қилувчи, қўприкнинг ҳайбатли таянчининг юқориги, одатда, арматураланган қисми.

Плита с поперечными пустотами - *қўндаланг ғовакли тош тахта* - тайёрлаш жараёнида оғирлигини камайтириш мақсадида, кўприкнинг бўйлама ўкига перпендикуляр қилиб ғоваклар ҳосил қилинган йиғма оралиқ қурилманинг темирбетонли тош тахтаси.

Плита проезжей части - *қатнов қисм тош тахтаси* - транспорт воситалари, пиёдалар ва кўприк усти элементларидан тушадиган оғирликни бевосита қабул қиладиган, оралиқ қурилманинг темирбетон, пўлат ёки ёғочли элементи.

Плита соединительная - *уловчи тош тахта* - узлукли оралиқ қурилмаларни бирлаштирувчи, қатнов қисм тузилмасининг узлуксизлигини таъминловчи, хароратли узлуксиз оралиқ қурилманинг тузилмавий элементи.

Площадка подферменная - *ферма ости майдончаси* - ферма ости ва оралиқ қурилма таянчларини ўрнатиш учун хизмат қилувчи ферма ости тош тахта, ригель, уламанинг юқори юзаси.

Подвеска - *осма кўтаргич* - қатнов қисм тузилмасининг, равоқли ёки осма кўприкнинг бикирлик тўсинини ушлаб турувчи очик оралиқ қурилманинг вертикал ёки нишаб элементи. Осма кўтаргичларнинг эгилувчан (ошиқ-мошиқли) ва бикир турлари мавжуд.

Подкос - *нишабли тиргак* - оралиқ қурилманинг ёки кўприк таянчи тузилмасининг фақат сиқилишга ишлайдиган нишаб элементи.

Подферменник - *фермаостлик* - таянчиқларни ўрнатиш учун кўзда тутилган ва оралиқ қурилманинг таянчи босимини таянч танасида тақсимлаш учун хизмат қилувчи, фермаости юзасида тошдан ёки темирбетондан дўнг жой кўринишида бажарилган кўприк таянчининг юқори қисми элементи.

Покрытие моста - *кўприк қопламаси* - юриш пойи ёки йўлак тўшамасининг устки тузилмавий қатлами.

Полоса защитная - *ҳимоя тасмаси* - қатнов қисм томонга қараган ғов юзаси ва кўтариб турувчи тузилма ёки ғов тепасидан туртиб чиққан бошқа элементларнинг яқин кирраси орасидаги бўшлиқ.

Полоса предохранительная (полоса безопасности) - *муҳофаза тасмаси (хавфсизлик тасмаси)* - қатнов қисм қирғоғи ва қатнов қисм томонига қараган ғов кирраси орасида жойлашган, кўприкдаги юриш тасмасининг бир қисми тезликни камайтирмасдан ҳаракатланишни (баланд ғовнинг ҳайдовчига руҳий таъсиридан),

шунингдек ҳаракат учун хавфли вазият юзага келганда унга автомобилларнинг тушиб ўтишини таъминлаш учун кўзда тутилган.

Полотно ездовое - *юриш пойи* - тўсиклар (бордюрлар, гилдирак қайтаргич тўсинлар ва бошқалар)нинг қатнов қисми томонига қараган қирралари орасида жойлашган оралиқ қурилмадаги бўшлиқнинг бир қисми.

Полотно мостовое - *кўприк кўтамаси* - транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатига яхши шароитни таъминлаш, шунингдек, кўприк қопламасидан ва унга ёндош туташмадаги сувларни четлатиш учун кўзда тутилган барча элементлар тўплами. У юриш тасмаси, йўлак, ғовли қурилмалар, сувни кетказиш, иситиш ва ёритиш қурилмаларини, деформация чоклари ва кўприкнинг унга ёндош туташмаларини ўз ичига олади.

Полотно обособленное - *алоҳида кўтарма* - кўприкнинг қатнов қисмидан бордюр билан ажратилган трамвай изи учун мўлжалланган тасма.

Поперечина - *қўндаланг тўсинча* - сарровга ёки ферма белбоғи устига кўприк ўқиға перпендикуляр ҳолатда ётқазилган, ёғоч кўприкнинг оралиқ қурилмасини кўтариб турувчи элементи. Тўшамани ёки қатнов қисм қопламасини ушлаб туриш учун хизмат қилади.

Поручень - *тутқич* - панжаранинг устки бўйлама элементи.

Портал — *пештоқ (портал)* - тоннелларга ёки кувурга кириш жойи (каллак)ни ўраб турувчи тузилма.

Пояс фермы - *ферма белбоғи* - ферманинг юқоридан ва пастдан кўринишини чеклайдиган оралиқ қурилма фермаси элементларининг тўплами.

Прогон - *сарров* - тўсинли ва тиргакли ёғоч кўприкларда оралиқни ёки панелни ёпиб турадиган бўйлама кўтариб турувчи элемент (ёғоч тўсин, ғўла ва бошқалар). Сарровлар оддий, кўп қаватли, таркибли бўлиши мумкин. Кўп қаватли сарровда тўсинлар ёки ғўлалар икки қават ёки баландлиги бўйича кўп жойлашган бўлади. Таркибли сарров ўзаро шпонка ёки бошқа шунга ўхшаш қурилмалар билан бириктирилади, кўп қаватли сарровлар ғўла тўсинлардан ташкил топади.

Проезжая часть мостового сооружения - *кўприк иншоотининг қатнов қисми* - 1) бу атаманинг дастлабки ва асосий (кенг) маънодаги - ҳаракатланувчи юклар(транспорт воситалари ва пиёдалар)нинг таъсирини қабул қилувчи, уларни оралиқ қурилманинг кўтариб турадиган қисмига узатувчи ва яна уни ўз

навбатида таянчнинг тиргак қисми орқали узатадиган конструктив элементлар жамлиги сифатида тушунчасидан энг кўп фойдаланилади. Бундай маънода бу атама мас., “ўтиш қисмининг юклар умумий таъсирига асосий тўсин (балка) ёки ферма билан биргаликда ишга киришиши” маъносидаги сўз бирикмаси сифатида тушунилади; 2) бу атама бошқа бирмунча тор маънода - транспорт воситалари ҳаракатланиш тасмасининг жойлашиши учун мўлжалланган юриш кўтармасининг қисми маъносида ҳам қўлланилади.

Пролетное строение - оралик қурилма-хамма бўшлиқни, икки ёки бир нечта таянчлар орасидаги қисмларни ёпувчи, кўприк тасмаси элементлари, транспорт воситалари ва пиёдалардан тушадиган юкни қабул қилувчи ва уни таянчларга узатиб берувчи, кўприкнинг иншоотни кўтариб турувчи тузилмаси. Оралик қурилмаларнинг тўғри ва қийшиқ турлари мавжуд. Тўғри оралик қурилманинг бўйлама ўқи таянчлар ўқи билан тўғри бурчак остида кесишади, қийшиқ оралик қурилманинг ўқи тўғридан фарқли равишда битта таянч ўқи билан бўлса ҳам бурчак остида кесишади.

Пролетное строение арочное с затяжкой - *тортиқли равоқли оралик қурилма* - равоқда вертикал куч таъсири остида пайдо бўладиган, горизонтал куч тортиқ орқали қабул қилинадиган оралик қурилма.

Пролетное строение балочное - *тўсинли оралик қурилма* - вертикал юкланишлар таъсиридан фақат вертикал тиргак таъсирлари юзага келадиган оралик қурилма.

Пролетное строение висячее безраспорное - *тиргаксиз осма оралик қурилма* - кабелларда юзага келадиган горизонтал ташкил этувчи кучни бикирлик тўсинига узатиб берадиган осма кўприкнинг оралик қурилмаси.

Пролетное строение висячее распорное - *тиргакли осма оралик қурилма* - кабелларда юзага келадиган горизонтал ташкил этувчи кучни махсус таянчларга узатиб берадиган осма кўприкнинг оралик қурилмаси.

Пролетное строение закрытое - *ёпиқ оралик қурилма* - қатнов остидан ёки ўртасидан амалга ошириладиган оралик қурилма.

Пролетное строение инвентарное - *инвентарли оралик қурилма* - кўп марта қўллаш мумкин бўлган, қаттиқ боғламли муваққат кўприкнинг оралик қурилмаси.

Пролетное строение коробчатое - *қутисимон оралик қурилма* - кўндаланг йўналишда бир ёки бир нечта бирлашган қутисимон

кесимли тўсинлардан ташкил топган, кўндаланг консолли ёки уларсиз оралик қурилма.

Пролетное строение неразрезное - *узлуксиз оралик қурилма* - икки ёки кўп ораликларни ёпувчи ва узунлиги бўйича узилиш ёки ошиқ-мошиқлик туташиларга эга бўлмаган, тўсинли, қатнов остидан ёки ўртасидан амалга ошириладиган оралик қурилма.

Пролетное строение открытое - *очиқ оралик қурилма* - қатнов остидан ёки ўртасидан амалга ошириладиган оралик қурилма, ферманинг юқори белбоғлари бирлаштирилмаган ва фермалар орасидаги ички бўшлиқ юқоридан чегараланмаган.

Пролетное строение плитное - *тош тахтали оралик қурилма* - битта ёки бир нечтаси бир-бири билан бирлаштирилган, яхлит ёки кўп ғовакли тош тахталар кўринишида бажарилган оралик қурилма.

Пролетное строение подвесное - *осма оралик қурилма* - ёнма-ён оралик қурилма консолига бир учи билан бўлса ҳам суяниб турадиган узлуксиз тўсинли оралик қурилма.

Пролетное строение напряженное - *кучлантирилган оралик қурилма* - алоҳида чўзилган кўтариб турувчи элементлари ёки тузилмалари бутунлай у ёки бу усулда олдиндан қисилган темирбетонли ёки металл оралик қурилма.

Пролетное строение разрезное - *узлукли оралик қурилма* - ёнма-ён жойлашган оралик ёки қирғоқ устунининг шкафи, девори билан боғлиқликка эга бўлмаган, фақат битта оралик қурилмани ёки унинг қисмини ёпувчи тўсинли (тош тахтали) оралик қурилма.

Пролетное строение ребристое - *қовурғали оралик қурилма* - тўғри бурчакли, таврли и ёки кўш таврли кесишмали тўсинлардан иборат темирбетонли оралик қурилма.

Пролетное строение сварное - *пайвандланган оралик қурилма* - пайвандлаш усулида, йиғма бирикиши болт ёки мих-парчинни кўллаб тайёрланган пўлат оралик қурилма.

Пролетное строение сквозной (решетчатой) конструкции - *панжарасимон тузилмали оралик қурилма* - асосий кўтариб турувчи элементлари ферма кўринишида бажарилган оралик қурилма.

Пролетное строение с ездой поверху - *устки қисмидан транспорт қатнайдиган оралик қурилма* - қатнов қисмининг оралик қурилмаси усти билан бир сатҳда ёки унинг устида жойлашади.

Пролетное строение с ездой понизу - *остки қисмидан транспорт қатнайдиган оралик қурилма* - қатнов қисмининг оралик қурилмаси ости билан бир сатҳда жойлашади.

Пролетное строение с ездой посередине - қатнов қисми ўртасида жойлашган оралиқ қурилма - катнов қисм оралиқ қурилмаси баландлиги чегарасининг усти ва ости орасида жойлашади.

Пролетное строение с каркасной арматурой - синч арматурали оралиқ қурилма - асосий кўтариб турувчи арматураси синчларга бирлаштирилган темирбетон оралиқ қурилма.

Пролетное строение температурно - неразрезное - ҳароратли узлуксиз оралиқ қурилма - горизонтал, шу жумладан, ҳарорат таъсиридан тузилма худди узлуксиз оралиқ қурилмадек ишлайдиган қилиб бирлаштириш усули билан (одатда, катнов қисм сатҳида) узлукли оралиқ қурилмадан ташкил топган тўсиқли оралиқ қурилма.

Пролетное строение цельносварное - яхлит пайвандланган оралиқ қурилма - пайвандлашни қўллаб бутунича тайёрланган пўлатли оралиқ қурилма.

Противовес - *посанги* - катта оғирликдаги консолли оралиқ қурилманинг устуворлигини таъминловчи консолли кўприкнинг элементи ёки ораси очиладиган кўприкнинг очиладиган оралиғи кўтарилишини енгиллаштирадиган элемент.

Пята арки (свода) - равоқ (қубба) товони - бевосита ёки таянч қисми ёрдамида кўприк таянчига туташувчи ва таянчнинг босимини узатиб бериш учун хизмат қилувчи оралиқ ёки қубба кесими.

Пята выносная - *чиқарма товон* - равоқ товонининг ошиқ-мошиғи жойлашадиган, муз оқимининг ҳисобий сатҳидан баландга олиб чиқилган, таянчга қисиб олинган, қисқа консолдан иборат бўлган ошиқ-мошиқли, равоқли кўприк элементи.

Рама порталная - *пештоқ(портал) роми* - биқир ром кўринишида бажарилган ва горизонтал кўндаланг кучларни кўприк таянчига узатиб бериш учун хизмат қилувчи, устидан ёки ўрта қисмидан транспорт қатнайдиган оралиқ қурилма охирларини кўндаланг боғлаш элементи.

Раскос - *тиргович* - 1) бўйлама ўқига қияликда жойлашган ва сиқилиш ёки чўзилиш билан ишлайдиган оралиқ қурилма ва кўприк таянчи элементи; 2) сиқилиш ёки чўзилиш билан ишлайдиган кўприк оралиқ қурилмаси фермаси панжарасининг қия элементи. Оралиқнинг ўртасида кўтарилиб турадиган ва пасаядиган тирговичлар фарқланади. Тенг тақсимланган юкланишлар таъсиридаги параллел белбоғли тиргович фермаларида пасаядиган белбоғлар чўзилади, кўтариладиганлари эса сиқилади.

Распорка - *тиргак* - кўприк тузилмасининг сиқилишга ишлайдиган ўзак элементи.

Ребро (уголок) жесткости - *бикирлик қовургаси (бурчаги)* - эгилиш-сиқилишларида устуворликни таъминлаш учун унинг деворига ёки тош тахтага бириктирилган металл тўсин элементи.

Ригель опоры - *таянч ригели* - устунсимон таянч (шунингдек хайбатли таянч)нинг темирбетонли қатлами.

Ростверк свайный - *қозик оёқли ростверк* - қозик оёқли асосдаги таянч пойдевори. Унинг баланд ва паст турлари мавжуд. Агар пойдевор таги тупроқ юзасидан бир қанча баландда жойлашса - баланд, агар пойдевор таги тупроққа тегиб турса - паст дейилади.

Рыбка - *балиқча* - кўприкларнинг металл тузилмаларида туташ жойларини беркитувчи, ромбга ўхшаш чўзиқ шаклга эга, металл устки қисм.

Свая буровая - *бурғулаб ишланган қозик оёқ* - олдиндан бурғуланган қудукни бетон қоришмаси билан тўлдириш йўли билан бажарилган қозик оёқ.

Свая буронабивная - *бурғулаб тўлдирилган қозик оёқ* - бурғуланган қудукни қуймабетон билан тўлдириш йўли билан бажарилган, бурғулаб ишланган қозик оёқ. Бунда тўлдирувчи бетон бевосита қудук деворига туташади.

Свая буробсадная - *бурғулаб мустаҳкамланган қозик оёқ* - бетон билан тўлдириладиган мустаҳкамловчи қувурни қудукларда қолдириш билан барпо этилган бурғулаб ишланган қозик оёқ.

Свая винтовая - *бурама(винтли) қозик оёқ* - кўтариш қобиляти асосан ён юзаси бўйича тупроқнинг ишқаланиши билан аниқланадиган қозик оёқ.

Свая висячая - *осма қозик оёқ* - хусусияти, асосан, унинг ён юзаларига тупроқнинг тишлашиши(уланиши) билан белгиланадиган тутиб турувчи қозик оёқ.

Свая забивная - *қоқиб киритилган(қоқма) қозик оёқ* - олдиндан тайёрланган ва тупроққа қоқиш ёки тебратиб ботириш йўли билан тупроққа ботириладиган қозик оёқ.

Свая с камуфлетным уширением - *камуфлет кенгайтирилган қозик оёқ* - олдиндан бурғуланган қудук асосида портлатиш усулида олинган тупроқдаги бўшлиқни бетон билан тўлдириш воситасида бажарилган, охири кенгайтирилган, бурғулаб тўлдирилган қозик оёқ.

Свая маячная - *маёқ қозик оёқ* - йўналтирувчи синчларни мустаҳкамлаш учун биринчи тушириладиган қозик оёқ.

Свая оболочка - *қобикли қозық оёқ* - тупрокка тебратиб ботириш билан чукурлаштириладиган, катта диаметрли, ичи ковак цилиндр кўринишидаги қозық оёқ.

Свая с уширением на конце - *учи кенгайтирилган қозық оёқ* - пармалаш жараёнида олинадиган бўшлиқ бетон билан тўлдирилиб вужудга келтирилган, учлари кенгайтирилган, бурғулаб ишланган қозық оёқ.

Свая-стойка - *устун қозық оёқ* - учининг тупрокка қаршилиги билан унинг кўтариш қобилияти аниқланадиган қозық оёқ.

Связи поперечные - *кўндаланг боғланиш* - кўприкнинг асосий фермалари орасида уларга перпендикуляр бўлган текисликларда жойлашган, кўндаланг кучларни қабул қилиш учун хизмат қилувчи ром туридаги тузилма.

Связи продольные - *бўйлама боғланиш* - горизонтал кучларни қабул қилиш учун кўприк асосий фермаларининг юкори ва остки тасмалари сатҳида жойлашувчи боғлама.

Связь ветровая - *шамолга қарши боғланиш* - шамол ёки бошқа горизонтал кучларни қабул қилувчи металл, темирбетон ёки ёғоч оралиқ қурилма фермалари орасидаги туташтирувчи элемент.

Сечение поперечное замкнутое - *ёпиқ кўндаланг кесим* - кўприк оралиқ қурилмасининг ёпиқ тўғри бурчак шаклига эга бўлган кесими.

Сечение поперечное незамкнутое - *очиқ кўндаланг кесим* - кўприк оралиқ қурилмаси горизонтал элементининг чегараловчи юкори (ёки остки) тасмаси сатҳига эга бўлмаган қисми.

Селезник - *томчи туширгич* - оралиқ қурилманинг олд томон юзаларига вертикал қирралар бўйича сувларнинг оқиб тушиши олдини олувчи, қатнов қисм тош тахтаси ёки йўлак бўлакчасининг остки горизонтал юзаси четидаги дўнг ёки жўяк кўринишидаги қурилма.

Слив - *сув туширгич* - таянч танаси юзасидан сувнинг оқиб тушишини таъминловчи, таянч тўшаги майдончасининг, шунингдек, таянчнинг бошқа элементларининг қия жойлашган текислиги.

Слой антикоррозионный - *занглашга қарши (антикоррозион) қатлам* - металл кўприкни занглашдан химоялаш учун кўзда тутилган юриш тасмаси тўшамасининг остки элементи.

Слой выравнивания - *текисловчи қатлам* - қатнов қисмнинг темирбетонли тош тахтаси юзасига гидроизоляция остидан уни текислаш ва унга лойихавий кесим бериш учун ётқазиладиган, юриш тасмаси тўшамасининг остки қисми. Қумли цемент қоришмаси,

цементбетон, асфальтбетондан, гидроизоляциясиз кўприкларда эса, бир вақтнинг ўзида қоплама бўлиб хизмат қиладиган ва унинг устида бевосита ҳаракат амалга ошириладиган арматураланган цементбетондан қурилади.

Слой защитный - *муҳофаза қатлами* - гидроизоляция устига уни бузилишдан сақлаш учун турли материаллар (цементбетон, асфальтбетон ва бошқалар)дан қуриладиган, юриш тасмаси тўшамасининг элементи.

Слой износа - *едирилиш қатлами* - транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати таъсирига бевосита учрайдиган тасма, йўлаклар тўшамаларининг устки қатлами.

Слой сцепления - *тишлашиш қатлами* - қопламанинг тўшама қати билан биргаликда ишлашини таъминловчи металл кўприклар юриш тасмаси тўшамасининг элементи.

Сопряжение с подходами - *йўлнинг кўприкка боғланиш жойи* - кўприкнинг қирғоқ таянчи ортидаги ёндош кўтармасига туташ тугунининг тузилмавий тўлдиргичи.

Стакан анкерный - *цилиндрсимон(стакансимон) анкер* - боғланиш тугунларида симли арқон ва винтлар охирини маҳкамлайдиган элемент. Конус шаклида ёки цилиндрсимон бўшлиқли бўлади.

Стенка заборная - *ўралган девор* - кўтарма тупроғини ушлаб туриш учун вертикал ёки горизонтал қисмлардан ташкил топган девор кўринишидаги қозик оёқли қирғоқ устунининг элементи.

Стенка качающаяся - *чайқалма девор* - девор текислигига перпендикуляр бўлган тебранувчи ҳаракатлар имкониятини таъминловчи, охирларида ошиқ-мошиқли маҳкамловчиси бўлган оралик қурилма ёки қатнов қисм тузилмасининг суяниши учун девор кўринишидаги кўтарувчи элемент.

Стенка обратная - *орқа девор* - қирғоқдаги таянч орасида тўкмаларни ушлаб турувчи, пойдеворда ўрнашувчи, қирғоқ устунининг ён девори.

Стенка соединительная - *уловчи девор* - баланд сувнинг ўтишига тўсинлик қиладиган, қирғоқдаги таянчнинг тупроқ тўкилган қисми ва таянч (алоҳида турдаги қирғоқ устунни бўлганда) орасидаги девор.

Стенка шкафная - *шкаф девор* - оралик қурилма чети ва таянч қисмларнинг жойлашиши минтақасини кўприкка ёндош кўтарма тупроғидан ажратувчи қирғоқдаги таянч бош қисмининг юқори элементи.

Стенка щековая - куббасимон кўприкнинг кубба устидаги тупроқ тўшамасини тутиб турувчи элементи

Стойка перильная - *панжара устуни* - туткични саклаб туриш учун хизмат қилувчи оралик қурилма ёки йўлак бўлакчасига маҳкамланган панжаранинг вертикал кўтариб турувчи элементи.

Стрела подьема - *кўтарилиш ўқи* - ўқининг энг баланд нуқтасидан уларнинг товларини туташтирувчи чизикқача бўлган вертикал масофа.

Стык - *уланган жой* - тузилманинг икки элементи бир бутундек бирга ишлашини таъминлаш учун ўзаро учма-уч бирлаштирилиши.

Стык бетоннруемый - *бетонлаштирилиб уланган жой* - бетонли ёки темирбетонли элементларнинг ораси (арматуралари учидан чиқарилган ёки уларсиз) бетон ёки қоришма билан тўлдирилган ва зўриктирилган арматура билан ёки устида ётувчи тузилма оғирлиги билан сиқилган уланиш жойи.

Стык клееный - *елимлаб уланган жой* - элементларнинг ораси ўзаро елим билан тўлдирилган уланиш жойи.

Стык клеештыревой - *елим михли уланган жой* - ёғочли ёки темирбетонли тузилмалардаги бирлашувчи элементлар оралиғига қўйилган штир, элементлар орасидаги бўшлиқ штирлар ва оралик деворлар ораси тўлдирувчи елим ёрдамида маҳкамланган уланиш жойи.

Стык петлевой - *илмоқли уланган жой* - узайтирилган темирбетон элементларнинг охириларида чиқарилган арматуралар илмоқ шаклига эга бўлган, ичида эса бирлаштирувчи бетон ҳар томонлама сиқилиш шароитида ишлайдиган бетон билан бириктирилган жой.

Стык сухой - *қуруқ уланган жойи* - элементлар учларининг бирикиши уланаётган элементларни зўриктирилган арматура билан сиқиш ёки устида ётувчи элементнинг оғирлиги ҳисобига махсус ишлов берилган юзаларни туташтириш билан амалга ошириладиган уланиш жойи.

Схватка - *боғлама* - ёғоч кўприкларнинг баъзи элементларини боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи элемент

Тело опоры - *таянч танаси* - ҳайбатли таянчнинг ёки қирғоқдаги таянчнинг каллаклари (каллаклар бўлмаганда таянч тўшаги тош тахтасининг усти) ва пойдевор орасидаги қисми.

Тротуар моста - *кўприк йўлакчаси* - пиёдалар ҳаракати учун кўзда тутилган кўприк қопламасининг қисми. Йўлакча қатнов

сатҳидан юқори жойлашган бўлса кўтарилган, қатнов қисми билан бир сатҳда жойлашган бўлса, пасайтирилган йўлакча турига киради.

Трубка водоотводная - сув туширувчи найча - қатнов қисм ва йўлакчалардаги юза сувларни, шунингдек, изоляция қатлампидан оқувчи сувларни тушириш учун сувни кетказиш тизимининг тузилмавий элементи. Кўприк кўндаланг кесимининг пасайтирилган қисмларида жойлашади.

Трубка дренажная - дренаж найчаси - изоляция қатлампидан остида ва деформация чокининг пасайтирилган жойларидан филтрловчи сувларни четлатиш учун хизмат қилувчи тузилмавий элемент.

Узел - тугун - ферманинг икки ёки бир нечта элементлари (тасма, тиргаклар, устун)нинг бўйлама ўқлари кесишувчи бирлашган қисм.

Упор - тиргак - пўлатли кўтарувчи тузилма (тўсин)лар қатнов қисмининг темирбетонли тош тахталари билан биргаликда ишлашини таъминлаш учун кўзда тутилган пўлат темир-бетонли оралиқ қурилманинг тузилмавий элементи. Тиргакларнинг бикир ва эгалувчан турлари мавжуд.

Устой - қирғоқдаги таянч - оралиқ қурилма ва кўтарма тупроғи босимини қабул қилувчи, кўприкнинг унга ёндош кўтарма билан туташтириш жойидаги охириги таянчи.

Устой анкерный - анкерли қирғоқ таянчи - бир нечта оралиқда йиғиладиган горизонтал кучланишларни қабул қилувчи, кўзгалмас суянчиқ жойлашган кўп оралиқли кўприкнинг қирғоқ таянчи.

Устой козловый - қия устунли қирғоқ таянчи - қозик оёғи ёки устун қаторлари оралиқ қурилма томонидан қараганда қия бўлган, икки ёки ундан ортиқ қаторли қозик оёқ устундан (олд томондан) иборат темирбетон қозик оёқли ёки устунли қирғоқдаги таянч.

Устой коробчатый - қутисимон қирғоқ таянчи - қутисимон, орқа ва кейинги ёпувчи деворлар орасидаги очиқ бўшлиқни қатнов қисмининг тош тахтаси беркитадиган қирғоқ таянчи.

Устой лежневой - ёстиқ қирғоқ таянчи - кўтармада тупроғида жойлашган қутили девор ва қанотчалар билан чақиқ тошли тўшама (ёстиқча)га тиралган кўринишда бажарилган, тўсин ёки темирбетон тош тахтали оддий турдаги қирғоқ таянчи.

Устой облеженный - энгиллаштирилган қирғоқ таянчи - бир оралиқли кичик кўприкни юқоридан оралиқ қурилма ва пастдан тиргаклар ўрнатиш билан бирлаштирилиши ҳисобига икки таянчда

ётувчи тўсин сифатида, тупроқ босимини қабул қиладиган, трапецендал шаклдаги, тиргак, девор кўринишидаги яхлит ёки йиғма темирбетонли қирғоқ таянчи.

Устой обсыпной - *кўмилган қирғоқ таянчи* - катта қисми кўтарманинг конус тупроғида жойлашган, қирғоқ таянчининг олдинги деворидан чиқиб турувчи қирғоқ таянчи.

Устой раздельный - *ажратилган қирғоқ таянчи* - кўтарма конуси ва таянч орасидан муз ва сув ўтишига тўсқинлик қилувчи деворни ўрнатиш мумкин бўлган, кўмилган қирғоқ девори ва оралик таянч туридаги икки қисмдан иборат бўлган қирғоқ таянчи.

Устой свайный - *қозиқ оёқли таянч* - учли ёки шкаф девори билан биргаликдаги учли ва қозиқоёққа қанотлари билан суқилган устун.

Устой с заборной стенкой - *тўсиқ деворли қирғоқ таянчи* - қозиқ оёқлар қатори ва кўтарма тупроғи ораси темирбетонли тош тахталар ёки ёғоч элементлар билан тўсилган қирғоқ таянчи.

Устой с обратными стенками - *тескари деворли қирғоқ таянчи* - кўприк ўқиға параллел жойлашган, кўтарма ичига қирувчи ва пойдеворга таянган, қирғоқ таянчи баландлиғига тенг бўлган доимий баландликдаги икки тескари девор танасига тўғри бурчак остида туташадиган қирғоқ таянчи.

Устой с откосными стенками - *қия деворли қирғоқ таянчи* - пойдеворга таянган, танасига кўприк ўқиға бурчак остида ўзгарувчан баландликдаги икки девор туташадиган қирғоқ таянчи.

Устой с проемом - *дарчали қирғоқ таянчи* - кўприкнинг олд томони бўйича дарчага эға бўлган қирғоқ таянчи.

Устой с разгрузочной плитой - *юк туширувчи тош тахтали қирғоқ таянчи* - тупроғининг ён томонидан бўлган босимни камайтириш учун қуриладиган, кўтарма томонган қаратилган консолли қирғоқ таянчи.

Устой стоечный - *устунли қирғоқ таянчи* - ўрнатма ёки қутисимон девори, қанотчалари бўлган ўрнатма, пойдеворга ёки паст қозиқ оёқли сарровга таянган устунлардан ташкил топган қирғоқ таянчи.

Устой столбчатый - *устунсимон қирғоқ таянчи* - юкоридан қутисимон девор ва қанотчалари бўлган темирбетон ригель билан бирлаштирилган йиғма ёки яхлит устунлардан ташкил топган қирғоқ таянчи.

Фартук опорных частей - *таянч қисмлар ғилофи* - таянч қисмларни сув ва ифлос жисмлар тушишидан ҳимояловчи таянчнинг бош қисми элементи.

Ферма - *ферма* - кўприк оралиқ қурилмасининг тўғри чизиқли ёки полигонал белбоғлар ва тўрлардан иборат бўлган кўтариб турувчи стерженли конструкцияси. Тўрларнинг типига кўра фермалар фарқланади: кўтариладиган тирговичли, пасаядиган тирговичли, учбурчак тўрли, кўшимча устун ва илгаклар билан биргаликда учбурчак тўрли.

Ферма дощатая - *ёғоч тахтали ферма* - михли ёки ёғоч мих туташмаларда чалкашган бир нечта қатламли тахталардан ташкил топган, ёғоч тасмалари деворни ўраб турадиган ферма.

Ферма Гау-Журавского - *Гау-Журавский фермаси* - пўлат қайишлари тасмаларни боғлайдиган ва тирговичларни сикадиган хоч панжарали ёғоч ферма.

Фундамент кессонный - *кессонли пойдевор* - кессонли ишчи бўлмасида сиқик ҳавони ҳайдаш учун қурилма билан жиҳозланган, тупроққа ўз оғирлиги таъсирида тушириладиган, тагсиз қути кўринишида чуқур жойлаштириладиган пойдевор.

Фундамент опоры - *таянч пойдевори* - оралиқ қурилма ва таянч танасидан оғирликни асосга ўтказиб берувчи таянчнинг остки қисми.

Шарнир листовой - *япроқ ошиқ-мошиқ* - металл тасма кўринишида бажарилган, осма ва консолли оралиқ қурилмаларнинг юпқа қўйилма қисмлари билан бирлашган, уларнинг бурчакли ва бўйлама сурилишини таъминловчи, осма оралиқ қурилмалар таянч қисмининг тузилмаси.

Шов - *чок* - 1) тузилмаси икки элементни бир бутундек бирга ишлашини таъминловчи, уларнинг ўқи бўйича туташини; 2) ҳарорат ўзгариши, нотекис ёғин, ташқи кучларнинг таъсири ва бошқалардан юзага келадиган, бир-бирига нисбатан боғлиқсиз сурилишни таъминловчи икки элемент ёки иншоот қисмлари орасидаги оралиқ.

Шов деформационный - *деформация чоки* - оралиқ қурилмалар четлари ва қирғоқ таянчи қути девори ёки таянчнинг бош қисми орасидаги оралиқ. Унинг қуйидаги турлари мавжуд: ёпиқ - узлуксиз ётқазилган қоплама билан беркитилган оралиқ; тўлдирилган - зич беркитадиган материаллар (мисол учун, компенсатор) билан тўлдирилган оралиқ, уларнинг сурилишидан деформацияланади; очик (қоплама узлукли ётқазилган) - оралиқ очик ва қоплама

узилишга эга; беркитилган - туташувчи элементлар орасидаги оралик катнов қисм юзаси сатҳида сирпанувчи лист билан беркитилган.

Шов омоноличивания - *яхлитлайдиган чок* - тўсин токчалар орасидаги оралик; бу ораликда тўсиндан чиқарилган арматуралар бетон билан тўлдирилади.

Шов шпоночный - *шпонли чок* - 1) қўшни тўсинлар (плита) токчалари ўзаро бир-биридан ҳисоб билан аниқланадиган масофадаги тўсин (плита) бўйича жойлашган поналар (шпонкалар) нинг куйма пўлат қисмларига ўзаро пайвандлаб туташтирилган чок. 2) бетон билан тўлдирилган, оралиги аниқ шаклда бажарилган чок.

Шпренгель - *шпренгель* - охирлари беркитилган, чўзи-лишга ишлайдиган, асосий тузилма эгилишининг бир қисмини қабул қилувчи тўсин ёки ферманинг кучайтириш элементи.

3.3. Қувурлар ва фильтрловчи кўтармалар

Диаметр трубы - *қувур диаметри* - юмалоқ қувур бўлаги туйнугининг энг катта ўлчами.

Длина трубы - *қувур узунлиги* - кириш ва чиқиш каллакларининг ташқи кирралари орасидаги ўлчам.

Звено трубы - *қувур бўғини (қувур бўлаги)* - қувур танасининг қисми ҳисобланувчи ёпиқ кўндаланг кесимли йиғма қувур тузилмасининг асосий элементи.

Звено коническое (повышенное) - *конуссимон (юқори кўтарилган) бўғин* - одатда, қувурнинг охирларида, кириш ва чиқиш каллаклари билан туташиб жойида қўлланиладиган қия кесик конус шаклига эга бўғин.

Звено круглое - *юмалоқ бўғин* - цилиндр шаклига эга бўлган юмалоқ қувур бўғини.

Лоток трубы - *қувур нови* - қувур кўндаланг кесимининг остки қисми ёки сувнинг тўсиқсиз оқимини таъминлаш учун қувурда махсус бажарилган тўшама.

Насыпь фильтрующая - *фильтрловчи кўтарма* - маҳаллий тупроқлардан кўтарилган йўл пойи юқори қисмининг ўта намланиши олдини олиш учун узоқ муддат сув босадиган минтақада фильтрловчи тупроқдан тўкилган кўтарма. Йўл пойи асосида кўп бўлмаган сув сарфини ўтказиш учун хизмат қилади. Фильтрловчи кўтармаларнинг куйидаги турлари мавжуд: оддий - сувли оқимни ғовакли тош призма орқали сиздиради ва комбинацияли - аралаш - сувли оқим ғовакли тош призма орқали сизиши ва бир вақтнинг

ўзида унинг ичига ўрнатилган кичик туйнукли қувурдан оқиб ўтиши мумкин.

Оголовок трубы - *қувур каллаги* - қувур охирида кўтар-манинг ён бағирларини ушлаб турувчи, сувли оқимнинг қувурга кириши ва ундан чиқиши учун зарур шароитни таъминловчи, қувур танасини тузилмавий беркитувчи охирги элемент.

Оголовок воротниковый - *ёқасимон каллак* - кўтарма ён-бағирлари текислигида жойлашган, қувурнинг эллипс шаклидаги каллаги.

Оголовок входной - *сув кириш каллаги* - кўтарманинг юқори томонидаги қувур каллаги.

Оголовок выходной - *сув чиқиш каллаги* - кўтарманинг куйи томонидаги қувур каллаги.

Оголовок конический - *конуссимон каллак* - қувурнинг кесик конус шаклига эга бўлган каллаги.

Оголовок порталный - *пештоқли каллак* - кўтарма ёнбағрини ушлаб турувчи, қувурнинг вертикал тиргак девор кўринишидаги каллаги.

Оголовок раструбный - *керилган каллак* - қувурнинг бўйлама ўкига уринма деворча ва ўзгарувчан баландликдаги иккита деворчадан ташкил топган. Бурчак остида жойлашган ва кўтарма ёнбағрини ушлаб турувчи каллак.

Ограждение фильтрующей насыпи - *фильтрловчи кўтарма гови* - сув оқимининг фильрловчи кўтармага кириш жойи олдида ифлосланиши ва лойқаланиши олдини олиш учун қуриладиган, режада ярим айлана кўринишидаги, очик ғовакли тош призма. Призма билан бирга қурилади.

Отверстие трубы - *қувур туйнуғи* - энг катта горизонтал ўлчам ёки қувур танасининг ўлчамлари (кўп туйнукли қувур учун) йиғиндиси.

Подготовка каменная - *тошли тўшама* - бевосита ёнбағир юзасида фильтрловчи кўтарма асосига ётказилган, мох ёки сунъий тола материалли тўшакка тўшалган майда тошли қатлам.

Призма пористая каменная - *говакли тош призма* - оқим чизиғида 35-40 см ўлчамли йирик илма-тешик тошдан кўтарилган, фильтрловчи кўтарманинг асосий қисми. Кескин иқлим шароитида ва кўтарманинг баландлиги катта бўлганда, сув ичидаги музларни ушлаб қолиш мақсадида, ғовакли тош призманинг кириш қисми кўтарма ён бағридан 1-2 м га чиқиб туради.

Рубашка фильтрующей насыпи - *филтрловчи кўтарма қобиги* - ғовакли тош призманинг юқориси ва ён томонларидан унга майда тупроқларнинг тушиши олдини олувчи майда тошли қатлам.

Тело трубы - *қувур танаси* - кўтарма тупроғининг ичида жойлашган, кўндаланг кесими ва сув оқими амалга ошириладиган ёпиқ шаклга эга бўлган, қувурнинг кириш ва чиқиш каллаклари орасидаги асосий қисм.

Труба - *қувур* - сув оқимини, йўл ёки мол ҳайдаб ўтадиган йўлни ўтказиш учун автомобиль (темир йўл) кўтармаси танаси ичига ётқзиладиган муҳандислик иншооти. Қувурнинг қуйидаги турлари мавжуд: қувур танасининг материали бўйича - бетонли, ёғочли, темирбетонли, тошли, металл, учбурчакли; туйнук сони бўйича-бир, икки ва кўп туйнуқли; кўндаланг кесимининг ишлаши бўйича босимсиз - бутун узунлиги бўйича нотўлиқ кесимда ишлайдиган, босимли - бутун узунлиги бўйича тўлиқ кесим билан ишлайдиган, ярим босимли - кириш жойида тўлиқ кесим билан, қолган узунликда эса нотўлиқ кесим билан ишлайдиган.

Труба безарматурная - *арматура сиз қувур* - арматураланмаган бетондан қилинган бетон қувур.

Труба гафрированная - *бурмали қувур* - бурмали металлдан қилинган қувур.

Труба с плоской пятой - *ясси тубли қувур* - юзасининг бир қисми асосида горизонтал қисми бўлган думалоқ ёки овалсимон қувур.

3.4. Кўприк ва қувур конструкциялари ҳисоби.

Автомобиль расчетный - *ҳисобий автомобиль* - берилган ўлчамлари ва массалари кўприк режаси учун олдиндан қабул қилинган шартли автомобиль.

Автомобиль утяжеленный - *оғирлаштирилган автомобиль* - кўприк режаси учун олдиндан қабул қилинган, ўлчамлари ва массаси катталиги билан фарқ қиладиган ҳисобий автомобиллар колоннасидаги шартли автомобиль.

Безотказность - *тўхтовсиз ишлаш* - объектнинг берилган фойдаланиш шароитида бир қанча вақт давомида иш қобилияти ҳолатини узлуксиз сақлаш хусусияти.

Ветровой резонанс - *шамол резонанси* - шамол оқими шиддатининг (Карман шиддати) конструкция билан тўқнашган частотасининг конструкциянинг хусусий частоталари билан мос келиши куза-

тилганда ҳаво оқимиға қарама-қарши бўлган конструкция тебранишлари амплитудасининг ўсиши.

Выносливость - *бардошлилик* - материаллар ва конструкцияларнинг такрорий(даврий) кучлар таъсириға қаршилиқ кўрсатиш хусусияти.

Галопирование - *шалоплаш* - яхши силлиқланмаган эгилувчан элементларнинг шамол оқими таъсирида тебраниши.

Грузоподъемность моста - *кўприкнинг юк кўтарувчанлиги* - дастлабки чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблашда унинг кўтариб турувчи элементлари учун хавфсиз бўлган муайян турдаги (мас., автомобиль ёки тележка билан бир хил тақсимланган юк) вақтинча вертикал ҳаракатдаги максимал юк билан белгиланадиган кўприк тавсифи. Фойдаланишдаги кўприклар учун юк кўтарувчанлик аниқ транспорт воситасининг чегаравий массаси катталиги билан тавсифланади.

Долговечность - *узоқ вақтга чидамлик* - муайян вақт давомида объектнинг иш қобилияти ҳолатини сақлаши (унинг сақланиши ва таъмирланиши бўйича бажариладиган ишлар ҳисобга олинган ҳолда).

Живучесть - *яшовчанлик* - алоҳида қисмлари шикастланган ёки бузилган шароитда конструкция ёки элементларнинг мавжудлигини сақлаш хусусияти.

Износ - *эскириш* - кўприк иншоотлари элементлари физик хусусиятлари кўрсаткичларининг пасайиши (физик эскириш) ёки фойдаланиш даврида ўсган истеъмол хусусияти талабларига нисбатан иншоотнинг мос келмаслиги юзага келиши(маънавий эскириш).

Интенсивность нагрузок - *оғирлик (юк) жадаллиги* - кўприк оралиқ қурилмаси (қатнов қисми, йўлак)нинг майдони ва узунликлари бирлигига тўғри келадиган максимал оғирлик.

Коэффициент динамический - *динамик коэффицент* - ҳаракатланувчи вақтинчалиқ оғирликнинг кўприк оралиқ қурилмасига динамик таъсири тахминий ҳисобга олинадиган, ҳисобланган меъёрлар билан белгиланадиган коэффиценти.

Коэффициент многополосности - *кўп тасмалилик коэффиценти* - кўприкда ҳисобий оғирлакнинг у ёки бу колоннаси бир вақтда пайдо бўлиши ҳисобга олинадиган, ҳисобланган меъёрлар билан белгиланадиган коэффицент.

Коэффициент надежности (перегрузки) - *ишончлилик (ортиқча юклаш) коэффиценти* - меъёрий қийматлардан юкнинг (юк бўйича ишончлилик коэффиценти) ёки материал мустаҳкамлигининг (материал бўйича ишончлилик коэффиценти) эҳтимолий

фарқи ҳисобга олинадиган, ҳисобланган меъёр билан белгиланадиган коэффициент.

Коэффициент поперечной установки - *кўндаланг қўйилиш коэффициенти* - кўтарувчи конструкциясининг қўрилаётган элементидаги кучининг бир колонна автомобилларнинг умумий кучига нисбати.

Коэффициент смелости - *даллиллик коэффициенти* - куббалар ва аркларнинг геометрик тавсифи. Оралик узунлиги квадратини кўтариш ўқи баландлигига бўлишдан келиб чиқади.

Кручение стесненное - *сиқиб буралиш* - стерженнинг кўндаланг кесимда уринма ва меъёрий кучланишлар юзага келадиган буралиш.

Коэффициент сплошности - *яхлитлик коэффициенти* - очик конструкцияларни ташкил этадиган элементлар умумий майдонининг (олд томони бўйича) уларнинг ташқи кўринишини белгиладиган майдонга нисбати. Коэффициент яхлит конструкцияларга қараганда очик конструкцияларда шамол таъсирини камайтиришда ҳисобга олинади.

Кручение свободное - *эркин буралиш* - стерженнинг кўндаланг кесимида уринма ва одатдаги кучланишлар юзага келадиган буралиш.

Линия влияния - *таъсир чизиги (юзаси)* - доимий йўналишдаги биргина кучнинг ҳолатига боғлиқ равишда ординаталари тузилманинг берилган нуқтасида кучланиш ёки кўчиш кийматини англатувчи чизиқ (юза).

Метод балочного ростверка - *тўсинли ростверк усули* - ҳисобий схемаси сифатида кесишган тўсин (тўсинли ростверк) тизими қабул қилинган кўприк оралик қурилмасининг фазовий ҳисоб услуги.

Метод внецентрального сжатия - *марказдан ташқари сиқилиш усули* - деформациялари кўндаланг кесимдаги барча тўсинларнинг вертикал бир текис кўчишидан ва уларнинг кўприк оралик қурилмаси бўйлама ўқига нисбатан битта ўша бурчакка бурилишидан пайдо бўладиган оғирлигидан юзага келадиган каттиқ тўсиндек қараладиган, кўприк оралик қурилмаси фазовий ишини баҳолашнинг тахминий услуги.

Метод ортотропной плиты - *ортотроп плиталар усули* - оралик қурилма тузилмасининг фазовий ҳисоб услуги, бунда унинг ҳисобий тасвири сифатида ўзаро перпендикуляр йўналишдаги турли бикирликдаги тош тахта қабул қилинган.

Метод упругих опор - *эгиловчан тиргаклар усули* - кўндаланг тўсинлар эгиловчан чўкувчи тиргакларга нисбатан узлуксиз сифатида қараладиган оралиқ қурилманинг бирон-бир тўсинига юкнинг кўндаланг таъсир этиш чизиғини қуриш усули.

Метод перемещений - *кўчиш усули* - номаълумлар сифатида кўчиш қабул қилинадиган, турғун (статик) ноаниқ тизимда кучланиш ва кўчишни аниқлаш услуги.

Метод пространственного расчета - *фазовий ҳисоблаш услуги* - иншоот элементларидаги кучланиш ва деформацияни аниқлашда тузилманинг барча қисмларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирини ҳисобга олиб, яхлит бир бутун фазовий тузилма деб қараладиган кўприкнинг оралиқ қурилмасини ҳисоблаш услуги.

Метод рычага - *ричаг услуги* - кўприкнинг оралиқ қурилмаси тўсинлари орасида кўндаланг боғлиқлик йўқлиги тахминига асосланган, оралиқ қурилмаларнинг фазовий ишини тахминий ҳисоблаш услуги.

Метод сил - *куч услуги* - асосий номаълум сифатида куч қабул қилинадиган турғун ноаниқ тизимдаги кучланиш ва кўчишни аниқлаш услуги.

Метод смешанный - *аралаш услуб* - номаълум сифатида қисман куч, қисман кўчиш қабул қилинадиган, турғун ноаниқ тизимдаги кучланиш ва кўчишни аниқлаш услуги.

Момент изгибающий - *эгувчи дақиқа* - олиб ташланган қисмнинг қолган қисмга таъсирини берилган кўндаланг кесимда ўрнини босувчи, кесимнинг оғирлик марказига нисбатан бир томонида ётувчи куч тизимлари дақиқаси.

Момент крутящий - *буровчи дақиқа* - олиб ташланган қисмнинг қолган қисмга таъсирини берилган кўндаланг кесимда ўрнини босувчи кучлар тизимининг стержен ўқиға нисбатан дақиқаси.

Нагрузка автомобильная - *автомобиль юки* - шартли автомобиллар сафи кўринишидаги ёки тўпланган юклар ва юк тенг тақсимланган тасма кўринишидаги автомобиль йўллари ва шаҳар кўприқларини ҳисоблаш учун меъёр билан аниқланадиган юк.

Нагрузка ветровая - *шамол юки* - шамол босимидан иншоотда вужудга келадиган, ҳисоблари меъёр билан аниқланадиган юк.

Нагрузка временная - *вақтинчалик юк* - 2.4. бандга қаранг.

Нагрузка гусеничная - *ўрмаловчи юк* - автомобиль йўллари ва шаҳар кўприқларидаги берилган оғирлик ва ўлчамлардаги бир ёки

бир нечта ўрмаловчи машиналардан ташкил топган, ҳисоб меъёрлари билан аниқланадиган юк.

Нагрузка динамическая - *динамик юк* - унинг қийматини, йўналишини ёки қуйилиш нуқтасини белгиланган вақт ичида тез ўзгартириш билан тавсифланадиган, тузилма элементларида инерция ҳимояловчи кучларини ундовчи юк, оралиқ қурилмалар ҳисобида юкнинг динамик таъсири динамик коэффициентни тахминий киритиш билан инобатга олинади.

Нагрузка дополнительная - *қўшимча юк* - таъсири асосий юклар - муз, шамол, сейсмик таъсирлар ва босимлар таъсири билан бир вақтда қараладиган, ҳисоб меъёрлари билан аниқланадиган юк.

Нагрузка колесная - *ғилдиракли юк* - автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларида берилган оғирлик ва ўлчамлардаги бир ёки бир нечта ғилдиракли машиналардан ташкил топган, ҳисоб меъёрлари билан аниқланадиган юк.

Нагрузка критическая - *ҳавфли юк* - тизимнинг чидамлилиги йўқолишини юзага келтирадиган энг кичик юк.

Нагрузка местная - *маҳаллий юк* - таъсири кўтарувчи тузилманинг чегараланган қисмида ва тузилманинг бошқа элементлари қўшма таъсири инобатга олинмайдиган ишида намоён бўладиган юк.

Нагрузка монтажная — *йиғишдаги (монтаж) юк* — фақат иншоотни қуриш даврида таъсир этувчи механизация воситалари, турли жиҳозлар ва булардан юзага келадиган вақтинчалик юк тури.

Меъёрий юк - 2.4. бандга қаранг.

Вилдирак ўқига тушадиган юк - 2.4. бандга қаранг.

Нагрузка основная - *асосий юк* - кўприкнинг ишида доим юзага келадиган: ўзининг оғирлиги, тупроқнинг босими, вақтинчалик таъсир этувчи оғирлик ва бошқалар, яъни ҳисоб меъёри билан аниқланадиган юк.

Нагрузка повторная - *такрорий юк* - иншоотга кўп марта (динамик таъсир) таъсир этувчи ҳаракатланувчи юк.

Нагрузка подвижная - *ҳаракатланувчи юк* - иншоотда ҳар қандай ҳолатни (транспорт воситалари, пиёдалар оқими) эгаллайдиган вертикал юк.

Нагрузка постоянная - *доимий юк* - берилган тизим ҳисобида доим таъсир этувчи сифатида қабул қилинган юк.

Нагрузка предельная - *чегаравий юк* - чегаравий ҳолатнинг (мустаҳкамлик, деформация ва бошқалар бўйича) бирига тегишли бўлган юк.

Нагрузка равномерно распределенная - *тенг тақсимланган юк* - юзанинг бир бирлик узунлигида (юзасида) доимий жадалликда тарқалган юк.

Нагрузка расчетная - *ҳисобий юк* - меъёрий оғирликнинг ишончилилик (юкланганлик) коэффиценти кўпайтмасига тенг деб қабул қилинадиган, иншоотни ҳисоблашда ҳисоб меъёрлари билан белгиладиган юк.

Нагрузка статическая - *турғун (статик) юк* - ҳисоблашда вақтга боғлиқ бўлмаган ёки ундан юзага келадиган инерция кучи ҳам мавжуд бўлгани учун шундай секин ўзгарувчан бўлган ҳолати, йўналиши ва жадаллиги билан қабул қилинадиган юк.

Нагрузка тормозная - *тўхташ(тормоз) юки* - кўприк ўки бўйлаб таъсир этувчи, ҳаракатланаётган юкни кўприкда тўхтатишдан юзага келадиган горизонтал юк.

Нагрузка эквивалентная - *эквивалент юк* - таъсири ҳақиқий оғирликдан юзага келадиган кучланишга тенг бўлган, тузилманинг қаралаётган кесимида кучланишни юзага келтирадиган, иншоот узунлиги бўйича тенг тарқалган шартли юк.

Нагрузка эксплуатационная - *фойдаланиш юки* - берилган вақт оралиғида йўл тармоғида ҳаракатланувчи юк.

Надежность - *ишончилилик* - объектнинг талаб қилинган вақт оралиғи давомида берилган вазифани бажариш хусусияти.

Нормальная эксплуатация - *меъёрий(нормал) фойдаланиш* - технологик шароитларда лойиҳалашда кўзда тутилган меъёр ва топшириқларга мувофиқ ҳолда чеклашларсиз амалга ошириладиган фойдаланиш.

Несущая способность сооружения - *иншоотнинг кўтариш қобилияти* - мустаҳкамлик бўйича иншоотнинг чегаравий ҳолатига жавоб берувчи, юк қиймати билан ифодаланувчи иншоотнинг тавсифи.

Обкатка - *чиниқтириш(обкатка)* - мазкур линия ёки йўлда энг оғир юк қўлланилгандаги таъсир остида бўлган кўприкни синаш учун ўтказиладиган кўприкни текшириш ва тадқиқ этиш тадбирларидан бири.

Осмотр - *кўрик* - иншоотнинг техник ҳолатини аниқлаш мақсадида кузатиш вақтида визуал тарзда бажариладиган жараён.

Опора упругая - *эластик таянч* - таъсирланиши кўчишга мутаносиб бўлган таянчли боғлиқлик.

Отказ сваи - *қозиқоёқларнинг ботмаслиги* - қоқиладиган қозиқоёқларнинг 10 зарбали белгисигача болғанинг бир зарбаси билан тупроққа ботишининг ўртача қиймати (см да), тебранма ботиришда эса - тебранма ботиргичнинг 1 минутдаги ишида тупроққа қозиқоёқнинг ботиши қиймати (см да).

Площадка грузовая - *юкнинг таъсир майдони* - автомобиль гилдирагидан тушадиган босим узатиладиган майдон. Бу босимни кўприкнинг қатнов кўтармаси тўшамаси орқали тарқалиш кенглигини ҳисобга олиб қабул қилинади.

Подъем строительный - *қурилиш кўтарилиши* - тайёрлашда ва йиғишда эгилиш (букилиш)нинг намоён бўлишидан сўнг уни лойиҳавий тузилманинг берилган шаклини лойиҳалашга солиштиргандаги ўзгариши.

Прогиб - *эгилиш (букилиш)* - юкнинг таъсир текислигида оралиқ қурилманинг таянч кесими сатҳига нисбатан пастга (юқорига) кўчиши.

Пролет расчетный - *ҳисобий оралиқ* - таянч қисмлар ўқи орасидаги, ёки таянчлар ўқи орасидаги ёки шартли таянч нукталари орасидаги масофа.

Прочность длительная - *узоқ муддатли мустаҳкамлик* - берилган вақт оралиғи тугашидан сўнг бузилишга сабаб бўладиган кучланиш.

Распор - *ҳовон* равоқ, осма тизим, ром таянчи таъсирининг горизонтал текисликдаги акси.

Расчетная схема сооружения - *иншоотнинг ҳисобий схемаси* - иншоотнинг зўриқиш-деформацияланиш ҳолатини аниқлаш мақсадидаги ҳисоблашлар учун зарур бўладиган барча бошланғич параметрлар билан биргаликдаги шартли схема.

Расчет по предельным состояниям - *чегаравий ҳолат бўйича ҳисоб* - иншоотнинг у ёки бу чегаравий ҳолати (мустаҳкамлик, деформация ёки ёрикқа бардошлилиги) бошланишидан кафолатлайдиган ҳисоб.

Расчет пространственный - *фазовий ҳисоб* - “Фазовий ҳисоб услуги”га қаранг.

Сейсмостойкость - *сейсмик(зилзила)бардошлилик* - бинолар ва иншоотларнинг фойдаланиш сифатларини йўқотмаган ҳолда сейсмик таъсирларга қаршилик кўрсатиш қобилияти.

Сила поперечная - *кўндаланг куч* - стержень ўкига кўндаланг йўналган куч.

Сила продольная - *бўйлама куч* - стержень ўки бўйлаб йўналган куч.

Система безраспорная - *ҳовонсиз тизим* - вертикал юк таянчда фақат вертикал таъсирини юзага келтирувчи тизим.

Система основная - *асосий тизим* - берилган турғун ноаниқ боғланишларни олиб ташлаш ёки қўйиш йўли билан ва уларни кучланишнинг ўрнига қўйиш ёки четлатишдан юзага келадиган, ҳисоб асосига қўйилган тизим.

Система плоская - *ясси тизим* - уига қўйилган ҳар қандай йўналишдаги кучни қабул қилишга кодир бўлган тизим.

Система распорная - *ҳовонли тизим* - вертикал юк қия таянчли таъсирини юзага келтирадиган тизим.

Система, статически неопределимая - *статик жиҳатдан аниқланмайдиган тизим* - турғунлик шартлари ва берилган тизим деформациясини тавсифловчи шартларни биргаликда қаралгандагина топиш мумкин бўлган, эркин турғун юкдан юзага келадиган боғланишлар таъсирларидан таркиб топган геометрик ўзгармас тизим.

Система, статически определимая - *статик жиҳатдан аниқланадиган тизим* - ҳар қандай турғун юкдаги барча боғланишлар таъсири турғунлик шартидан топилиши мумкин бўлган геометрик ўзгармас тизим.

Состояние предельное - *чегаравий ҳолат* - тузилманинг куйидаги ҳолатлари: 1) кўтариш қобилияти (мустаҳкамлик, устуворлик, чидамлилик)ни йўқотиш мумкинлиги натижасида ундан келгусида фойдаланиш мумкин эмас (чегаравий ҳолатнинг биринчи гуруҳи); 2) рухсат этилмайдиган деформацияларнинг юзага келиши натижасида ундан келгусида, одатда, фойдаланиш (эгилишлар, чўкишлар, тебранишлар, кўчишлар ёки ёриқларнинг ривожланиши) қийинлашади (чегаравий ҳолатнинг иккинчи гуруҳи).

Сочетание нагрузок дополнительное - *юкларнинг қўшимча бирикмаси* - бир ёки бир нечта асосий юклар билан бирга сейсмик ва қурилиш юкларидан ташқари шамол, муз таъсири ва бошқа юклар киритиладиган, ҳисоб меъёрлари билан белгиланадиган юклар бирикмаси.

Сочетание нагрузок основное - *юкларнинг асосий бирикмаси* - бир ёки бир нечта юклар, доимий, вақтинчалик, вертикал, тупрок

босими ва бошқаларни ўз ичига оладиган, меъёр билан белгиланадиган юклар бирикмаси.

Сочетание нагрузок особое - *юкларнинг махсус бирикмаси* - бошқа юклар (асосий ва қўшимча) билан бирга сейсмик ёки қурилиш юкини ўз ичига оладиган, ҳисоб меъёрлари орқали белгиланган юклар бирикмаси.

Сочетание нагрузок расчетное - *юкларнинг ҳисобий бирикмаси* - ҳисоблаб чиқариладиган кучланишлар ёки кўчишларнинг экстремал қийматига тегишли доимий ва вақтинчалик юклар тўплами.

Схема сооружения расчетная - *иншоотнинг ҳисобий схемаси* - ҳисобга киритиладиган иншоотнинг соддалаштирилган контурли тасвири.

Узел жесткий - *қаттиқ тугун* - барча стерженларнинг учлари ўзаро қаттиқ бирлаштирилган конструктив тугун.

Узел шарнирный - *ошиқ-мошиқли тугун* - барча стерженларнинг охирлари ўзаро куррасимон ёки цилиндрли ошиқ-мошиқлар ёрдамида бирлаштирилган конструктив тугун.

Усталость - *чарчашилик* - материал ҳолатининг уни кўпайиб боровчи бузилишларга олиб келадиган кўп марталик(даврий) кучлар таъсирида ўзгариши.

Устойчивость основания - *асоснинг барқарорлиги* - иншоот асосининг сўнмас силжиш юз бермаган ҳолда унга қўйилган юкка чидамлилиқ хусусияти.

Факторы опасности - *хавф омиллари* - хавфли табиий ва техноген таъсирлар пайдо бўлиши эҳтимолини ва уларнинг намоён бўлиш жадаллигини тавсифлайдиган кўрсаткичлар ва параметрлар.

Флаттер(изгибно-крутильный) - *флаттер(эгиловчан-айланувчан)* - ўз-ўзидан юзага келадиган тебранишларнинг вақт бўйича тез ўсиши, шамол таъсирида конструкциялар эгиловчан ва айланувчан тебранишларининг бирикиши.

Хладостойкость - *совуққа бардошлилик* - атроф-муҳитнинг паст ҳароратида материаллар, элементлар, конструкциялар ва улар бирикмаларининг мўрт бузилишга қаршилиқ кўрсатиш қобилияти.

Ширина плиты рабочая - *тош тахтанинг ишчи кенлиги* - ҳисобда инобатга олинадиган тўсин плитасининг кенлиги.

3.5. Кўприкли ўтиш жойлари, кўприк ва қувурлар туйнукларининг ҳисоби

Аккумуляция - *аккумуляция* - сел тошқини ва дарё тошқини даврида иншоот (кўприк, қувур, кўтарма) олдида сувнинг тўпланиши.

Балка - *балка* - ёнбағирларининг ётиқланиши ва уларда ўсимлик қатламнинг вужудга келиши натижасида ўсиши тўхтаган жарлик.

Бассейн реки (водосбор)- *дарё ҳавзаси (сув йиғувчи)* - иншоотга сув оқиб келадиган ҳудуд.

Вал прирусловой - *ўзан олдидаги тепалик* - табиий ўзани шаклланиши жараёнида ўзани шакллантирувчи ва ўзандан ташқари чўкиндиладан ҳосил бўладиган, ўзан қирғоғи бўйлаб кўтарилган тепалик.

Водораздел - *сув айирғич* - қўшни ҳавзалар орасидаги чегара.

Водосбор малый - *кичик сув ҳафзаси* - 100 км² гача майдонли ҳовуз (бассейн).

Водоток малый - *кичик очик сув оқими* - ҳавзаси 100 км² гача бўлган очик сув оқими.

Габион - *габион* - металл тўрлардан бўлган, тош билан тўлдирилган яшиқлар кўринишидаги конструкция; дарё ўзанини ювилишлардан ҳимоя қилиш, бошқарувчи ва қирғоқларни мустаҳкамловчи иншоотлар қуриш учун мўлжалланган; одатда, 3-5 м узунлик, 1-5 м кенглик, 1 м баландликдаги параллеллепипед шаклига эга.

Гаситель скорости - *тезликни сўндирувчи* - сув оқими тезлигини камайтириш ва ўзанини ювилишдан ҳимояланишни таъминлашга ёрдам берадиган қурилма.

Гидрограф - *гидрограф* - сув ёки оқизиндилар сарфининг вақт ичида ўзгариш чизмаси.

Гидроствор - *гидроствор(сув дарвозаси)* - тошқин вақтида гидрометрик ишлар бажариладиган дарё водийсининг кўндаланг кесими. Чизмада дарёнинг кўндаланг кесими кўринишида расмийлаштирилади.

Глубина бытовая - *табиий чуқурлик* - қайирдаги ёки ўзандаги кўприкли ўтиш жойи бўлган оқим сиқилишигача бўлган узунликдаги чуқурлик.

Глубина размыва - *ювилган чуқурлик* - ювилгандан сўнг ва унгача бўлган чуқурликлар фарқи.

Голова дамбы - *тўғоннинг боши* - тўғоннинг охириги қисми.

График водомерный - сув ўлчанадиган чизма - дарёдаги берилган жой учун сув сатҳининг вақт оралиғида ўзгариш чизмаси.

Гряда - *тепалик* - юқорига қараб қиялаган ва тик тушган жарлик кўринишидаги ўзанни шакллантирувчи чўқиндилардан ҳосил бўлган элементар ўзан маҳсулоти.

Дамба стоконаправляющая - сув оқимини йўналтирувчи *тўғон* - кўприк оралиғига қайирдаги сувларнинг бир текис қуйилишини ва кўприк остидаги оқимни изга солишни таъминловчи муҳандислик иншооти. Дарёнинг оқишига нисбатан юқори ва пастки тўғонлар тури мавжуд. Режадаги кўриниши бўйича фарқланади:

Дамба грушевидная - *нок шаклидаги тўғон* - режада нок шаклига эга бўлган, боши қайирдаги кўтармага туташган тўғон.

Дамба прямолинейная - *тўғри чизиқли тўғон* - кўприк остидаги оқимни тиргакка нисбатан камайтирадиган, уни ювилишдан химоя қиладиган, тўғри чизиқ шаклидаги оқимни йўналтирувчи дамба.

Дамба шпоровидная - *тақасимон тўғон* - боши оқим бўйича юқорига анчагина чиқарилган, остки томондан кичик эгриликдаги қисқа участкаларга эга, эгри чизиқли тўғон. Кўприк ўқига нисбатан жойлашиш ҳолатига кўра қуйидаги тўғон фарқланади: юқори ва қуйи тўғонлар. Қуйи тўғонлар тўғри чизиқли ёки озгина қияликка эга ва, одатда, юқори тўғонлардан икки барабар қисқа бўлади.

Дебит (расход) воды - сув (*сарфи*) *дебити* - вақт бирлиги ичида табиий булоқ, бурғуланган қудуқ ёки оддий қудуқ берадиган сув миқдори.

Деформация русловая природная - *табиий ҳолдаги ўзанинг ўзгариши* - кўприкли ўтиш қурилиши билан боғлиқ бўлмаган, дарё ўзанининг табиий ҳолдаги қайта тузилиши.

Долина речная - *дарё водийси* - ландшафтдаги дарё оқадиган чуқурлик; тектоник деформациялар ва ўрмончилар фаолияти натижасида, шунингдек узлуксиз окувчи сувлар таъсирида аста-секин шаклланадиган ер юзасининг нисбатан тор жойдаги чуқурлашуви. У ўзан ва қайирдан ташкил топган.

Живое сечение - *жонли кесим* - дарё оқими ёки сув оқимининг умумий йўналишга перпендикуляр бўлган кўндаланг кесими.

Зона аккумуляции наносов - *оқизиндилар тўпланган саҳн* - дарё водийсининг пастки қисмидаги оқизиндилар ётқизиқларининг саҳни; ўзан оқими тезлигининг пасайиши ва бўйлама қиялигининг камайиши натижасида сув сатҳи ва чуқурлиги баландлигининг қай-

тарилиб ошиши билан биргаликда ўзани шакллантирувчи чўкинди қисмларининг мунтазам келиб тушиши.

Зона подтопленная - сув босган саҳн - кўприкли ўтишдан юқорида жойлашган, сиқиб келган сув босган саҳн.

Зона транзита - *транзит минтақа* - ўзани шакллантирувчи чўкиндиларнинг оқизиндилари билан бўйлама балансланадиган, ўзани барқарор ўртача кенглик ва чуқурликда бўлган текисликдаги дарёнинг ўртача оқимдаги саҳни.

Зона эрозии - *емирилиш минтақаси* - юқори оқим тезлиги натижасида маҳаллий жинсли ўзанда сув сатҳи ва чуқурлиги баландлиги қайтарилиб ошиши билан биргаликда қайтарилувчи кесими юз берадиган тоғ дарёсининг юқори қисмидаги минтақаси.

Излучина - *дарё бурилиши* - режада табиий ўзан шаклланиши жараёни боришида ўз кўринишини ўзгартирадиган меандрли дарёларнинг тўғри чизикли, халқа кўринишли участкаси.

Изыскания перехода - *ўтиш жойларини қидириш* - кўприкли ўтиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун бажариладиган, регионнинг экологияси ҳақидаги маълумотларни келтириш билан боғлиқ геодезик, геологик, гидрогеологик ва гидрометрик ишлар мажмуи.

Изыскания перехода технико-экономические - *кўприкли ўтиш жойларининг техник-иқтисодий қидирув ишлари* - кўприкли ўтиш жойига яқин туманнинг келажақда ривожланишини ҳисобга олиб, кўприкли ўтиш жойининг халқ хўжалигидаги аҳамиятини аниқлаш учун маълумотлар йиғиндиси.

Каньон - *дара* - дарё водийсининг туб жинслари ўйиб жойлашган, деярли осилиб турган қирғоқли, чуқур тор ўзан.

Карта лоцманская - *лоцман (йўл кўрсатувчи) харитаси* - кемаларни хавфсиз бошқариш учун фойдаланиладиган, кемалар катнайдиган дарё ўзани ва қирғоғининг фарватери ва кемалар ҳаракати белгилари билан биргаликдаги харитаси. Турли йиллардаги лоцман(йўл кўрсатувчи) хариталарини қиёслаш кўприкли ўтиш минтақасида табиий ўзан шаклланиши жараёнларини сифатий ва миқдорий баҳолаш ва кемалар ўтадиган ораликларни жойлаштириш имконини беради.

Клетчатка вероятностей - *эҳтимоллик тўри* - эҳтимоллик эгриси чизмасини қуриш учун махсус йўсинда тузилган тўр (абсцисса ва ордината тизими); гамма тақсимланишларнинг уч параметрли тенгламасидан фойдаланиб қурилган ва гидрометеорологик қийматларнинг эмпирик эгрилик эҳтимолини яшаш учун мўлжалланган

ординатанинг бир текис шкаласи ва абсциссасининг нотекис шкаласи билан махсус шаклда тузилган тўр.

Конус выноса - *оқизиндилар конуси* - дарё водийсининг катта ҳажмда оқизиндилар тўпланган пастки қисми, бунинг натижасида дарё ўзани атрофга нисбатдан кўтарилгандек бўлиб қолади.

Корень дамбы - *тўғон туби* - тўғоннинг кўприкка ёндош кўтармасига туташуш қисми.

Коэффициент асимметрии расходов - *сув сарфининг асимметрик коэффициенти* - катта ва кичик сув сарфларининг уларнинг ўртача қийматига нисбатан тақсимланиши номуаносиблигини тавсифловчи коэффициент.

Коэффициент вариации гидрологических величин - *гидрологик катталикларнинг узвийлик коэффициенти* - барча максимал сув сарфлари ёки сув сатҳларининг уларнинг ўртача қийматидан олинган ўртача квадратик оғиши ва бир қатор йиллардаги тошқинларнинг ўзгарувчанлигини тавсифловчи ўртача қийматига нисбати.

Коэффициент вариации расходов - *сув сарфи вариация коэффициенти* - максимал сарфлар бир қатор қийматларининг ўзгарувчанлигини характерлайдиган ва хронологик қатордаги максимал сарфларнинг ўртача квадрати четга оғишларининг уларнинг ўртача қийматига нисбати билан тенг бўлган ўлчамсиз коэффициент.

Коэффициент размыва - *ювилиш коэффициенти* - сув сарфи даврида ўзан тупроғининг ювилишидан сўнг кўприк остидаги оқим кўндаланг кесими юзаси (кўприк ости кесими)нинг ювилишгача бўлган кесим юзасига нисбати.

Коэффициент размыва предельный - *чегаравий ювилиш коэффициенти* - кўприк ости ўзани чуқурлигининг чегаравий ўсишига мос бўлган коэффициент, унинг ортиши таянч пойдеворларининг рухсат этилмаган даражада очилиб қолишига олиб келади ёки уларни иктисодий жиҳатдан асосланмаган чуқурликка жойлаштиришни талаб этади.

Коэффициент скорости - *тезлик коэффициенти* - кичик сув ўтказувчи иншоотга кириш босимининг нобудгарчилигини тавсифлайдиган коэффициент. Кириш каллакчасининг шаклига боғлиқ.

Коэффициент стока - *оқим коэффициенти* - оқим ҳажмининг сув йиғувчи майдонга ёққан ёғин ҳажмига нисбати.

Коэффициент формы русла - *ўзан шакли коэффициенти* - баланд сувларда ҳисобий сатҳ шароитидаги ўзанларда максимал чуқурликларнинг ўртача чуқурликларга нисбати.

Коэффициент шероховатости - *гадир-будирлик коэффициенти* - сув оқимининг морфометрик хусусиятлари, тупроклар таркиби, дарё тубининг тузилиши, ўсимликларнинг мавжудлиги ва бошқаларга боғлиқ равишда ўзанининг сув оқимлари оқишига қаршилик кўрсатиш тавсифи.

Кривая вероятности расходов - *сув сарфларининг эҳтимоллик эгриси* - ҳисоботларнинг ишлаб чиқариш натижалари бўйича қурилган, дарёдаги сув сарфининг тезлиги бўйича тақсимланиш эгриси.

Кривая Пирсона III типа - *Пирсоннинг III турдаги эгриси* - ҳисобий сув сарфларини аниқлаш учун қўлланиладиган биноминал эгри.

Кривая расхода - *сув сарфининг эгриси* - сув оқими сарфи ва сув сатҳи орасидаги боғлиқликнинг чизма тасвири.

Кривая расходов гидрометрическая - *сув сарфининг гидрометрик эгриси* - тошқин даврида сув ўлчамларини кузатиш натижалари бўйича олинadиган, дарёнинг мазкур кесимидаги сарфлар ва оқимларнинг тезлиги, сатҳининг айланма ҳаракатидаги эгри боғланишлар.

Лиман - *лиман* - тектоник деформациялар натижасида шаклланидиган дарёнинг қуйилиш жойи.

Межень - *сувнинг пастки сатҳи(межень)* - сув юзасининг сузайиши даврида дарё, асосан, ер ости сувлари билан озиклангандаги сув сатҳи. Агар у 30 кеча-кундуздан ортиқ кузатилса - давом этган сув сатҳи; агар 10 кеча-кундуздан 30 кеча-кундузгача кузатилса - қисқа сув сатҳи ҳисобланади.

Морфометрические расчеты - *морфометрик ҳисоблашлар* - ўзан ва қайир юзасининг морфологик ва геометрик тавсифлари бўйича уларнинг дарё оқимида қаршилиги баҳоланадиган ва ундан кейин суюқликнинг бир текис оқими тенгламаси (Шези тенгламаси) бўйича оқимнинг ўртача тезлиги аниқланадиган гидрологик режими ўрнатилмаган дарёда бажариладиган ҳисоблашлар.

Морфоствор - *морфоствор* - суюқликнинг бир текис оқими тенгламаси (Шези тенгламаси) бўйича оқимнинг ўртача тезлиги ва сув сарфини назарий ҳисоблашлар учун фойдаланиладиган дарё водийсининг геометрик ва морфометрик хусусиятлари билан биргаликдаги кўндаланг кесими.

Наиллок поймы - *қайир оқизиндилари* - кўпинча тошқин вақтида ўзандан ташқари оқизиндиларнинг кўп йиллик қатламлари натижасида шаклланидиган, ўсимликлар билан қопланадиган қайир-

нинг геологик-литологик кесими юқори қатламининг боғланган тупроқлари.

Наносы руслоформирующие - ўзани шакллантирувчи оқизиндилар - тошқин даврида дарё олиб келадиған, оқимнинг бўйлама қатламларида жойини ўзгартирадиған, ўзани шакллантиручи (транзит, дарёни шакллантирмайдиган оқизиндиларга қарама-қарши) оқизиндилар.

Напор перед малым водопропускным сооружением (Н) - кичик сув ўтказувчи иншоот олдидаги босим (Б) - иншоотга кириш кесими олдидаги ҳовузнинг энг катта чуқурлиги.

Обследования морфометрические - *морфометрик текишириш* - мавжуд кўприкли ўтишларни таъмирлаш ёки қўшимча кўприкли ўтишларни қуриш мақсадида бажариладиган, морфорастворлар, дарё участкасининг бўйлама кесими ва тошқин сатҳининг баландлик белгиларини аниқлашни ўз ичига оладиган ишлар.

Объем пруда - *ҳовуз ҳажми* - босимнинг энг катта миқдори шароитидаги тошқиннинг пасайишида кичик сув ўтказувчи иншоот олдида тўпланадиган умумий ҳисобланган оқим ҳажмининг қисми.

Осередок - *ўрталик* - дарё ўзанидаги ўсимликлар билан қопланмаган оролча кўринишидаги чўкиндиларнинг йирик тузилишдаги тўпланиши.

Отверстия моста - *кўприк оралиғи(туйнуги)* - оқимнинг оқишига перпендикуляр бўлган ҳисобланган сув сатҳи бўйича олинган, оралиқ таянчлар қалинлиги ҳисобдан чиқариб ташланадиган қирғоқ таянчлари ёки кўтарма конусларининг ички қирралари орасидаги горизонтал ўлчам.

Отверстие пойменное - *қайирдаги оралиқ(туйнук)* - қайир чегараси қисмидаги кўприк оралиғи.

Отверстие русловое - *ўзан оралиғи(туйнуги)* - дарё ўзани чегараси қисмидаги кўприк оралиғи.

Откос пляжный - *пляж қиялиги* - тўлқин таъсирларига чидамли бўлган, 1:20-1:30 жойлашмадаги кўтарма қиялиги.

Отмель - *саёз жой* - оқизиндилар тўпланиши билан ҳаракатланадиган, саёз жойдаги ўзанининг чуқурлиги қўшни участкаларга солиштирилгандаги сув оқими тубининг участкаси.

Отмостка - *тош тўшама* - турли хил донали, дағал донатор таркибли ўзан аллювийлари ювилиши натижасида шаклланадиган йирик бўлакли кўприк ости ўзани чуқурлигининг табиий равишда ювилмайдиган мустаҳкамлиги.

Паводок - тошқин-ёмғир, баъзан эса бир вақтнинг ўзида сув оқими ҳавзасида музларнинг эриши билан юзага келадиган, нисбатан қисқа вақт ичидаги сув сатҳининг кўтарилиши.

Перека́т - *ёйиқ* - ўзан оқимининг умумий йўналишига бурчак остида кесишувчи, одатда, кенг тизимлар кўринишида оқизиндиларнинг ётқизиқлари билан шаклланган текис дарёлар учун шу рельефнинг тавсифли бўлган шакли.

Плѐс - *плес* - ёйиқлар орасида жойлашган дарёнинг чуқур сувли участкаси.

Побочень - *побочень* - одатда, тошқинда сув босган ва сувнинг сатҳи пасайганда қуриб қолган, ўзанни кесувчи йирик тизмаларнинг энг юқори кўтарилган қирғоқ бўйи қисми.

Подпор - *димланиш* - дарёда бирон нарсани ҳайдаш вақтида сув ўтказиш иншоотида оқимнинг сиқилиши ёки музларнинг тикилиб қолиши, шунингдек ёғочларнинг тикилиши натижасида сув сатҳининг маҳаллий кўтарилиши. Қуйидаги кўринишлари фаркланади: бошланғич - кўприк олдидаги оқимнинг сиқилиш саҳни бошидаги димланиш; умумий - дарёнинг умумий тошқинида гуруҳ ҳолидаги тирқишлар учун умумий димланиш; кўприк ости - кўприк остидаги сув сатҳининг кундалик сатҳга нисбатан ўзгариши; тўлиқ - кўприкдан баландда энг юқори димланиш; кўтармада - кўтарманинг юқори томонига ўтиш йўлидаги энг кўп димланиш.

Пойма - *қайир* – вақти - вақти билан баланд сувлар босими ва оқизиндилар ҳаракати бўлмаслиги билан тавсифланувчи, дарё водийсининг ўзанга нисбатан кўтарилган қисми.

Полнота паводка - *тошқин тўлиқлиги* - қайир устидаги тошқин суви ўртача баландлигининг энг юқори баландлигига нисбати.

Половодье - *сув тошқини* - қор эриши ва баъзида бир вақтнинг ўзида ёмғир ёғиши билан юзага келадиган, дарёда сув сатҳининг ҳар йили бўладиган кўтарилиши.

Пропускная способность сооружения - *иншоотнинг ўтказувчанлик қобилияти* - иншоотнинг захира коэффиценти инобатга олинган оралиғи орқали ўтиши мумкин бўлган, аниқ ошиш эҳтимоли максимал бўлган сув сарфи.

Процесс русловой - *ўзанныннг ўзгариш жараёни* - оқизиндилар билан сувли оқимнинг ўзаро таъсирини тавсифловчи дарё ўзани ва қайирларнинг табиий шаклланиш жараёни.

Работы гидрометрические - *гидрометрик ишлар* - сувли объектларда уларнинг гидрологик таркибини ўрганиш мақсадида олиб бориладиган кузатиш ва ишлар мажмуаси.

Работы инженерно-геологические - *муҳандислик-геологик ишлар* - муҳандислик-геологик тасвирлашлар, геофизик изланишлар, тупроқлар ва сувларнинг лаборатория таҳлилларини ўтказиш билан боғлиқ қидирув ишларини ўз ичига олган ишлар.

Работы морфометрические - *морфометрик ишлар* - ўтиш жойидаги дарё водийсининг геометрик ва морфометрик хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган, одатда, тошқин ораликлари даврида бажриладиган дала ишлари мажмуи.

Размыв бытовой - *табиий ювилиш* - оқимнинг сикуви натижасида муҳандислик иншооти қурилгунигача вужудга келган ўзаннинг табиий деформацияси.

Размыв местный - *маҳаллий ювилиш* - тўсикқа (таянч, кўтарма ёки сувни изга солувчи иншоот) сувли оқимнинг урилган жойида чегараланган бўшлиқда ўзаннинг ювилиши (пасайиши).

Размыв общий - *умумий ювилиш* - кўприк остидаги сиқилган оқимда сувнинг оқиш тезлиги ортиши натижасида ўзан туби, баъзи ҳолларда эса қайир тубининг ювилиши (пасайиши).

Размыв сосредоточенный - *тўпланган ювилиш* - кўприкнинг тирқишли тор участкасига нисбатан йиғилган сув сарфи билан боғлиқ бўлган кўприк остидаги тирқишнинг ювилиши.

Расход воды - *сув сарфи* - бир бирлик вақт оралиғида дарёнинг берилган кесимидан ўтувчи сув ҳажми.

Расход воды в сооружении - *иншоотдаги сув сарфи* - тўпланишни ҳисобга олган ҳолда ҳисобий тошқиннинг пасайишида кичик сув ўтказувчи иншоотдаги энг кўп сув сарфи. Тўпланиш ҳисобига ҳисобий сарфнинг пасайиши жала тошқини учун уч баравардан кам бўлмаслиги, қор эришидаги сув тошқини учун икки баравардан кам бўлмаслиги лозим.

Расход наносов - *оқизиндилар сарфи* - бир бирлик вақт ичида дарёнинг берилган кесимидан оқим билан ўтказиладиган оқизиндилар миқдори.

Расход расчетный - *ҳисобий сув сарфи* - берилган эҳтимолга тўғри келган сув сарфи.

Расход руслоформирующий - *ўзани шакллантирувчи сарфлар* - дарё ўзанининг ўртача кундалик кенглиги ва чуқурлигини белгилайдиган сарфлар.

Расчет гидрологический - *гидрологик ҳисоблаш* - берилган створга оқиб келадиган сув миқдорини аниқлаш.

Расчет отверстия моста - *кўприк туйнугини ҳисоблаш* - кўприк ости ўзани кенглигини ҳисобга олган ҳолда кўприкнинг олд томони бўйича энг кам туйнугини ва мос келувчи ҳисобий умумий ювилишини аниқлаш (умумий энг катта ювилиш, маҳаллий ювилиш ва кафолатли захира).

Расчет стока - *оқимни ҳисоблаш* - оқимнинг энг кўп сарфи ва ҳажмини аниқлаш, бир қатор ҳолларда эса мазкур очиқ сув оқимлари кесимида оқимнинг берилган эҳтимолий ошиши ҳисобланадиган гидрографини ясаш.

Режим протекания в водопропускных трубах - *сув ўтказувчи қувурлардаги оқим режими* - сув босими чуқурлиги ва чиқиш каллакчаси типига боғлиқ ҳолда сув ўтказувчи қувурлардаги оқим режими. Қуйидаги турлари фарқланади: босимсиз - агар димланиш қувурнинг кириш қисмидаги баландликдан кам бўлса ёхуд уни камида 20% га оширилса, қувурнинг бутун узунлиги давомида сув оқими юзага эга бўлади; босимли - агар қувурнинг кириш қисмидаги юқорисида сув босими камида 20% бўлса, қувурнинг бутун узунлиги давомида тўлиқ шиддат билан ишлайди; ярим босимли - агар қувурнинг кириш қисмидаги юқорисида сув босим камида 20% бўлса, қувурнинг кириш қисмида тўлиқ шиддат билан ишлайди, бундан кейин оқим бутун узунлиги давомида эркин юзага эга бўлади.

Река блуждающая - *адашувчи дарё* - ўзани устувор бўлмаган қайирсиз дарё. Дарёнинг қуйилиш қисми тавсифи.

Река меандрирующая - *илон изи(меандрланувчи) дарё* - юқори участкалардан келиб тушадиган, ўзанни шакллантирадиган оқизиндиларнинг кам миқдори билан тавсифланадиган ва қайирда ўз ҳолатини ўзгартирадиган, режадаги иланг-билангли ўзанли, ривожланган қайирли транзит саҳндаги текислик дарёси.

Река немеандрирующая - *тўғри ўзанли (меандрланмайдиган) дарё* - амалий жиҳатдан водий бурилишларини такрорлайдиган иланг-билангсиз ва ҳаракатсиз ўзанли, юқори участкалардан келиб тушадиган, ўзанни шакллантирадиган чўкиндилярнинг катта миқдори билан тавсифланадиган, суст ривожланган қайирли транзит саҳндаги йирик дарё.

Рисберма - *рисберма* - қўтарманинг остки қисмида, шунингдек қувур ва кичик кўприкнинг қуйи сатҳидаги ясси асосий иншоотда ювилишнинг олдини олиш учун ўрнатиладиган тошли ҳимоя призмаси.

Русло меженное - *межень давридаги ўзан* - межень сатҳи ту-
радиган чегарадаги ўзаннинг қисми.

Русло отводящее - *четлатувчи ўзан* - кичик сув ўтказувчи
иншоотда мустаҳкамланган сунъий ўзан.

Русло реки - *дарё ўзани* - окизиндиларнинг асосий қисми
кўчадиган ва тошқин даври оралиғида сув оқими амалга оширилади-
ган водийнинг юзага келадиган энг паст қисми.

Система речная - *дарё тизими* - бош (асосий) дарёга келиб
тушувчи, бирмунча йирик очик сув оқимини ҳосил қилувчи, кетма-
кет қўшилувчи ирмоқ, жилға ва дарёчалар йиғиндиси.

Скорость бытовая - *табиий тезлик* - сиқилмаган оқимдаги
сувнинг оқим тезлиги.

Скорость на сходе с укрепления - *истеҳкомдан чиқишидаги
тезлик* - кичик сув ўтказувчи иншоотнинг асосий ясси истеҳкомидан
сув чиқишининг энг катта ўртача тезлиги. Тахминан қувурдаги ёки
кичик кўприк остдаги чиқиш тезлигидан 1,5 марта кўп.

Скорость расчетная - *ҳисобий тезлик* - берилган ошиш эҳти-
молида максимал сув сарфи бўлганда кўприк ости ўзанида ёки
қувурда сувнинг оқиш тезлиги

Скорость неразмывающаяся - *ювмайдиган тезлик* - дарё туби-
даги окизиндиларнинг биринчи кўзғалишига тегишли бўлган тезлик.

Срезка под мостом - *кўприк остини кесиш* - қайирдаги оқи-
зиндилар тўпламини олиб ташлаш ҳисобига кўприк остидаги ўзани
кенгайтириш.

Старица - *қуриган дарё* - дарёнинг илгари мавжуд бўлган ўза-
ни ёки унинг қайирда жойлашган тармоғининг участкаси.

Створ - сув оқими кесимининг шартли вертикал текислиги.

Стеснение реки - *дарёнинг сиқилиши* - кўприкли ўтиш қури-
лиши натижасида дарёнинг жонли кесимини кичрайтириш.

Сток реки твердый - *дарёнинг қаттиқ оқими* - сув олиб кела-
диган окизиндилар.

Сток поверхностный - *юзадаги оқим* - ер юзасидаги сув
оқими.

Стержень - *ўзак* - ўзан бўйича энг катта чуқурликларни бир-
лаштирувчи чизик.

Струеотбойник - *оқим қайтаргич* - асосий оқим томонидан
тўғонга бутали ва уни ҳимоялаш учун хизмат қилувчи қўндаланг
тупроқли иншоот.

Теснина - *тор дара* - кенлиги ўзанининг эркин шаклланишига
қараганда тор бўлган дарё участкаси.

Траверс - *кўтарма зов(траверс)* - қайирдаги сувларнинг бўйлама оқишидан кўтармани фаол ҳимоялаш учун хизмат қилувчи сув босмайдиган кўндаланг (кўприкка ёндош кўтармага нисбатан) ер иншооти.

Транспортирующая способность потока - *оқимнинг оқизиш қобилияти* - оқим олиб келиши мумкин бўлган оқизиндининг чегаравий сарфи.

Тюфяк бетонный - *бетон тўшак(тюфак)* - темирбетон плиталар бирикмасидан ясалган ҳимоя қоплами.

Уклон трения трубы - *қувурнинг ишқаланиш қиялиги* - энг кўп сарф майдонининг сарф майдони эгри чизигига нисбати.

Уклон трубы - *қувурнинг қиялиги* - жойга нисбатан қувурнинг ҳақиқий бўйлама қиялиги. Қувур ишининг энг кўп тежамли босимли режимига автоматик равишда кириши мумкинлиги шарти билан ҳамма вақт қувурга ишқаланиш қиялигидан катта бўлмаган қиялик беришга ҳаракат қилинади.

Укрепление откоса плоское капитальное - *ясси қияликни капитал мустаҳкамлаш* - одатда, шағалли асосга ташки кўриниши бўйича яхлитланган темирбетон плиталардан қуриладиган ёки геотўқимали қатлам бўйича жойлаштириладиган ва қияликни тўлқин зарбаларидан ҳамда бўйлама оқимлардан ҳимоя қиладиган, даврий равишда сув босадиган кўтарма қияликларининг ясси асосий истеҳсоми.

Укрепление тюфячное - *тюфякли мустаҳкамлаш* - ўзнининг ювилиш чизигига тегишли равишда деформацияланадиган, бунинг оқибатида унинг кейинги ривожланиши олдини олувчи, эгилувчан ҳимоя қопламаси.

Урез воды - *сувнинг чегара чизиги* - сув юзасининг қирғоқ билан кесишиш чизиги.

Уровень воды - *сув сатҳи* - доимий солиштириш текислигига нисбатан ҳисобланадиган сув юзасининг баландлиги.

Уровень воды бытовой - *табиий сув сатҳи* - иншоот қурилиб, дарёнинг сунъий сиқилишигача бўлган даврдаги табиий сув сатҳи.

Уровень воды, высокий исторический - *кўп йиллик (тарихий) баланд сув сатҳи* - кўприкли ўтиш туманида бевосита белгилари бўйича кузатиладиган ёки аниқланадиган кўтарилишнинг энг баланд сатҳи баландлик белгиси.

Уровень воды расчетный - *ҳисобий сув сатҳи* (*ҳисобий баланд сув сатҳи*) - кўприкли ўтиш туманида бевосита белгилари бўйича кузатиладиган ёки аниқланадиган кўтарилишнинг энг баланд сатҳи баландлик белгиси.

Уровень воды руслоформирующий - *ўзани шакллантирувчи сатҳ* - ўзанининг ўртача кундалик кенглиги ва чуқурлигини белгилайдиган, ўзани шакллантирувчи сув сарфларига мувофиқ келувчи сув сатҳи.

Уровень высокого ледохода (УВЛ) - *юқори муз кўчиши сатҳи* - кўприк таянчи қозикоёқлари ростверкаларида энг кўп эгилувчан ҳолатни юзага келтирадиган муз кўчишининг энг юқори сатҳи.

Уровень межени - *межень сатҳи* - тошқинлар оралиғида дарёдаги ўртача ёзги сув сатҳи.

Уровень низкого ледохода (УНЛ) - *қуйи муз кўчиши сатҳи* - кўприк таянчлари қозикоёқлари ростверкаларида энг кўп кўндаланг кучларни юзага келтирадиган кристалл музлар катта майдонининг энг қуйи ўтиш сатҳи.

Уровень первой подвижки льда (УППЛ) - *музларнинг биринчи силжиши сатҳи* - муз кўчишининг бошланишидаги кристалл музли майдоннинг дастлабки силжиши сатҳи.

Уровень судоходный расчетный - *кема юрадиган ҳисобий сатҳ* - дарё синфига боғлиқ равишда қабул қилинадиган ва ҳисоб орқали белгиланадиган, сув транспорт воситаларидан фойдаланишни таъминловчи сатҳ.

Эпюра скоростей - *тезлик эпюраси* - гидростворнинг тик чизикларида оқим тезлигини тақсимланишини тавсифловчи чизма.

Эпюра элементарных расходов - *элементар сув сарфининг эпюраси* - гидростворни кўндаланг кесимлари бўйича сув сарфини тақсимланиш чизмаси.

IV. ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЯРИМ ФАБРИКАТЛАР, МАҲСУЛОТЛАР.

4.1. Тупроқ. Мустаҳкамланган тупроқлар.

Битумогрунт - *битумланган тупроқ* - тупроқларга битум, дегет (катрон) эмульсия, баъзан полимер қўшимчалар қўшиш билан тайёрланган аралашмадан ҳосил бўлган сунъий материалга айтилади.

Битумланган тупроқ йўл курилишида қоплама ва йўл асоси сифатида ишлатилади.

Глины - *гиллар* - чўкинди жинсли бўлиб, таркибида гилли минераллар кўплиги, молекулалараро кучнинг мавжудлиги ва ниҳоятда майда заррачалар орасида тишлашиш борлиги туфайли улар бўлак ҳолда туради. Гилли заррачаларнинг диаметри 0.002 миллиметрдан кичик, улар қўлда уваланади, сув шимганда ёпишқоқ ва пластик ҳолга келади, куритилганда юмшоқ ҳолдаги шаклини сақлайди, куйдирилганда тошдек қотади.

Грунт - *тупроқ* - вақт ўтиши билан ўзгарувчан, тоғ жинсларининг қоришмасидан ҳосил бўлган, кўп компонентли тизим, ҳар қандай тоғ жинси ва тупроқнинг умумий номи.

Грунт пылеватый - *чангсимон тупроқ* - унинг хусусиятига жиддий таъсир кўрсатадиган миқдордаги чангли зарралардан ташкил топган кумли ёки тупроқли грунт. «Чангсимон» атамаси тупроқнинг асосий номига қўшимча сифатида қўлланилади.

Грунтовая смесь оптимальная - *тупроқнинг энг мақбул қоришмаси* - ўзининг катта зичлиги ва маълум миқдорда кум, чанг ва гил заррачаларига эга бўлган табиий тупроқ ёки унинг махсус тайёрланган аралашмасига айтилади.

Грунтоведение дорожное - *йўл тупроқшиунослиги* - тупроқларнинг келиб чиқиши, таркиби, тузилиши ва хусусиятларини уларнинг йўл курилишида қўлланилиши нуктаи назаридан ўрганувчи муҳандислик геологияси тармоғи.

Грунтовые частицы - *тупроқ заррачалари* - элементар тупроқ заррачаларининг йириклигига қараб қуйидагиларга бўлинади: кумли - заррачалари 0,05-2 мм; чанглик – заррачалари 0,002-0,05 ва гиллик - заррачалари 0,002 мм дан кичик бўлган.

Грунтовые агрегаты - *тупроқли агрегатлар* - майда тупроқ заррачаларининг коагуляция натижасида ўзаро бирлашган, ўлчамлари 1 мм дан 10 мм гача бўлган доначаларга айтилади.

Грунты вечномерзлые - *абдий музли тупроқлар* - табиий ўрни кўп (уч ва ундан ортик) йиллар давомида узлуксиз (эримасдан) музлик ҳолати шароитида жойлашган тупроқлар.

Глинистые грунты - *гилли тупроқлар* - майда дисперсли, боғланган тупроқлар бўлиб, таркибида 25% дан ортик гилли заррачаларнинг пластиклик сони 27 дан ортик. Таркибидаги кумли заррачаларнинг миқдорига ҳамда пластиклик сонига қараб бу тупроқлар қуйидаги учта гуруҳга бўлиндилар: кум тупроқлар, кумок тупроқлар ва гиллар.

Грунты дисперсные - *дисперсли тупроқлар* - хусусиятлари зарралилик ва доналилик ўртасидаги боғлиқлик билан белгиланадиган, алоҳида зарралар ва доналардан ташкил топган тупроқлар.

Грунты засоленные - *шўрхоқ тупроқлар* - таркибида 0,3% дан кўп енгил эрувчан тузлар бўлган тупроқларга айтилади.

Грунты водопроницаемые - *сув ўтказувчи тупроқлар* - максимал зичланган (стандарт зичликда) ҳолатда сув ўтказиш тезлиги 0,5 м/кун дан кам бўлмаган тупроқларга айтилади.

Грунты искусственные - *сунъий тупроқлар* - табиий тупроқлардан ҳамда ишлаб чиқаришнинг қаттиқ ҳолатдаги чиқиндиларининг ҳар хил усуллар билан мустаҳкамланишидан ҳосил бўлган тупроқлар тушунилади.

Грунты крупнообломочные - *йирик бўлакли тупроқлар* - бирлашмаган йирик бўлакли тупроқлар, уларга куйидагилар киради: Дресва - йирик кумли ҳар хил тоғ жинсларининг нурашидан ҳосил бўладиган маҳсулот; шағал - таркиби 2 мм дан катта, юзаси силлиқ тошлар; чақиқ тош - деярли силлиқланмаган, йирик бўлакли жинс; харсанг тошли - 10 см дан катта, юмшатирилган тош бўлаклари.

Грунты недоувлажненные - *тўлиқ намланмаган тупроқлар* - оптимал намлик бўйича (Йўлсозлик ИТИ нинг стандарт зичлаш методи бўйича белгиланган) камида 0,9 даржадаги намликка эга бўлган тупроқлар.

Грунты некондиционные - *нокондицион тупроқлар* - йўл курилишининг ер ишларини бажариш вақтида олинган, дастлабки танланган жойдан ташиб келтирилган ва жамлаб қўйилган, курилиш учун яроқсиз бўлган тупроқлар.

Грунты нормальной влажности - *меъёрий намликдаги тупроқлар* - оптимал намлиқнинг (Йўлсозлик ИТИ нинг стандарт зичлаш методи бўйича белгиланган) 0,9 дан 1,0 гача чегарасида йўл қўйилган намликкача намликка эга бўлган тупроқлар.

Грунты особые - *алоҳида тупроқлар* - махсус далилий асосларсиз йўл пойининг ишчи қатламида фойдаланиш таъқиқланишини юзага келтирадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тупроқлар. Алоҳида тупроқлардан фойдаланиш мумкинлигини асослаш учун махсус синовлар талаб қилинади. Алоҳида тупроқлар рўйхати меъёрий ҳужжатларда қайд қилинади.

Грунты переувлажненные - *ўта намланган тупроқлар* - белгиланган чегарадагидан кўп намликка эга бўлган тупроқлар.

Грунты песчаные однородные - бир хил хусусиятга эга қумли тупроқлар - донатор таркибининг энг юқори бир хил эмаслик кўрсаткичи ками билан 4 бўлган қумлар, шунингдек 0,10-0,25 мм ли заррали қумлар масса бўйича камида 90% ни ташкил этадиган майда қумлар.

Грунты просадочные - чўкувчан тупроқлар - ташки оғирликлар ёки ўз массасининг сув билан намланиши таъсирида чўкадиган тупроқлар.

Грунты пучинистые - қўпчийдиган тупроқлар - нисбий музли қўпчиши 1% дан ошадиган тупроқларнинг умумий номи.

Грунты скальные (массивные) - қоя тоғ жинсли (йирик) тупроқлар - табиий шароитда яхлит масса ёки ғовакли қатлам кўринишида ўрнашган ва ярим фабрикатларни олиш учун қайта ишлашга юбориладиган қаттиқ донатор боғламли тоғ жинслари (метаморфик, чўкинди, вулқонли).

Грунт слабые - заиф тупроқлар - табиий ўрнида ками билан 0,075 МПа силжиш мустаҳкамлигига (айлантирувчи кесиш асбобида синаш шароитида) ёки 0,25 МПа оғирликда 50 мм/м дан кўп чўкиш модулига эга бўлган боғламли тупроқлар; уларни мустаҳкамлаш ёки алмаштириш талаб қилинади.

Грунты техногенные - техноген тупроқлар - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти натижасида хусусияти ўзгарган ва аралашган табиий тупроқлар, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида таркиби, тузилиши, текстураси тубдан ўзгаришга учраган табиий минерал ёки органик хом ашёларнинг қаттиқ чиқиндилари.

Грунты укрепленные - мустаҳкамланган тупроқлар - заводда ёки дала шароитида махсус мосламаларда ёки йўлда тупроқларнинг боғловчилар билан аралаштириб мустаҳкамланган ҳолатига айтилади. Боғловчилар органик (битум, дегет, эмульсия, сланец) ёки минерал (портландцемент, оҳак, цемент кукуни ва бошқалар) ҳамда уларнинг аралашмаси (комплекс) бўлиши мумкин. Мустаҳкамланган тупроқ йўл ва аэродром қурилишида қоплама ва асос сифатида кенг ишлатилади.

Дерн - чим - кўп йиллик ўсимликлар илдизлари билан боғланган тупроқнинг қатлами. Чим йўл, кўприк ва аэродром қурилишида очиқ юзаларни мустаҳкамлашда ишлатилади.

Кир - битумлашган тупроқ - асосан, нефтнинг тупроққа шимилиб, оксидланишидан ҳосил бўлади. Бунда оксидланган нефть маҳсулотларининг хусусиятлари битумга яқинлашади.

Классификация грунтов дорожная - *йўл тупроқлари таснифи* - тупроқларнинг таркибидаги гиллар, ганжлар ва кумлар микдорига, ҳамда пластиклик сонига қараб номлар бўйича ажратилиши.

Лёссы - *соғ тупроқлар* - бир хил таркибли, чангли-гилли 50 % чанг заррачалари таркибида энгил ва ўрта эрувчан тузлар ва карбонатли кальций бўлади. Кам намланганда тик қиялик ҳолатида туриши мумкин. Кўп намланганда чўқади, намлик ошганида эса қуюқ оқава ҳолатига ўтади.

Методы физико-химические улучшения грунтов - *тупроқлар хусусиятини яхшилашнинг физик-кимёвий усули* - тупроқнинг коллоид-гилли қисмига ва унинг шағал, чақиқ тош билан аралашмаларига термик ишлов бериш, тузлар билан мустаҳкамлаш, гидрофоблаш ва боғловчи материаллар билан мустаҳкамлаш воситасида таъсир кўрсатишга асосланган усул.

Пески - *қумлар* - ҳар хил бўлакланувчан тоғ жинсларининг катталиги 5 мм гача бўлган маҳсулоти.

Плывуны - *қуюқ оқава* - сувга тўйинган ва юмшаб суюлиб силжиш қобилятига эга бўлган қум ва қумдор тупроқ.

Почва - *тупроқ* - ер пўстининг ўсимликлар ўсадиган унумдор, устки юмшоқ қисми. Тупроқ биосфера, атмосфера ва литосферанинг ўзаро таъсиридан шаклланади. Унинг таркиби ҳар хил минерал, органик моддалардан иборат бўлади.

Сапропель - *сапропель* - кўллардаги органик минерал ётқизиклар, балчиқ лойи деб ҳам айтилади.

Солонцы - *шўртоблар* - дашт текисликларидаги, таркибида натрий бўлган тупроқлар. Улар катта ёпишқоқлик, пластиклик ва кўпчиш хусусиятига эга.

Солончаки - *шўрхоқ* - шўр тупроқлар бўлиб, сувда эрийдиган тузларнинг устки қатламидаги микдори 1% ва ундан ортиқ.

Степень засоленности грунта - *тупроқнинг шурхоқлик даражаси* - энгил ва ўртача аралашмали тузлар таркибининг мутлақ қуруқ тупроқ массасига нисбатан фоизи.

Суглинки - *қумоқ тупроқлар* - пластиклик сони 7-17 гача бўлган гилли тупроқлар. Қум доналарининг тузилишига қараб қуйидаги турларга бўлинади: пластиклик сони 7-12 гача бўлган, 40% дан кўп қум доналаридан тузилган энгил; пластиклик сони 7-12 гача бўлган, 40% дан кам доналаридан тузилган энгил чангли; пластиклик сони 12-17 гача, қум доналари 40% дан кўп бўлган оғир; пластиклик сони 12-17 гача, қум доналари 40% дан кам бўлган оғир чангли.

Шунингдек кумоқ тупроқларнинг 20-25% 2 мм дан йирик, сувда силлиқланган доналардан тузилган шағалли ва 20-25% 2 мм дан йирик, ўткир қиррали сувда силлиқланмаган доналардан тузилган чақиқ тошли турлари ажратилади.

Супеси - *қумдор тупроқлар* - пластиклик сони 1-7 гача бўлган гилли тупроқлар. Қум доналарининг тузилишига кўра кумлоқ тупроқлар бўлинади: 50% дан кўп 2...0,25 мм ўлчамдаги кум доналардан тузилган енгил кумлоқ тупроқлар; 50% дан кўп кумли доналардан тузилган енгил йирик; 20-50% гача кумли доналардан ташкил топган оғир чангли. Шунингдек, кумлоқ тупроқларнинг 20-50% 2 мм дан йирик сувда силлиқланган доналардан тузилган шағалли ва 20-50% 2 мм дан йирик, ўткир қиррали сувда силлиқланмаган доналардан тузилган чақиқ тошли турлари фарқланади.

Тақыры - *тақирлар* - силлиқ юзали, ўсимликсиз, гилли чўл тупроқлари. Қуруқ, иссиқ даврда қаттиқ полигон шаклидаги ёриқлар ҳосил бўлади, нам ҳолатда эса ёпишқоқ, чўзилувчан бўлади.

Торфы - *торфлар* - гумификация жараёнида ҳосил бўлган, органино-минерал масса кўринишидаги, толасимон, қаттиқ сиқиладиган, сув билан тўйинтирилган тупроқлар. Юқори намлик ва ҳаво ўтиши қийин бўлган шароитларда чала бузилиш (торфланиш) натижасида нобуд бўлган ўсимлик қолдиқларидан ботқоқликларда йиғилади. Бузилиш даражасига қараб фарқланади.

Трепелы - *трепеллар* - бўш цементлашган ғовак ёки оқ, кулранг, сариқдан қизилгача ва қора рангдаги ғовак тоғ жинси. Намлаганда ивийдиган ва кўп миқдордаги сувни тутиб қоладиган чангсимон ёки гилли заррал аралашмаси билан кремнеземнинг энг майда зарраларида таркиб топади.

Черноземы - *қора тупроқлар* - доначали ёки бўлакли тузилишдаги гумус таркибида юқори бўлган (устки қатламида 10% ва ундан ортиқ), пастки қатламларда карбонат ангидридли кальций бўлган, юқори намланганлик, ёпишқоқлик, эгилувчанлик ва бўртиш билан фарқладиган чангсимон ҳамда гилли зарралари кўп бўлган тупроқлар.

Цементогрунт - *цементланган тупроқ* - тупроқнинг оптимал намликда цемент билан аралаштирилиб қотирилганидан ҳосил бўлган сунъий материалга айтилади. Цементланган тупроқ қоплама ва асос сифатида йўл ҳамда аэродром қурилишида ишлатилади.

4.2. Тоғ жинслари ва тош материаллари.

Алевролиты - *битумли тоғ жинслари* - оғир нефть ёки табиий битум аралашган (шимилган) чўкинди тоғ жинслари. Буларда битум ёки нефть 1...20% гача бўлиб, жинсларнинг ғовакликлари ва бўшлиқларини тўлдирган ҳолатда туради.

Амфиболиты - *амфиболитлар* - асосан ялтироқ мугузли, қора яшил, ҳатто қора рангли донали ёки сланец агрегатли метаморфик тоғ жинслари. Йўл қурилишида чақик тош сифатида қўлланилади.

Ангидриты - *ангидритлар* - 60-80 МПа гача мустаҳкамликдаги бир хил минералли тоғ жинслари. Гипс биргаликда боғловчилар, улар асосида эса гипсобетон маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хизмат қилади; шунингдек девор материаллар ва биноларнинг ички безаклари сифатида ҳам қўлланилади.

Андезиты - *андезитлар* - оҳак-натрийли дала шпати ва бир ёки бир неча тўқ рангли минераллар (биотит, амфибола, пироксин)дан таркиб топган отилиб чиққан оқиндили кислотага чидамли тоғ жинслари (лавалар).

Аргиллиты - *аргиллитлар* - қаттиқ тошсифат гилли жинслар гуруҳи. Қурилишбоп хусусияти унинг таркибини ҳосил бўлиш жараёнига боғлиқ, табиий омиллар таъсирида очик ҳавода ўз хусусиятини тез ўзгартиради.

Асбест - *асбест* - толали тузилиши билан тавсифланадиган ва эластиклик, оловга бардошлилик, электр ўтказувчанлик хусусиятларига эга бўлган минераллар гуруҳининг умумий номи. Майдаланган асбест асфальтобетон қоришмалар ва мастика учун минерал кукун сифатида қўлланилиши мумкин.

Асфальт природный - *табиий асфальт* - массаси бўйича 1% дан кам бўлмаган микдорда табиий битумдан таркиб топган, қаттиқ, мўрт ёки қайишқоқ қора-қўнғир, деярли қора рангли тоғ жинси. Шунингдек, “Битум таркибли тоғ жинслари” га қаранг.

Базальты - *базальтлар* - донатор тузилишга эга бўлган, асосан, ўзини шишасимон масса кўринишидаги мустаҳкам қотиб қолган лава сифатида намоён қиладиган плагиоклаза, авгит ёки оливинлардан ташкил топган, одатда, нотўлиқ кристалли қора ва тўқ кулрангли мустаҳкам, отилиб чиққан оқизинди тоғ жинслари. Қаттиқ ва шу билан бир вақтда мўрт, қайта ишланиши қийин жинслар ҳисобланади. Мустаҳкамлиги 11 дан 500 МПа гача чегарада фарқланади. Кислотага чидамли ва электр ўтказмайдиган яхши материал ҳисобланади; куйма тош учун хом ашё сифатида юқори

баҳоланади. Қуйма тош бальзамин кислотага бардошлилиги, юқори мустаҳкамлиги (800 МПа гача) ва кўп вақтга чидаши билан ажралиб турадиган пардозлаш маҳсулотлари, кувурлар, кимёвий жихозлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Брекчия - *брекчия* - бирон-бир табиий цементлар билан мустаҳкамланган 2 мм йирикликдаги серкирра чақиқ чўкинди тоғ жинси. Кам тарқалган. Чақиқларнинг петрографик таркиби бир жинслиги билан фарқланади. Серкирра шакли цемент билан мустаҳкам бирикишни таъминлайди. Пардозловчи тош сифатида қўлланилади.

Брусчатый камень - *тўрт қирра тош* - отилиб чиққан тоғ жинслари ёки алангали-суюқ қуйма металлургия шлаклари ва қуйма тоғ жинсларидан тайёрланган, стандарт ўлчамдаги тўрт қирралар шаҳар майдонлари, кўчалари, трамвай йўллари ва шаҳар автомобиль йўлларида қопламалар ўрнатиш учун фойдаланилади. Ўлчамларига кўра тўрт қирра тошлар уч турга бўлинади: юқори (ЮТ), ўртача (ЎТ), паст (ПТ). Қўлланилишига кўра тошлар 2 тоифага ажратилади: 1 - меъморий-тарихий аҳамиятга эга бўлган шаҳар майдонлари ва кўчаларга қопламалар ўрнатиш учун; 2 - кўчалар, майдонлар, трамвай йўллари ва шаҳар автомобиль йўллари учун.

Валуны (валунный камень) - *юмалоқ катта тош (валун тошлар)* - сув ости ёки музликларда сақланиб силлиқланган тоғ жинси. Ҳосил бўлиши бўйича музлик, дарё, денгиз, кўл тошлари бўлиши мумкин. Дастлабки қайта ишловдан кейин шашка, харсангтош ва б. донатор материаллар сифатида фойдаланилиши мумкин.

Вулканические пеплы - *вулқон куллари* - отилиб чиқиш вақтида тўкилган ва лава оқими юзасига сочилган нотўғри шаклдаги зарраларнинг майда кукун ҳолидаги массаси. Вулқон шишасининг майда синиқларидан ва баъзи минераллар, одатда, кварц, кристалл доналаридан таркиб топган. Вулқон куллари зарраларининг ўлчамлари 0,1- 0,2 мм дан иборат (асосан, кремний таркибли 65% гача зарралар 0,15 мм дан кичик). Бирмунча йирик зарралардан (5 мм гача) ташкил топган юмшоқ масса вулқон қумлари деб аталади.

Высевки - *чиқитлар элакланган* - 3-5 мм дан кичик дона ва зарралардан ташкил топган тоғ жинслари ва сунъий тош материалларнинг майдаланишидан ҳосил бўладиган қиррали тош чиқитлари.

Габбро - *габбро* - асосан, анортитдан лабрадоргача бўлган плагиоклаздан ташкил топган, ер остида отилиб чиққан тоғ жинси,

кўпроқ авгит ва қисман амфиболадан иборат бўлган пироксен гуруҳларнинг минералларидан бири. 40-52% гача SiO_2 дан иборат бўлган асосий жинс ҳисобланади. Плигиоклаз лабрадор таркибли 85% дан кўп бўлган хилма-хиллик лабрадорит деб аталади ва у иризация (минераллар ички юзаси силлиқлигининг ёруғлик нурларида акс этиши) ҳисобига кўк ва яшил рангнинг нафис товланиши билан кулранг ва қора рангга эга бўлади ва қимматбаҳо декоратив материал ҳисобланади. Ҳақиқий зичлиги деярли ўртача зичликка тенг бўлиб, оғир жинс ҳисобланади; сикилиш шароитида (200-230 МПа) юқори мустаҳкамлиги, юқори ёпишқоқлиги билан ажралиб туради.

Гажа (землистый гипс) - гажса (ерли гипс) - кўл-ботқоқликдаги сув ҳавзаларида чўккан, кальций карбонат ангидридли юмшоқ, сочилувчан, кукун кўринишдаги жинс. Оҳакни куйдириш ва цемент ишлаб чиқаришда, шунингдек паст маркадаги асфальтобетон қоришмаларга қўшимча сифатида ишлатилади.

Галька - “Фракцияланган шағал” га қаранг

Гипс (гипсовый камень)- гипс (гипс тоши) - иккиламчи сувли кальций сульфат оксидидан иборат тоғ жинси, гипсли ёпишқоқ моддаларини ва цементларга қўшимчаларни ишлаб чиқариш учун хом ашё ҳисобланади.

Гипс строительный (алебастр) - қурилиш гипсигипс тошини 150... 170 °C да ишлов бериб, майдалаш (ишловгача ёки ишловдан сўнг) йўли билан олинадиган маҳсулот.

Гнейсы - *гнейслар* - ўзаро ёндош жойларда жойлашган дала шпати, кварц, слюда ва бошқа минераллардан таркиб топган, метаморфик, донадор-кристалл тоғ жинслари бўлиб, жинсга сланецлик - гнейсларга хос хусусиятни берадики, бунда кўп микдордаги ясси доналардан ташкил топиши мумкин.

Горные породы - *тоғ жинслари* - маълум таркиб ва тузилишга эга бўлган, геологик жараёнлар натижасида шаклланган, ер пўстида мустақил жисм кўринишида ётувчи табиий минерал бирикмалар. Тоғ жинслари ҳосил бўлиши жиҳатидан 3 синфга бўлинади: чўкинди, магматик (откинди) ва метаморфик.

Горные породы битумосодержащие (битумонозные) - *битум таркибли тоғ жинслари* - ундаги бўшлиқларни тўлдирувчи ёки унга бир текис сингдирилган оғир нефть ёки табиий битумдан (1 ...20%) таркиб топган чўкинди жинслар.

Горные породы глубинные (интрузивные) - *чуқурликдаги (интрузив) тоғ жинслари* - катта чуқурликда эриган магмаларнинг қотишидан ҳосил бўлган турли хил тоғ жинслари.

Горные породы изверженные (магматические) - *отилиб чиққан (магматик)тоғ жинслари* - отилиб чиққан магмаларнинг совиши ва қотиши натижасида ҳосил бўладиган жинслар.

Горные породы излившиеся (эффузивные) - *куйма (эффузив) тоғ жинслари* - ер юзасига чиққан ва қоплама, оқим, гумбаз кўринишида қотиб қолган, магмалардан ҳосил бўлган турли хил тоғ жинслари.

Горные породы карбонатные - *карбонат тоғ жинслари* - бу жинсларнинг 50% дан кўпроқ қисмини ташкил этадиган катта миқдордаги чўкиндилар (кумтошлар, доломитлар, мергеллар ва б.) ёки метаморфик (мармар ва б.) жинсларнинг биргаликда ёки алоҳида шаклланадиган қаттиқ чўкинди жинслари (карбонат ангидрид тузлари, оҳаклар, магнезитлар, темир оксидлар).

Горные породы кремнистые - *кремний тоғ жинслари* - кўпроқ соф кремний кислотадан таркиб топган сланецли, қисман заҳарли калий билан аралашган аморф (кремний сланец, опока, трепель ва б.), зичлашган жинслар.

Горные породы метаморфические - *метаморфик тоғ жинслари* - юқори ҳарорат ва босим таъсирида ўз хусусиятларини ўзгартириб шаклланган чўкинди ёки магматик жинслар.

Горные породы обломочные - *парчаланган тоғ жинслари* - юмшоқ ёки мустаҳкамланган парчалардан ташкил топган, турли хил петрографик таркибдаги ва турли йирикликдаги чўкинди тоғ жинсларининг бузилиши маҳсулотлари йиғиндиси. Юмшоқ жинслар - чўкинди (юмалоқ тошлар, галькалар, шағал, кумлар) ёки мустаҳкамланмаган отқинди тоғ жинслари турлари (механик ётқизиклар). Мустаҳкамланган парчалар - чўкинди (кумтошлар, конгломератлар) ва отқинди (вулқон туфлари) тоғ жинслари.

Горные породы осадочные - *чўкинди тоғ жинслари* - асосан, сувли муҳитда минерал моддаларнинг чўкиши, зичланиши ва қотиши натижасида ҳосил бўладиган жинслар.

Горные породы скальные (массивные) - *қоя (массив) тоғ жинслари* - тўлиқ массив ёки ғовакли қатлам кўринишида ётадиган, минераллар ва донаторлар ўртасидаги қаттиқ боғланган отқинди, чўкинди ва метаморфик жинслар.

Гравий - *шағал* - йирик бўлакланувчан бўшлоқ чўкинди жинслар бўлиб, юза қисмлари силлиқланиб кетган. Таркиби дала

шпати, кварц, гранит, деорит, порфир, охактош ва бошқа тоғ жинсларидан ташкил топади.

Гравий карьерный горный - *тоғ-кон шағали* - юмшоқ жойлашмалардаги тоғ конларидан қазиб олинадиган ва юмалоқ силлиқ тошлар, кумлар, чанг ва гиллар аралашмаси билан бойитилмасдан қўлланиладиган шағал материал.

Гравий речной и морской - *дарё ва денгиз шағали* - сув ҳавзалари (дарё ёки денгиз) тубидан қазиб олинадиган шағал материал. Йириклиги ва донадаор таркибига кўра қурилиш конструкцияларда қўлланилади.

Гравий фракционированный - *сараланган (фракцияланган) шағал* - 5(3) мм дан майда ва 70(120) мм дан йирик доналарни ажратиб олинган кон материали. Доналарининг ўлчами бўйича шағаллар қуйидагича фарқланади: 70...120 мм - жуда йирик (галька); 40...70 мм - йирик; 20...40 мм - ўртача; 10...20 мм - майда.

Гравийно-песчаные материалы - *шағал-қум аралашмаси* - табиий ёки сунъий йўл билан аралаштирилган, таркибида ўлчамлари 5 мм дан йирик бўлган заррачаларнинг миқдори 50 - 80% гача бўлган шағал аралашмаси тушунилади.

Граниты - *гранитлар* - бирмунча тенг миқдордаги дала шпати, кислотали плагиоклаз, кварц ва бир оз миқдорда бир ёки бир неча рангли металллар (биотит, ялтироқ мугуз - 5-20%) дан таркиб топган, зичлиги, қаттиқлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турадиган откинди (кўпроқ чуқурликдаги) йирик тўлиқ кристалли тоғ жинси. Мустаҳкамлик чегараси 100дан 250 МПа гача, эгилишидаги чўзилиши - 2 дан 7,5 МПа гача. 65-75% SiO_2 дан таркиб топган. Кам ғовакли жинс (ғоваклиги - 0,5-1,5%), кам сув шимдириш хусусиятига эга, юқори даражада совуққа чидамлилиги ва ишқаланишга қаршилиқ кўрсата олиши билан ажралиб туради. Қурилишда кенг қўлланилади.

Грязь фильтрпрессная - *фильтрпрессли чанг* - қанд заводларининг майда чанг кўринишдага чиқиндиси. Гидрофабли минерал кукун сифатида ёки минерал кукунга қўшимча кўринишида асфальтбетон қоришмалар учун ишлатилади.

Диабазы - *диабазалар* - плагиоклаз, авгит ёки оливин, ялтироқ мугуз ва бошқа минераллардан ташкил топган, яшимтир-кулранг откинди қуйма майда донали тўлиқ кристалли тоғ жинси. Сиқилишдаги мустаҳкамлиги (300дан 450Мпа гача), юқори зичлиги билан ажралиб туради.

Диориты - *диоритлар* - плагиоклаз (75%гача) ва ялтирок мугуз (25%) дан ҳамда авгит, биотитдан ташкил топган чуқур жойлашган магматик тоғ жинси. Ранги тўқ кулрангдан қорагача. Тўлиқ кристалли бир текис донадор тузилишли ва йирик текстурали, сиқилишдаги мустаҳкамлиги 180-300 Мпа.

Доломиты - *доломитлар* - ёгин (тоғ кимиёвий ёгинлар) жинслари, гилли кремийли ва бошқа моддалар қоришмаси билан магний ҳамда карбонат ангидридли кальцийдан таркиб топган.

Дресва - *дресва* - тош шаклли ҳолатда сақланган йирик тоғ жинсларининг шамол таъсирида емирилишидан юзага келган юмшоқ парчаланган силлиқланмаган маҳсулот.

Золы уноса - *учувчан куллар* - турли кўмир, торф, ёқилғи (тош ва қўнғир кўмир, тарф, ёнувчан сланецлар) ни ёққанда қоладиган, электрфилтрлар ёки бошқа мосламалар томонидан тутиладиган чангсимон чиқиндилар. Одатда, 0,3 мм дан кичик заррали бўш дисперс материалдан иборат. Йўл ишларида улардан фаоллиги кам ёпишқоқ материал сифатида тупроқларни мустаҳкамлашда, цементни тежаш мақсадида унга қўшимча сифатида, шунингдек минерал кукуни сифатида фойдаланилади.

Золы гидроудаления - *сув ёрдамида четлаштирилган кул* - тошкўмирнинг ёнишидан майда чанг кўринишида кум ҳосил бўладиган гил зарралаари тўқ кулрангли донадор, ғовак материал. Кремний, алюминий, темир оксидлардан ташкил топган.

Известняки - *оҳактошлар* - кальцитнинг, одатда, гилли материал, кремнезем, темир оксидлари, баъзан глауконит ва ш.к. аралашмасили цементлашган доналаридан иборат чўкма тоғ жинси. Зич, кристалли, мраморсимон, ғовак, тупрокли, туфли, чиғанокли, болитли, турли мустаҳкамлиги ва бошқа хусусиятлари билан фарқланадиган турларга бўлинади.

Камень бортовой - *ён чекка тош* - шамол таъсиридаги нурашларга учрамаган ва очиқ ёриқлари бўлмаган тоғ жинсидан арралаб ёки майдалаб олинган тош. Стандарт ўлчамларга эга ва узунлиги 70-200 см, кўндаланг кесими 20х60 см бўлган призматик шаклда тайёрланади; олд томони арраланган сиртга эга. Йўлнинг ўтиш қисмини пиёдалар йўлагидан ёки ўтиш йўлакчасини газондан ажратиш учун мўлжалланган.

Камень булыжный - *донадор тош* - кўприклар ва мустаҳкамлаш ишларида қўлланиладиган, 120...125 мм ўлчамдаги майда юмалоқ тош.

Камень бутовый - *харсанг тош* -150 мм - 500 мм ўлчамдаги нотўғри шаклли бўлак кўринишида синдирилган ёки ажратиб олинган тош. Замин ҳамда тош деворли ва цементбетонли муҳандислик иншоотларини қуришда, шунингдек йўл асосига қўйиладиган цементбетонларда йирик тўлдирувчи сифатида қўлланилади.

Камень валунный - *юмалоқ тош* - йирик, кўпинча юмалоқ шаклдаги, кўпи билан 120 мм ўлчамдаги тоғ жинси парчалари. Сифати жинсининг петрографик таркиби, парча шаклидалиги ва йириклиги, шунингдек шамол таъсиридаги нураш даражаси билан белгиланади. Иншоотларда фойдаланиш учун қиздирилади ва майдаланади.

Карналлит - *карналлит* - майдаланган ва қайта ишланган кўринишдаги хлорат магнийдан ташкил топган тоғ жинси. Унинг сувли эритмаси чангсизлантириш учун ва яхмалакка қарши аралашма сифатида хизмат қилади.

Кварциты - *кварцитлар* - майда кварц доналаридан, мустаҳкамланган кварц цементидан ташкил топган, метаморфик бир текис кристалли, зич тоғ жинслари. Цементланган моддалар кварц доналардан ажралиши қийин. Об-ҳаво шароитига турғун: мустаҳкамлик чегараси 100-400 МПа ни ташкил этади. Абразив, кислотага ва ишқорга чидамли материал сифатида қўлланилади, чиройли хилма-хиллиги билан декоратив ва пардозлаш материали сифатида фойдаланилиши мумкин.

Керамдор (керамзит дорожный) - *керамдор (йўл керамзити)* - керамзит тури. Баъзи гилли тупроқларни ёндириш шароитида олинади. Оширилган ўртача зичлик ва юқори мустаҳкамликка эга. Йўл қурилишида шағал ўрнида қўлланилади.

Керамзит - *керамзит* - қавариб чиқадиган гилли сланецлар ёки енгил эрувчан лойдан, ёки махсус қиздириш режимида тўлдирувчилар билан бўш қаварадиган лойдан олинadиган, ячейкасимон тузилишдаги сунъий ғовак материал. Бетон қоришмаларида тўлдирувчилар сифатида қўлланилади.

Классификация горных пород дорожная генетическая - *тоғ жинсларнинг генетик таснифи* - тоғ жинсларининг келиб чиқиши (генезис) га қараб гуруҳларга бўлиниши: отқинди (магматик), чўкма ва метаморфик.

Классификация горных пород дорожная - *тоғ жинсларининг йўл таснифи* - тоғ жинсларининг чақик тош тайёрлаш учун ҳом-ашё сифатида бешта гуруҳларга (отқинди,

метаморфик, чўкма карбонатли - оҳактош, чўкма - кумтошлар ва бўш бўлакланган) уларнинг йўл хусусиятларига қараб ҳамда ҳар бир гуруҳда мустаҳкамлиги ва бошқа физикавий-механик хусусиятларига қараб бешта маркага бўлиниши.

Клинкер дорожный - *йўл клинкери* - махсус лойларни эриб кетмасдан ва шишасимон юзани ҳосил қилмасдан тўлиқ пишгунча юқори ҳароратда куйдириш орқали олинадиган, тош кўчаларга ётқизиш учун мўлжалланган, белгиланган ўлчамдаги ғишт.

Конгломерат - *конгломерат* - бирон - бир таббий цемент блан қотирилган тоғ жинсларнинг йирик доналари.

Крошка асбестовая - *асбестли увоқ (крошка)* - юқори абсорбционли ва когезионли хоссалари билан фарқланадиган майдаланган (уволанган) асбест. Мастика ва асфальтбетн қоришмаларда минерал кукун сифатида қўланилади.

Клинкер цементный - *цемент клинкери* - кўпроқ силикат кальцийдан иборат бўлган таббий гилли аралашмани пишириб куйдириш йўли билан олинадиган парча кўринишидаги материал. Портландцемент тайёрлашда қўлланилади.

Магнезиты - *магнезитлар* - магнезий минералидан ташкил топган чўкинди тоғ жинслари. Оҳактошга қараганда уларнинг зичлиги юқори, бироқ табиатда улар кам учрайди. Оловга чидамли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун хом ашё, яширин кристалли турлари эса - минерал боғловчиларни (каучук магнезий) ва улар асосидаги маҳсулотларни тайёрлаш учун хом ашё ҳисобланади.

Мергели - *мергеллар* - карбонат ангидрид кальций (50...80%), баъзан карбонат ангидрид магний, гилли ва кумли тупроқлар (20...50%) аралашмасидан ташкил топган, турли хил рангдаги, оҳактошдан гилга айланаётган тоғ жинслари. Салбий ҳарорат ва сув таъсирида бузилади.

Мел - *бўр* - микроскопик чиғаноқлардан бўш цементланган, асосан карбонат ангидритли кальций билан оз миқдордаги қум ва лойдан таркиб топган, тупроқ тузилмали чўкма зоо-генли тоғ жинси.

Минеральные материалы (заполнители) - *минерал материаллар (тўлдирувчилар)* - йўл тўшамаси ва иншоотларни қуриш учун қўлланиладиган турли хилдаги таббий (чақиқ тош, шағал ва б.), сунъий (шлак, керамзит ва б.) тош ва тош шаклдаги материаллар ва ярим фабрикаларнинг умумий номи.

Мраморы - *мраморлар* - асосан ўзаро такомиллашувчи кристалл кальцийдан ташкил топган, метаморфик тўлиқ кристалли, зич тоғ жинслари. Мустаҳкамлик чегараси 100-120 МПа дан

иборат. Ишловга яхши берилади: арраланади, силликланади, пардозланади; тажовузкор сувлар, шамол таъсирида нурашга қаршилиқ кўрсатиши заиф. Ранглар уйғунлиги ва табиий тузилиши хилма-хиллиги туфайли ички пардозлаш ишларида аъло даражадаги материал ҳисобланади.

Опоки - *опокалар* - 97% кремний кислота, аморф кремнезем (опал) ва камроқ микдорда бошқа аралашмалар - кварц, гилли моддалар, кальций, органик моддалар ва б. лардан таркиб топган тошлоқ жинс. Ҳам типик, ҳам кумтошга ва мергелга ўтувчи бир неча хил турлари мавжуд. Энг кўп тарқалгани - 86...88% гача кремний кислотадан, кулранг, оч кулранг ва сариқ рангли, паст мустаҳкамликка эга *кремний опокалар*; ундан кейин 90...94% кремний кислотадан иборат бўлган бирмунча мустаҳкам *кремнийга ўхшаши*; асосан бироз микдорда гилли заррачалар ва сочилган майда кварц доналари, глауконит ва мусковитдан ташкил топган опакадан иборат бўлган *қумли опокалар* кам учрайди. Йўл қурилишида кам, фақат IV ва V тоифадаги йўллардагина қўлланилади.

Опал - *опал* - аморф тузилмалари ҳамда сув, кремний гидрат оксиди таркиби бўйича беқарор таркибга эга минерал. Бетондаги реакцияга қодир минерал бўлиб, йўл материаллари таркибида чекланган бўлиши керак. Йўл қопламаларини маркалаш учун махсус қўлланилади.

Отходы асбестовые - *асбест чиқиндилари* - асбест қазиб олиш чоғида олинадиган, унинг қисқа толаларидан ташкил топган чақиқ тош кўринишидаги материаллар. Тош материалларнинг органик боғловчилар билан аралашмаларида ва минерал қуқунлар - турли мастикаларда тўлдирувчи кўринишида қўлланилади.

Отходы дунитовые - *дунит чиқиндилари* - йўл асослари ва тупроқ йўлларини яхшилаш учун материал сифатида фойдали бўлган, платина ишлаб чиқаришдаги чиқиндилар.

Отходы золоторудные - *олтин қони чиқиндилари* - йўл асослари қурилиши учун материал ва яхшиланган тупроқли, йўл қурилишида қўшимча сифатида яроқли бўлган, қумли ёки майдаланган масса кўриниши, олтин ювиш чоғидаги чиқиндилар.

Отходы кварцитовые - *кварцит чиқиндилари* - йўл асосларини қуриш учун қўлланиладиган, темирли кварцитларни бойитиш чиқиндилари.

Отходы металлургической промышленности - *металлургия саноати чиқиндилари* - асосан рудаларни ёқилғи ёқиб қайта ишлашда

ҳосил бўладиган куюндилар, ундан ташқари куйган кумлар ва флюслар киради.

Отходы нерудной промышленности - *норуда саноат чиқиндилари* - тупроқ аралашмали, турли ўлчамдаги парчалар кўринишидаги тоғ жинсларини қазиб олишда ёки майда чиқит ва сунъий кум кўринишидаги тоғ жинсларини қайта ишлашда олинадиган материаллар.

Отходы рудной промышленности - *руда саноати чиқиндилари* - руда хом ашёларини бойитиш фабрикаларида қайта ишлашда олинадиган, кўпроқ юқори даражада мустаҳкам бўлган, турли йирикликдаги тоғ жинслари парчалари кўринишидаги кўшимча маҳсулотлар.

Отходы флотационные - *флотацион чиқиндилар* - мис ва темир рудаларининг нам ҳолатда ажралишида олинадиган кўшимча материаллар. Йўл тўшамалари учун майда тош материаллар ўрнини босувчи сифатида яроқли.

Отходы химической промышленности - *кимё корхоналарининг чиқиндилари* - фосфор олинаётган жараёнда ҳосил бўладиган чиқинди, фосфор куюндиси. У йўл қопламаси ва йўл асоси қурилишида ишлатилиши мумкин.

Песок активированный - *фаоллаштирилган қум* - қум заррачаларининг битум билан яхши ёпишиши учун унинг юзасига сирт фаол моддалар билан махсус ишлов бериш асосида олинади.

Песок дробленный (искусственный песок) - *майдаланган қум (сунъий қум)* - махсус парчалагич-майдалагич жиҳозлардан фойдаланиб, тошлоқ тоғ жинслари ва шағаллардан тайёрланадиган, 5 мм гача йирикликдаги қум доналари. Йўл қурилиши ишларида парчаланган қумларнинг йириклигига кўра йирик ва ўртача турлари ишлатилади: нурамаган отқинди ва метаморфик тоғ жинсларидан - “800” дан кам бўлмаган маркаларда, чўқиндилардан - “400” дан кам бўлмаган маркалардан олинади.

Песок из отсевов дробления - *майдалаш чиқитларидан эланган қум* - чақиқ тошларни ишлаб чиқаришда янчилган тоғ жинсларини элашда ҳамда қора ва рангли металлларни, қазиб олинадиган нометалл ва бошқа саноат тармоқлари рудаларини бойитишда олинадиган, 5 мм гача йирикликдаги донадор ноорганик сочилувчан материал.

Песок формовочный горелый (земля формовочная) - *қолиплашда куйган қум (қолипланган ер)* - физик-механик хусусиятлари бўйича қумлоқ тупроқларга яқин бўлган,

машинасозлик саноатининг қўймачилик жараёни чиқиндилари. Қумли қолипда қўйиш усули қўлланилиши натижасида ҳосил бўлади. Қўпроқ кварцли қум, бетонит (10%), карбонатли қўшимча(5%) дан ташкил топган.

Песок фракционированный - *сараланган қумлар* - яхшиланган донадор таркиб билан табиий ҳолатда таъминладиган, йириклиги бўйича 4 навга: ўртача, майда, жуда майда ва чанглиларга бўлинадиган қумлар.

Песчаники - *қумтошлар* - қўпроқ табиий цемент билан боғланган, бирмунча зич бўлган кварцдан иборат минералларнинг майда доналаридан ташкил топган, парчаланган, мустаҳкамланган чўкинди тоғ жислари.

Песчано-гравийная смесь - *қум-шағал аралашмаси* - қум-шағал массасини қайта ишлаш ва бойитиш маҳсулоти сифатида олинadиган ва техник талабларга жавоб берадиган, муайян донадор таркибдаги йўл қурилиш материали; қўпроқ улуши 20...50% шағал доналари бўлган табиий қум. Қум-шағал аралашмалари қуйидагилар билан характерланади: шағал ва қум доналари таркибининг аралашмалиги, шағал доналарининг бирмунча йириклиги, шағал ва қум баҳолари учун қабул қилинган кўрсаткичлар.

Плиты бордюрные (бортовые) - *ҳошия плиталари* - йўлнинг автомобиль катнов қисмини йўл чети, йўлакча ёки ўсимлик ва дарахтлар ўсадиган қисмидан ажратиб турувчи махсус плиталар. Ҳошия плиталари тоғ жинсларини аралаш ёки ёриб олиб, уларга керакли ўлчамлар ва ишловлар берилиши билан тайёрланади. Шунингдек ҳошия плиталари цементбетон қоришмаларини қолипларга қўйиш йўли билан ҳам тайёрланиши мумкин.

Порошок минеральный активированный - *фаоллаштирилган минерал кукун* - оҳак-тош ва даломитларни майдалашда олинadиган, ҳамда уларни майдалаш вақтида ишлов бериладиган материал. Унинг юзаларини юзасини гидрофоблаш мақсадида БНД 200/300, БНД 130/200, БНД 90/130, БНД 60/90, ёки БНД 40/60 маркали битумнинг оз миқдордан ва ПАВ ва битумнинг 1:1 нисбатидаги юзаки фаол моддадан иборат фаоллаштирилган аралашма (минерал кукун массасига нисбатдан 1,5 дан 2,5% гача миқдорда) киритилади.

Порода пустая сланцевая - *сланецли бўш жинс* - сланецга ишлов бериладиган қатрон (деготь) заводларида сланецни саралашда олинadиган чиқинди материал. Йўл асосларнинг қўшимча қатламлари учун ишлатилиши мумкин.

Порошок минеральный - *минера кукун* - 0,071 мм ли дан кичик зарралардан иборат (камида 75%), механик тарзда майдаланган минерал материал. Битумнинг иссиқлик ва сувга чидамлилигини ошириш, минерал скелет зичлигини кўпайтириш ҳамда асфальт ва катронбетоннинг механик мустаҳкамлигини, шунингдек ҳароратга чидамлилигини ошириш мақсадида асфальт ва катронбетон аралашмаси таркибига қўшилади.

Порфиры - *порфирлар* - ишқорли дала шпати, заҳарли плагиоклаз, кварц, биотит ва кам миқдордаги ялтироқ мугузларнинг порфирли ажратилган тоғ жинслари умумий номи.

Ракушечники (известняки ракушечные) - *чиганоқлар (оҳактош чиганоқлар)* - турли шакл ва ўлчамлардан иборат бўлган, оҳактош ёки мергелли цемент билан мустаҳкамланган, чўкинди зооген (органик тузилмали) тоғ жинслари. Материал сифатида ғоваклиги ва яхши зичланмаганлиги билан тавсифланади. Ўй қурилишида чиганоқлар кум ўрнида қўлланилиши мумкин.

Сиениты - *сиенитлар* - дала шпати (50-70%) ва қора тусли минераллар (ялтироқ мугуз, биотит)дан ташкил топган, чуқурликда жойлашган, отқинди бир текис кристалл тоғ жинслари. 65% гача SiO_2 дан ташкил топган. Мустаҳкамлик чегараси сиқилиш шароитида 150-180 МПа дан иборат. Гранитларга қараганда яхшироқ қайта ишланади ва сайқалланади. Гранитлардан кам учрайдики, бу уларнинг қурилиш материали сифатидаги аҳамиятини пасайтиради.

Сланцы кристаллические - *кристалл сланецлар* – зарраларнинг параллел жойлашиши (сланецлилиқ) билан тавсифланадиган метаморфик тоғ жинслари. Таркибига кўра улар қуйидагича номланади: гнейслилар, ялтироқ мугузлилар, пироксенлилар, слюдалилар, гиллилар ва б. Ёндиришда ғовакли тўлдирувчи – шунгитли чакиққа айланиб қавариш хусусиятига эга бўлган *шунгитли сланецлар* алоҳида аҳамиятга эга.

Сланцы горючие - *ёнувчан сланецлар* - сапропелли келиб чиқишли кулли, гилли, кумли ва оҳактошли тоғ жинслари. Таркибида органик моддалар парчаланиши маҳсулотлари мавжудлиги натижасида ёнувчан хусусиятга эга. Сланецли сакич (деготь) олиш учун хом ашё ёки ёқилғи сифатида қўлланилади.

Трасс - *трасс* - вулқонли келиб чиқишли зич тоғ жинси - вулқонли туф. Ўғитга ишлов беришни яхшилаш, аралашмаларнинг қатламланиши олдини олиш, бетоннинг юқори зичлигига эришиш мақсадида пуццолан цементлар тайёрлаш учун юпқа майдаланган гидравлик қўшимча сифатида қўлланилади.

Трахит - *трахит* - алоҳида трахит тузилишли, сиенитларга мувофиқ келувчи отқинди тоғ жинси. Зич донатор кўринишдан жилвир тошни эслатувчи кучли ғовакликкача ўз тузилишини ўзгартириб, дала шпати ва вулкони шишалар нисбати кучли даражада вариантланиши билан характерланади. Яхши зичланмаган, шамол таъсирида нурашга мойил жинс; шашкалар, харсанглар, чақик тошлар, шунингдек, кислотага бардошли материал сифатида қўлланилиши мумкин.

Трепелы - *трепеллар* - оқ, кулранг, сарғимтир қизил ва қора ранггача бўлган, кам мустаҳкамланган ёки бўш тоғ жинслари. Намланиш шароитида ивийдиган ва анча микдордаги сувларни тутиб қоладиган кремнезем майда зарраларининг чангли ва гилли заррачалар билан аралашмасидан иборат. Ташқи жиҳатдан диатомитлардан фарқ қилмайди, улар билан кимёвий таркиби бир хил. Юқори даражада ғовак, оловга ва кислотага бардошли, товуш ва иссиқни ёмон ўтказди, кўп даражада сувни шимдирувчи; изоляцияловчи, фильтрловчи, силликовчи қурилиш материаллари, адсорбентлар сифатида фойдаланилади.

Туфы вулканические - *вулкони туфлар* - вулкон отилишининг мустаҳкамланган маҳсулотлари(вулкон кумлари, куллари, вулкон бомбалари ва б.) сифатида намоён бўладиган пирокристалл тоғ жинслари. Физик-механик хусусиятлари ва тузилиши бўйича фарқланади. Оширилган эрувчан кремнеземдан тузилган липорит таркибли тош кўринишдаги туфлар - цементга гидравлик қўшимча сифатида ишлатиладиган трасслар бирмунча қимматбаҳо ҳисобланади. Уларнинг юмшоқ тупрокли турлари пуццолан деб аталади.

Флюсы - *флюслар* - юқори даражада мустаҳкам карбонат жинсларнинг майда кўринишидаги домна ишлаб чиқаришининг чиқиндилари. IV-V тоифали йўлларда йўл тўшамалари, қатламлари қурилиши учун минерал материаллар сифатида яроқли.

Хрящ - *кемирчак* - табиий чақик тош кўринишидаги тоғ жинсларининг шамол таъсиридаги нураши маҳсулоти.

Шашка - *шашка* - кўприklar ва қиялиklarни мустаҳкамлаш учун тош ёки шлакдан муайян ўлчамда(12 дан 25 см гача) майдаланган материал.

Шашка мозаиковая - *қурама(мозаик) шашка* - механик усул билан қўпол тарзда 8-10 см ўлчамда майдаланган, куб шаклига яқинлашган, қурама кўприklarни мустаҳкамлаш учун қўлланиладиган тош бўлаги.

Шлаки - *куюндилар (тошқоллар)* - металлургия, кимё корхоналари ҳамда ёнилғи мосламаларининг тошсимон иккиламчи маҳсулотлари ёки чиқиндилари. Куюндилар ҳар хил минерал материалларни юқори ҳароратда қайта ишлашда, қаттиқ ёкилғиларни (тошқўмир, торф, сланец) ёкишда ҳосил бўлиб, таркиби ҳар хил кумлик бирикмалардан иборат. Куюндилар йўл курилишида ва таъмирлашда минерал хом ашё сифатида ишлатилади.

Шлаки металлургические - *металлургия шлаклари* - қора ва рангли металлургияда чўянни вагранкада эритиш, чўяннинг пўлатга айланиши жараёнида рудадан металлни эритиб олиш ва б.ш.к. ларда олинadиган қўшимча маҳсулот ва чиқиндилар. Турли печларда чўяндан пўлатни эритиб олиш жараёнида олинadиган шлаклар пўлат куёйилмалар деб, рангли металл рудаларни (мисли, никелли ва б.) эритишда олинadигани рангли металл куйилмалари деб аталади. Шлаклар куйидагича фарқланади: бессемерли (конверторли) - бессемер конверторларда пўлатни эритишда олинadиган қўшимча маҳсулот, пўлат куйилмалари шлак тури; вагранка печларда чўянни қайта эритишда олинadиган вагранка ағдаргичли; домнали - домна печида чўянни эритишда олинadиган қўшимча маҳсулот; мартенли - мартен печида пўлатни эритишда олинadиган қўшимча маҳсулот - пўлат куйиш шлаки тури; кумокланган - ўзини 6 мм гача ўлчамдаги шишали тузилманинг ғовак доналари сифатида намоён қиладиган ва оловли-суюқ шлакларни бассейнда сув, буғ ёки сиқилган ҳаво билан тез совутишда олинadиган майда донали материаллар; домна кумоклангани - чўянни эритишда уни тез совутиш усули билан олинadиган силикатли ва алюмин силикатли эритмалар, оширилган кимёвий фаолликка эга.

Шлаки топливые (котельные) - *ёнилғи (қозонхона) шлаклари* - қаттиқ турдаги ёнилғини ёндирганда (қўмир, торф, ёнувчан сланецлар) олинadиган чиқиндилар. Қиздирганда яхлитланган зич ва ғовак бўлақлар ҳамда донлар кўринишида бўлади. Йўл асосларининг қўшимча қатламларини қуришда ишлатилади.

Шлаки фосфорные (фосфарит, сантолит) - *фосфорли шлаклар* - кимё саноати чиқиндилари. Қуйиш учун ярқли эритилган масса кўринишдаги фосфорли олишда, майдаланган кўринишда эса йўл тўшамалари учун минерал кукун сифатида олинади.

Шлаки электроплавильные - *Электрда эритилган шлаклар* - электр ёрдамида эритиш печларида чўянни эритишда олинadиган чиқиндилар. Мустаҳкамлиги бўйича бир хил эмаслиги билан фарқланади. Йўл асосларини қуриш учун ярқли.

Щебень - *чақиқ тош* - тоғ жинсларининг сунъий ёки табиий йўл билан майдаланишидан ҳосил бўлган маҳсулот. Чақиқ тош доналар йириклиги бўйича қуйидагиларга бўлинади: жуда йирик - 70-120 (150) мм гача; йирик - 40-70 мм; ўртача - 20 (25)-40 мм; майда - 10 (15)-20 мм ва жуда майда - 5-10(15) мм гача. Чақиқ тош материаллари сифатида куюндилар ҳам ишлатилади. Тоғ жинсидан олинган чақиқ тошнинг юзалари ғадир-будир ва кубсимон шаклга эга бўлиши керак.

Щебень из гравия - *шағалли чақиқ тош* - шағалли материални майдалаш орқали олинади, қоя тош жинсларидан майдаланган чақиқ тошга қўйиладиган талабларга жавоб беради.

Щебеночная смесь - *чақиқ тош аралашмаси* - таркибида 50-80% гача щебень бўлган тошларнинг аралашмаси тушунилади. Аралашма табиий ёки сунъий йўл билан тайёрланиши мумкин.

Щебень, обработанный вяжущими (черный щебень) - *битум билан ишлов берилган чақиқ тош (қора чақиқ тош)* - чақиқ тошларга мосламаларда органик боғловчилар билан ишлов бериш йўли билан олинади. Бунда асосан маълум сифатда ва ўлчовдаги чақиқ тошлар ишлатилади. Битум билан ишлов берилган чақиқ тошлар йўл ва аэродром копламалари ва асосларида ишлатилади.

Щебень фракционированный - *доналарга ажратилган чақиқ тошлар* - элаклардан ўтказилиб 10,15,20,25 ва 40 мм ўлчамларда ажратиб олинади.

Щебень шлаковый - *шлакли чақиқ тош* - 1) куйма - ёнувчан суюқ шлакларни куйганда ва куйдирганда ёки аста-секин сув билан совитилганда олинadиган материал; 2) ағдарма - кислотали ағдарма шлакларни майдаланганда олинadиган материал.

4.3. Боғловчи материаллар (органик ва ноорганик), қўшимчалар, полимерлар.

Адгезионные присадки - *адгезион қўшимчалар* - боғловчининг тош материал юзаси билан бирикишини яхшилайдиган қўшимчалар.

Активация битума - *битумни фаоллаштириш* - механик энергиянинг химик энергияга айланиши эҳтимоли асосида материалларга таъсир этиш жараёни, электр зарядлари энергиясини ультратовушлар билан фаоллаштириш эҳтимоли, битумнинг буғ билан кўпикланиши.

Активатор - *фаоллаштиргич* - минерал материалнинг сиртки фаол органик боғловчилар билан хемосорбцион ўзаро таъсири хусусиятини оширувчи, шунингдек минерал материалнинг сиртида, хусусан, юқори молекуляр боғловчиларнинг физик адсорбцияси (юзак сингиши)га имкон туғдирувчи, қоришманинг хусусиятини яхшиловчи материаллар (гидрат оҳаги - пушонка, сланецли кум) ва бошқа моддалар.

Амины - *аминлар* - битум юзасининг таранглинишига таъсир килувчи катион типигаги сиртки фаол моддалар гуруҳи. Диаминлар, полиаминлар, амидоаминлар ва б. фарқланади. Бу моддалардан фойдаланганда минерал юзасида кимёвий реакциялар натижасида анион материаллар ва қўшимчалар амин катионлардан ташкил топган қийин эрийдиган (сувга бардошли) парда ҳосил бўлади. Аминлар ионларнинг электростатик адсорбцияси таъсирида нордон минерал материаллар юзасида мустаҳкамланади.

Антиоксиданты - *антиоксидантлар* – пластмассаларни куёш нурлари таъсирида эскиришдан ҳимояловчи моддалар.

Асфальт природный - *табиий асфальт* - 4.2 бандга қаранг.

Асфальтит - *асфальтит* - эритмаларда эримайдиган минерал заррачалар ва унча кўп бўлмаган микдорда органик моддалар (карбонидлар)дан ташкил топган, юмшатиш ҳарорати 100⁰С дан юқори бўлган, табиий қийин эрийдиган битум. Мойлар (25% дан кам) ва асфальт қатрони компонентларидан (75% дан ортиқ) ташкил топади.

Асфальтены - *асфальтенлар* - битумнинг майда заррачаларга бўлинган даври, юқори молекуляр модда, каттиқ ва мўрт қатрон иштирокида кўпчийдиган ва майда эрийдиган модда. Битумнинг қайишқоклигини таъминлайди, унинг юмшатиш ҳароратини, пластик ҳолатининг ҳарорат оралиғини аниқлайди.

Асфальтогеновые кислоты - *асфальтоген кислоталар* - мальтен таркибли битумларнинг фаол қисми(боғловчиларнинг тош материаллар билан бирикишини оширадиган моддалар).

Битумная паста - *битум пастаси* - «Юқори даражада тўйинтирилган эмульсия»га қаранг.

Битумодеготь - *битум қатрони* - қатрони кўпроқ бўлгандаги йўл қатронининг йўл битуми билан қоришмаси. Битуми кўпроқ бўлганда қоришма қатрон битуми деб номланади.

Битумы - *битумлар* - қурилишда, асосан, йўл қурилишида боғловчи ёки гидроизоляция материали сифатида қўлланиладиган, суюқ, қовушқоқ ёки каттиқ, сувда эримайдиган материаллар. Улар

таранг-қовушқоқ-пластик ёки қовушқоқ-оқувчан хусусиятларга эга. Углеводородлар ва уларнинг нометалл ҳосилаларидан, биринчи навбатда кислородли, олтингугуртли ва азотли қоришмалардан ташкил топган, углерод сульфидда хлорофилда ва бензолда тўлиқ (98-100%) эрийдиган қоришма. Бутумлар саноатда нефтни қайта ишлашдан ёки асфальтлар ва битумдан ташкил топган табиий жинсларнинг конларидан олинади. Битумларнинг йўл қурилишида, том ёпишда ишлатиладиган ва махсус турлари мавжуд.

Битумы деасфальтизации - *асфальтланмаган битумлар* - қолдиқ мойни ажратиш мақсадида гудронга тропан билан ишлов беришдан ҳосил бўладиган қолдиқлардан фойдаланишда асфальтларнинг деасфальтизациясидан олинadиган нефтли битумлар хили.

Битумы компаундированные - *компаундирланган (компаунд - моддаларнинг кимёвий бирикмалари аралашмаси) битум* - оксидланган асосли асфальт қатронли компонентларни кўп қайнайдиган хушбўй углеводородга бой бўлган нефть фракцияси билан, хусусан, танлаб тозаланган экстрактлар билан аралаштиришдан олинган нефтли битумларнинг хили.

Битумы нефтяные - *нефть битумлари* - нефть ва унинг маҳсулотларидан олинadиган, нефтни қайта ишлаш усули бўйича қолдиқ, оксидланган, компаундланганларга бўлинадиган, қовушқоқлиги бўйича эса қовушқоқ ва суюқ бўладиган битумлар.

Битумы нефтяные дорожные вязкие - *нефтли қайишқоқ йўл битумлари* - давлат стандарти талабларига жавоб берадиган, қайишқоқлиги бўйича хилларга бўлинадиган, панетрометрлар ва кўрсаткичлари мажмуи бўйича аникланadиган ярим қаттиқ нефть битумлари. Барча турдаги такомиллаштирилган йўл қопламалари ва асослари қурилиши учун қўлланилади.

Битумы нефтяные дорожные жидкие (разжиженные) - *нефтли суюқ (суюлтирилган) йўл битумлари* - қайишқоқ битумни белгиланган фракцион таркибда сиртқи фаол моддалар қўшиб, суюқ нефть маҳсулотлари билан суюлтириб тайёрланadиган, давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган, қовушқоқлик бўйича хилларга бўлинадиган, визкозиметр билан, такомиллаштирилган йўл қопламалари ва асослари қурилишида, тупроқларни мустаҳкамлашда қўлланилади.

Битумы окисленные - *оксидланган битумлар* - нефтни қайта ишлашдаги қовушқоқ чиқиндиларни даврий ёки тўхтовсиз

ҳаракатдаги махсус қурилмаларда ҳаво билан оксидлаб олинадиган нефт битумларининг тури.

Битумы остаточные - *қолдиқ битумлар* - бензин, керосин, солярка ва бошқа мойлар танлаб олингандан кейин қолган оғир қатрон нефтларни вакуумли (тўғри) ишлаб, таркибий қисмларга ажратишдан олинадиган нефть битумларининг хили.

Битумы природные - *табиий битумлар* - битумли жинслар - кумтош ёки оҳақлардан ажратиб олинадиган битумлар. Булар енгил ташкил этувчи билан таъминланмаган оғир асфальтли қатрон хом ашё.

Вязущие гидрокамовые - *гидрокомли боғловчилар* - тош кўмир мойи ва нефть гидронни бирга оксидлаш маҳсулотининг материаллари.

Вязущие магнезиальные - *магнезиал боғловчилар* - табиий магнезит ёки доломит ва унинг майдаланиши (кукун ҳолатигача) қолдиқларини ёндириш (эригунча) йўли билан олинадиган кукун ҳолидаги минерал боғловчилар.

Вязущие битумодегтеполимерные - *битум қатрон полимер боғловчилари* - битумлар, қатронлар ва полимерлар, шу жумладан, каучук (уювчи), магнезит (ўтга чидамли тоғ жинси) ёки каустик даломит асосида тайёрланган ва табиий магнезит ёки даломитни парчалангунича пишириш билан, келгусида нафис кукунга тортилиб олинадиган материаллар. Фибролит (пайраха, қипиқ, сомон материали) ва ксилолит (ёғоч қипиғи, асбест аралашмасидан тайёрланган) бинокорлик материали тайёрлаш учун қўлланилади.

Вязущие неорганические (минеральные) - *ноорганик (минерал) боғловчилар* - сув билан аралаштирилганда бирикишга ва қотишга мойил бўлган кукунсимон материал. Уларнинг қуйидаги турлари мавжуд: ҳаводаги - фақат ҳавода қотишга қодир (ҳаво оҳақтошли гипсли ва магнезиал боғловчи); гидравлик - ҳавода қандай бўлса сувда ҳам шундай қотишга қодир (цемент, гидравлик оҳақ).

Вязущие органические - *органик боғловчилар* - суюқ, ярим суюқ ёки қаттиқ консистенцияли, қора ёки тўқ жигаррангли, боғловчилик хусусиятига эга бўлган, келиб чиқиши органик бўлган материаллар. Улар ҳар хил турдаги нефтларни, тошкўмирларни, таркибида битум бўлган жинсларни, торф ва ш.к. ларни қайта ишлаш натижасида олинади.

Вязущие эпоксидные - *эпоксид боғловчилар* - эпоксид қатронлар, полиэтиленполиаликлар, дибутилфталот (колиэфир ёки тиокола)лар, тошкўмир қатрони Д-3 (Д-4/Д-5 ёки суюқ битум МГ

70/100) ва боғловчининг вазифасига ҳамда таркибига боғлиқ равишда, оғирлиги бўйича турли қисмларда фурилли спиртдан ташкил топган материаллар. Цементбетон копламаларни таъмирлашда қўлланилади.

Глинт- цемент - *глинт - цемент* - 650 °C да куйдирилган оҳакнинг ингичка лой кукни билан, ёки куйдирилган лой (ғишт, черепица) нинг саноат чиқиндилари билан аралашмаси.

Гудрон кислый - *нордон гудрон* - нефтни қайта ишлаш ва мой тозалаш заводларида мой фракцияларини олтингугурт кислотасидан тозалашда олинадиган нефть қолдиғи, чиқиндиси. Олтингугурт кислотасидан ачитқи сифатида фойдаланиш мумкин.

Гудрон маслянный - *мойли гудрон* - атмосфера вакуум найчали курилмада нефтдан ёкилғи ва мой фракцияларини ажратиш билан уларни қайта ишлашда олинадиган, оғир нефть қолдиғи.

Дегти каменноугольные - *тошқўмир қатронлари* - тошқўмининг деструктив ажралишидан олинадиган қатрон. Бирламчи хом ашёга боғлиқ равишда қуйидаги турлари мавжуд: коксли - бирламчи хом ашё кокслаш натижасида олинадиган; хом газли - ёкилғини газлантириш ва ёритувчи газ ишлаб чиқаришда олинадиган.

Добавки (присадки) - *қўшимчалар* - цемент, битум, қатрон эмульсия тайёрлашда бевосита боғловчига ёки қоришмага талаб қилинадиган хусусиятларни (цемент ёки бетоннинг қотишини секинлаштириш, цемент, бетоннинг қотишини тезлатиш, цемент сарфини камайтириш, бетоннинг музлашга чидамлилигини ошириш, бетон қоришмасининг сувга талабини камайтириш, тош материаллар билан боғловчининг ёпишишини орттириш ва бошқалар) бериш учун аралаштиришда қўшиладиган кимёвий моддалар (сиртки фаол модда - СФМ, полимер фаоллаштиргичлар ва бошқалар). Қўшимчаларнинг турлари: сусайтирувчилар – цементнинг ушлаб қолишини сусайтириш керак бўлганда, минерал боғловчи материалларни тайёрлашда қўлланилади; тўлдирувчилар - цемент сарфини камайтириш ва цементбетон зичлигини ошириш учун, шунингдек цемент маркасини пасайтириш зарур бўлганда цементга қўшиладиган минерал материаллар (майдаланган қум ва бошқалар); ҳаво тортувчи - цементбетоннинг совуққа бардошлилигини ошириш учун қўлланилади, чунки цементбетон қоришмаси таркибига киритилганда, улар совуқлашиб, цементбетонга совуққа бардошлилик хусусиятини берадиган майда пуфакчалардан иборат микро кўприклар ҳосил қилади (авиетин қатрони, мойлар, ёғоч пёки,

сульфид спирт бардаси ва бошқалар); ҳўлланмас пластификацияловчи - цементга ҳўлланмаслик хусусиятларини бериш ва узоқ масофага ташишда, узоқ муддат саклашда, сувга талабини ва цемент сарфини камайтириш, бетонларнинг (милло-нафт, асидол, абиеит, натрий кремний, органик суюкликлар, сунъий ёглик кислоталар ва бошқалар) ва совукка бардошлилигини ошириш учун уларнинг таркибига киритилади; пластификацияловчи - сувга бўлган талабни ва цемент сарфини камайтириш ёки қоришмаларнинг пластиклигини, цементбетонлар ва эритмаларнинг (сульфад спирт куйкаларининг концентратлари содалаштирилган ва минерал моддалар аралашмалари билан личносулфен кислоталарнинг кальций турлари) музлашга бардошлилигини ошириш учун қўлланиладиган; қотишни тезлатувчилар - цементларнинг қотишини тезлаштириш учун кўзда тутилган (кальций хлор, натрий хлор, ишқор ва бошқалар).

Золы - *куллар* - майда кўринишидаги кулларни кўмирни ёндириш натижасида олинадиган ва электрофилтёрлар ёки бошқа курилмалар ёрдамида тугиладиган чиқиндилар. Одатда, 0,3 мм дан кичик заррачалари, дисперс материаллар сифатида намоён бўлади. Куллар кимёвий таркибига кўра қуйидаги типларга бўлинади: нордон (Н) - 10% гача кальций оксиддан ташкил топган антрацитли, тошкўмирли ва кўнғир кўмирли; асосий (А) - массаси бўйича 10% дан кўп кальций оксиддан ташкил топган кўнғир кўмирли. Куллар сифат кўрсаткичлари бўйича 4 типга бўлинади: I, II, III, IV. Кулларнинг маркасини белгилаш ёндирилган кўмир хилини, кулларнинг хили ва типини, стандартини белгилашни ўз ичига олади. Ёўл қурилишида қуйидаги ҳолларда фойдаланилади: кам фаол боғловчи материаллар сифатида тупрокларни мустахкамлашда, бетонларда цемент ва тўлдирувчиларни тежашда, бетон ва қоришма аралашмаларнинг технологик хусусиятларини яхшилаш учун, шунингдек бетон ва қоришмани сифат кўрсаткичи, минерал кукунлар сифатида асфальтобетон тайёрлашда ишлатилади.

Известь воздушная - *ҳаволи оҳак* - тоза ёки доломит оҳактош ёхуд бўр имкон борица тўлиқ парчалангунича, яъни таркибидаги 8 % дан ортиқ бўлмаган гил моддадан ташкил топган кальцийли магний карбонат тоғ жинсларини қиздириш натижасида яхлитланиш ҳароратидан паст ҳароратда карбонат ангидриднинг, кальцийнинг ажралишигача бир текис пишириш йўли билан олинадиган боғловчи материал.

Известь гидравлическая - *гидравлик оҳак* - 8-20% гача гилдан ташкил топган мергел оҳакларини қиздириш натижасида куйиш

меъёригача етказилмаган ўртача пишириш натижасида олинадиган боғловчи.

Известь гидратная - *гидрат оҳаги* - сув микдори чекланганда кальций ва магний оксидларини уларнинг гидратига ўтиши билан ва кумоқ оҳакни сўндириш натижа-

сида олинадиган, юқори майдаликдаги куқун.

Известь карбонатная молотая - *майдаланган карбонат оҳаги* - сўндирилмаган оҳак ва карбонат жинсларининг биргаликдаги майдаланган маҳсулоти.

Известь негашенная комовая (кипелка) - *сўндирилмаган кумоқ оҳак* - кумоқ оҳак - асосий таркибий қисми кальций оксиди (CaO) ва иккинчи даражали қисми магний оксиди (MgO) ҳисобланадиган карбонатли жинсларни пиширишдан олинган маҳсулот. Бу оҳак кумоқлар сув таъсиридан сўнади ва куқунга айланиб кетади.

Кальций хлористый - *хлорли калций (CaCl_2)* - кимиёвий каттик модда. Сода ишлаб чиқаришда қотган эритма кўринишидаги чиқинди, сочилувчан, куқунсимон ёки суюқ ҳолатда бўлади. қурилишда цементнинг қотишини тезлатишда, йўл қопламларини чангсизлантиришда ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Каучук синтетический - *синтетик каучук* - ацетилен, спирт ва бошқа моддалардан олинадиган сунъий каучук. Бетон қопламалар чокини тўлдириш учун ва бошқаларда битум мастикага қўшимча (СКТН - 1 га қаранг) ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Кероген - *кероген* - таркиби бўйича нефтга ўхшаш бўлган органик модда. Ёнувчи сланецлар таркибига киради.

Кислота абиетиновая - *абиетин кислотаси* - терпенлар (дитерпенлар) гуруҳига мансуб бўлган органик кислота конифолнинг асосий таркибий қисми бўлиб, уни ҳайдаш орқали ажратилади. Цементбетон қоришмаларда ҳаво тортувчи қўшимча сифатида қўлланилади.

Клей полимерцементный - *полимерцемент елими* - полимердан олинган мажмуий боғловчи ва цементга асосланган, яхши ёпишиш хусусиятига эга бўлган қайишқоқ маҳсулот.

Клей полиэфирный - *полиэфир елими* - тезлаштирувчи ва қотирувчи полиэфир қатрони қоришмасидан ташкил топган боғловчи материал.

Клей синтетический - *синтетик елим* - қўйилган қатламнинг толали материалларини, шунингдек бошқа турли материал элементлари (ёғоч, металл, бетон ва бошқалар)ни елимлаш учун

қўлланиладиган, елимланган чокнинг кучли мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлайдиган синтетик қатрон асосидаги материал (фенолформальдегид, меламиноформальдегид, эпроксид ва бошқалар).

Клей эпоксидный - *эпоксид елими* - эпоксид қатрони ёки қотирувчи эпоксид компаундий қоришмаси, боғловчи.

Клей эпоксидно-дегтевый (битумный) - *эпоксид қатрони (битум) елими* - эпоксид қатронини қотирувчи тошқўмир қатрони (ёки суюқ битум) қоришмаси, боғловчи.

Концентрат ОП-7 - *ОП-7 концентрати* - асфальтобетон қоришмаси ёки асфальтобетоннинг зичлигини аниқлашда қопламадан кесиб олинадиган асфальтобетон намунасининг сув билан намланишини яхшилаш учун фойдаланиладиган сиртқи фаол модда (СФМ).

Лак помароль (ПМ-86 или ПМ-100) - *поморал лаки (ПМ-86 ёки ПМ-100)* - ёруғлик қайтарувчи моддалар, индекумарон қатрони эришмаси ва органик эритувчилари бўлган петролатум билан тўлдирилган юпка парда ҳосил қилувчи гидрофоб материал, янги ётқизилган бетонни парвариш қилиш учун фойдаланилади.

Латекс природный - *табиий латекс* - 30% дан ортиқ каучукдан ташкил топган, каучук олинадиган ўсимликнинг сутли шираси.

Латекс синтетический - *синтетик латекс* - каучукка ўхшаш юқори молекуляр моддаларнинг сувли дисперсияси. Тўла модификацияланган қўшимчалар ва полимер бетонларни ҳосил қилишда фойдаланилади.

Масло антраценовое (каменноугольное масло) - *антрацен мойи (тошқўмир мойи)* - хом тошқўмир қатронини 280-300 С да ҳайдаш маҳсули. Асосан битумни суюлтирувчи сифатида ёки препаратланган қатрон тайёрлашда қўлланилади.

Модификаторы - *модификаторлар* - материаллар (моддалар)нинг физик-кимёвий хусусияти ва тузилишини керакли йўналишда ўзгартирадиган қўшимчалар.

Мономер - *мономер* - полимер синтези учун хом ашё бўлиб хизмат қиладиган паст молекуляр бирикма.

Парный модификатор для органических вяжущих - *органик боғловчилар учун жуфт модификатор* - дисперс фазаларга (асфальтен кўринишидаги қаттиқ битум таркиблар) ҳам, дисперсион муҳитларга (ёғ ёки сувли эритмали эмульгаторлар) ҳам таъсир кўрсатадиган, бир нечта (камида иккита) полимерлардан ташкил

топган комплекс қўшимчалар. Бундай шароитда органик боғловчилар(битум, эмульсиялар) оптимал тузилишга эга бўлади. Дисперс фазалар ва дисперсион муҳитлар модификаторлари бири-бирини тўлдирувчи компонентлар ҳисобланади. Битумни структуралаш учун асфальтен фракцияларнинг қисми бўлган, Н-пентанда эримайдиган каучукка ўхшаш полимерлардан фойдаланилади ва улар асфальтен-полимер қўшилмали битум структурасини ҳосил қилади. Дисперсион муҳит структурасини тартибга солиш учун берилган ёпишқоқлик камайган ва комплекс технологик хусусиятлар қайд этилган (берилган) даврда эмульсия олишга имкон берадиган ва суюқ муҳитни шакллантирадиган эрийдиган каучуклардан (мас., оксиэтилланган фенол спирт) фойдаланилади. Битумнинг эскириш жараёнини секинлатади.

Нефть тяжелая, высокосмолистая - *юқори қатронли оғир нефт* - нефтнинг тури (хили). Енгил такомиллашган қопламалар қурилиши ва тупроқларни мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

Нефтяные остатки - *нефть қолдиқлари* - нефтни тўғри ҳайдашдан қолган қолдиқлар, крекинг қолдиқлари.

Пек - *пек* - хом қатроннинг енгил ва ўртача мойини (270 С гача) ҳайдаб қайта ишлаш натижасидаги қолдиқдан ва антрацен мойи (300-360 С) ни ажратиш билан олинадиган, эрувчан, заҳарли, тўқ қўнғир рангли қаттиқ ёки ярим қаттиқ материал. Пекнинг қуйидаги турлари мавжуд: юмшоқ тошқўмир пеки - 300 С гача қайнатиб хом тошқўмир қатрони мойини ҳайдашдан сўнг олинадиган; ўртача тошқўмир пеки - 360С гача қайнатиб, хом тошқўмир қатронидан барча мойни ҳайдашдан сўнг, қолдиғидан олинадиган (таркибли йўл қатронини тайёрлаш учун қўлланилади); қаттиқ тошқўмир пеки - хом тошқўмир қатронидан енгил, ўртача, оғир ва қисман антрацен мойларни ҳайдашдан сўнг, қолдиғидан олинадиган, давлат стандарти талабларини қаноатлантирувчи; торф пеки - хом торф қатронидан мойни ҳайдашдан сўнгги қолдиқдан олинган.

Петролатум - *петролатум* - нефть дистиллятларини парафинлашда ажратиладиган, парафин, церезин ва мойлар қоришмасидан ташкил топган вазелин сифат, тўқ жигар рангли нефть маҳсулоти. Асфальтобетон қоришмаларини ва фаоллаштирилган минерал кукунларни тайёрлашда битумни фаоллаштирувчи қўшимча сифатида қўлланилади.

Пластификаторы (мягчители) - *пластификаторлар (юмшатгичлар)* - суюқ ва қаттиқ, буғланмайдиган ва қийин буғланадиган органик бирикмалар бўлиб, ишлов берилаётган

моддалар билан кимёвий реакцияга киришмайди ва уларга вақтинчалик катта эластиклик, юмшоқлик ва эгилувчанлик хусусиятини беради.

Пленкообразующие вещества - *парда ҳосил қилувчи моддалар* - суюқ ва суюқлантирилган минераллар бўлиб, янги ётқизилган ва зичланган цемент юзасига уни парвариш қилишда ёйиладиган, бетондаги сувни ушлаб қолиш, уни буғланиб кетишдан сақлаш ва қотиш шароитини яхшилаш мақсадида унинг юзасида сув ўтказмайдиган юпка пардани юзага келтириш учун қоплама билан зич тишлашувчи, суюқ ва суюлтиргич материаллар. Уларга этинол лаки, помарал лаки, битум эмульсияси, суюқ битумлар ва бошқа материаллар киради.

Поверхностно-активные вещества (ПАВ) - *сиртқи фаол моддалар (СФМ)* - органик ва ноорганик боғловчи материалларга, қоришмаларга битум ёки бошқа минерал боғловчиларнинг (минерал материаллар юзасига ёпишиш) фаоллигини ошириш учун фойдаланиладиган кимёвий ёки полимер қўшимчалар. Сиртқи фаол моддалар анионфаол (асосий жинслар учун) ва катионфаол (асосан нордон жинслар учун) турларга бўлинади. Шунингдек улар цементбетон қоришмаларнинг музлашга бардошлилигини, ҳаракатчанлик ва енгил ишлов бера олиш хусусиятини ошириш учун хизмат қиладилар.

Поверхностно-активные вещества анионактивные (ПАВ) - *анион фаол турдаги сиртқи фаол моддалар (СФМ)* - сиртқи фаол моддаларнинг тури. Юқори молекуляр органик кислоталар (нафталини, сульфанофтенли ва бошқалар), ишқор - ер тузлари ва оғир металллар (совун), катрон ва бошқалардан ташкил топган. Боғловчи ва бошқа материалларни фаоллаштириш учун фойдаланилади.

Поверхностно-активные вещества (ПАВ) катионактивные - *катион фаол турдаги сиртқи фаол моддалар* - сиртқи фаол моддаларнинг тури. Уларга аминлар, амидазоллар, полиаминлар, диаминлар, тўрт вазифани бажарувчи аммоний асослар ва амидоаминлар киради. Боғловчилар ва бошқа материалларни фаоллаштириш учун фойдаланилади.

Полимеры водорастворимые ВРП-1 - *сувда эрувчи полимерлар (СЭП-1)* - нисбатан юқори молекуляр оғирликка эга бўлган кимёвий бирикмалар. Улар таркибига сувда яхши эрийдиган натрий тузи, формальдегиди бўлган салицил кислотасининг сополимери киради. Цементбетон қоришмасига озгина қўшилганда

унинг қотишини тезлаштиради, бетоннинг зичланишини яхшилади, цементни 10% гача тежаш имконини беради.

Портландцемент - *портландцемент* - таркибида кальций силикати, зарур миқдорда гипс (SO_3 га ҳисоблаганда 3% дан ортиқ бўлмаган) ва фаол минерал қўшимчалар (15% дан ортиқ бўлмаган) устунлик қиладиган, нафис майдаланган цемент клинкерини бириктириш йўли билан олинадиган гидравлик боғловчи. Сув билан аралаштирганда, сувда ва ҳавода қотади. Қуйидаги турлари мавжуд: алит портландцементи - таркибида уч кальций силикати устунлик қилади; белит портландцементи - таркибида икки кальций силикати устунлик қилади, секин қотиш билан фарқланади.

Портландцемент быстротвердеющий - *тез қотадиган портландцемент* - орттирилган гипс қўшимчаси ва таркибида уч кальций силикати (50-60%), уч кальций алюминати (9-11%) бўлган, юқори нафисликда майдаланган портландцемент (сиртининг нисбий юзаси $5000-6000 \text{ см}^2/\text{г}$) намуналари, қаттиқ эритмада (1:3) 3 суткадан сўнг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси 30 МПа га эга .

Портландцемент гидрофобный - *сув юқтирмайдиган (гидрофобли) портландцемент* - оддий портландцементга уни майдалаш жараёнида сувни юзага юқтирмайдиган қўшимчалар (совун нафти, асидоламин кислотаси, оксидланган петролатум) қўшиб тайёрланади, портландцементга, гигроскатик цемент асосида олинган қоришма ва бетонларга уларнинг ҳаракатчанлигини ошириш, қолипга яхши жойлашиш ва музлашга чидамлилигини ошириш ҳамда бетонга агрессив муҳит таъсирларини камайтириш хусусиятини беради.

Портландцемент дорожный - *йўл портландцементи* - таркибида 70% гача уч кальций силикати, 20 % гача тўрт кальцийли алюмоферрит, 8% гача уч кальцийли алюминат ҳамда майдалаш вақтида 10% донатор домна куюндилари қўшилмасидан иборат (шу жумладан, пластифицирланган ва нам юқтирмайдиган) боғловчи. Қотиш муддатининг бошланиши 2 соатдан сўнг.

Портландцемент пластифицированный - *пластифицирланган портландцемент* - оддий портландцементга уни майдалаш вақтида цементбетон қоришмалари ва эритмалари, цементга юқори ҳаракатчанлик, қолипга яхши жойлашиш ва музлашга бардошлиликни берадиган пластифицирланган қўшимча киритиш билан тайёрланган портландцемент.

Портландцемент пуццолановый - пуццолан портландцементи - таркиби кўп миқдорда гидравлик минерал

кўшимча (20-40%) билаи тайёрланган портландцемент. Мустаҳкамликка секин етишадиган, сувга чидамлилиқ хусусияти юқори, лекин ҳавода қотиш вақтида чидамсиз хусусиятга эга. Асосан нам ёки сувли муҳитда жойлашган сув ости ва ер ости иншоотлар қурилишида қўлланилади.

Присадки - *қўшимчалар* - боғловчилар ёки боғловчиларнинг тош материаллар билан аралашмаларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кимёвий қўшимчалар(СФМ, полимерлар, фаоллаштиригичлар ва б.). Талаб қилинган хусусиятни ошириш учун қўлланилади (ушлаб туриш муддатларини тартибга солиш, боғловчилар сарфини камайтириш, боғловчиларнинг тош материаллар билан бирикишини яхшилаш).

Разжижители битума - *битумни суюлтирувчилар* - ярим каттиқ битумлардан суюқ битум олиш хизмат учун қилувчи нефть дистиллятлари ёки хом нефтлар ва тошқўмир мойлари.

Растворитель органический - *органик эритувчи* - табиий ёки сунъий смола, битум ва бошқа шунга ўхшаш материалларни эритиш учун фойдаланиладиган органик бирикма (ёки аралашма).

Романцемент - *романцемент* - бу гидравлик боғловчилар оҳак, магнезиал маргели ёки оҳактош билан гилни куйгунгача етказмасдан қиздириб майдаланган кукунидан олинади. Иккинчи даражали ишлар учун қўлланилади.

Силикат натрия (растворимое стекло, жидкое стекло) - *натрий силикати (эрийдиган шиша, суюқ шиша)* - боғловчи материал, унинг қўлланилиши ғовакли минерал материалларга ишлов беришда парчаланишига асосланади. Шиша пиширадиган печларда 1300-1400С ҳароратда кварц кумини сода ёки натрий сульфати билан қотиштиришдан олинади. Тупроқларни (қумдор ва супес) ва бўш минерал материалларни мустаҳкамлаш учун, шунингдек йўлни чангсизлантириш учун қўлланилади.

СКТН - 1 - *СКТН-1* - сунъий, полисиликон суюқ каучук. сифими 15 м³ гача бўлган қозонга 3-5 томчи миқдорида кўпикланишга қарши кўшимча сифатида киритилади, битумнинг сувини қочириш ва қиздиришда кўпикланишни тўхтатади.

Скорость распада эмульсии - *эмульсия бузилишининг тезлиги*- эмульсиянинг тош материал билан ўзаро таъсири вақтида дисперс тизимлар мувозанатининг бузилиши. Тош материал билан бирикиш вақтида тош материаллар юзасида СФМ адсорбцияси ва битум қатламида СФМ концентрацияси камайтириш, ўз навбатида

минерал доналарда битум пленка ҳосил бўлиши билан алоҳида зарраларнинг бирикиши юз беради.

Смачивание - *намланиш* - юза қисмга суюқликнинг тарқалиш хусусияти. Четки бурчакларнинг намланиши билан тавсифланади.

Смолы - *смолалар* - битум ва қатронлар таркибидаги углеводородларнинг йирик молекуляр бирикмасидан иборат бўлган, бензинда, бензолда, хлороформда эрийдиган қайишқоқ модда. Битумнинг оқувчанлиги ва эластиклигини таъминлайди.

Смолы карбомидные - *карбамид смоласи* - мочевинадан формальдегид ва унинг ҳосиласидан тўпланиш йўли билан йиғилган маҳсулот. Тупроқларни мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

Смолы кумароновые - *қумарон смоласи* - тўйиимаган бирикмалар, асосан хом бензол ва тошқўмир қатрони фенол фракциялари таркибидаги инден ва кумароннинг полимерланиш жараёнида олинadиган смолалар. Тиндирилганлари рангли асфальтбетон қоришмаларини тайёрлаш учун қўлланилади.

Смолы синтетические - *синтетик смола* - асосий таркибий қисми пластик массада иборат бўлган сунъий смола.

Смолы фурфуроланилиновые - *фурфуроланилинли смола (ФАС)* - фурфурол ва анилиннинг ярим конденсация маҳсулоти. Тупроқни мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

Смолы эпоксидные - *эпоксид смоласи* - эпоксид гуруҳидан ташкил топгаи турли органик бирикмаларни водород (фенолам, спирт, амина билан)нинг ҳаракатдаги атомига эга бўлган моддалар билан ўзаро таъсиридан олинadиган сунъий смола.

Стабилизатор - *барқарорлаштиргич* - бу боғловчи материалларнинг эскириши ва чириши жараёнини секинлаштирувчи модда бўлиб, коллоид эритмаларини турғунлигини оширади.

Стекло жидкое (растворимое) - *суюқ шиша(эрувчан)* - майдаланган кварцли кум аралашмасини кальцийланган сода ёки сульфат натрий (ишқор қўлланилиши ҳам мумкин) билан 7...10 с давомида 1300...1400°Сда шиша пиширувчи печда эритиш йўли билан олинadиган натрий ёки калий силикати.

Стекловолокниты - *шиша толалар* - намот ёки термопластик смолалар кўринишидаги тола асосли пластикалар; девор ва томларнинг шаффоф қисмларини қуриш учун фойдаланилади.

Стеклопластики - *шиша пластикалар* - полимер боғловчилар ва шишали тўлдирувчилар асосидаги материаллар. Шишали тўлдирувчилар сифатида турли шаклдаги шиша толалар қўлланилади. Боғловчилар сифатида полиэфир, эпоксид,

фенолформальдегид, кремний органик ва бошқа термореактив полимерлардан фойдаланилади.

Стеклотекстолиты - *шиша тўқималилар* - турли типдаги шиша тўқималар асосидаги пластикалар. Муҳим конструкцияларда электроизоляция материал сифатида қўлланилади.

Сульфитно-дрожжевая бражка (СДБ) - *сульфид хамиртуруш қўйқаси* - сульфид спирт қўйқасини қайта ишлашда олинадиган, хамиртуруш саноатининг чиқиндиси. Чангсизлантириш учун ва яхмалакка қарши қоришмада қўшимча сифатида қўлланилади.

Сульфитно-спиртовая барда (ССБ) - *сульфид спирт қўйқаси* - гидрофил сиртки фаол модда, целлюлоза ва гидролиз заводларида ёғочни сульфид усули бўйича қайта ишлашда олинадиган, сульфидли целлюлоз ишқори сувининг буғланиш маҳсули, қайишқоқ суюқлик. Цементбетон қоришмаларида эмульгатор ёки пластификацияловчи қўшимча сифатида, шунингдек қопламани чангсизлантириш ва тупроқларни мустаҳкамлаш учун ҳам қўлланилади.

Сульфокислоты - *сульфид кислоталар* - нефтни хайдаш заводларининг сульфокислотали қолдиқ мой аралашмасининг сувдаги эритмаси кўринишидаги маҳсулот. Эмульгатор сифатида хизмат қилади.

Термопластик - термопластик - қоплама ва қўприкларнинг қатнов қисмига горизонтал белги қўйиш учун қўлланиладиган материал. Мой, сув таъсирига қарши юқори мустаҳкамликка эга, яхши адгезия ёпишқоқлик хусусиятига эга.

Термопластичные полимеры - *термопластик полимерлар* - молекулалари чизикли тузилишли полимерлар. Иситилганда юмшаш ва совитилганда аслига қайтиш хусусиятига эга материаллар. Бу гуруҳдаги материалларга қуйидагилар киради: полиэтилен, пропилен, полиизобутилен, поливинилхлорид, полистирол, поливинилацетат, шунингдек полиамид ва инденкумарон полимерлар.

Термореактивные полимеры - *термореактив полимерлар* - фазовий тузилишли молекулаларга эга бўлган материаллар. Қаттик шиша шакли эрмайдиган ва қуйилмайдиган моддалар кўринишида намоён бўлади. Бу материаллар иситилганда қаттиқлашади. Бу гуруҳдаги полимерларнинг вакиллари: фенолформальдегид, эпоксид ва полиэфир смолалар, шунингдек кремний органик полимерлар.

Тринидадский асфальт - *тринидад асфальт* - табиий органик боғловчи, вулкон куллари билан тўлдирилган битум. Энг яхши боғловчи (нефтли битум ва асфальтобетонларга қўшимча).

Фунгициды - *фунгицидлар* - моғор ва бактериялардан химояловчи моддалар.

Фу́сы каменноугольные - *тошқўмир фуслари* - кокс олишдаги катрон конденсацияси ва уни ҳайдашдаги чиқинди. Тошқўмир пеки ва битум қўшилганда уларни йўл асоси учун қўллаш мумкин.

Цемент - *цемент* - неорганик гидравлик боғловчиларнинг асоси бўлиб, цемент клинкерини гипс, донадор куюнди, пластифицирловчи ёки бошқа қўшимчалар билан қўшиб кукун ҳолатида майдалашдан олинади. Цемент хусусиятини асосан унинг минерологик таркиби ва майдаланганлик даражаси белгилайди. Сув билан қориштирилганда сувли ва ҳаволи суюқ ёки хамирсимон ҳолатдан тошсимон ҳолатга ўтади.

Цемент глиноземистый (алюминатный) - *глинозёмли (алюминатли) цемент* - боксид, оҳактош (оҳак)ни қиздириш ва куйдиришдан, таркибида асосан паст асосли алюминат кальций ҳосил қилинган клинкерни кукун ҳолатигача майдалашдан олинган цемент. Тез мустаҳкамликка эришиши билан ажралади. Цементнинг хиллари: оҳак-кукунли; оҳак пуцциоланли; оҳак куюндили, клинкерсиз куюндили.

Цемент шлаковый бесклинкерный - *клинкерсиз куюнди цемент* - гидравлик қўшимча - қурилган донадор домна куюндисини (85-90% вазнига нисбатан) катализатор қотишини қўзғатувчи (куйдирилган даломит, ангидрид, табиий, ярим сувли гипс, оҳак, майдаланган портландцемент клинкери) билан биргаликда кукун ҳолигача майдаланиб олинган боғловчи.

Шлакопортландцемент - *шлакопортландцемент* - цемент клинкерини гидравлик қўшимчалар, донадор домна куюндиси (30-60%) ва гипс билан биргаликда кукун ҳолигача майдалаш йўли билан олинадиган материал. Секин қотиш тезлиги ва сувга бардошлилиги юқорилиги билан фарқланади.

Эмульгатор - *эмулгатор* - барқарор эмульсия ҳосил қилиш учун зарур бўлган сиртки фаол модда. Дисперс фазалар зарралари атрофида химояловчи қобиқлар ҳосил қилади, натижада улар ўзаро ёпишиб қолади.

Эмульсия дорожная - *йўл эмульсияси* - иккита бир-бирида эрмайдиган суюқлик, эмульгатор иштирок этадиган сув ва битум (ёки катрон)дан ташкил топган дисперс тизим. Такомиллаштирилган копламалар қурилишида ва тузатишида ёки ўтувчи турдаги копламани чангсизлантиришда боғловчи сифатида, шунингдек янги

ётқизилган бетонни парвариш қилиш учун юпқа пардасимон материал сифатида ҳам қўлланилади. Эмульсия сифати унинг дисперсияловчилиги, бир хиллиги, қайишқоклиги ва парчаланиш тезлиги даражаси билан тавсифланади.

Эмульсия анионактивная (щелочная) - *анион фаол эмульсия (ишқорли)* - эмульгатор сифатида ишқорли муҳитга эга бўлган анион фаол моддадан фойдаланилиб тайёрланган эмульсия.

Эмульсия высококонцентрированная (битумная паста) - *юқори даражада тўйинган эмульсиялар (битум пастаси)* - битум эмульсияси ва гилдан ташкил топгаи тўйинган суспензия брикетланади. Йўл ишларида фойдаланилганда брикетлар сувда механик аралаштиргичда эритилади. Катион фаол эмульсия нордон муҳитга эга бўлган катион фаол эмульгаторлар ҳўлланиб тайёрланган эмульсиядир. Бундай эмульсиянинг рН кўрсаткичи 2-6 чегарада ўзгаради.

Эмульсия обратная - *тесқари эмульсия* - бундай эмульсияда сув майда томчи даражасигача дисперсланган бўлиб, органик суюқ муҳитда тарқалади.

Эмульсия прямая - *тўғри эмульсия* - бундай эмульсияда органик суюқлик майда томчи сифатида дисперсланган бўлиб, сувли муҳитда тарқалади.

4.4. Йўл бетон ва бошқа қоришмалар, улардан тайёрланган

Асфальто(дегте) бетон - *асфальт (қатрон) бетон* - битум (қатрон) асосида тайёрланган, бир нечта қатламли қоплама қуриш учун асосга ётқизилган ва тегишли равишда зичланган асфальтбетон қоришмаси.

Асфальтобетон дренарующий - *сувни қочирувчи асфальтбетон* - юқори ғовақликдаги асфальтбетоннинг тури. Сувни йўл тўшамаси ва қопламаси остида ётувчи қатламлар орқали, йўл ёқасида қуриладиган махсус сувни четлатиш новларига тез кетказишни таъминловчи, захни қочирувчи қопламалар қуриш учун кўзда тутилган йўл тўшамасининг тузилмавий қатлами ёки зич қопламада химояловчи қатлам кўринишида, катта кўндаланг қиялик билан сувни ён томон новларига четлатиш учун қўлланилади.

Асфальтобетонная смесь - *асфальтбетон қоришмаси* - “Асфальтбетон қоришма”га қаранг.

Асфальтобетон плотный- *зич асфальтбетон* - минерал қисмининг микроҒовакли тузилмаси қолдиқ Ғоваклиги ҳажмнинг 3 дан 5% игача бўлган асфальтбетон.

Асфальтобетон пористый - *ғовакли асфальтбетон* - минерал қисми йирик Ғовақдор тузилмали, қолдиқ Ғоваклиги ҳажмнинг 5 дан 10% игача бўлган асфальтбетон. Одатда таркибида минерал қукун бўлмайди. Йўл қопламаларига, асосан, остки қатламга ётқазилади.

Асфальтобетонные смеси горячие - *иссиқ асфальтбетон қоришмаси* - ёпишқоқ нефть битумидан тайёрланадиган ва 120°C дан юқори ҳароратда ётқизиладиган аралашмалар. Иссиқ асфальтбетон аралашмалар минерал доналарининг энг катта ўлчамларига кўра: доналар ўлчами 40мм гача бўлган йирик донали; 20мм гача бўлган майда донали ва 5мм гача бўлган қумли турларга бўлинади. Қолдиқ Ғоваклиги катталигига кўра: қолдиқ Ғоваклиги 1,0 дан 2,5% гача бўлган юқори даражада мустаҳкам; Ғовақ - 5,0...10,0%; юқори даражада Ғовақ - 10,0...18,0%. Чақиқ тошлар миқдорига кўра қуйидаги типларга бўлинади: “А”- чақиқ тош миқдори 50...60%; “Б”- 40...50%; “В”- 30 ...40%; “Г”- майдаланган қумли чақиқ тошсиз ёки майдаланган қум миқдори 70% дан кам бўлмаган табиий ва майдаланган қумли аралашма;”Д”- чақиқ тошсиз табиий қумли ёки майдалаб элангани 70% дан кам бўлмаган табиий қум аралашмалари. Компонентлари ва асфальтбетон сифати бўйича маркаларга бўлинади: юқори даражада зич -1 марка; зич -1, 11 маркаларнинг “А” тип,1...III маркаларнинг “В” ва “Д” типлари; Ғовақ ва юқори даражада Ғовақ - 1,11 маркалар.

Асфальтобетонные смеси холодные - *совуқ асфальтбетон аралашмалар* - суёқ битумдан тайёрланган ва камида 5°C ҳароратда ётқизиладиган аралашмалар; минерал зарраларининг энг катта ўлчамига кўра, чақиқ тош доналарининг энг катта йириклиги 20 мм гача бўлган майда доналарга ва 5 мм гача бўлган қумли доналарга бўлинади. Қолдиқ Ғоваклиги 6...10% бўлиши лозим. Чақиқ тош миқдорига кўра қуйидаги типларга бўлинади: “Б”- чақиқ тош миқдори 40...50%, “В”- 30...40%, “Г”- чақиқ тошсиз майдаланган қумли, “Д”- чақиқ тошсиз табиий қумли.

Асфальтовязущее вещество (асфальтовое вяжущее) - *асфальт боғловчи модда (асфальтли боғловчи)* - минерал қукуннинг битум билан физикавий-кимёвий бирикмаси. Асфальтбетоннинг устуворлигини аниқлайди.

Бетон - *бетон* - боғловчи (сув ёки сувсиз) билан монолитга бириктирилган донали минерал таркибдан ташкил топган,

кўринишидан қўшимча ном оладиган - асфальтбетон, катронбетон, цементбетон, пластбетон ва бошқалар. Кўпинча махсус қўшимчалар билан оқилона сараланган қоришмадан олинадиган, шаклга солинган, зичланган ва қотирилган сунъий конгломерат материал.

Бетон каучукцементный - *каучук цементли бетон* - таркибига цемент билан бирга органик полимер сифатида латекс қўшиладиган полимер цемент бетоннинг тури.

Бетонная смесь - *бетон қоришмаси* - “Цементбетон қоришмаси”га қаранг.

Бетон пластмассовый (пластбетон) - *пластмасса бетон (пластбетон)* - полимербетоннинг тури, таркиби полимер смола боғловчили қоришмадан тайёрланади.

Бетон полимерцементный (полимербетон) - *полимерцементли бетон (полимербетон)* - бетоннинг тури, минерал боғловчилар воситасида цементбетон қоришмасига полимер қўшимчаси қўшиш билан тайёрланади.

Бетон пробужденный (активированный) - *уйғотилган (фаоллаштирилган) бетон* - олдиндан майдаланган ва уқаланган, минерал материалларни цементлаш хусусиятига эга бўлган, асосан куйинди ва фаоллаштиргичлардан, оз микдорда сувдан ташкил топган, зичланган ҳолатда қотган қоришма.

Бетон силикатный - *силикатли бетон* - автоклав боғловчилар сифатида майдаланган оҳак, кварцли кум ва икки сувли гипс ҳам қўшилган қоришманинг зичланган ҳолатда автоклав ишлови билан қотирилган.

Бетон цветной - *рангли бетон* - йўл қопламларининг узок муддатга мўлжалланган асфальтбетон ва цемента(полимер)бетон тури.

Битумоминеральные материалы - *битум минерал материаллар* - минерал компонентлар(кум, чақик тош, шағаллар)нинг битум ёки битум эмульсия билан йўлда ёки махсус қурилмада аралаштирилишидан олинадиган материаллар. Мас., асфальтбетон ва унинг ШМА, ЛЭМС кўринишлари; юза қатламга ишлов бериш учун материаллар; шимдиргичлар (тўғри ва тескари); қора чақик тош; битум шламлар; намли битум минерал аралашмалар ва б.

Дегтебетон - *катрон бетон* - “Асфальтбетон”га қаранг.

Дегтебетонная смесь - *катрон бетон қоришмаси* - “Асфальтбетон қоришмаси”га қаранг.

Железобетон - *темирбетон* - асосан чўзувчи кучланишни кабул қилиш учун қўйилган пўлат арматуралар киритилган цементбетон.

Заполнители - *тўлдиргичлар* - бетон қоришмаси таркибига кирувчи минерал материаллар (қум, шағал, куюнди ва чақиқ тош).

Зерновой состав (гранулометрия) непрерывный - *узлуксиз донатор таркиб (донадорлик)* - аралашманинг минерал қисмини ташкил этадиган минерал материалларнинг барча фракциялари иштирок этадиган асфальтбетон ёки цементбетон аралашмаларнинг донатор таркиби.

Зерновой состав (гранулометрия) прерывистый - *узлукли донатор таркиб(донадорлик)* - аралашманинг минерал қисмини ташкил этадиган минерал материалларнинг қандайдир фракцияси йўқ бўлган асфальтбетон аралашмаларнинг донатор таркиби (мас., фақат чақиқ тош ва майда қум мавжуд, ўртача қум эса йўқ бўлган).

Зерновой состав минеральной части (гранулометрия) - *минерал қисмларнинг донатор таркиби (донадорлиги)* - табиий материаллар ёки аралашмаларнинг минерал таркибида турли йирикликдаги дон (зарра)ларнинг вазний (сонли) миқдори.

Каркасная структура - *каркас тузилма* - аралашманинг эритмали қисмидаги бўшлиқни тўлдирадиган (эритмали қисм ҳажми чақиқ тошдаги бўшлиқ ҳажмини оширмайди) чақиқ тош (шағал) доналари билан ҳосил қилинади. Каркас аралашмада чақиқ тош миқдори 50% дан кўп бўлганда шаклланади.

Компаунд эпоксидный - *эпоксид компаунди* - пластификатор аралашган эпоксид смоласи қоришмаси.

Макроструктура - *макротузилма* - минерал асослар тузилишини тавсифлайди. Аралашмада чақиқ тош миқдорига боғлиқ ҳолда каркасли (боғланган), ярим каркасли (ковакли) ва каркассиз (асосли) бўлиши мумкин.

Мезоструктура - *мезотузилма* - эритмали қисм тузилмаси, қум доналаридан ташкил топади ва асфальтбетоннинг деформациялигини, зичлигини ва бошқа хусусиятларини белгилайди.

Микроструктура - *микротузилма* - сиртки фаол ва шакллантирувчи қўшилмалари бор бўлган ёки уларсиз бўлган боғловчилар тузилиши (битумнинг юпка дисперс минерал қуқунлар билан аралашмаси). Микротузилма битум, минерал қуқун ва ковакларнинг меъёрий нисбатини акс эттиради.

Мономер - *мономер* - полимерларни ажратиш учун бирламчи материал, полимерларда кўп марта такрорланадиган таркибий қисм бўлиб хизмат қилувчи паст молекуляр бирикма.

Однородность смеси - *аралашмаларнинг бир хиллиги* - алоҳида (хусусий) кўрсаткичларнинг мас., сувга тўйинганлик ва +50 °C да сиқилиш шароитида мустаҳкамлик чегарасининг вариантланиш коэффициенти билан баҳоланадиган сифат кўрсаткичи.

Плиты бордюрные бетонные - *бетон ҳошия плиталар* - қатнов қисмини йўл ёқаси, йўлак ва яшил экинлардан ажратувчи, ҳошия учун қўлланилган, махсус ўлчам ва шаклли, бетондан тайёрланган плиталар (тошлар).

Плиты дорожные - *йўл плиталари* - йиғма цементбетон қопламаларни қуриш учун полигонда ёки ТБЗ да тайёрланган плиталар ёки қуйма цементбетон йўл қопламаларининг қирқилган плиталари. Йиғма қопламалар учун плиталар қуйидагича бўлиши мумкин: квадрат, тўғри бурчакли ёки олти бурчакли бетондан ёинки темирбетондан (олдиндан зўриқтирилган).

Плиты тротуарные - *йўлак плиталари* - цементбетон ёки асфальтбетондан, табиий тош ёки қуйма қуйиндидан тайёрланадиган, йўлакларнинг йиғма қопламаси учун материаллар.

Полидисперсные материалы - *кўп дисперсли материаллар* - танланган нисбатдаги турли йирикликда (кукундан чақик тошгача) бўлган минерал доналардан ташкил топган.

Полукаркасная структура - *ярим каркас тузилмалар* - чақик тош доналари қисман асфальт эритмаларга силжиган минерал асослар тузилиши.

Структурированная зона(ориентированный слой) битума - *битумнинг тузилмавий минтақаси (мўлжалланган қатлам)* - молекулалараро ўзаро алоқаларнинг юза кучлари таъсири остида жойлашган битумнинг минерал доналаридаги битум пленка (3-6 мкм) қисми. Мўлжалланган қатламда учта минтақа ажратилади: энг юқори даражада асфальтенга (микрон улуши) тўйинган қаттиқ кўринишли; минерал доналарга (1-2 мкм) мўлжалланган, битум компонентлари тартибли жойлашганлиги намоён бўлган тузилмавий; эркин битумга ўтувчи диффузия минтақаси.

Растворы строительные - *қурилиш қоришмалари* - боғловчи модда, сув ва майда минерал материал (қумдан, баъзида элак чиқиндисидан)дан тайёрланадиган майда донали бетонларнинг тури.

Разновидности дорожного бетона - йўлда ишлатиладиган бетон турлари – махсус ишлаб чиқилган тавсия ёки муассасавий меъёр асосида юқори ташкилотларнинг розилиги билан йўлда ишлатиладиган бетонлар. Улар карбонат тошли, кичик заррали (қумли), кам тошли (чақир тош) кам цементли (тощий), ўрта мустаҳкам ва қуйма бетонлар бўлиши мумкин: Карбонат тошли бетон - майда ва йирик карбонат тошли оддий бетон. Йўл асосида ишлатиладиган карбонат тошли бетонга сарфланадиган цементнинг микдори, айти шу маркадаги бошқа бетонга нисбатдан 10-20% га камроқ бўлади. Майда заррали (қумли) бетон - таркибда йирик доналиари йириклиги билан ажралиб турувчи оддий бетон. Бундай бетонлар-нинг майда тўлдирувчилари сифатида модуль қиймати 2 дан кам бўлмаган кварц қуми ёки кварцли оддий қум ишлатилади. Кам тошли бетон - таркибда қумнинг кўплиги ва аксинча қиррали тошларнинг камлиги билан ажралиб турадиган оддий бетон. Қиррали тошларнинг камлиги сабабли уларнинг ўзаро силжишлари, жойлашиш (коэффициенти задвижки) қулайроқ. Кам цементли (тощий) бетон - ўзиюар зичловчи машиналар (катки) ёрдамида зичланадиган паст марка ва кам сувли бетон қоришмасининг қотиши натижасидаги бетон. Кам цементли бетондан қурилган йўл асосига ётқизилган асфальтобетон қоришмасида ёриқлар кам бўлади, ана шуниси билан бу бетон эътиборга лойиқ ҳисобланади. Кам цементли бетон сиқилишдаги мустаҳкамлиги бўйича М50, М100 ва М 15 маркаларга, эгилгандаги чўзилиши бўйича эса 15, 20 ва 25 маркаларга бўлинади. Ўта мустаҳкам бетон – эргилгандаги чўзилиш бўйича “60” ва ундан юқори маркали бетонлар. Ўта мустаҳкам бетонларни оддий бетонлар ўрнига ишлатиш натижасида бетон қопламаси қалинлагини камайтириш ва шу орқали иш хажмини, ҳаражатларни камайтириш ва меҳнат умудорлигини ошириш мумкин бўлади. Суперпластификаторли қуйма бетон - оқувчанликни оширувчи суперпластификаторлар қўшиб тайёрланган бетон қоришмасининг қотиши натижасидаги бетон. Қуйма бетонларни зичлаш талаб этилмаганлиги сабабли, уларни оддий, зичлаш талаб этиладиган бетонлар ўрнига ишлатилиши электр, ёқилғи ва иш кучи сарфини каматириб иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради. Суперпластификаторлар қўзилиши лозим бўлган бетн қоришмаларининг дастлабки оқувчанлик кўрсаткичи 2-5 см орасида бўлиши керак.

Силикальцит - *силикальцит* - кварц кумини майдалаш, уни ҳаво оҳаги билан аралаштириш, кейин тиндириш ва 1,2 Мпа босим остида автоклавда ишлов бериш натижасида олинадиган сунъий тош.

Смесь асфальто (дегте) бетонная - *асфальт (қатрон) бетон қоришмаси* - оқилона, энг катта зичлик асосида, давлат стандарти талабларини қониқтирувчи минерал материаллар (чақиқ тош, чақилган шағал, кум ва минерал кукун ёки кукунсиз) аралашмасининг битум (ёки қатрон) билан маълум нисбатда қиздирилган ҳолатдаги қоришмаси. Минерал материалларнинг энг катта йириклик ўлчамлари бўйича қоришмалар қуйидаги турларга ажратилади: кумдор (5мм гача), майда заррачали (20мм гача) ва йирик заррачали (40 мм гача). Тизими бўйича ғовакдор ва зич турларга ажратилади. Улар махсус қурилмаларда тайёрланади. Тайёрланиши ва йўлга ётқизилиши услуги бўйича қоришмалар иссиқ, илиқ ва совуқ навларга ажратилади.

Смесь асфальтобетонная литая (литой асфальт) - *қўйма асфальтбетон қоришмаси (қўйма асфальтбетон)* - майда заррачали, таркибида битум миқдори юқори бўлган иссиқ асфальтбетон тури, (минерал қисмининг зичланганлиги бўшлиқларга нисбатан 0,5% ортиқ). Юқори даражада пластиклик хусусиятига эга, қўл механизацияси билан осон зичланади. Қўйма асфальтбетон (қатрон) бетон қоришмаси (кумли асфальт) - йириклиги бўйича кум энг йирик минерал материал ҳисобланадиган асфальтбетон қоришмаси.

Смесь бетонная - *бетон қоришмаси* - “Цементбетон қоришмасига қаранг”.

Смесь битумо (дегте) грунтовая - *битумли (қатронли) тупроқ қоришмаси* - битум, қатрон ёки эмульсия билан қўшимчалар ёки уларсиз қурилмада аралаштириш билан ишлов берилган кумли ёки кумдор тупроқ.

Смесь горячая - *иссиқ қоришма* - барча ташкил этувчиларни 130-180С ҳароратгача қурилмада қиздириб, иш жойига 100-150С ҳароратда ташиб келинадиган ва йўл тўшамасига ётқизиладиган, органик боғловчили минерал материалдан тайёрланган қоришма.

Смесь латексцементная - *латекс цементли қоришма* - боғловчи сифатида цементдан ташқари табиий ёки сунъий латекс қўлланиладиган полимерцемент қоришмасининг тури.

Смесь литая эмульсионно-минеральная - *эмульсия минералли қўйма қоришма* - майда минерал материалларни (ювилган кум, майдаланган элак чиқиндиси) кукунсимон қўшимчалар (сўндирилган оҳак, оҳак уни ва ш.к.) ҳамда минерал материалларни

ҳўллаш учун сув, кислота ва махсус барқарорлаштиргичларнинг катион фаол эмульсияси билан ишлов берилган аралашмаси. Бундай қоришма шлам деб ҳам аталади. Худди шундай қоришманинг анион фаол эмульсия билан тайёрланганига қуйма эмульсион минерал қоришма (ҚЭМК) дейилади. Улар ҳимояловчи қатлам қурилишида, асосан органик боғловчилар билан ишлов берилган, юзаси едирилган ёки емирилаётган енгиллаштирилган қопламаларни тез мустаҳкамлаш ва тузатиш учун, IIIV тоифали йўлларда зичламасдан бир текис қатламда текислаш йўли билан қўлланилади.

Смесь полимербетонная - *полимербетон қоришмаси* - батартиб таркибли оддий минерал материаллардан ташқари, полимер боғловчи эпоксидли, полиэфирли ёки бошқалар қўлланилган цементбетон қоришмасининг тури.

Смесь теплая - *илиқ қоришма* - минерал материаллар билан ҳам қайишқоқликда бўлган органик боғловчили, қурилмада 80-120⁰С ҳароратгача киздирилиб ва 50-10⁰С ҳароратда ётқазиладиган қоришма.

Смесь холодная - *совуқ қоришма* - минерал материаллар билан органик боғловчиларни йўлда ёки қурилмада, ташкил этувчиларни қурилмада киздириш ёки минерал материалларни киздирмасдан, лекин органик боғловчиларни (эмульсиядан ташқари) киздириб тайёрланган қоришма. Ташқи ҳаво ҳарорати 100⁰С дан паст бўлмаганда ётқазилади ва омборда узоқ вақт сақлаш рухсат этилади. Тайёрлаш вақтида кўпинча қапишишга қарши қўшимчалар қўлланилади.

Смесь цементобетонная (бетонная) - *цементбетон (бетон) қоришмаси* - оқилона танланган ва махсус қурилмаларда пухта аралаштирилган, цементбетон мустаҳкамлиги ва чидамлиги бўйича талаб қилинадиган маркада олишни таъминловчи, маълум миқдорда сув/цемент (с/ц) нисбатида олинган минерал материаллар (чақик тош, шағал ёки кум)нинг цемент ва сув қоришмаси.

Смесь цемента (битумо) грунтовая - *цемент (битумли) тупроқ қоришмаси* - оптимал миқдордаги цемент ва сув ёки битум (қатрон) ёки эмульсия билан тупроқ аралаштиргич машиналарида шунингдек қурилмада, қўшимчалар ёки уларсиз аралаштирилган тупроқ.

Шламы битума - *битум шламлари* - “Эмульсия минералли қуйма қоришма”га қаранг.

Щебеночно-мастичный асфальтобетонная смесь (ЩМАС) - чақиқ тош-мастикали асфальтбетон аралашма (ЧМАА) - минерал материаллар(чақиқ тош, майдаланиб эланган кум ва минерал кукун), йўл битуми(полимерли ёки бошқа қўшимчалар ёки уларсиз), белгиланган нисбатда олинган ва иситилган ҳолатда аралаштирилган барқарорлаштирувчи қўшимчаларнинг оқилона танланган аралашмаси. Қўлланган чақиқ тошнинг йириклигига кўра ЧМАА куйидаги турларга бўлинади: ЧМА-20-доналарининг энг катта ўлчами 20 мм гача; ЧМА-15 - 15 мм гача; ЧМА-10 - 10 мм гача. Аралашманинг чамаланган таркиби - куб шаклли чақиқ тош -70-80%; майдалангандаги чикитлар куми -5...20%; минерал кукун -10...20%; битум-5,5...7,55% (масса бўйича 100%дан юқори); барқарорлаштирувчи қўшимча(тола) -0,2...0,5%.

Щебеночно-мастичный асфальтобетон (ЩМА) - чақиқ тош-мастикали асфальтбетон (ЧМА) - зичланган чақиқ тош-мастикали асфальтбетон аралашма. ЧМА қопламаларнинг ажралиб турувчи хусусиятлари: ғадир-будирлик ва автомобиль шиналари билан туташиб кўрсаткичларининг юқори даражаси, қопламаларнинг ҳаракатга бардошлилиги, ейилишга чидамлилиги (жумладан, тирноқли шиналар таъсирига), оширилган даражада сув ва музга чидамлилик, коррозияга бардошлилик, эскиришга юқори даражада бардошлилик, автомобиллар ҳаракати вақтида шовқин даражасининг пасайиши ҳисобланади.

Эмульсионно-минеральные смеси (ЭМС) для устройства слоев износа - ейилиш қатламини қуриш учун эмульсион-минерал аралашма (ЭМА) - белгиланган нисбатларда олинган минерал тўлдирувчилар, катионактив эмульсиялар ва қўшимчаларнинг оқилона танланган аралашмаси. Компонентлар атроф-муҳит ҳарорати +10°C дан паст бўлмаган шароитда қатлам ётқизишга ихтисослаштирилган машиналарнинг махсус бункерида аралаштирилади. Физик-кимёвий хусусиятлари мажмуи ва қўлланиладиган материалларига кўра ЭМА икки турга бўлинади - А ва Б. Минерал тўлдирувчилар йириклиги ва қўлланиш соҳалари бўйича ЭМА уч типга бўлинади: ЭМА-I -доналарнинг энг катта йириклиги 2,5мм (паркларда ва ички квартал йўлларни таъмирлашда қўлланилади); ЭМА-II -энг катта йириклиги 5мм (ички квартал йўлларни таъмирлаш учун қўлланилади); ЭМА-III -энг катта йириклиги 1мм (магистрал кўчалар ва йўлларда ҳамда сифатсиз жойларни бартараф қилишда қўлланилади).

Цементобетон (бетон) - *цементбетон (бетон)* - сунъий конгломерат материал бўлиб, цементбетон қоришмасининг қоплама ёки иншоотда зичлаб қотишида донатор минерал материалларнинг цемент тоши билан боғланиб мустаҳкамланганлиги.

4.5. Йўл, аэродром қурилишида ишлатиладиган материаллар

Аммоналы - *аммоналлар* - аммиак селитрали портловчи моддалар, асосан аммиакли селитрадан (70% гача) ва алюминли қўшимчалардан (16% гача) баъзан нитробирикмалардан (тринитротолуал) иборат.

Аммониты - *аммонитлар* - аммиак селитрали портловчи моддалар кумсимон кўринишда бўлиб, асосан 80...89% гача аммиакли селитра ва 5...20% гача нитробирикмалардан ташкил топади.

Антисептики - *антисептиклар* - ёғоч ва ёғоч маҳсулотларини замбуруғлардан сақлашда ва чиришга қарши ишлатилади.

Арматура - *арматура* - мустаҳкамловчи элемент бўлиб, у ўзига нисбатан кам мустаҳкам ва пластик бўлган материаллар ичида қўлланилади. Темирбетонда арматура металлдан ишлатилиб, асосан, чўзувчи зўриқишларни камайтиради.

Асбоцемент - *асбестли цемент* - 12... 15 % асбестдан ва 85...88% цементдан ташкил топган қурилиш материали. Асосан, шифер ва асбестли қувурлар тайёрлашда қўлланилади.

Бумага битумная (битумированная, битумизированная) - *битумли қоғоз* - цементбетон қопламаларнинг иссиқлик таъсирида бемалол силжиши учун (ишқаланиш коэффициентини камайтириш учун) йўл асоси устига ётқазиладиган битум шимдирилган калин қоғоз.

Взрывчатые вещества (ВВ) - *портловчи моддалар* - нисбатан турғун бўлмаган кимёвий моддалар бўлиб, ташқи туртки таъсирида тезда кимёвий ўзгариши туфайли ўзидан кўп миқдорда газ ва иссиқлик чиқариши натижасида портлайди.

Гидроизол - *гидроизол* - сувдан ҳимояловчи асбестли ўрама материал ёки асбестли целлюлозалардан тайёрланган калин қоғознинг битум билан шимилгани.

Изол - *изол* - битум билан резинанинг аралашмасидан тайёрланган ўрама материал бўлиб, юзаларга ёпиштириш билан сувдан ҳимояловчи сифатида ишлатилади.

Мастика - *мастика* - минерал кукуннинг органик боғловчилар билан иссиқ ёки совуқ ҳароратдаги аралашмаси. Мастика цементбетон қопламаларнинг чоклари ва ёриқларини тўлдириш ҳамда гидроизоляция материалларни ёпиштириш учун ишлатилади.

Материалы нетканые синтетические - *нотўқима синтетик материаллар* - ўрама синтетик материаллар бўлиб, ер тўшамасининг устига ёки унинг тагига ётқазилади ва сув ўтказувчи, мустаҳкамловчи ёки сув шимилишини камайтирувчи сифатида қўлланилади.

Нитрат-нитрит-хлорид кальция - *нитрат-нитрит-хлорли кальций* - таркиби 67% гача хлорли кальцийдан иборат бўлган қаттиқ ёки суюқ ҳолатдаги маҳсулот. У йўлларни чангсизлантиришда, қопламаларнинг музлаган юзасини эритишда ҳамда совуқ шароитда тайёрланган қоришмаларнинг музлаш ҳароратини пасайтиришда қўлланилади.

Пергамин - *пергамин* - қоғозларга битум шимдирилиш йўли билан тайёрланадиган, сувдан муҳофаза қилувчи материал.

Рубероид - *рубероид* - томларни ёғингарчиликдан муҳофаза қилиш учун ўрама материал бўлиб, картон аввал суюқ битум билан, сўнгра унинг иккала юзаси қийин эрувчан битум билан қопланади ва юзаларига минерал кукун ёки слюда сепиш йўли билан тайёрланади.

Толь - *тол* - томларни ёғингарчиликдан муҳофаза қилувчи ўрама материал, картоннинг юзасига тошқўмир қатрони (дегта) шимдирилиб, сўнгра кум сепиш йўли билан олинади.

4.6. Йўл-қурилиш материалларининг хусусиятлари, уларни синаш

Абсорбция (объемное поглощение) - *шимилиши (ҳажмий шимилиши)* - эритмадаги модданинг шимилиши ёки шимилувчиларнинг газли (қаттиқ жисмли ёки суюқ) ҳолатдаги аралашмалари.

Адгезия - *адгезия* - ҳар хил хусусиятга эга бўлган (қаттиқ ва суюқ) моддаларнинг сирт қатламлари бўйлаб ёпишиши.

Адсорбция - *адсорбция* - газсимон ёки суюқ муҳитдаги моддаларнинг қаттиқ ёки суюқ моддалар орқали сирт бўйича шимилиши.

Адсорбционные слои - *шимувчи қатлам* - юқори молекуляр таркибли битумнинг оширилган концентрацияси билан биргаликдаги тош материал юзасидаги қатлам.

Адсорбент - *адсорбент* - шимувчи модда.

Адсорбат - *адсорбат* - шимилувчи модда.

Активация материалов - *материалларни фаоллаштириш* - янги юзаларнинг ҳосил бўлиши вақтида (парчаланиш, майдаланиш ва ш.к.) уларнинг алоҳида энергетик ҳолати ва тез ўзгарувчан ташқи таъсирланиш қобилятидан фойдаланган ҳолда минераллар юзасини уларнинг сиртки фаол моддалар ёки фаолаштиргичлар (оҳаклар ва б.) билан ишлов берилишига асосланиб фаоллигини ошириш. Тош майдалаш базаларида, заводларида ва б. жойларда бажарилади.

Активность вещества - *моддаларнинг фаоллиги* - бир модда иккинчи модда юзасига шимилиб - адсорбацияланиб, унинг юзаси бўйича сирт таранглигини ўзгартириши.

Активность цемента - *цементнинг фаоллиги* - цементларнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, у ўлчамлари 4x4x16 см ли бўлган махсус цемент қоришмасидан тайёрланган таёкчанинг 28 кунда маълум шароитда қотгандан сўнг, эгилишидаги чўзилиши мустаҳкамлиги билан аниқланади.

Активность шлаков - *шлакларнинг фаоллиги* - майдаланган шлакларни сув билан аралаштиришдан тайёрланган намунанинг сиқилишидаги мустаҳкамлик чегараси билан белгиланади. Шлакларнинг боғловчилик хусусиятлари уларнинг фаоллиги билан ўлчанади.

Амфотерность - *амфотерлик* - айрим моддаларнинг икки хил хусусият намоён қилиш қобиляти. Мас., СФМ молекулалари кутбли ва кутбсиз моддалар хусусиятини намоён қилади. Кутбсиз қисм нофаол, кутбли гидрофобли қисм эса фаол, куч майдонига эга, углеводород занжиридан ёки ароматик радикаллардан иборат.

Анизотропия - *анизотропия* - материалларнинг томонлари бўйича ҳар хил физикавий хусусиятга эгаллиги (изотропия).

Атмосферостойкость - *табиат таъсири (ташқи муҳит) га чидамлилиқ* - материалларнинг муҳит (куёш нури, ҳавонинг ҳарорати, ёғингарчилик, ҳар хил газлар, микроорганизмлар ва бошқалар) таъсирига чидаб, ўз хусусиятларини ўзгартирмай сақлаши тушунилади.

Барабан полочный - *айланувчи доира* - лаборатория асбоби бўлиб, тош материалларининг майдаланиши (емирилиши)ни аниқлашда ишлатилади.

Вакуум прибор - *вакуум асбоби* - лаборатория шароитида намуналарнинг сув шимишини аниқлашда ишлатиладиган мослама.

Вес тела - *жисмнинг вазни* - вектор катталиқ бўлиб, хусусий оғирлиқ таъсирида таянч нуқталарига таъсир қилувчи куч, Ньютонда ўлчанади (Н).

Вес удельный - *солиштирма оғирлиқ* - жисм оғирлигининг ҳажмига нисбати бўлиб, ўзгармас катталиқдир (Н/м^3).

Вес удельный грунта - *тупроқнинг солиштирма оғирлиги* - тупроқ оғирлигининг намлиги ва бўшлиқлари билан бўлган ҳажмига нисбати (Н/м^3).

Вес удельный сухого грунта - *қуруқ тупроқнинг солиштирма оғирлиги* - қуруқ тупроқ оғирлигининг унинг ҳажмига нисбати (Н/м^3).

Вес удельный частиц грунта - *тупроқ заррачаларининг солиштирма оғирлиги* - қуруқ тупроқ оғирлигининг шу тупроқ қаттиқ заррачаларининг ҳажмига бўлган нисбати.

Весы аналитические - *аналитик тарози* - лаборатория шароитида ўта аниқлик билан оғирликни ўлчашда ишлатиладиган тарози.

Весы технические - *техник тарози* - намуна, материаллар ёки қоришмаларнинг оғирлигини ўлчашда ишлатиладиган тарози.

Вискозиметр - *ёпишқоқликни ўлчагич* - битум, ёғ ва бошқа материалларнинг ёпишқоқлиги (оқувчанлиги)ни аниқлашда ишлатиладиган асбоб. Уларнинг бир неча турлари мавжуд: стандартли - суюқ битум, дегт, эмульсияларнинг оқувчанлигини аниқлашда ишлатилади.

Водопоглощение - *сувнинг шимилиши* - ҳавонинг атмосфера босими ва сув билан бевосита боғлиқлиги шароитида материаллар ёки тоғ жинсларининг сувни шимиши ва тутиб туриш қобилияти. Массага ёки қурилган намуна ҳажмига нисбатан тутиб қолingan сувнинг фоиздаги миқдори билан тавсифланади.

Ротационный вискозиметр - *ротационли ёпишқоқлик (оқувчанлик)ни ўлчагич* - битумларнинг абсолют ёпишқоқлиги (оқувчанлиги)ни аниқлашда ишлатилади.

Технический вискозиметр - *техникавий ёпишқоқлик (оқувчанлик)ни ўлчагич* - бетон қоришмаларининг қаттиқлиги (оқувчанлиги)ни ўлчашда ишлатилади.

Влагомер электронный - *электронли нам ўлчагич* - материалларнинг намлигини ўлчашда ишлатилиб, у материалларнинг намлиқ таъсирида электр ўтказувчанлиги ва электр майдони сигимининг ўзгаришини ўлчашга асосланган.

Влагопроводность - *нам ўтказувчанлик* - материалларнинг ўзидан намлиқ ўтказиш хусусияти.

Влажность - *намлик* - материаллардаги сувлар миқдорининг шу материалнинг абсолют куруқ ҳолидаги оғирлигига нисбати (% да ўлчанади).

Влажность грунта оптимальная - *тупроқларнинг оптимал намлиги* - шундай намликки, унда тупроқ зичлаш воситалари билан зичланганда, катта самара беради ва ўзгармас мустаҳкамликка эришилади.

Влажность грунта относительная - *тупроқнинг нисбий намлиги* - тупроқ намлигининг унинг оқувчанлик чегарасидаги намликка бўлган нисбати, фоизда.

Водонасыщение - *сув шимиш қобилияти* - материалларнинг сувни шимиб ўз ғовак ва бўшлиқларида атмосфера босимидан юқори ёки кам бўлган босим шароитида ушлаб туриш қобилиятига айтилади ва материалнинг ҳажмига ёки оғирлигига нисбатан фоизда ўлчанади.

Водонепроницаемость - *сув ўтказмаслик қобилияти* - берилган шароитда материалнинг оғирлик таъсирида сувни ўтказмаслик қобилияти.

Водородный показатель - *водород кўрсаткичи* - эритмаларда водород ионлари концентрациясини ёки фаоллигини кўрсатувчи бирлик. Сон жиҳатдан концентрациянинг 1 л эритмага нисбатан грамм ионларда ифодаланган манфий ўнли логарифмига тенг.

Водоцементное отношение - *сув цемент нисбати* - бетон қоришмаси таркибига кирувчи сув билан цементнинг нисбати. У бетоннинг таркибини ҳисоблашда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, бетоннинг мустаҳкамлиги ва қоришманинг қолипбоплиги нуқтаи назаридан белгиланади.

Водостойкость - *сувга чидамлилик* - материалларнинг сувга тўйинган шароитда бузилишга қарши тура олиш қобилияти. Сувга чидамлилик коэффициенти (сувга тўйинган шароитда материал мустаҳкамлигининг пасайиш даражаси) билан тавсифланади.

Воздухомер - *ҳаво ўлчагич* - бетон аралашмага қўшилган ҳаво миқдорини аниқлайдиган учун қурилма.

Воздухопроницаемость - *ҳаво ўтказувчанлик* - босим ўзгариши таъсирида материал ва конструкцияларнинг ҳаво ўтказиш қобилияти.

Выветривание - *шамол таъсирида нураш* - шамол, ҳарорат ўзгариши, ковак ва тешиқларда сувнинг музлаши ҳамда микроорганизмлар таъсирида тоғ жинсларининг физикавий бузилиши ва кимёвий парчаланиши жараёни.

Вязкость (внутреннее трение) - *ёпишқоқлик (ички ишқаланиш)* - материалнинг ташқи кучлар таъсирида бир қатламининг иккинчисига ўрин алмаштиришига қаршилиқ кўрсата олиш қобилияти. Мутлақ (ҳақиқий) ёпишқоқлик паскаль-секундда (Па.с) ўлчанади.

Гигроскопичность - *нам тортиш хусусияти* - ички коваклар ва капиллярларда буғнинг шимилиши натижасида материалнинг ҳаводан нам шимдириш қобилияти.

Гидратация - *гидратация* - модданинг молекула ва ионларига сувнинг молекулалари бирлашиши (моддаларнинг суюқликда эриши).

Гидраты - *гидратлар* - моддалар таркибида сувнинг кимёвий боғланиши.

Гидролиз - *гидролиз* - сув билан кимёвий таъсир натижасида мураккаб моддаларнинг икки ва ундан ортиқ янги моддалар ҳосил қилиши.

Гидрофильность - *гидрофиллик* - қаттиқ жисм юзаларининг намланишга бўлган мойиллик хусусияти.

Гидрофобность - *гидрофоблик* - қаттиқ жисмларнинг ўзига сув юқтирмаслик хусусияти.

Глубина проникания - *ботиш чуқурлиги* - ёпишқоқ ва қаттиқ битумларнинг шартли кўрсаткичи бўлиб, пенетрометр асбоби стандарт игнасининг битумга ботиш бирлигини кўрсатади.

Градиент гидравлический - *гидравлик градиент* - филтрлаш йўли бирлигида босимнинг йўқолишини тавсифлайдиган ўлчамсиз катталиқ.

Градиент температурный - *ҳарорат градиенти* - иссиқлик тарқалиши йўналишидаги, яъни изотермик юза нормали йўналишидаги узунлик бирлигида ҳароратнинг ўзгариши катталиги.

Граница раскатывания грунта - *тупроқнинг уваланиш чегараси* - бу тупроқнинг пластик ҳолатидан ярим қуруқ ҳолатга ўтаётгандаги намлик миқдорида, фозда ифодаланади.

Граница текучести грунта - *тупроқнинг оқувчанлик чегараси* - тупроқнинг пластик ҳолатдан оқувчанлик ҳолатга ўтаётгандаги намлик миқдори, фозда ифодаланади.

Гранулометрический состав - *тупроқ доналарнинг таркиби* - тупроқ таркибидаги доналар ва заррачалар миқдори билан умумий миқдор нисбатининг фоздаги ифодаси.

Давление - *босим* - жисм юзасига перпендикуляр йўналишда таъсир қилувчи куч миқдорини тавсифловчи физик катталиқ.

Дегидратация - *сувсизлантириш* - модда(материал ёки тупрок) дан сувни ажратиш жараёни.

Делатометр - жисмларнинг иситилган ҳолатдаги ҳажми ёки чизикли ўлчамини аниқлаш учун асбоб.

Десорбция - *шимилмаслик* - шимилишга тескари ҳодиса (молекулалар ажралиши ва уларнинг газли муҳитга ёки эритмага ўтиши).

Дискретность - модда ёки материалларнинг алоҳида заррачалардан иборатлигини характерлайди (билдиради).

Дисперсная система - *дисперс муҳит* - коллоид эритмада кўп қисмли ортиқча иштирок этадиган фаза ёки иккинчи фазада заррачалари парчаланган эритувчи.

Дисперсность - *дисперслик* - модда заррачаларининг майдаланганлик даражаси. Майдаланганлик даражаси бу заррачалар умумий юзасининг улар ҳажмига бўлган нисбати билан белгиланади.

Дистиллят (фракция) - *дистилат* - дистилляция маҳсулоти бўлиб, у қайта ҳайдаш йўли билан моддаларнинг таркибий қисмидан ажратиб олинади (масалан, нефтни қайта ҳайдаш йўли билан бензин, ёғ, мазут, гидрон ва ҳоказо олинади).

Дистилляция (перегонка) - *дистилляциялаш* - қайнаш температураси ҳар хил бўлган икки ва ундан ортиқ суюқлик аралашмасини физик - кимёвий қайнаш температуралари ҳар хил бўлган жараён ёрдамида ажратиш.

Диффузия - *диффузия* - эритманинг эриган моддалари унинг ҳамма қисмида табиий бир хил тарқалишига олиб келадиган жараён.

Дробимость - *чақилувчанлик* - зарба таъсирида табиий ва сунъий материалнинг ҳар хил ўлчам ва кўриниш шаклига бўлиниши.

Дуктилометр - *дуктилометр* - битумларнинг чўзилишини аниқлайдиган лаборатория асбоби.

Жесткость бетонной смеси - *бетон қоришмасининг қаттиқлиги* - бетон қоришмасининг хусусияти бўлиб, уларнинг қолипбоплигини характерлайди.

Жесткость воды - *сувнинг қаттиқлиги* - иссиқлик алмаштирувчи аппаратлар деворида қаттиқ чўкинди (қасмоқ) чўкишини келтириб чиқарадиган, таркибида кальций ва магний тузлари мавжудлиги билан шартланадиган табиий сувларнинг хусусиятлари. Қаттиқлигига кўра сувлар юмшоқ, ўртача ва қаттиқ турларга таснифланади. Қаттиқ сувлардан цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин эмас.

Журнал лабораторный - лаборатория журнали - йўл курилиши материалларининг сифати қайд қилинадиган, маълум шакл ва жадваллардан иборат бўлган дафтар.

Зонд забивной - қоқилган зонд - тупроқ (ер) тўшамасининг зичланганлик даражасини аниқлаш учун Белорусия Йўл илмий-текшириш институтида яратилган асбоб.

Зондирование динамическое - динамик зондлаш - берилган баландликдан эркин тушувчи, юк зарбалари сони изчиллик билан ўсиб боровчи доимий масса таъсиридаги учлик зонднинг ботишига тупроқнинг муайян қаршилигидан иборат бўлган йўл пойи зичлиги даражасини аниқлаш методи.

Износ в барабане - барабанда едирилиш - тош материалларининг, чақиқ тош ва шағалларнинг едирилиши ва зарбага чидамлик даражасини аниқлаш усули.

Износостойкость - едирилишга чидамлик - маълум шарт-шароитларда материалларнинг едирилиш (емирилиш)га чидамлиги.

Изотропия - изотропия - материалларнинг физикавий хусусиятлари, томонлари, йўналишлари бўйича бир хиллик хусусияти. Газ, суюқ ва аморф моддалар учун характерли хусусият.

Индикатор прочности - мустаҳкамлик индикатори - жинсларнинг янги юзалари бўлагиди металл стерженнинг (алюминли ёки жезли) цанга қаламчаси қолдирган из бўйича жинслар мустаҳкамлигини аниқлаш учун стерженлар тўпламли дала асбоби. Лабораторияда мессурали асбобнинг монометри бўйича кучланиш катталигини қайд қилган ҳолда, дискнинг айланиши вақтида тош парчасини кесиб оладиган сиқувчи тошли механик мустаҳкамлик индикатори қўлланилади.

Испытания материалов - материалларни синаш - ҳар хил ускуна ва мосламалар ёрдамида материалларнинг мустаҳкамлик ва физикавий хусусиятлари ҳамда уларнинг технологик жараёндаги ва фойдаланишдаги хусусиятларини аниқлаш. Бунда синаш асосан уч усул билан олиб борилади: лаборатория шароитида материаллар намуналарини ва конструкция элементларини махсус методика бўйича текшириш; табиий шароитда иншоот материалларини фойдаланишда текшириш; тезкорлик билан текшириш, бунда махсус усул ёрдамида қисқа вақтда материалларнинг керакли хусусиятлари аниқланади.

Истираемость - *едирилиш* - материалларнинг ўзаро ишқаланиши натижасида юзаси бўйича қатлам - қатлам бузилиб (едирилиб) бориши.

Керн - *ўйиб олинган намуна* - махсус пармалаш билан ички тузилишлари бузилмаган ҳолатда асфальтбетон, цементбетон йўл копламаларидан ҳамда тоғ жинсларидан олинган цилиндр кўринишидаги материаллар намунаси.

Класс бетона - *бетон синфи* - оғир бетон мустаҳкамлиги кўрсаткичининг кафолатланган қиймати. Кафолатланганлик гарови 95% билан белгиланган мустаҳкамликнинг бирхиллаш-тирилган кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Классификатор однобарабанный лабораторный - *бир барабанли лаборатория таснифлагичи* - навлар бўйича чиққан чақиқ тош (шағал) маҳсулотларининг олинган маълумотлари бўйича график тузиш билан $0...2^0$ дан $25...40^0$ гача ростланган эгилиш шароитидаги мустаҳкамлик бўйича нав намуналарини кўп марта тақсимлаш йўли билан турли жинсдаги чақиқ тош ва шағалларни бойитиш учун жиҳоз.

Коагуляция- *коагуляция* - коллоид ҳолатдаги майда заррачаларнинг дисперс муҳитда ўзаро ёпишиш жараёни.

Когезия (сцепления) - *когезия* - суюқ ёки қаттиқ моддалар молекулаларининг ўзаро таъсири туфайли улар заррачаларининг бирлашиши натижасида шу модданинг хусусиятлари ўзгаришига айтилади.

Колориметрия - *колориметрия* - моддаларнинг кимёвий таркибини сон ва сифат жиҳатдан физикавий усулда текшириш. Усул моддаларнинг эритмаси рангининг ўзгариши тезлигини аниқлашга асосланган.

Кольцо с шаром - *ҳалқали шар* - қовушқоқ битум, катронларнинг юмшаш ҳароратини аниқлашда ишлатиладиган асбоб.

Кольцо режущее - *кесувчи ҳалқа* - бузилмаган тупроқ тузилмаси намуналари зичланган қатламидан намуна олиш ҳалқаси. Курук тупроқ зичлигини ҳажмий-оғирлик методи (кесилган ҳалқа) билан аниқлаш учун дала шароитида фойдаланилади.

Конденсация капиллярная - *капилляр конденсация* - шимувчининг ғовак ва капиллярларида суюқ фазанинг тўпланиш жараёни (тупроқларда яққол кўринади).

Консистенция - *консистенция* - моддаларнинг физик агрегат ҳолати (газ, суюқ, қаттиқ ҳолати).

Консистенция грунта - *тупроқ консистенцияси* - табиий ҳолатдаги тупроқнинг куч таъсирида турғунлик даражаси, тупроқнинг нисбий намлик қиймати билаи характерланади (ўлчанади).

Коррозия - *кимёвий емирилиш* - қаттиқ материаллар юзасига ташқи муҳитнинг кимёвий таъсир қилиши натижасида уларнинг ўз-ўзидан бузилиши.

Концентрация - *қуюқлашиш* - 1) массали-модда массасининг унинг ҳажмига нисбатан тенг бўлган (кг/м^3) ўлчамли физик катталиқ; *моляр* -модда микдорининг унинг ҳажмига нисбатан тенг бўлган (мол/м^3) ўлчамли физик катталиқ. Шунингдек: “Массали улуш”, “Ҳажмий улуш”га қаранг.

Консолидация грунта - *тупроқнинг консолидацияси* - сувга тўйинган тупроқ қатламлариинг вақт ўтиши билан зичланиб бориши. Бунда тупроқ заррачалари ўзаро бирлашиб, унинг таркибидаги сув сиқиб чиқарилади.

Конус балансирный - *мувозанатдаги конус* - дала шароитида тупроқнинг оқувчанлик чегарасини ўлчайдиган асбоб.

Конус стандартный - *стандарт конус* - цементбетон коришмасининг ҳаракатчанлигини аниқлайдиган мослама.

Коррозионная стойкость - *коррозияга чидамлилик* – агрессив муҳитларда(ишқорли, кислотали, денгиз ва оқим сувлари) материалнинг бузилмаслик хусусияти.

Коэффициент водоустойчивости - сувга турғунлик коэффиценти - асфальтбетон коришмасидан тайёрланган намунанинг сув шимдирилган ҳолатда, $+20^0$ да аниқланган мустаҳкамлик чегарасининг шу намунанинг курук ҳолатдаги мустаҳкамлик чегарасига бўлган нисбатига айтилади.

Коэффициент гидрофильности - *гидрофиллик коэффиценти* - минерал кукуннинг сувда кўпчиган ҳажмининг, шу вазндаги кукуннинг керосиндаги кўпчиган ҳажмига нисбати тушунилади. Бу кўрсаткич минерал кукунларнинг сифатини белгилайди.

Коэффициент динамической вязкости - *динамик ёпишқоқликнинг коэффиценти* - суюқлик ва газларнинг силжиш ёки сурилишга бўлган қаршилигини кўрсатувчи ўлчам (Па.с).

Коэффициент кинематической вязкости - *кинематик ёпишқоқликнинг коэффиценти* - суюқлик ёки газнинг динамик ёпишқоқлиги коэффиценти кўрсаткичининг уларнинг зичлигига бўлган нисбатига айтилади ($\text{м}^2/\text{с}$).

Коэффициент морозостойкость - музлашга чидамлик коэффициенти - сув шимдирилиб, кўп маротаба музлатиб ва эритилган наmunанинг мустаҳкамлик чегараси қийматининг, шу материалдан тайёрланган наmunанинг сув шимдирилган (музлатилмасдан) ҳолатидаги мустаҳкамлик чегараси қиймати нисбатига айтилади.

Коэффициент Пуассона - Пуассон коэффициенти - Гук қонуни қўлланилиши чегарасида кўндаланг кесимнинг оддий чўзилиш (сиқилиш) шароитидаги нисбий қисқариш (узайиш)га нисбатининг мутлақ қиймати.

Коэффициент размягчаемости - юмшалиш коэффициенти – тошлоқ ва ярим тошлоқ тупроқлар мустаҳкамлиги чегарасининг мувофиқ равишда сувга тўйинган ёки куруқ ҳолатда бир ўқли сиқилишга нисбати.

Коэффициент сбега - сурилиш коэффициенти - ҳар хил йирикликдаги тош материалларнинг вазни бўйича ўзаро нисбатлари. Зич асфальтбетонда тошларнинг йириклик нисбатлари икки баробар ошиб (камайиб) боради.

Коэффициент теплопроводности - иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти - материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик жараёни жадаллигини тавсифловчи параметр, сон жиҳатдан юза бирлиги орқали вақт бирлигида ўтган иссиқлик миқдорига, ҳарорат градиенти шароитида эса бирга тенг. Иссиқ оқим зичлигининг ҳарорат градиентига нисбати сифатида ҳисобланади. Вт/(мм.К) ёки Вт/(м.⁰С) да ифодаланади.

Коэффициент стандартного уплотнения - стандарт зичлагич коэффициенти - тупроқ тўшамасидаги зичлик қийматининг шу тупроқнинг стандарт зичликдаги қийматига нисбати. Бу кўрсаткич тупроқнинг зичлигига ва унинг зичланганлик даражасига бўлган талабни характерлайди.

Коэффициент текучести - оқувчанлик коэффициенти - ёпишқоқликнинг динамик коэффициентига тесқари бўлган катталиқ (1/Пас)

Коэффициент теплоустойчивости - иссиқликка турғунлик коэффициенти - наmunанинг +20⁰ ҳароратдаги сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси қийматининг шундай наmunанинг +50⁰ ҳароратдаги сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси қийматига нисбати. Бу кўрсаткич асфальтбетонларнинг юқори ҳароратга чидамлилигини аниқлашда ишлатилади.

Кристаллизация - *кристалланиш* - кристалл моддаларнинг термодинамик турғун бўлмаган ҳолатдан турғун ҳолатга ўтиш жараёни натижасида ҳосил бўлади.

Критическая концентрация эмульгатора - *эмульгаторнинг критик қуюқлашуви* - заррачаларнинг дисперс фазаларга бирикиши эҳтимолнинг олдини оладиган, битум заррачаларида шимилувчи қатламлар ионларининг энг зич жойланишига эришиладиган қуюқлашув.

Липкость грунтов - *тупроқлар ёпишқоқлиги* - тупроқларда муайян миқдорда сув бўлган шароитда улар билан боғланишга тўғри келадиган турли хил предметларнинг тупроқ юзаларига ёпишиш хусусияти. Паскалда(Па) ифодаланади.

Марка асфальтобетона - *асфальтбетон маркаси* - бошланғич компонентлар сифати ва материаллар хусусиятларининг комплекс кўрсаткичлари.

Марка бетона - *бетон маркаси* - 28 сутка давомидаги сиқилиш шароитида мустаҳкамлик чегарасининг ўртача қиймати бўйича қабул қилинадиган, бетон сифати кўрсаткичининг меъёрланган қийматларидан бири.

Массовая доля - *масса улуши* - аралашма компонентлари массасининг аралашма массасига нисбатига тенг бўлган ўлчамсиз физик катталиқ. Бирликлар улушида, фоизларда (%), промилларда (‰), миллионлар улушида ифодаланади.

Метод стандартного уплотнения - *стандарт зичлаш методи* - тупроқларнинг ён томонга кенгайиши мумкин бўлмаган шароитларда турлича намланишларда стандарт юкланган тупроқларнинг қатламма-қатлам зичланишидан иборат бўлган тупроқнинг максимал стандарт зичлиги ва оптимал намлик қийматини олиши учун мўлжалланган тупроқларни лабораторияда синаш усули.

Метрология - *метрология* - ўлчашлар, уларнинг бирликлари ва аниқлигини таъминлаш ҳақидаги фан.

Мешалка лабораторная - *лаборатория аралаштиргичи* - махсус ҳисобланган ва керакли вазнда олинган компонентларни лаборатория шароитида аралаштирадиган ускуна (асосан, асфальтбетон, цементбетон, мустаҳкамланган тупроқ қоришмаларини тайёрлашда ишлатилади).

Модуль крупности песка - *қумнинг йириклик модули* - қумнинг йириклиги шартли баҳоси бўлиб, ўлчамлари 0,14- 2,5 мм

гача бўлган элаклардаги тўла қолдиқ йиғиндисини 100 га бўлиш йўли билан аниқланади.

Модуль основности шлаков - *шлакнинг асослилиги модули*

$$\left(M_0 = \frac{CaO + MgO}{SiO_2 + Al_2O_3} \right) \text{ - металлургия шлаклари фаоллиги ва уларнинг}$$

оҳаклар парчаланиши шароитидаги барқарорлиги тавсифи. Шлакдаги асосий оксидлар миқдорининг кислоталар миқдорига нисбати сифатида аниқланади. $M_0 < 1$ да шлаклар кислотали бўлади ва оҳаклар парчаланишга дучор бўлади; $M_0 > 1$ да шлаклар асослига тааллуқли бўлади ва оҳаклар парчаланишга мойил бўлади.

Модуль продольной упругости (модуль Юнга) - *бўйлама эгилувчанлик модули (Юнг модули)* - меъёрий кучланишнинг тегишли нисбий чизикли деформацияга нисбати сифатида олинадиган, тўғри стержень чўзилиши (сиқилиши)нинг бир ўқли эгилувчан деформацияси шароитида меъёрий кучланиш (қисқариш)лар ўртасидаги пропорционаллик коэффициенти. Паскал (Па)да ифодаланади.

Модуль сдвига - *силжиш модули* - дахлдор кучланишнинг тегишли силжиш бурчагига нисбати сифатида олинадиган силжишнинг бир турдаги эгилувчан деформацияси шароитидаги дахлдор кучланиш ва силжиш бурчаги ўртасидаги пропорционаллик коэффициенти. Паскал (Па)да ифодаланади.

Модуль упругости динамический - *динамик эгилувчанлик коэффициенти* - материалдаги бўйлама тебраниш шароитида, яъни материал ишининг динамик режимида кучланишнинг чўзилиш (сиқилиш) деформациясига нисбати билан белгиланадиган катталиқ.

Морозостойкость - *музлашга чидамлилиқ* - сувга тўйдирилган қурилиш материалларининг стандарт температура меъёрида, бир неча маротаба музлатиб ва эритилганда, ўзининг мустаҳкамлигини йўқотмаслиқ хусусиятига айтилади.

Набухание - *қўпчиш* - материалнинг атроф-муҳитдан сувишиб, ўзининг ўлчамларини ошириши.

Неразрушающие (адеструктивные) методы испытания - *бузмайдиган (адеструктив) синов услублари* - йўл қурилиши материаллари ва конструкциялар хусусиятини уларни бузмасдан ёки намуна олмасдан аниқлашга асосланган усуллар. Қуйидагиларга ажратилади: қурилиш материаллари ва конструкцияларни уларда ультратовушларнинг тарқалишини, намуналарнинг хусусий тебранишлари частоталарини ва сўнишини кузатишга, уларда

тўлқиннинг тарқалиши ва сингиши тезлигини ўлчашга асосланган тадқиқ этиш, синаш ва назорат қилишнинг акустик усуллари; материалда ультратовуш тўлқинларнинг импульс тезлигини ўлчаш асосида материалларнинг эгилувчанлик хусусиятини баҳолаш учун ўтказиладиган импульс (ультратовуш) услублар; тадқиқ этилаётган материалда тарқалган гамма нурланишларни қайд қилиш йўли билан зичликни ўлчашга асосланган радиометрик синовлар; муайян шаклдаги намуналарнинг хусусий тебранишлари асосида қаттиқ йўл қурилиши материалларининг потенциал эгилувчанлик ва ёпишқоқлик-қайишқоқлик хусусиятларини аниқлашга асосланган резонанс (тебраниш, овоз)ли услублар; синалаётган намунага фақат бир туртки ёки тўлқинлар зарбаси юбориш шароитида материалда товуш тарқалиши тезлигини ўлчашга асосланган зарбали услублар.

Нерасслаиваемость смеси - *аралашмаларнинг қатламланмаслиги* - аралашмаларни ташиш ва қолиплашда уларнинг боғловчилар, сув ёки эритмали қисмларга ажралмаслиги ва тайёрлаш вақтида олинган бир жинслилигини ўзгартирмаслиги хусусияти.

Образец - *намуна* - синов учун талаб қилинган ўлчам ва шаклда олинган намунадаги материал.

Объемная доля - *ҳажмий улуш* - аралашма компонентлари ҳажмининг аралашма ҳажмига нисбати билан тенг ўлчамсиз физик катталиқ. Бирликлар улушида, фоизларда (%), промилларда (‰), миллионлар улушида ифодаланади.

Огнестойкость - *оловга бардошлилик* - оловнинг мунтазам бўлмаган таъсири шароитида материалнинг бардошлилиги ва белгиланган вақт давомида мустаҳкамлигини сақлаш хусусияти.

Огнеупорность - *оловга қаттиқ тура олиш* - юқори ҳароратнинг мунтазам таъсири шароитида материалнинг ўз мустаҳкамлигини сақлаш хусусияти.

Отмучивание - *ортиқчасини чиқариш* - сувда муаллақ қолган материаллар чўкадиган идишдаги сувнинг юқори қисмини даврий равишда тўкиш йўли билан юмшоқ минерал материаллар ва ярим фабрикаторлардаги гил, чанг зарралари, майда ва нозик қум зарралари миқдорини аниқлаш усули.

Пенетрометр - *пенетрометр* - маълум вақт ичида берилган оғирлик кучига эга бўлган стандарт игнани намунага ботириш йўли билан битумларнинг маркасини аниқлайдиган лаборатория асбоби.

Пенетрометр грунтовой статического действия - *статик таъсир этувчи тупроқ пенетрометри* - ишлаб чиқариш шароитида тупроқларнинг шибаланганлик сифатини текширувчи асбоб.

Пикнометр - *пикнометр* - суюк ва қаттиқ жисмлар зичлигини аниқ ўлчаш учун қўлланиладиган махсус шаклдаги ва муайян сифимдаги шиша колба, ўлчов чегараси ёки найчаси бўлади.

Пластичность - *пластиклик* - ташқи куч таъсирида қаттиқ жисмларнинг яхлитлиги бузилмасдан қайтишсиз деформацияланиши.

Плотномер-влажномер - *зичлик-намлик ўлчагич* - дала шароитида тупроқнинг ҳақиқий зичлиги ва намлигини тезкор аниқлаш учун асбоб (Н.К.Ковалёв тизимлари).

Плотность грунта максимальная - *тупроқнинг максимал зичлиги* - оптимал намликка эга тупроқни зичлаш (стандарт зичлаш)га сарфланган ишлар ҳажмида олинган зичлик.

Плотность грунта сухого (скелетная плотность) - *қуруқ тупроқ зичлиги(таркибий зичлик)* - ковакларидagi сув массаси истисно қилинган қуруқ тупроқ массасининг ундаги мавжуд ғовакликлар ҳам киритиладиган шу тупроқ эгаллаган ҳажмга нисбати.

Плотность истинная - *ҳақиқий зичлик* - ҳажм жисм ёки модда зичлиги аниқланадиган нуқта доирасида жамланганда массанинг ҳажмга нисбати чегараси.

Плотность насыпная - *сочилган зичлик* - эркин сочилган юмшоқ материаллар, шу жумладан, қуқун қўринишидаги материалларнинг ковак ва бўшлиқлари ҳисобга олинган ҳолдаги массасининг у эгаллаган бутун ҳажмга нисбати.

Плотность средняя - *ўртача зичлик* - зичланган қатламда (махсулотлар, конструкциялар, материаллар) аниқланадиган физик катталиқ. Жисм ёки модда массасининг мавжуд бўшлиқлари ва коваклари ҳам киритиладиган унинг бутун эгаллаган ҳажмига нисбатини кўрсатади.

Площадь поверхности удельного - *солиштирма юза майдони* - минерал материаллар ва тупроқларнинг дон ва заррачалари юзасининг улар зич ҳолатда эгаллаб турган ҳажм ($\text{см}^2/\text{см}^3$) ёки оғирлик бирлигига нисбатига ($\text{м}^2/\text{кг}$) айтилади.

Поверхностномер пневматический – *пневматик юза ўлчагич* - қуқун ҳолатдаги материалларнинг солиштирма юза майдонини ўлчайдиган лаборатория асбоби.

Погодоустойчивость - *об-ҳавога бардошлилик* - турли атмосфера омиллари (ёмғир, қор, шамол ва б.) таъсири шароитида материал ёки ярим фабрикатларнинг конструкцияда ўз хусусиятларини сақлаш қобилияти.

Ползучесть материалов - *материалларнинг сирғалувчанлиги* - сарфлаш вақтида қолдиқ деформацияни юзага келтиришга (эгиловчанлик чегарасидан паст) қараганда кам бўлган, узоқ вақт таъсир қилувчи, катта бўлмаган доимий оғирлик (кучланиш) шароитида иншоотлар ёки маҳсулотлардаги материал (асосан, бетон)нинг ўлчами бўйича кичик ва вақт бўйича узлуксиз пластик деформациясининг аста-секин кўпайиши.

Пористость материала - *материаллар ғоваклиги* - ғоваклар ҳажмининг намуна геометрик ҳажмига нисбати, фоизларда ўлчанади.

Пористость остаточная асфальтобетона - *қолдиқ ғоваклик* - аралашма зичлангандан кейин қопламадаги қоваклар миқдори; ҳажм бўйича фоизларда ифодаланади.

Предел выносливости (усталости) материала - *материалнинг чидамлилик (чарчашиллик) чегараси* - шартли берилган (одатда, бениҳоят катта) даврлар миқдорида материал бузилмайдиган симметрик даврнинг энг юқори амплитудаси кучланиши тажрибалари билан белгиланади.

Предел ползучести - *сирғалувчанлик чегараси* - муайян вақт оралиғидаги сирғаниш тезлиги ва деформацияси шароитида техник шартлар билан белгиланган қийматлардан ошмайдиган энг катта кучланиш.

Предел пропорциональности - *пропорционаллик чегараси* - кучланиш ва деформация ўртасидаги тўғри пропорционаллик сақланишигача бўлган бир ўқли чўзилиш (сиқилиш)ни синаш шароитида ва улар ўртасидаги чизиқли боғланишдан чекиниш шароитида техник шартлар билан белгиланган кичик қийматга эришиладиган энг катта кучланиш.

Предел прочности - *мустаҳкамлик чегараси* - намуна бузилишидан олдинги энг катта кучланишнинг унинг кесими дастлабки майдонига нисбати билан тенг бир ўқли чўзилиш (сиқилиш)да синаш шароитидаги шартли кучланиш.

Предел упругости - *эгиловчанлик чегараси* - қолдиқ деформациянинг техник шартлар билан белгиланган муайян йўл кўйишларда тавсифланадиган, биринчи марта бирмунча катта кичик қийматларга эришадиган шароитда бир ўқли чўзилиши (сиқилиши)даги кучланиши.

Предел усадки грунта - *тупроқнинг чўкиш чегараси* - тупроқ қаттиқ консистенциядан ярим қаттиқликка ўтадиган ва бунда унинг ҳажмий ҳолати деярли бошқа қамаймайдиган шароитдаги намлик.

Предел пластичности грунта - *тупроқнинг пластиклик чегараси* - тоғ жинсининг намлик чегараси. Бунда у қаттиқ ёки ярим қаттиқ ҳолатдан пластик ҳолатга ўтади.

Предел текучести - *оқувчанлик чегараси* - жинсининг пластик ҳолатдан оқувчанлик ҳолатига ўтишига мос келадиган намлик.

Пресс гидравлический - *гидравлик пресс* - материаллар ва аралашмаларнинг намуналарини синаш учун лаборатория жиҳози.

Прибор Вика - *Вик асбоби* - бўлинган ҳалқада эркин аралаштирадиган, цилиндрсимон, сайқалланган металл стержень (пестика) ёрдамида цемент қоришмасининг меърий қуюқлигини аниқлаш учун, шунингдек зангламайдиган, сайқалланган симдан ясалган алмашувчи игналар ёрдамида цемент қоришмасининг ушлаб олиш муддатларини аниқлаш учун лаборатория асбоби.

Прибор Дина-Старка - *Дин-Старк асбоби* - тупроқлар, битумлар ва бошқа материаллардаги сувнинг миқдорини аниқлаш учун лаборатория асбоби.

Прибор КиШ ("Кольцо и шар") - *Ҳва Ш асбоби ("Ҳалқа ва шар")* - битум, қатрон, пекнинг юмшаш ҳароратини аниқлаш учун лаборатория асбоби.

Прибор Ле-Шателье (объёмомер) - *Ле-Шатель асбоби (ҳажм ўлчагич)* - цемент ва минерал қуқунларнинг зичлигини аниқлаш учун лаборатория асбоби.

Прибор Маршалл - *Маршалл асбоби* - Маршалл методи билан асфальтбетон аралашмаларнинг барқарорлигини, шартли пластиклигини ва шартли қаттиқлик кўрсаткичларини аниқлаш учун хизмат қиладиган, ўзини индикаторли ва қуч ўлчагичли механик узатма билан таъминланган синовчи пресс машина сифатида намоён қиладиган лаборатория жиҳози.

Прибор Михаэлиса - *Михаэлис асбоби* - асбоб бункеридан кичкина пақирча ёрдамида намуна олиш билан цемент қоришмасидан (1:3 таркибли сув-цемент нисбати 0,4 дан кам бўлмаган) қурилган намуна - балканинг эгилиш шароитидаги мустаҳкамлик чегарасини аниқлаш учун рычаг типидagi лаборатория асбоби.

Прибор Сокслета - *Сокслет асбоби* - эритувчи ёрдамида ажратиб олинадиган битум ва қатрон аралашмалардаги боғловчилар миқдорини аниқлаш учун мўлжалланган лаборатория асбоби.

Прибор стандартного уплотнения - *стандарт зичлаш асбоби* - 1) Ўйлсозлик ИТИ асбоби - оптимал намликдаги, таркибида 5 мм дан йирик ўлчамдаги зарралар 5% гача бўлган тупроқларнинг максимал стандарт зичлигини махсус методика бўйича аниқлаш учун

100 м³ ҳажмли цилиндр; 2)ЦНИИС асбоби – таркибида 2 мм дан йирик заррачалар 5% гача бўлган тупроқларни тезкор текшириш учун 100³ ҳажмли цилиндр.

Прибор Фрааса - *Фраас асбоби* - битум қатлами юзасида тешиқлар ҳосил бўлгунча доимий тезликдаги ҳароратда совутилган ҳолда даврий равишда эгиладиган пўлат пластинка устига суртиш йўли билан органик боғловчи материал (битум)ларнинг мўртлик ҳароратини аниқлаш учун мўлжалланган лаборатория асбоби.

Прибор Энглера - *Энглер асбоби* - битум эмульсиялар ва катронларнинг ёпишқоқлигини аниқлаш учун (Энглер даражаларида, Е⁰) мослаштирилган лаборатория асбоби.

Проба - *намуна* - текшириш ва баҳолаш учун жалб қилинган, талаб қилинган миқдорини тайёрлаш учун белгиланган усулларда танланган бир қанча материаллар ва ярим фабрикаларнинг намуналари. Намуналар қуйидагича бўлади: нуктали, бирлаштирилган, лабораторияли, таҳлилий.

Проктора метод - *проктор услуби* - стандарт зичланган шароитда тупроқнинг максимал зичлигини (г/см³) ва оптимал намлигини (%) аниқлаш.

Прочномер шариковый - *соққали мустаҳкамликни ўлчагич* - диаметри 11мм ва массаси 6,1...6,2г бўлган металл соққанинг найча бўйлаб 800 мм баландликдан урилиб қайтишини ўлчаш йўли билан, чақиқ тош (шағал) нинг мустаҳкамлигини унинг таранглиги бўйича тезкор усулда аниқлаш учун дала асбоби.

Прочность - *мустаҳкамлик* - кучланиш юзага келиши билан содир бўладиган турли ташқи табиий таъсирлардан бузилиш учун белгиланган шароит ва чегарада материалнинг қаршилиқ кўрсатиш хусусияти.

Прочность горной породы - *тоғ жинсларининг чидамлилиги* - жинсларнинг ташқи кучларга қаршилиқ кўрсатиш қобилияти (сиқилишга, эгилишга, чўзилишга, букланишга ва урганда майдаланишга бўлган қаршилиқлари бир-биридан фарқ қилади).

Радиоизлучение грунта рассеянное - *тупроқнинг тарқоқ радионурланиши* - радионурланиш манбаи - ботирилган зонд атрофини ўраб турган тупроққа радионурланишнинг тарқалиш даражасини ўлчашга асосланган сочилган тупроқ зичлигини аниқлаш услуби.

Радиопросвечивание грунта - *тупроқни радионурда текшириш* - тупроққа ботирилган нурланиш манбаи ҳисоблагичида

кабул қилинган импульс (туртки)лар микдорини ҳисоблашга асосланган сочилган тупроқ зичлигини аниқлаш методи.

Раздавливание - *янчилиши* - бир ўқли сиқилиш шароитида материал намунасининг бузилиши.

Размокание грунта - *тупроқнинг ивиши* - сувга ботирилгандан кейин тупроқ намунасининг парчаланиши.

Размягчение - *юмиши* - материалнинг иситилганда пластик (қайишқоқлик) ҳолатига ўтиш хусусияти.

Разрушение от повторных нагрузок (усталость материала) - *такрорий кучлар таъсирида бузилиш (материалнинг чарчаши)* - куч таъсирларининг кўп маротаба такрорланиши шароитида иншоот ёки машина элементининг тўсатдан синиши ёки бузилиши билан яқунланадиган, ҳисобланганлардан ошмайдиган ёриқлар пайдо бўлиши ва аста-секин ривожланиши йўли билан материалнинг бузилиши.

Распад шлака - *шлакнинг парчаланиши* - сув, шамол таъсири ёки ички ўзгаришлар натижасида шлакнинг бўлакланиб ёки қуқунланиб бузилиши. Қуйидагиларга ажратилади: *темирли* - нам таъсирида темир сульфиднинг (FeS) янги бирикмага ($\text{Fe(OH)}_2 + \text{H}_2\text{S}$) модда ҳажми сезиларли даражада катталашган ҳолда ўтиши натижасидаги бузилиши; *оҳактошли* - кўпроқ мартен шлакларида гувалакли оҳакнинг гидратланиш (“сўниши”) шароитида содир бўладиган ўз-ўзидан бузилиш; *марганецли* - таркибидаги марганецнинг намли муҳитда олтингугурт сульфиди билан бирикиши натижасидаги бузилиши; *силикатли* - иккилик кальций силикатнинг β шаклдан γ шаклга ўтиши ва модда ҳажми сезиларли даражада катталаниши билан бирга содир бўладиган вақтдаги парчаланиб ва майда қуқунга айланиб бузилиши.

Распад эмульсии - *эмульсиянинг парчаланиши* - эмульсия таркибий қисмларга ажраладиган жараён. Эмульсиянинг узоқ вақт сақланиши, транспорт билан ташилиши, музлаши, шунингдек тош материаллар билан ўзаро таъсири вақтида юз беради.

Расслаиваемость - *қатламланиши* - транспортда ташиш ва жойлаштиришда турли йирикликдаги материал (аралашмалар)нинг бир жинслиликни йўқотиш хусусияти.

Растворимость - *эруванлик* - материал (модда)ларнинг бир хил кимёвий таркиб ва физик хусусиятга эга бўлган бир жинсли тизимларни ҳосил қилиш хусусияти.

Расширение объёмное - *ҳажмий кенгайиш* - жисм ҳажми кенгайиши ёки камайишининг шу жисмнинг дастлабки ҳажмига нисбати.

Релаксация - *релаксация* - термодинамик тизимларнинг ташқи таъсирлар юзага келтирган номувозанат ҳолатдан термодинамик мувозанат ҳолатига аста-секин ўтиши жараёни. Релаксацион жараёнларга мисоллар: жисмда унинг доимий деформацияси шароитида кучланишнинг аста-секин ўзгариши (кучланиш релаксацияси); узлуксиз ва доимий механик кучланиш шароитида деформациянинг ошиб бориши ёки ташқи кучланиш узилгандан кейин олдин ривожланган деформациянинг камайиб бориши (деформация релаксацияси); диффузиялаш йўли билан эритма ва газли аралашмалардаги нотекис тақсимланган концентрацияларни тенглаштириш. Бу жараённинг тезлик ўлчови бўлиб тизимни тавсифловчи унинг мунтазамлик қиймати e марта ($e=2,718$) камаядиган қандайлир параметрлардан четга оғиш давомидаги вақт оралиғи - *вақт релаксацияси* хизмат қилади.

Растяжимость битума - *битумнинг чўзилувчанлиги* - куч таъсирида битумнинг ингичка ҳолатгача чўзилиш хусусияти. Дуктилометр ёрдамида чўзилган битумнинг узилган масофаси билан (сантиметрда) ўлчанади.

Регенерация - *регенерация* - қайта ишлатиш мақсадида ишлатилган материалларнинг хусусиятларини тиклаш.

Реология - *реология* - материалларнинг деформацион хусусиятларини ўрганувчи фан. Фаннинг асосий мақсади вақт таъсирида материалларда зўриқиш ва деформация ўзгаришини аниқлаш.

Сила тяжести - *оғирлик кучи* - ҳар қандай жисмнинг Ерга тортилиш кучини аниқлайдиган вектор катталиқ. Оғирлик кучининг қиймати берилган нуқтага эркин тушиш тезлиги билан боғлиқ; ньютон (Н)да ифодаланади.

Склерометр - *склерометр* - асбоб зарбали-занг чалувчисининг эластик урилиб қайтиши асосида йўл ва аэродром қопламаларининг юза қатлами мустаҳкамлигини аниқлаш йўли билан бетонни текшириш учун жиҳоз.

Слѣживаемость - *қапишувчанлик* - майдаланган материалларнинг ўз қатлами оғирлиги таъсири остида маълум даражада мустаҳкам жипслашган массага ўтиш хусусияти. Совуқ асфальтбетон аралашмаларнинг қулай жойлашиши билан

тавсифланади. Стандарт намунага доимий баландликдан тушувчи муайян массадаги юкнинг зарбалари сони билан баҳоланади.

Сорбция - *сингдирилиши* – газ кўринишли(газлар, буғлар) ёки каттиқ жисмларнинг эриган моддалари ёки атроф-муҳитдаги суюқликларнинг ҳам устки (адсорбция), ҳам ҳажмий (абсорбция) жиҳатдан сингдирилиши физик-кимёвий жараёни.

Сохраняемость материалов - *материалларнинг сақланувчанлиги* - материаллар, аралашмалар ва маҳсулотларнинг сақланиш муддати давомида ва ундан кейин ҳамда транспорт билан ташишда техник ҳужжатларда белгиланган шартли эксплуатацион кўрсаткичларини сақлаш хусусияти.

Спайность - *қўшилувчанлик* - материаллар (донлар, кристаллар, минераллар, жинслар) нинг механик майдаланиши вақтида ажралиш жойида ясси юза ҳосил бўлган ҳолда муайян йўналиш бўйлаб парчаланиш хусусияти.

Спекаемость - *пишувчанлик* - баъзи материаллар (мас., гиллар)нинг энг осон эрувчилари таркиби қисман эриши натижасида истилган (куйдирилган) сари муайян ҳарорат оралиғида юмшаши ва зичлашиши, совутилганда эса янги хусусиятга эга бўлиши, жумладан, ўз мустаҳкамлигини ошириши қобиляти.

Старение - *эскириши* - материалнинг ишлаш шароити, ташқи муҳит таъсири, ундаги ички физика-химиявий жараёнлар кечиши натижасида, хусусиятнинг тикланмас даражада ўзгариши ва материалнинг қаршилиги камая бориши тушунилади.

Стойкость - *чидамлилиқ* - материалнинг белгиланган таъсирларга бирмунча даражада қаршилиқ кўрсатиш хусусияти(мас., емирилишга, занглашга қарши чидамлилиги).

Структура бетона - *бетон структураси* - асфальт ва цементбетонларнинг ички тузилиши, бунда улардаги минерал материаллар, боғловчиларнинг сони, сифати, уларнинг ўзаро жойлашиши ва боғланиши тушунилади.

Сублимация (возгонка) - *сублимация (ҳайдаш)* - модданинг кристалл (каттиқ) ҳолатдан бевосита газли кўринишга эриш босқичини босиб ўтган ҳолда фазали ўтиши.

Схватывание - *бириктириши* - пластик жисм (минерал боғловчи ва сувлар бўла бориб, аралашмаси)нинг аста-секин кўпроқ ёпишқоқ ва камроқ қўзғалувчан ундан кейин каттиқланиш ҳодисаси юз бериши натижасидаги физик - кимёвий жараён.

Сцепление - *улашиш* - боғловчиларнинг тупроқ ва минерал моддалар билан бирлашиш жараёни, бунда янги турдаги структура ҳосил бўлади.

Твердение минерального вяжущего - *минерал боғловчининг қотишиш* - минерал боғловчилар ва сув аралашмасининг бирикишидан кейин бошланадиган қисман ёки тўлиқ кристаллашиши билан аста-секин тош шаклли ҳолатга ўтиши жараёни.

Твёрдость материала - *материалнинг қаттиқлиги* - материални синаш ва фойдаланилишида белгиланган шароитларда жузъий боғланишлар таъсиридаги пластик деформация ва мўртли бузилишларга қаршилик кўрсатиш хусусияти. Материалнинг қаттиқлигини тахминий баҳолаш учун Ф. Мооснинг нисбий минерологик шкаласидан фойдаланилади (қар.: «Моос шкаласи»). Қаттиқликни микдорий аниқлаш учун митти қаттиқлик ўлчагич асбоблардан фойдаланилади (мас., ПМТ-3).

Текучесть - *оқувчанлик* - мустаҳкамликни оширишгача бўлган муайян даражада таранглик чегараси доирасидаги кучланиш шароитида материал пластик деформациясининг вақт ўтиши билан ортиб бориши.

Температура абсолютная (Т) - *мутлақ ҳарорат* – термодинамик шкала бўйича мутлақ нолдан бошлаб ҳисобланадиган ҳарорат. Кельвин (К)да ифодаланади. $T=t+273,15$, бу ерда t - Цельсий ($^{\circ}\text{C}$) даражаларида ўлчанган ҳарорат.

Температура воспламенения - *алангаланиш ҳарорати* - материалнинг энг паст ҳароратда аланга олиш ҳарорати тушунилади.

Температура вспышки - *учқунланиш ҳарорати* - органик боғловчиларни киздирганда чиққан газларнинг ҳаво билан аралашмасига олов яқинлаштирилганда учқун олиши тушунилади, бунда органик боғловчиларнинг қиздирилган ҳарорати ўлчанади.

Температура размягчения - *юмшаиш ҳарорати* - ҳалқа ва шар лаборатория асбобида жойлаштирилган битумнинг ҳарорати таъсирида юмшаши натижасида стандарт шарнинг ҳалқа орасидан ўтишдаги температураси тушунилади.

Температура хрупкости (или затвердевания) - *мўртлик (ёки қаттиқланиш) ҳарорати* - юпка қатламли органик боғловчилар пластик хусусиятини йўқотадиган ва мўрт жисм хусусиятига эга бўладиган ҳарорат.

Температуропроводность - *ҳарорат ўтказувчанлик* - турғун бўлмаган иссиқлик жараёнлари шароитида материалнинг ҳарорати ўзгариши тезлигини тавсифлайдиган физик параметр. Микдор

жихатдан иссиқлик ўтказувчанликнинг материал нисбий иссиқлик сифимини унинг зичлигига ўтказишга бўлган нисбати билан тенг.

Тензометр - *тензометр* - муайян асосдаги конструкция элементи ёки намунасининг мутлақ узайиши ёки қисқаришини ўлчаш учун асбоб.

Теплоёмкость - *иссиқлик сизими* - материалнинг иссиқлик сизими коэффициенти билан баҳоланадиган, иситилганда муайян миқдордаги иссиқликни ютиши хусусияти ёки жисм ҳароратини 1 Кельвинга ўзгартириш учун зарур бўлган иссиқлик миқдори. Кельвинга жоул (Ж/К)да ифодаланади.

Теплоёмкость удельная - *нисбий иссиқлик сизими* - модда (материал) массаси бирлигининг иссиқлик сизими. Кельвинга жоул (Ж/К)да ифодаланади.

Теплопроводность - *иссиқлик ўтказувчанлик* - жисмда модда алмашинувсиз юзага келадиган иссиқлик тарқалиш жараёни.

Теплоустойчивость - *иссиқликка чидамлик* - ҳарорат ўзгарган шароитда конструкцияда материалнинг ўз хусусиятини сақлаши.

Теплоустойчивость конструкции - *конструкциянинг иссиқликка чидамлиги* - конструкция орқали ҳарорат тўлкини ўтиши шароитида конструкциянинг ҳароратлар уйғун тебраниши кенглиги (амплитудаси)ни камайтириш қобилияти.

Термопластичность - *термопластиклик* - ҳарорат таъсирида органик боғловчилар ва органик минерал материалларнинг ўз физик ҳолатини (қаттиқликдан суюқликкача) ўзгартириш қобилияти.

Термостат - *термостат* - текшириш ва тадқиқот ўтказиш шароитида материаллар намуналарининг ҳароратини доимий сақлаш учун (одатда, 60...300°C чегарасида) лаборатория жиҳози.

Технологические свойства - *технологик хусусиятлар* - материалнинг ишлаб чиқариш ва фойдаланилиш шароитидаги хусусиятларини (майдаланувчанлик, зичланиш, табақаланишга барқарорлик, юмшаш қобилияти, оқувчанлик, ёпишқоқлик) тавсифлайди.

Тиксотропия - *тиксотропия* - жисмнинг механик бузилишидан кейин вақт ўтиши билан унинг изотермик шароитларда ўз фазовий тузилмасини қайта тиклаш қобилияти.

Тонкость помола (дисперсность) - *уннинг юпқалиги (дисперслиги)* - муайян ўлчамдаги элакдан ўтказилган, юза майдони улуши бўйича ($\text{см}^2/\text{г}$) ёки кукун массаси бўйича чанг кўринишли материаллар (цемент, минерал кукун ва ш.к.) тавсифи.

Трение - *ишқаланиш* - қаттиқ жисмлар ўртасидаги улар бирига туташадиган ўринларда юзага келадиган ва улар туташадиган текислик йўналишида ётган жисмнинг нисбий силжишига тўсқинлик қиладиган механик таъсирлар.

Ударник - *зарба берувчи* - асбобнинг тушувчи қадоқ тоши зарбалари таъсиридаги унинг чўкиш қиймати бўйича кўтарма тупроқнинг зичлик даражасини тезкор аниқлаш учун асбоб (Йўлсозлик ИТИ зарба берувчиси).

Удельная эффективная активность ($A_{эфф}$) - *нисбий самарали фаоллик ($\Phi_{сам}$)* - инсон организмга уларнинг биологик таъсирини ҳисоблаш билан аниқланадиган, қурилиш материалларидаги табиий радионуклидларнинг жамланган нисбий фаоллигини тавсифлайдиган параметр; килограммга беккерел (Бк/кг)да ўлчанади. Ушбу кўрсаткич бўйича материаллар синфларга бўлинади: I синф - $\Phi_{сам} \leq 370 \text{ Бк/кг}$, II синф - $\Phi_{сам} \leq 740 \text{ Бк/кг}$, III синф - $\Phi_{сам} \leq 2800 \text{ Бк/кг}$.

Удлинение относительное - *нисбий узайиш* - чизикли элемент, намуна ёки уларнинг қисмлари мутлақ узайиши ёки камайишининг, б.а., чўзилиш вақтидаги ўсишининг, дастлабки вақтдаги узунлигига нисбати, улушлар (фоизлар)да ўлчанади.

Ультразвук (Уз) - *ультратовуш (Ут)* - инсон кулоғи билан идрок қилинмайдиган, 20кГц дан юқори частотали эластик муҳитнинг механик тебраниши. Қоплама ёки намуна-ларни бузмасдан бетоннинг мустаҳкамлик хусусиятини аниқлашда лаборатория ёки дала асбоблари учун фойдаланилади.

Уплотняемость - *зичланганлик* - энг кам энергия сарфи шароитида материалнинг берилган зичликка эга бўлиш хусусиятлари.

Упругость - *эгиловчанлик* - деформацияни юзага келтирган куч йўқ қилингандан кейин қаттиқ жисм (материал)нинг дастлабки ҳажм, шакл ва чизикли ўлчамини қайта тиклаш хусусияти.

Усадка - *чўкиш* - нисбий намлиги 100% дан кам бўлмаган ҳаво муҳитида материал (бетон, эритма ва б.) қаттиқлашганда ёки капилляр ва молекуляр таъсир билан юзага келадиган тупроқ қуруқлашганда ҳажмининг камайиши, шунингдек сув билан бириккан қатлам қалинлигининг камайиши. Цементнинг гидратланиш жараёни ва тупроқ намлигининг ўзгариши билан боғлиқ.

Усталость материала - *материалнинг чарчаши* - конструкция материалида аста-секин пайдо бўладиган, йиғиладиган ва ривожланадиган ёриқларни юзага келтирадиган, вақти-вақти билан

даврий равишда кўп марта такрорланадиган таъсирлар натижасида материалнинг физик-механик хусусиятлари ўзгариши.

Устойчивость - *барқарорлик* - иншоотлар ва улар элементларининг дастлабки шаклини ва шаклий ўзгаришдаги ўхшашликни сақлаган ҳолда, бузмасдан сиқилувчи ва эгилувчи кучланишга қаршилиқ кўрсатиш қобилияти.

Устойчивость смеси к расслаиванию по показателю стекания вяжущего - *боғловчиларнинг оқиб тушиши кўрсаткичи бўйича аралашмаларнинг қатламланишга барқарорлиги* - қайноқ чақиқ тош-мастикали асфальтбетон аралашмаларнинг боғловчилар билан ушлашиш хусусиятларини аниқлаш услуги.

Устойчивость эмульсии - *эмульсияларнинг барқарорлиги* - эмульсияларнинг бузилмасдан сақланишга, б.а., боғловчиларнинг ажралишига чидаши хусусияти. Эмульсиялар намунасининг очиқ цилиндрда 18...20°C ҳароратда етти сутка сақлангандаги ажралган боғловчилар микдорининг умумий микдорга нисбати бўйича лабораторияда баҳоланади.

Уплотнения грунта стандартное - *тупроқни стандарт зичлаш* - лаборатория шароитида тупроқни зичлаш усули, бунда ҳозирги зичлаш ва шиббалаш машиналарига мос келувчи тупроқнинг оптимал намлиги ва максимал зичлиги аниқланади.

Формуемость - *шаклланганлик* - турли маҳсулотлардан ташкил топган материаллар ва аралашмаларнинг муайян шаклга эга бўлиш хусусияти. Сарфланган иш билан тавсифланади.

Фракция - *фракция* - сочилган ёки бўлакланган материал (тупроқ, чақиқ тош ва б.)нинг ёки суяқ аралашма (нефтлар ва б.)нинг муайян белгилар бўйича ажралган қисми. Мас., фракциялар қуйидагиларга бўлинади: тупроқ, чақиқ тошнинг элакланган таҳлилидаги зарра, доналарнинг ўлчами бўйича; қайнаш ҳарорати бўйича - нефтлар ва б. ш.к.ларни ҳайдашдаги фракциялар.

Хемосорбция - *хемосорбция* - адгезиянинг чегаравий ҳолати: жисмнинг юза қисмида устки кимёвий бирикмалар ҳосил қиладиган кимёвий ўзаро таъсирлар. Битум минерал материалларда - карбонатли тоғ жинслари ва битум юзасида сувда эримайдиган кальций совуни ҳосил қилинадиган реакция. Асфальтбетоннинг сувга ва коррозияга чидамлилигини оширишга кўмаклашади.

Хладноломкость - *совуқ ҳолатда синиш* - айрим материалларнинг ҳарорат пасайгандаги мўртлигининг нисбатан осон ошиши ва пластик дарз кетишлар мўртликка ўтган ҳолда, дастлабки пластик деформацияси сезилмасдан мўрт бузилиш хусусияти.

Хрупкость - *мўртлик* - материалнинг муайян шароитда пластик деформацияси сезилмасдан мўрт бузилиш хусусияти.

Центрифуга - *центрифуга* - турли йирикликдаги доналарнинг тез аралаштирилиши($1000...10000\text{мин}^{-1}$) шароитида бўлиниш (қатламланиш) усули билан йўл материаллари, тупроқлар ёки эритмалар намуналарини текшириш учун лаборатория жиҳози.

Число пластичности - *пластиклик миқдори* - тупроқнинг пластик ҳолатда бўлган чегарадаги намлик интервали. Тупроқнинг оқувчанлик чегаралари ва жуваланиш чегараларидаги намлик ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Тупроқларнинг гиллик даражасини, шунингдек физик-механик ва намлик хусусиятларини тавсифлайди.

Шкала Мооса - Моос шкаласи - 10та минерал эталон: 1-талк, 2 -гипс, 3 - кальций, 4 - флюорит, 5 - апатит, 6 - ортоклаз, 7 - кварц, 8 - топаз, 9 - корунд, 10 - олмосдан ташкил топган тош материаллар қаттиқлигининг нисбий минералогик шкаласи. Унинг ёрдамида минерал материалларнинг қаттиқлиги баҳоланади.

Шкаф сушильный - *қуритиш шкафи* - текширилаётган материаллар ёки аралашмалар намуналарини қуритиш учун, шунингдек зарарли жуфтларга ажратилган материаллар ёки аралашмаларни тайёрлаш ва текшириш вақтида асбобларни жойлаштириш учун лаборатория жиҳози (сўрувчи шкаф).

Эксикатор - *эксикатор* - қопқоғи зич ёпиладиган чашкадан иборат, лаборатория намуналарини сақлаш учун шиша идиш.

Экстрагирование - *ажратиб олиш* - аралашма намунасидан битумни унинг таркибини миқдорий аниқлаш учун чиқариб олиш усули.

Эластичность - *эластиклик* - материалнинг нисбатан катта бўлмаган кучланиш шароитида бузилмаган ҳолда бирмунча сезиларли эластик қайтувчи деформацияни ўзидан ўтказиш қобилияти. Шунингдек полимер-битум боғловчилар (ПББ) хусусиятларининг стандарт кўрсаткичлари ҳам ҳисобланади; чўзилишга боғлиқ ҳолдаги аслига қайтгандан кейинги жами чўзилишлар йиғиндиси ва намунанинг чўзилишгача бўлган узунлиги (3см) ҳамда намунанинг узилишлари узунлиги йиғиндиси ўртасидаги фарқ сифатида фоизларда ҳисобланади.

Электрическая проводимость - *электр ўтказувчанлик* - жисмнинг электрга қаршилиқ кўрсатишига тескари катталик сифатида аниқланадиган ва сименс (См) да ифодаланадиган, вақт

бўйича ўзгармайдиган электр майдони таъсирида доимий ток ўтказиш қобилияти.

V. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚУРИЛИШИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Йўл қурилиш ишларини ташкил этиш ва механизациялаш.

5.1. Йўл қурилиш ишларини ташкил этиш, уларнинг технологияси, механизациялаш ва автоматизациялаш

Автоматизация **производства** - ишлаб чиқаришни *автоматлаштириши* - ишлаб чиқаришдаги технологик механизациялашган жараёнларга ускуналар (асбоблар, аппаратлар) ёрдамида автоматик назорат ўрнатиш, оператор (машинист)нинг иштирокисиз бу жараёнларни бошқариш ва тартибга солиш. Объект (машина, қурилма, агрегат)лар ва бошқарув асбобларининг жами мажмуи автоматик тизим дейилади. Вазифасига кўра автоматик тизимлар уч гуруҳга бўлинади: назорат қилувчи, бошқарувчи ва тартибга солувчи.

Автоматизированная система управления (АСУ) - *автоматлаштирилган бошқарув тизими (АБС)* - иқтисодий математик усуллар, техник восита (ЭХМ, алоқа воситалари, информацияларни акс эттириш қурилмалари ва ҳоказолар) ва тезкор бошқарув ечимларининг оптимал вариантлари билан мураккаб объектни рационал бошқаришни таъминловчи ташкилий мажмуалар йиғиндиси. АБСлар объектлар бўйича фарқланади: технологик жараёнлар учун - ТЖАБС, корхоналар учун - КАБС, тармоқ моддий таъминот ва бошқалар учун функционал автоматлаштирилган тизимлар.

Алгоритм - *алгоритм* - бир синфга мансуб турдаги масалаларнинг хоҳлаган конкрет бирини ечишга имкон берадиган якуний коида (кетма-кетлик, ечимлар тартиби)ларнинг аниқ тўплами. Бунда дастлабки маълумотлар аниқ ораликларда ўзгариши (алгоритмнинг оммавийлиги) мумкин. Дастлабки маълумотларга масала ечимининг йўли, қоидаларини жорий этиш бир тарафлама аниқланганлиги (алгоритмнинг детерминацияллашуви) бу жараён натижасини кўрсатади.

Блок-схема - *блок схемаси* - 1) Ҳисоблаш машинасининг асосий тузилма элементлари ва мантикий алоқаларини ўз ичига олувчи схема. Ишлаётган ва бошқарувчи маълумотлар ҳаракатини назорат қилишга имкон беради. 2) Бажарилаётган операцияларни сигналлар ёрдамида билдириб турувчи, машиналарни (асфальтбетон, цементбетон қориштиргич ускуналар ва бошқалар) автоматик ва масофадан бошқариш пультадаги схема.

Бригадный подряд - *бригада пудрати* - объект ёки унинг қисмини қуришда иштирок этаётган бригаданинг барча ишчилари ва механизаторлари қурилиш маъмурияти билан ягона шартнома бўйича ишлашга асосланган меҳнатни ташкил этиш усули.

Бурение - *пармалаш* - тоғ жинсларини механик (айланма, айланма-зарбали, зарбали), физик-механик (термик) ва комбинациялашган усуллар билан бузиб, тоғ жинслари ёки тупроқда ғоваклар ҳосил қилиш ёки кам чуқурликларда пармалаш йўли билан (5 м гача) шпурлар ҳосил қилиш.

Ватерпасовка - *ватерпасли ўлчаш* - ватерпас (сатҳ) ва икки рейка ёрдамида жой бир нуқтасининг иккинчисидан ошишини аниқлаш, шунингдек йўл пойини режалаштириш, қияликнинг текислигини текшириш ва ш.к.

Ведущая машина - *етакчи машина* - технологик ишлаб чиқариш жараёнидаги энг кўп иш ҳажми ва асосий операцияларни бажарувчи, звено ёки комплексдаги асосий йўл машинаси. Комплексдаги қолган механизациялаш воситалари етакчи машинага ёрдамчи бўлиб, улар оқимининг умумий иш суръатини ва йўл ишларининг талаб этилган сифатини таъминлайди.

Виброуплотнение - *виброзичлаш (тебранма зичлаш)* - бир вақтда босим ва зичлагич оғирлигининг тебраниши таъсиридаги динамик зичлаш.

Визирка - *визирка* - Т-шаклдаги рейка, катта бўлмаган учаскаларда йўл пойини режалаштириш ёки унинг текислигини текшириш учун қўлланилади.

Вместимость (емкость) - *сигим* - идиш ва сиғимларнинг ички ҳажми.

Водопонижение - *сув сатҳининг пасайиши* - қурилиш даврида тупроқдаги ёки тупроқ қатламлари орасидаги сув ҳавзаси сатҳини нинали филтрлар, сув насослари, ҳамда керакли ҳудуддаги пармалаш ғовакларида жойлаштирилган махсус воситалар ёрдамида бошқариб пасайтириш.

Восстановление трассы - *йўл ўқини тиклаш* - лойихаланган ва кидирув ишлари ўтказилган йўл ўқини жойида топиб, уни мустаҳкамлаш ишларининг йиғиндиси.

Вынос пикетажа - *пикетажнинг белгиларини четга чиқариш* - пикетлар чегаралари ва уларнинг тартиб рақамларини кўрсатувчи, йўл пойи доирасидан ташқаридаги (резервлар, ариқлар) қурилмалар.

Выработка на одного рабочего - *бир ишчининг маҳсули* - қурилишнинг смета қийматини ишчилар сонига бўлиш билан аниқланади.

Выторфовывание - *торфни чиқариб ташлаш* - йўл пойи кўтармаси асосидаги торфли тупроқни олиб ташлаш; механизациялашган, портлатиш ва гидромеханик усуллар, шунингдек олдиндан юмшатиб ёки юмшатмасдан кўтарма оғирлиги босими билан чўктириш усуллари қўлланилади.

Выкорчевывание - *тўнкалардан тозалаш ишлари* - тайёргарлик ишларидан бири. Йўл учун ажратилган минтақани йўл қурилиш ишлари олиб бориш учун дарахт тўнкаларидан ва илдишлардан тозалаш.

Гидромеханизация - *гидромеханизация* - тоғ жинслари ёки тупроққа ишлов беришнинг механизациялашган усули. Бунда сув оқими ва босимдан фойдаланиб, тупроқ маълум жойга ташилади, йўл пойи қурилади ёки тупроқ ётқизилади.

Гидропосев - *сув билан уруғ сепиш* - йўл пойи ён бағрини ўсимлик тупроғидан фойдаланмаган ҳолда, мустаҳкамлаш усули. Бу ишда кўп йиллик ўт-ўлан уруғлари, сомон, қиринди, целлюлоза, плёнка ҳосил қилувчи материаллар аралаштирилиб, гидросеялка ёрдамида ўйма ёки кўтарма ёнбағирларига сув сепиб, мустаҳкамланади.

Гидросмесь (пульпа) - *гидроаралашма* - гидродинамик усулда иш олиб борилганда ҳосил бўладиган майдаланган тупроқ ёки тоғ жинси (суспензия) нинг сув билан аралашмаси.

Гидротранспортирование - *гидротранспорт ишлари* - йўл пойи кўтармаси, дамба қурилишида гидроаралашмани сувнинг ўзанлари, лотоклар (босимсиз) ёки насослар билан қувурларда (босимли) кўчириш.

Гидрофобизация грунта - *тупроқни гидрофоблаш* - (тупроқнинг сув юқтирмаслиги) - тупроқнинг сув таъсирига чидамлилигини ошириш учун, унга механик-физик хоссаларини яхшиловчи моддалар билан ишлов бериш (“Тупроқларни мустаҳкамлаш” бўлимига қаранг).

Госнадзор - *давлат назорати* - давлат инспекциялари ва бошқа назорат-текширув масалалари бўйича ташкилотларнинг қурилишлар устидан махсус низомларга мувофиқ олиб борадиган назорати.

График календарный - *календар жадвал* - барча ишларнинг тўлиқ рўйхатини, уларни бажариш тартиби ва кетма-кетлигини, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро алоқалар хусусиятини аниқлайди.

График почасовой - *соатбай жадвал* - бир босқичда ишлайдиган машиналарнинг ўзаро алоқаларини ва ихтисослаштирилган оқимнинг турли босқичларида улардан фойдаланиш хусусиятларини аниқлайди.

График производственный - *ишлаб чиқариш жадвали* - ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг календар режаси ёки автомобиль йўли ва кўприк қурилишида йўл, кўприк, қувур ва шу каби иншоотлар қисмларини қуриб битказиш режаси.

График работ - *ишлар жадвали* - йўл қурилиш ишларининг маълум меъёрий кўрсаткичлар асосида ташкил этилиши, ресурсларни олиш муддатлари, объектдаги барча ишлар кетма-кетлиги, суръати ва битказилиши муддатларини белгиловчи ҳужжат.

График сетевой - *тармоқ жадвали* - йўл қурилиш ишларини ташкил этишнинг дастлабки ҳужжати бўлган ҳисобий параметрли тармоқ модели. У мунтазам ва тез-тез ўзгарувчи тузатмалар графигига эга бўлган автомобиль йўли қурилишининг чизиқли технологик оқим хусусиятларини ҳисобга олади. Унинг қисмлари - ишлар, ходисалар, қутиш, йўл. У алоҳида ишларнинг бажарилиш муддатини аниқлайди ва ишлар орасидаги мантикий боғлиқликни яққол кўрсатади.

Грубая планировка земель - *ерни хомаки текислаш* - ер ишларининг асосий ҳажмларини бажариш билан юзани дастлабки текислаш.

Грунтовка шва - *чокни ямаш* - чокни тозалагандан сўнг, тўлдирувчи материални унинг деворларига яхши ёпишиши учун суяк ёпишқоқ материал суртиш.

Давление поровое - *ковакчадаги босим* - тупроқ ковакчаларида жойлашган сувдаги гидродинамик босим.

Действие потока - *оқим фаолияти* - автомобиль йўли ёки унинг маълум бир қисмини, кўприк ёки бошқа муҳандислик иншоотини бир оқимда кўриш давомийлиги (тўлиқ қурилиш муддати).

Диаграмма распределения земляных масс - *ер массасини жойлаштириш диаграммаси* - кўтарма ва ўймалар балансини, захира материаллар зарурлигини аниқлаш ёки ортиқча чиққан материалларни жойлаштириш, шунингдек ер ишларини бажаришнинг энг самарали усулларини аниқлаш учун қўлланиладиган диаграмма.

Диспетчеризация строительства - *қурилишни диспетчерлаштириш* - қурилишдаги ишлаб чиқаришнинг тезкор бошқарув тизими бўлиб, қурилишнинг барча бўғин ва пунктлари билан тезкор техник алоқа воситалари орқали боғланган, қурилиш-монтаж ишлари жадвалига асосланган ҳолда иш олиб борилади.

Длина комплексного потока - *комплекс оқим узунлиги* - қуриладиган йўл бўлагининг узунлиги бўлиб, унга бир вақтда барча ихтисослаштирилган оқим отрядлари ва улар орасидаги технологик танаффус ҳам кириди.

Длина специализированного потока - *ихтисослаштирилган оқим узунлиги* - битта ихтисослаштирилган отряд звено, ёки бригада банд бўлиб қуриладиган йўл узунлиги комплекс оқим узунлигининг бир қисми (“Ихтисослаштирилган оқим” га қаранг).

Длина частного потока - *алоҳида оқим узунлиги* - қуриладиган йўлнинг бир отряд, звено, бригада банд бўлган участкаси узунлиги (ихтисослаштирилган оқим узунликлари қисми).

Доуплотнение грунта - *тупроқни яқуний зичлаш* - максималдан паст зичликка эга бўлган тупроқни зичлаш жараёни.

Зависимость в сетевом графике - *тармоқ жадвалидаги боғлиқлик* - мантикий боғлиқлик бўлиб, тармоқ жадвалидаги ишларнинг ўзаро тўғри муносиблигини билдиради. Меҳнат ва вақт сарфини талаб этмайди.

Задел - *иш тўхтаб қолмаслиги учун ажратилган жамғарма* - йўл ишларининг фойдали хажми бўлиб, бирор бир иш турини бошқа ишлардан аввал бажарилиши режасига мувофиқ аниқланади, ҳамда қишки ва келаси мавсум бахорги даврда ишлар фронтини таъминлаш учун белгиланади.

Закрепление песков - *қумларни мустаҳкамлаш* - йўл хизмати томонидан бажариладиган технологик жараёнлар мажмуи. Қуйидагиларни ўз ичига олади: кетма-кет босқичли тарзда ўсимликлар ўтқозиш (фитомелиорация): дастлаб чўлда ўсишга мойил ўсимликлар ўтқозилади, кейин қумларнинг ҳаракатини тўхтатмаса ҳам, уларнинг силжишини камайтирадиган турлар экилади; қумларга боғловчи моддалар, мас., битум эмульсиялар билан ишлов берилади.

Закрепление трассы - *йўл ўқини мустаҳкамлаш* - йўл ўқидаги нукталарни жойдаги мустаҳкам предметлар ёки махсус ўрнатилган реперларга боғлаш. Боғланаётган нукта ва жойдаги предметлар ёки реперлар орасидаги масофа, бурчак йўналишлари координаталари белгиланади.

Запасы производственные - *ишлаб чиқариш захиралари* - таъмирлаш учун хом-ашё, материаллар, идишлар, эҳтиёт қисмлари ва ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш учун омборлардаги жиҳоз ва инвентарлар.

Заполнение швов - *чокларни тўлдириш* - кўндаланг жойлашган чўзилиш ва кенгайиш чокларининг юқори қисмига эластик материаллар (мастика, герметик ва бошқа)ни киргазиш, бўйлама чоклар орасига эса ҳарорат тебранишлари натижасида сув кирмаслиги учун эластик қуйилмаларни жойлаштириш.

Захватка - *иш кўлами* - асосий ишлаб чиқариш воситалари жойлашган ва бир хил таркиб ва ҳажмдаги ишларининг такрорланувчи жараёнлари олиб бориладиган, кўрилаяётган йўлнинг бир бўлаги. Бу ерда ихтисослаштирилган оқим бир ёки бир неча ишчи операцияларни олиб боради. Одатда иш кўламининг узувилиги бажарилаяётган ишларнинг суткалик самарадорлигига қараб белгиланади.

Измельчение грунта - *тупроқни майдалаш* - тупроқни ёпишқоқ боғловчи материаллар билан мустаҳкамланганда қоришма сифатини яхшилаш учун бажариладиган технологик операция. Махсус мосламалар билан бажарилади.

Индустриализация дорожного строительства - *йўл қурилишини индустриализациялаштириш* - қурилишнинг шундай усулики, бунда ишларнинг мумкин бўлган энг кўп қисми замонавий механизация воситаларига эга ва хизмат кўрсатиш доираси кенг бўлган автоматлаштирилган бошқарувли йўл қурилишининг йирик ишлаб чиқарш корхоналарига кўчирилади. Бу усул билан мунтазам йўл қурилишда қурилиш - монтаж ишларини тайёр қоришма, маҳсулот ва қисмлардан фойдаланиб бажаришни таъминлаш натижасида қурилишдаги умумий сарф-харажатлар камайиб, қурилиш муддати қисқаради ва объектни фойдаланишга топшириш тезлашади.

Инструкция - *қўлланма* - Вазирлар Маҳкамаси ёки давлат қурилиши бошқарувидаги органлар тасдиқлайдиган ва нашр этадиган меъёрий-техник ҳужжат. Алоҳида қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш, йўл тўшамасини ҳисоблаш ва лойиҳалаш, баъзи материаллар,

конструкциялар ва жиҳозларни қўллаш каби ишларга техник талабларни белгилайди. қурилиш қоидалари ва меъёрларининг тегишли бўлимлари кенгайтирилган кўринишда ишлаб чиқилади. Кўпинча йўриқномалардан ҳам фойдаланилади.

Карта намыва - *тупроқни ювиш харитаси* - гидроаралашмани сув билан силжитиб, керакли жойга тушириш учун режалаштирилган жой.

Карта технологическая - *технологик харита* - қайта - қайта такорланувчи, оммавий қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун фойдаланиладиган хужжат. Бу хужжатда ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этишнинг рационал ечимлари замонавий, энг самарадор механизация воситалари билан алоҳида иш турларини бажаришнинг кетма-кетлиги технологик схемалар тарзида кўрсатилади. Йўл ишларини ташкил этиш лойиҳаси ёки унга тўлдирувчи хужжат ўрнида фойдаланилади.

Качество продукции - *маҳсулот сифати* - маҳсулотнинг жами хусусиятлари йиғиндиси бўлиб, истеъмол доирасидаги хизмат муддатида ўзининг яроқлилиқ даражасини кўрсатишни белгилайди. Маҳсулот сифатини баҳолаш ва унинг яроқлилигини аниқлаш учун сифат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Киркирование - *киркилаш* - кирки ёки ер юмшаткич машиналари ёрдамида эски йўл тўшамасини бузиш, йўл қурилиши ёки қайта таъмирланаётганда бажарилади.

Классификация грунтов по трудности разработки - *тупроқнинг қайта ишлаш қийинлигига кўра таснифи* - тупроқнинг механизация воситалари билан қайта ишлаш қийинлигига кўра гуруҳларга бўлиниши. Тупроқ ер казиш машиналари билан ишланганда 1-4 гуруҳларга, гидромеханизация усули билан ишланганда 1-6 гуруҳларга ҳамда бурғулаш-портлатиш усули билан ишланганда 5-10 гуруҳларга бўлинади.

Комиссия приемочная - *қабул қилиб олиш комиссияси* - буюртмачи томонидан, тугатилган объектни фойдаланиш учун қабул қилиб оладиган, ўрнатилган тартибда иш юритадиган давлат комиссияси. Тугатилган объект бўйича пудратчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш комиссиясига тақдим этиш учун буюртмачи томонидан ишчи комиссияси белгиланади.

Комплект дорожных машин - *йўл машиналари мажмуи* - асосий ишларни бажарувчи етакчи ва бошқа ёрдамчи машиналар таркибидан иборат бўлган йўл машиналари жамламаси. Улар биргаликда йўл ва кўприк иншоотларида ишларни тўлиқ бажаришни

таъминлайди. 1 км га 1000м³ ҳисобий иш ҳажми белгиланган. Технологик имкониятлар ва етакчи машинанинг ишлаб чиқариш самарадорлигига кўра, энг кам харажат ва кўп мажмуидаги машиналардан умумий фойдаланиш тавсия этилади.

Комплект технологического оборудования - *технологик жиҳозлар комплекти* - автоматлаштирилган бошқарувга эга бўлган агрегатлар гуруҳи бўлиб, йўл машиналари заводларида ишлаб чиқарилади, ишларни ташкил этиш режасига мувофиқ танланади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш операцияларининг тугалланишини таъминлайди ва корхоналар учун жиҳоз ҳисобланади. (АБЗ, ЦБЗ ва бошқалар учун).

Контроль производственный - *ишлаб чиқариш назорати* - бажарилган ва тугатилган йўл ишларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги сифатини, лойиҳа ва ишлаб чиқаришдаги техник талабларга мувофиқлигини текшириш ва назорат қилиш. Қурилиш ишларида раҳбарлик қилаётган техник ходим томонидан амалга оширилади. (Бош муҳандис, иш юритувчи, уста, отряд бошлиғи ва ҳоказо).

Контроль качества - *сифат назорати* - сифат кўрсаткичларининг мослигини кўриш, операция ва қабул қилиб олиш назорати. Бунда лойиҳадаги геометрик, технологик ва бошқа кўрсаткичлар қурилишда ҳосил бўлган кўрсаткичлар билан давлат стандартлари, техник ҳолатлар, қурилиш меъёрлари ва қоидалари каби ҳужжатлар орқали солиштириб текширилади.

Коэффициент использования машин - *машиналардан фойдаланиш коэффициенти* - йўл қурилиши машиналарининг бандлиги ва уларнинг кўрсатилган меъёردа ишлаши техник-иктисодий кўрсаткичи, икки хил фарқланади: а) календар вақтидан фойдаланиш бўйича: битта машинанинг иш вақти соатлари сонининг шу календар даври давомийлиги (соатларда) га нисбати; б) машиналардан вақт бўйича фойдаланиш: битта машинанинг ҳисобий ишчи вақт давомийлигининг ишлар тартиби режаси бўйича ўрнатилган ишчи вақт давомийлигига нисбати.

Коэффициент механизации - *механизация коэффициенти* - механизациялашган усулда бажарилган ишлар ҳажмининг (машина ва механизациялашган жиҳозлар ёрдамида) йўл қурилиши ёки йўлдан фойдаланишдаги ишлар умумий ҳажмига нисбати, механизация даражасини белгилайди.

Коэффициент сменности - *сменалилик коэффициенти* - машина ва жиҳозлардан суткалик фойдаланишни баҳолаш

кўрсаткичи. Ишлатилаётган машиналар сонининг паркдаги мавжуд шу турдаги машиналар сонига нисбати билан аниқланади. Ёки бир суткалик ишланган машина-смена қийматининг наряддаги жами машина, жиҳозлар вақтига нисбати орқали аниқланади.

Коэффициент уплотнения относительный - *нисбий зичланиш коэффициенти* - резервдан олинган тупроқ ҳажмининг кўтармадаги худди шу тупроқ ҳажмига нисбатини билдиради. Кўтармадаги тупроқ зичлигини резервдаги тупроқ зичлигига солиштириш учун фойдаланилади.

Кривая объемов грунта - *тупроқ ҳажмлари эгрилиги* - тупроқ ҳажмларининг (кўтарма ва ўйма) чизикли тақсимланиши графиги бўлиб, қурилаётган йўлнинг ҳар бир бўлагига ўртача ташиш узоқлиги ва уларни рационал тақсимлаш учун фойдаланилади.

Маршрутный лист - *йўналиш варақаси* - ишлаб чиқарилган маҳсулот ва объектларга ярим фабрикатлар (чақик тош, шағал, кум ва бошқалар) ҳамда темирбетон жиҳозларини етказиш ва ҳисобга олиш маълумотларини ўзида мужассамлаштирган ҳужжат.

Материальнотехническое обеспечение - *моддий-техник таъминот* - қурилишни материаллар, деталлар, маҳсулотлар, қурилиш ва йўл машиналари, транспорт воситалари, қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун асбоблар, шунингдек йўл қурилиши корхоналари учун технологик жиҳозлар билан ўз вақтида таъминлаш ва режалаштириш бўйича тадбирлар мажмуи.

Машино-схема - *машина-схема* - бирор йўл қурилиши машинасининг иш ҳажмини бажариш ва ундан фойдаланиш даражасини белгиловчи, ҳақиқий ва режалаштирилган вақт сарфи кўрсаткичи. Йиллик иш сменалари сони, сменали юкланганлик, ишлаб чиқариш шароитларига боғлиқ бўлади.

Механизация дорожных работ - *йўл ишларини механизациялаш* - йўл ва кўприклар, уларни таъмирлаш ва фойдаланишда асосий ва қийин ишлаб чиқариш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш. Бу ҳолатда меҳнат самарадорлиги ва иш сифати оширилади, қурилиш, қайта қуриш ва таъмирлаш давомийлиги камаяди, йўл ишларининг меҳнат шароити яхшиланиб, иш харажатлари камаяди.

Механизация работ комплексная - *механизациялашган ишлар комплекси* - йўл ва кўприк қурилишидаги технологик жараёнларнинг асосий ва ёрдамчи операцияларини қўл меҳнати сарфламай, фақат асосий ва комплектини тўлдирувчи ёрдамчи

машиналар ва технологик жиҳозлардан фойдаланиб ва автоматлаштирилган усулда бажарилиши.

Механизация малая - *кичик механизация* - йўл ишларидаги алоҳида технологик жараёнларни механизациялашган асбоб ва ускуналардан фойдаланиб бажариш усули.

Мошение - *тош ётқозиш* - тош материаллар (чорқирра тошлар, ёғоч-тош шашкалари ва йўнилган тош)ни тайёрланган асос(қум,шағал, бетон)га териб ётқозиш.

Наброска каменная - *тошни устма-уст ташлаб мустаҳкамлаш* - кўтарма ён бағрининг сув босиб турадиган қисмини шакли нотекис тошларнинг эркин терилиши ёрдамида мустаҳкамлаш.

Набрызгбетон - *бетон сачратиш* - цементбетон қопламани сиқилган ҳаво энергияси таъсирида махсус мослама ёрдами (цемент-замбарак ва цемент-шприц машина)да сачратиб ётқозиш.

Надвижка грунта - *тупроқни силжитиш* - йўлнинг тупроқ пойи қурилишида скреперлар ёрдамида ташиб келтирилган тупроқни ёки ён захирадан машиналар (бульдозерлар ва автогрейдерлар) ёрдамида ўйиб олинган тупроқни кўтармага силжитиш ва ётқозиш.

Надзор авторский - *муаллифлик назорати* - автомобиль йўли, кўприklar ва йўл хизмати иншоотларининг қурилиш даври ва уларни фойдаланишга қабул қилиб олиш вақтида ушбу иншоотлар ёки уларнинг бир қисмини лойиҳалаган лойиҳа ташкилотлари томонидан ўтказиладиган назорат.

Надзор технический - *техник назорат* - буюртмачи ёки қурилатган объект дирекцияси томонидан кўприк ва йўл объектларининг қурилиши боришини муҳандислик назорат қилиш. Бундан асосий мақсад, махсус низом асосида қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми, баҳоси, сифати ва бажарилиш муддати кўрсаткичларининг лойиҳа ва сметадаги кўрсаткичларга мослиги, ҳамда ишлаб чиқариш ва қабул қилиш жараёнида қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилаётганлигини назорат қилиш.

Намыв грунта - *тупроқни ювиш* - тупроқ иншоотлари (кўтарма, дамба ва ҳоказо)га гидроаралашма кўринишидаги тупроқни ётқизиш. қисман сув иншоотга сингади ва қисман силқиб чиқиб кетади. Уч хил тупроқ ювиш тури бор: эстакадали усул - бунда таксимловчи қувурни эстакадада ўрнатиб, бошқариладиган туйнуклар қаторидан гидроаралашма қуйиб юборилади; эстакадасиз усул - бунда қувур бевосита ювилаётган тупроққа ўрнатилади, гидроаралашма эса қувурлар звеносининг энг чеккасидагидан қуйилади (энг механизациялашган ва арзон усули); қуйи таянчли

усул - бунда таркатувчи кувурни куйи таянчларда ўрнатиб, гидроаралашмани ювилмайдиган юзага бир неча кувурлар звеносидан куйиб юборилади.

Нарезка швов - *чокни қирқиш* - бетон қоплама юзасидан чиқиб қолган қалинликни чокқирққичлар билан қирқиб, чоклар тўлдирилганда бемалол текис юза ҳосил бўлишини таъминловчи операция. Янги ётқазилган бетонда 15-25 минутдан сўнг тебранма пичоқ билан, қотган бетонда эса бир ва бир нечта чок қирққичлар билан 12-24 соатдан сўнг чоклар қирқилади.

Научно-техническое сопровождение строительства - *қурилишда илмий-техник ҳамкорлик* - янги самарали илмий ишланмаларни тадбиқ этиш, қурилиш қийматини пасайтириш ва сифатини ошириш мақсадида лойиҳавий қарорларни қабул қилиш ва қурилиш ишларини бажариш босқичида, йўл-кўприк қурилишида илмий ходимлар ва муҳандисларнинг иштироки.

Непоточные методы строительства - *қурилишнинг кетма-кетсиз услуби* - йўл қурилишида қилиниши лозим бўлган барча ишлар алоҳида участкаларга ажратиладиган ишлаб чиқариш усули. Ҳар бир участкадаги йўл пойидан то қоплама қурилишигача бўлган барча ишларни бажариш битта ташкилотга топширилади.

Непрерывность производства - *ишлаб чиқариш узлуксизлиги* - материаллар етказиб бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ёки йўл қурилишида бажариладиган кетма-кет жараёнларнинг узлуксизлиги ва тўхтаб қолмаслиги кўрсаткичи.

Нормы выработки машин - *машиналарнинг ишлаб чиқариш меъёрлари* - маълум тур ва ўлчамли битта рўйхатдаги машинанинг йиллик директив ишлаб чиқариш меъёрлари бўлиб, давлат қурилиш қўмитаси томонидан қурилишнинг ҳар қайси тармоғи учун машиналардан фойдаланишнинг вақт бўйича ҳисоби ва ҳақиқий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида белгиланади.

Обработка грунтов - *тупроққа ишлов бериш* - берилган тупроқни қўйилган вазифага мувофиқ келаоладиган даражада ўзгартиришга йўналтирилган жараён.

Обработка литыми эмульсионно-минеральными смесями - *қуйма эмульсион-минерал материаллар билан ишлов бериш* - тайёрланган қопламага катион битум эмульсияси ёки 12 мм гача қалинликдаги пастанинг суюқ эмульсион минерал аралашмасини жойлаштириш усули билан емирилиш қатламини ёки ҳимоя қатламини қуриш.

Обработка поверхностная - *юзага ишлов бериш* - емирилувчи қатлам ёки мукамаллашган ва ўтувчи турдаги қатламларнинг энг юзадаги қатлами ёки асфальтбетон қопламаларининг, асосан қумли аралашма юзасида ғадир-будир юзали қатлам ҳосил қилувчи технологик жараён. Бунда қатлам юзасига органик боғловчи материаллар қуйилиб, майда, мустаҳкам 5,10...20 мм ўлчамли тош материаллар (майда чақик тош, майда шағал) сепилади, автогудронатор ва тош тарқатувчи машиналарда бажарилиб, ғалтак машиналарда зичланади.

Обработка шлагом - *шлагли ишлов бериш* - асос юзасига битумли шлаг (тоғ жинси кукуни) тарқатиш йўли билан енгиллаштирилган йўл қопламасини ётқизиш усули.

Обрубка кромок - *йўл четини кесиш* - технологик жараён бўлиб, ётқазилаётган асфальтбетон қатламларининг яхши бирлашиши учун иш олдидан ёки ишлар орасидаги танаффусдан сўнг бажарилади.

Общая трудоемкость строительства - *қурилишнинг умумий меҳнат сизими* - қурилиш-монтаж ишлари ва қўшимча-ёрдамчи ишлаб чиқариш бўйича меҳнат харажатлари йиғиндиси.

Объезд - *айланиб ўтиш йўли* - қурилаётган йўл ёки қайта қурилаётган объект (кўприк, қувурлар, бетон ётқизиш, боғловчи қўйиш ва ҳоказо)лар атрофидаги ҳаракат қатновини ўтказиш учун вақтинчалик автомобиль йўли. Йиғма плиталар, тош, шағал кабилардан қурилади.

Объект строительства - *қурилиш объекти* - қурилиш учун тасдиқланган ва керакли молиявий таъминланадиган иншоот (йўл, кўприк ва ҳоказо) ёки ишлаб чиқариш корхонаси.

Ограждение переносное - *қўчма тўсиқ* - йўлда иш олиб борилаётганида хавфсизликни таъминлаш учун вақтинчалик вертикал тўсиқ.

Одерновка откосов - *ёнбагирга чим босиш* - ёнбағирнинг чидамлилигини ошириш ва уни сув, шамол ва механик таъсирлардан сақлаш учун чим бостириш.

Ожидание в сетевом графике - *тармоқ жадвалидаги кутиш* - технологик ва ташкилий жараёнлар учун фақат вақт талаб этиладиган жараён (цементтупроқ қатлам ва бетоннинг қотиш давомийлиги).

Операция рабочая - *ишчи операция* - иш жараёнининг технологик жиҳатдан бир жинсли ва бўлинмас қисми бўлиб, бир ёки бир неча ишчилари, бир машина ёки машина-механизмлар ва технологик ускуналар звеноси билан бажарилади.

Организация строительства - *қурилишни ташкил этиш* - ишларни режалаштириш, тезкор бошқариш ва олиб боришнинг тадбирлари комплекси бўлиб, қурилишни ташкил этиш лойиҳасида акс эттирилади. Унда қурилиш-монтаж ишларининг ва қурилиш корхоналари фаолиятининг бир маромда бўлиши таъминланади ҳамда қурилиш муддатида моддий-техник таъминот ташкил этилади.

Оптимальная длина захватка - *иш кўламининг оптимал узунлиги* - ҳар бир алоҳида оқим учун охирги маҳсулотнинг энг кам келтирилган қийматини олиш имконини берадиган иш кўлами узунлиги.

Отделка обочин - *йўл ёқасини пардозлаш* - автомобиль йўли қурилишдаги сўнгги технологик жараён бўлиб, йўл ёқасини текислаш, мустаҳкамлаш ва зичлаш ишларидан ташкил топган. Асосан, автогрейдер ва ғалтак машиналарда бажарилади. («Йўл ёқасини мустаҳкамлаш» га қаранг).

Отделка откосов - *қияликларга ишлов бериш* - йўл пойи қияликларини, ўймалар қияликларининг захиралари ва қисмларини текислаш билан биргаликда режалаштиришни ўз ичига оладиган, йўл пойини кўтаришдаги охирги технологик жараён.

Отсыпка грунта - *тупроқни тўкиш* - транспорт ва ер қазиб-транспорт машиналари билан тупроқдаги кўтарма қопламаларини қуриш.

Оценка уровня качества - *сифат даражасини баҳолаш* - сифат кўрсаткичлари номенклатурасини танлаш, уларнинг сонли қиймат (балл)ларини аниқлаш ҳамда маҳсулот сифатини бошқаришда қўлланиладиган энг мақбул ечимларни асослаш мақсадида база ва нисбий кўрсаткичлар қийматларини белгилаш каби операциялар йиғиндиси. Дифференциал, аралаш ва комплекс усулларда олиб бориш мумкин.

Папильонирование - *папильонлаш* - тупроқ суриш снарядининг қозик - арқонли ёки арқонли ва лебедкали усулда забойни ишлаши жараёнидаги илгариланма ва кўндаланг ишчи ҳаракатланиши.

Период действия потока - *оқимнинг ҳаракат даври* - бир оқимдан иборат бўлган автомобиль йўли ёки унинг муайян участкаси, кўприк ёки муҳандислик иншооти қурилишининг давомийлиги.

Перемещение грунта поперечное - *тупроқни кўндаланг силжитиш* - тупроқни йўл ўқига кўндаланг йўналишда силжитиш

(автогрейдер, бульдозер, грейдер-элеватор ва автосамосвал ёрдамида бажарилади).

Перемещение грунта продольное - *тупроқни бўйлама силжитиш* - тупроқни йўл ўкига ёндош тарзда силжитиш (скрепер, бульдозер, автосамосвал ва бошқа машиналар ёрдамида бажарилади).

Перерывы в строительстве - *қурилишдаги танаффуслар* - йўл қурилишидаги барча ёки баъзи бир операциялар бажарилмайдиган вақт бўлаклари. Икки хил танаффуслар бўлади: а) ташкилий танаффуслар - иш фронтини тайёрлаш учун; б) технологик - ишлаб чиқариш ёки материаллар хусусиятидан келиб чиққан танаффус.

Период заключительный - *яқунловчи давр* - йўл қурилишидаги шундай даврки, унда барча камчиликлар йўқотилиб, фойдаланишга топширилаётган йўл бўйидаги омбор ҳамда вақтинчалик иншоот ва мосламалар тугатилади.

Период основной - *асосий давр* - автомобиль йўли лойиҳасига асосланиб, барча қурилиш-монтаж ишлари бажариладиган йўл қурилишидаги давр.

Период подготовительный - *тайёргарлик даври* - йўл қурилишидаги давр бўлиб, унда йўл ишларини бошлаб олиш ва ишларни тугатишни таъминлаш учун техник, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳатдан тайёргарлик ишлари бажарилади.

Период строительства - *қурилиш даврлари* - бу шундай вақт бўлаклари бўлиб, унда аниқ иш турлари бажарилади ва қурилиш давомийлиги мобайнида баъзи қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатади. Тайёрлов, асосий ва яқунловчи даврлар фаркланади.

Плакировка (плакирование работы) - *ўсимлик қатламини ётқизиш* - унча баланд бўлмаган кўтарма ва ўймаларда ёнбағирга ўт уруғлари сепишдан олдин ўсимлик қатламини (оддий ҳолларда 5-8 см, қум ва шўрхоқ тупроқларда 15-20 см) ётқизиш; йўл пойи ёнбағрига ювилиш ва емирилишдан сақлаш мақсадида чим бостириш.

Планировка (планировочные работы) - *текислаш ишлари* - қурилиш ҳудудининг рельефини текислаб, равон қурилиш майдонини ҳосил қилиш ва кўприк, йўл қурилиши учун қулай шароитлар яратиш бўйича ишлаб чиқариш жараёни, ер ишлари бошлангунга қадар йўл учун ажратилган минтақада ер юзасини, ҳар бир иш кўламида тўкилган йўл пойи тупроғининг юзасини ҳамда ҳар бир йўл тўшамаси қатламларининг юзасини текислаш; йўл ёқаси, ён

бағри ва ариқлар туби юзасининг равонлиги бўйича сўнгги пардозлаш ишлари.

Плинтровка - *плинтровка* - йирик харсанг тошларни автомобилларда ташишни қулайлаштириш учун машиналарда ишлов бериш, бўлакларга бўлиш.

Подготовка основания - *асосни тайёрлаш* - қоплама ётқизишдан олдин бажариладиган, сўнгги зичлаш, текислаш ва асос юзасини планировка қилиш жараёни. Ўлчов назорат асбоблари (нивелир, кўп таянчли рейка ва бошқалар) ёрдамида текширилади.

Подгрунтовка - *боғловчи қатлам* - йўл тўшамаси тузилмасидаги остки қатлам (асос) юзасига ёки қопламанинг пастки қатлам юзасига юқори қатламлар билан ёки ўзаро бир-бири билан яхши жипслашиши учун суюқ боғловчи материаллар (битум эмульсиялари, суюқ ёки суюлтирилган битум, цитрон) қўйиш.

Подрядчик генеральный - *бош (генерал) пудратчи* - Шартнома аъзоси бўлиб, тасдиқланган давлат режаси ва юқори ташкилотлар топшириғи асосида объект қурилиши ишларини бажарувчи қурилиш-монтаж ташкилоти. Шартномадаги барча ишларнинг вақтида бажарилиши ва тасдиқланган лойиҳа, смета, ишчи лойиҳаларга мувофиқлиги учун буюртмачи олдида жавобгар ҳисобланади.

Показатель качества базовый - *базавий сифат кўрсаткичлари* - мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бошланғич бирлиги намуналари бўйича сифатни солиштириб баҳолаш орқали белгиланган маҳсулот сифатининг кўрсаткичи. Бирламчи, комплекс ва интеграл сифат кўрсаткичлари мавжуд.

Полигон железобетонных изделий - *темирбетон буюмлари полигони* - трест ёки қурилиш бошқармасининг ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, кўприк, қувур, чизикли иншоотлар, йўл жиҳозларининг бетон ва темирбетон қисмларини тайёрлаш учун ихтисослашган бўлади. Йил давомида ишлашга мўлжалланган.

Поток комплексный - *комплекс оқим* - йўл қурилиши ташкилотининг умумий ташкилий таркибига кирувчи ихтисослашган оқим йиғиндиси. Бевосита йўлнинг ўзида қурилиш-монтаж ишларини бажарадиган оқимлардан ташқари, тайёрлов ишлари, жумладан, йўл қурилиши материаллари ва ярим фабрикатларни тайёрлаш, транспорт ишлари, йўл қурилиши машиналарига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарувчи бўлинмаларни ҳам ўз ичига олади.

Поток специализированный - *ихтисослашган оқим* - алоҳида иш турларини бажариш учун йўл қурилиши ишларини ташкил

этишдаги комплекс оқимнинг бир бўлаги. Бир текис ва нотекис (баъзида ер ишлари ҳажмининг объект узунлиги бўйича бир хил эмаслиги сабабли) турлари мавжуд.

Поток частный - *алоҳида оқим* - йўл қурилиш ишларини ташкил этишда алоҳида иш турларини бажариш учун ихтисослаштирилган оқим қисми. Ритмик ва норитмик (баъзан мажбурий, мас., объект узунлиги бўйлаб ер ишлари ҳажмини ўзгартиришда) оқимлар фарқланади.

Поточный метод - *оқим усули* - йўл қурилиш-монтаж ишларини олиб боришнинг бир текис ва узлуксиз усули бўлиб, ихтисослашган комплекс - механизациялашган бўлинмалар, отрядлар, колонналар, бригадалар ёрдамида олиб борилади. Бу бўлинмалар қатъий иш режаси ва тезлигига мувофик, қурилатган йўл ўқи йўналиши бўйича, бирин-кетин, узлуксиз ҳаракатланиб, ўзидан кейин тайёр йўл бўлагини қолдиради.

Правила технические - *техник қоидалар* - йўл қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш бўйича меъёр ва талабларни бажариш йиғиндиси; ишларни олиб бориш бўйича кўрсатмаларга ўхшаган ҳужжат бўлиб, қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўлимларини ривожлантириш мақсадида тузилади.

Приемка дороги в эксплуатацию - *йўлни фойдаланишига қабул қилиш* - давлат комиссияси томонидан тугалланган автомобиль йўли ёки унинг бўлагини иш ҳажмининг лойиҳадагига мослиги ва сифатини текширган ҳолда доимий фойдаланиш учун қабул қилиб олиш.

Приемка законченных работ - *тугалланган ишларни қабул қилиш* - буюртмачи ёки дирекция томонидан иншоот ёки йўлнинг комплекс қурилиш тугатилган алоҳида қисмини оралиқ қабул қилиб олиш. Бу ишларнинг сифати, лойиҳа ҳамда ишларни олиб бориш қоидаларига мослиги текширилади ва банк орқали молиявий таъминланади.

Приемка скрытых работ - *беркитиб юбориладиган ишларни қабул қилиш* - келгусида бутунлай ва қисман иншоотнинг бошқа бўлаклари ёки йўл пойи ва тўшамасининг конструктив қатламлари билан беркитиб юбориладиган ишларни техник назорат вакиллари томонидан оралиқ қабул қилиб олиш. Сўнгра навбатдаги ишларни давом эттиришга рухсат олинади.

Программа производства земляных работ - *ер ишларини бажариш дастури* - тупроқдан фойдаланиш жадваллари ва тупроқ

массивларини жойлаштириш диаграммалари асосида тузилган дастур.

Продление строительного сезона - *қурилиш мавсумини чўзиш* - махсус ташкилий-техник тадбирларни ўтказиш (аралашмаларга сувнинг музлаш ҳароратини пасайтирувчи реагентлар киритиш, аралашмалар ингредиентларини иситиш ва ш.к.) ҳисобига кузги-кишки даврдаги таъқиқланган ҳарорат меъёрлари шароитида қурилиш ишларини бажариш мумкинлиги.

Проект организации строительства (ПОС) - *қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ҚТЭЛ)* - лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳанинг қурилиш қисми (ишчи лойиҳа) билан бир вақтда ишлаб чиқиладиган техник ҳужжат. Бошланғич маълумотлар сифатида қуйидагилар хизмат қилади: техник-қидирув материаллари, қурилиш материаллари, конструкциялари ва механизация воситаларидан фойдаланиш учун низом, маҳаллий материаллар, сув, электр энергияси, буг қабилар билан таъминлаш ҳақидаги маълумотлар. ҚТЭЛ материалларини тахтлаш махсус қоидалар асосида бажарилади.

Проект производства работ(ППР) - *ишларни бажариш лойиҳаси (ИБЛ)* - бош пудратчи ташкилот томонидан ишлаб чиқиладиган техник ҳужжат. Йўл пойи, йўл тўшамаси, кўприк ва бошқа иншоотлар ҳамда тайёр йўл бўлақларини фойдаланишга топшириш муддатлари кўрсатилган тезкор ишларнинг мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда асосий кўрсатма бўлиб хизмат қилади. ИБЛ қуйидагилардан ташкил топган: календар иш режаси, ишларнинг мунтазам жадвали, уларга бўлган ҳафталик ва ойлик эҳтиёт жадвали; андозавий технологик харита; геодезик белгиларнинг жойлашув схемаси; меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича кўрсатмалар; иш сифатини баҳолаш тартиби; бригада пудрати усулида ишни ташкил этиш йўллари ва тушунтириш хати.

Пропитка - *шимдириш* - енгиллашган мукаммал турдаги йўл копламаси қурилишини тиклаш жараёнида ҳар хил ўлчамдаги майда тош материаллари (чақиқ тош, шағал)ни кетма-кет, қатлам қилиб сепиш, зичлаш, сўнгра уларга органик боғловчи қуйиб шимдириш. Шимдиришнинг икки тури бор: чуқур шимдириш - 6-8 см ли тош қатламига органик боғловчи билан ишлов бериш ва енгил шимдириш (ярим шимдириш) - 5 см гача ишлов берилганда.

Процесс производственный (технологический) - *ишлаб чиқариш (технологик) жараёни* - режалаштирилган иш кўламида йўл

пойи, йўл тўшамаси, кўприк ва бошқа қурилиш объектлари ва уларнинг қисмларини қуриш бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш жараёнидаги технологик операциялар йиғиндиси.

Процесс рабочий - *ишчи жараён* - ташкилий ва технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган бир неча ишчи операцияларнинг йиғиндиси.

Профилирование - *текислаш (кесимлаш)* - тупроқ йўллари-нинг йўл пойи юзасига ва йўл тўшамасининг куйи қатламлари юзасига керакли кўндаланг ва бўйлама қияликларни бериб текислаш.

Путевой лист - *йўл варақаси* - автомобиль, тягач, ўзиюар қурилиш машиналари (автогрейдер, экскаватор, ўзиюар хаво-шинали ғалтак машиналари, скреперлар ва ҳоказолар) ҳайдовчиларига ҳаракатланиш йўналиши кўрсатилган ҳужжат.

Пульпа - «Гидроаралашмага» қаранг.

Путь критический - *кескин (критик) йўл* - тармоқ жадвалидаги бошланғич ва охириги (яқунловчи) ишлар орасидаги энг кўп давомийлик йўли. Унинг давомийлиги кўйилган мақсадга эришиш мудатини, яъни қурилиш муддатини кўрсатади.

Работа в сетевом графике - *тармоқ жадвалидаги иш* - вақт ва ресурслар сарфини талаб этадиган бирор бир ишлаб чиқариш жараёни. (йўл пойи, йўл тўшамаси қатламларини қуриш ва ҳоказо).

Работы бульдозерные - *бульдозер ишлари* - механизациялашган тупроқ ва текислаш ишлари бўлиб, бульдозерлар ёрдамида тупроқни ишлаш ва силжитиш, тупроқни қатламлаб текислаш ва режалаш, паст кўтармаларни қуриш ҳамда йўл бўйидаги қарьерлар юзасини очиш каби ишлар бажарилади.

Работы грейдерные - *грейдер ишлари* - тиркама грейдер, автогрейдер ва грейдер элеваторлар ёрдамида бажариладиган ноль белгили жойлардаги механизациялашган тупроқ ишлари, йўл пойи, тупроқ йўллари қурилишида текислаш ва қиялаб текислаш ишлари.

Работы заготовительные - *тайёрлов ишлари* - қурилишнинг тайёрлов ва ундан кейинги даврларида тош материалларини излаб топиш, қайта ишлаш, ёғоч ва арматуралар тайёрлаш, кўприк, муҳандислик иншоотлари ва биноларнинг қисмини тайёрлаш бўйича комплекс ишлар.

Работы линейные - *мунтазам ишлар* - комплекс механизациялашган, бевосита қурилаётган йўл узунлиги мобайнида бажариладиган узлуксиз ва даврий такрорланувчи ҳамда йўл бирлигига бир хил меҳнат сарфи талаб этадиган ишлар.

Работы механизированные - *механизациялашган ишлар* - махсус йўл ва қурилиш машиналари, жиҳозлари ва механизация асбоблари ёрдамида бажариладиган барча йўл ишлари киради. Агар баъзи операциялар қўлда мослама ва асбоблар ёрдамида бажарилса, унда бу ишлар механизациялашмаган ишлар дейилади.

Путь сетевого графика - *тармоқ жадвалидаги йўл* - тармоқ жадвалидаги хоҳлаган ишларнинг узлуксиз кетма-кетлиги ва боғлиқлиги. Тармоқ жадвалгидаги йўл узунлиги ўз камчилиги, ишларнинг бажарилиш давомийлиги йиғиндисидан иборат.

Работы непредвиденные - *қўзда тутилмаган ишлар* - ҳажми факатгина объект қурилиши жараёнида аниқланадиган ва сметадаги махсус лимит резерви ҳисобига молиявий таъминланадиган ишлар.

Работы отделочные - *пардозлаш ишлари* - ёнбағир, йўл ёқаси, резерв, автомобиль йўли пойининг юзасини, кўприк ва бошқа муҳандислик иншоотларини пардозлаш каби якунловчи даврдаги тупроқ ишлари комплекси.

Работы подготовительные - *тайёргарлик ишлари* - йўл пойи қурилгунга қадар, ишларни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ бажариладиган ишлар. Уларга қуйидагилар киради: йўл ўқини тиклаш ва мустаҳкамлаш, йўл учун ажратилган минтақани тозалаш, йўл пойи қисмларини жойида тиклаш, сувни қочириш ва тупроқни қуритиш, кўтарма асосини тайёрлаш ишлари; вақтинчалик йўл ва алоқа тармоқлари, электр энергияси, сув, буг ва газ таъминоти иншоотларини қуриш.

Работы скреперные - *скрепер ишлари* - йўл кўтарма ва ўймаларини ишлашда скреперлардан фойдаланиб бажариладиган, механизациялашган тупроқ-транспорт ишлари.

Работы сосредоточенные - *тўпланган ишлар* - катта ҳажмга эга бўлган, кичик масофа ва майдонларда олиб бориладиган йўл қурилиши ишлари бўлиб, одатда, индустриал ёки комплекс механизациялашган ишлаб чиқариш усулида олиб борилади. (кўприқлар, қувурлар, баланд кўтарма ва чуқур ўймалар).

Работы строительно-монтажные - *қурилиш-монтаж ишлари* - йўл пойи, йўл тўшамаси, қувурлар, кўприқлар, тиргович деворлар, муҳандислик иншоотлари, йўл бўйи иншоотлари ҳамда йўл жиҳозларини йўл қурилиш материаллари, ускуналари ва яримфабрикатлар (аралашмалар)дан фойдаланиб бажариладиган барча йўл қурилиши ва кўприк қурилиши ишлари.

Работы транспортные - *транспорт ишлари* - барча қурилиш материаллари, яримфабрикатлар ва жиҳозларни темир йўл

станцияларидан, пристандан, асосий омборлардан, ишлаб чиқариш корхоналаридан автомобиль йўли ва кўприк қуриладиган жойга ҳамда хом ашёни конлардан қайта ишлаш корхоналарига транспортда етказиш, завод ёки омбор ҳудудидан материалларни ишлаб чиқариш корхоналарига элтиш.

Работы экскаваторные - *экскаватор ишлари* - тупрокни экскаватор билан қазиб олиб, бевосита кўтармага ёки йўл пойи қурилиш учун узок масофага ташиш мақсадида транспорт воситасига юклаш бўйича механизациялашган ишлар.

Развертывание потока - *оқимни ёйиш* - автомобиль йўли қурилиши объектидаги биринчи ихтисослашган отряд ишлари бошланган вақтдан оқимнинг сўнгги отряди иш бошлагунга қадар кетган вақт.

Размыв - *тупроқни ювиш* - тупроқ бўлақларини босим остидаги сув ёрдамида, гидромеханизация усулида ишлаб, умумий тупроқ уюмидан ювиб ажратиш. Ҳосил бўлган гидроаралашма маълум масофаларга (5 км гача, йўл қурилишида эса 2 км гача) босимли ва босимсиз тартибда ташилади.

Разработка резерва - *заҳирада ишлаш* - қуриладиган йўлдан четда жойлашган ва лойиҳада кўзда тутилган жойдаги тупроқдан уйиб, йўл пойига ташиб келтириб кўтарма қуриш.

Расклинивание - *бўшлиқларни тўлдириш* - йирик донали материаллардан ташкил топган йўл тўшамаси қатламидаги бўшлиқларни майда зарралар билан зич қилиб тўлдириш.

Распределение земляных масс - *тупроқ массаларини жойлаштириш* - йўлнинг муайян қурилиш участкаси доирасида заҳира ва ўймалардан кўтарма ёки ағдармага тупроқни бўйлама ёки кўндаланг ташиш учун ер ишлари ҳажмини аниқлаш.

Распределение материалов - *материалларни тақсимлаш* - қуриладиган маълум йўл бўлагидagi тупроқ ҳажмларини кўндаланг ва бўйлама силжитиш ҳамда резерв ва ўймадан кўтармага ёки йўл чеккасига чиқариш учун ер ишлари ҳажмини аниқлаш.

Распределение материалов синхронное - *материалларни синхром тақсимлаш* - органик боғловчилар ва чақик тош қоплама юзасига амалий жиҳатдан бир вақтда жойлаштириладиган, юзаларни ишлашни ташкил қилишдаги технологик жараён. Технология махсус машиналар ёрдамида бир йўл ўтиш билан бажарилади ва чақик тошнинг қоплама билан яхши бирикишини таъминлайди.

Расчистка полос отвода - *йўл учун ажратилган минтақани тозалаш* - йўл учун ажратилган минтақани машиналар ишлаши учун

халақит берадиган тўсиқлар - дарахтлар, ўсимлик қатламлари ва бузилши лозим бўлган иншоотлар, буталар, тўнкалар, харсанглардан тозалаб, ишларни бошлаш учун олиб бориладиган тайёргарлик тадбирлари.

Резание грунта - *тупроқни қирқиш* - машинадан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи қалинликни ҳосил қилиб, ер қазиш машиналари ёрдамида бажариладиган технологик операция.

Рекультивация карьеров (земель) - *карьер (ер)ларни рекультивация қилиш* - қурилиш жараёнида бузилган тупроқларнинг унумдорлигини ва халқ ҳўжалигидаги аҳамиятини тиклашга, шунингдек атроф-муҳит шароитини яхшилашга қаратилган ишлар мажмуи.

Рифление покрытия - *йўл қопламасини тарам* - тарам қилиш - қотган бетон қопламаси юзасида ҳосил бўлган сирғанчиқ ва силлиқликни кўндаланг излар ҳосил қилувчи ғадир-будир ғалтак юргазилш йўли билан камайтириш.

Ритмичность производства - *ишлаб чиқаришнинг бир маромда бориши* - бир текислик даражаси бўлиб, ресурсларга бўлган доимий талабни сақлаб, йиллик, ойлик, суткалик ва сменали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир хил олиб бориш.

Розлив вяжущих - *боғловчи материалларни қуйиш* - йўл тўшамасининг қуриладиган қатлами юзасига белгиланган меъёрда маҳсус машиналар - гудронаторлар ёрдамида суюқ боғловчи материаллар қуйиш бўйича технологик операция.

Розлив пленкообразующих - *юпқа қатлам(пленка) ҳосил қилувчи материалларни қуйиш* - цементбетон қопламаларини қуришдаги охириги технологик жараён. Бу операция бетоннинг қотиш даврида бажариладиган ишлардан бири.

Рыхление грунта - *тупроқни юмшатиш* - тупроқни бузишдан иборат технологик операция бўлиб, асосан оғир, шағалли тупроқлар скреперлар билан ишланганда иш самарадорлигини ошириш учун олиб борилади. Юмшатгичлар, понали зарба берувчи мосламалар, музли тупроқларда эса портлатгич ва машиналар ёрдамида бажарилади.

Руководство - *қўрсатма* -техник ҳужжат бўлиб, ундаги материаллар йўл-йўриқлардан иборат бўлади. Тармоқнинг етакчи ташкилоти томонидан меъёрий ҳужжатларни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилади.

Свёртывание - *оқимни йиғиштириш* - қуриладиган автомобиль йўли объектидаги биринчи ихтисослашган отряд иши тугагандан кейинги отряд иши тугагунга қадар кетган вақт.

Силикатирование грунтов - *тупроқни силикатлаш* – тупроқ ва сочилувчан минерал материалларни суюқ шишанинг коллоид эритмаси ва кремний фторли натрий эритмаси билан навбатма-навбат ишлов бериб мустаҳкамлаш усули.

Скорость потока - *оқим тезлиги* - йўл қурилиши оқимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, маълум йўл бўлагиди оқимдаги барча ишлар соат, смена, сутка аниқлигида тугатилади.

Смешение на дороге - *йўлнинг ўзиди аралаштириш* - енгиллаштирилган мукамал қопламалар қурилиши ёки уларни тиклаш ишларида тош материаллар (чақиқ тош, шағал, шлак) ва тупроқларни органик боғловчилар билан иш жойининг ўзиди мосламаларда ёки бевосита йўл пойи ёки йўл тўшамаси асосиди автогрейдер ва йўл фрезерлари ёрдамида аралаштириш, ёпиш, текислаш, зичлаш ишлариди иборат технологик жараён.

Смешение в установке - *мосламаларда аралаштириш* - барча турдаги йўл қоришмаларини (асфальтбетон, цементбетон, цемент тупроқ ва бошқа) махсус мосламаларда материалларга боғловчилар билан ишлов бериб тайёрлаш бўйича бажариладиган технологик жараён. Махсус мосламалар икки хил бўлади: стационар йўл ташкилотлари заводларида ва кўчма-аралашмаларни ётқизиш жойиди аралаштириш.

СНиП (строительные нормы и правила) - *ҚМ ва Қ (қурилиш меъёрлари ва қоидалари)* - қурилишдаги ишлаб чиқаришнинг асосий қонунни бўлиб, иншоотларни лойиҳалаш ва қурилишига фан ва техника тараққиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, ягона техник меъёр ва қоидаларни белгилаб беради. Қоидаларда қуйиди мақсадлар кўзда тутилади: смета баҳосини камайтириш, қурилиш сифатини ошириш ва муддатини қисқартириш, энг рационал ечимларни қўллаш, материал ресурслардан самарали фойдаланиш, қурилишни индустриялаштириш даражаси ва меҳнат самарадорлигини ошириш, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқалар. ҚМ ва Қ ларнинг II - Д5 қисми - автомобиль йўли қурилишига; III - 40 қисми - автомобиль йўли лойиҳалашга; III - 46 қисми аэродромлар қурилишига тааллуқли.

Событие - *ҳодиса* - тармоқ жадвалидаги элементлардан бири бўлиб, бирор бир йўл қурилиш босқичи тугалланганлиги, кейинги босқичдаги ишларни бошлаш учун зарур бир ёки бир неча

ишларнинг бажариб бўлинганлиги маълумоти. Ўздан аввал бирор бир иш бўлмаса бошланғич ходиса, ўздан кейин бирор бир иш бўлмаса якунловчи ходиса дейилади.

Сооружения временные - вақтинчалик иншоотлар - қурилиш ва қурилиш ходимларига хизмат кўрсатиш учун йўл қурилиши объектлари (шу жумладан, ишлаб чиқариш корхоналари худудлари)да ишлаб чиқариш учун мўлжалланган иншоотлар. Ҳар бир объект қуриб битказилгандан сўнг вақтинчалик иншоотлар бошқа жойга кўчирилади ёки тугатилади.

Срезка слоя - қатламини қирқиш - қирқувчи ишчи органли машиналарда ўсимлик қатламини қирқиб, чеккага суриб қўйилиб бажариладиган технологик жараён.

Стабилизация грунтов - тупроқларни барқарорлаштириш - тупроққа (асосан боғланадиган) кўп компонентли бирикма (стабилизатор)лар билан ишлов бериш усулида унинг мустаҳкамлиги ва сувга бардошлилигини бироз кучайтириш. Ишлов бериш натижасида тупроқнинг тузилмавий боғланиш хусусияти ўзгармайди.

Стандарты - стандартлар - конун кучига эга бўлган техник меъёрлар, маҳсулотнинг сифат даражасига бўлган ягона талаблар, унинг техник, технологик ва фойдаланиш кўрсаткичларини ҳамда корхонада ишлаб чиқарадиган маҳсулот учун фойдаланиладиган хом ашё, материал, ярим фабрикаларнинг сифат кўрсаткичларини белгилайди. Давлат, тармоқ, корхона стандартлари турлари мавжуд.

Строительство дорожное - йўл қурилиши - автомобиль йўли ва бошқа муҳандислик иншоотлари ҳамда йўл бўйидаги иншоотлар қурилишида бажариладиган барча турдаги ишлар мажмуи.

Строительство дорожное стадийное - босқичли йўл қурилиши - йўл қурилишини ташкил этишнинг шундай усулики, бунда йўлнинг баъзи алоҳида кўрсаткичлари (йўл пойи эни, режадаги эгри радиуси, бўйлама қияликлар ва ҳоказолар) бир тоифа юқори даража учун белгиланган меъёрларда қурилади ва келгусида ҳаракат жадаллигига тўғри келувчи тоифа меъёрий кўрсаткичларига мослаш (қатнов қисми эни, йўл тўшамасини кучайтириш ва ҳоказо) ишлари бажарилади. Қурилишни босқичли ташкил этиш усулининг самараси шундай аниқланадики, бунда бир босқичли қурилишнинг смета баҳоси ҳар бир босқич ишларининг жами баҳосидан кўп бўлиши керак.

Строительство земляного полотна - йўл пойи қурилиши - тупроқ ишлари мажмуи бўлиб, умумий автомобиль йўли қурилиши ташкилотига қарашли бўлган ер қазиш транспорт машиналарининг

ихтисослашган бўлинмалари кичик кўприк ва қувурлар қурилиши ишлари бошидан йўл пойи қурилишини бошлайди.

Строительство основания - *асос қурилиши* - йўл машиналари тўплами воситасида бажариладиган йўл тўшамасининг қуйи тузилма қатламларини лойиҳага асосланиб қуриш бўйича олиб бориладиган технологик жараён. Қуйидаги жараёнлардан иборат: йўл пойи юзасини текислаш, ҳар хил йўл қурилиш материалларини ёйиш, зичлаш ҳамда уларга ишлов бериш.

Строительство покрытия - *қоплама қурилиши* - йўл машиналари тўплами бажарадиган, йўл тўшамасининг юқори тузилма қатламларини лойиҳага асосланиб қуриш бўйича олиб бориладиган технологик жараён. Қуйидаги жараёнлардан иборат: йўл қурилиш материаллари ва аралашмаларини бир ёки икки қатламда ёйиш, уларни зичлаш (қуйи ва юқори қатламларни алоҳида) ва юзасига ғадир-будирлик бериб пардозлаш.

Субпудратчик - *субпудратчи* - махсус қурилиш-монтаж ташкилоти бўлиб, бош пудратчи бу ташкилот билан алоҳида ишлар (алоҳида иншоотлар, кабел ётқизиш ва кўчириш, темир йўл қуриш ва бошқалар) ни бажариш учун субпудрат шартномасини тузади.

Схемы технологические - *технологик схемалар* - қурилиш оқимидаги ҳар бир босқич ишлари (масалан, йўл пойини бульдозерлар билан суриш, шимдириш усули билан чақиқ тошли қопламани ётқизиш ва ҳоказо)нинг режадаги чизма тасвири бўлиб, бу схемада иш турлари бўйича иш кўлами, ундаги механизация воситалари ва ишчиларнинг жойлашуви, уларнинг ҳаракатланиш кетма-кетлиги ва оқим йўналиши кўрсатилади.

Таблица применения грунтов - *тупроқларни қўллаш жадвали* - тупроқларни кўтармада, йўл пойининг юқори қатламида қўллашни ёки тупроқ ишларини бажаришда ва карьерларни қайта ишлашда уларни чиқитга ажратишни белгилайдиган жадвал.

Технико-экономические показатели строительства дорог - *йўл қурилишининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари* - йўл қурилиши ва қайта қурилишига сарфланган маблағлар самарадорлиги ва улардан тўғри фойдаланишни тавсифлайдиган кўрсаткичлар. Уларга қуйидагилар киритилади: қурилишнинг умумий меҳнат сиғими, механизация ва қўл меҳнати сарфлари, ишларни механизациялаш ва автоматлаш даражаси, бир ишчининг маҳсулоти қиймати, смета қийматлари ва ишларни бажариш муддати.

Технология производства - *ишлаб чиқариш технологияси* - барча мавжуд ресурслар (машиналар, энергия, меҳнат сарфи ва

бошқалар)дан рационал фойдаланган ҳолда маҳсулот тайёрлаш ёки қурилиш-монтаж ишлари ва бошқа ишларни бажариш усуллари ҳамда кетма-кетлиги (масалан, металлни кесиш ёки босим остида ишлаш, йўл қоришмаларини узлуксиз ёки даврий равишда, мажбурий ёки эркин аралаштириш усулида тайёрлаш ва ҳоказо).

Удобоукладываемость смесей - қоришмаларнинг қулай ётқазувчанлиги - асфальтбетон, цементбетон ва боғловчи билан мустаҳкамланган тупроқнинг текисловчи, зичлагич ва тебранма зичлагич машиналар ёрдамида осон ёйилиши, шакл олиши ва зичланиши.

Укатка - зичлаш - ғалтак машина (металл ғилдиракли ва пневмашинали)лар ёрдамида статик зичлаш. Бу операция тебранма ғалтак машиналарда бажарилса, бундай текислаш тебранма текислаш дейилади.

Укладка смесей - қоришмаларни ётқизиш - мукаммаллашган қопламалар қурилишида қоришмаларни ўзиюрар бетон-ётқазгич билан керакли қалинлик ва кенгликда тарқатиб, зичлашга тайёрлаб, текислаш ишларини ўз ичига олувчи технологик операция.

Укладка плит - плиталарни ётқизиш - алоҳида тайёр плиталардан, аввалдан тайёрлаб қўйилган асосларга махсус ва оддий темирбетон йўл қопламаларини қуриш бўйича технологик операция.

Укрепление грунтов - тупроқларни мустаҳкамлаш - асос ёки қоплама тупроғига унинг чидамлилиги ва мустаҳкамлигини ошириш учун органик ва ноорганик боғловчилар ҳамда қўшимчалар (оҳак, полимер, фаол моддалар) қўшиб ёки уларни қўшмай ёинки бирваракайига иккаласини қўшиб ишлов бериш, комплекс мустаҳкамлаш усули. Тупроқ ва боғловчилар тупроқ қориш машиналар ёки мосламаларда аралаштирилади.

Укрепление грунтов солевое - тупроқни туз билан мустаҳкамлаш - тупроққа туз билан таъсир этиб, коллоид - лойли коагуляция ҳосил қилишга асосланган усул. Тупроққа микроскопик тузлар аралаштирилса, оптимал намлик сақланиши таъминланади. Бир неча турдаги тузлар бараварига аралаштирилса, тупроқнинг коллоид қисми билан эримайдиган бирикмалар ҳосил бўлади.

Укрепление обочин - йўл ёқасини мустаҳкамлаш - йўл ёқасидаги тупроқни (зарур бўлса) шағал, қора чақик тош, асфальтбетон қоришмаси, мустаҳкамланган тупроқ, чим бостириш ёки ўт уруғларини сепиш йўли билан ювилиш ва силжишдан сақлаш. Худди шу жараёнлар ўрта ва жорий таъмирлаш даврида ҳар хил ҳажмларда бажарилади.

Укрепление откосов - *ёнбағир қиялигини мустаҳкамлаш* - ёнбағир қиялигини зичлаш, ўт-ўланлар сепиш, чим бостириш, тош ётқазиш, мустаҳкамланган тупроқ қатламини ёки асфальтбетон қоришмасини ётқазиш каби усулларни қўллаб мустаҳкамлаш. Худди шу жараёнлар ўрта ва жорий таъмирлаш даврида ҳар хил ҳажмларда бажарилади.

Улучшение грунтов - *тупроқ хусусиятларини яхшилаш* - тупроқнинг гранулометриқ таркибини яхшилаш, энг кам ғоваклик ва энг кўп мустаҳкамликка эга бўлган оптимал тупроқ аралашмасини яратиш ҳамда унинг таркибига скелет қўшимчаларини (кам мустаҳкамликка эга тоғ жинслари, шағал ва шлак чақиқи тошлари)ни киргазиш йўли билан унинг физик-механик хусусиятларини ошириш.

Унификация - *унификациялаш* - машиналар ва иншоотларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлашда ҳар хилликни камайтириш учун бир турдаги ёки бир хил қисмлар, жиҳозлар ва бўлақлардан фойдаланиш.

Уплотнение - *зичлаш* - йўл тўшамасининг тузилма қатламларидаги тупроқ ёки боғловчилар билан боғланган тош материаллар аралашмаси орасидаги ғовакликни йўқотишнинг механизациялашган усули. Текислаш, шиббалаш ва тебратиш усуллари билан бажарилади. Юқори қатламларнинг қўшимча зичлиги, уларнинг устидан ўтадиган транспорт воситалари қатнови таъсирида ёки оғир ғалтак машиналар билан амалга оширилади.

Уплотнение динамическое - *динамик зичлаш* - йўл пойи ва йўл тўшамасидаги тузилма қатламларини шиббалаш (зарбали зичлаш) ёки тебранма усулда зичлаш.

Уплотнение статическое - *статик зичлаш* - йўл пойи ва йўл тўшамасидаги тузилма қатламлари материалларини кўп марталик статик босим (укатка) билан зичлаш.

Управление качеством - *сифатни бошқариш* - маҳсулотни ишлаб чиқариш, ундан фойдаланишда зарурий сифат даражасини ўрнатиш, таъминлаш ва уни ушлаб туриш. Бунинг учун корхона маҳсулоти сифатига таъсир этадиган омил ва шароитлар ҳамда сифат доимий равишда назоратга олинади.

Уровень качества - *сифат даражаси* - маҳсулот сифатини кўрсатувчи нисбий белги бўлиб, унинг жами сифат кўрсаткичлари маҳсулотининг жами мавжуд базавий сифат кўрсаткичларига солиштириш орқали аниқланади.

Ускорение твердения бетона - *бетоннинг қотишини тезлатиш* - қуйидаги усуллардан бири ёки иккаласини қўллаб амалга

ошириладиган технологик жараён: механик - бетоннинг солиштирма юзасини кўпайтириш ёки бетон қоришмасининг активлигини ошириш; кимёвий - қотишни тезлатувчи қўшимчалар (CaCl_2 ННҚ ва бошқалар) қўшиш; иссиқлик - буглатиш ёки электр билан иситиш; Иситиш усули ҳаво ҳароратининг паст қийматларида муҳим аҳамиятга эга.

Условия технические - *техник шартлар* - меъёрий-техник ҳужжат бўлиб, иншоотлар ва шу кабиларнинг техник-ишлаб чиқариш маҳсулотини белгилайди. Агар уларга стандартлар бўлмаса, техник шартлар стандартлар кучига эга.

Установка ограждающих устройств - *тўсиқ мосламаларини ўрнатиш* - лойиҳага асосланиб, барча турдаги - йўналтирувчи (сигнал), ушлаб турувчи ва (отбой) эластик тўсиқларни ўрнатиш. Автомобиль йўли қурилишининг якунловчи жараёнларидан бири бўлиб, катнов хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бажарилади.

Установка рельс-форм - *рельс-шаклни ўрнатиш* - цементбетон қопламаларни қуришдаги технологик жараён бўлиб, бетон ётқизгич машиналарининг юриши, қоплама юзасининг равонлиги ва қоплама плиталари чеккаси зичлигини таъминлаш учун рельс-шаклларни ташиб келтириб, уларни кранлар ёрдамида олдиндан тайёрланган ва текисланган асосга ўрнатиш.

Устройство соединений плит - *плиталар туташувини ўрнатиш* - ёнма-ён жойлашган плиталар четига тушаётган юк остида уларнинг биргаликда ишлаши учун ҳар бир плита қалинлиги ўртасида ва энининг маълум ораликларида пўлат анкерлар ўрнатиш бўйича бажариладиган технологик жараён.

Устройство шероховатости - *гадир-будирликларни ҳосил қилиш* - тишлашишнинг талаб қилинган коэффициентини таъминлай олмайдиган хомаки қопламанинг асфальтбетон ва бошқа турларини қуришнинг охириги технологик жараёни. Қоплама қатламига қора чақиқ тош ётқизиш, унинг юзасига ишлов бериш ёки қуйма эмульсион-минерал аралашмалардан юпқа ҳимоя қатламини ўрнатиш усули билан бажарилади.

Уход за бетоном - *бетонни парваришлаш* - янги ётказилган бетоннинг яхши қотиши учун керакли шароитларни таъминловчи тадбирлар мажмуи.

Уход за бетоном или грунтом (материалом), укрепленным минеральными вяжущими - *минерал боғловчилар билан мустаҳкамланган бетон ёки тупроқ (материал)ларга ишлов бериш* - аралашмалар қаттиқлигининг зарурий шартларини таъминлаш учун

тадбирлар мажмуи: пленкасифат материаллар ёпиш, синтетик пленкалар билан ёки уларни қумли сув билан суғориб беркитиш.

Участок ввода - *фойдаланишга топширилган йўл бўлаги* - лойиҳа бўйича умумий қурилатган объектни фойдаланишга топширишдан олдин қуриб битказиладиган йўл бўлаги.

Фрезерование покрытия - *қопламани фрезерлаш* - бетон қопламанинг юзасидаги силлиқликни камайитириш мақсадида фрезерлар билан қўндаланг тарновчалар қирқиш.

Фронт работ - *иш фронти* - барча йўл қурилиши машиналари ва ишлаб чиқариш воситаларини, улар орасидаги технологик танаффусни ҳисобга олган ҳолда, жойлаштириш учун етарли бўлган, қурилатган йўлнинг бўлагининг узунлиги; қурилиш материаллари қазиб олинадиган барча жойларнинг узунлиги.

Цикл - *цикл* - автомобиль йўли, кўприк қурилишида такрорланадиган операция ёки жараёнлар йиғиндиси.

Шаблон - *шаблон* - энг содда текширув-ўлчов асбоби, қўндаланг кесимнинг геометрик элементлари ҳамда йўл пойи ва тўшамасининг тузилма қатламлари шаклини текширишда фойдаланилади.

Этап строительства - *қурилиш босқичи* - бирор-бир объект қурилиши тугатилгач, унга лойиҳа ва смета бўйича ҳақ тўланадиган, технологик жиҳатдан тугатилган қурилиш-монтаж ишлари мажмуи. Ҳақ тўланадиган энг кам иш ҳажмлари кўрсатилган махсус рўйхат орқали аниқланади.

Распределение материалов - *материалларни тарқатиш* - йўл тўшамасининг тузилма қатламини ётқизишдаги асосий технологик жараён бўлиб, майдон бирлигига керакли ҳажмда тош материаллар ёки боғловчилар билан боғланган аралашмани бир текис тарқатиш. Махсус тарқатгичлар ёки автогудронаторларда бажарилади.

Ритмичность производства - *ишлаб чиқариш ритми* - ишлаб чиқариш (қурилиш) операцияси учун зарурий вақт сарфини ўрнатиш, иш вақти ўлчамлари ва уни йўқотиш сабабларини аниқлаш мақсадида иш вақтидан фойдаланишни кузатиш ҳужжати.

Рифление покрытия - *қоплама юзасида гадир-будирлик ҳосил қилиш* - асфальтбетон ва бошқа турдаги қопламалар қурилишидаги сўнгги технологик жараён бўлиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун бажарилади. Янги ётқазилган асфальтбетон қопламаси юзасига майда-майда қора чакиқ тош тарқатилади ва уни текислаб, юзаки ишлов берилади.

Чистовая планировка земель - *ерни охирги текислаш* - ер ишларининг кичикроқ ҳажмида юзани якуний текислаш ва микрорельефни тўғрилаш.

5.2. Йўл ташкилотларининг ишлаб чиқариш корхоналари.

Активизация материалов - *материалларнинг фаоллигини ошириш* - минерал материал (тош, чақиқ тош, шағал, кум, минерал кукун)лар юзасининг фаоллигини уларга сиртки фаол моддалар ёки фаолаторлар (оҳактош ва бошқалар) билан ишлов бериб ошириш йўли. Бу ишлов бериш майдалаш жараёнида ҳосил бўлган янги юзаларнинг энергетик ҳолатини ва ўзгарувчан таъсирчанлик хусусиятини ҳисобга олиб тош майдалаш заводлари ва базаларида олиб борилади.

Аэрация - чангланувчи материаллар (цемент, минерал кукун, оҳак)ни ортиш, омборга тушириш, силжитиш ва фойдаланиладиган манзилга сиқилган ҳаво билан етказишни таъминлаш. Бунда сиқилган ҳаво таъсирида материаллар оқувчанлик касб этади.

База битумная - *битум базаси* - йўл ташкилоти ишлаб чиқариш корхонаси (асфальтобетон заводи ёки эмульсия омбори) нинг цехи бўлиб, боғловчи материалларни қабул қилиш, сақлаш ва ишчи ҳолатга келтириш ҳамда аралашма, эмульсия тайёрлаш учун истеъмолчига етказиш мақсадида махсус жиҳозланган иншоот.

База каменнодробильная (КДБ) - *тош майдалаш базаси (ТМБ)* - йўл бўйидаги карьерларда хизмат кўрсатадиган кўчма тош майдалаш жиҳозлари таркибига кирувчи йўл ташкилотининг ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, тош ва шағалларни қайта шплайди.

База производственная - *ишлаб чиқариш базаси* - доимий ва вақтинчалик иншоотлар ҳамда йўл ташкилотлари корхоналарининг комплекси. Улар қурилишни материал-техник заҳиралар билан тезкор таъминлайди, имконият даражасида йўл қурилиши жараёнида фойдаланиладиган материал, ярим фабрикат ва жиҳозларни тайёрлайди.

База эмульсионная - *эмульсия базаси* - барча тур ва хилдаги (тўғри ва тескари) йўл эмульсияларини тайёрлаб, сақлаб уни тарқатиш учун махсус жиҳозланган йўл ташкилотининг ишлаб чиқариш корхонаси.

Битумохранилище - *битум омбори* - битум ёки эмульсия базаларида, доимий ёки вақтинчалик турдаги АБЗ ларда бўладиган омбор иншооти. Бу иншоот ер ости ва ер усти резервуари ёки

чукурликдаги битум ва катрон материалларни юклаш, тарқатиш цистерналари ёинки битум эритиш мосламаларига элтиш учун кувурлар тизимидаи иборат.

Вибротранспортирование - *тебранма (вибро) транспорт ишлари* - омбор, завод ва карьерларда сочилувчан, донатор ҳамда ёпишқоқ материалларни тебранма транспорт машиналари ва ускуналарида силжитиш, тарқатиш ва элтиш.

Гидротранспортирование - *гидротранспорт ишлари* - 5.1. бандга қаранг.

Грохочение (сортировка) - *ғалвирлаш (саралаш)* - минерал материалларни бойитиш усули бўлиб, махсус саралаш жиҳозлари (ҳар хил ўлчамли ғалвирларда) тош материаллари майдалангандан сўнг қум, шағал, чақиқ тош ва бошқа сочилувчан материалларга ўлчамларига кўра ажратилади.

Дробление - *майдалаш* - тоғ жинслари бўлаклари, харсанглар ва шаклларни майдалаш жараёни бўлиб, бунда механик йўл (сиқиш, зарба бериш, уриш) билан қаттиқ жисмнинг боғловчи кучлари, ички ишқаланиш кучлари енгилади. 5 мм гача ўлчамдаги тошларни тегирмонда олиш - майдалаш дейилади; 5 мм дан катта ўлчамдаги тошларни майдалагичда олиш жараёни – парчалаш дейилади. Бир, икки ёки ундан кўп кетма-кет жойлашган, ўлчамлари кичрайиб борувчи ғалвирлар тизимидан ўтказилади.

Забой - карьер (тош ёки тупроқ) даги ёки ўймада йўл пойи қурилишидаги ишчи ҳудуд бўлиб, ишлаётган экскаватор жойлашади ва шу ҳудудда ўйма ёки тупроқ қазиб олинади, транспорт воситаларига ортिलाди ёки чеккага чиқарилади.

Завод асфальтобетонный (АБЗ) - *асфальтбетон заводи (АБЗ)* - асфальтбетон қоришмаси ва қора чақиқ тош тайёрлайдиган йўл ташкилотининг ишлаб чиқариш корхонаси. Аниқ технологик кетма-кетликда тузилган, машина ва агрегатлар билан автоматлаштирилган ҳолда бошқариладиган кўчма ёки кўчмас турдаги технологик жиҳозлар мажмуидан иборат. Бу жараёнларга материалларни сақлаш, силжитиш, дозалаш, қоришма ташкил этувчиларни аралаштириш ва тайёр қоришмани транспорт воситаси билан ётқазиладиган жойга элтиш кабилар қиради.

Завод или полигон железобетонных изделий - *темирбетон жиҳозлари заводи ёки полигони* - йўл ташкилотининг ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, йўл қурилишидаги йиғма қоплама, кўприк, кувурлар, мунтазам чизиқли иншоотлар, йўлнинг жиҳозлаш қисмлари ва бошқа иншоотлар учун темирбетон ва бетон жиҳозлар

тайёрлашга ихтисослашган. Завод туман аҳамиятига эга бўлган, ишлаб чиқариш қувватига кўра юқори бўлинма, полигон эса битта йўл қурилиши бошқармаси объектларини таъминловчи маҳаллий бўлинмадир. Ҳар иккиси ҳам йил давомида ишлаш учун мўлжалланган.

Завод каменнодробильный (щебеночный завод) - *тош майдалаш заводи (чақиқ тош заводи)* - тоғ жинслари(тош, шағал)ни бойитиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган катта қувватга эга, саноат туридаги ишлаб чиқариш корхонаси. Бу корхонада майдалаш, саралаш, ювиш, махсус бойитиш жараёнлари (гидроклассификация, мустаҳкамлик бўйича таснифлаш) ва тайёр маҳсулот омборлари мавжуд. Кўпинча ишлаб чиқарилаётган карьер ҳудудида ёки унинг атрофида қурилади.

Завод цементобетонный - цементбетон заводи - цементбетон қоришмалари ёки қоришманинг қуруқ ташкил этувчиларини тайёрловчи йўл ташкилотининг ишлаб чиқариш корхонаси. Аниқ технологик кетма-кетликда тузилган, машина ва агрегатлар билан автоматлаштирилган ҳамда бошқариладиган жараёнларни бажарувчи кўчма ёки кўчмас турдаги технологик жиҳозлар мажмуидан иборат. Бу жараёнларга материалларни сақлаш, силжитиш, дозалаш, қоришма ташкил этувчиларини аралаштириш ва тайёр ёки қуруқ қоришмани транспорт воситаларида қурилиш объектига элтиш ишлари киради.

Изделия - маҳсулотлар - йўл ташкилотлари корхоналарининг ёки қурилиш саноатининг маҳсулоти бўлиб, барча қурилиш қисмлари каби, лойиҳавий-техник шартлар ва стандартлар талабларига жавоб берувчи алоҳида иншоотларнинг тугалланган элементларидир.

Карьер грунтовый - тупроқ карьери - тупроқни ишлаш, транспорт воситаларига ортиб, керакли жойга етказиш ҳамда тупроқни механизациялашган воситаларда боғловчилар билан боғлаб, транспорт воситаларига ортиш ва йўл тўшамаси қатламларига ётказиш учун керакли жойга транспорт воситаларида етказиш.

Карьер притрассовый - йўл бўйидаги карьер - бевосита қурилаётган автомобил йўли бўйида жойлашган ва вақтинча фаолият кўрсатадиган қурилиш материалларини қазиб ва уларни бойитувчи йўл ташкилотининг ишлаб чиқариш корхонаси. Бу корхона карьернинг фаолият доирасида жойлашган йўл қурилиш бўлинмаларининг рационал ташиш узоклигини сақлаган ҳолда, тайёр

махсулотни истеъмолчига етказиб беради (карьердан қайта ишлаш базасига). Карьер мажмуида кўпинча кўчма саралаш-майдалаш жиҳози ҳам ишлайди.

Карьер промышленный (базисный) - *саноат (базавий) карьер*и - доимий фаолият кўрсатадаган тоғ-кон корхонаси бўлиб, катта захирадаги тоғ жинслари, тош, шағал мавжуд бўлган конларда ташкил этилади ва тоғ жинслари очик усулда қазиб олинади. Кўпинча шу ернинг ўзида тоғ жинсларини бойитиш ва майдалаш учун тош майдалаш заводлари ҳам фаолият кўрсатади.

Классификация щебеночных материалов - *чақик тош материаллари таснифи* - чақик тош материаллари сифатини ошириш ва бойитиш усули. Технологик жараёнига кўра улар қуйидагича тавсифланади: йириклиги бўйича - сувда чўкишнинг энг кичик тезлигига эга (гидравлик тасниф) бўлган майда доналари ва зарраларини аниқлаш; мустаҳкамлиги бўйича - энг кам ҳажмий оғирлик (гравитацион тасниф)га эга бўлган; ёмон эластик хусусият (механик тасниф)га эга бўлган донлар ва зарраларни аниқлаш.

Коэффициент вскрыши - *юза очиклиги коэффициенти* - карьернинг ишланадиган юзасидаги очилган (бўш) тоғ жинслари ҳажмининг шу карьерда ишланган фойдали тоғ жинслари ҳажм бирлигига ёки топилма оғирлигига (1м^3 ёки 1 т) нисбатига айтилади.

Обогащение каменных материалов - *барча тош материалларини бойитиш* - тош материалларининг йириклиги, мустаҳкамлиги ва тозаллиги бўйича сифатини ошириш усулларнинг жами бўлиб, қуйидагича ажарилади: ғалвир ва элакларда майда дон ва зарраларни ажратиш, материалларни таснифлаш, сув босими остида ювиш ва оғир суспензияларда ўта бойитиш.

Паропрогрев - *буғ билан иситиш* - органик боғловчи материаллар ва нефть маҳсулотларини (мазут, суртки, мой) битум сақлагичлар, битум музлатгичи ва жўмраклар, транспорт воситасидан қуйиб олишда битум насосларида бир хил ҳароратни ушлаш ва иситиш усули. Ҳаво ҳароратининг паст даражаларида қоплама ёки иншоотдаги цементбетонни иситгичлар ёрдамида парваришлаш усули ёки йўл қурилишида ишлатиладиган темирбетон буюмлари бетонининг қотишини тезлатиш мақсадида буғ камераларида буглаш.

Перемешивание - *аралаштириш* - йўл қоришмаларини тайёрлашдаги асосий технологик жараён бўлиб, тупроқ ёки майдаланган тош материалларни органик боғловчилар билан оптимал режимда уларнинг барча юзасини қоплаган ҳолда аралаштириш.

Подготовка месторождения (карьера) - кон (карьер)ни тайёрлаш - конда иш бошлашдан олдин бажариладиган ишлар тўплами бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: қазиб олиш учун танланган майдонни дарахтлар, буталар, тўнкалардан тозалаш, карьерни сув босишдан сақлаш; траншеялар учун йўл ёки зиналар ҳосил қилиш; кон юзасининг очиш зиналарини барпо этиш.

Полуфабрикаты - яримфабрикатлар - йўл қурилиши ташкилоти ёки қурилиш материаллари саноати корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот (щебень, темирбетон буюмлар, қора чақиқ тош, фаоллаштирилган минерал кукуни, битум ёки катрон эмульсияси, асфальтбетон ёки цементбетон қоришмаси ва ҳоказо) бўлиб, стандартлар ва техник талабларга жавоб берган ҳолда, бир ёки бир неча босқичдан сўнг қисм ёки буюм ишлаб чиқариб тайёр қилиш ёки йўл тўшамаси қатламларини ётқизиш ва кўприк, қувурлар қурилишида фойдаланиш учун мўлжалланган ярим маҳсулотлар тайёрлаш.

Предприятия производственные дорожные - йўл ишлаб чиқариш корхоналари - йўл қурилиши ёки йўл таъмирлаш ташкилотлари - йўл қурилиш материаллари, қоришмалари ва буюмлари билан таъминловчи корхоналар (ЦБЗ, АБЗ, ТМЗ, ТБКЗ, курук қоришмалар ҳамда битум эмульсияси, ёғоч базалари, полигон ва карьерлар). Юқорида саналган асосий ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари барча турдаги машина ва жихозларнинг тўхтовсиз ишлашини, уларга хизмат кўрсатишни таъминловчи ёрдамчи корхоналар (таъмирлаш устахоналари, йўл ва транспорт машиналарининг саройлари, материаллар омборлари, тайёр қисм ва конструкциялар, жихозлар ва эҳтиёт қисмлари омборлари) ҳамда электр энергияси (электростанциялар), сиқилган ҳаво (компрессорлар), буғ (қозонхона), сув (насослар) билан таъминловчи асосий ва ёрдамчи хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам мавжуд.

Приготовление дорожных смесей - йўл қоришмаларини тайёрлаш - йўл қоришмаларининг ташкил этувчиларини транспортда элтиш, дозалаш ва аралаштириш, асосан, тош материалларини органик ёки ноорганик боғловчилар билан, фаоллаштирувчи қўшимчалар ёки уларсиз аралаштириш ишларини ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш жараёни.

Работы взрывные - портлатиш ишлари - қоя, тоғ жинслари, муз ва музлаган тупроқларни ҳамда бузилиши лозим бўлган қурилиш тузилмаларини, кўприк таянчлари олдидаги жойни бузиш, бўлақларга бўлиш, майдалаш ва силжитиш мақсадида портловчи

моддалар ёрдамида олиб бориладиган технологик жараёнлар мажмуи.

Работы вскрышные - *очиш ишлари* - фойдали қазилма (шағал, тош) каръери юзасини ёпиб турган бўш жинслар қатламини олиб ташлаш бўйича бажариладиган технологик жараёнлар.

Работы горные открытие - *очиқ тоғ ишлари* - топилма конларини ишлаётганда карьер юзасини очиқ усулда қазилма ишлари бўйича асосий технологик жараёнлар мажмуи.

Работы погрузочно - разгрузочные - *юклаш-тушириш ишлари* - қурилишдаги технологик ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми бўлиб, йўл қурилишини таъминлаш мақсадида йўл қурилиши материаллари, буюмлари, қисмлари ҳамда ярим тайёр маҳсулотларни транспорт воситаларига юклаш ва тушириш ишларини ўз ичига олади.

Разведка геологическая - *геологик қидирув ишлари* - тоғ жинсларининг марказлашган ва йўл бўйидаги конларини, уларнинг сифати ва захирасини олдиндан баҳолаган ҳолда қидирув ишларини олиб бориш.

Разработка месторождения (карьера) - *топилма конларидаги ишлар* - топилма конини очиш, конни тайёрлаш ва фойдали тоғ жинсини қазиб олиш каби аниқ кетма-кетликда ва ҳужжатларга асосланиб бажариладиган тоғ-кон ишларининг йиғиндиси.

Склад базисный - *базавий омбори* - темир йўл станциялари ва ташкилотларнинг тармоқлари пунктлари ёнида қуриладиган йўл тўшамасининг кўчмас иншооти бўлиб, йўл қурилиши материалларини қабул қилиш ва узоқ муддат сақлаш ҳамда объект ёнидаги омборларга етказиш учун мўлжалланган. Базавий омбор йўл ташкилотлари учун ташиб келтириладиган барча бошқа юкларни ҳам қабул қилиб олади.

Склад материалов - *материаллар омбори* - моддий қийматга эга бўлган материаллар (қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлари, асбоблар ва бошқалар)ни сақлаш, тарқатиш учун мўлжалланган иншоотлар ва мосламалар мажмуи. Автомобиль йўли қурилиши ва улардан фойдаланишда материаллар ёпиқ жойларда, шийпон остида, очиқ ҳаводаги штабель кўринишида ёки махсус иншоотлар (битумсақлагич, ёнилғи ва мойлаш материаллар учун) да сақланади. Омборлар қуйидаги турларга бўлинади: объект олдидаги (қурилиш олдидаги) базавий (кўчмас) ва махсус цемент, суюқ ёнилғи ва мойлаш материаллари учун.

Склад приобъектный - *объект олдидаги омборхона* - автомобиль йўли қурилиши, унинг бўлаги ёки йўл ташкилотининг ишлаб чиқариш корхоналари каби қурилиш материаллари сарфланадиган жойда қуриладиган иншоот (ёки майдонча) бўлиб, материалларни қисқа муддат сақлаш ва уларни сарфлаш учун мўлжалланган.

Транспорт внешний - *ташқи транспорт* - йўл қурилиши материаллари, яримфабрикатлар, буюмлар ва қисмларни йўл ишлари олиб борилаётган тумандан четда жойлашган саноат корхоналари ёки базалардан темир йўл, автомобиль ва сув йўлларида фойдаланиб ташиладиган транспорт воситаларининг йиғиндиси.

Транспорт внутривстроенный - *йўл қурилиши транспорти* - қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналари ичида ҳамда аралашма, буюмлар ва қисмларни йўл қурилишини таъминловчи ишлаб чиқариш корхоналаридан керакли жойга элтувчи транспорт воситаларининг йиғиндиси.

Транспортирование аэрационное - *аэрация транспорти* - чангланувчи материаллар (цемент, минерал кукуни ва шу кабилар)ни сиқилган ҳаво (паст босим) ёрдамида керакли жойга элтиш ва силжитиш, бунда бу материаллар ҳаво билан тўйингач, суюқлик каби оқувчанлик хусусиятини олади.

Фронт погрузки-отгрузки - *ортиш-тушириш фронти* - темир йўл ва автомобиль йўлининг чегараланган йўлаги ёки майдони кўринишидаги жой бўлиб, юкларни бир вақтда ортиш ва тушириш учун керак бўладиган жиҳозлар ва транспорт воситаларининг жойлашишига етадиган даражада бўлиши керак.

Шпур - *штур* - портловчи моддани жойлаштириш учун тоғ жинсларида қазиладиган цилиндрсимон сунъий чуқурлик бўлиб (пармалаш чуқурлиги), тоғ жинсини парчалаш, бўлақларга бўлиш ҳамда экскаваторлар билан ишлаб транспорт воситаларига ортиш мақсадида қазилади.

Штабель - сочилувчан йўл қурилиши материалларини тўғри геометрик шакл (кўпинча трапеция ёки конус шакли) кўринишидаги буюмларга йиғиб қўйиш, ёғоч материалларини катакларга ёки металл кутиларга тартибли жойлаштириш.

Шурф - вертикал стволсимон ёки қия шурф (қудук) бўлиб, тупроқ қатламлари ёки фойдали топилмаларнинг муҳандислик кидирувида ёки саноатбоп тош конларида портлаш ишлари олиб бориш учун қўлланилади.

Электроподогрев - *электр билан иситиш* - органик боғловчи материаллар ва мойларнинг омборларида, битум ўтказгичлар ва жўмракларда, битум насосларида ҳамда битум эритгич мосламаларида бир хил ҳароратни ушлаш ва иситиш усули.

5.3. Автомобиль йўллари ва аэродромлар қурилишида фойдаланиладиган механизация воситалари

Автогрейд - *автогрейд* - юкори самарадорли, ўзгарувчан ишчи орган, мураккаб ўзи юрар йўл машинаси бўлиб, цементтупроқ асослар ва автомобиль йўллари ҳамда аэродромларнинг учиш-қўниш йўлаklarининг цементбетон қопламалариини қуришда фойдаланилади. Бу машина сирпанувчи опалупкали махсус гусеницаларда ҳаракатланади ва унинг ҳаракати кузатиладиган, автоматлаштирилган бошқарув тизими орқали бажарилади.

Автогрейдер - *автогрейдер* - ишчи органи пичоқ билан ағдаргич бўлган ўзиюрар, ғилдиракли йўл машинаси. Бу машина кўтармадаги тупроқни ва автомобиль йўли қурилиши ва таъмирлаш ишларида йўл қурилиш материалларини текислаш ва планировкалаш, текисланган тупроқ йўлларини ва шағал қопламаларини ҳамда йўл пойининг кўтармаларини қуришда фойдаланилади. Бундан ташқари, тупроқ йўлларини ва шағал қопламаларини таъмирлашда ҳамда йўл ёқасини, ён бағрини ва заҳирани текислаш, пардозлаш ишларида ҳам фойдаланилади.

Автогудронатор (распределитель вяжущего) - *автогудронатор (органик боғловчи тарқатгичи)* - ҳар хил органик боғловчи материалларни йўлда кераклича қиздириб, керакли жойга ташиш ва босим остида бир текис қўйиш учун автомобиль шассиси ёки автоштакка юкланган ярим тиркама йўл машинаси.

Автоматика - *автоматика* - автоматик фаолият кўрсатувчи ускуна ва тизимлар ҳақидаги назарий ва амалий билимлар мажмуи; автоматик фаолият кўрсатувчи механизм, асбоб ва ускуналарнинг йиғиндиси.

Автомобиль-бетоновоз - *бетон ташувчи автомобиль* - транспорт воситасининг махсус тури бўлиб, тайёр цементбетон қоришмасини узоқ масофаларга, махсус жиҳозланган кузовларда, унинг қотиб қолмаслиги ва қатламларга ажралиб қолмаслигини таъминлаган ҳолда ташувчи автомобиль.

Автомобиль-бетоносмеситель (автобетоносмеситель) - *бетон аралаштирувчи автомобиль (автобетон аралаштиргич)* -

цемент бетон қоришмасини ётқазиш жойига элтиш жараёнида тайёрлашга махсус мослаштирилган транспорт воситаси. Шассига двигатель билан қорғич ва сув бочкаси билан дозатор ўрнатилади. (Цементбетон қоришмасининг ташкил этувчилари қуруқ қоришма заводида юкланади).

Автомобиль-битумовоз (автобитумовоз) - *битум ташувчи автомобиль (автобитум ташувчи)* - транспорт воситасининг махсус тури бўлиб, қиздирилган битумни (ёки бошқа органик боғловчи материални) қурилиш объектининг битум сақлагичига ёки битум базасидан автомобиль йўли қурилаётган ёинки таъмирланаётган жойга куйиш мақсадида ташиш учун мўлжалланган.

Автомобиль-самосвал - *ўзи ағдаргич автомобиль (автосамосвал)* - юкни ўзи ағдарадиган платформали ёки металл кузовли юк автомобили. Бу автомобилнинг у ёки бу туридан ташилаётган юк кўриниши ва ҳажмига қараб фойдаланилади.

Автомобильный кран - *автомобиль крани* - «Стрелали қурилиш крани» бандига қаранг.

Автомобиль-цементовоз - *цемент ташувчи автомобиль* - хар-хил юк кўтара олиш қобилиятига эга бўлган транспорт воситаларининг махсус тури бўлиб, цемент ёки минерал кукуни узок масофаларга ташишга мўлжалланган. Ўзи оқиб ёки сиқилган ҳаво таъсирида ортिलाдиган ва ағдариладиган ёпиқ герметик цистерна билан жиҳозланган.

Автопогрузчик - *автоюклагич* - юк автомобили ёки махсус шассига ўрнатилган кўтариш-элтиш машинаси. Транспорт воситаларига, омборларга ҳамда сочиловчан ва сарфлаш бункерларининг майда донали тош бўлақларига мўлжалланган. Бир чўмичли ва кўп чўмичли турлари мавжуд.

Автопоезд - *автопоезд* - юк автомобили ёки автошатакка боғланган, бир ёки бир неча бортли, ўзи ағдарадиган автотиркамалар. Шатакнинг тортиш кувватидан максимал фойдаланган ҳолда юкларни узок масофаларга элтиш учун мўлжалланган.

Агрегат для использования старого асфальтобетона - *эски асфальтбетондан фойдаланиш учун агрегат* - даврий ҳаракатдаги асфальт аралаштиргич қурилма таркибда қўлланиладиган технологик жиҳозлар мажмуи. Йўл қопламасидан олинган эски асфальтбетонни майдаланган шаклда 15-30% миқдордаги “янги” тош материалларга қўшиш усули билан асфальт аралаштиргич қурилмада асфальтбетон тайёрлаш жараёнида эски асфальтбетондан фойдаланиш учун қўлланилади. Мажмуада: майдалагичли майдалаш

агрегати, таъминловчи блок, тебранма элак, лентали конвейер мавжуд.

Агрегат целлюлозной добавки - *целлюлозали қўшимчалар агрегати* - чақиқ тош - мастикали аралашмалар тайёрлаш имкониятини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган ва янги асфальт аралаштиргич қурилмаларни таъминлаш учун технологик жиҳозлар мажмуи. VIATOR ва бошқа типдаги донаторлашган целлюлоза қўшимчаларни асфальт аралаштиргичга қабул қилиш, дозалаш ва узатиш учун мўлжалланган. Мажмуада қабул қилувчи бункер, вентилятор, парракли аралаштиргич, целлюлоза ўтказгич, дозалагич, асфальт аралаштиргичга материал узатиш шнеки мавжуд.

Агрегат нагревательно-перекачивающий - *қиздириб ҳайдаш агрегати* - асфальтбетон заводлари, битум ва эмульсия базаларидаги битумсақлагичларнинг жиҳози бўлиб, суяқ боғловчи материалларни оқувчанлик ҳароратига етказиб, транспорт воситалари ва сарфлаш цистерналарига, қиздирувчи мосламаларга ўтказиб беради. Бўғ, электр энергияси ёки қиздирилган минерал материаллар ёрдамида иссиқлик олинади.

Агрегатный метод ремонта - *агрегат усулида таъмирлаш* - йўл машиналарини таъмирлашнинг тараккий этган усулидан бири. Машинанинг тўлиқ ишлаш қобилиятини сақлаган ҳолда, унинг бузилган агрегатини янгилаш ёки таъмирлашга асосланган ва шу жойда бажарилиши мумкин бўлган усул. Агрегатларнинг айланма фонди мавжудлигини талаб этади. («Индивидуал таъмирлаш усули» бандига қаранг.)

Асфальтосмесительная установка - *асфальт қориштирадиган қурилма* - асфальтбетон қоришмалари ва бошқа ишлов берилган материалларни тайёрлаш учун АБЗ идаги технологик жиҳозлар ва агрегатлар мажмуи. Бунга қуйидагилар киради: материаллар билан таъминловчи, уларни миқдорловчи, устахонали қурутувчи барабан, қоришма тайёрлаш жараёнида материалларни силжитиш учун воситалар, бункерлар, аралаштиргичлар (парракли, мажбурий ҳаракатланувчи) ва тайёр қоришмани йиғувчи бункер. Бу операцияларнинг бошқаруви автоматлаштирилган.

Асфальтоукладчик - *асфальт ётқизиш машинаси* - бутун қатнов қисми кенглиги ёки битта йўлакда асфальтбетон қоришмаларини тарқатиб, ётқазиб, баъзида енгил зичлаштириб, текисловчи ўзиюрар йўл машинаси. Ҳозирги замонавий машиналар автоматлаштирилган бошқарув ва кузатув тизимларига эга.

Барабан сушильный - *қуритиш барабани* - минерал материаллар (чақиқ тош, шағал, қум ва тупрок)ни қуритиш ва киздириш учун мўлжалланган бўлиб, асфальтбетон қурилмасининг асосий агрегати ёки (тиркама) мустақил агрегат.

Бетоносмеситель - *бетон қориштиргич* - бетон қориштирувчи мосламанинг асосий агрегати бўлиб, минерал тўлдиргичлар цемент, сув ва бир қатор ҳолларда узлуксиз ёки босқичма-босқич қориштирилганда ҳар хил қўшимчалар қўшиб, бетон қоришмасини тайёрлайди. Икки хил қориштиргич мавжуд: 1) парракли, мажбурий қориштирувчи тоғора туридаги; 2) барабан туридаги - ағдарма ва ағдарилмайдиган барабанли, тушириш тарнови бор, эркин қориштирувчи.

Бетоноотделочная машина - *бетонни пардозлайдиган машина* - ўзиюар йўл машинаси бўлиб, цементбетон қопламалари қурилишида фойдаланилади. Бу машина автомобиль йўли ёки аэродромларнинг учиш-қўниш йўлагининг асосига ётқазилган цементбетон қоришмасини текислаш, зичлаш ҳамда пардозлаш ишларида қўлланилади. Сирғанчиқ опалубкали гусеницаларда ёки рельсларда ҳаракатланади. Узайтирилган кўп таянчли шассидаги ва қўшимча тебранма аркон ўрнатилган машина узун базали бетон пардозлаш машинаси дейилади.

Бетоносмесительная установка - *бетон қориштиргич қурилмаси* - цементбетон заводларидаги цементбетон қоришмани тайёрловчи технологик жиҳозлар ёки агрегатлар мажмуи. Унинг таркибига тош материаллар, цемент ва сувни таъминлаб, микдорловчилар, қоришмани тайёрлашда материалларни силжитиш воситалари, сарфлаш бункерлари ва узлуксиз ёки босқичма-босқич ҳаракатланувчи қориштиргичлар киради. Барча операциялар автоматлаштириб бошқарилади.

Бетоноукладочная установка - *бетон ётқозиш машинаси (тарқатувчи)* - ўзиюар йўл машинаси бўлиб, автотранспорт ёрдамида цементбетон қопламаси ётқазилаётган жойга олиб келинган цементбетон қоришмасини қабул қилиб, уни керакли қалинлик ва профилда тарқатиб беради. Икки хил турдаги тарқатувчи машиналар мавжуд: 1) чўмичли - бункерли - йўл катнов қисми четига ёндош ёки перпендикуляр жойлашиб олди ёки ён томонидан қоришмани қабул қилиб олади. 2) ағдаргич-пичоқли - асосга ағдарилган қоришмани ағдаргичнинг илгариланма ва орқага ҳаракатланиши орқали гидропровод ёрдамида уни юқорига кўтариб ва пастга тушириб тарқатади.

Битумообезвоживающая установка - битумни сувсизлантирувчи ускуна - бир неча агрегатлар (ёки битум козонларининг батареялари) дан ташкил топган бўлиб, у органик боғловчи материалларни узлуксиз (ёки даврий) сувсизлантириб, уларни ишчи ҳароратига етказиб қиздириш учун мўлжалланган. Бу ускуна таркибига битум насослари ва қизитиш системаси (иссиқ газ, буг, электр мой ва электр элементлари каби усуллар) ҳам киради.

Битумощебнераспределитель - битум-чақиқ тош тарқатгич - автомобиль-самосвалга, автотиркамага, автобитум ташувчига, автогудронаторларга тиркама ёки ярим тиркама тиркалган автомобиль шассидаги машина. Қоплама юзасига ишлов бериш учун органик боғловчилар ва майда чақиқ тошни тақсимловчи, юзага ишлов беришни ташкил этишнинг барча жараёнларини ва машинанинг ишчи органларини автоматик бошқаришнинг пулътли махсус қисми (оператор майдончаси) мавжуд.

Брус вибратационный - тебранувчи брус (вибробрус) - бир қаторга жойлаштирилган, бир неча тебратгичлари мавжуд бўлган, ингичка таянч плитали, брус кўринишидаги зичловчи, тебранма ишчи орган. Алоҳида ўзидан фойдаланиш ҳам мумкин ёки цементбетон, асфальтбетон, цементтупроқ қопламаларининг қум қатламини олдиндан зичлашда текисловчи, бетонпардозловчи, бетон ётқазуш ва зичлагич машиналарининг осма агрегати сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Брус выравнивающий - текисловчи брус - пардозловчи ва қоришмани ётқазувчи (тарқатувчи) машинанинг ишчи органи бўлиб, қурилатган йўл қопламаси ёки асосининг юзасини силликлаб текислаш учун мўлжалланган.

Бункер - бункер - йўл машинаси ёки ускунасининг ёрдамчи жиҳози бўлиб, иш давомида материал ёки қоришмаларни қисқа ёки узоқ муддатга сақлаш учун мўлжалланган. Қуйидаги турдаги бункерлар бўлиши мумкин: 1) юклаш бункери-ускунани материаллар билан таъминлайди; 2) дозаловчи - аралаштирилатган порциядаги у ёки бу материалнинг миқдорини белгилаб беради; 3) ўлчовли бункер - бир порция қоришма учун ажратилган ташкил этувчи материалларни аралаштиргичга тушишдан олдин оғирлигини ўлчаб беради; 4) йиғувчи бункер - тайёр қоришмани автомобиль самосваллар туриб қолмаслиги ва қоришма тайёрлаш узлуксизлигини таъминлаш учун йиғиб туради.

Бурильная машина - пармалаш машинаси - йўл қопламаси ва асосининг сифатини аниқлаш мақсадида йўл тўшамаси тузилмасини

бузмай намуна олиш учун фойдаланиладиган, филдиракли транспортга махсус ўрнатилган пармалаш жиҳози.

Валец - *валец* - статик ёки тебранма таъсир кўрсатувчи ўзиюрар ёки тиркама шиббалаш ишчи органи бўлиб, йўл тўшамасининг ётқазилган қатлам материали ёки тупроқ юзасида юриб, уни зичлайди.

Вибратор - *тебратор* - йўл иншоотларининг қисмларини тайёрлаш, йўл пойи тупроғи ёки йўл тўшамасининг тузилма қатталаридаги бетон қоришмаларни зичлаётганда механик тебранишлар ҳосил қилувчи механизациялашган асбоб ёки машина агрегати. Алоҳида ўзини ёки зичлагич машиналар ва вибро-асбобларнинг қисми сифатида ҳам ишлатиш мумкин. Бункерлардан материалларни тушириш, вибро-транспортёр ва вибро-ғалвир ишларини ҳамда чуқурликдаги ишларни бажаради. Юритиш усулига кўра элетромеханик, дизель, пневматик ва гидравлик турлари мавжуд. Зичланиш қалинлиги: чуқур - 20-60 см, саёз - 10-30 см.

Вибрация - *тебраниш* - муддатли таъсир кўрсатиб ҳосил қилинадиган, узлуксиз ёки турғун тебранишлар жараёни. Техника (машиналар, механизмлар ва конструкциялар)да фойдали ва зарарли титрашлар мавжуд.

Виброизоляция - *тебранма изоляция* - титрашлар манбаи ва химояланаётган объектлар ўртасига оралиқ деформация элементларини киритиш йўли билан иншоотлар, машиналар, асбоблар ва одамларни зарарли титрашларнинг таъсирларидан химоялаш.

Виброкаток - *тебранма каток* - ўзиюрар ёки тиркама (текис валецли, кулачокли валец) йўл машинаси бўлиб, йўл пойи ва йўл тўшамасидаги боғланмаган тупроқ, сочилувчан материал ва қоришмаларни қаватма-қават, тебранма таъсир этиб зичлайди.

Виброплита - *тебранма плита* - йўл остида кабель ва қувурлар жойлаштирилганда тор жойлар ва йўл четларида тупроқлар ва бошқа материалларни (чакиқ тош, мустаҳкамловчи материаллар ва б.) зичлайдиган вибрацион машина.

Виброплощадка - *тебранма майдонча* - завод шароитида ва полигонда бетон ва темирбетон буюмлар (блоклар, плиталар, кўприклар, оралиқ қурилмалар ва б.) тайёрлашда бетон аралашмаларни зичлайдиган вибрацион машина.

Виброуплотняющие машины - *тебранма зичлагич машиналар* - йўл пойи ва тўшамаси қурилишидаги тупроқ, шағал-тош материаллари, асфальтбетон, цементбетон қоришмалари

катламларини юзаки зичлаш учун мўлжалланган йўл машиналари (тебранма каток ва майдончалар). Улар қуйидагича бўлиши мумкин: тиркама; кранлар, экскаваторлар, чақиқ тош ётказгичлар, коришма ётказгичларга осма; ўзиюрар ва илгариланма ҳаракат қилувчи.

Бульдозер - *бульдозер* - гусеничали ёки ғилдиракли трактор ёки ғилдиракли тягачда арқонли ёки гидравлик бошқариладиган, ёки буриладиган осма ағдаргич билан жиҳозланган йўл машинаси. «Автоплан» туридаги кузатув тизими билан ҳам жиҳозланиши мумкин. Бульдозер қуйидаги ишлар учун мўлжалланган: ер қазииш ва планировка ишлари (майдонларни пардозлаш, олиб келинган тупроқни катламларга текислаш ва қўтарма бошланишига силжитиш, ўсимлик катламини қирқиш, тик қия ёнбағир ва 2 м гача бўлган захирадан тупроқ олиб куриладиган қўтармаларни қуриш); автомобиль йўли тўшамаси қурилишида чақиқи тош, шағал, қум катламларини кичик (10...30 м) масофаларга суриш ва бир уюмга йиғиш; тўнкаларни қўпориб олгандан сўнг йиғиштириш, йўл ўқи бўйидаги карьерларда ёрдамчи ишларни бажариш.

Гидромонитор - *гидромонитор* - ювилган тупроқни сув билан аралаштириб, уни йўл пойи ёки ағдаргичга етказадиган ишчи жиҳоз. Унинг иш усули оқимнинг потенциал энергиясини ювилган сув оқимининг кинетик энергиясига айлантиришга асосланган.

Гидросеялка - *гидросеялка* - автомобиль шассига ўрнатилган, сув билан ўт уруғларини экадиган ва қуйидаги жиҳозлардан иборат машина: оператор учун жой, цистерна, ўт уруғлари ва бошқа материаллардан ташкил топган ишчи аралашмани тайёрловчи, гидроотувчи насос, 15 м гача ишчи белгили, қўтарма ҳамда ён қиялиги 1:1,5 дан қия бўлмаган ён бағирга ишчи аралашмани сепадиган бошқа жиҳозлар.

Гидроэлеватор - *гидроэлеватор* - сув оқими ёрдамида изотермик насос билан ҳар хил гидроаралашмаларни сўриб олувчи гидротранспорт жиҳози. Насадка орқали ишчи суюқликни қабул қилувчи камерага катта тезликда тушади ва гидроаралашмани ҳосил қилади.

Гомогенизатор - *гомогенизатор* - эмульсия тайёрловчи мосламасининг асосий органи - битум ва эмульгаторнинг сувли эритмасини пуркаш, аралаштириш йўли билан йўл эмульсияларини тайёрловчи қориштиргич. Бу материаллар корпус девори ва катта тезликда айланувчи ротор диски орасидаги бошқариб туриладиган туйнукка (0,1...0,5 мм) келиб тушади.

Гравиемойка - *тош-шағал ювадиган жиҳоз* - цилиндрик кўринишдаги айланувчи барабан бўлиб, тош ва шағал материалларни ювишга мўлжалланган жиҳоз. Барабанга ювиладиган материалларни киргизиб, махсус қувурдан келган сув найлар билан катта босимда берилиб ювиш жараёни олиб борилади.

Грейдер - *грейдер* - пичоқ билан ағдаргич ишчи органи бўлган, гилдиракли тракторга тиркама, профилловчи машина бўлиб, пичоқ билан ағдаргич ва вертикал текислик бўйича ҳар хил кесиш бурчагида, бажарилаётган иш операциясига кўра ҳар хил қияликда ўрнатилади. Тупроқ йўллар ва ён ариқларни профиллаш, йўл пойи ва захирани режалаш ҳамда йўл тўшамаси қурилишида асоснинг тупроқ ҳамда тош-шағал қатламларини қаватма-қават текислаш ишларида фойдаланишга мўлжалланган.

Грейдер-элеватор - *грейдер-элеватор* - тиркама ёки ярим тиркама ер қазиш- транспорт машинаси бўлиб, кирқувчи диск билан 1-11 гуруҳ тупроқларни бир ёки икки тарафлама резервдан қирқиб, 0,8-1,2 м баландликдаги кўтармаларга узатади. Тупроқ карьерлари, алоҳида резервлар ва ўймаларда ҳам тупроқни қирқиб, қазиб олиб, транспорт воситаларига ортиш учун фойдаланилади.

Грейфер - *грейфер* - икки тарафга очиладиган чўмич (ковш) бўлиб, тупроқ, сочиловчан ва бўлакчи материалларни кўчириш, ташиш учун экскаватор, кран ёки автоюклагичларнинг ишчи органи сифатида хизмат қилади. Грейфердан юклаш-тушириш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Грохот - *ғалвир машина* - қум, шағал, чақик тош ва бошқа сочиловчан материалларни йириклигига кўра бойитиш учун фойдаланиладиган жиҳоз. Ғалвирлар ҳар хил шакл ва ўлчамдаги элақлардан тузилган. Айланувчи (цилиндрик) барабанлар ва текис турдаги ғалвирлар мавжуд. Текис ғалвирлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин. Қияланган ҳаракатлари дифференцияланган горизонтал элақ; тебранма қияланган (инерцион); гирацион сирғанувчи (эксцентрик). Элақлар керакли самарадорлик, материаллар тозаллиги ва эланганлик даражасига кўра танланади.

Грунтосмесительные машины - *тупроқни аралаштирувчи машиналар* - майдаланган ва боғловчилар билан аралаштирилиб (битумлар, цемент ёки фаоллаштирувчилар ва полимерлар қўшиш усулида) мустаҳкамланган тупроқлардан йўл тўшамасини қуришда фойдаланиладиган йўл машиналари. Бу йўл машиналарига қуйидагилар киради: ўзи юрар бир издан ўтувчилар, кўп қаторли

тупроқ аралаштирувчи машина, карьерда тупроқ аралаштирувчи қурилма. Буларга йўл фрезерларини ҳам киритиш мумкин.

Грунтосмесительная установка - *тупроқ аралаштиргич қурилма* - трасса ёнидаги карьерларда органик ва ноорганик боғловчилар билан ишлов берилган(мустаҳкамланган) тупроқлардан асос қуришда цементтупроқ ва битумминерал аралашмалар тайёрлайдиган технологик жиҳозлар мажмуи. Унга таъминлаш агрегати, насос қурилмали цистерналар (сув, битум, эмульсиялар учун), транспортёр, мажбурий таъсирли қориштирувчи икки валли парракли аралаштиргичлар мавжуд.

Дозатор - *меъёрловчи(дозатор)* - йўл қоришмаларини ташкил этувчи ҳар хил материалларни оғирлиги ёки ҳажмига кўра ўлчаб, уни қайта ишлаш, фаоллаштириш, аралаштириш ва ҳоказо ишлар учун мўлжалланган жиҳоз. Бошқарув турига кўра масофали, ярим автомат, автоматлаштирилган ҳамда узлукли ва узлуксиз ҳаракатланувчи; насос-дозаторлар, таъминловчи-дозаторлар, тасмали дозаторлар мавжуд.

Драглайн - *драглайн* - тишли ёки тишсиз, ҳокандоз кўринишидаги экскаваторнинг алмаштирувчи ишчи органи бўлиб, экскаватор стреласига арқонлар системаси ёрдамида очилади (стрелали, кўтарма, юкловчи - ардарувчи, тортувчи). Экскаватор турган жой сатҳидан пастда бўлган тупроқларни қайта ишлаш ҳамда дарё ва сув хавзалари тубидаги кум-шағални қазиб олишда фойдаланилади.

Дробилка - *тош майдаловчи машина* - тоғ жинслари (харсанг, тош, шағал), шлак ва шу каби материалларни бўлакларга майдалаш йўли билан қайта ишловчи ва майдалаш системасига кўра - конусли, галтакли, ясси юзали, зарбали - болға ва роторли турларга бўлинади.

Дробильно-сортировочная установка - *майдалаб саралайдиган қурилма (МСҚ)* - тош материалларини майдалаб бир поғонали ва икки поғонали элақларда фракцияларга ажратиб, уларни омборларга тайёр ҳолда узатиш ёки транспорт воситаларига ортиш ишларини бажарадиган машиналар мажмуи. Бу машиналар аниқ кетма-кетликда, тош материалларини (тош ва шағал) бойитиш ва уларни қайта ишлашнинг танланган стандарт схемаларига мувофиқ жойлаштирилади. Кўчма (ғилдиракли кўчма мажмуа) ёки алоҳида рақамларга жойлаштирилган агрегатлар кўринишидаги стационар мажмуалар бўлиши мумкин.

Заливщик швов - чокларга қуювчи - қўлда тортиладиган, ёпик бочкалар, махсус жиҳозланган арава бўлиб, сиқилган ҳаво ёрдамида махсус найдан чокка мастика қуйилади.

Рефулер (землесос снаряд) - *рефулер* - гидроаралашмани майдалаш, кўтариш ва кўчириш учун землесос ўрнатилган кемача ёки марказдан қочувчи тарзда ўрнатилган бир ёки бир неча насослар. Чуқурлик тубида ишлаганда, қум ишлаб чиқаришда ҳамда бошқа ер ишларида фойдаланилади.

Измерительный преобразователь (датчик) - *ўзгартирувчи ўлчаши асбоби (датчик)* - ўлчанаётган диапазонда керакли сезгирлик ва аниқликка эга бўлган автоматик тизимларнинг ўлчовчи қисми бўлиб, ўлчанган қийматни сигналга (кўпинча электрик) айлантириб, қайта ишлайди, ҳисобга олиб узатади. Ноинерцион ва инерцион, электрик, фотоэлектрик, индукцион, индуктив, потенциометрик, генераторли, силсин ва шу каби датчиклар мавжуд.

Индивидуальный метод ремонта - *алоҳида (якка) таъмирлаш усули* - бир бригада бажарадиган таъмирлаш усули. Йўл машинасидан ечиб олинган барча агрегат ва қисмлар таъмирланиб, қайта ўрнатилгунча йўл машинаси устахонада бўлади. Ҳар хил турдаги машиналарнинг кичик ҳажмдаги таъмирлаш ишларида фойдаланилади (“Агрегат усулида таъмирлаш”га қаранг).

Инструмент механизированный – *механизациялаш-тирилган асбоблар* - ишчи органи электродвигатель (электроасбоб), сиқилган ҳаво (пневмоасбоб) ҳамда ички ёнув двигатели ёрдамида ишга тушириладиган ҳар хил қўл асбоблари. Ишчиларнинг меҳнатини энгиллаштирувчи кичик механизация воситалари ҳисобланади.

Канавокопатель - *ариқ қазии машинаси* - ишчи органи омонч ёки махсус фреза бўлган йўл машинаси ёки тракторга осма жиҳоз бўлиб, йўл четдаги ариқларни қазииш, тозалаш ва ўйма, ён бағирларга зарурий лойиҳавий қирқим бериш учун ишлатилади.

Каток - *шиббалагич* - йўлни шиббалаб, зичловчи машина бўлиб, ўзиюлар, тягачга ёки тракторга тиркама бўлиши мумкин. Йўл пойининг тўкма тупроқ қатламларини текислаб, зичлаш, мустаҳкамланган тупроқларни зичлаш, йўл тўшамаси қурилишида эса йўл қурилиш материаллари ва қоришмаларини зичлаб, шиббалашда фойдаланилади. Ишчи органлари қуйидагилар бўлиши мумкин: силлиқ металл валецлар (бир, икки, уч валецли катоклар), пневмошинали ғилдираклар (пневмо-ғилдиракли катоклар), қўл изи валец (қўл из, тиркамали), катоксимон валецлар (катоксимон

тиркмали) ва шу каби. Статик ва тебранма таъсир кўрсатувчи катоклар бўлади. («Виброкаток» бандига қаранг).

Кирковшик - *киркаловчи* - иккита-тўртта ва ундан кўп тишлари - киркалари бўлган ҳамда бир қатор қилиб рамага мустаҳкамланган, тиркама йўл машинаси. Бу машинадан йўл тўшамасининг конструктив қатламларини ҳамда автомобиль йўлларини таъмирлаш ва қайта қуришда асос тупроқларини бузиш учун фойдаланилади.

Классификатор - *таснифлагич* - тош материалларни майда зарралардан тозалаб, мустаҳкамлигини ошириш ва бойитишга мўлжалланган машина. Классификаторлар қуйидаги турларга бўлинади: гидравлик - зарраларнинг сувда тушиш тезлиги бўйича; гравитацион - вертикал ва горизонтал сув оқимида зарраларнинг хажмий оғирлигига кўра бўлиниши; механик - материалларнинг металл плита, айланаётган барабан юзасига ишқаланиши ва урилиши натижасида бўш зарраларининг ажралиши; пневматик - ҳаво оқими ёки аэросуспензияларда зарраларнинг ажралиши; марказдан қочма - катта тезликда айланаётган гидроаралашмага марказдан қочма кучнинг таъсири.

Комплект высокопроизводительных машин - *юқори самарадорли машиналар мажмуи* - автомобиль йўлларининг цемент - тупроқли асослари, асфальтбетон ва цементбетон қопламалари ва аэродромларнинг учиш-қўниш йўлагини тезкорлик билан бир юришда қуриш учун фойдаланиладиган гусеничали, автоматлаштирилган бошқарув ва кузатув тизимли агрегатлари ўзгартириладиган жиҳозлар мажмуи. Унинг таркибига асосни профилловчи, аралашмани тарқатувчи, сирғанувчи опалубкали бетон ётқазгичлар, бетонни пардозловчи машина, парда ҳосил қилувчи материалларни қўйиш машинаси ва чокларни қирқиш машинаси киради.

Конвейер (транспорт) - *конвейер* - механизациялашган транспорт воситаси бўлиб, сочилувчан ва донатор материалларни қайта ишлаш, бойитиш ёки аралашма тайёрлаш каби технологик жараёнларда завод ичида горизонтал ёки қия ҳаракатланиб, силжишни таъминлайди. Тасмали, пластинкали, роликли винтли ва тебранма конвейер турлари мавжуд.

Корчеватель-собираатель - *ковлаб йиғадиган мослама* - йўл пойи қурилишида йўлакни тозалаш ишлари бўйича олиб бориладиган тайёргарлик ишларида фойдаланиладиган, уч ёки олти устунли, тишли ағдаргич кўринишидаги, тракторга ўрнатилган осма мослама.

Коэффициент использования парка - *паркдан фойдаланиш коэффициенти* - курилиш ташкилотларининг йўл машиналари ёки автомобиль паркидан вақт бўйича фойдаланишини кўрсатувчи коэффициент. Меъёрларда кўрсатилган ташкилий ва сменалардаги туриб қолиш ва технологик ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда (0,7...0,9), машиналарнинг йил бўйида ишлаган куни сонини сменалик коэффициенти ва иш сменасининг давомийлигини берилган қийматларда ҳамда барча техник хизмат ва таъмирлашга кетган вақт сарфини ҳисобга олган ҳолдаги календар кунлари сонига нисбати орқали аниқланади. Йўл курилиш ташкилотларида паркдан фойдаланишнинг амалдаги коэффициенти ўртача 0,5-0,65 ни ташкил этади.

Кран кабельный - *кабелли кран (кабелькран)* - юк кўтарувчи машина бўлиб, бир ораликли канат йўлнинг кўтарувчи канатида бу машинанинг жиҳози бўлган юк аравачаси ишчи органи билан ҳаракатланади. Асосан, тош, шағал конларидаги ишлаб чиқаришда ёки тошни карьердан қайта ишлаш цехига элтишда фойдаланилади.

Кран порталный - *порталли кран (эшик кўринишидаги)* - кўтарувчи кран бўлиб, унинг бурилиш платформаси рельс йўлда ҳаракатланадиган П шаклидаги порталда ўрнатилган. Кўприк курилатган майдонда ёки темирбетон жиҳозлари полигони, заводлар ва омборларда юкларни кўтариш ва элтишга мўлжалланган монтаж жиҳози сифатида фойдаланилади. Унинг юк кўтара олиш қобилияти 5-10 тонна.

Краны строительные стреловые - *стрелали қурилиш кранлари* - ҳар хил юк кўтара олиш қобилиятига эга бўлган, кўтариш - транспорт машиналарининг асосий тури (2,5 дан 100 т гача). Ўзининг фаолият радиусида юкларни ортиш-тушириш ва силжитиш учун мўлжалланган. Йўл қурилишида монтаж жиҳози сифатида, кўприк иншоотлари (оралик қурилмалар, таянчлар ва бошқалар), қувурларнинг йирик қисми ва бўлақларини ҳамда блокли конструкция қисмларини тушириб олиш, силжитиш, кўтариш ва жойига ўрнатиш ишларида кенг фойдаланилади. Унинг ишчи органи ҳар хил турдаги ва кўтариш баландлиги турлича бўлган илгакли ёки қисиб олувчи стрелали жиҳоз. Кранлар тўлиқ бурилувчан, ўзиюрар, тиркама ёки стационар бўлади. Улар махсус рамали ёки таянч машина (автомобиль, трактор, экскаватор, махсус шасси)ли, паркли, ғилдиракли, рельсли ёки гусеничали бўлиши мумкин. Уларни механик, гидравлик ва электрик усулда ишга тушириш мумкин.

Автомобиль шассисига ўрнатилган кранлар автомобиль кранлари дейилади.

Кусторез - *бута қирқадиган машина* - бир-икки ағдаргичли плуг ёки диски арралар билан жиҳозланган, тракторга ўрнатилган машина бўлиб, йўл пойини қуришдан аввал бажариладиган тайёргарлик ишларида йўлакдаги бута ва майда дарахтларни қирқиб тозалаш учун мўлжалланган. Бутазорларни тартибга келтиришда ҳам кенг фойдаланилади.

Лебедка монтажная - *монтаж чигириги* - 6.3. бандга қаранг.

Лебедка строительная - *қурилишда ишлатиладиган чигириқ* - полиспаст (аркон ва блоклар тизими) ёрдамида юкларни горизонтал ва вертикал йўналишда силжитиш учун фойдаланиладиган энг содда кўтариш-силжитиш жиҳози. Кам тортиш кувватига (5-12,5 дан 50-70 кН гача) эга бўлган, электрузатгичли, бир, икки, уч барабанли турлари бор.

Лебедка тракторная - *трактор чигириги* - асоси трактор бўлган, йўл машиналарининг осма ёки тиркама ишчи органларини арконли-блоки бошқарув тизимларида узатиш жиҳози (бульдозерлар, скреперлар, экскаваторлар, трактор кранлари, ковлагичлар, бута қирқувчи машиналар). Чиғириқ арконини блоклар, флюгер блоклари, роликлар кўринишида йўналтирувчи қурилма тизимлари мавжуд бўлиб, бир ёки икки барабанли кўринишда тузилади.

Машина базовая - *таянч машинаси* - транспорт воситаси ёки ўзиюар шасси бўлиб, унда йўл машиналарининг асосий ва алмаштириладиган жиҳозлари, ишчи органларини мустаҳкамлаш, двигателдан кувват узатиш учун бир неча махсус қисмлар мавжуд.

Машины дорожные - *йўл машиналари* - автомобиль йўли қурилишида, йўллардан фойдаланишда ва уларни таъмирлашда йўл ишларини бажарадиган машиналар. Йўл машиналари қуйидаги турларга бўлинади: ўзиюар йўл машиналари ишчи операцияларни бажариш ва машинанинг ҳаракатланиши учун узатиш двигателли; тиркама ва ярим тиркама - тягач билан занжир орқали ишловчи (ғилдиракли автотягач билан) ёки гусеницали трактор билан боғланган.

Машины землеройные - *ер қазии машиналари* - автомобиль ва темир йўллари қурилишида, иншоотлар ва гидротехник ишлар каби барча қурилиш туридаги ер ишларини бажаришга мўлжалланган йўл ва қурилиш машиналари (экскаваторлар, скреперлар, бульдозерлар, автогрейдерлар ва бошқалар). Улар икки турга

бўлинади: ер қазиш режалаш машиналари (бульдозерлар, автогрейдерлар, грейдерлар) ва ер қазиш транспорт машиналари (скреперлар, экскаваторлар, грейдер элеваторлар).

Машины уплотняющие - *зичлагич машиналар* - йўл пойи ва йўл тўшамасининг тузилма қатламларини зичловчи машиналар. Уларнинг турлари: виброзичлагич, шиббалаб зичлагич, текислаб зичлагич машиналар.

Мини техника - *миттитехника* - йўлсозлик тармоғида (таъмирлаш ишларида, ички йўллар ва тор йўлларда) сиқилган шароитлардаги ишлар учун кичик габаритли ўзинорар машиналар: ёнлама буриладиган юк ортувчилар (миттиюк ортувчилар); гусеницали ва пневмогилдиракли кичик ўлчамли гидравлик экскаваторлар (митти-экскаваторлар); кичик қувватли пневмогилдиракли тракторлар (митти-тракторлар); миттиасфальт ётқазгичлар, митти-катоклар ва бошқа машиналар.

Моральный износ - *маънавий эскирганлик* - фойдаланилаётган буюм, машиналарнинг физик яроқлилигидан қатъий назар, эскириши туфайли нархларининг пасайиши. Бунга қуйидагилар сабаб бўлади: шу машиналарни ишлаб чиқарувчи тармоқларда меҳнат самарадорлигининг ошиши туфайли машиналар таннархининг пасайиши, техник жиҳатдан мукамал машиналарнинг яратилиши, истеъмолчилар талабининг ўзгариши.

Мостик рабочий - *ишчи кўприкча* - кўчма платформа бўлиб, йўл тўшамасининг янги ётқазилган қатлами (масалан, ҳали қотмаган ва устидан юриш мумкин бўлмаган цементбетон қатлами) устидан ўрнатилиб, ишчининг у ёки бу зарурий иш операциясини бемалол бажара олиши учун имкон беради.

Навесное оборудование - *осма жиҳоз* - ҳар хил ишларга мўлжалланган йўл машиналарининг алмаштириладиган органи бўлиб, гусеницали ёки гилдиракли тракторларга, тягачга ёки ўзинорар шассиларга ўрнатилади ҳамда ҳар хил технологик жараёнларни бажариш учун фойдаланилади (бульдозер ағдаргичли, грейдерлар, юмшатгичлар, бута қирқувчилар, плугли пардозловчи машиналар, пардозлаш шплари учун машиналар ва шу каби).

Нарезчик швов - *чокларни қирқувчи* - автомобиль йўллари ва аэродромларнинг цементбетон қопламларидаги чокларни қирқиб уларни мастика, қўйилма ва шу кабилар билан тўлдирувчи йўл машинаси. Чокларни қирқиб янги ётқазилган бетонларда вибросальникли машиналар билан, қотган бетонда эса икки ёки кўп дискли ишчи органи бўлган ўзинорар машиналар (кўлда

ишлатиладиган бир дискли чок қирққич) билан бажарилади. Кесилган чок кенглиги 4...8...10 мм (вибросалник билан 18 мм гача), ўртача қирқиш чуқурлиги 60 мм гача бўлади.

Насос битумный - *битум насоси* - буғ ёки электр билан қиздириладиган цистернали насос бўлиб, оқими 6...7 м гача. Йўл машиналари ва ускуналарида ўрнатилади. Умумий трансмиссияга ёки алоҳида узатмага эга. Суюқ боғловчиларни чиқариб, узатиб бериш учун мўлжалланган.

Насос грунтовый (землесос) - *тупроқ насоси* - марказдан қочма, бир тарафлама сурувчи насос бўлиб, гидроаралашмани қувурларга узатиб беради.

Оборудование пневмонабрызга бетона - *бетонни ҳаво билан пуркайдиган асбоб* - тарқатиш ускунасига келаётган, кум, шағал ва цементдан иборат бўлган куруқ қоришмани сиқилган ҳаво билан пуркаб тарқатиш учун мўлжалланган агрегатлар мажмуи. Бунда керакли бўлган сув миқдори бевосита тарқатувчи туйнукка берилади. Кўприк иншоотларининг юзасини пардозлаш, таъмирлаш ҳамда мустаҳкамлаш ишлари кабиларда қўлланилади.

Отвал - *ағдаргич* - плугли, қор тозаловчи ва бошқа машиналарнинг асосий ишчи органи бўлиб, ишчи органнинг олдида кесувчи пичоғи мавжуд. Тупроқни ёки қорни кесиб четга суриш ҳамда йўл пойи ва тўшамаси юзаларини профиллаш учун фойдаланилади.

Перегрузатель - *қайта юкловчи* - транспорт воситалари ва асфальт ётқазувчилар ўртасида асфальтбетон аралашмалар захирасини яратиш (кўпайтириш) ва асфальт ётқазувчиларнинг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган махсус ўзинорар йўл машинаси. Асфальтбетон аралашмаларни транспорт воситалари кузовидан асфальт ётқизгичга охириги узатишдаги бир хил ҳароратда бир масса ҳолатигача аралаштириш амалга ошириладиган ўз бункер тўпловчисига қабул қилиш учун мўлжалланган. Кўп юк ташувчилар ўзларининг унумдорлиги, бункер сиғими ва двигатель қуввати бўйича фарқланади.

Перфоратор - *перфоратор* - бўш ва ўртача қаттиқликдаги тоғ жинсларда шпурларни зарб билан пармалаш учун мўлжалланган пневматик механизациялашган асбоб.

Пескомойка - *қумни ювадиган машина* - қумларни ювиб, унинг таркибидаги майда чангланувчи ва лой зарраларини ажратиш йўли билан битадиган шнек ёки драгали машина.

Питатель - *таъминловчи* - сочилувчан ва бўлакли материалларни бункер ёки ортувчи ариқлардан элтувчи ускуна ва машиналарнинг (тош майдалагич, қуритувчи барабанлар) қайта ишлаш қисмларига бир текис узатиб бериш учун мўлжалланган йўл машиналари ва ускуналарининг жиҳози. Таъминловчилар тасмали ёки пластинкали кўринишда бўлади.

Пневмонасос - *ҳаво билан ишлайдиган насос* - таъминловчи шнек ёрдамида тиндирувчи камера ёки бункердан аралаштирувчи камерага сиқилган ҳаво ёрдамида узлуксиз цемент етказиб берувчи жиҳоз. Бу ерда ҳосил бўлган ҳаво ва цемент аралашмаси қувурларга узатилади. Цемент горизонтал узатгичларда узатилади. Цементни горизонтал узатиш узунлиги 30-35 м. Бундай цемент қоришмаси кичик масофаларга икки ёки бир камерали, даврий ҳаракатланадиган ҳаво насослари билан узатилади. Цемент ўтказгич қувурларга цементнинг устидан сиқилган ҳаво ўтказиш йўли билан сиқиб киргизилади ва шунинг натижасида қувурларда цемент силжийди.

Пневоподъёмник - *сиқилган ҳаво билан ишлайдиган кўтаргич* - цементни транспорт воситасидан тушириб, омбор силослари ёки сарфлаш бункерларига жойловчи машина. Бу иш вертикал қувурлардаги ҳаво оқимида цементнинг қаттиқ заррачалари тўкилмаган ҳолда ҳаракатланишига асосланган. Аралаштирувчи камерага сиқилган ҳаво юмшоқ, майда ғовак тўсиқ орқали берилади. Ҳаво оқимининг тўйинганлик даражаси 1 м^3 сиқилган ҳавога 200300 кг цементни ташкил этади.

Пневморазгрузчик - *сиқилган ҳаво ёрдами билан ишлайдиган юк туширувчи машина* - темир йўл вагонларидаги цемент (минерал кукун, оҳак ва шу кабиларни) тушириб олиш учун фойдаланиладиган машина. Бу жараён туширувчи машинанинг вакуумнасоси ёки тортувчи туридаги насос ҳосил қиладиган вакуум ҳисобига цементнинг цемент ўтказгичларда ҳаракатланишига асосланган. Унинг ишчи органи - уюмни бузувчи штир ва ўзи ҳаракатланадиган дисклардан иборат бўлган қурилмадан ташкил топган.

Погрузчик строительный - *қурилиш юклаш машинаси* - ўзиюрар кўтариш-элтиш машинаси бўлиб, хажми сочилувчан ва майда бўлакли материаллар ва I-III гуруҳ тупроқларни юклаш ва қисқа масофаларга элтиб тушириш учун мўлжалланган. Бу машиналар омборлар, АБЗ, ЦБЗларда, чақиқ тош заводлари ёки қум, тупроқ, шағал карьерларида фойдаланилади. Юкни олиш бўйича бу машиналар куйидаги турларга бўлинади: а) бир чўмичли тронтал ва кўп чўмичли - портли (чўмичли ратор) ёки элеватор (чўмичли

занжирлар); б) куракчали - махсус ва дискалар билан; в) ушлаб олувчи - ишчи органи махсус санчқили бўлган. Ҳаракатланиш қисми бўйича: а) гусеницали (саноатга мўлжалланган тракторлар ҳамда умумий ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган тракторларда), пневмогилдиракли (махсус шасси ва тягачларда).

Прицеп - *тиркама* - бортли автомобиллар, пневмогилдиракли автомобиль тягачларга (тракторга) уланадиган тиркама ва ярим тиркама мослама. Транспорт воситаларининг самарадорлигини оширишга ва йўл қурилишида транспорт воситаларига бўлган талабни камайтиришга имкон беради. Тиркамалар юкни ўзи туширадиган (ўзи ағдарадиган платформали ёки кузовли) ва ўзи туширмайдиган (кўпинча тракторларда), аравали кўринишларда бўлади.

Профилировщик основания - *асосни текисловчи машина* - рельсда (ўзюнар) ёки гусеницада (осма) ҳаракатланадиган йўл машинаси бўлиб, цементбетон қопламаларини қурувчи бетон ётқазуш машиналари таркибига киради. Цементбетон қоришмасини ётқизишдан аввал қум асосига ёки цемент, цементтупроқли асосга қўндаланг қирқим бериш ва уни режалаш учун мўлжалланган. Унинг ишчи органлари: текисловчи ағдаргич ёки фреза барабани ва шиббаловчи брус.

Рабочий орган - *ишчи орган* - ишланадиган материаллар хили ва бажариладиган технологик жараёнлар турига боғлиқ ҳолда катта фарқлар билан ажралиб турадиган материалларга ишлов бериш орқали бевосита таъсир кўрсатадиган машиналар деталлари, агрегатлари. Ишчи органларга ковшлар, пичоқлар, ағдаргич, фрезалар, вибробруслар, плита бўлакловчилар, ғалтак машина жувалагичлари киради.

Разгрузчик материалов - *материалларни туширувчи* - кўтариш-элтиш машиналари бўлиб, темир йўл платформалари ва ярим вагонлардан ҳамда бортли автомобиллардан чақиқ тош, шағал, қумни тушириб олиш ишларини механизациялаш учун мўлжалланган. Бу машиналар икки турли бўлади: чўмичли турдаги (қатнов қисмига қўндаланг) ва ағдаргичли транспортер билан жиҳозланган элеватор чўмичли, уюмни ҳосил қилиш баландлиги 7,5 м гача; ағдаргичли турдаги (ҳаракатланувчи рукояткадаги ағдаргич). Кукусимон материаллар ҳаво билан ишлайдиган юк туширувчи машиналарда тушириб олинади.

Распределитель мелкого щебня - *майда чақиқ тошни тақсимловчи машина* - майда чақиқ тошни бир текис таркатувчи, ўзиюрар ёки бункер ва таркатувчи қурилмаси осма бўлган йўл машинаси бўлиб, асфальтбетон қопламаларининг янги ётқазилган юзасига ғадир-будир юза ҳосил қилиб тарқатиш учун фойдаланилади. Бу машиналар юзаки ишлов бериш жараёнида, органик боғловчилар қўйилгандан сўнг ҳам ишлатилади.

Распределитель пленкообразующих материалов - *парда ҳосил қилувчи материалларни тақсимловчи машина* - цементбетон қоплама қурилишидаги жараёнларни тугатувчи йўл машинаси. Қоплама юзасига парда ҳосил қилувчи материалларни (эмульсия, локуэтинол, промаль) тақсимлаш учун мўлжалланган. Бу машинанинг ишчи органлари махсус най бўлиб, у машина илгариланма ҳаракат қилганида (рельсда ёки ғилдиракда) ишлов берилаётган йўлакка кўндаланг йўналишда ҳаракатланади.

Распределитель цемента - *цементни тақсимловчи машина* - цементни автосамосвал ёки цементловчи машиналардан қабул қилиб олувчи, тиркама ёки ярим тиркамали йўл машинаси бўлиб, бункер ёки цистерна билаи жиҳозланган ва гусеница ёки ғилдиракда ҳаракатланади. Йўл тўшамасининг цемент тупроқли қатламларини қуришда, махсус сошниклар орқали цементни меъёрлаб, тақсимлаш учун мўлжалланган.

Растворосмеситель - *қоришма аралаштиргич* - мажбурий ҳаракатланувчи аралаштиргичли ва қоришманинг ташкил этувчиларини ўлчаб, узатадиган жиҳозли қурилиш машинаси бўлиб, қурилиш қоришмаларини тайёрлаш учун мўлжалланган.

Рельс-форма - *рельс-қолиплар* - йўл тўшамасининг асосига тўкиб, мустаҳкамладиган қопламанинг цементбетон қоришмасига опалубка бўлиб хизмат қиладиган металл шакллар звеноси. Цементбетон қоплама ёки асос қурилишидан аввал машиналар тўплами ҳаракатланиши учун рельс йўли барпо этилади. Рельс-қолип қоплама юзасининг раволигини таъминлашда нивелирланган асос бўлиб хизмат қилади.

Ремиксер (горячий регенератор) - *ремиксер (иссиқ регенератор)* - кичик қалинликдаги (4 дан 9см гача) эски қопламаларни иссиқ ҳолатда қайта тиклаш учун газли инфрақизил қиздиргичли махсус йўл машинаси. Машина турли қўшимчали қопламаларнинг қиздирилган материалларини аралаштирадиган жиҳоз билан таъминланган. Машинанинг ажралиб турувчи хусусияти эски юмшатирилган аралашмаларни икки валли аралаштиргичга юклай

олиши ҳисобланади. Аралаштиргичдан қайта тикланган аралашмалар валикка туширилиб, унда тарқатувчи билан тарқатилади ва “сузувчи” турдаги ишчи орган билан жойлаштирилади. Ҳозирги замонавий машиналар қопламалар раволигини таъминлашнинг автоматик тизими билан жиҳозланган.

Ресайклер (холоднўй регенератор) - *ресайклер (совуқ регенератор)* - автомобиль йўллари таъмирлаш ва қайта куришда катта чуқурликдаги (15 дан 50 см гача) эски қопламаларни совуқ ҳолатда қайта тиклаш учун махсус ўзиюлар универсал машина. Асосий ишчи органи қаттиқ қотишмадан тайёрланган учли айланали кесгичга ўрнатилган фрезерли барабан. Эски қопламани берилган қалинликда майдалаш, органик боғловчиларни кўпиртирилган битум эмульсия кўринишидаги заррачаларга айлантириш ва дозалаш, эски йўл тўшамасининг майдаланган материалли органик боғловчилар билан аралаштириш, олинган аралашмаларни берилган белгилар бўйича жойлаштириш учун мўлжалланган. Жойлаштиргичлар ичига ўрнатилган боғловчилар, мас., цемент ёки битум эмульсиялар мавжуд бўлганда ресайклердан тупроқли йўл-қурилиш материаллини барқарорлаштириш учун фойдаланиш мумкин.

Рыхлитель - юмшатгич - йўл пойи қурилишидан аввал бажариладиган тайёргарлик ишларида фойдаланиладиган йўл машинаси. Гидравлик бошқариладиган бульдозер ағдаргичини гусеницали тракторга (ҳар хил қувватли) осма жиҳоз сифатида ўрнатиб тузилган. Тракторнинг орқа қисмига ўрнатилган таянч рамаси ва 3-5 та тишли тиргаклардан ташкил топган. Тупроқни юмшатиш чуқурлиги 400...700 мм ва ундан кўп.

Силос - силос - ҳар хил ҳажмга эга бўлган цилиндрик ва конус шаклидаги цистерналардаги кукунсмон материалларни (цемент, минерал кукуни ва бошқалар) сақловчи омборларда фойдаланиладиган асосий ишчи орган. Бу цистерналар вертикал жойлашган бўлиб, улар сиқилган ҳаво билан тўлдирилади ва бўшатиб олувчи силос ускунаси ёрдамида бўшатилади. Бундай омборларда материалларнинг қатламланиши ва яроқсизланиши олдини олиш мақсадида циркуляция ташкил этилади.

Система управления - бошқариш тизими - машиналарнинг турли хил механизмлари ва агрегатларини даврий равишда қўшиш ёки ўчириш учун мўлжалланган жиҳозлар (тормозлар, муфталар, двигателлар ва б.). Бошқариш тизимлари ишчи органларининг жойлашиш ўрни ўзгариши учун ҳам бошқарувчи бўлиши мумкин.

Бошқариш тизимлари конструктив белгилари бўйича механик, гидравлик, пневматик, электрик ва аралаш турларга бўлинади.

Скрепер - *скрепер* - ўзиюар пневмогилдиракли ярим тиркама ёки автотягач ва тракторга тиркама боғланган асосий ер қазииш транспорт йўл машинаси. Бу машинанинг ишчи органи ҳар хил ҳажмдаги ковш бўлиб, тупроқни кесииш учун бир қирраси пичок кўринишида ишланган. Тупроқни карьердан ёки резервдан ташиб, йўл пойи кўтармасини (истаган баландликда) курганда, аниқ калинликдаги тупроқ катламини текислаб, четга суриш ишларида скреперлардан фойдаланилади. Гидравлик ва арқон - блокли бошқариладиган чўмичда тупроқни тўкиш мажбурий амалга оширилади.

Смеситель - *аралаштиргич* - аввалдан миқдорланган қоришма ташкил этувчилардан асфальтбетон, цементбетон ва цементтупроқ қоришмаларини тайёрловчи аралаштирувчи қурилманинг ишчи қисми. Икки хил аралаштиргичлар фарқланади: эркин (барабанли) аралаштиргичлар - бунда материаллар кўп марта кўтарилади, айланади, эркин пастга тушади ва шу ҳолда аралаштирилади; мажбурий аралаштиргичлар (парракли аралаштиргичлар) - бунда материаллар узлуксиз ва жадаллик билан айланаётган парракча (бир, икки валли) таъсирида аралаштирилади. Бундан ташқари, аралаштиргичлар узлуксиз ва даврий ҳаракатланувчи бўлиши мумкин.

Смеситель-укладчик литых эмульсионно-минеральных смесей - *қуйма эмульсион-минерал аралашмалар (ҚЭМА) нинг аралаштиргич-жойлаштиргичи* - қоплама юзасига ҚЭМА тайёрлаш ва жойлаштириш учун автомобиль шассидаги осма жиҳозли машина. Таркибида чақиқ тош ва цемент учун бункерлар, битум эмульсиялар ва сувлар учун идишлар, барча ҚЭМАни ташкил қилувчиларни дозалаш тизими, эмульсион-минерал аралашмалар тайёрлаш учун аралаштиргичлар ва ҚЭМА ни жойлаштириш учун чуқур бўлмаган бункердан қопламагача чўзиладиган осма жиҳоз (транспорт ҳолатида) мавжуд. Аралаштиргич-жойлаштиргичларнинг даврий ва узлуксиз ҳаракатдагилари фарқланади.

Средства автоматизации - *автоматизациялаш воситалари* - автоматик бошқарув тизимларининг асосий элементлари. Қуйидаги турлари мавжуд: ўлчовни ўзгартирувчилар-зарурий сезгирлик ва ўлчов аниқлигига эга, ҳар хил турдаги датчиклар; кучайтирувчи элементлар - механик, гидравлик, пневматик, электрон, электрогенераторли, магнитли; бажарувчи элементлар-керакли

кувват, аниқлик ва фаолиятнинг тезкорлигини таъминловчи - электродвигателлар, гидропневмодвигателлар ва чиқиш сигнали “айланиш” бўлган фрикцион муфталар, гидро-пневмодвигателлар ҳамда чиқиш сигнали «силжиш» бўлган электромагнитлар, рельс ва учурувчилар.

Средства механизации - *механизациялаш воситалари* - автомобиль йўллари, кўприклар, йўл иншоотлари ва бошқа муҳандислик иншоотлари қурилиши, улардан фойдаланиш ишларида қўлланиладиган қурилиш ва йўл машиналари, ускуналари, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш корхоналарининг жиҳозлари ва механизациялашган асбоблар тўпламининг йиғиндиси. Буларнинг барчаси ишларни тўплам ҳар томонлама механизациялаш ва қўл меҳнатини энг кам кўрсаткичга келтириш учун хизмат қилади.

Станок буровой для дрен - *дреналарни пармалаб қазувчи станок* - пармалаш қозикларини жойлаштириш мақсадида вертикал ёки қия қудукларни пармалаш учун фойдаланиладиган машина. Улар қуйидаги турларга бўлинади: а) айланма пармалаш - қоя тоғ жинси бўлмаган тупроқларда; б) арқонли-зарбали таъсир этувчи - қоя ва қаттиқ музлаган тупроқларда; в) қия ва шнекли бурғиловчи - гилли ва кумли тупроқларда.

Станок буровой карьерный - *карьерларда пармалаб қазувчи станок* - очик тоғ-кон ишларида (тош карьерларида) портлатиш ишларидан олдин қудукларни пармалаб қазувчи ўзи юрар ёки тиркама машина. Ишчи органига кўра станокар қуйидаги турларга бўлинади: а) айланма пармалаш (қирқувчи, колонкали); б) зарбали айланма пармалаш; в) исканали пармалаш; г) термик пармалаш. Станок тури пармаланаётган тоғ жинсининг қаттиқлигига кўра танланади.

Станок буровой разведочный - *қидирув ишларида пармаловчи станок* - ишчи органи кернни қазиб, уни қудукдан чиқариб олувчи коронка бўлиб, ўзи юрар айланувчи пармалаш машинаси. Қаттиқ фойдали топилмалар разведкасида ва яхлит искана билан пармалаш ишлари олиб борилганда ҳам фойдаланилади.

Тележка землевозная - *тупроқ ташиш араваси* - қаттиқ (металл) ғилдиракли ёки пневмоғилдиракли, ўзи ағдариладиган ёки ўзи ағдарилмайдиган кузовли жиҳоз. Трактор ёки автотягачга тиркама бўлган бу аравалар ҳар хил юк кўтара олиш қобилиятига эга. Уларнинг ўзи юрар турлари - думперлар ҳам қўлланилади.

Тент передвижной - *кўчирма соябон* - ишчилар билан қўлда йиғиб, кўчириладиган йиғма шийпон бўлиб, янги ётқазилган

цементбетон қопламасини об-ҳаво (тик қуёш нурлари, ёмғир, дўл қор ва бошқалар) таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида фойдаланилади.

Термопара - *терможуфтлик* - бошқарув ва назорат тизимларининг ҳароратни ўлчовчи қурилмаларидаги иссиқликка ўта сезгир элемент. У иккита ўзаро кетма-кет уланган (кавшарланган) ҳар хил жинсли ўтказгичдан иборат. Агар кавшарланган жойда турлича ҳароратлар юзага келса, терможуфтлик занжирида электр юритувчи қуч ҳосил бўлади. Бу ЭЮК нинг қиймати “иссиқ” ва “совуқ” контактларнинг ҳароратлари фарқига тўғри келади. Бу усул иссиқлик қурилмалари (қуришиш барабани, битум эритгич ускуналари ва ҳоказолар)ни назорат қилиш учун фойдаланилади.

Термос-бункер - *термос-бункер* - қуйма асфальтбетон қопламаларни қуриш, асфальтбетон қопламалардаги ёриқлар ва ўйиқларни тугатиш, кўприкларни гидроизоляциялашда фойдаланиладиган қуйма аралашмаларни тайёрлаш ва транспортда ташиш учун мўлжалланган махсус транспорт воситаси. Аралашмани иситиш тизими ва парракли аралаштиргич билан жиҳозланган.

Техническое обслуживание (ТО) - *техник хизмат кўрсатиш (ТХК)* - машиналарни ишчи ҳолатда сақлаш, уларнинг емирилишини камайтириш ҳамда носозликлар ва бузилишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаб, тузатишга қаратилган тадбирлар. Режага мувофиқ олиб бориладиган машина ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш тадбирлари комплекснинг ягона режали эҳтиёткорлик тизимига бирлаштирилади - РЭС. Ўй қурилиши ва жиҳозлари учун қуйидаги ТХК турлари белгиланган: кундалик техник хизмат кўрсатиш (КТХК); техник хизмат кўрсатиш №1 (ТХК-1); техник хизмат кўрсатиш №2 (ТХК-2); техник хизмат кўрсатиш №3 (ТХК-3); мавсумий техник хизмат кўрсатиш (МТХК).

Трамбовка - *шиббаловчи* - зичлаб шиббаловчи машинанинг ишчи органи ёки йўл тўшамасидаги тузилма қатламлари материалларини ва тупрокни уларнинг юзасига зарба бериб зичловчи механизациялашган асбоб. Уларнинг механик, эркин тушувчи, портловчи-шиббаловчи, қул шиббаловчи ёки бензин, ҳаво ва электр шиббаловчи каби турлари бўлиши мумкин.

Трамбующие машины - *шиббаловчи машиналар* - рычаг механизми билан қўтариловчи занжирлар воситасидаги бир ёки иккита плитали осма жиҳоз бўлиб, мажбурий ёки эркин срга тушиш натижасида бирваракайига ёки кетма-кет маълум баландликдан пастга тушиб ётқазилган тупроқ ёки материал қатламини зичлайди.

Трейлер - *трейлер* - пневматик шиналардаги тягач ёки тракторга боғланган, юк платфoрмаси ва зинапоёси паст жойлашган, кўп ғилдиракли, ярим тиркама оғир юк ташувчи. Йўл қопламасига меъёрида босим беради. Тракторлар, йўл машиналари, темирбетон буюмлар ҳамда йўл иншоотлари ва кўприклар оралиқ қурилмаларининг оғир ва ўлчамлари нотекис юкларини ташишда фойдаланилади. Юк кўтара олиш қобилияти 20 т дан 120 т гача.

Труба распределительная - *тақсимловчи қувур* - суюқ материаллар (органик боғловчилар - битум, қатрон, эмульсия, сув ва сувли эритмалар)ни тақсимловчи йўл машиналарининг асосий ишчи органи. Бундан ташқари най ва бошқариловчи кран билан ҳам жиҳозланган.

Тягач - *тортувчи(тягач)* - махсус автомобиль тиркамалари ёки тиркама машиналарни буксирга олиб тортадиган ўзинюар ғилдиракли шатакчи машиналар. Улар пневмоғилдиракли йўл машиналари - скреперлар, катоклар, грейдер-элеваторлар ва бошқа шу каби машиналарнинг ишлаши учун муҳимдир. Шатакка олинадиган машина ва поездларнинг юк билан бирга оғирлиги 10 т дан 40 т гача (йўл ишларида).

Укладчики универсальные - *универсал ётқазувчи машина* - йўл қурилиши материаллари ва барча турдаги қоришмаларни керакли қалинликда ва кенгликда бир текис тақсимлаш учун мўлжалланган, гусеницали ўзи юрар йўл машиналари. Чақиқ тош (шағал), мустақамланган тупроқ, цементбетон қоришмаси (сирғанувчи қалинликларда) ва асфальтбетон қоришмасини (қиздириб, текисловчи плита) ётқизиш учун алмаштирилувчи агрегатлар ва ишчи органларга эга.

Установка для модификации битума - *битумни модификациялаш учун қурилма* - йўл, кўприк ва аэродром қурилишида дивинилстирол термоэластопласт (ДСТ) асосида полимер битум боғловчилар (ПББ) тайёрлаш учун технологик жиҳозлар мажмуи. Мажмуада парракли аралаштиргич, коллоид тегирмон, шестерняли насослар, технологик қувурлар, полимерларни пневматик юклаш учун тизим мавжуд. Комплект жиҳоздан асфальт аралаштиргич қурилма таркибида ёки битумга энг охирида киритиш учун истеъмолчига бериладиган мойдаги СБС эритма ёки ПББ ни мустақил тартибда тайёрлашда фойдаланилади.

Установка для приготовления цементно-водной суспензии - *цемент-сув суспензиялари тайёрлаш учун қурилма* - контейнер кўринишида ясалган ва цемент учун бункер, сув учун идиш,

суспензия тайёрлаш учун аралаштиргич билан таъминланганки, у аралаштиргичдан ресайклернинг аралаштиргич камерасига узатилади.

Установка эмульсионная - *эмульсион қурилма* - автомобиль йўлларини куриш, таъмирлаш ва сақлашда бирламчи тупроқ солиш, устки ишлов бериш, тупроқларни мустаҳкамлаш, эмульсион-минерал аралашмаларни тайёрлаш ва бошқа турдаги ишлар учун фойдаланиладиган анион ёки катион турдаги йўл-битум эмульсияларига мўлжалланган технологик жиҳозлар мажмуи. Таркибида битум тайёрлаш учун қурилма, эмульгаторнинг сувли эритмасини тайёрлаш блоки, коллоид тегирмон билан биргаликда битум эмульсия тайёрлаш блоки (“Гомогенизатор”га қар.), тайёр эмульсияни сақлаш ва уни тайёр маҳсулотлар омборига ёки транспорт воситаларига узатиш блоки мавжуд. Автомобиль шассига монтаж қилинган универсал конвейерга ўрнатилган бўлиши мумкин.

Уширитель - *кенгайтирувчи* - ағдаргичли- пичокли ёки плугли машиналарнинг ҳамда автогудронаторларнинг тақсимловчи қувиридаги ишчи органлари бўлиб, иш қўлами кенглигини ошириш учун хизмат қилади.

Финишёр - *финишёр* - автомобиль йўллари ва аэродромларнинг УҚП цементбетон қопламаси юзасига охириги ишлов берадиган ўзиюрар машина. Асосий ишчи органи - қопламани бир ёки икки нишабли ён томонларга бўлиш учун икки қисмга бўлинган текисловчи қувурандава.

Форсунка *форсунка* - асфальтбетон тайёрловчи, битумни сувсизлантирувчи қурилмалардаги қуритувчи барабаннинг устахонасига суюқ ва газ ёнилғисини буг ва хаво ёрдамида сачратиб берувчи мослама. Бу мослама ёнилғидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш имконини беради. Ёниш жараёни қўл билан, масофадан ёки автоматик тарзда бошқарилади.

Фреза дорожная - *йўл фрезаси* - тракторга тиркама ёки осма ҳолатда боғланган, бир издан кўп юрувчи йўл машинаси. Тупроқни майдалаб уни ноорганик (цемент, оҳак) ёки органик (суюқ битум, катрон, эмульсия) боғловчилар билан аралаштириш учун мўлжалланган. Цемент тарқатгич ва сув сепиш машинаси ёки автобитум ташувчи машина билан биргаликда ишлайди.

Холодная фреза (холодный профилировщик) - *совуқ фреза (совуқ қиялаб текисловчи)* - гусеничали ёки пневмогилдиракли ўзиюрар машина. Автомобиль йўллари, кўчалар, майдонлардан уларни таъмирлаш ва қайта куриш вақтида асфальтбетон

копламаларни олиб ташлаш учун мўлжалланган. Кичик йўл фрезалари (кесувчи органи кенглиги 300 дан 1200 мм гача) ва совук фрезалар(кесувчи органи кенглиги 1300 дан 4200 мм гача) фаркланади. Ишчи (кесувчи) органи сифатида кескич туткичи сегментига пайвандланган фрезерли барабан қўлланилади. Материалларни юклаш учун фрезерли барабаннинг ўрта қисмида парраклар ўрнатилади. Материалларни саралаш ва транспорт воситаларига юклаш учун жиҳоз, одатда, икки лентали конвейерга эга, биринчиси - қисқа, бевосита фрезерли барабанда жойлашган ва фрезанинг ташловчи паррагидан материални олувчи ва уни конвейернинг иккинчи лентасига узатувчи. Иккинчиси, одатда, катта узунликка эга ва машинага осилган, фрезерланган материални турли меҳнат унумидаги ва турли габаритдаги транспорт воситаларига юклаш учун вертикал кенгликда бурила оладиган. Совук фрезалар, асосан, равонликни ва берилган қияликни таъминлаш тизимида эга.

Цистерна битумная - *битум цистернаси (битум қозони)* - битум омборлари ва АБЗ идаги идиш кўринишидаги содда жиҳоз бўлиб, унда қиздириш тизими (ишчи хароратгача), циркуляция (сувсизлантиришда) ва битумни насосларда чиқариб, узатувчи мосламалар бор. Битум ва катрон материалларни сақлаш ва узатиш учун фойдаланилади. Икки ва ундан кўп цистерналарнинг биргаликда ишлаши битум батареялари дейилади.

Щебеноукладчик - *чақиқ тош ётқазувчи машина* - занжирли ўзинюар йўл машинаси. Йўл тўшамаси қурилишида чақиқ тош, шағал, шлак ва қумларнинг қалинлигини бошқарган ҳолда, қатламлаб, бир текис ётқазиб учун мўлжалланган. Ишчи органи - зичлагич виброплиталар. Икки кўринишда бўлиши мумкин: а) ётқазилаётган чақиқ тош (шағал) қатлампидан юриб, тош ётқазувчи машинанинг орқа тарафидан йўл йўналиши бўйича материалларни тушириб, қабул қилган ҳолда; б) чақиқ тош (шағал)ни асос бўйича ётқазиб учун юк ортирилган автомобиллар олди тарафдан келишига йўл қўядиган.

Экскаватор - *экскаватор* - занжирли ёки пневмогилдиракларда ўзинюар ер қазувчи универсал машина бўлиб, циклик (бир чўмичли) ёки узлуксиз фаолият кўрсатадиган (кўп чўмичли, роторли) турлари мавжуд. Тупрокни қазиб, уни кўтармага ва четга тўкиш ёки транспорт воситасига ортиш ҳамда шағал, қум карьерларида ишлашга, карьерларда, йўл хўжалигининг омборларида ва ишлаб чиқариш корхоналарида ортиш - юклаш ишларини бажариш учун мўлжалланган. Экскаватор занжирли, гилдиракли,

кадам ташловчи бўлиши мумкин. Чўмичнинг ҳажми ва қўлланилиши жиҳатдан - тўғри чўмичли, тескари чўмичли, драглайн, грейфер турларига бўлинади.

Экскаватор-планировщик - *текисловчи экскаватор* - пневмогилдиракли ва гусеничали ўзиюрар машина; асосан, қияликларни текислаш учун мўлжалланган. Бошқа кенг доирадаги экскаваторлик ишларини ҳам бажариши мумкин: тупрокни ковлаш, тупрокни транспорт воситаларига юклаш, тупрокни юмшатиш ва йўл копламаларини киркалаш. Гусеничали машиналардан факат йўл қурилишида фойдаланилади. Пневмогилдиракли экскаватор-текисловчилар автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлашда кенг қўлланилади.

Элеватор ковшовый - *чўмичли элеватор* - сочилувчан ва донали материалларни сақлаш ва уларни қайта ишлаш жараёнида, омборларда асфальтбетон қоришмасини тайёрловчи ва майдалашсаралаш ускуналарини таъминлашда материалларни шу жой ҳудудида силжитишни таъминлаб берувчи мослама. Чўмичли элеваторлар турли ҳажмда, лентали ва занжирли кўринишда бўлади. Иссиқ ва совуқ материаллар учун мўлжалланган. Алоҳида ёки умумий трансмиссияли узатмага эга.

VI. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА КЎПРИК ВА ҚУВУРЛАРНИ ҚУРИШ

6.1. Кўприк таянчларини қуриш ва оралик қурилмаларини йиғиш

Аванбек - *аванбек* - кўприкнинг суриладиган оралик қурилмаси олдинги учига консолдек ишлайдиган қисмларини кичрайтириш учун металл ёки ёғочдан ишланган ёрдамчи тузилма.

Амортизатор пневматический - *пневматик амортизатор* - агар қобиқ бўшлиғида сувнинг чуқурлиги хавфли чуқурликнинг ҳисоблаб чиқарилган қийматидан ошса, қобиқли қозик оёқнинг қобиғи бетонида гидравлик зарбадан ёриклар пайдо бўлиш хавфи юзага келадиган ботиришда, уларни зич ва ўртача зичликдаги тупроқларда чуқурлаш-тиришда қўлланиладиган қурилма. Пневмотик амортизатор ҳаво билан тўлдирилган ва махсус контейнерларга жойлаштирилган, кран илгагига осма арқонларда осиб қўйиладиган автомобиль камераларидан ташкил топган.

Анкер - *анкер* - конструкцияларнинг икки қисмини қаттиқ бириктириш ёки янги конструкцияни эскисига бирлаштириш учун маҳкамловчи элемент.

Анкер арматурный - *арматурали анкер* - таранг тортилган юқори даражада мустаҳкам арматурани аниқлаш ва чўзилиш кучини бетонга узатиш учун конструктив-технологик қурилма.

Анкер грунтовой - *тупроқли анкери* - конструкцияларнинг жойидан силжишига тўсқинлик қилувчи тупроққа қоқилган маҳкамлаш элементи.

Анкерная крепь - *анкерли мустаҳкамлаш* - тупроқ анкерлари ёрдамида пойдевор чуқурини мустаҳкамлаш.

Анкеры-упоры - *анкер-тиргаклар* - зўриқтириладиган стерженли, боғламли ёки тросли арматуралар охирилари маҳкамлаш учун қисмлар. Бетонга кучланишли бўлган тузилмаларда доимий анкерлар вазифасини, таянчга кучланишли бўлганда эса инвентарли ушлаб олиш вазифасини бажаради. Унинг қуйидаги турлари мавжуд: конусли, қолип стерженли, бошчалари ўтказилган чўзма қуйма, гильза стерженли, пастқам, анкерли бошча ва бошқалар.

Арматурный каркас - *арматурали каркас(синч)* - олдиндан ёки бевосита бетон қолипи(опалубка)да йиғиладиган, бир-бири билан ўзаро бириктирилган арматурали стерженлар ва тўрлардан ташкил топган конструкция.

Армирование - *арматуралаш* - кўприк ва қувурлар, йўл жиҳозлари, йўл биноларининг йиғма темирбетон тузилмалари элементларини тайёрлашда ёки қуйма тузилмаларни қуришда, уларни кейинги бетонлаш учун арматурали қолиплар, тўрлар, тўсиқлар, ўзақлар кўринишида маҳкамлаш ва пайвандлаш билан пўлат арматурали жойида (қолипга тебранма шаклда ва бошқалар) ғамлаш, тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича технологик жараён.

Арьербек - *арьербек* - силжийдиган оралиқ қурилманинг орқадаги охирига посанги сифатида бириктириладиган қўшимча конструкция.

Балластировка - *балластлаш* - кўприкнинг оралиқ қурилмалари тузилмаларини ташиш учун понтонлардаги ҳавонинг ортиқча босимини ўзгартириш йўли билан (пневма балластлаш, берилган туйнуклари орқали кема ташқарисидаги сув билан боғланган отсек (кема ёки шу кабиларда алоҳида ажратиб қўйилган жой, хужра) ёки борт ташқарисидаги сувни баржа асосига ҳайдаш ва насослар билан отсеklarдан уни чиқариб ташлаш йўли билан (гидравлик балластлаш) қалқима таянчларнинг (понтонлар ёки

баржалардан ташкил топган плашкоутлар) чидамлилигини таъминлаш усули. Тури: ишчи балласт, тартибга соладиган балласт (ташилаётган тузилманинг доимий сатҳини ушлаб туриш учун) ва ортиқча балласт. Қозиқоёқ бошмоғи - қозиқоёқларни зич тупрокка қокишда уларни бузилишдан ҳимоялаш учун учи чиқарилган охирларига ўрнатиладиган металл учлик.

Башмак свайный - қозиқоёқ бошмоғи - зич тупрокка ботиришда бузилишдан ҳимоя қилиш учун қозикнинг ўткир қиррали охиридаги металл учлик.

Бетон заполнения - *тўлдириш бетони* - куббали кўприкларнинг кубба усти қисмига ёки йиғма-қўйма таянч ва қобикларнинг ички бўшлиғига жойлаштирилган бетон.

Бетонирование - *бетонлаш* - опалубкага бетон қоришмаларни жойлаштириш.

Бетонирование навесное - *осма ҳолатда бетонлаштириш* - олдин бетонланган қисмга ёки ҳаракатланувчи агрегат консолига илдирилган ҳавозаларга ўрнатилган опалубкада оралик қурилма қисмларини кетма-кет бетонлаштириш.

Бетонирование в скользящей опалубке - *сирпанувчи қолипда бетонлаштириш* - асосан кўприк таянчлари ва деворлари (қирғоқ таянчлари, тиргак деворлари қобиклари ва бошқалар)ни узлуксиз бетонлаштириш услуги. Бунда гидравлик домкратлар ёрдамида шаклнинг бутун баландлиги бетон қоришмаси билан тўлгунча, бошланғич тезлиги соатига 3-5 см бўлган, аста-секин суриладиган ва кейин секин тезлигини ошириб (соатига ўртача 20 см гача) борадиган таянч ўзаклари бўлган шакллардан фойдаланилади. Сирпанувчи қолипни ўрнатишда кружалнинг горизонталлиги ва домкрат ромларининг вертикаллилигини таъминлаш зарур.

Бетонирование подводное - *сув остида бетонлаштириш* - вертикал суриладиган қувурлар усулидаги тушириш қудуқлари, қобиклари, кенгайтирилган жойлар ва кўприк таянчининг пойдеворларини ётқазиш учун қазилган чуқурларда бетон қоришмасини сув остида жойлаштириш. Қоришмани куп-қурук қилиб жойлаш техник жиҳатдан мумкин бўлмаганда қўлланилади. Бетоннинг қўймалигини сақлаш учун қоришмани жойлаш соатига 3 м³/м² гача тезлик билан бажарилади.

Болты высокопрочные - *юқори даражада мустаҳкам болтлар* - юқори даражада мустаҳкам пўлатдан тайёрланган болтлар.

Болты конические - *конуссимон болтлар* - тирқишга бирмунча мустаҳкам киритиш мақсадида конуссимон шаклдаги

каллакчага туташувчи узун қисмга эга юқори даражада мустаҳкам болтлар.

Бурение скважин - *қудуқни пармалаш* - бурғиланган қозик оёқли устунларни ёки темир бетонли ёинки пўлат қобикли бурғиланган чўкма қозик оёқ устунларни қуриш учун бетон қоришмаси билан тўлдириб, таянч пойдеворини кўтарувчи устунлар остини тўлдириб текислаш билан пўлат трехнерумли бурғилар билан жиҳозланган, зарбли аркон туридаги дастгоҳлар ёки МБС туридаги машиналар (қия қудуқлар ЦНИИС ёки МСТ дастгоҳлари билан) билан амалга ошириладиган, тошлоқ ва музлаган тупроқларда ёки тошлоқсиз тупроқларда вертикал қудуқлар ҳосил қилиш билан боғлиқ технологик тайёрлов жараёни.

Вибрирование бетонной смеси - *бетон аралашманинг тебраниши* тебратгич билан бетон аралашмани зичлаш жараёни.

Вибропогружение свай - *қозикёёқни тебратгич билан ботириш* қозикёёқни кучсиз, сувга тўйинган ва қумли тупроқларга тебратгич-ботиргичлар билан ботириш.

Водоотбойные устройства - *сувни қайтарувчи қурилма* - тиргак конусини ювилишдан ҳимоялайдиган конструкция.

Водоотлив открытый - *очиқ сувларни чиқариб ташлаш* - атмосфера ёғинлари кўринишидаги ёки сизиб келадиған сувларни насос билан чиқариб ташлаш йўли билаи пойдевор ётқазилш учун қазилган очиқ чуқурларни (кўприк таянчи пойдеворлари, қувур қаллаги ва бошқалар остини) қуриш усули. Бу усул қурилма асосида ёки яқинида жойлашган тупроқ тузилишининг бузилишига сабаб бўлмайдиган ҳолларда қўлланилади. Чуқурларга озгина сув оқиб келиши қутилганда тўсиқли ва ўз-ўзидан шимадиган ҳаракатланувчи насослар, сув кўп оқиб келадиған бўлса, марказдан қочма кўп поғонали насослар қўлланилади.

Водопонижение - *сувнинг пасайиши* - игнали сузгич ёрдамида кўприк таянчининг пойдевори учун қазилган чуқурдан сувни чиқариб ташлаш усули. Бу усул тупроқнинг майда зарраларини кўп чиқариб ташлаш ва ётқизиладиған ёки мавжуд пойдевор тагидаги тупроқнинг юмшаши сабабли очиқ сув оқимини қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Восстановление моста - *кўприкни тиклаш* - кўприкнинг шикастланган жойларини бартараф этиш ва ундан фойдаланиш учун меъёрий шароитни таъминлаш билан боғлиқ бўлган кўприк қурилиши ишларининг мажмуаси.

Временная опора - *вақтинчалик тиргович (таянч)* - унинг қисмларида монтаж ишларини камайтириш учун оралик қурилманинг ҳаракати ҳолатида ва осмали йиғиш шароитида қуриладиган қўшимча тирговичлари.

Входной контроль - *кириш назорати* - қурилишга келтирилган саноат маҳсулотларини паспорт маълумотларига мувофиқ назорат қилиш.

Девиатор - *девиатор(огдиргич)* - полигонал боғламларни четга огдириш учун оралик қурилма конструкциясига маҳкамланадиган мослама.

Допуски - *йўл қўйишлар* - қўприк ва қувурларнинг арматурали, йиғма темирбетон элементларини, пўлат тузилмаларини, ёғоч қўприк элементларини, қозик оёқлар, тушириш қудуқларини, қобикларни, қолипларни, қурилиш ёғочларини, вақтинчалик иншоотлар ва бошқа қурилиш қисмларини тайёрлаш ва йиғишда техник шартлар ва стандартларда кўзда тутилган ўлчамлардан рухсат этилган оғишлар. Тузилмаларнинг лойиҳавий ўлчамларидан оғиш ўзақлар орасидаги масофада, тугунларни марказлаштиришда, зўриктирилган арматуралар йўлининг жойлашишида, оралик қурилма блокларининг қурилиш кўтармаси ўлчамларида, таянч тош тахталарини қуйма йиғишда, оралик қурилма ва таянч тугунлари ўқларининг оғишида, яхлит тўсинлар деворларининг кўпчиши ва бошқаларда чегараланади.

Забивка свай - *қозик оёқни қоқиш* - қозик оёқларни қоқувчи болғалар, тебранма болғалар, тупроқлар хусусиятига, талаб қилинган чуқурлаштиришга боғлиқ равишда ювиб ёки ювмасдан тебранма ботирувчилар ёрдамида лойиҳавий чуқурликда қозик оёқларни (темирбетонли, қобикли, металл, ёғочли) тупроққа ботириш усули.

Задир карточек - *карточканинг ўйилиши* - ишқаланишнинг кескин кўпайиши юзага келтирадиган оралик қурилманинг сурилишидаги сирпанишда карточканинг эзилиши, шикастланиши.

Залог погружения - *ботиш кафолати* - берилган турдаги болғанинг зарбалари сони ёки болғанинг зарба берадиган қисмининг меъёрий кўтарилиш баландлигидаги ва зарбанинг аниқ кучи таъсиридаги ботиш вақти.

Инъектирование каналов - *каналларни инъекциялаш* - олдиндан зўриктирилган темирбетон тузилмаларда боғламлар каналларини ва тузилма элементлари боғламларини босим остида эритмалар билан тўлдириш.

Камуфлирование каналов - *каналларни ниқоблаш* - зич ва ўртача зичликдаги боғланган ва боғланмаган тупроқларда парчаланадиган ва парчаланмайдиган металл таъсирида портлайдиган моддалар ёрдамида қозикоёқлар остки учларига портловчи кенгайтиришлар ўрнатиш. Ичи ковак, темирбетонли қозикоёқ қобиклари остки учларининг портлаш тўлкинидан бузилиши олдини олиш учун уларга пўлат қувурча бирлаштирилади.

Каналообразователи - *канал ҳосил қилувчилар* - таранг тортилган арматураларни ётқазиш учун канал ҳосил қилиш мақсадидаги металл ёки полиэтилен қувурлар (суғуриб олинмайдиган ёки суғуриб олинмайдиган).

Канат арматурный - *арматура арқони* - ўзини битта тўғри симдан эшилган арқон ва яна шу тўғри арқон атрофида бурама (спиралсимон) шаклда жойлашган олти сим сифатида намоён қиладиган, заводда тайёрланган, таранг тортилган арматуралар.

Карточки для надвижки - *сурилма учун карточкалар* - оралик қурилманинг сурилишида унинг сирпанувчи юзаси тагига қўйиладиган, сирпаниш ишқаланишининг кичик коэффициентини таъминлайдиган, бир томонига полимер қоплама суркалган пластинка.

Каркас арматурный (пространственный) - *арматурали синч* - сунъий иншоотларнинг ҳар қандай қисмини бевосита бетонлаштиришдан олдин қолипга ўрнатиш учун олдиндан тайёрланган арматурали ускуна. Кўприк ва қувурларнинг йирик қисмларини арматуралаш учун арматурали блоклар ва арматурали устунлар қўринишида арматурали синчлар тайёрланади. Йиғма ва қуйма тузилмалар учун қўлланилади.

Каток монтажный - *йиғиш ғалтаги* - кўприкнинг оралик қурилмаларини бўйлама ёки кўндаланг суришда думалатиш йўлининг элементи бўлиб хизмат қилувчи, яхлит кесимли пўлат цилиндр.

Кессонный способ устройства фундаментов - *пойдеворлар қуришнинг кессон усули* - чуқур жойлашмаларда сиқилган ҳаво босими остида ишчи камерада тупроқни қайта ишлаш билан пойдевор қуриш технологияси.

Кладка бутовая - *тош ётқазиш* - ишлов берилмаган тошни ётқазиш. Асосан яхлит пойдеворлар, кўприк таянчи ва тиргак деворлар қуриш учун қўлланилади.

Клинья - *поналар* - лойихавий ҳолатдаги баландлик бўйича конструкция вазиятини бараварлаштириш, уларни аниқликда куриш, гумбазларни қолиплаш учун қолип кўри-нишли металл (ёғоч) кистирма.

Компенсация прочности сечения - *кесимнинг мустаҳкамлигини компенсациялаш* - кўприкнинг оралик қурилмаси тўсини ёки металл фирмаларининг туташадиган элементлари охирларини михпарчин ёки болт тешиклари билан кучсизланиш жойларида, кесимнинг тешиклар билан кучсизланишини тўлдириш учун қалинлаштиришдан иборат бўлган тузилмавий усул.

Конструкции инвентарные - *инвентарли тузилмалар* - кўприк қурилишида, қурилиш ва йиғиш ишларида қўлланиладиган ёрдамчи иншоот ва қурилмаларнинг тузилмаси. Уларга инвентарли гумбаз қолипи, ҳавозалар, понтонлар, вақтинчалик эстакада учун сийрак панжарали оралик қурилмалар, йиғиш миноралари ва бошқалар киради.

Крен опоры - *таянчнинг оғиши* - асос тупроғининг бузилиши, оралик қурилмаларни суриш ёки бошқа сабаблар бўйича (таянч қурилмасининг нусхасини) юзага келадиган таянчнинг вертикалдан оғиши билан боғлиқ сурилиши.

Кружала - *гумбаз қолипи* - эгри чизиқли шаклга эга бўлган (қабоқ, гумбаз ва бошқалар) тошли ва темирбетонли қурилиш тузилмаларини қуришда қолипни вақтинчалик ушлаб туриш учун ёрдамчи қурилма (асосан ёғочдан).

Куплер - *куплер* - таранг тортилган арматураларнинг икки боғламини узунлик бўйича бирлаштириш учун бириктирувчи муфта.

Леса строительные - *қурилиш ҳавозалари* - йўл, кўприк қурилишида кўприкнинг бетонли ва тошли қуйма баланд таянчларини қуришда, оралик қурилма элементларини йиғишда, линия биноларини, вақтинчалик иншоотларни кўтаришда, ишлаб чиқариш қурилмалари (қориштиргич, тош майдалагич ва бошқалар)ни йиғишда ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш учун иш кўламини таъминловчи ёрдамчи қурилма.

Моностренд - *монстренд* — коваклари коррозияга қарши суртмалар билан тўлдирилган, алоҳида кувурсимон полиэтилен қобикқа жойлаштирилган арматура арқон.

Монтаж арматуры - *арматурани йиғиш* - йиғиш стерженлари, бетонли кистирмалар ва ҳимоя қатлами учун кистирмалар ўрнатиш билан андоза ва кондукторлар ёрдамида арматураларни йиғиш ва

пайвандлаш; кранлар ёрдамида кўприк ёки кувур элементларининг қолипидаги жойига тайёр синчлар, тўрлар, боғламларни ўрнатиш.

Монтаж блок - *блокларни йиғиш* - йиғиш агрегати (чорпоя кранлар билан), консол шлюзли кран (транспортли, траверзли юк аравачалар билан), кўндаланг сурилиш учун чорпоя кран, авто ёки ўзи юрар кранлар (кичик кўприкларда) ёрдамида кўприкнинг оралик қурилмалари блокларини таянчларга ўрнатишдаги асосий технологик жараён. Одатда йиғиш ишчи- соатбай жадвали асосида амалга оширилади.

Монтаж “на плаву” - *“сузиб бораётганда” йиғиш* - таянчли қуриш бўйича турли технологик жараёнлардан, яъни устунларни, подколонникларни, учликларни ва ригелларни таянчли девор блокларининг орасига тушириш, таянчнинг бу элементларини кранлар билан осиш ва кўтариш, инвентарли ҳавозаларни, беланчақлар ёки бошқа инвентар тузилмаларни қуриш (зарур ҳолда); вақтинчалик йиғиладиган бирикмаларни йиғишни ўтказиш; блоклар ва таянчнинг алоҳида элементларини яхлитлаш; қишда ишлаш учун вақтинчалик бинони қуриш (зарур ҳолларда)дан ташкил топган асосий технологик жараён.

Монтажные элементы - *йиғиш (монтаж) элементлари* - конструкцияни йиғиш даврида унинг яхлитлигини ва лойиҳавий хусусиятини таъминлаш мақсадида ўрнатиладиган элементлар.

Монтаж пролетных строений - *оралиқ қурилмаларни йиғиш* - йиғувчи кранли жиҳозлар ёрдамида оралик қурилмаларни йиғиш ва таянчларга ўрнатиш бўйича асосий технологик жараён. Унинг ҳавозаларда йиғиш, осма, ярим осма, катталаштириб йиғиш турлари мавжуд.

Надвижка конвейерно-тыловая - орқа конвейерли сурилма - суриладиган конструкциялар орқасидаги навбатдаги қисмга йиғиш (бетонлаш) асосида оралик қурилманинг қисмлар бўйича бўйлама даврий сурилмаси.

Надвижка продольная - *бўйлама суриш* - кўприкнинг оралик қурилмаларини ораликқа кўприк ўқи бўйлаб суриш йўли билан ўрнатиш усули.

Надвижка пролетных строений - *оралиқ қурилмалар сурилмаси* - лойиҳавий ҳолатдаги оралик қурилмаларни кўприк ўқиға бўйлама (бўйлама сурилма) ёки кўприк ўқиға кўндаланг (кўндаланг сурилма) силжитиш усули билан қуриш.

Накатка - *ғилдиратиш* - кўприкнинг оралик қурилмаларини ораликқа ғилдиратиб суриш йўли билан ўрнатиш усули.

Напряжения монтажные - *йиғишдаги (монтаж) кучланишлар* - йиғиш жараёнида юк таъсиридан, айникса, кўприк қуриш машиналари ва жихозлари таъсиридан кўприкнинг кўтарувчи тузилмасида юзага келадиган кучланишлар.

Натяжение высокопрочной арматуры - *юқори даражада мустаҳкам арматураларнинг таранглаштириши* - бетон конструкцияни унинг ҳисобига сиқиш мақсадида арматурада талаб қилинган чўзилиш кучини ҳосил қилиш технологияси.

Натяжение пучковой арматуры - *боғламли арматураларни таранглаштириши* - оралиқ қурилма блоклари каналларида ўрнатилган арматура боғламларни (арқонларни) махсус гидравлик кўтаргичлар билан лойиҳада берилган кўрсатмаларга (таранглаштириш кетма-кетлиги, бир вақтда таранглаштириладиган боғламлар сони ва рақами, таранглаштириш охиридаги энг катта ва назорат қилинадиган кучланиш, боғламли арқонларни узайтириш) мос равишда таранглаштириш жараёни. Йиғимли таранглаштириш кўтаргичлардаги ишқаланишдан ва анкернинг қисқичидаги арматуранинг ишқаланишидан юзага келадиган йўқотиш ҳисобига лойиҳадаги энг катта қийматга нисбатан оширилади. Таянчни қоплаш - таянчни қуриш бўйича сўнгги иш. Унга таянчлар чокларини портландцементли қоришма (маркаси 200 дан кам бўлмаган) билан тўлдириб, табиий тошлар ёки бетон, темирбетон билан (400 дан паст маркали) пардозлаш ишлари киради. Қоплашнинг яхлит ёки улама турлари мавжуд.

Научное сопровождение - *илмий ҳамкорлик* - иншоотларни қуриш ва лойиҳалаш жараёнида янги материалларни жорий қилишда, конструктив-технологик ечимлар масалалари бўйича, шунингдек мураккаб ҳисоблашларни бажаришда илмий муассасаларнинг иштироки.

Облицовка опор - *таянчлар қопламаси* - чоклар ва таянч бўлимларини, одатда, цемент қоришмалари билан тўлдириш билан биргаликда таянч юзасини табиий тошлар ёхуд бетон билан қоплаш.

Обсадная труба - *суқилган қувур* - пармалаш чегараси бўйича унинг деворларини тутиб туриш учун пармалаш қудуғига тушириладиган пўлат қувур(суғуриладиган ва суғурилмайдиган).

Ограждение шпунтами - *шпунтлар билан тўсиш* - пойдевор учун қазилган чуқурларни очиқ сув оқимларида, чидамли устувор бўлмаган ва сувли тупроқларда, кўприк таянчи сиқилган шароитда шпунтли ҳимоялаш иншооти. Тўсиқ шпунтлари тупроққа машъал қозикоёқлар бўйича ботирилади: ёғочлиги қозик оёқларни қоқиш

болтаси билан (4-6 м гача чуқурликда 2-3 тадан бирлаштирилган бугел билан шпунтлар), тупрок тури шпунтли деворни йикитишга қарши ёки сувни чиқариб ташлашда пойдевор учун қазилган чуқурда тупрокнинг босимига қарши шароитга қараб бошчалари билан ҳимояланган металл тебранма болта билан ёки тебранма ботирувчи билан (18 м гача чуқурликда).

Омоноличивание стыков - *туташмаларни яхлитлаш* - бириктирилган конструкциялар туташмаларини арматура каркас (синч)лар билан бирлаштирилгандан кейин бетон билан тўлдириш.

Опалубка - *қолип* - иншоотнинг бетонланадиган қисмининг аниқ ўлчамлари ва шаклини таъминловчи кўприк ва қувур элементлар арматураларини ўрнатиш ва бетонлаш учун инвентарли тахталар ёки махсус шакли ёғоч, металл тузилма кўринишидаги ёрдамчи қурилма. Қопламаларнинг мустаҳкамлиги ва чидамлиги кўзда тутилади. Кўприклар учун қолипнинг тўғри қўйилганлиги геодезик асбоблар билан назорат қилинади.

Опалубка перемещающаяся (скользящая) - *силжувчи (сирпанувчи) қолип (опалубка)* - конструкция участкаларини бетонлаш чегараси бўйича янги ўринларга силжийдиган қолип (одатда, таянчларни бетонлаш вақтида).

Опора плавающая временная - *вақтинчалик қалқима таянч* - баландликни тартибга солувчи, тўсинлар ва поналардан ташкил топган, таянч катаклари ўрнатиладиган инвентар металл тузилмани плашкоутлар ва қўшимча бинолардан ташкил топган ёрдамчи қурилма ва тўсинли ростверк.

Опускание пролетного строения - *оралиқ қурилмани тушириш* - оралиқ қурилмани вақтинчалик таянч қисмлардан доимийсига кўчириш.

Осадка опоры - *таянчнинг чўкиши* - асос тупроғининг деформацияси натижасида кўприк таянчининг вертикал силжиши.

Оснастка опоры - *таянчнинг йиғиш жиҳози* - кўприклар, қувурлар, йиғма йўл қопламалари, мунтазам бинолар қурилишида йиғиш ишлари тугагунча уларни вақтинчалик маҳкамлаб, йиғиладиган элементларни лойиҳавий ҳолатда йиғиш ва ўрнатиш бўйича ишларни бажаришни таъминловчи қурилмалар ва асбоблар (кранлар, блоклар, осмалар, кўтаргичлар, тагликлар, поналар ва бошқалар).

Основа геодезическая - *геодезик асос* - кўприк ёки қувурлар ўрнатиш учун яратиладиган, буюртмачилар томонидан бажарилиб

пудратчига далолатнома бўйича топшириладиган геодезик таянч тармоғи.

Островок намывной - *қурилган оролча* - дарё ўзанида кўприк таянчларини қуриш учун сунъий яратилган қуруқ участка.

Отказ свай - *қозиқоёқнинг қайтиши (рад этилиши)* - қозиқоёқнинг бир нишонада ботиши. Бу нишонанинг ўлчами куйидагича қабул қилинади: осма ва якка таъсирли болғалар учун ўнта зарба; кўш таъсирли ва дизелли болғалар билан 1 минут, қайтиш 1 мм гача аниқликда ўлчанади ва қозиқ оёқни ботириш (уриш) дафтарига ёзиб қўйилади. Қозиқ оёқлар лойиҳавий (ҳисобий назорат) қайтишга эришилгунча қоқилади, уларнинг бузилиши содир бўлган ҳолларда, зарурият туғилганда қоқилаётган қозиқ оёқни янгиси билан алмаштириб, уларни бартараф этиш лозим.

Очистка сталекопструкций - *пўлат тузилмаларни тозалаш* - металл кўприк элементларини йиғишдан олдин ифлос ва занглардан тозалаш бўйича (кумли-оқимли қурилма ёки оловли-кислородли ацетилен аланга билан), қирқишда ҳосил бўлган ғадир-будирликларни бартараф этиш бўйича (юзани силликлаш ва раззенковка билан) тайёрлов иши.

Перевозка на “плаву” - *“сузиш”да ташиш* - йирик блоklar ёки бутун оралиқ қурилмаларни махсус сузиш воситалари (баржа, понтонлар)да супа (стапел)дан йиғиш жойигача ташиш.

Перекавка пролетного строения - *оралиқ қурилмаларни думалатиш* - ғалтакда ёки гидравлик кўтаргичли катта юк кўтарувчанликка эга бўлган думалатиш аравачаларида кўндаланг йўналишда суриладиган кўприкнинг оралиқ қурилмасини таянчга кўчириш операцияси. Бунда остки думалатадиган йўлнинг кўндаланг тўсинчаларга пирслар чегарасида, қабул қиладиган таянчларнинг таянч тўшаги чегарасида эса шпалли ёки тўсинли қоплама бўйича ётқазилади. Юқори думалатиш йўли одатда таянчнинг кўндаланг тўсинлари тагида жойлашади. Думалатиш оралиқ қурилмада ёки ҳавозаларда ўрнатилган чиғир ёрдамидаги юк кўтарувчи механизмларда олиб борилади.

Перемышка - *вақтинчалик тўсиқ* - сув билан қопланган жойдаги чуқурликни ажратиш учун тупроқли ёки маскали конструкциялар.

Перекоп катков - *ғалтакларнинг қийшайиши* - ғалтакли таянчларни йиғишда таянч тош тахтаси ўқига нисбатан ғалтак ўқларининг бурилишидан иборат бўлган нуқсонлари.

Плакирование - *қоплаш (плакирлаш)* - металл тузилмаларни асосан алюмин қотишмали юпқа қатламлар билан қоплаш йўли билан занглашдан ҳимоялаш йўли.

Плашкоут - *плашкоут* - қурилма элементларини олиб келиш ва доимий таянчларни кўтаришда “сузиб бораётганда йиғиш” ишларини олиб бориш ва кўприкнинг оралик қурилмаларини жойига ўрнатиш учун кўзда тутилган понтонлар ёки баржалардан қурилган вақтинчалик таянчлар.

Погружение опускных колодцев - *тушириш қудуқларини ботириш* - тайёрланган қудуқни тупроққа лойихавий баландлик белгиси бўйича тушириш, қудуқ тубида бетонли ёстиқча қуриш, унинг бўшлиғини тўлдириш, шунингдек таянчнинг пойдевор устидаги қисмини кўтариш учун қистирмали қатор (таксимловчи тош тахталар) қуриш йўли билан амалга ошириладиган кўприк таянчи пойдеворлари қурилишининг технологик жараёни. Қуруқ жойда қудуқ олдиндан текисланган тупроқ юзасида, сув босган жойда эса сунъий оролчаларда (тўкилган ёки оқизиб олиб келинган) туширилади. Сувнинг чуқурлиги 5-10 м ва ундан чуқур бўлганда қудуқлар кўчмас ёки қалқима ҳавозалардан туширилади. Шунингдек, қудуқ пичоқлари остидаги тупроқни ювиш, қудуқларнинг пригрузкаси, тупроқнинг ишқаланиш кучи ёки қаршилигини камайтириш учун эса гилли қоришмадан тиксотропли қобиқ қўлланилади.

Подмосты - *ҳавозалар* - кўприк таянчлари, оралик қурилмалари, бир қатор ҳолларда тўғри бурчакли қувурларни йиғиш учун ёғоч ёки металлдан қилинган вақтинчалик инвентар ёрдамчи тузилмалар. Яхлит ҳавозалар кўприк таянчлари орасидаги бўшлиқни беркитувчи яхлит минорали таянч ва сарров кўринишида қурилади. Осма ёки ярим осма йиғишда йиғма ёки ҳимоя кўприккоти катаклари кўприк оралиғидаги вақтинчалик ёки доимий капитал таянчларга терилади.

Подушка подводная - *сув ости ёстиғи* - кўприк таянчи пойдеворларини қуришда пойдевор учун қазилган чуқур тубига, уни қуришидан олдин бетон қуювчи қувур ёрдамида ётқазиладиган сув остидаги бетон қатлами.

Подушка тампонажная - *тампонаж ёстиқ* - сувнинг ўзига хос кучли оқими вақтида, уни четлатиш пойдевор учун қазилган чуқурга тупроқ ювилиб тушиши эҳтимоли бўлганда, чуқур тубига бетондан қуюлган қувур ёрдамида ётқазиладиган сув остидаги бетон қатлами. Ёстиқ қалинлиги бир бирлик юзага тўғри келадиган

оғирликнинг гидростатик босимига тенглик шартидан келиб чиқиб (1.1 коэффициентда, ками билан 1 м.) ҳисобланади.

Подушка щебеночная - *чақиқ тоши ёстиқ* - асосни текислаш мақсадида таянч пойдеворига ётқазиладиган чақиқ тош қатлами.

Полигон - *полигон* - йиғма темирбетон конструкциялар элементларини тайёрлаш учун махсус жиҳозланган (одатга кўра, очик) майдон.

Прихватка конструкций - *тузилмаларни ушлаб туриш* - йиғма темирбетонли ёки металл қурилмалар ва уларнинг элементларини ўзаро олдиндан маҳкамлаш учун бир нечта жойларда қўлланиладиган қисқа пайвандловчи чок.

Пусковой комплекс - *ишга тушириш мажмуаси* - объект қурилиши тўлиқ якунлангунга қадар фойдаланишга топшириш мумкин бўлган иншоотнинг қурилиши тугалланган қисми.

Путь накаточный - *гилдиратиш йўли* - кўприкка ёндошишда, таянчларда ёки ҳавозаларда жойлашадиган ва кўприкнинг оралик қурилмаларини суриш учун кўзда тутилган мослама.

Пучки монтажные - *монтаж боғламлари* - оралик қурилма тузилмаси, пойдевор блоки ва бошқа элементлар қисмларини берилган ҳолатда ушлаб туриш учун фақат йиғиш даврида фойдаланиладиган, юқори мустаҳкамликка эга бўлган симлар боғлами.

Пучок арматурный - *арматурали боғлам* - симлар учларини анкерлар ёки илгаклар билан тиркаш учун кўприк оралик қурилмасининг олдиндан зўриқтирилган тузилмалари учун махсус дастгоҳда йиғилган кўп ўрамли боғлам (7 тадан 24-28 тагача симлар). Боғламларнинг қуйидаги турлари мавжуд: илмоқсиз, бир илмоқли ва икки илмоқли. Кўндаланг кесим тавсифи бўйича зич, маркази бўшлиқли ёки алоҳида зич тутамлардан ташкил топган бўлиши мумкин.

Разбивка на местности - *жойида режалаш* - яратилган таянчли геодезик тур ва иншоот ўқлари кўрсатилган кўприкли ўтиш режаси негизида иншоот элементлари ўқларини ва баландлик белгиларини маҳкамлаш бўйича тайёргарлик ишларининг зарур жараёнларидан бири. Режалаш ишларига қуйидагилар киради: кўприкли ўтиш йўли узунлигини текшириб аниқлаш; кўприк пойдеворлари ва таянчлари ўқи, сувни изга солувчи иншоотлар, кўприкка ёндошиш ва конуслар ўқларини режалаш ва маҳкамлаш; ўрта ва кўприкнинг катта бўйлама ўқини режалаш ва маҳкамлаш;

маҳкамланган репер оркали кўприк элементларининг баландлик белгиларини аниқлаш ва текшириш; қувурнинг йўл ўқи билан кесишиш жойида унинг бўйлама ўқини ва пойдевор четини режалаш. Бу ишлар обносколар (пойдевор қуриш учун) ўрнатишда бевосита ўлчашлар билан, створли текисликлар ва визир белгилари (муздан туриб таянччи режалаш учун), ҳавозаларда, тўғри кесиштириш ёки триангуляция усули ёрдамида амалга оширилади.

Раскружаливание - *гумбаз қолипни ечиш* - гумбаз қолипни, кўприкни тайёр оралик қурилмадан (асосан равоқли) ажратиш учун ҳавозаларни ва гумбаз қолипни тушириш йўли билан асбоблар ва гумбаз қолипни ечиш масалалари ёрдамида амалга ошириладиган бетон ва темирбетонли тузилмаларни тайёрлаш бўйича охириги жараён.

Распалубливание - *қолипдан ечиш* - қуйма кўприк ва қувурларнинг бетонли ва темирбетонли тузилмаларини ва йиғма тузилма элементларини қуришда массив ёки буюмнинг қотиши тугашидан сўнг қолипни ечиш билан боғлиқ охириги жараёнлардан бири. Қолипни ечиш муддатлари тузилма бетонининг мустаҳкамликка эришишини ҳисобга олиб белгиланади, бунда мустаҳкамлик қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак: қолипни ечиш учун лойиҳавий мустаҳкамликнинг 50-70% ини (тош тахта, қубба ва тўсинлар учун) ташкил этиши керак. Оралиғи 8 км дан катта бўлган кўтарувчи тузилмалар учун бетон 100% ли мустаҳкамликка эришиши талаб қилинади.

Расшивка швов - *чокларни тикиш* - таянч қопламалари чокларини пардозлаш.

Реконструкция моста - *кўприкни реконструкция қилиш* - кўприкнинг тавсифлари фойдаланиш шароитига мос келмаслиги билан амалга ошириладиган капитал қайта қуриш. Бу иш кўприк қуриш ташкилотлари томонидан (кўприкни қайта қуриш, кўприкни кенгайтириш ва мустаҳкамлигини ошириш) бажарилади.

Сборка - *йиғиш* - алоҳида элементлардан иборат конструкцияларни монтаж қилиш.

Сборка навесная - *осма йиғиш* - тегишли кўтарувчи транспорт машиналарининг ижрочи воситалари билан тузилма элементлари ва қисмларини вақтинчалик тутатиши амалга ошириладиган, кўприк, қувур тузилмалари элементларини, йиғма қопламаларни, линия биноларини, жиҳозларни, донали юкларни ортиш ва тушириш ишлари йиғиш бўйича технологик жараён. Ҳавозаларсиз йиғиш - оралик қурилманинг кўтарувчи тузилмасини

кирғоқ таянчидан ёки орадаги таянчлардан ҳавозасиз, пўлат арқонлар ёки боғламлар ёрдамида йиғилган, олдиндан тайёрланган элементларни осиб йўли билан қурилишдаги кўприкнинг оралик қурилмаларини йиғиш усули. Таянчдан икки томонда бир вақтда мутаносиб равишда бажариладиган осма усулдаги йиғиш дейилади.

Сборка полунавесная - *ярим осма йиғиш* - оралик қурилманинг бир қисми ҳавозаларда йиғилгандан сўнг осма усулда йиғиш амалга ошириладиган, лекин оралик қурилма алоҳида вақтинчалик таянчларга таянадиган, кўприкнинг оралик қурилмасини йиғиш усули.

Сварка арматуры - *арматурани пайвандлаш* - арматурани туташтиришнинг энг самарали усулларида бири. Пайвандлашнинг қуйидаги турлари қўлланилади: нуқтали туташтириш (арматурани тўр ва синчларни тайёрлашда); металл электрод билан ёйли (кўприкларнинг барча элементлари); якка электрод билан ваннали (барча тугунли туташмалар, тўсинлар ва фермаларни боғлаш).

Сварка заводская - *завод шароитида пайвандлаш* - завод шароитида, одатда, автомат ёки ярим автомат усулда амалга ошириладиган бириктириладиган элементларни пайвандлаш.

Сварка монтажная - *йиғма пайвандлаш* - одатда, қўлда бажариладиган, конструкцияларни йиғиш вақтидаги элементларни пайвандлаш.

Сдвиг опоры - *таянчнинг силжиши* - тупроқли гидрологик шароитлар, пойдеворнинг етарли бўлмаган чидамлиги ва бошқалар (таянч ўрнатишдаги нуқсон) сабабли таянчнинг горизонтал йўналишда - кўприкнинг бўйи ва энига силжиши.

Соединения монтажные - *йиғма бирикмалар* - михпарчин ёки юкори мустаҳкамликдаги болтлар ёрдамида металл кўприкларнинг элементларини йиғишда уларнинг тугунларидаги вақтинчалик ёки умумий бирикмалар.

Специальные вспомогательные сооружения и устройства (СВСиУ) - *махсус ёрдамчи жиҳоз ва ускуналар (МЁЖваУ)* - алоҳида объектни қуриш учун зарур бўладиган вақтинчалик конструкциялар ва ускуналар жами.

Стпель - *стапель (суна)* - оралик қурилмалар ёки секцияларни лойиҳавий ҳолатдаги кетма-кетликда жойлаштириш билан кўп марта йиғиш учун махсус жиҳозланган ҳавоза.

Строительство опор - *таянчлар қурилиши* - маҳаллий шароитлар ва таянч турларини иқтисодий таққослаш билан боғлиқ бўлган кўприк таянчлари қурилишининг усуллари ва технологияси.

Турлари: йиғма элементларни йиғиш, хайбатли куйма таянчларни қолипда бетонлаштириш ёки бетон қоригмаси узлуксиз узатилганда ва ётқазилганда сирпанчиқ қолипда бетонлаштириш, уни вибраторлар билан зичлаш.

Стройплощадка - *қурилиш майдони* - иншоот қурилиши бўйича ишлар амалга ошириладиган ҳудуд.

Строповка - *илгаклаш* - тегишли кўтаргич транспорт машиналарининг ижрочи органлари билан конструкция элементлари ва деталларини вақтинчалик бирлаштириш амалга ошириладиган ортиш-тушириш ва йиғиш ишлари жараёни.

Стык арматуры - *арматуралар бирикиши* - пайвандлаш, қисувчи ва буровчи муфталар ёрдамида ёки берилган участка узунлигида туташувчи стерженларни бирлаштириш йўли билан узлуксиз арматуралашни ҳосил қилиш учун стержен арматураларни узунлиги бўйича бирикириш.

Стык болтовой - *болтли бирикиш* - элементларнинг пўлат болтлар ёрдамида амалга ошириладиган бирлаштирилиши.

Стык клеенный - *елимлаб уланган жой* - 3.2. бандга қаранг.

Стык монтажный - *йиғма бирикиш* - 3.2. бандга қаранг.

Стык сварной - *пайвандли бирикиш* - пайвандлаш ёрдамида амалга ошириладиган металл элементларнинг бирлаштирилиши.

Стык шпоночный - *шпонкали бирикиш* - металл ёки бетон шпонкалар (ёғоч кўприкларда ёғоч шпонкалар) ёрдамида бажариладиган кўприк тузилмасининг бирикадиган элементларини бирлаштириш. Бирикма фақат кўндаланг кучларга акс таъсирдек ишлайди.

Тележка грузовая - *юк аравачаси* - йиғишда ва таянчларга ўрнатишда думалатиш йўлидан ҳаракатланиши учун оралиқ қурилма ўрнатиладиган кўчма восита.

Тележка монтажная - *йиғиш аравачаси* - кўприкнинг оралиқ қурилмаларини осма йиғишда ёки бетонлаштиришда қўлланиладиган жиҳозлар жойлаштириладиган кўчма восита.

“Термоса” метод - *“термос” услуби* - цементнинг иссиқлик ажратиши ва бетонлаш маҳсулоти ёки конструкциянинг иссиқлик изоляцияси ҳисобига бетоннинг қаттиқлашиши.

Тёска (получистая, чистая) - *тарашлаш (ярим соф, соф)* - тош қопламанинг юза қисмига ишлов бериш усули.

“Тюльпан” - *“лола”* - қозиқоёқнинг кесилган қисми арматурасини букиш усули.

Угон катков - *галтакли угон* - оралиқ қурилмани бўйлама силжитишда галтакларнинг кўприк бўйлаб дастлабки ҳолатидан силжишининг қайтмаслигида, аста-секин ортиб боришида ифодаланадиган ҳаракатланувчи таянчикнинг қурилиш нуқсони.

Усиление моста - *кўприкни кучайтириш* - кўприкнинг йўқотилган юк кўтариш қобилятини ошириш ёки тиклаш мақсадида ёинки транспорт воситаларидан юзага келадиган меъёрдан ортиқ оғир юкларни қисқа муддатли ўтказиш учун олиб бориладиган тадбирлар мажмуи.

Устройство гидроизоляции - *гидроизоляцияни қуриш* - кўприк оралиқ қурилмасининг кўтарувчи тузилмаларини ёки кувур юзасининг намланишдан ва емирилишдан ҳимоясини таъминлаш билан, яъни битумли материаллар суртиш, эритмалар сепиш, ўрамли материаллар ёпиштириш ва бошқа йўллар билан амалга ошириладиган қурилиш-йиғиш ишларининг мажмуи.

Устройство перемычек - *сув тўсгичлар қуриш* - сув қоплаган жойда пойдевор ётказиш учун чуқур қазишда чуқурларни тўсиш мақсадида бажариладиган технологик жараён. Сув тўсгич қуриладиган жойда дарёнинг туби олдиндан илдиз ва тошлардан тозаланади, сув оқими туби зарур ҳолларда текисланади, тупроқ қатлами эскавация билан чиқариб ташланади. Сув тўсгич қуйидагича бўлиши мумкин: тупроқли - сувни четлатувчининг туби ювилмайдиган кучсиз сизувчи бўлганда, майда кумлар, кумок ва кумолоқ тупроқлар (таркибида 20% дан ортиқ гил зарралари бўлган) дан кўтарилади; шпунтли - сув оқимининг туби ювилмайдиган сизувчи бўлганда, бир қаторли ёки икки қаторли тупроқ солинган; маскали - туби шпунтларни қоқишга имкон бермаганда тошлар билан юкланади; туби тоғ жинсларидан иборат бўлганда, тубсиз қутилардан фойдаланилади.

Устройство плавучих опор - *қалқима таянчларни қуриш* - кемани вақтинчалик таянчни қуриш бўйича технологик тайёргарлик жараёни, бунда вақтинчалик таянчнинг кўндаланг ва бўйлама йўналишда қалқималиги, бир жойда тик тура олишлиги таъминланиши керак. Иншоотнинг юқориси таянч катаги ва тўсинли қоришма билан тугалланилади. Кема сувли балластни ва лангар тизимини жойлаштириш учун сув ўтказмайдиган тешиқларга эга бўлиши керак.

Устройство подмостей и кружал - *ҳавозалар ва гумбаз қолипларини қуриш* - қуйма таянчга ёки оралиқ қурилмага тегишли шакл бериш, жиҳозлар ва йиғма қисмларнинг элементларини

жойлаштириш учун курилиш тузилмаларини куриш бўйича технологик тайёргарлик жараёни.

Устройство свай-оболочек - қобикли қозиқоёқни қуриш - қобикларни марказдан қочирма куч (дм 2м гача ва узунлиги 12 м гача бўлганда) усулида ёки пўлат тебранма шаклларда (дм 1,6м ва катта, блок узунлиги 8м гача бўлганда) бетонлаштириш билан тайёрлаш технологик жараёни. Бунинг учун арматурали синчлар ва пойдевор қисмлар тайёрланади, улар шаклга ўрнатилади, шаклга бетон қоришмаси юкланади ва унинг бетонлаштирилган бўлимлари иссиқ нам ишлов бериш билан зичланади, тахланади ва тамға қуйилади.

Фрикционные соединения - фракцион бирикмиш - металл элементларнинг сиқилиши ҳисобига уларнинг зарурий ишқаланиш кучини ҳосил қиладиган юқори даражада мустаҳкам болтлар билан бириктирилиши.

Центрифугирование - центрифугалаш - баъзи турдаги темирбетон буюмлар (хусусан, қобиклар)ни уларнинг пўлат шаклларда катта тезликда айланишидан юзага келадиган марказдан қочма куч (центрифуга) таъсиридан фойдаланиб бетонлаштириш усули.

Шпонка - шпонка - туташадиган қисмларни шпонка ўқиға перпендикуляр йўналишда ўзаро силжишиға тўскинлик қилиш мақсадида уларнинг тирқишларига қуйиладиган призма ёки цилиндр шаклидаги маҳкамлайдиган қисм.

Шпунт - шпунт - пойдевор чуқурчасини мустаҳкамлаш ёки унға сув сизиб ўтишини чеклаш учун кам сув ўтказувчи чегара ҳосил қилиш мақсадида тупроққа ботириладиган ва ўзаро бир-бири билан ёриқларда туташтириладиган қозиқоёқ конструкциялар.

Элемент сборный - йиғма элемент - завод шароитида ёки полигонда олдиндан тайёрланган, курилиш жойида йиғиладиган кўприк ва қувур тузилмасининг элементи.

6.2. Сув ўтказувчи қувурларни қуриш.

Грунтовое ядро - тупроқли ядро - қувурнинг ён томонига ва унинг остиға қатламма-қатлам ётказиладиган тупроқ.

Засыпка труб - қувурларни қўмиш - қувур сифатини текшириб чиқиш ва қабул қилишдан сўнг маҳаллий ёки ташиб келтирилган тупроқни қатламма-қатлам тўқиш (горизонтал қатламлар) ва уни зичлаш йўли билан бажариладиган, сув ўтказувчи қувурлар курилиши технологик жараёнининг сўнгги босқичи.

Инженерное сопровождение - *муҳандислик кузатуви* - буюртмачининг кўрсатмаси билан ихтисослашган муассаса томонидан бажариладиган қурилиш сифатининг доимий назорати.

Лекальный блок - *лекалли блок* - қувур остидаги юқори юзада жойлашган эгри чизикли пойдевор блоки.

Маркировка элементов - *элементларга тамга қўйиш* - қувур ва бошқа иншоотлар элементларини йиғиш қулай бўлиши учун, тайёрлашда тузилманинг ҳар бир қисми ёки элементига тартиб рақамини ёки белгини бўёқ билан қўйиш, одатда, бириктириш жойида олдинги қисмнинг тамғасини қайтариш билан қайд қилинади.

Монтаж гофрированных труб - *қат-қат букланган қувурларни йиғиш* - қат-қат букланган металл бўлакли қувурларни қуришнинг технологик жараёни мажмуи. У бўлақларни кранлар билан пўлат арқонлар ва брезент ёки бошқа материалли (қувурнинг рухли қопламасига зиён етказмаслик учун) қистирмалар ёрдамида тушириш ва силжитишни; қувур бўлақларини олдиндан тайёрланган чуқурликка (зичланган ёстикқа ёки кумли асосга) ўрнатишни; бўлақларни қувурга стандарт туташтирувчи элементлар ва болтлар ёрдамида бирлаштириш ва бўйлама бирикмаларни ўраб боғлашни ўз ичига олади.

Монтаж звеньев железобетонных труб - *темирбетонли қувур бўғинларини йиғиш* - темирбетонли думалок ёки тўғри бурчакли қувурлар қурилиши технологик жараёни (пойдевор тайёр бўлганда). У қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: қувур бўғинларининг строповкалаш ва тушириш; чиқиш каллагига қанотчасини ўрнатиш билан бошланадиган пойдевор устки қисмини кран билан ётқазиш; қувурнинг темирбетонли бўғинлари пойдеворга тиралишини таъминлаб йиғиш; кириш каллагига қанотчасини ўрнатиш.

Обноска разбивочная - *чеккага чиқариб режалош* – пойдевор ва у учун қазилган чуқур чегарасини режалошнинг тавсифлаш нукталарини маҳкамлаш учун қувурнинг бўйлама ўқидан белги қўйиладиган, қувур пойдевори учун қазилган чуқур қиррасидан 1-1,5 м масофада ўрнатиладиган (ер қазиш машиналарининг ишлаш чегарасидан ташқарида) тахтадан қилинган мослама.

Основа геодезическая - *геодезик асос* - буюртмачи томонидан бажарилиб далолатнома бўйича пудратчига бериладиган, қувур ёки кўприк қурилиши учун яратилган геодезик таянч тури. Бу асоснинг жойида маҳкамланган пунктларига қуйидагилар киради: қувур (кўприк)нинг бўйлама ўқи ёки йўл ўқининг қувур бўйлама ўқи билан кесишиш нуктаси; асосий ўқига параллел бўлган дублер; баландлик

реперлари (маркалар), шунингдек узунлиги 300 м дан ортик бўлган кўприклар учун кўприкли триангуляция пунктлари.

Песчано-гравийная подушка - қум-шағалли ёстиқча - пойдеворсиз қувур остига қумли-шағалли аралашмани махсус равишда тўкиш.

Прогал - очик жой(прогал) - шу жойда қувур ўрнатиш учун кўтарманинг тупроқ тўкилмай қолган қисми.

Продавливание - босиб киргазиш - қувур ва қувур ўтказмаларни чуқурликсиз ётказишнинг асосий усулларида бири. Учсиз қувур (филоф)ни тупроқ массага тупроқни кейинчалик саралаш ва қайта ишлаш билан биргаликда босиб киргазишдан иборат.

Устройство защитного слоя - химоя қатламини қуриш - қувур устига тупроқ тўкилгунча бажариладиган, сув ўтказувчи қувурлар қурилиши бўйича технологик жараённинг охириги ишларидан бири. Химоя қопламаси тупроқ солиш (0,2-0,3 мм) ва мастика (қалинлиги 2 мм дан кам бўлмаган) қатламларидан иборат. Тупроқ солиш қувурни тозалашдан сўнг, ўша заҳоти куруқ юзага қоришманинг подливкасини металл қувурга сочиб берувчи тўппонча билан бир текис пуркаш усулида бажарилади.

Устройство фундаментов - пойдеворларни қуриш – маҳаллий шароитларга асосан йиғма бир хиллаштирилган блоклар ёки қўйма қувур пойдевори қурилиши бўйича технологик жараёнлар мажмуи. Жараёни бажариш учун қуйидаги тартиб қўлланилади: қувурнинг чиқиш ва кириш каллаклари остига қувур бўғинларининг пойдевори товони сатҳига пойдеворлар блоклари (ёки қолипда бетон қоришма) ётқизилади, чуқурнинг энг қуйи қисмининг қувур танаси остидаги чуқурлик товони билан тутатиш жойига қумшағалли қоришма ёки қум-цементли эритма қуйилади.

6.3. Кўприк конструкциялари ва қувур элементларининг заводда тайёрланган маҳсулотлари

Виброформа - тебранма шакл - турли хил диаметрли қувурларнинг арматурали бўғинларини ва қозикоёқлар учун қобиқларни тайёрлаш учун кўп айлантириладиган металл опалубка. Арматура ўрнатилиб мустаҳкамлангандан кейин зичлаш, тебрантириш ва центрифугалаш усули билан бетонланади.

Кондуктор - кондуктор - конструкция элементларида болт тешикларини ҳосил қилишда пармалаш станогининг кесувчи жиҳозини тўғри йўналтириш учун станок мосламаси.

Кондуктор сборочный - *йиғувчи кондуктор* - конструкция қисмларини бириктириш (мас., тўсин белбоғлари кесишмасини шакллантириш) учун мослама.

Маркировка - *белги қўйиш (тамгалаш)* - буюмдаги унинг шифри, тайёрланган санаси, тайёрловчи заводнинг номи ҳақидаги белгилар.

Обработка кромок - *қирраларга ишлов бериш* - кесилгандан кейин металлнинг кесилган қирраларини силлиқлаш.

Опалубка инвентарная - *инвентар қолипи (опалубка)* - темирбетон буюмларни тайёрлаш учун кўп марта фойдаланиладиган опалубка (қолип).

Отправочные марки - *жўнатиш тамгаси* - таркибли конструкцияларнинг алоҳида элементлари кўринишида чиқариладиган кўприк қурилмалари заводининг охириги махсулоти.

Отпусная прочность - *чиқариш мустаҳкамлиги* - йиғма конструкциялар ва махсулотлар бетонининг уларни тайёрловчи заводдан истеъмолчига жўнатиш учун зарурий бўлган минимал мустаҳкамлиги.

Правка - *текислаш* - металл прокатни металлургия заводида тайёрлаш жараёнида юзага келган қолдиқ деформациясини йўқотиш мақсадида унга ишлов беришнинг технологик жараёни.

Пропаривание - *буғлаш* - бетон аралашмага иссиқ сув буғи таъсиридан иборат бўлган бетон қаттиқланишини тезлатишнинг технологик усули.

Пропарочная камера - *буғлатиш камераси* - бетоннинг қаттиқланишини тезлатиш учун темирбетон ва бетон буюмларни буғлаш жараёни амалга ошириладиган ёпиқ бино (камера).

Разметка и наметка - *белги ва мўлжал* - деталлаштирилган чизмага мувофиқ металлга чизиқлар ва белгилар қўйишдан иборат металлларга ишлов бериш бўйича бошланғич тайёргарлик жараёни.

Режим пропаривания - *буғлаш режими* - махсулотда нуксон ҳосил қилмасдан бетонлар тўпламининг мустаҳкамланиш тезлигини таъминлайдиган буғлаш камерасининг ишчи ҳарорат режими.

Сварка автоматическая - *автоматли пайвандлаш* - электрод симли мослама ва уни жойлаштириш учун механизм билан таъминланган ўзиюар пайвандлаш тракторида автомат тарзда бажариладиган пайвандлаш.

Сварка полуавтоматическая - *ярим автоматли пайвандлаш* - ярим автомат тарзда бажариладиган қисқа ва эгри чизиқли чокларни пайвандлаш.

Стенд для изготовления балок - *тўсинлар тайёрлаш учун дастгоҳ (стенд)* - олдиндан таранг тортилган темирбетон тўсинларни стенд технологиясида тайёрлаш вақтида таранг тортилган арматураларнинг чўзилишини вақтинча ўзига қабул қиладиган металл ва темирбетон конструкциялар.

Стеновая технология - *стенд технологияси* - юқори даражада мустаҳкам арматураларни тиргакка маҳкамлаш билан олдиндан таранг тортилган темирбетон конструкцияларни тайёрлаш технологияси.

6.4. Кўприк ва қувурлар қурилиши учун механизация воситалари

Анкер - *анкер* - олдиндан зўриктирилган бетонли тузилмаларда сим, пўлат аркон ёки тортилган боғламларнинг таранглашиш жараёнида уларнинг учларини маҳкамлаш учун мослама. Анкернинг конусли, синч стерженли, гильза стерженли, ЦНИИС туридаги (қуйма, йиғма таранглашган ва йиғма ҳаракатсиз бўладиган кесик бошчали симлар учун), анкерли муфталар турлари қўлланилади.

Бетононасос - *бетон насоси* - кўприк қурилиши майдонида бетон қориштиргич тугунидан ёки бетон ташийдигаи машинадан пластик цементбетон қоришмасини кўприк (қувур) таянч деворлари ёки бошқалар тугунларининг бетонлаштириладиган жойларига узатиш учун қурилиш жиҳози. Насоснинг узатиши соатига 10 м³ дан 40 м³ гача ва ундан ортиқ.

Блоки такелажные - *такелаж блоки* - такелажли жиҳознинг пўлат аркон ёки арконни ўтказиш учун ариқчаси бўлган ғилдиракча туридаги содда элементи, юк кўтарувчи механизмнинг асосий қисми. Турлари: ғилдиракчалари сони бўйича - 1 тадан 160 тагача; ускуналаниш бўйича - ҳалқали, илмоқли ёки травесли.

Вибратор - *тебраткич* - 5.3. бандга қаранг.

Вибробадья - *тебранма идиш* - цементбетон қоришмасини бетон аралаштиргичнинг сарф бункеридан истемолчининг объектигача ташиб бориш учун жиҳоз. Идиш корпусига қоришманинг консистенциясини сақлаш учун тебранма ва унда бир неча створли тсшикли ҳалқа йиғилган.

Вибромолот - *тебранма болга* - болғанинг зарбли қисми зарблари тезлиги оддий дизель болғаларнинг зарбли тезлигидан бир неча ўн баробар ортиқ бўлган қозик оёқли жиҳоз. Электр узатмали,

зарб қисмининг оғирлиги 100-1300 кг, тўлқинлантирувчи кучи 1-140-170 кН.

Вибропогружатель - *тебранма ботиргич* - вертикал ва қия қозик оёқларни (оғирлиги 3 м гача) бўш, сувга тўйинган ва қумли тупроққа ботириш учун жиҳоз, паст тезликдаги ва юқори тезликдаги турлари мавжуд. Тебранма ботиргичдан йўналтирувчи ўққа эга бўлган копер ёки кран билан осма жиҳозлардек тўпламда фойдаланиш мумкин. Қозик оёқнинг юқориги учига қаттиқ маҳкамлаш учун тебранма ботиргич конусни ўз-ўзидан поналайдиган мослама билан таъминланган.

Гайковерт пневматический - *пневматик гайка бурагич* - оралик қурилманинг металл тузилмалари (пакетлар ва бошқалар)ни туташтириш учун қўлланиладиган, юқори мустақамликдаги болтлар ва гайкаларни тортиш учун зарбли ҳаракатдаги механизациялаштирилган асбоб.

Гидропередвижник - *гидро силжитгич* - блок супилишини таъминлаб, машина корпусига маҳкамланган гидроцилиндрлар штоклари тиралиб турадиган сирпанғич рельслар бўйлаб оралик қурилмаларнинг оғир блокларини кичик масофаларга қўндаланг тарзда ташишга мўлжалланган кичик механизация воситаси.

Дизель-молот - *дизелли болга* - қозик оёқли таянчлар, ростверклар, қозик оёқли асосларни қуришда қозик оёқлар (ёғочли ёки темирбетонли) ва металл шпунтларни қоқиш учун мўлжалланган машина. Зарб қисмининг оғирлиги 200 дан 2500 кг гача бўлган қувурсимон турлари мавжуд.

Домкраты - *домкратлар* - юкларни, тўсин блокларини ва иншоотнинг бошқа элементларини жойига ўрнатишдан олдин таянчикқа ёки пойдеворга илиш мақсадида, унча катта бўлмаган баландликка (9-10 дан 35-40 гача) кўтариш учун, шунингдек оғир элементларни кичик масофага силжитиш учун горизонтал рейкали, винтли, плунжерли (икки плунжерли), гидравлик мослама. Уларнинг юк кўтара олиш қобиляти 6-8 т дан 100-120 т гача ва юқори рейкали тури 3 т дан 20 т гача.

Захватные приспособления - *ушлаб олувчи мослама қурилма* - йиғма темир бетонли ёки металл элементларни, кўприк ва бошқа иншоотларнинг тугунларини йиғишда ушлаб олиш учун оддий такелажли жиҳознинг умумлаштирилган номи. Уларнинг таркибига қуйидагилар кирази: боғловли илгаклар, турли осмалар ва илгакли осмалар, блоклар, ушлаб олувчилар, пўлат арқонларни маҳкамлаш

учун қисмлар (ҳалқалар, ковшлар, қисқичлар, лангарлар, тортқичлар).

Иглофильтр - *игнали фильтр* - чуқурликдаги сувни пасайтириш учун тупроқнинг майда зарралари оқизиндиси сабабли очиқ сув қуйилиши мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланиладиган жиҳоз. Шимилиш баландлиги 7-8 м, қуйидагилардан ташкил топган: фильтр, қувур, эгилувчан шланг, насос қурилмали сув йиғувчи коллектор.

Инъекционная установка - *инъекцион қурилма* - симлар охирларини боғламга тортиб, анкерлаб бўлгандан сўнг, боғламлар каналларини инъективат қилишда эритмани ҳайдаш учун агрегат. Тўпламида эритма насоси ёки компрессори бўлган, эритма тайёрлашга мўлжалланган машинадан иборат.

Клеемешалка - *елим аралаштиргич* - йиғма темирбетонли оралик қурилмаларни ва бошқа тузилма элементларини елимлаб бириктириш услубида туташтиришда қўлланиладиган елим тайёрлаш қурилмаси.

Компрессор - *компрессор* - сиқик ҳавони ҳаво йиғувчиларга (ресивер) йиғиш орқали ишлаб чиқариш учун машина. Йиғилган ҳаво пневмоасбобларни ўрнатиш учун ва бошқа мақсадларда сарфланади. Йўл қурилишида қуйидаги турлари қўлланилади: поршенли ва ишчи босим 0,4-0,6 ёки 0,7-1 МПа бўлганда минутига 36 дан 10-20м³ гача узатадиган ротационли.

Копер - *копер* - қозикёёк ёки шпунтни қоқишда уларни тортиш, кўтариш ва йўналтириш, қозик оёқ болғаси ёки тебранма ботирувчини осиб қўйиш ва йўналтириш учун қурилиш машинаси. Турлари: электрал, дизелли ва буғли; оддий ва мураккаб, ўзи юрар ва ўзи юрмайдиган.

Коуш - *коуш* - ташқи томонида нови бўлган пўлат ҳалқа кўринишидаги такелажли мослама. Коушни ювилишдан ҳимоялаш учун пўлат арқон ҳалқага солиб қўйилади, пўлат арқоннинг блок ёки бошқа пўлат арқон билан туташилиши учун коушга банд ёки ўқча ўрнатилади.

Кран плавучий - *қалқима кран* - кўприк қурилиши майдонида ортиш-тушириш ишларини, йиғма таянч ва оралик қурилмаларни сувдан туриб йиришни бажариш мосламаси. Йирик дарёларга қуриладиган катта кўприкларда қўлланилади. Кран асосан қуйидагилардан ташкил топган: плашкоутлар (понтонларда йиғилган) тақсимловчи тўсинли катаклар, кран ўқи, тортқич,

тебранма устун, ўқли полиспаст, юк кўтарувчи жиҳоз. Юк кўтара олиш баландлиги 100 м ва ортиқ.

Кран стреловой - 5.3. бандга қаранг.

Кран порталный (козловой) - *пештоқли кран* - 5.3. бандга қаранг

Крюки чалочные - *боғловчи илгак* - стропа, блоклар ва траверслар тўпламида юкларни ушлаб олиш учун қўлланиладиган мослама. Юк кўтара олиш қуввати 2,5 т.дан 25 т. гача.

Лебедки монтажные - *йиғиш чигирлари* - кўтариб ташиш ва такелаж ишлари, қурилиш қисмларини, тугунларини йиғиш каби технологик жараёнлар учун оддий жиҳоз. Турлари: тортиш кучи 12,5 дан 80 кН гача, қўлда ва арқондаги кўтариш кучи 3,2 дан 50 Кн гача бўлган электр узатмали узатгич.

Молоток клепальный - *парчинлайдиган болға* - оралик қурилма тўсинлари ва фермаларида михпарчинни (диаметри 22-30 мм ли) маҳкамлаш бўйича ишларни механизациялаш учун электрли ёки пневмо узатмали механизациялаштирилган асбоб. Двигатель қуввати 0,75 кВт гача.

Насос водоотливной - *сув чиқарувчи насос* - кўприк пойдевори ва таянчи, қувур ёки бошқа йўл иншоотлари қурилиши объектларида чуқурдан сувларни чиқариб ташлаш учун фойдаланиладиган электр узатмали ёки ички ёниш двигателли ўз-ўзидан ишлайдиган марказдан кочма насос.

Песочница - *қумдон* - оралик қурилмаларнинг катта баландликка тушиши учун қурилма. Оралик қурилма туширилишига қараб ажраладиган, қумдоннинг поршенига тиралган (бевосита ёки кўтаргич орқали) инвентарли металл ярим ҳалқалардан ташкил топган. Тушириш қумдондан қумни чиқариш ҳисобига амалга оширилади.

Петли строповочные - *арқонли илгаклар* - кўприк ва қувурларнинг йиғма элементларини линияли бинолар ва иншоотларнинг деворли қисмларидан тушириш ва йиғишда краннинг ушлаб олиш ва тайёрлаш вақтида ташқарига чиқариладиган, арматурали темир илгаклари. Йиғиш ишлари тугаши билан илгаклар бир текисда киркилади.

Пневмоподдержки - *пневмо ушлаб тургичлар* - михпарчинларнинг парчинланадиган тузилмаларини маҳкамлаш учун қисқичларга эга бўлган парчинлайдиган боғламлар мосламаси. Михпарчиннинг энг катта диаметри 30мм. Михпарчинга

узатиладиган кучланиш 30-35 кН. Тарокдаги ҳавонинг зарур босими 0,55-0,60 МПа.

Полиспа́ст - *полиспа́ст* - кўприклар, қувурлар ва йўл иншоотларининг йиғма элементларини кўтариш ва тушириш учун қўлланиладиган такелаж мослама. Икки ва ундан кўп полиспа́стли блоклардан (юкориги, остки), уларни айланиб турадиган пўлат арқонлардан ташкил топган. Йиғувчи кран ёки чигирга осиш ва йиғиладиган элементни ушлаш учун иккита илгакка эга. Юк кўтара олиш баландлиги 10-15 м.

Сверлильные машины - *пармалаш машиналари* - берилган номинал диаметрда михпарчин ва болғаларга тешик пармалаш учун кўприк тузилмаларида қўлланиладиган пневматик жиҳоз. Тўғри ва бурчакли бўлади. Тўғриси поршенли ва роторли бўлади, бурчаклиги сиқик жойларда пармалаш учун қўлланилади. Тармоқдаги ҳаво босими 0,55-0,6 Мпа, пармалашнинг энг катта диаметри 22-26 мм, ҳаво сарфи 1-22 м³/мин, двигатель қуввати 0,65-12,9 кВт.

Сжимы - *қисқичлар* - пўлат арқонларнинг учларини маҳкамлаш учун деталлар. Қискич айлана кесимли ҳалқа, кўндаланг тахтача ва арқонлар учларини қисиб вақтида чўзиш учун ҳалқа учига гайка нарезкаси билан бураб қўйиладиган икки гайкадан ташкил топган.

Станок арматурный - *арматура дастгоҳи* - диаметри 20 мм гача бўлган арматурали пўлатни қўлда ва 3-10 дан 70-90 мм гача бўлганларини айланма дастгоҳларда тўғрилаш, қирқиш ва эгиш учун дастгоҳ.

Станок для пучков - *боғламлар учун дастгоҳ* - симларни тўғрилаш, уларни боғламларга йиғиш ва боғламларни уларнинг охириги қисмини маҳкамлаш билан ўраш усулида арматура боғламларини тайёрлаш учун дастгоҳ.

Стропы - илгак, ҳалқа, осма кўринишида ушлаб олувчи қурилмага эга бўлган ва пўлат арқонлардан тайёрланадиган кўприк, қувур ва бошқа иншоотларнинг йиғиладиган элементларини ушлаб олиш учун такелажли мослама. Ҳар бир илгакнинг юк кўтара олиш қуввати 0,4-0,6 т дан 10-15 т гача. Турлари: бир қаватли энгиллаштирилган, ҳалқали (мураккаб), бир, икки ва тўрт тармоқли.

Стяжки - *тортқичлар* - қайиш ва шайбали болтлардан ташкил топган ёғоч қолиплар мустаҳкамлигини таъминлаш учун мустаҳкамловчи мослама. Кўчириладиган тахта қолип учун стяжкалар кўчириладиган учликка эга бўлиши керак.

Такелажное оборудование - *такелаж жиҳозлари* - кўприк, кувур ва бошқа йўл иншоотлари қурилишида йиғиш ишларини юргозиш учун ёрдамчи жиҳозлар ва мосламалар тўплами: илгаклар, ушлаб олувчи, блоклар, полиспастлар, траверслар, ҳалқалар, осмалар (ечилади пайвандланган, берк ҳалқали - учбурчакли ва овалли), карабинлар, аравачалар, арконлар ва пўлат арконлар, ковшлар, қисқичлар ва бошқалар.

Траверс - *траверс* - осма аркон ва йиғиладиган элементни осма оркаловчи илгаклар билан маҳкамлашда кран ва илмоқ билан ушлаб олиш учун марказида тешиги бўлган кўтарувчи тўсиндан ташкил топган такелаж қурилма.

Торкрет-пушка - *торкрет-замбарак* - ҳаво босими остида торкрет бетон (сачратма бетон)ни конструкция юзасига сепиш учун жиҳоз.

Фермоподъемник - *ферма кўтаргич* - оралик қурилма фермалари ва тўсинларини пастдан мувозанатлаб кўтариш ва уларни ораликқа, таянчиклар устига ўрнатиш учун агрегат.

Цемент-пушка - *цемент-тўп* - электр узатмали узлуксиз ҳаракатдаги машина, турли бетон иншоотлар (кўприк, кувур, тиргак деворлари ва бошқалар) юзасида қалинлиги 20 мм гача бўлган цемент қумли қоришмадан зичланган эритма қатламини жойига элтиш учун кўзда тутилган. Турли бункер, шлюзли барабан, дозатор, сувли насос, тўзгитиб берадиган кўрсатгич ва туташтирувчи ичаклардан ташкил топган.

Электрод сварочный - *пайвандлаш электроди* - пайвандлаш, эритиш ёки кесиш жойида токни олиб келиш учун электр ўтказадиган материалдан ясалган буюм. Туташ пайвандлашда электрод машинанинг ўзак ёки ғилдиракча қўринишидаги алмаш қисми (мисдан ва унинг қотишмаси), пайвандлашнинг бошқа уеулларида электрод эрмайдиган (кўмирли ёки вольфрамли) ва эрийдиган (пўлатли, алюминли ва бошқалар) сим ва стержень. Эрийдиган электродлар электродли қопламага эга бўлиши мумкин. Эритиш пайвандлаш чокини ҳосил қилиш ёки металл қисмларни кесиш учун арматурали ёки металл тахтачани эгиб пайвандлашда қўлланилади. Кўприк қурилиши ишларида ваннали пайвандлашда пўлат қистирмадаги якка электродли пайвандлаш технологияси қўлланилади.

Эрлифт - *эрлифт* - чангсимон материалларни 5 метр ва ортиқ баландликка кўтариш учун ички қурилма ва омбор транспорти тури. Шунингдек, кўприк пойдевори учун қазилган чуқурларни ишлашда

ёки қобикли қозикёёкни тебранма ботиришда гидроаралашмаларни қўтариш учун қўлланилади. Сурилиш компрессорлардан бериладиган сиқик ҳаво қуввати ҳисобига амалга оширилади.

Якорь - *лангар* - минора, вант аравачаларнинг тортқичини маҳкамлаш учун мослама. Одатда тупрокқа чуқурлиги 1,5 - 3,5 метр ва узунлиги 2 - 6 метр бўлган махсус ариқларга ётқазилади. Металл тўсинчалардан ёки тупроқ билан қўмиб шиббаланган ёғочдан (тўсин ва тиргакли) ташкил топган.

6.5. Қўприкларни тадқиқ этиш ва синаш

Безопасность движения по мосту - *қўприк бўйлаб ҳаракат хавфсизлиги* - унинг конструкциялари мустаҳкамлиги таъминланган қўприк бўйлаб транспорт воситалари ўтишининг хавфсиз (авариясиз)лиги эҳтимоли.

Декремент колебаний - *тебраниш декременти* - қўприк қурилмалари эркин тебранишлари сўниши тезлигининг кўрсаткичи.

Дефект - *нуқсон* - иншоотни фойдаланишга топширишгача юзага келадиган, унинг меъёрий талабларига мувофиқ бўлмаган конструктив элементларнинг шикастланиши.

Диагностика мостов - *қўприклар таъхиси (диагностикаси)* - ихтисослаштирилган муассасалар текшируви натижалари бўйича қўприк иншооти ҳолатининг баҳоланиши.

Измерительные приборы - *ўлчаш асбоблари* - конструкциянинг физик, геометрик ва таранглик-деформативлик ҳолати параметрларини ўлчаш учун асбоблар.

Инклинометр - *инклинометр* - конструкция қиялиги бурчагини ўлчаш учун асбоб.

Испытательная нагрузка - *синов оғирлиги* - одатда, олдиндан белгиланган схема бўйича қўйилган юкли автомобиллар ҳосил қилган муайян миқдордаги оғирлик.

Компьютерно-измерительная система (КИС) - *ўлчов-компьютер тизими (ЎКТ)* - қўприк қурилмаларида ўтказилган ўлчаш натижаларини қайта ишлаш учун электрон асбоблар, коммуникатив, электрон ҳисоблаш воситалари ва дастурлар мажмуи.

Конструктивный запас - *конструктив захира* - лойиҳалашда ҳисобга олинмайдиган конструкция элементи хусусиятларини сақлаган захира қисм.

Конструктивный коэффициент - *конструктив коэффициент* - синовчи юкни юклайдиган конструкциянинг тадқиқ этиладиган параметрлари ўлчанган қийматларининг худди шу юкнинг ҳисобланган қийматига нисбати.

Коррозионный износ - *занглаб(коррозион) эскириш* - металл конструкциялар, арматуралар ёки бетонларнинг занглаши натижасида уларнинг мавжудлик ва кесма хусусиятини йўқотиш микдори.

Мониторинг состояния - *ҳолат мониторинги* - унинг истеъмол хусусиятини зарурий даражада сақлаш мақсадида иншоотнинг ҳолатини, физик ва кучланганлик-деформативлик ҳолатини, вақти-вақти билан, жумладан, инструментал усул билан назорат қилиш.

Напряженно - деформированное состояние - *кучланганлик-деформативлик ҳолати* - кўприк конструкциялари кучланиш ва деформациясининг фазовий тақсимланиши.

Обследование моста - *кўприкни текшириш* - иншоотнинг истеъмол хусусияти даражасини баҳолаш ва ундан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида бажариладиган, техник ҳужжатлар билан танишиш, иншоотни кўриб чиқиш, инструментал ўлчашларни ўз ичига оладиган конструкциянинг физик ва кучланганлик-деформативлик ҳолатини тадқиқ этиш.

Осмотр моста (трубы) - *кўприк (қувур)лар кўриги* - нуқсонлар ва шикастланишлар қайдномасини тузиш билан иншоотни визуал кўриқдан ўтказиш.

Осмотр специальный - *махсус кўрик* - шубҳали ва аварияли ҳолатларда, шунингдек конструкция мукамал таъмирлангандан ёки кучайтирилгандан кейин кўприкни фойдаланишга топшириш вақтида бажариладиган жараёнлар мажмуи.

Прогибометр мостовой - *кўприк эгилишини ўлчагич* - оралик қурилма эгилишларини ўлчаш асбоби (механик, электрон).

Работоспособность - *иш қобилияти* - иншоотнинг фойдаланилиши давридаги самарали ва тўхтовсиз ишини тавсифлайдиган техник-иқтисодий кўрсаткич.

Раковина - *раковина* - бетонлашдаги нуқсонлар натижасида бетоннинг айрим жойлари ўйилиши ва зичланмаганлиги.

Ресурс долговечности - *қўпга чидамлик ресурси* - унинг ҳолатини баҳолаш ва олдиндан фаразлаш асосида белгиланадиган кўприк конструкцияларини ёки бутун иншоотни таъмирлаш, кучайтириш ёки алмаштиришгача бўлган вақт оралиғи.

Сколы - *синиқлар* - конструкциядаги бетоннинг механик бузилиши.

Трещины силовые - *куч таъсиридаги ёриқлари* - оғирлик таъсирлари натижасида конструкцияда ҳосил бўладиган ёриқлар.

Трещины температурно-усадочные - *ҳароратдан чўкиши ёриқлари* - ҳарорат ва ёгинлар таъсири натижасида бетон қаттиқланиши ва фойдаланилишининг дастлабки босқичида юзага келадиган ёриқлар.

Трещины температурные - *ҳарорат ёриқлари* - ҳарорат таъсири натижасида юзага келадиган бетондаги ёриқлар (одатда, улкан конструкцияларда).

Трещины усталости - *ҳорғинлик ёриқлари* - кўп марта такрорланадиган оғирлик таъсирида металллардаги, пайвандлаш чокларидаги ёриқлар.

Угон - *угон (қолдиқ силжишлари йигиндиси)* - турли хил йўналишлардаги нотекис силжишларни юзага келтирадиган даврий ҳарорат таъсирлари, шунингдек бошқа омиллар натижасидаги кўприк элементлари қолдиқ силжишлари (деформациялари)нинг жамланиши.

Физическое состояние - *физик ҳолати* - материалнинг ҳолати ва кўприк конструкциялари элементларининг шикастланиш даражаси, шунингдек уларда инқироз жараёнларининг ривожланиш даражаси.

Разновидности дорожного бетона - *йўлда ишлатиладиган бетон турлари* – махсус ишлаб чиқилган тавсия ёки муассассавий меъёр асосида юқори ташкилотларнинг розилиги билан йўлда ишлатиладиган бетонлар. Улар карбонат тошли, кичик заррали (қумли), кам тошли (чақир тош) кам цементли (тоший), ўрта мустаҳкам ва куйма бетонлар бўлиши мумкин: Карбонат тошли бетон- майда ва йирик карбонат тошли оддий бетон. Йўл асосида ишлатиладиган карбонат тошли бетонга сарфланадиган цементнинг миқдори, айти шу маркадаги бошқа бетонга нисбатдан 10-20% га камроқ бўлади. Майда заррали (қумли) бетон- таркибида йирик доналиари йириклиги билан ажралиб турувчи оддий бетон. Бундай бетонлар-нинг майда тўлдирувчилари сифатида модуль қиймати 2 дан кам бўлмаган кварц куми ёки кварцли оддий кум ишлатилади. Кам тошли бетон - таркибида кумнинг кўплиги ва аксинча қиррали тошларнинг камлиги билан ажралиб турадиган оддий бетон. Қиррали тошларнинг камлиги сабабли уларнинг ўзаро силжишлари, жойлашиш (коэффициенти задвижки) қулайроқ.

Кам цементли (тоший) бетон - ўзюорар зичловчи машиналар (катки) ёрдамида зичланадиган паст марка ва кам сувли бетон қоришмасининг қотиши натижасидаги бетон. Кам цементли бетондан қурилган йўл асосига ётқизилган асфальтобетон қоришмасида ёриқлар кам бўлади, ана шуниси билан бу бетон эътиборга лойиқ ҳисобланади. Кам цементли бетон сиқилишдаги мустаҳкамлиги бўйича М50, М100 ва М 15 маркаларга, эгилгандаги чўзилиши бўйича эса 15, 20 ва 25 маркаларга бўлинади. Ўта мустаҳкам бетон – эргилгандаги чўзилиш бўйича “60” ва ундан юқори маркали бетонлар. Ўта мустаҳкам бетонларни оддий бетонлар ўрнига ишлатиш натижасида бетон қопламаси қалинлагини камайтириш ва шу орқали иш хажмини, ҳаражатларни камайтириш ва меҳнат умудорлигини ошириш мумкин бўлади. Суперпластификаторли қуйма бетон - оқувчанликни оширувчи суперпластификаторлар қўшиб тайёрланган бетон қоришмасининг қотиши натижасидаги бетон. Қуйма бетонларни зичлаш талаб этилмаганлиги сабабли, уларни оддий, зичлаш талаб этиладиган бетонлар ўрнига ишлатилиши электр, ёқилғи ва иш кучи сарфини каматириб иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради. Суперпластификаторлар қўзилиши лозим бўлган бетн қоришмаларининг дастлабки оқувчанлик кўрсаткичи 2-5 см орасида бўлиши керак.

VII. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА САҚЛАШ

7.1. Автомобиль йўлларида фойдаланиш (эксплуатация қилиш) ҳақида умумий маълумотлар

Автоматизированный банк дорожных данных - *йўлга оид маълумотларнинг автоматлашган банки* - маълумотларни марказлашган ҳолда жамлаш ва фойдаланиш учун мўлжалланган дастурий, ташкилий, тил ва техник воситалар тизимининг ҳисоблаш қурилмаси билан биргаликдаги ахборот-маълумотнома тизими. Йўллар ва уларда қурилган йўл иншоотларининг транспорт-фойдаланиш ҳолати ҳақидаги зарурий маълумотлар, шунингдек уларда юз берган жорий ўзгаришлар, бажарилган ишларнинг асосий ҳажми ва моддий ҳаражатлари ҳақидаги маълумотлар.

Бригада ремонтная - *таъмирлаш бригадаси* - йўл қисмлари бўйича йўлни сақлаш, унда жорий ва ўртача таъмирлаш ишларини

бажарадиган, йўл таъмирлаш ишларининг пунктига (ЙТП) бириктирилган механизациялашган комплекс бригада. Бригада таркибига бир-бирига боғлиқ бўлган турли касбдаги ишчилар киритилади. Ҳар бир механизациялашган бригадага йўл машиналари бириктирилади, уларнинг номи ва сони ишнинг хусусияти ва ҳажмига боғлиқ бўлади. Ҳар бир бригада ихтисослаштирилган бўлимларга бўлинади.

Бригадно-механизированная система - механизация-лашган бригада тизими - автомобиль йўллари саклаш, жорий ва ўртача таъмирлаш ишларини ташкил этиш жараёни бўлиб, комплекс механизациялашган бригада томонидан бажарилади (“Таъмирлаш бригадаси” бандига қаранг).

Ведомость дорожная - йўл қайднома - йўл қопламасининг турини, унинг кенглигини, йўлнинг ҳолатини баҳолайдиган, шунингдек йўлни саклаш учун маъсул шахслар ҳақидаги маълумотлар келтирилган ҳужжат.

Ведомость мостов – кўприklar қайднома - маълум бир автомобиль йўлидаги барча кўприklar ҳақидаги асосий ҳужжат бўлиб, уларда ҳар бир кўприкнинг техник хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилади.

Вмятина - эзилган жой - йўлдан ўтаётган транспорт воситасининг кучи узоқ вақт пластик қопламага таъсир этишидан ҳосил бўлган, йўл қопламасининг чуқурча кўринишидаги деформацияси.

Волны на покрытии - қопламалардаги тўлқинлар - йўлнинг бўйлама ўқига кўндаланг йўналишда ва бир-биридан турли оралик масофада жойлашган (0,5...1,5м), алмашилиб турадиган чуқурча - “складка”лар кўринишидаги, йўл қопламасининг пластик материали ортиқча бўлганда ва кўпинча иссиқ иқлим шароитида транспорт воситасининг ғилдирагидан тушаётган устки уринма куч таъсирида, айниқса, тормозланишда ҳосил бўладиган, автомобиль йўли қопламасининг ички ишқаланиши ва туташувчанлиги етарли бўлмаганда пайдо бўладиган қисми.

Выбоины - ўйилган жой (ўнқир-чўнқир)лар - қоплама материалининг бузилишидан ҳосил бўлган, четларининг тиклиги аниқ кўзга ташланган, чуқурча кўринишидаги, турли ўлчамдаги йўл қопламасининг бузилган қисми.

Выкрашивание - уваланмоқ - йўл қопламаси материалининг баъзи бир донали қисмлари - шағал, чақиқ тош (ўтиш туридаги қоплама)лари камайиши эвазига бузилиши ёки доналар орасидаги

туташувчанликнинг камайиши, енгиллаштирилган турдаги такомиллаштирилган қоплама материали доналари орасидаги боғлиқликнинг камайиши эвазига, шунингдек қаттиқ бўлмаган турдаги, тубдан қайта тузатиладиган қопламаларда чақиқ тош доналарининг битум билан ёмон туташуши, қоришманинг ёмон аралаштирилиши, қоплама қурилишида сифатсиз материаллардан фойдаланилиши натижасида йўл қопламасининг бузилиши.

Гребенка - *ўрқачсимон ўнқир – чўнқирлар* - транспорт воситасининг ҳаракати таъсирида енгиллаштирилган турдаги (тупрокли, шағалли, қайта ишланган чақиқ тошли) йўл қопламаларининг бузилиши. Бузилиш тўғри кўндаланг нотекисликлар кўринишида бўлиб, дўнгликлар чуқурликлар билан алмашилиб туради (қопламалардаги тўлқинларнинг тури).

Диагностика автомобильных дорог - *автомобиль йўллари диагностикаси* - йўл ва йўл иншоотларидан келгусида фойдаланиш жараёнларини баҳолаш ва тахмин қилиш учун зарур бўладиган йўл ва йўл иншоотларининг ишлаш фаолиятидаги параметрлари, хусусиятлари ва шароитлари, камчиликлар мавжудлиги ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари, транспорт оқимининг тавсифи ва бошқа маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва текшириш.

Измеритель километровой - *километрли кўрсаткич (ўлчов)* - жорий таъмирлаш, автомобиль йўлларини, йўл иншоотларини сақлаш ва жорий таъмирлаш бир йилда бажарилган км. ҳисобидаги иш ҳажми. Унинг қиймати йўл қисмини айланиб чиқиб кўздан кечирганда аниқланади.

Износ покрытия (истирание) - *йўл қопламасининг едирилиши (емирилиши)* - йўлдан фойдаланиш жараёнида табиий омиллар ва автомобиль ғилдираги таъсирида материалнинг едирилиши натижасида йўл қопламаси қалинлигининг камайиши.

Годовой износ - *йиллик едирилиш* - йўл қопламаси материалининг бир йилда камайиши бўлиб, километрда ўлчанган қоплама қалинлиги билан белгиланади.

Износ - *едирлиши* - йўл қопламасининг хизмат муддати ва шароитини аниқловчи бузилишнинг асосий кўринишидир.

Инвентаризация автомобильных дорог - *автомобиль йўллари рўйхатга олиш* - йўл хизмати корхоналари ва йўл вазирлиги қарамоғида бўлган ташкилотлар асосий фондининг ишдан чиқишини аниқлаш, қайтадан баҳолаш ва мавжудлигини текшириш. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ишлаб чиқилади. Текшириш натижалари ва асосий фондининг миқдорини аниқлаш,

унинг қийматини, сарфини фоизда ва пулда ифодаланган қиймати белгиланган йилнинг 1 январи ҳолати бўйича йўл ташкилотларининг балансида қабул қилинади.

Капитальный ремонт автомобильной дороги - *автомобиль йўлини мукаммал таъмирлаш* - йўл тўшамаси ва қопламаси, йўл пойи ва йўл иншоотларининг иш қобиляти тўлиқ тикланадиган ва ошириладиган, емирилган конструкциялар ва деталларни алмаштириш ёки уларнинг ўрнига бирмунча мустаҳкам ва узок муддатга чидамлиларини ўрнатиш амалга ошириладиган, зарур ҳолларда йўлнинг асосий ораллиғида йўл пойи кенглигини оширмаган ҳолда, таъмирланаётган йўл учун белгиланган тоифага тегишли меъёрий чегарадаги ҳаракат жадаллиги ва автомобиль ўқи оғирлигининг ўсиши ҳисобга олинган ҳолда геометрик параметрлар ошириладиган ишлар мажмуи.

Катун - *катун* - қопламадан чиқиб қолган шағал ёки чақик тошларнинг алоҳида доналари.

Классификация работ по ремонту и содержанию дорог - *йўллари таъмирлаш ва сақлаш бўйича ишлар таснифи* - маблағлардан фойдаланиш йўналишларини аниқлашда, автомобиль йўллари ва улардаги йўл иншоотларини таъмирлаш ва сақлаш харажатларини режалаштиришда, йўл ишларини ташкил этишда амал қиланадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш бўйича ишларнинг тартиби ва тури аниқланади.

Классификация ремонтных работ - *таъмирлаш ишларини таснифлаш* - йўлни таъмирлаш ишларининг тури ва таркиби бўйича бўлиниши. Таъмирлаш ишлари куйидаги турларга ажратилади: автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини сақлаш учун мукаммал, ўртача ва жорий таъмирлашлар.

Колен - *гилдирак излари* - қаттиқ бўлмаган йўл қопламасининг турли чуқурликдаги, бўйлама жўяклар кўринишидаги деформациялари. Мустаҳкам бўлмаган йўл қопламаларида ва бўш заминларда, бир изда юрувчи автомобиль гилдираги таъсирида пайдо бўлади.

Коррозия покрытия - *қопламанинг нураши(коррозияси)* - йўл қопламасининг бузилиши бўлиб, табиий омиллар ёки яхмалакка қарши тузлардан фойдаланилганда рўй беради.

Коэффициент загрузки дороги движением - *йўлнинг ҳаракат билан юкланганлик коэффициенти* - йўлнинг берилган участкасидаги

ҳаракат жадаллигининг шу участканинг ўтказиш қобилятига нисбати.

Коэффициент запаса прочности - *мустаҳкамлик захираси коэффиценти* - йўл қопламасининг ҳақиқий деформация модули (ёки узоқ давом этувчи эластиклик модули)нинг мавжуд йўл учун, ҳозирда ҳаракатнинг хусусиятини ва жадаллигини ҳисобга олгандаги талаб этилган ҳақиқий модулга нисбати. Одатда, мустаҳкамлик захираси коэффиценти яқунланадиган йилгача мустаҳкамлик коэффицентида катта бўлади, сўнгра ундан кам бўлади.

Коэффициент износа покрытия - *қопламанинг едирилиш коэффиценти* - қопламанинг ҳақиқий едирилишидаги, ўлчанаётган вақтдаги қисми қалинлигининг қопламанинг ўша қисми ейилиши ҳисобга олиниб белгиланган қалинлигига нисбати. Агар қопламада едирилиш бўлмаса коэффицент нолга тенг бўлади. Едирилиш ошган сари коэффицент ҳам ошиб боради, лекин автомобиль йўлидан тўғри фойдаланилганда унинг миқдори бирдан ошиб кетмаслиги керак.

Коэффициент интенсивности - *жадаллик коэффиценти* - ҳақиқий ҳаракат жадаллигининг ўша тоифали йўл учун ҳисоблашда қабул қилинган энг катта ҳаракат жадаллигига нисбати. Коэффициент йўл қопламаси турининг автомобиль йўли учун ҳар йилги ўлчашлар натижаси бўйича ҳақиқий ҳаракат жадаллиги билан мос келишини кўрсатади.

Коэффициент прочности одежды - *йўл тўшамасининг мустаҳкамлик коэффиценти* - ҳақиқий узоқ давом этувчи эластиклик модулининг унинг ҳисобий қийматига нисбати. Йўл тўшамаси ҳисобий эгилишининг йўлда аниқланган ҳақиқий қийматига нисбати билан ўлчанади. Агар мустаҳкамлик коэффиценти <1 бўлса, йўл тўшамаси бузилиши хавфи туғилади, бу эса таъмирлаш ишларига эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Коэффициент ровности - *равонлик коэффиценти* - берилган тоифадаги йўл учун чегаравий йўл қўйилган қоплама текислигининг, қоплама тури ва ҳаракат жадаллигининг қоплама ҳақиқий равонлигига нисбати.

Коэффициент скользкости - *сирпаниш коэффиценти* - филдиракнинг қоплама билан бўйлама тишлашиши ҳақиқий коэффиценти қийматининг иш туридаги қопламанинг нормал ҳолатда йўл қўйиши мумкин бўлган қийматига нисбати.

Коэффициент службы одежды *йўл тўшамасининг хизмат қилиш коэффиценти* - ҳақиқий тезлик энг катта қийматининг шу

тоифали йўл учун белгиланган ҳисобий ҳаракат тезлигига нисбати. Агар йўл нормал ҳолатда бўлса, хизмат қилиш коэффициенти бирдан кичик бўлмайди.

Межремонтный срок службы дорожной одежды - *йўл тўшамасининг таъмирлашлараро хизмат муддати* - фойдаланиш шартлари бўйича(ҳаракат жадаллиги ва таркиби ҳисобга олинган ҳолда) чегаравий йўл қўйилган даражагача йўл тўшамаси конструкцияси мустаҳкамлигининг пасайиши юз берадиган даврдаги календарь муддат.

Межремонтный срок службы дорожного покрытия - *йўл қопламасининг таъмирлашлараро хизмат муддати* - едирилиш қатлами ёки ҳимоя қатламининг ғадир-будирлигини қайта тиклаш (ёки янгидан қуриш) талаб қилинадиган даражагача қоплама юзасининг равлонлиги, бирикиш сифатлари пасаядиган ёки йўл қўйиладиган чегаравий қийматгача қопламанинг ейилиши кўпаядиган календарь муддат.

Мониторинг - *мониторинг* - бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш мақсадида муайян турдаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тизими. Йўл транспорт мажмуасида мониторинг йўлнинг транспорт-фойдаланиш ҳолатини баҳолаш, транспортнинг атроф-муҳитга таъсирини экологик баҳолаш, транспорт оқимларини баҳолаш ва блар учун қўлланилади. Тадқиқ этилган жараёнлар ва ҳодисаларнинг ишончли тақдим этилган ахбороти махсус ўлчов воситаларидан, статистик асосланадиган ўлчов услубларидан ва маълумотларга автоматик ишлов беришдан фойдаланган шароитларда олиниши мумкин.

Надежность автомобильной дороги - *автомобиль йўлларининг ишончлилиги* - йўлнинг ишлаш қобиляти бўлиб, йўл иншоотлари йиғиндиси (йўл тўшамаси, йўл пойи, кўприклар ва бошқалар)нинг транспорт оқимининг энг мақбул тезликка яқин ўртача йиллик техник тезлиги шароитида белгиланган йўл ва ундаги иншоотларнинг хизмат қилиши давомийлигини таъминлаши керак.

Норма эксплуатационных затрат - *йўлдан фойдаланиш харажатлари меъёри* - автомобиль йўли ва йўл иншоотларини жорий, ўртача ва капитал таъмирлаш, сақлаш учун тасдиқланган харажатлар режаси, меъёри.

Осведительствование мостов - *кўприкни текширувдан ўтказиш* - кўприкни қабул қилиш, фойдаланишда мустаҳкамлигини текшириш учун синаш ёки кафолатли хизмат муддати тугаши олдида бевосита кўприкнинг ҳолатини аниқлаш учун синаш.

Паспорт дороги - *йўл паспорти* - йўлнинг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги ҳужжат - автомобиль йўлининг ҳамма техник ва фойдаланиш хусусиятларини умумлаштирувчи, барча йўл иншоотларининг ҳолатини, уларда рўй берган кундалик ўзгаришларнинг пуллик харажатларини ва бажарилган ишларнинг асосий ҳажмларини техник ҳисобга олувчи асосий ҳужжат. Унга йўлнинг чизикли чизмаси ҳам киритилади.

Паспорт моста - *кўприк паспорти* - кўприкнинг ҳужжати бўлиб, унда кўприкнинг тарихи, тузилмаси, материали, куч кўтара олиш қобилияти ва ҳолати, ўтказилган ҳисоб-китоб натижаси ва таъмирлаш - тиклаш ишлари ҳамда баъзи дастлабки статистик ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Паспортизация автомобильных дорог - *автомобиль йўллари*ни *паспортлаштириши* - автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини уларнинг гувоҳномасини тузиш билан техник ҳисобга олиш. Гувоҳномага келгуси йилнинг 1-январигача бўлган унинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар, асосий табиий шароитдаги кузатиш натижалари : бирламчи - ҳар 15 йилдан кўп бўлмаган вақтда ёки йўл ҳолатида катта ўзгаришлар бўлганда ва ҳар йиллик - йўлларда ва иншоотларда ўтган йили бўлган ўзгаришларни аниқлашдан иборат маълумотлар киритилади.

Перекрытие дорог - *йўлни тўсиб (ётиб) қўйиши* - хавфсизлик мулоҳазаларига кўра, ДАН органлари билан келишиб йўлдаги қурилиш ёки таъмирлаш ишлари сабабли ёки автомобиль йўли шу қисмининг кўтара олиш қобилияти чекланганлиги сабабли автомобиль йўлларида қисман ёки тўла фойдаланишни таъқиқлаб қўйиш.

Период межремонтный - *тузатишлараро муддат* - йўлни фойдаланишга топширгандан то мукамал ёки ўртача таъмирлашгача бўлган вақтнинг оралиқ даври ва шунингдек кўрсатилган таъмирлаш йилларидаги давр.

Подвижка плит - *плиталарнинг сурилиши* - цементбетонли қоплама тоштахта(плита)ларининг оғир транспорт воситалари кучи таъсирида горизонтал сурилиши.

Потребительские свойства автомобильной дороги - *автомобиль йўллари*нинг *истеъмол хусусияти* - йўлдан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ва унинг атроф-муҳитга таъсирини акс эттирувчи йўлнинг транспорт-фойдаланиш кўрсаткичлари: йўлнинг таъминланган ҳаракат тезлиги,

узлуксизлиги, кулайлиги ва хавфсизлиги, ҳаракатни ўтказиш қобилияти ва юкланиш даражаси, йўл қўйиладиган ўқ оғирлиги, ҳаракат учун рухсат этилган автомобилларнинг умумий массаси ва габарити, йўлнинг экологик хавфсизлиги ва эстетик хусусиятлари.

Предельное состояние дороги - *йўлнинг чегаравий ҳолати* - йўлнинг ундан келгусида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки техник жиҳатдан мумкин бўлмаган ҳолати.

Прибор маятниковый - *тебратгичли асбоб* - ихчам кўчма ўлчаш асбоби бўлиб, қопламанинг ғадир-будирлигини қоплама юзасининг асбоб резинали колодкаси ишқаланишига қаршилиги бўйича аниқлайди ҳамда қоплама ғадир-будирлигини маҳаллий баҳолашда ғилдирак ва қоплама юзаси туташувчанлигининг нисбий хусусияти бўйича аниқлайди.

Проезжаемость дороги - *йўлдан автомобилларнинг юра олиши* - автомобиль йўлининг автомобилларни, шу билан бирга турли хил (енгил, оғир, юк ташувчи, автопоезд) машиналарни йилнинг турли даврларида, берилган тезликда ҳаракатланиш имкониятини белгилаб берадиган транспорт - фойдаланиш кўрсаткичи.

Проломы одежды - *тўшамаларнинг ўпирилиши (бузилиши)* - йўл пойи тўшамасининг чуқур бузилиши. Ҳажми бўйича катта ўпирилишлар кўринишида, ғилдиракнинг думалаши йўналиши бўйича тўшамаларда, улар етарлича мустаҳкам бўлмаганда ёки улардан жуда оғир транспорт воситалари ўтганда, айниқса, ер пойининг тупроғи бўш ёки нам бўлганда рўй беради.

Просадки - *чўкишлар* - қаттиқ бўлмаган йўл тўшамаларининг турли ўлчамдаги, нишаблиги қия бўлган чуқурча кўринишидаги, тўла зичланмаган тупроқнинг ёки йўл тўшамасининг маҳаллий чўкиши натижасида рўй берадиган деформацияси. Кўпинча чўкишни йўл пойининг чети қаттиқ бўлган оралиқ тузилишидаги, ўтиш тош тахталари оралиғидаги тупроқ тўла зичланмаганда, шунингдек котлован ва ҳандақлар тўлдирилиб ёмон зичланганда кузатиш мумкин. Жорий таъмирлаш орқали йўқотилади. Агар чўкиш чуқур ёки тез ривожланувчи бўлса, унда йўл қопламасини ва тупроқни бутунлай алмаштириш лозим.

Профилограф - *профилограф* - қоплама юзасининг сифатини баҳолаш ва унинг микрогеометриясини ўрганиш учун қўлланиладиган асбоб.

Пучинообразование - *кўпчи ҳосил бўлиши* - қишда йўл пойи тупроғида намликнинг кўпайиши, уларда муз қатламларининг ҳосил

бўлиши ва тупроқ ҳажмининг ошишидан юзага келадиган йўл пойида намликнинг қайта тақсимланиш ҳодисаси. Бунинг натижасида йўл тўшамасида дўнглик ҳосил бўлади, эригандан кейин эса юмшайди.

Работоспособность дорожной одежды - йўл тўшамаларининг ишлаш қобилияти - йўлнинг хизмат қилиш вақтидаги фойдали ишини характерловчи техник-иқтисодий кўрсаткич. Автомобиль йўлининг берилган кесимидан ўтаётган юкларнинг ва транспорт воситаларининг оғирлиги билан аниқланади, унинг натижасида йўл шундай ҳолатга келадик, уни таъмирлаш керак бўлади. Йўлнинг фойдаланишга топширилганидан то мукамал таъмирлаш бўлган муддатда ёки мукамал таъмирлашлар орасидаги ишлаш қобилияти «тўла» деб, уни фойдаланишга топширгандан то ўртача таъмирлашгача бўлган муддат ёки ўртача таъмирлашлар орасидаги ишлаш қобилияти эса «қисман» деб аталади.

Размягчение покрытия - йўл қопламасининг юмшаши - ортиқча ҳисобланган пластик қоришмадан қилинган асфальтбетон қопламаси юзасининг деформацияси. У тўлқин ҳосил бўлишига, ғилдирак таъсирида қопламанинг ғижимланишига ва маҳаллий бузилишларга олиб келади. Жорий таъмиришда битум билан ишлов берилган қаттиқ тоғ жинслари чиқиндиларини (2...5 мм) сочиш ва қопламани каток ёрдамида зичлаш усуллари билан қопламанинг юмшаши йўқотилади.

Разрыв покрытия - йўл қопламаларининг ажралиб кетиши - йўл қопламаларидаги кенг ва икки боши очик ёриқлар кўринишидаги бузилишлар бўлиб, автомобилларнинг ҳаракат йўналиши бўйлаб қопламанинг силжиши натижасида рўй беради.

Раскачивание плит - тош тахта(плита)ларнинг қимирлаб қолиш - йўлдан ўтаётган транспорт воситаларининг таъсири натижасида тоштахталарнинг тик равишда қайта-қайта қимирлаб қолиш.

Реконструкция автомобильных дорог - автомобиль йўлини реконструкция қилиш - мавжуд йўллардаги қурилиш ишлари мажмуаси бўлиб, йўлнинг транспорт-фойдаланиш кўрсаткичини кўтариш мақсадида йўлнинг ҳаммасини ёки бирор қисмини юқори тоифага ўтказиш учун бажарилади. Шу жумладан, баъзи бир йўл қисмларини тўғри ҳолга келтириш, бўйлама нишабликларни камайтириш (юмшатиш), аҳоли яшайдиган жойларидан айланиб ўтиш йўллари қуриш, йўл пойини ва ўтиш қисмин кенгайтириш, йўл тўшамаси тузилмасини ўзгартириш, кўприк ва муҳандис иншоотларини кенгайтириш ёки алмаштириш, туташма ва кесишма

йўллари қайта қуриш ва бошқалар. Ишни олиб бориш автомобиль йўллари қуриш технологиясига ўхшаш” Кўприкларни таъмирлаш” 6.1. бандга қаранг.

Ремонт земляного полотна - *йўл пойини таъмирлаш* - алоҳида участкаларни кўтариш; бузилган, кўпчиган, чўккан участкаларни тўғрилаш; йўл пойининг мустаҳкамлигини таъминлайдиган ишлар, йўл четларини мустаҳкамлаш, янги зах қочирувчилар, сувни четлатувчилар, қуритувчи ариқлар ва эрозияга қарши иншоотлар, ёгингарчилик сувлари тармоқларини қайта тиклаш ёки қуриш; тупроқ ва материаллар захирасини, уларга ўтиш жойларини кидириш; энергия билан таъминлаш учун ЭУТ ва материалларни омборда сақлаш учун майдонча қуриш; ерларни қайта экинзорлаштириш ва бошқалар.

Ремонт капитальный - *мукаммал таъмирлаш* - автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни таъмирлаш ишларини ўз ичига олган бўлиб, унда йўл тўшамаси мустаҳкамлигини вақти-вақти билан қайта тиклаш, бир вақтнинг ўзида тузилиши қатламларини алмаштириш ишлари бажарилади. Эскирган, мустаҳкамлигини ёки талаб этиладиган хусусиятларини (сув йиғувчи, иссиқни сақловчи ва бошқалар) йўқотган қопламаларни, шунингдек эскирган қисм ва тузилмаларни таъмирлаш. Йўл тўшамасининг ҳақиқий мустаҳкамлиги унинг бошланғич мустаҳкамлигига нисбатан пасайиб кетганда, эгилиш модули эса йўл қўйиш мумкин бўлгандан кичик бўлганда капитал тузатиш белгиланади. Бунда таъмирлаш объектларининг транспорт-фойдаланиш хусусиятлари яхшиланиши керак бўлади.

Ремонт средний - *ўртача таъмирлаш* - автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни таъмирлаш ишлари бўлиб, вақти-вақти билан бир неча йилда бир маротаба бажарилади. Бунда, зарур ҳолларда, йўлнинг ва йўл иншоотларининг транспорт - фойдаланиш хусусиятларини яхшилаш мақсадида йўл қопламасининг едирилган қатламни тўлдириб туриш, бир вақтнинг ўзида йўл қопламаси ва йўл иншоотлари деформациялари бузилишларининг ҳамма турларини йўқотиш ва тўғрилаш ишлари бажарилади. Ўртача таъмирлаш одатда, бутун йўл бўйича эмас, балки унинг баъзи бир қисмларида (мас., икки қўшни бекат орасида), керак бўлганда кичик ва ўрта кўприк иншоотларини қайта қуриш билан бажарилади.

Ремонт текущий - *жорий таъмирлаш* - йўл тўшамаси, йўл пойи ва йўл иншоотларининг кўпроқ бузилмасликлари олдини олиш мақсадида, баъзи бир деформацияларни ва майда бузилишларни тузатиш ва йўқ қилиш билан боғлиқ комплекс таъмирлаш ишлари.

Шу жумладан, йўл тўшамасини жорий таъмирлаш ундаги чуқурликларни, ёриқларни, ўйилган жойларни беркитиш, чўкишларни, йўл четини, хошиясини тузатиш, ғадир-будирликни қайта тиклаш ишлари ва бошқалар киради. Йўл пойини таъмирлаш кўтармалардан фойдаланилганда унда рўй берадиган майда деформация ва бузилишларни йўқотиш, шунингдек сувни четга чиқаришни яхшилаш ишларини ўз ичига олади. Йўлнинг аҳволини яхшилаш учун таъмирлаш ишлари ундаги анжомларнинг баъзи бир элементларини ва унинг рангини алмаштиришдан иборат. Бу ишлар йил давомида автомобиль йўлининг бутун узунлиги бўйлаб олиб борилади. Ишлар катталаштирилган километрли ўлчовлар бўйича режалаштирилади.

Репер-износмер - *емирилиш репери (таёқчаси)* - латундан ишланган стакан кўринишидаги мослама бўлиб, йўл қопламасига унинг емирилишини вақт мобайнида ўлчаш учун ўрнатилади.

Сдвиг на покрытии - *қопламадаги силжишлар* - керакли боғлиқликнинг, туташувчанликнинг йўқлиги сабабли ҳосил бўлган асфальтбетон қатламларининг деформацияси бўлиб, бу деформация натижасида асфальтбетон қопламаси замин бўйлаб ёки устки қатламининг пластиклиги юқори бўлганда қопламанинг устки қатламининг пастки қатламига нисбатан қаршилиги етарли бўлмаганда силжишлар рўй беради. Гоҳида силжишлар уларга тик йўналган ёриқлар билан бирга пайдо бўлади. Уларни таъмирлаш ўйилган жойларни бекитиш сингари бажарилади.

Скол кромок - *қирра(чекка)нинг синиши* - цементбетон қоплама тоштахталари бурчакларининг ва чоклари хошияларининг бузилиши; каттиқ бўлмаган турдаги йўл қопламаларининг йўл ёқаси билан туташган жойларидаги хошияларнинг бузилиши.

Служба дорожная - *йўл хизмати* - 1.1. бандга қаранг.

Содержание дорог - *йўлларни сақлаш* - автомобилларнинг йил давомида қулай ҳаракатланиши ва йўлнинг меъёрий хизматини таъминлаш учун йўл қопламаларини, йўл ёқасини, ён бағрини, ундаги иншоотларни ва автомобиль йўли шохобчаси тасмасини тегишли тартиб ва тозаликда, қатнов ҳолатида сақлаш мақсадида доимий назорат қилиш ишлари мажмуаси. Сақлаш қишки, баҳорги, ёзги ва кузги турларга ажратилади. Ишлар йириклаштирилган километрли ўлчовларда режалаштирилади.

Срок службы дорог - *йўлларнинг хизмат қилиш муддати* - автомобиль йўли куриб бўлинганидан бошлаб ёки таъмирлангандан сўнг то кейинги таъмирлаш йилигача бўлган давр. Йўлни юқори

даражага ўтказиш билан боғлиқ равишда уни талаб этилган ҳолатда сақлаш иқтисодий жihatдан самарасиз бўлса, унинг геометрик шаклини ўзгартириш, ҳисобий оғирлигини ва жойлашишини ҳисобга олиб, унинг ҳамма иншоотларини қайта қуриш лозим. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак: йўл қопламасининг хизмат муддати - йўл қопламасини ўртача таъмирлаш учун таъмирлашлараро давр; йўл тўшамасининг хизмат муддати - йўл қопламасини мукамал таъмирлаш учун таъмирлашлараро давр.

Технический уровень дороги - *йўлнинг техник даражаси* - йўл ёки унинг муҳандислик иншоотларининг фойдаланилиши жараёнида ўзгармайдиган доимий геометрик параметрлари ва характеристикасининг меъёрий талабларга мувофиқлиги даражаси. Геометрик параметрлар ва характеристикалар фақат йўлнинг қайта қурилишида ўзгариши мумкин.

Толчкомер - *силкиниш ўлчагичи* - автомобиль доимий тезлик билан (одатда, 50 км/с) ҳаракатланаётган вақтда кузовнинг тебраниши шароитида рессорнинг нисбий сиқилишининг ўлчанган миқдори бўйича қоплама раволигини баҳолаш асбоби. Раволиқнинг ўлчов бирлиги - см/км.

Трещины на дорожном покрытии - *йўл қопламасидаги ёриқлар* - яхлит қопламанинг бузилишида ифодаланадиган йўл қопламасининг бузилиши. Транспорт воситалари ва табиий-иқлим омиллари таъсирида юз беради. Асфальтбетон қопламалар учун якка, алоҳида, сийрак, шунингдек мўл ёриқлар жараёни характерли. Ёриқлар кўндаланг, бўйлама, қия ва ёриқлар тўри кўринишида бўлиши мумкин. Якка ёриқлар - бу йўл ўқиға параллел ёки перпендикуляр йўналишдаги, ихтиёрий кўринишдаги ёриқлар. Улар, одатда, бир-биридан катта оралиқларда, қандайдир қонуниятларға амал қилмаган ҳолда жойлашади. Алоҳида ёриқлар - бу бир-биридан тахминан бир хил оралиқларда жойлашган кўндаланг ёриқлар. Улар орасидаги масофалар камида 10-20 м. Сийрак ёриқлар - бу бир-бири билан боғланмаган кўндаланг ва қия ёриқлар. Улар орасидаги масофа - 4-10м. Мўл ёриқлар - одатда, бир-бири билан боғланган бўлади ва 1-4м оралиқларда жойлашади. Шунингдек ёриқлар тўри ҳам фаркланади. Ёриқларнинг майда тури - мукаммалаштирилган турдаги қопламалар қисмларидаги ёриқларнинг майда тури бўлиб, йўл асоси ёки қопламанинг мустаҳкамлиги етарли бўлмаганда, айниқса, баҳор ойларида (асфальтбетон ва енгиллаштирилган турда ишлов берилган қопламаларға тегишли) пайдо бўлади.

Установка динамического нагружения - *динамик юкланиш қурилмаси* - динамик юкланиш таъсирида қаттиқ бўлмаган йўл тўшамасининг эластик эгилишини ўлчаш учун текширувчи комплекс. Эластик эгилиш катталиги бўйича йўл тўшамасининг мустаҳкамлигини баҳолаш учун унинг эластиклигининг динамик модули ҳисобланади.

Учет движения - *йўлдаги ҳаракатни ҳисобга олиш* - йўлдан ўтаётган транспорт оқимининг таркибини ва жадаллигини аниқлаш мақсадида транспорт воситаларини рўйхатга олиш. Халқаро, республика ва вилоят миқёсидаги аҳамиятга эга бўлган йўлларда ҳаракат доимий ҳисобга олиб турилади. Бунда ҳаракат иштирокчиларини оғзаки ёки ёзма равишда сўровдан ўтказиш услубларидан ёки ҳисобловчи асбоблардан фойдаланиш мумкин.

7.2. Автомобиль йўллари таъмирлаш

Авторемонтёр асфальтобетонных покрытий - *асфальтбетон қопламалар автотаъмирлагичи* - эски асфальтбетонни қиздириш учун инфрақизил нурлантргичдан фойдаланиш билан иссиқ усулда ёки эски асфальтбетонни кесиш билан совуқ усулда асфальтбетон қопламаларни таъмирлаш учун мўлжалланган машина. Жихоз тўпламига киради: бункертермос, минерал куқунлар, битум ва битум эмульсиялар учун идишлар, тақсимловчи қўл тележка, электротебранмали ғалтак машина ва б. Жихоз автомобиль шассига монтаж қилинган.

Авторемонтёр цементобетонных покрытий - *цементбетон қопламалар автотаъмирлагичи* - цементбетон қопламаларни таъмирлаш учун жихозлар кмплекти. Унга киради: бетон аралашма тайёрлаш учун ярим кўчма агрегат, цемент коллоид елимни тайёрлаш ва суртиш учун ҳаракатланувчи қурилма, автомобиль шассисидagi ўзиюрар бетон ётқазгич.

Восстановление бордюров - *ҳошияларни тиклаш* - эскирган, бузилган ҳошияларни қисмларга ажратиш ва унинг яхлит ёки йиғма бетонли, донали тошдан ва бошқа турдаги янгиларини қуриш билан боғлиқ бўлган мукамал таъмирлашнинг технологик жараёни.

Вскирковка покрытия - *йўл қопламасини чўкичлаш* - йўл тўшамасини таъмирлаш тайёрлаш учун эски материални юмшатиш усули билан бажариладиган, йўл қопламасини ўртача ва мукамал таъмирлашдаги технологик жараён.

Втапливание (вдавливание) - *сингдириш (босиб киргизиш)* - жорий ва ўрта таъмирлашдаги технологик жараён бўлиб, йўл копламасининг танасига қўшимча янги минерал материални механик йўл билан сингдириш ёки ғадир-будирлик қаватини қатлам ёки тиклаш билан олиб борилади.

Вырубка - *кесик* - жорий таъмирлашдаги технологик жараён бўлиб, копламани тамирлаш тайёрлашда унинг эскирган, мустаҳкам бўлмаган бўлакларини синдириб олиб ташлаш йўли билан бажарилади.

Заливка трещин - *ёриқ (чок)ларни тўлғазиш* - жорий таъмирлашдаги технологик жараён бўлиб, цементбетон қопламаси тугатилмаган чокларининг бутун узунлиги бўйича ёки баъзи бир жойларида, йўлдан фойдаланиш жараёнида ва мукамаллаштирилган турдаги ҳамма йўл копламаларида ҳосил бўлган ёриқларни мастика билан тўлдириш йўли билан бажарилади.

Замена грунта - *тупроқни алмаштириш* - йўл пойини мукамал таъмирлашда ундаги яроқсиз тупроқни техник талабга жавоб берадиган тупроқ билан алмаштириш ва уни зичлаш билан боғлиқ технологик жараён.

Заполнитель деформационного шва - *деформацион чокларни тўлдирувчи* - дарзларни ўтиш қисми сатҳи билан бараварлаштириб тўлдирувчи деформацион чок конструкцияси элементи. Чокларни герметик беркитиш вақтида махсус чок тўлдиргичлар билан киритилади.

Номенклатура работ по ремонту - *таъмирлаш бўйича ишлар мажмуи* - йўлнинг бутун узунлиги бўйича, унинг талаб этилган фойдаланиш ҳолатини сақлаш учун, йил давомида мунтазам олиб бориладиган жорий таъмирлаш ишларининг тартиби.

Обработка поверхностная восстановительная - *тиклаш учун устки ишлов бериш* - йўл копламаларини жорий ва ўрта таъмирлашдаги, унинг ейилиб кетган қатламини вақти-вақти билан, кўрсатилган муддатда ёки талабга асосланиб қайтадан тиклаш йўли билан амалга ошириладиган технологик жараённинг асосий тури (5.1. бандга қаранг).

Ограждение мест производства работ - *ишларни бажариш жойини тўсиш* - йўлда ҳар қандай ишларни бажариш участкасида ишни бошлашдан олдин чегараловчи ва йўналтирувчи йўл белгиларини ўрнатиш. Зарурат туғилганда йўлнинг ўтиш қисмида, йўл четида ва йўлнинг ажратувчи тасмаларида йўл ҳаракати қатнашчилари ва иш бажараётган шахсларнинг хавфсизлигини

таъминлаш мақсадида йўлнинг ўтиш қисмида вақтинчалик белгилар ўрнатилади ва ҳаракатни ташкил этишнинг бошқа техник воситалари қўлланилади.

Одерновка - *чим босиш* - кўтарма ёки ўйма ёнбағирларини чим босиш йўли билан мустаҳкамлашнинг тури (яхлит қатлам, «каток» турлари ва бошқалар).

Перемощение - *тўшама йўлни қуриш* - тўшама йўллари (қопламалар ёки асосларни) мукамал таъмирлаш технологик жараёни бўлиб, қумли асосни, баъзан эса донали тошни қисман ёки тўлиқ алмаштиришда уларни бузиб ташлаш ва янги тўшама йўлни қуриш билан боғлиқдир.

Переработка материалов - *материалларни қайта ишлаш (ишлатилган материалларни қайтадан ишга яроқли қилиш)* мукамал ёки ўртача таъмирлаш қопламанинг ёки асоснинг эскирган йўл қурилиши материалларини қайтадан ишлатиш мумкин бўлган ҳолатга келтириш билан боғлиқ технологик жараён (мас., эски асфальтбетонни қайта ишлаш, шағал, эскирган чақиқ тош ва бошқаларни тозалаш ва саралаш).

Перестройка опасных участков - *йўлнинг хавфли қисмини қайтадан қуриш* - автомобиль йўлининг йўл пойини мукамал таъмирлаш, унинг ағдармали, сурилмали, музлаганда шишадиган қисмларини йўқотиш, йўл пойининг керакли мустаҳкамликка эга бўлиши учун зарур тузилмаларини қайта қуриш, ағдарма, сурилма ва кўтарилишларни келтириб чиқарадиган сабабларни йўқотиш билан боғлиқ технологик жараён.

Планировка обочин - *йўл четларини режаш* - талаб қилинган қияликни қуриш билан биргаликда ортикча тупроқларни қирқиб олиш ва янгисини тўкиш йўли билан равонликни ва талаб қилинган қияликни қайта тиклаш учун бажариладиган технологик жараён.

Поверхностная обработка покрытий - *қопламаларга устки ишлов бериш* - қоплама юзасига органик боғловчи материаллар қуйиш ва мустаҳкам тош материалларни зич жойлаштириш усули билан автомобиль йўлларининг такомиллаштирилган қопламаларидаги едирилишнинг ҳимоя ва ғадир-будир қатламини қуриш технологик жараёни.

Поднятие земляного полотна - *йўл пойини кўтариш* - автомобиль йўлини мукамал таъмирлашда йўл учун янги тупроқ ётқизиш ёки йўл ёқасини кенгайтириш учун тупроқ ётқизиш билан боғлиқ технологик жараён.

Профилирование дорог - *йўлни қия қилиб текислаш* - йўл қопламасининг ўтиш ва паст турлари (тупроқли, яхшиланган тупроқли, шағалли, чақиқ тошли жорий тузатишдаги) юзасини автогрейдерлар ёрдамида янги материалларни солиб текислаш, зичлаш билан боғлиқ технологик жараён.

Разборка мостовой - *тўшама йўللарни қисмларга ажратиш* - тўшама йўллар мукамал таъмирлаш унинг баъзи бир қисмларидаги яроқсиз тошларни бутунлай олиб ташлаш ва алмаштириш, шунингдек қумли ост қатламни қайта қуриш билан боғлиқ технологик жараён.

Разборка дорожной одежды - *йўл тўшамасини қисмларга ажратиш* - йўл тўшамасини мукамал таъмирлашдаги ёки реконструкция қилишдаги технологик жараён бўлиб, у йўл тўшамасининг ҳамма тузилмавий қатламларини ёки битта устки қатламини олиб ташлаш билан боғлиқ.

Регенерация асфальтобетонных покрытий - *асфальтбетон қопламаларни қайта тиклаш(регенерациялаш)* - дастлабки фойдаланиш хусусиятларини(мустаҳкамлик, равонлик, ғадир-будирлик) қайта тиклаш билан асфальтбетон қопламаларни таъмирлаш технологияси. Қайта тиклаш услубларига қуйидагилар киради: қопламаларга битумнинг хусусиятини қайта тиклайдиган пластификаторни шимдириш; қиздириш, юмшатиш ва эски асфальтбетон хусусиятларини яхшилашнинг турли хил услубларидан фойдаланиш билан асфальтбетон қопламаларнинг хусусиятларини жойида қайта тиклаш; эски асфальтбетонни совуқ ёки иссиқ усулда кўчириб олиш ва кейин уни кўчма асфальтбетон заводда ёки иш бажарилаётган жойда қайта ишлаш.

Ремиксинг плюс - *ремиксинг плюс* - эски қопламани иссиқ усулда кўчириб олиш учун жиҳозларни қўллаш билан бажариладиган ва “Ремиксер” машина ёрдамида бир босқичда эски қоплама материали аралашмасини жойлаштиргандан кейин тезликда янги аралашмадан едирилиш ҳимоя қатламини жойлаштириш технологияси.

Ремиксинг (термосмешение) - *ремиксинг (иссиқ ҳолда аралаштириш)* - эски қопламани қиздириш, фрезерлаш, янги ва эски аралашмаларни ёхуд эски аралашмани битум билан ишлов берилган чақиқ тошли қўшимчалар, эски битумни қайта тиклаш учун қўшимчалар билан аралаштиришни ўз ичига оладиган, иссиқ ҳолда жойида қайта ишлаш усулида асфальтобетон қопламаларидан қайта фойдаланиш технологияси.

Ремонт ямочный - *ўйиқларни таъмирлаш* - қопламадаги ўйиқ, алоҳида тўлқин, дўнглик, тепалик ва б. кўринишдаги нуқсонларни бартараф қилувчи таъмирлаш ишлари. Таъмирлашни бажаришда куйидаги умумий технологик изчилликка амал қилинади: ишни бажариш жойини тўсиқлар билан ажратиш; қопламани тозалаш; қопламанинг бузилган минтақасини аниқлаш; таъмирлаш, кесиш, қирқиш ва “харита”ни тозалаш жойларини белгилаш; “харита” чуқурлигини ва деворларини тупроқлаш; аралашмаларни тақсимлаш, текислаш ва зичлаш; жойга ишлов бериш, чиқиндиларни йиғиш ва юклаш; иш сифатини назорат қилиш; тўсиқларни олиб қўйиш.

Рециклинг - *рециклинг* - совуқ ёки иссиқ усулда қайта ишлаш билан йўл тўшамаси қатламидан қайта фойдаланиш технологияси.

Рыхление дорожной одежды - *йўл тўшамасини юмшатиш* - йўл тўшамасини мукамал таъмирлаш жараён бўлиб, унда тўшамани синдириб, майдалаб бўлакларга ажратиш ва йўлдаги эски материални бутунлай олиб ташлаш ёки текислаб юбориш, ундан янги йўл қопламасининг асоси сифатида фойдаланиш.

Сларри Сил - *Сларри Сил* - эмульсион-минерал аралашмаларни қўллаш билан қопламанинг ҳимоя қатламини қуриш технологияси.

Слой износа - *емирилиш қатлами* - 2.4. бандга қаранг.

Смягчение продольных уклонов - *бўйлама қияликни камайитириш* - йўл пойини мукамал ёки реконструкция қилишдаги таъмирлашдаги технологик жараён бўлиб, унда автомобилларнинг узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатини таъминлаш мақсадида бўйлама қиялик камайитирилади ёки у ўша даражали йўл учун қўйилган меъёрга етказилади.

Спрямление дороги - *йўлнинг йўналишини тўғрилаш* - йўл пойини мукамал таъмирлашдаги ёки реконструкция қилишдаги технологик жараён бўлиб, автомобиль йўлининг кўп миқдорда эгрилари бўлган қисми автомобилларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминловчи йўл ўқини тўғрилаш усули билан қайта қурилади.

Термопрофилирование - *иссиқ ҳолда силлиқлаш (термопрофиллаш)* - қопламани 2-5 см чуқурликда қиздириш, юмшатиш, қайта жойлаштиришни ўз ичига оладиган асфальтбетон қопламанинг раволигини ва кўндаланг қиялигини қайта тиклаш технологияси.

Тонкослойные асфальтобетонные покрытия - *юпқа қатламли асфальтбетон қоплама* - бевосита асфальтбетон аралашмани жойлаштиришдан олдин суртиладиган, катион

ўзгартирилган аралашма билан елимланган ва герметик беркитилган қатламга жойлаштириладиган, иссиқ ҳолда тайёрланадиган 20 мм қалинликкача бўлган махсус асфальтбетон аралашмали қоплама. Қоплама асфальтбетон ва цементбетон қопламаларга едирилиш ва гидроизоляция қатлами сифатида, шунингдек 25 мм чуқурликкача гилдирак изини бартараф қилиш учун қўлланилади.

Увеличение радиусов закруглений - *бурилиш радиусини катталаштириш* - реконструкция қилиш ёки мукамал таъмирлашдаги технологик жараён бўлиб, йўл пойи ва йўл тўшамасининг радиуси кичик бўлган баъзи бир қисмлари геометрик элементлари ўлчамларини автомобилларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлайдиган, шундай даражали автомобиль йўли учун талаб этиладиган меъёrlарга етказиш билан боғлиқ.

Укрепление кромок - *қатнов қисм четларини мустаҳкамлаш* - қопламани жорий таъмирлашдаги технологик жараён, у қатнов қисм чети бўйлаб бетондан тасма ёки ҳошия ётқазиш йўли билан бажарилади.

Укрепление обочин - *йўл ёқасини мустаҳкамлаш* - 5.1. бандга қаранг.

Укрепление откосов - *ён қияликни мустаҳкамлаш* - 5.1. бандга қаранг.

Уменьшение крутизны откосов - *қияликларнинг нишаблигини камайтириш* - йўл пойини ўртача таъмирлаш технологик жараён, унда кўтарма ва ўймалар нишабликлари камайтирилади.

Уполаживание склонов - *ёнбағирларни ётиқлаштириш* - қияликлар ва нишабликларнинг юқори қисмидаги ер массасини қирқиш ва кўчкидан сақлаб қолиш учун уни таг қисмига ётқазиш билан боғлиқ технологик жараён.

Усиление дорожных одежд - *йўл тўшамасининг мустаҳкамлигини кучайтириш* - йўл қопламасини ва асосни мукамал таъмирлашдаги технологик жараёнлар мажмуаси бўлиб, янги йўл тўшамасини ётқазиш ёки уни қалинлаштириш йўли билан мустаҳкамлиги кучайтирилади. Эски қопламани асос сифатида ишлатиш мумкин.

Уширение земляного полотна - *йўл пойини кенгайтириш* - йўлни мукамал таъмирлашдаги технологик жараён, унда йўл пойининг бир ёки икки томонидан янги тупроқ йўл пойининг унга берилган тоифага мос келадиган кенглигида ётқизилади.

Уширение проезжей части - *қатнов қисмини кенгайтириш* - автомобиль йўлини мукамал таъмирлашдаги технологик жараён

бўлиб, йўл тўшамасининг бир ёки иккита қўшимча қатнов қисми ўқи қурилади ва унинг кўрсаткичлари шундай тоифадаги йўл учун қабул қилинган кўрсаткичларга етказилади ёки йўл юқорироқ тоифага ўтказилади.

Шелушение - қатламлаб қўчиши (*туллаш*) - йўл қопламаси устининг бузилиши, кўпинча цементбетон ва асфальтбетон қопламаларининг минерал материалли юпқа қавати ва қатма-қат пўстлоғи устки қисмининг намгарчилик ва совуқ таъсирида бузилиши туфайли қатлам-қатлам бўлиб қўчиши. У жорий таъмирлаш, ишлов берилмаган ва йирик донали қум ёки мустаҳкам тошдан қилинган сочмаларга суяқ боғловчилар қўшиб йўл қопламаси юзасини ишлов бериш услуби билан йўқотилади.

7.3. Автомобиль йўллариini сақлаш ва кўкаламзорлаштириш

Қишки сақлаш ва кўкаламзорлаштириш

Бассейн снегосборный - қор йиғадиган ҳавза - қорни йўлдан ташиб йиғиладиган, йўлга туташ чекланган майдон.

Бугры ледяные - музли дўнгликлар - музлаган қатнов қисмдаги турли ўлчам ва шаклдаги музлар.

Вешки указательные - кўрсатувчи ишора белгилари - белги қўядиган шода, автомобиль йўлларига хизмат қилувчи ходимларга қиш мавсумида тозалаш керак бўлган майдон чегарасини кўрсатувчи белги.

Вьюга - қор ўрамаси - ер юзаси бўйлаб қор зарраларини думалатган ҳолда қорнинг вертикал ва горизонтал қўчиш.

Гололед - яхмалак - метрологик атама, совиган қатлам юзасида эрувчанликдан ва атмосфера намликлари тушгандан кейин ҳарорат пасайганда йўл қатнов қисмининг музлаши. Юқори даражада сирпанчиқлиги коэффицентининг пасайиши билан характерланади. Яхмалакка қарши курашиш бир қанча чора-тадбирлардан иборат бўлиб, улар қимёвий моддалар, фракцияланган материаллардан фойдаланиб ва музлаган қатламни механик йўл билан йўқотиш каби усулларни биргаликда ёки алоҳида қўллашдан иборат.

График зимней россыпи - сочилмалар сочиши (*сепиш*) жадвали - йўл хизмати бўлимининг уларга бириктирилган йўл қисмида яхмалакка қарши материаллардан сочмалар сочиш ёки суяқ қимёвий моддалар сепиш билан қишки яхмалакка қарши курашиш ишини ташкил қилиш режаси.

График снегоочистки - қордан тозалаш жадвали - йўл хизмати бўлимининг уларга бириктирилган йўл қисмида қордан тозалаш ишларини ташкил этиш режаси, яъни отрядларни бирлаштириш, йўл қисмининг узунлигини ва тозалаш чизмасини аниқлаш ишлари.

Гребенка ледяная - *гадир-будирли музлик* - музлаганлик нотекислиги, йўл қопламасида кўндаланг йўналишда ҳосил бўлган турли шакл ва ўлчамдаги муз қатламлари.

Дальность отброса снега - *қорни улоқтириб (чиқариб) ташлаш узоқлиги* - қорни машинанинг йўналтирувчи тармоқланган киска қувири (қор супургичи)дан, шнекли-роторли, роторли- фрезали қор тозлагичлардан фойдаланиб улоқтириб ташлаш масофаси. Шамол бўлмаганда горизонтал юзада ҳаракат йўналишига тик равишда тозалаш керак бўлган йўлнинг ўқидан ишғол қилинган юзагача ёки машина ўқидаи то сочиб ташлаш юзасигача ўлчанади.

Донесение дорожное - *йўл хабарлари* - йўлнинг ҳолати, шароити, ҳаракатнинг қулайликлари ва маълум вақт оралиғида йўлни кишки сақлаш хизматининг кўрган чора - тадбирлари ҳақида юқори ташкилотларга юбориладиган хабарлар.

Забор снегозадерживающий - *қорни ушлаб турувчи тўсиқ* - узоқ вақт давом этадиган кучли қор бўронлари рўй берадиган туманлар учун тўсиқли, қорни ушлаб қолувчи доимий турдаги қурилма.

Забор снегопередувающего действия - *қорни учиртирадиган тўсиқ* - панжарали доимий турдаги тўсиқли қурилма бўлиб, ер устидан 1,5-2 м баландликда ўрнатилади, ундан шамолли қор оқими жуда катта тезликда ўтишда тушиб қолмайди ва йиғилмайди, балки йўл пойидан ўтиб кетади, қорнинг ўтиш ҳажми 300-350 м³/мин дан кўп бўлган туманларда қўлланилади. Бундай тўсиқларни жуда чуқур бўлмаган ўймаларда қўллаш фойда беради.

Заграждение противоналедное - *муз қатлами бўлишига қарши тўсиқ* - ғов, дамба ва девор кўринишидаги, муз қатлами билан курашиш учун қўлланиладиган қурилмалар мажмуаси бўлиб, муз қатламининг деворга ҳаракатланишига йўл қўймайди.

Занос снежный - *қор уюми* - қор бўрони ҳосил қиладиган катта қалинликдаги ва зичликдаги қор тўплами бўлиб, шамолнинг тезлиги кам бўлган жойларда пайдо бўлади ва автомобилларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилади.

Заполнение щита - *тўсиқ тахтанинг тўлдирилиши* - “Ёриқлар”га қаранг.

Захватка россыпи (розлива) - *сепиш масофаси(қисми)* - йўл ҳаракатини яхшилаш учун моддалар сепиш (қуйиш) керак бўлган йўлнинг қисми - қишда йўлни сақлашда яхмалакка қарши материал ёки аралашма, гоҳида кимёвий моддалар сепишни бажарувчи бир ёки бир нечта машина учун ажратилади.

Захватка снегоочистки - *йўлнинг қордан тозаланадиган қисми* - вақтнинг маълум бир даврида йўлни қордан тозаловчи бир ёки бир нечта машиналарнинг ишлаши учун ажратилган автомобиль йўлининг қисми.

Изгородь живая - *жонли девор* - баргли ва игнабаргли дарахтларни ёки буталарни ўтқазиш, талаб қилинган баландлик ва зичликда уларни қирқиш билан сақлаб турилади. Автомобиль йўлининг йўл пойидан 30-35 м оралиқ масофада жойлаштирилади ва қорни ушлаб қолиш учун хизмат қилади.

Изгородь плетёная - *тўқима тўсиқ* - бир-биридан 7-8 м оралиқда шахмат тартибда 10 м узунликдаги секциялар бўйича ўрнатиладиган симлардан ясалган қор кўчкларини тутиб қолувчи иншоот.

Изгородь снегозадерживающая – *қорни ушлаб қолувчи девор* - қорни ушлаб қолувчи вақтинчалик турдаги қурилма, у маҳаллий материаллар (шоҳ-шабба, қамиш ва бошқалар)дан тайёрланади ва қордан сақловчи тахта тўсиқ девор каби ўрнатилади.

Изморозь (ледяной дождь) - *совуқ нам ҳаво (муздек ёмғир)* - жуда совиган ёмғир томчиларидан иборат атмосфера ёғинлари (0°С дан паст бўлган ҳароратда) турли материаллар (йўл қопламалари, устунлар, тўсиқлар ва бошқалар) билан туташганда музлайди ва уларни муз билан қоплайди.

Иней - *қиров* - муз кристаллари бўлиб, совиган йўлнинг қатнов қисмига ва нарсалар устига ҳаво нам бўлганда тушади.

Колея снежная - *қорли из* - транспорт воситалари ҳаракатидан сўнг қотиш натижасида қорли қопламада ҳосил бўлган бўйлама йўналишдаги чуқурчалар.

Коэффициент просветности - *ёриқлик коэффиценти* - қор ушлаб қолувчи тўсиқ тахта пастки қисми ёриқлигининг устки қисми ёриқлигига нисбати.

Лавина - *қор кўчкиси* - қор қопламасининг ўз оғирлиги натижасида тезликда ён бағирлардан сурилиб тушиши. Ҳаракатланувчи катта оғирликдаги қор ва муз гоҳида ўзи билан тоғ жинси бўлақларини олиб тушади. Қор кўчкларини турларга ажратилади. Қурук, ҳўл ва шунингдек очиқ нов, аниқ белгиланган

ўзан бўйлаб ҳаракатланиб, қияликнинг пастки қисмида конуссимон кўриниш ҳосил қиладиган, сакрайдиган, жарлик бўйлаб ҳаракатланувчи, тик қирғоклари бўлган ва сакраб тушиши учун имкон берадиган, қор кўчкисининг сакраш кўринишидаги тури водий тагига ўпирилиб эркин тушади.

Лавиногасители - қор кўчкиларини сўндиргичлар - қор кўчкиларининг бутун фронт бўйлаб ҳаракати ёки алоҳида оқимларга силжиши тезлигини камайтиришга мўлжалланган, бир-бирига йўналтирилган ва ўзаро биргаликда тўхтатувчи тормозлаш иншооти. Қор кўчкиларини сўндиргичларга тупроқ тепаликлари ва темирбетон поналар қиради.

Лавиноотбойная дамба (отводная) - қор кўчкисини қайтарувчи дамба (қайтаргич) - қор кўчкилари (селлар) ҳаракати йўналишини ўзгартириш ва унинг ҳаракати йўналишини бошқа ўзанга ёки четлатувчи каналга қайтариш усули билан қор кўчкилари (селлар)дан ҳимояланиш иншооти.

Лавинорез - кўчкини қирқувчи - кўчкини уриб қулатиш ва унинг ҳаракат йўналишини ўзгартириш учун мўлжалланган ва кўчки қаршисидаги ён қиррани кесувчига қаратилган, тош ёки бетондан ясалган режадаги учбурчак кўтарма.

Лавиноулавливатели - кўчкини тутиб қолувчилар - тезлигини йўқотган қорни ушлаб туриш ва уни йўлга ўтказмаслик учун мўлжалланган қияликда ясалган ўйма.

Лавиномом - кўчкини ёрувчи (кўчкини қирқувчи) - 1.4. бандга қаранг.

Ледяная корка - музли қобиқ - йўл қопламаси устида ҳосил бўлган юпка муз қатлами, қоплама устида ёғинларнинг музлаши ёки иссиқ ҳаво ва аёзнинг алмашинишидан ҳосил бўлади.

Маяк снежный - қорли машъал - кўрсатувчи белги (маркировкаланган), қорлардан тозаланувчи майдон чегарасини ва хавфли жойлар (баланд ҳошия, сув бўшатма ва бошқалар)ни кўрсатади, шунингдек ҳаракатни йўналтириш учун ишлатилади.

Мерзлотный пояс - музлатиш белбоғи (камари) - музли кўтарма, муз қатламининг ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи, йўлдан бошқа томонга оқувчи сув йўлининг хавфсиз бўлган масофадаги қисми. Оддий тури - ернинг ўсимликдан тозаланган минтақаси (3...10 м), энг қулай қурилма - 1 м чуқурликдаги ва таги кенглиги 2...3 м бўлган дренаж.

Метелемер - қор бўрони ўлчагичи - қор бўронини ҳаво-қор оқими фотоэлементининг кўланкаси даражасига қараб, ундаги қор

парчалари микдорига боғлиқ бўлган, амалий каттик модда сарфи (микдори)ни аниқловчи асбоб.

Метель - қор бўрони - ҳавонинг ерга яқин қаватидаги қорни шамол олиб кетиши; қор бўрони қуйидаги турларга ажратилади: юкориги - олдин ёққан қор заррачаларини учириб кетмасдан 2...3 м/с тезликдаги шамолда қор ёғиши; пастки - олдин ёққан қор заррачаларини шамол қор қопламасидан бир неча метр баландликка учириши; умумий - олдин ёққан қорни учириши ва кейин ёққан қорнинг ёғиши билан биргаликда рўй беради.

Метеорологическая дорожная станция - йўлнинг метеорологик станцияси - об-ҳавонинг ҳолати ва уни олдиндан тахмин қилиш ҳақидаги метеорологик маълумотларни йиғиш ва улардан фойдаланиш учун метеорологик жиҳозлар билан таъминланган йўл мажмуаси тизимидаги пункт. Станциянинг асосий вазифаси қор ёғиши эҳтимоли ва музлама юзага келиши ҳақида олдиндан огоҳлантириш ҳисобланади.

Накат снежный - қатор ётқазилган қор - йўл қопламасидаги автомобильнинг тез ҳаракатланишидан зичланган қор.

Наледь - муз қатқалоги - музнинг йиғилиши, ер устига отилиб чиққан ер ости суви ва дарё сувининг музлашидан ҳосил бўлган музлик.

Насаждения пескозащитные - қумлардан муҳофаза қилувчи ўсимликлар - қумларни мустаҳкамловчи ва автомобиль йўллариини ҳаракатланувчи қум уюмларидан ҳимоя қилувчи кўчатлар. Дарахтлар, буталар (тол, қарағай, акация), юлғун ва бошқалар, шунингдек ўсимликлар (қумли сўли, жузғун, тиконли янтоқ ва б.).

Насаждения противозерозионные - эрозияга қарши дарахтлар ўтқозиш - қиялик ва ёнбағирларни эрозия (сув ва шамолнинг биргаликдаги таъсирида, шунингдек ҳайвонот ва одамларнинг ноўрин ҳаракати натижасида емирилиш)дан сақлаш учун кўчатлар ўтқозиш. Кўчкига учраган қияликларда ва йўл пойининг намланиши мумкин бўлган қисмларида қўлланилади. Илдизлари билан тупроқни мустаҳкамловчи буталар, дарахтлар (қарағай, тол ва бошқалар) ўтқазилади.

Насаждения снегозащитные - қордан ҳимоя қилувчи дарахтлар ўтқозиш - автомобиль йўллари бўйлаб, уларни қордан ва қор уюмларидан сақлаш мақсадида, бир неча қаторли, ёғочли-бутали маълум бир зичликдаги дарахтлар. Уларнинг тузилмалари ва жойлашиши йўлга ёғадиган қорнинг ҳажмига мос келади. Қорнинг

хаммасини тўла ушлаб қолиш учун кўчатлар ўтқазиш тасмаси маълум бир кенгликда, баландликда ва зичликда бўлиши лозим.

Наст снежный - қорли юпқа муз - жуда совуқ ёмғирдан сўнг юзасида юпқа музлаган қобиқ ҳосил бўладиган ёки 0°C дан юқори ҳароратда намлангандан кейин совуқ таъсирига учрайдиган қатлам.

Обледенение - музлаб қолиш - йўлнинг қатнов қисми юзасининг қиров ёки совуқ нам ҳаво билан қопланган ҳолати, у автомобилнинг қоплама билан тишлашиш коэффициентининг пасайиши билан характерланади.

Облесение склонов - ёнбағирларни дарахтзорлаштириш - ёнбағирларни мустаҳкамлаш, қор кўчкиларининг олдини олиш ёки ён бағирлардан қорнинг силжишини тўхтатиш учун тоғ ён бағирларига ўрмон кўчатларини экиш.

Обрушение лавин - қор кўчкисининг қулаши - турли воситалар (қор чўққиларини қирқиш, минометдан ўқ отиш ва бошқалар) ёрдамида қор кўчкисини чақирувчи тадбирлар.

Озеленение дорог - йўللارни кўкаламзорлаштириш - йўللарга бутали - ёғочли дарахтлар ўтқазиш, техник мақсадлар учун (йўлни қордан, қумдан, тупроқ эрозиясидан, ҳайдовчини оптик йўналтириш учун, фаралар ёруғидаи ҳайдовчиларнинг кўз қамashiшини ҳимоялаш); соғлиқни сақлаш мақсадлари учун (чанг, шовқин ҳавонинг газланишидан ҳимоялаш); шунингдек йўлни меъморий безатиш ва уни атроф-муҳит билан боғлаш (манзарали кўкаламзорлаштириш, манзарали-гуруҳли, аралашган кўкаламзорлаштириш, ёппасига, йўл бўйлаб ўрмонли тасма). Шунингдек, “Дарахтлар ўтқазиш”га қаранг.

Озеленение ландшафтно-групповое - манзарали - гуруҳли кўкаламзорлаштириш - автомобиль йўлларини манзарали кўкаламзорлаштиришни жойлаштириш услуги, кўкаламзорлаштириш элементларини йўлнинг тармоғи тасмасида, атрофидаги манзара билан боғлаб чиройли жойлаштиришдан иборат.

Озеленение организованное - тартибли кўкаламзорлаштириш - автомобиль йўлларини манзарали кўкаламзорлаштиришни доимий жойлаштириш услуги - кўчат элементларини ўзгармас аниқликда алмашувли жойлаштиришдан иборат. Текисликлардан ўтадиган, аҳоли яшайдиган жойларга қирғишдаги ва улардан ўтадиган йўللарни кўкаламзорлаштиришда ажратилган жойда ўтли ўсимликлар, гуллар экиш, бута кўчатларини ўтқазиш билан ҳаракат хавфсизлиги оширилади (қаршидан келаётган

автомобиль фарасининг ёруғи камайтиради) ва автомобиль йўли чиройли безатилади.

Озеление разделительных полос - *ажратувчи тасмаларни кўкаламзорлаштириш* - манзарали кўкаламзорлаштиришни жойлаштириш услуги, доимий кўчат ўтқазишнинг манзарали ва гуруҳли усуллариининг биргаликда бўлишини кўзда тутди.

Питомник дорожный - *йўл кўчатхонаси* - йўлларни, унга ёндош туманлардаги бошқа жойларни кўкаламзорлаштиришга керак бўладиган кўчатларни ўстириш учун кўчатхона. Кўпинча у жуда катта майдонларни эгаллайди (2... 10 га). У қуйидаги бўлимлардан ташкил топади: экиш учун белгиланган - уруғдан кўкартириладиганларни ўстириш учун дарахт ва буталарнинг уруғлари қўлланилади. Бир, икки йиллик уруғидан кўпайтирилган кўчатларни ўстириш, экиш учун белгиланган бўлимдан олиб келиб ўтқазилади. Тармоқ тасмасида вақтинчалик кўчатхона бўлиши мумкин, муддати 1-3 йиллик, майдони 0,5...3 га, йўлнинг айрим тармоқларини кўкаламзорлаштириш мақсадида ёки баъзида дарахт ва буталарни ўстириш учун.

План зимних работ - *қишки ишлар режаси* - автомобиль ҳаракати камчиликларини тўғрилашга ва иқлим шароитига мувофиқ ҳолда, йўлни қишда сақлаш ишларини кетма-кет бажариш режаси.

Пластичность снега - *қорнинг пластиклиги* - қорнинг хусусияти бўлиб, ҳаракат таъсирида унинг зичланганлигини характерловчи ҳажм ва шаклининг ўзгариш қобилияти.

Плотность насаждения - *кўчатларнинг зичлиги* - тасмадаги дарахт каторлари микдорини характерловчи катталиқ бўлиб, кўчатларнинг зичлиги ва уларнинг навини таркиби, корни ушлаб қолувчи ҳажми ва уларга қор тўпламларининг тақсимланиши билан боғлиқ.

Плотность снега - *қорнинг зичлиги* - қор оғирлигининг унинг ҳажмига нисбати.

Поземка - *изгирин (ялатма)* - шамолнинг олдин ёққан қор зарралари қопламаси устидан қорни туширмасдан, уни 20...30 см дан кўп бўлмаган баландликка кўтариб учуриб кетиши (“Қор бўрони” бандига қаранг).

Пробег снегоочистителя - *қор тозалагичнинг босиб ўтган йўли* - маълум бир вақтда битта қор тозалагич машинаси томонидан қордан тозаланган йўлнинг қисми.

Просвет щита - *тўсиқ тахтанинг ёриқлиги* - қордан муҳофаза қилувчи тўсиқ ёриқлари майдонининг унинг умумий майдони ҳажмига нисбати.

Просвет щита нижний - *тўсиқнинг пастки оралигидаги масофа* - қордан тозаловчи тўсиқни тўлдириш юзасининг пастдаги четигача бўлган масофа.

Противоголодные материалы - *яхмалакка қарши материаллар* - йўл қопламасининг юзаси бўйлаб тарқатиладиган, кишки сирпанишни камайтирувчи, сочиловчан ёки юкли материаллар, ёинки уларнинг аралашмаси.

Профиль снежных отложений графический - *қор тўпламларнинг чизмали кесмаси* - йиллик қор тўпламлари ҳақидаги ҳужжат бўлиб, у назоратдаги қор ўлчагич пунктларида қордан муҳофазаловчи қурилмаларнинг чизмаси тасвири билан биргаликда берилади.

Пункт зимнего содержания - *қиш даврида йўлни сақлаш пункти* - автомобиль йўлларини қишда сақлаш учун мўлжалланган иншоотлар мажмуаси. Машиналарни, асбоб-ускуна ва материалларни жойлаш учун мўлжалланган қурилмаларни ўз ичига олади ва улар яхмалакка қарши курашиш учун қўлланилади. Одатда, улардан йўлда ишлаётганларга маълумотларни бериш ва уларни огоҳлантириш учун фойдаланилади.

Пурга - *қор бўрони* - умумий қор бўрони, шамол тезлиги 20 м/сек дан катта, ҳаво ҳарорати паст ва намлиги юқори бўлганда рўй беради.

Путь схода - *кўчки йўли* - қор кўчкиси йўлининг узунлиги бўлиб, қорнинг умумий массасидан узилиш чизиғидан то конус пастигача ўлчанади. Тушадиган қор кўчкисининг асосидан параметри ўқиғача бўлган масофа.

Расход метели твердый - *қор бўронининг қаттиқ қисми сарфи* - бир бирлик майдон узунлигидан шамол оқими бўйлаб бир вақтда ўтаётган, қорли шамол оқими йўналишига тик бўлган юза бирлигидаги қорнинг миқдори. Шунингдек у қорни олиб келиш тезлиги деб ҳам аталади.

Режим снежный - *қор тартиби* - маълум бир минтақа учун ўрнатилган қорнинг тушиш тезлиги, давом этиши, ҳажми, қор қопламасининг ҳосил бўлиши ва унинг баландлиги, шунингдек қорнинг хусусиятлари.

Розлив противогололедных материалов - *яхмалакка қарши материалларни қуйиш* - қопламанинг сирпанчиқлигини камайтириш,

муз пўстлогини ва юпка қор тўшамасини эритиш мақсадида йўл қопламасининг устига кимёвий модданинг суюқ эритмаси тарқатилади. Яхмалак бўлишидан ёки қор тушишидан олдин муз ҳосил бўлишини йўқотиш ва қор музлашининг олдини олиш учун унчалик кўп бўлмаган микдорда эритма қуйиш олдиндан кўриладиган тадбир деб аталади.

Россыпь противогололедных материалов - яхмалакка қарши материалларни сочиши - донатор материаллар (қум, қум-шағал аралашмаси, тош майдалари, ёкилғи шлаки, гоҳида туз қўшилган) йўл қопламаси бўйлаб ғадир-будир юза ҳосил қилиш ёки музли юпка қор тўшамасини эритиш мақсадида сепилади. Кутилаётган яхмалак ҳосил бўлишидан ёки қор тушишидан олдин муз ҳосил бўлишининг ёки қор музлашининг олдини олиш мақсадида йўл қопламасига тузлар сепиш олдиндан кўриладиган чоралар деб аталади.

Сад придорожный - йўл бўйидаги бог - йўл бўйлаб кенглиги 100-200 м бўлган тасмада мевали дарахтларни ўтказиш. Манзарали кўкаламзорлаштиришга мансуб бўлиб, автомобиль йўлини қордан ҳимоя қилишга ҳам хизмат қилади.

Скользкость зимняя - қиш пайтидаги сирпанчиқлик - йўл қопламасининг туташувчанлик коэффицентини бирмунча камайтирувчи қишдаги ҳамма метеорологик ҳодисаларнинг умумлашган тушунчаси.

Слой снега - қор қатлами - қор қопламасининг бир қисми бўлиб, ёши билан ёки қорнинг баъзи бир хоссалари билан фарқланади, масалан, ички тузилиши, зичлиги ва бошқалар.

Снег - қор - қаттиқ атмосфера ёғини, турли шаклдаги муз кристалларида тузилган (қор учқуни). Йўл таснифига асосан, доналарининг йириклигига кўра қор қуйидаги турларга ажратилади: йирик донали - 2 мм дан йирик бўлган доналар кўп бўлганда; ўрта донали - доналари ўлчами 2...0,5 мм бўлганда; майда донали - доналари ўлчами 0,5 мм дан кичик бўлганда. Намлигига қараб ҳўл қор - қаттиқ моддалар орасидаги бўшлиқ сув билан тўлганда, ҳаво ҳарорати мусбат бўлганда сув қор зарралари устида қобиқ ҳосил қилади; нам қор - эрувчанлик юқори бўлган вақтларда, ҳаво ҳарорати мусбат бўлганда ёғадиган қор; қуруқ қор - сочиловчан қор, 0⁰С дан паст бўлган ҳаво ҳароратида тушадиган, қор заррачаларининг боғлиқлигига қараб бўш, сочиловчан ҳолатдаги, зарралари енгил ажраладиган ва чўкмайдиган, янги тушган, устки қор; қор қатламининг биринчи қор тушганда ҳосил бўладиган, ҳали зарралари бўшроқ қатлам; босилиб кетган қор қопламининг ёки қор

тўпламининг узоқ вақт ётган зич қатлами (агар ўтаётган транспорт воситалари таъсирида қор зарралари бир-бирлари билан қаттиқ тутшиб кетса, у зичланган деб аталади). Музлаб қотиб қолган ҳўл қор совуқ тушиши билан музлаган ҳолатга келади.

Снеговетровой поток - *қорли шамол оқими* - қор зарралари билан тўйинган, 3 м/с дан катта тезликка эга бўлган шамол оқими. Тўсиққа дуч келганда ва бу тезлик камайганда оқимдан зарралар туша бошлайди ва чуқур жойларда ётқазилади (дренажларда, ўймаларда бошқаларда).

Снеговые условия - *қорли шароитлар* - минтақадаги қор тушишининг жадаллиги, узоқ давом этиши, қор қопламасининг ҳосил бўлиши, унинг қалинлиги, қорли чўкиндилар, шунингдек қорнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар.

Снегозадерживающие устройства - *қорни ушлаб қолувчи қурилмалар* - қордан сақловчи, қордан химоя қилиш учун хизмат қилувчи ва қорнинг йўлга тушишини қайтарадиган қурилмалар (тахтали тўсиқ, ғов, қорли девор, ҳандақ ва бошқалар).

Снегозаносимость дороги - *йўлнинг қор уюми билан қўмилиши* - йўлнинг қор уюми босимига мойиллиги. Қорнинг уюлиши даражасига таъсир этувчилар - жойнинг табиий шароити, йўлнинг ўтиш хусусияти (рельефи, ўсимлиги, йўл пойининг кўндаланг кесими ва бошқалар). Йўлнинг қор билан қопланишига, уни қишда сақлашнинг қийинлигига боғлиқ. Йўлнинг қисмлари унинг қор билан қопланишига қараб куйидагиларга бўлинади: қор босмайдиган - кўтармалари баланд бўлган йўл қисмлари (ўша жойдаги қор қопламасининг бир неча йиллик ўртача баландлиги 2... 2,5 метр оралиғида), нишаблиги очилмаган ўймалари билан биргаликда силлиқ қиялик, шамол таъсирига учрайдиган қиялик ўзида йўлга олиб келинадиган ҳамма қорларни сиғдиради, бунда автомобиль йўллари қишда сақлаш ишларини тўғри ташкил қилиш зарур шартлардан ҳисобланади; кам қор босадиган - йўлнинг кўтармаси кичик бўлган қисмлари, кўтарма баландлиги қор қопламасига тенг ёки катта; ўртача қор босадиган - ўймаси очик бўлган, баландлиги нолга ёки ўша жойдаги қор қопламасининг ўртача баландлигига тенг бўлган паст кўтармали йўл қисмлари; қучли қор босадиган - чуқурлиги 6 м ва ундан кўп бўлган, шамол таъсирига учровчи қиялиги қишда йўлга олиб келинадиган ҳамма қорни сиғдира олмайдиган, очилмаган ўймали йўл қисмлари.

Снегозащита - *қордан химоя қилиш* - йўлнинг қатнов қисмини қор босишидан сақловчи, йўлдаги автомобиль ҳаракати

тўхтовсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган қурилмалар ва асбобларининг мажмуи. Қордан ҳимоя қилиш сусти (қорни ушлаб қолувчи тўсиқлар, қўчатлар ва бошқалар) ва фаол (махсус механизм воситалари ёрдамида қордан тозаловчи) турларга ажратилади.

Снегозащитная полоса - қордан ҳимоя қилувчи тасма - маълум бир тузилмани тўрт, саккиз қаторли, ҳажми 250 м³/м бўлган қорларни ушлаб қолиш хусусиятига эга дарахтлар ва буталар ўтқизиш.

Снегозащитные ограждения - қордан ҳимоя қилувчи тўсиқ (гов)лар - қор уюмларига қарши турли материаллардан, турлича бажарилган, тўсадиган девор қўринишидаги иншоотлар. Бир қаторли бўлиши мумкин, улар бир-бирларига нисбатан маълум масофада бўлади.

Снегозащитные сооружения - қордан ҳимоя қилувчи иншоотлар - йўлнинг қатнов қисмини қор босиши олдини олиш учун хизмат қиладиган қурилма ва асбоб-ускуналарининг ҳамма турлари: қордан ҳимоя қилувчи қурилмалар, тахтали тўсиқлар, тўсиқ деворлар, қордан ҳимояловчи дарахтлар ўтқизиш. Иншоотлар доимий ва вақтинчалик, фақат қиш мавсумида қуриладиган турларга ажратилади.

Снеголавинная служба - қор қўчқиси хизмати - қор қўчкиларини кузатувчи, улардан огоҳлантирувчи ва уларга қарши курашувчи махсус хизмат.

Снегомерный пункт - қор ўлчовчи пункт - йўлга тушаётган ва унга ётаётган қор миқдорини доимий равишда махсус қурилма ва асбоблар билан ўлчаб турадиган пункт.

Снегоочистка - қорни тозалаш - транспорт воситалари ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлаш учун автомобиль йўлининг қатнов қисмидаги қорни механик равишда олиб ташлаш жараёнларининг мажмуи.

Снегоочистка безвальная - уюмларсиз қорни тозалаш - йўл ёқасида қор уюмлари ҳосил қилмасдан автомобиль йўлининг қатнов қисмидаги қорни тозалашни ташкил қилиш.

Снегоочистка маршрутная - йўналишили қор тозалаш - белгиланган йўналиш бўйича йўлнинг маълум бир қисмларида, автомобиль йўлининг қатнов қисмида қорни тозалашни ташкил қилиш.

Снегоочистка отрядная (уступом) - отрядли қор тозалаш (камар билан) - автомобиль йўлининг маълум бир қисмида, бир вақтда икки ёки ундан қўп қор тозаловчи машиналарни режада бири

кетидан иккинчисини зинасимон жойлаштириб, қор тозалашни ташкил қилиш.

Снегоочистка патрульная - *патрулли қор тозалаш* - автомобиль йўлининг қатнов қисмига янги тушган қорни тезликда юк автомобильларига монтаж қилинган асбоб - ускуналар ёрдамида тозалаш (плуглар, ағдаргичлар ва бошқалар).

Снегоочистка полная - *қорни бутунлай тозалаш* - қор тозалашни ташкил қилиш бўлиб, автомобиль йўлининг қатнов қисмидаги қор бутунлай олиб ташланади.

Снегопад - *қор ёғиши* - олдин ёққан қор заррачаларини шамол учуриб кетмасидан, атмосфера ёғинларининг қор шаклида меъёрида тушиши.

Снегоперидающее устройства - *қор пуфлайдиган қурилма* - қорни йўлдан олиб ўтиш тартибида ишловчи, қордан муҳофаза қилувчи қурилма.

Снегоперенос - *қорнинг силжиши* - шамолнинг тезлиги 2 м/с дан катта бўлганда қорнинг горизонтал силжиши.

Снегосборная способность - *қор йиғиш қобилияти* - энг кам қор тушишидаги қорни ушлаб қолувчи қурилма йиғиши мумкин бўлган қор микдорининг қордан муҳофаза қилиш шароити учун хавфсиз, жойнинг қор бўронли шамолига мос бўлган, қорни ушлаб қолувчи қурилманинг бир бирлик узунлигига нисбати.

Снежные отложения - *қор тупламлари* - қор ёғиши ёки қор бўрони натижасида қорнинг ҳар қандай кўринишдаги йиғими (қорли қоплама, қор уюмлари, қорли тепа ва бошқалар).

Снежный вал - *қорли уюм* - йўл қопламасидан қорни йиғиштириб ёки киртишлаб олиш натижасида унинг ёнларида узун уюм кўринишида ҳосил бўлган қор йиғиндиси.

Снежный гребень - *қорли чўққи* - соябон кўринишидаги қор уюмининг юқори қисми.

Снежный покров - *қор қоплами* - маълум бир майдондаги ер юзасини қоплаган бир неча қаватли қор уюмлари ёки тўпламлари.

Снежура - *қор пўстлоғи* - қор қавати бўлиб, қорнинг қаттиқ зарраларини ифодаловчи қават шаклида, сув билан қопланган, ораси қисман сув билан тўлган бўлиши мумкин.

Содержание дорог зимнее - *йўлни қиш пайтида сақлаш* - қиш мавсумида автомобиль йўлларида тўхтовсиз ҳаракатни таъминлаш чора-тадбирлари мажмуаси бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади: йўлни қордан тозалаш, йўлни қор уюмларидан, қор кўчкиларидан

муҳофаза қилиш, қишки сирпанчиклар ва музлашларга қарши курашиш.

Солепесчаная смесь - қумли-тузли аралашма - муз қатлами устига сочилганда маҳкам ёпишиши ва очиқ ҳавода сақланганда музлашни йўқотиши учун қум ёки майда шағалнинг яхмалакка қарши кимёвий воситалар билан аралашмаси (1:10).

Соли противогололедные - яхмалакка қарши тузлар - саноатда ишлаб чиқилган тузлар, йўл қопламалари устидаги музни ёки юпқа қор қопламасини эритиш учун ишлатилади (NaCl , CaCl , MgCl_2).

Соль смешанная - аралашган туз - яхмалакка қарши қўлланиладиган ҳар хил кўринишдаги тузларнинг аралашмаси бўлиб, уларнинг таъсири самарадорлигини ошириш ва музлаш нуқталарини камайтириш мақсадида қўлланилади.

Спецсигналы - махсус сигналлар - қор тозаловчи машиналарнинг ишловчи асбобларидаги огоҳлантирувчи товушли ва оптик сигнали, шунингдек махсус йўл белгилари бўлиб, йўл ҳаракатида қатнашувчиларни йўлни қишда сақлашда ишлаётган машиналари ишлаётганлиги ва йўлнинг ҳолати ҳақида огоҳлантиради.

Стенка снеговая - қорли девор - қорни ушлаб қолувчи қурилма, қорли ёштлардан, қор қирралардан ишланган.

Стенка снегозадерживающая - қорни ушлаб қолувчи девор - қорни ушлаб қолувчи қурилма, қорли девор, тошдан ишланган бўлиб, кўпинча тоғли шароитда қўлланилади.

Сторона наветренная - шамолга рўпара томон - шамолнинг йўналишига қаратилган иншоот, нарса ёки объект томони.

Структура снега - қорнинг тузилиши - қор кристалларининг шакли, ўлчамига боғлиқ бўлган ички тузилиши, шунингдек муз доналарининг фазода жойлашишига ҳам боғлиқ.

Сугроб - қор уюми (*тепа*) - ҳар қандай тўсиқ олдида ва унинг орқасига шамол таъсирида қорнинг уюлиши. Қор тепалари қуйидаги турларга ажратилади; тахта тўсиқ орқасидаги - қордан муҳофаза қилувчи иншоотнинг орқасида шамол йўналишида ҳосил бўлувчи қор тўплами; тахта тўсиқ олдидаги – қордан муҳофаза қилувчи тўсиқ олдида шамол йўналишида жойлашган қор тўплами.

Твердость снега - қорнинг қаттиқлиги - қорнинг деформацияга ёки мўрт бузилишига қаршилиги.

Углубление русел - ўзаларнинг чуқурлашиши - очиқ сув оқимларидан сувнинг оқиб кетишини камайтириш ва оқимнинг

хакикий қирқимиға музлашға камроқ таъсирчан бўладиган шакл бериш йўли билан музлашға қарши курашиш технологик жараёни.

Уменьшение скользкости - *сирпанчиқни камайтириш* - яхмалакка қарши материалларни сочиш ёки қуйиш услуги билан қишда йўл қопламаси сирпанчиқ юзасининг ғадир-будирлигини ошириш учун қўлланиладиган технологик жараён.

Утепление русел - *ўзанларни иситиш* - сув оқимлари ўзанини ходачалар, шох-шаббалар, қамишлар ёпиш усули билан музлашға қарши курашиш технологик жараёни.

Ширина захватки снегоочистки - *қордан тозаланган майдон кенлиги* - қордан тозаловчи машина бир марта ишлаб ўтгандан сўнг қоплама устидаги қор тўшамасида ҳосил бўлган тасма.

Ширина россыпи - *сепиш кенлиги* - яхмалакка қарши материал меъёрида сепилган (қуйилган)дан кейин ҳосил бўлган йўл қопламасидаги тасма.

Щит надоткосный - *қиялик устидаги тўсиқ* - қорни ушлаб қолувчи мукамал турдаги, экрани яхлит тўсиқ бўлиб, қиялик устига ўрнатилади.

Щитовое ограждение - *ажратиб турувчи тўсиқ* - қорни ушлаб қолувчи, тўсиқли деворлардан тузилган ёки турли тузилмалар тўсиқлардан ва турли хил материаллардан ишланган, йўл бўйлаб шамол эсадиган томонга бир қатор ёки бир неча қатор қилиб ўрнатилган сунъий қурилма. Тўсиқлар тик қилиб ўрнатилади, қозикларга боғлаб қўйилади ёки вақти-вақти билан нишабланади («эшак»ка ўхшатиб).

Щит снегозадерживающий - *қорни ушлаб қолувчи тўсиқ* - вақтинчалик турдаги қорни ушлаб қолувчи қурилмаларнинг бир жойдан иккинчи жойга мустақил олиб қўйиладиган қисми (бўлаги). Тўсиқлар андозали ва қирқилган бўлиши мумкин.

Шуга (ледяная каша) - *майда муз парчалари (музли бўтқа)* - бўтқасимон моддалар кўринишидаги муз кристаллари ва бўлақларининг сув билан аралашмаси.

Баҳор, ёз ва кўз мавсумларида автомобиль йўллари

Барханы - *қум тепалар* - ҳукмрон шамол учириб келтирган ҳаракатдаги қумларнинг ййғилиши. Режада баландлиги 150 м гача бўлган ўроққа ўхшаш шакл ҳосил бўлади. Шамол эсган томондаги нишаблиги узун (30 м), шамолга қарши томони (эгилган қиялиги)

кисқа (5...14 м) бўлиб, учи ўткир “шоҳ”га ўхшаган бўлади. Бир йўналишдаги устувор шамолларда барханларга келадиган ҳаракат бўлади, қарама-қарши йўналишдаги шамолларда эса уларнинг тезлигига қараб тебранма ёки келаётган-тебрама ҳаракат бўлиши мумкин. Барханларнинг силжиш тезлиги шамол тезлигига тўғри нисбатда бўлади (“Барханларни мустаҳкамлаш”га қаранг).

Водоотвод с полосы отвода - ажратилган тасмадан сувни қочирishi - ажратилган тасманинг баъзи бир қисмларини режалаштириш билан боғлиқ технологик жараён бўлиб, унга нишаблик бериш йўли билан сув оқими таминланади ёки паст жойларда сувнинг тўпланиб қолиши йўқотилади.

Воронка воздушная - ҳаво воронкаси - йўл ёқасидаги кенглиги 0,25...0,30 м, чуқурлиги йўл тўшамаси қалинлигига тенг бўлган ён сувни четлатиш дренажлари бўлиб, йўл пойидан сувни четлатиш учун қўлланилади. Музлаганда шишадиган қисмлар учун воронкалар икки томондан шахмат усулида 3..4 м оралиқда кетма-кет қилиб ўрнатилади, бунда тегишли бўйлама нишаблиги 40...50% қилиб олинади.

Восстановление разметки - ётиқ белгини тиклаш - автомобиль йўлларида хавфсиз ҳаракатни ташкил қилиш учун йўлнинг қатнов қисми устига ётиқ белги қўйиш ёки қайта тиклаш билан боғлиқ технологик жараён. Ётиқ белгилар вақтинчалик - хизмат муддати 3 ойдан кам бўлмаган ва узоқ муддатли - хизмат муддати 3 йилдан кам бўлмаган турларга ажратилади.

Вспучивание - музлаганда қўпчиши - қишда йўл пойида сувнинг йиғилиши ва музлаши, баҳор пайтида эриши натижасида йўл пойи, йўл тўшамаси тупроғининг кўтарилиши билан боғлиқ йўл пойи ва йўл тўшамасининг деформацияси.

Выпуск воды горных озер - тоғ кўлларида сувни чиқариб юбориши - баҳор, ёз ойларида автомобиль йўлларида қараш билан боғлиқ бажариладиган ишлар бўлиб, сел оқими ҳосил бўлишининг олдини олиш учун бажарилади. Музли тоғ кўлларида сув ўпирилиб кетиш хавфи бўлганда, сувни оқизиб юбориш билан бажарилади.

Закрепление песков - қумларни маҳкамлаш - йўл хизмати томонидан бажариладиган технологик жараёнларнинг мажмуаси бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: ўсимликларни босқичма-босқич экиш (ўсимлик мелиорацияси); олдин шундай ўсимликлар экиладик, улар саҳрода ўсиб катта бўлиши мумкин бўлсин, кейин бошқалари экилади, қайсики улар фақатгина қумларни тўхтатиб қолмасдан, балки уларнинг кўтарилишини камайтира оладиган,

кумларни минерал боғловчилар билан, масалан битум эмульсияси билан ишлов бера оладиган бўлсин (200...300 т/м²).

Закрепление склонов - қияликларни маҳкамлаш - сочилмалар ҳосил бўладиган қияликларда дарахт бутокли ўсимликлар ҳосил қилиш учун технологик чора-тадбирлар.

Маркировка дорожных покрытий - йўл қопламасига белги қўйиш - қопламага лак бўёқли ва термопластик материаллардан механизациялашган услубда белги ва ишораларни тушириш. Белги қўйишнинг қуйидаги услублари мавжуд: компрессорсиз - бўёқ резервуардан бўёқ пуфлагичга босим остида тушса ва пуфлагичнинг учлигида парчаланиб, учликнинг чиқиш тешигидан бир фазали оқим бўлиб оқиб чиққанда; гравитацион - шундан иборатки, оқувчанлик ҳолатигача қиздирилган белгиловчи материал қопламага ўз оғирлиги таъсирида тушади ва чиқиш тешигига мос келадиган шаклда ва материалнинг юқори консистенциялигига қараб шаклланади; кинетик - шундан иборатки, бўёвчи материал бўёқ пуфлагичга 3...12 МПа босим билан келади ва кесим юзаси кичик бўлган тешикдан жилдираб оқиб келади, бунда босимнинг кескин тушиши жилдираётган оқимнинг майда доналарга бўлинишига олиб келади ва машъал пайдо бўлиши натижасида қоплама бўялади; пневматик - шундан иборатки, бўёқ пуфлагичга бўёқ, термопластик материал билан бир вақтда сиқилган ҳаво юборилади, бўёқ пуфлагич учлигида материал ҳаво оқими ёрдамида майдаланади ва тешикнинг тўйнуғидан икки фазали майдаланган аралашма бўяланадиган юзага оқиб тушади.

Мешок водяной - сувли қоп - баҳорда сувнинг эриши натижасида, намланган тупроқнинг қиш даврида музлашидан ҳосил бўлган сувнинг йўл тўшамаси жисмида йиғилиши.

Наносоулавливатель - чўкиндиларни тўтиб қолувчи - сел оқими ўзанида уни баркарорлаштириш учун котлован кўринишида қовланган иншоот. Автомобиль йўлларини сақлаш ишлари олиб борилаётганда қурилади.

Обеспыливание - чангсизлантириш - сув, сувли силикатли эритма ва бошқа чангга қарши моддалар сепиш йўли билан йўл қопламасидаги чангга қарши курашиш технологик жараёни бўлиб, баҳорги-ёзги йўлга қараш ишлари вақтида бажарилади.

Оползание обвала - кўчкининг ўпирилиши - кўчкига қарши чора-тадбир бўлиб, тоғ жинси массивини мажбурий кўчириб юбориш йўли билан пастда жойлашган автомобиль йўлида тош уюмларининг

тўлиб қолиши олди олинади. Йўлни сақлаш ишлари вақтида бажарилади.

Оползание откосов - *кўчкининг қулаши* - сувли қават кия жойлашганда, ер ости сувлари таъсирида йўл пойининг кўтарма ва ўймалари қияликларининг бузилиши.

Очистка покрытий - *қопламаларни тозалаш* - мукаммаллаштирилган, ҳамма турдаги қаттиқ йўл қопламаларини чангдан, лойдан ва турли ахлатлардан тозалаш жараёни, механик ва кимёвий воситалар ёрдамида бажарилади.

Пескоочистка патрульная - *қумни тозалаш патрули* - доимий навбатчи (патрулдаги) машиналар (автогрейдерлар, бульдозерлар ёки плугли қор тозаловчи тракторлар) ёрдамида йўлдаги қумни йўқотиш технологик жараёни бўлиб, сахро ва чўл минтақаларида қум кўчишида ва қаттиқ шамолда амалга оширилади.

Песчаная волна - *қумли тўлқин* - баландлиги 25 см (гоҳида баланд) тепалик кўринишидаги қумдан ҳосил бўлган тўлқин.

Песчаный гребень - *қумли ўркач* - тўлқинсимон кўринишдаги қумдан ҳосил бўлган, 50...70 см гача ва ундан катта баландликдаги тепаликлар. (“Қумли тўлқин”га қаранг).

Полоса отсечная песков - *қумларни кесувчи тасма* - ғов (девор) кўринишидаги иншоот ва унга ёпишган тоғорасимон пастлик, бархан қумларининг ҳаракатини шамолнинг қумли оқимида суриш ва уни ҳимоя қилинаётган автомобиль йўлидан ўтказиш пункти.

«Потение» покрытия - *қопламалардаги доғлар* - йилнинг ёз мавсумида, қоришмадаги боғловчилар ортиқча бўлганидан қопламаларнинг қисмларида нам, ёғли доғларнинг пайдо бўлиши.

Пучины - *кўпчишлар* - музлаган қатламнинг кўтарилиб қолиши - йўл тўшамаси ва йўл пойи деформацияси бўлиб, қишда музлаганда қоплама кўтарилиб равонлигини йўқотганда пайдо бўладиган, эригандан кейин ундан автомобиль ўтганда қопламанинг тешилган жойида йўл пойининг жуда намланган тупроғи мустаҳкамлигининг пасайиши билан боғлиқ ҳодиса. Музлаган қатлам кўтарилиб қолишининг дастлабки белгилари қопламада ҳўл доғларнинг ва майда ёриқларнинг пайдо бўлиши. Кўтарилиш пайдо бўлишининг тугаш жараёни кўтарилишнинг сўниши деб аталади. (“Кўтарилиш (кўпчиш)га қарши чора-тадбирлар”га қаранг).

Прокопка канав - *ариқ қазии* - йўл пойини сақлаш учун олиб бориладиган технологик жараён бўлиб, ҳамма сувни четлатувчи ариқ ўқлари бўйлаб қорда ўйиқлар қазии, шунингдек ён ариқларни

механизациялар билан тозалаш ишлари, баҳор мавсумида бажарилади.

Противопучинные меры - *кўпчишига қарши чора-тадбирлар* - музлаганда қатламнинг кўпчиши натижасида йўл пойига намликнинг келишини камайтиришга ёки уни йўқотишга йўналтирилган технологик жараёнлар мажмуи. Улар қуйидагиларга бўлинади: ёзги-кузги - сувнинг тўғри оқишини таъминлаш, йўл ёқасини режалаштириш ва қиялаб тиклаш, чўнқирларни, ғилдирак изларини ва бошқа нотекисликларни йўқотиш, сувни четлатувчи ариқларни тозалаш ва керак бўлса чуқурлаштириш; қишки - йўл пойи тез музлайдиган бўлса, жуда кам даражада намланишни таъминлаш, йўл пойининг бутун кенглигида, иложи бўлса қияликларни ҳам кўшиб қордан тозалаш; баҳорги - йўл ёқасини, қияликларни, сувни четлатувчи ариқларни, дренажларнинг чиқиш жойини ҳаволи воронкалар ҳосил қилиб қордан тозалаш. Кўпчиш рўй берган вақтда - йўл қопламасини қум ёки шлак билан беркитиш (қалинлиги 10... 15 см гача), ёғочли тўсиқларни қум қатлами устига тўшаш ёки автомобиль оғирлигини ва тезлигини камайтириб, ҳаракатни бошқа томондан айлантириб ўтиш. Кўтариш жойларни, албатта, ҳисобга олиб қуйидаги маълумотларни йиғиш лозим: жойлашиши, узунлиги, ҳосил бўлган вақти ва сўниш вақти, йўл пойининг хусусиятлари ва сувни четлатиш шароити, кўтарилишга қарши қўлланиладиган чора-тадбирлар ва бошқалар.

Размыв земляного полотна - *йўл пойининг ювилиши* - кўпинча йўл ёқасида рўй берадиган ер усти сувларининг йўл пойини ювиши. Тозалаб тупроқ солиш йўли билан йўқотилади.

Расчистка обвала - *кўчки чиқиндиларини тозалаш* - автомобиль йўллари тозалаб қўйиш билан боғлиқ технологик жараёнлар мажмуаси бўлиб, ундаги юмалаб тушган тоғ жинслари бўлаклари олинган ҳолда, ўша жойдаги материаллардан вақтинчалик қатнов қисмлари қуриш билан йўл ҳаракати тикланади (шағал, шох-шабба ва бошқалар). Автомобиль йўлини сақлаш бўйича бир қатор ишлар бажарилади.

Слой защитный - *ҳимоя қатлами* - чақиқ тошли ёки шағалли коплама бўйлаб сочиш йўли билан ҳосил қилинган майда чақиқ тошли қават, боғловчилар билан ишлов берилмаган бўлиши мумкин. Материал 1 км йўлга мавсумда 15...25 м³ ҳажмда ишлатилади.

Служба наблюдения - *кузатиш хизмати* - ағдарма кўчкили йўл қисмларида, уларни йўқотиш бўйича олдиндан чора-тадбирлар

белгилаш ва огоҳлантириш мақсадида йўл пойи ҳолатини кузатишни ташкил қилиш.

Содержание грунтовых дорог и покрытий переходного типа - *ўтиши туридаги қопламаларни ва тупроқли йўллари сақлаш* - тупроқли текисланган ва трактор йўлларини сақлаш, шағалли ва чақиқ тош ли қопламаларни силлиқлаш ва текислаш услуги билан ундаги чуқурлик, ўйимлар ва бошқа нотекисликларни йўқотиш учун қўшимча материаллар сепмасдан бажариладиган технологик жараёнлар мажмуи.

Содержание дорог в зоне обвалов - *кўчки минтақасида йўллари сақлаш* - кўчкилар хавфи бўлган минтақаларни ҳисобга олиш ва уларни кузатишни ташкил этиш ишлари мажмуи, шунингдек тоғ ёнбағирларида қурилиш ишларини олиб боришни ман этиш билан бирга дарахтли-бутали ўсимликларни яратиш ишлари.

Содержание дорог в оползневой зоне - *кўчкили минтақаларда йўллари сақлаш* - кўчкилар рўй берадиган йўл қисмларида уларни кузатиши, ҳисобга олиш, шунингдек дарахтли ва бутали ўсимликларни яратиш ёки сақлаш ишлари, қурилиш ишларини камайтириш ва бошқалар (“Қумдан тозалаш патрули”га қаранг).

Содержание дорог в селевой зоне - *сел оқими рўй берадиган минтақаларда йўллари сақлаш* - сел ҳодисаси хавфи бўлган ҳамма минтақаларни ҳисобга олиш, уларни кузатиш, тоғ ёнбағирларида ўсимликларни ўстириш ва сақлаш ишлари, самолётдан қорларнинг эришини сунъий тартибга солиш, музлар устида тутунли парда ҳосил қилиш, ёриб ўтиш хавфи бор қўллардан сувни чиқариб юбориш каби ишлар мажмуаси.

Содержание земляного полотна - *йўл пойини сақлаш* - йўл пойини йил давомида талаб этилган мустаҳкамликда сақлаш мақсадида, йўл пойига зарар келтирадиган ва деформацияга олиб келадиган омилларни йўқотиш ёки уларнинг олдини олиш орқали йўлни сақлашда йўл пойига қараш бўйича бажариладиган технологик жараёнлар мажмуаси.

Содержание обстановки дорог - *йўл жиҳозларини сақлаш* - йўл иншоотлари ва автомобиль йўлининг жиҳозларига қараш учун технологик жараёнлар мажмуаси бўлиб, уни тоза ва яроқли ҳолда сақлаш мақсадида бажариладиган ишларни ўз ичига олади. Бу ишлар қуйидагилардан иборат: ювиш, ишчи ҳолатда сақлаш, йўл белгилари, тўсиқлар, кўрсаткичлар ва йўл маълумотлари воситаларининг майда камчиликларини йўқотиш.

Содержание полосы отвода - *йўлга ажратилган тасмани сақлаш* - йўлга ажратилган тасмадан тўғри фойдаланиш мақсадида унга қараш учун бажариладиган технологик жараёнлар (тошларни олиб ташлаш, ўт ва буталарни қирқиш, сув четлатгични тозалаш ва ҳоказо).

Содержание проезжей части дорог - *йўлнинг қатнов қисмини сақлаш* - автомобиль йўлларининг қатнов қисмини автомобилларнинг қатнаши учун талаб этилган қулай, шинам (обод), тартибли, тоза ҳолатда сақлаш ҳамда қатнов қисмига қараш мақсадида бажариладиган технологик жараён.

Скольжение насыпей - *кўтармаларнинг сирпаниши* – ер ости сувлари таъсирида қияликлардаги йўл пойининг бузилиши. Сувли қаватлар қия жойлашганда кўтарма ёки ярим кўтармаларнинг силжиши рўй беради.

Террасирование склонов - *тоғ ёнбағирларини террасалаш* (поғона-поғона қилиш), автомобиль йўлларини тузатиш, тоғ ён бағирларида супачалар ҳосил қилиш билан сел оқими кучини камайтирувчи ёки унинг ҳосил бўлишига қаршилик кўрсатувчи технологик жараён.

Укрепление барханов - *барханларни мустаҳкамлаш* - барханларни шамол учириб кетишидан сақлаш учун технологик жараён бўлиб, ярим беркитилган ёки баландлиги 25...30 см тўсиқлар ўрнатиш усули, тўсиқлар кумга 15...20 см ёки бутунлай юқори киррасигача кўмилади.

Уполаживание барханов - *барханларни текислаш* – бархан қияликларининг нишаблигини камайтириш бўйича технологик жараён, барханнинг пастки қисмига тўсиқ беркитиш йўли билан унинг баландлиги камайтирилади. Натижада кум кўчиши фақат барханнинг устки қисми бўйича рўй беради.

Утюжка (профилирование) - *дазмоллаш (қиялаб текислаш)* - автомобиль йўлларини сақлаш технологик жараён бўлиб, юзани текислаш ва шағалли, шлакли, чақиқ тошли қопламаларни, яхшиланган тупроқли йўлларда, шунингдек йўл ёқаларида қўшимча тошли материал ёки тупроқ сепмаси билан кўндаланг ва бўйлама кесимларини тўғрилаш.

Шаблон разметочный - *ётиқ белги қўйиш қолипи* - чизикли белгиларни йўлга қўйиш учун мослама.

7.4. Автомобиль йўлларидаги кўприкларни ва трубаларни таъмирлаш ва сақлаш

Антисептирование - зарарсизлантириш - ёғочларга чиришга қарши мустаҳкамлик бериш учун унга мумкин бўлган катта чуқурликкача зарарсизлантирувчини юбориш йўли билан бузилмайдиган қилиш. Сингдириладиган моддалар қуйидаги турларга ажратилади: диффузияли (мойлаш, сепиш, чўктириш), капиллярли (шимдирувчи ванналарда ёғочни узоқ вақт ушлаб туриш), босим остида (иссиқ-совуқ ванналарда, автолаваларда).

Бандаж антисептический – зарарсизлантирувчи (*антисептик*) *бандаж* - қайир таянчларининг ёғочли қозикларини ажратиб қўювчи элемент ва тўлдан, рубероиддан, шиша материал ёки қоп, қанор тикиладиган матодан қилинган музкесарлар. Улар ёғоч зарарсизлантиригични чуқур шимдириш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Қозиклар олдиндан зарарсизлантирувчи пасталар билан мойланиб, тупроқ юзасигача беркитилади ва бандажни ўрнатишдан олдин ички юзасига ҳам шимдирилади. Бандаж тупроқ устидан 15...20 см га чиқиб туриши лозим ва у қозикқа қўйилган сим ёки толли мих билан маҳкамланади. Бандажнинг юқори ва қозикқа туташган қисми битумли ажратувчи билан қопланади.

Герметизация трещин - ёриқларни *герметиклаш* - ёриқлар орқали бетонга ва арматурага нам ўтиши олдини олиш мақсадида уларни беркитиш бўйича технологик жараён.

Заделка раковин и сколов - *коваклар ва синиқларни ямаш* - бетон ёки полимербетон қуйиш билан, элементнинг дастлабки шаклини қайта тиклаш ҳамда эски ва янги бетонларнинг бирикишини таъминлаш.

Заторы ледяные - *музларнинг тиқилиб қолиши* - муз оқими мавсумида кўприк пастида ёки таянчларда музнинг кўплаб йиғилиб қолиши. Тиқилиб қолган музларни тўхтамасдан портлатиш усули билан, унинг ҳосил бўлишига йўл қўймасдан бузиб ташлаш керак.

Защита от загнивания - *чиришдан ҳимоялаш* - ёғочли кўприк иншоотларини сақлаш ва тузатишдаги технологик жараёнлар мажмуи бўлиб, у дастаклар ёки яхлит том (асосан икки нишабли) ёпиш учун ишлатиладиган тўл, темир ёки кўприкнинг баъзи қисмлари устига қуришни ўз ичига олади. Кимёвий муҳофазаловчи чора-тадбирлар қуриш вақтида ҳам, тузатиш вақтида ҳам зарарсизлантирилади.

Защита от коррозии - *коррозиядан ҳимоялаш* - темир кўприклар ва уларнинг қисмларини тузатишда ва сақлашда бажариладиган технологик жараён, бунда металлнинг устини лак-бўёқ материаллари билан бўяшдан олдин улар яхшилаб занглардан, чангдан, лойдан, эски бўёқлардан, минерал мойлар ва грунтовокали сув ва шлаклардан тозаланади.

Инъектирование трещин - *ёриқларни инъекциялаш* - конструкциянинг яхлитлигини тиклаш мақсадида темирбетон конструкциялардаги ёриқларни полимер қоришмалар билан тўлдириш бўйича технологик жараён.

Карточка на мост - *кўприк ҳужжати* - техник ҳужжат бўлиб, ҳар бир кўприк учун тузилади ва унда иншоотнинг асосий техник тавсифи, ҳолати, берилган ўзгаришлари ва тузатишлар ҳақида маълумотлар келтирилади.

Карточка на трубу - *қувурларга ҳужжати* - техник ҳужжат бўлиб, мазмуни ва белгиланган мақсади кўприкнинг ҳужжатиға ўхшаш.

Книга искусственного сооружения - *сунъий иншоот китоби* - иншоотни кузатиш, кўздан кечириш, унинг ҳолати ва ҳамма ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, фойдаланилаётган иншоотнинг техник ҳужжати.

Комфортность движения по мосту - *кўприк бўйлаб ҳаракатланиш қулайлиги* - кўприк бўйлаб ўтишда ҳайдовчиларни ёқимсиз ҳис-туйғулардан сақлашни таъминлайдиган ҳаракат параметрларининг (равонлик, вертикал тезланиш ва ш.к.) меъёрий тўплами.

Ламели - *ламеллар* - полимер материаллардан бўлган пластиклар, мас., конструкцияларни таъмирлаш ва кучайтириш учун қўлланиладиган кўмир пластиклар.

Ледокольные работы - *муз ёриш ишлари* - муз оқиши бошлангунгача бўлган ишлар: катта майдондаги дарё бўйлаб кўприкдан юқорида ва пастда арралаш, ишлов бериш, иншоотнинг периметри бўйлаб муз ва муз атрофидаги бошқа сузиб юрган воситаларнинг чиқиши учун тор йўлаклар ҳосил қилиш.

Ледоход - *муз оқиши* - дарёларда музнинг катта парчалари ва музли майдонларнинг ҳаракати (“Муз оқимини ва баланд кўтарилган сувларни ўтказиш”га қаранг).

Люк смотровой - *кузатиш тўйнуғи* - кузатиш мосламаси бўлиб, устунлар оралиғидаги ферманинг ҳар бир панелида пастдан юрадиган қилиб қурилади, қопқоқнинг тўйнуғидан иншоот қисм

(тугун)ларини кузатиш учун қатнов қисмидан белбоғга тушишни оsonлаштириш мақсадида нарвон ўрнатилади.

Люлька передвижная - *кўчма осма беланчак* - алюминий тахтасидан ясалган осма йиғма кузатиш мосламаси. Кўприкнинг кенглиги 10 м гача бўлганда устунлар оралиғини кузатиш учун қўлланилади. Бунда осма кажаванинг узунлиги кўприк кенглигидан 1...1,2 м гача катта бўлиши керак. Ишчи ҳолатида осма кажава аравачага ўрнатилган қўл чиғирга осиб қўйилади. Битта мослама бир неча кўприкка хизмат қилиши мумкин. Оддий тузилмали, йиғилмайдиган (яхлит) кажава ҳар бир кўприк учун биттадан ҳисоблаб тайёрланади.

Мостик смотровой - *кузатиш кўприкчалари* - осиб қўйиладиган кузатиш мосламаси бўлиб, икки ёки учта тахтадан ташкил топади. Ёғочли кўприкларнинг ҳар бир қатлами юзасидаги горизонтал тугунлар музёарни ва ҳамма бўшлиқдаги таянчларнинг техник ҳолатини кўздан кечириш ва назорат қилиш учун мўлжалланган. Якка чўп кўприклар бир-бирлари билан ҳамда қатнов қисмининг устидан устунлар оралиғида ёғочли нарвонлар билан боғланган. Музёарнинг тепаси билан бир сатҳда таянчдан музёарга ўтиш жойи қўйилади. Устунлар оралиғидан унинг усти билан боришда сатҳда ва фермалар орасидаги ўтиш жойида ҳам ёлғиз оёқ тахта кўприк ўрнатилади.

Осмотр периодический - *даврий кўрик* - сунъий иншоотларни сақлаш учун жараён. Кўприкда тошқин сувларидан сўнг ёки катта ҳажмдаги тузатиш ишлари бажарилгандан кейин натижаларни сунъий (кўприк) иншоотлар китобига қайд қилиш билан бажарилади. Текширувни йўл бўлимининг бошлиғи ёки бош муҳандис кўприк (йўл) устаси билан биргаликда олиб боради.

Осмотр специальный - *махсус кўрик* - кўприкни фойдаланишга топширишда, агар бузилиш рўй берса ёки иккиланган ҳолларда, шунингдек тузилмаларни кучайтириш ёки мукамал тузатишдан сўнг бажариладиган жараёнлар мажмуи. Иншоотнинг ҳолатини умумий текшириш мукамал кўприклар учун ҳар 10 йилда, ёғоч кўприклар учун 5 йилда 1 марта ўтказилади. Бу ишларни кўприкларни синовчи станциялар ёки назоратчилар бажарадилар, улар йўл бошқармаси (автойўл) томонидан белгиланади.

Осмотр текущий - *жорий кўрик* - сунъий иншоотларни сақлаш учун бажариладиган жараёнлар мажмуаси бўлиб, кўприк (йўл) усталари томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади (ёғоч

кўприклар, сузувчи таянчдаги кўприклар, паром билан ўтадиганларда 3 ойда 1 марта, темирдан қилинган устунли ораликдаги ва таянчли кўприкларда, темирбетонли, тошли ва қувурли кўприкларда ярим йилда бир марта). Бу турдаги кўприк, албатта, муз оқишидан ва тошқиндан олдин ва улардан сўнг текширувдан ўтказилиши шарт, шунингдек қаттиқ жаладан сўнг ҳам, аниқланган ҳамма нуқсонлар сунъий иншоотлар китобига белгиланади.

Остаточный срок службы - *қолдиқ хизмат муддати* - унинг ҳолатини баҳолаш ва олдиндан фаразлаш асосида белгиладиган кўприк конструкциялари ёки бутун иншоотни таъмирлаш, кучайтириш ва алмаштиришгача бўлган вақт оралиғи.

Паспорт моста - *кўприк паспорти* - кўприкнинг ҳолати ва юк кўтаришини, кўп вақтга чидамлилигини баҳолаш бўйича маълумотларни, унинг техник тавсифини ўз ичига олган ҳужжат.

Подмости переносные - *кўчма тахта супа* - кузатиш мосламаси бўлиб, у асосан устунлар оралиғининг пастки белбоғи сатҳида, устидан юриладиган қилиб, ҳар бир ферма ва улар орасидаги ўтиш жойида, шунингдек автомобилнинг кузовида ўрнатилади. Тахта супаларда панжаралар бўлиши керак, оғирлигини камайтириш мақсадида унинг тўшамаси 3 см гача бўшлиқ қолдириб тахланади. Тахта супачанинг узунлиги 3...3,5м, кенлиги 1...2 м гача бўлади.

Потребительские свойства моста - *кўприкнинг истеъмол хусусияти* - иншоотнинг вазифаси ва сифатини белгиладиган тавсифи; кўприк иншоотларининг асосий истеъмол хусусияти қуйидагилар ҳисобланади: ўтказиш қобилияти, юк кўтариш қуввати, ҳаракат хавфсизлиги, кўп вақтга чидамлилиги.

Приспособления смотровые - *кўриш мосламалари* - кўприкларда тузатиш ишларини олиб бориш ва устунлар оралиғи тузилмасини аниқ текширишни таъминлаш мақсадида кўприк иншоотларини сақлашда уларни текшириш учун кўзда тутилган мослама ва асбоб-ускуналар. Улар вақтинчалик ва доимий бўлади.

Пропуск ледохода и высоких вод - *муз оқимини ва баланд кўтарилган сувларни ўтказиш* - сув тошқини ва муз оқими иншоотдан ўтганда кўприк ва қувурларнинг сақланишини таъминлаш учун бажариладиган технологик жараёнлар мажмуи. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: гидрометрологик хизматнинг олдиндан аниқланган маълумотлари асосида амалий чоратадбирларнинг кундалик режасини ишлаб чиқиш(унда тайёрлов ишлар ҳажми, жалб қилинган транспорт воситалари ва масъул

бажарувчиларнинг ишлаш муддатлари аниқ кўрсатилиши лозим), кузатиш жойларини ташкил этиш ва хабардор қилиш, портлатиш усули билан муз ёриш ишларини бажариш, (агар ишлар ҳажми кичик бўлса, якка музларни йўқотиш ва қувурлар тешикларини қўл билан тозалаш). Тошқин сувларини ўтказиш учун қўшимча сувнинг чуқурлигини ўлчайдиган даражали рейкалар, шунингдек кўприк олдидаги таянч кўтармасининг ювилиб кетадиган жойини бекитиш учун қумли қоплар, буталар, шохшаббалар, тўшак тайёрланади. Сунъий иншоотлардан сувнинг энг баланд сатҳини, сув оқими режимини кузатиш ва муз оқимининг характерини, иншоотнинг ишлашини рўйхатга олиш албатта шарт. (Тешикларнинг ётиқлигини, муз ёрларларнинг ва бошқариладиган иншоотларнинг тўғри ишлашини, дамбалар, келиш қияликларининг мустаҳкамлигини сув оқими тезлигига мослаш ва бошқалар).

Пропуск негабаритных и сверхнормативных нагрузок (СНН) - *габаритсиз ва меъёридан юқори юкларни ўтказиш (СНН)* - жуда оғир (баъзи бир ҳолларда габаритсиз), бир гилдиракли ёки гусеничали поезд (машиналар), асосий катталиклари, умумий оғирлиги, бўйлама оғирлиги (ёки улардан бири) ушбу кўприк ва қувур учун ягона меъёрдаги вақтинчалик вертикал юкдан ошиб кетадиган юкларни ўтказишни ташкил қилиш. Бу ҳолда автомобиль йўли муассасаси ёки бошқа ташкилот унинг таъминотидаги йўлдан ёзма рухсат билан кетаётган автомобилнинг маршрут йўлини аниқлагандан сўнг, агар 3-6 ой олдин буюртма берилган бўлса, зарурий тайёрлов ишлари бажарилгандан кейин (кўприкларни кучайтириш, ўтказиш шарт-шароитини ишлаб чиқиш ва ҳоказо) ўтказилади.

Пучение свай - *қозикларнинг музлагандан кейин кўпчиши* - музлаганда шишадиган тупроқларда ёки муз оқимида, ёки тошқинда тагининг ювилишидан ёғочли кўприклар қозикларининг ситилиб чиқиши. Бундан қочиш учун кўприкларни сақлашда музлаганда кўпчийдиган тупроқларда қозик ўрнатишда музлаш чуқурлигида қозиклар атрофида йирик қум ва майда шағал мазут билан аралаштирилиб тўлдирилади ёки ишловдан чиққан ёғ билан таянчлар атрофига шлак сепилади, шунингдек умумлаштирилган ҳимояловчи усуллар қўлланилади (музлаганда кўпчимайдиган тупроқ ва шлак сепиш).

Реконструкция - *реконструкция (қайта қуриш)* - лойиҳавий хусусиятларига қиёсий ҳолда иншоотнинг функционал истеъмол хусусиятлари даражасини ошириш бўйича бажариладиган қурилиш-

монтаж ишлари мажмуи (ўтказиш қобилиятини, юк кўтарувчанлигини ошириш).

Ремонт - *таъмирлаш* - мавжуд шикастланишларни тўлиқ ёки қисман бартараф қилиш бўйича бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари мажмуи.

Ремонт гидроизоляции - *гидроизоляцияни таъмирлаш* - эски қатламини олиб ташлаш йўли билан яроқсиз ҳолга келган изоляцияни алмаштириш бўйича технологик жараён. Таъмирлашни ёзда ҳаво қуруқ бўлганда бажариш тавсия этилади.

Ремонт деформационных швов - *деформация чокларини таъмирлаш* - катта ва ўрта кўприкларни текшириш натижалари асосида кўприк устаси ва ишчилар бригадаси томонидан бажариладиган технологик жараён. У қуйидагиларни ўз ичига олади: чокни тозалаш, компенсаторларни таъмирлаш, чокларни тўлдириш, чокларнинг янги тузилмасини қўллаб (мас., резинали қўшимчалари билан) ёки алмаштириб деформация чокларининг ишдан чиққанларини ёки йўқ бўлган қисмларини қайта тиклаш.

Ремонт мостового полотна - *кўприк кўтармаси таъмирлаш* - кўприк суянчиклари, тўсиқли қурилмаларини таъмирлаш, қатнов қисми ва йўлкалар қатнов қисми қопламасини тузатиш бўйича кўприкка келишдаги чўкувчанликни йўқотиш, сувни четлатувчи қурилмаларни тузатиш. Бу ишларнинг ҳаммаси жорий таъмирлаш бажарилади.

Ремонт ограждающих устройств - *тўсадиган қурилмаларни таъмирлаш* - тўсиқларнинг ишдан чиққан ёки ёриқлар ҳосил бўлган қисмини алмаштириш ёки қайта тиклаш технологик жараёни, эгилганини тўғрилаш ва синган металл элементларини пайвандлаш, суянчиқ устунларини, ғовакларни, синиқларни бекитиш, суянчиқларни, ғов қурилмаларини ва ҳошияларнинг бошқа нуқсонларини йўқотиш (ён тошларни).

Ремонтопригодность - *таъмирлашга яроқлилиқ* - кўприкнинг фойдаланилиш шароитларини унчалик бузмаган ҳолда конструкциянинг уни таъмирлаш, кучайтириш, алмаштириш мумкинлигини ўз ичига оладиган хусусияти.

Ремонт подходов - *бориш йўллари таъмирлаш* - кўприкка боришдаги ва кўприк билан қўшилишдаги ҳамма деформацияланган қисмнинг кўтармалари чўкувчанлигини йўқотиш бўйича технологик жараёнлар мажмуи бўлиб, қопламани очиш, сув қочирувчи бир хил тупроқ тўкиш, уни яхшилаб зичлаб текислаш, силжиган ёки бузилган ўтиш тахталарини алмаштириш ва тўғрилашдан иборат.

Смотровые приспособления - *кўриш(кузатиш) мосламалари* - конструкцияларни текшириш учун уларга кириш имкониятини таъминлайдиган қурилмалар (кўприкча, беланчак, ҳаракатланувчи аравача ва б.).

Содержание водопропускных труб - *сув ўтказувчи қувурларни сақлаш* - қувурларни кўздан кечириш ва уларга қараш билан боғлиқ технологик жараёнлар мажмуи. У қуйидагиларни ўз ичига олади: қувурларни ва ўзани чиқиндилардан, лойдан (ёзда), қор ва муздан (қишда ва баҳорда) тозалаш, қувурлардан меъёрида сув оқишини таъминлаш, қувурларга киришдаги ва чиқишдаги ўзанининг ҳолатини, қувурнинг бошида ва қисмларида ёриқлар борлигини, чўкувчанлигини, бирикиш жойини ва нам ўтказмаслигини, кўтарманинг зичланганлигини, кўринган нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилганлигини текшириш.

Содержание ледяных переправ – *музли кечувларни сақлаш* - йўл ёки кўприк устаси раҳбарлигида махсус бригада бажарадиган технологик жараёнлар мажмуаси. У қуйидагиларни ўз ичига олади: муз, қор қопламаси, муз қатқалоғининг қалинлигини текшириш, атрофдаги ҳавонинг ҳароратини, дарёнинг эриган қисми ҳолатини кузатиш (музга тушиш жойлари ва қатламини кучайтириш), кечувда транспорт воситаларининг ҳаракатини бошқариш, керак бўлганда музли кечувларини таъмирлаш.

Содержание мостовых сооружений - *кўприк иншоотларини сақлаш* - кўприкка доимий қараш, унинг ҳолатини кундалик назорат қилиш, нуқсонларни ва бузилишларни ўз вақтида тузатиш йўли билан кўприкдан ўтаётган транспорт воситаларининг, пиёдаларнинг қулай ва хавфсиз ҳаракатини таъминлашга доир технологик жараёнлар мажмуи. Бу вазифалар йўлдан фойдаланиш ташкилотлари томонидан бажарилади ва меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик талабларини ҳисобга олган ҳолда иншоотларни жорий, даврий ва махсус текширишларни ўз ичига олади.

Содержание регуляционных сооружений - *бошқарув иншоотларини сақлаш* - бошқарув иншоотлари ва кўприк тагидаги ўзани назорат қилиш, сақлашга доир технологик жараёнлар мажмуи бўлиб, кўприк остидаги сув оқими (кемалар юрадиган дарёларда), тошқинли сувлар ва муз оқимининг меъёрида ўтишини таъминлашдан иборат. У қуйидагиларни ўз ичига олади: сув оқимининг режимини, дарё ўзанининг ҳолатини, унинг тегишли кесмасини, сув сатҳининг ўзгаришини кузатиш, дарё ўзанида тўсиқлар ҳосил бўлишини, таянчларда, ўтиш жойи кўтармаларида,

бошқарув иншоотларида ювилишлар бўлишини олдиндан огоҳлантириш; бу иншоотлар ҳолатини текшириш ва пайдо бўлган нуқсонларни ўз вақтида йўқотиш. Текширувлар дарёда сув кўтарилишидан ёки муз оқимидан олдин ва кейин ўтказилади, натижалар сунъий иншоотлар дафтарида албатта қайд қилиниши лозим. Текширувда кўтармалар, бермалар, оқишни йўналтирувчи дамбаларнинг ювилишига, мустаҳкамланган қияликларнинг бузилишига ва деформацияланишига эътибор қаратилади.

Содержание труб - *қувурларни сақлаш* - қувурни текшириб чиқиш ва унинг парвариши бўйича технологик жараёнлар мажмуи. Ўз ичига қуйидагиларни олади: қувур ва ўзанни ахлат ёки лойқалардан (ёзда), қор ва музлардан (қишда ва баҳорда) тозалаш, қувурларда меъёрий сув оқимини таъминлаш, қувурга кириш ва чиқишдаги ўзан ҳолатини текшириш, қувур бўғинлари ва каллакларини текшириш (ёриқлар, тешикларнинг мавжудлиги), туташувлар ва гидроизоляцияларни текшириш, кўтармаларни мустаҳкамлаш ва қайд қилинган нуқсонларни ўз вақтида тузатиш.

Тележка смотровая - *кузатиш арачаси* - кўприк устунлари оралиғи бўйлаб суриладиган, кўприкнинг ҳолатини ва таркибини кузатиш учун хизмат қиладиган ҳаракатланувчи платформа ёки бошқа восита.

Тяжи инвентарные - *инвентарга оид узатма* - камчилиги бор асосий узатмани вақтинча алмаштириш учун турли хил узунликдаги қўшимча эҳтиёт узатма.

Усиление конструкции - *конструкцияни кучайтириш* - унинг ишига қўшимча элементларни киритиш йўли билан конструкциянинг тутиб туриш хусусиятларини ошириш.

Усиление ледяной переправы - *музли кечувни мустаҳкамлаш* - музни мустаҳкамлаш технологик жараёни бўлиб, уни устидан музлатиш йўли билан, махсус оғир юкларни ўтказиш учун вақтинчалик чора-тадбир ёки музнинг юк кўтариш қобилятини оширувчи ёғоч тўшамаларни куриш йўли билан бажарилади.

Усиление опоры - *таянчларни мустаҳкамлаш* - таянчларда икки томони очик таянчларни алоҳида қисмларга ажратиб юборадиган ёриқлар пайдо бўлганда ёриқларнинг ривожланиши олдини олиш, таянчларни куришда мустаҳкамликни ошириш учун олиб бориладиган ишлар. Темир синчлар ёки темир анкерлар ўрнатилган темирбетон белбоғлар таянч устуни орасидаги туташувчанликни таъминлаш учун қўлланилади.

7.5. Автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш учун механизация воситалари

Автогрейдер - 5.3.бандга қаранг.

Авторемонт асфальтбетонных покрытий - *асфальтбетон қопламаларни тузатиш механизми (ускунаси)* - эски асфальтбетонни юмшатиш учун инфрақизил нурлатувчини қўллаш (иссиқ усул) билан ёки эски асфальтбетонни кесиб ташлаш (совуқ усул) билан асфальтбетон қопламаларни таъмирлаш учун мўлжалланган машина. Асбоб-ускуналар тўпламига қуйидагилар киради: бункер, термос, минерал кукунлари учун катта идиш, битум ва битум эмульсияси, қўлда тарқатувчи аравача, электртебратгич ва бошқалар. Асбоб-ускуналар автомобиль шассисига монтаж қилинган бўлади.

Авторемонтер цементбетонных покрытий - *цементбетон қопламаларнинг автотаъмири* - цементбетон қопламаларни таъмирлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар тўпамини ўз ичига олади: цементбетон қоришмасини тайёрлаш учун ярим кўчмас агрегат, колонна елим тайёрлаш ҳамда уни қопламага ўтказиш учун ҳаракатланувчи қурилма ва автомобиль шассисидagi ўзинюар бетон ўтказгич.

Бур - ямокоп - *чуқур қазувчи бурғи (парма)* - махсус осилган асбоб-ускуна кўринишидаги бурғи кранли машина, ўзинюар шассида ёки “30-Кн” синфидаги ғилдиракли тракторда жойлашган бўлиб, дарахтларни, буталарни ўтказиш учун чуқурларни механик қазишга, тўсиқли иншоотларни қуришга ва автомобиль йўллари бўйлаб йўл белгиларини ўрнатишга мўлжалланган.

Виброразогреватель - *тебратиб қиздирувчи* - ишчи хароратигача тебратиб қиздирувчи, қурилишдаги битумни қиздириш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, кўпинча электрли.

Гудронатор (распределитель) передвижной - *ҳаракатланувчи гудронатор (тақсимловчи)* - йўл қопламаси юзасига боғловчини босим остида, иссиқ (битум, қатрон) ёки совуқ (эмульсиялар, суюлтирилган битумлар) ҳолатида тақсимловчи машина. Гудронаторнинг асосий асбоб-ускуналари цистернадан, иситиш ва тақсимловчи тизимдан иборат. Цистерналар қўлли (қўлдаги), сифими 200-300 л ва тиркама, сифими 800-2000 л, шунингдек ўзинюар (“Автогудронатор” 5.3. бандга қаранг) бўлиши мумкин.

Заливщик трещин - *ёриқни тўлдирувчи* - асбоб-ускуналар тўплами бўлиб, ўзинюар шассига монтаж қилинган, битум қиздириш

ва олиб келиш учун қозондан, ёриқларни тозалаш ва тўлдириш учун мосламадан ва компрессор қурилмасидан иборат. Асфальтбетон қопламасидаги ёриқларни тозалаб тўлдиришга, енгиллаштирилган турдаги, маҳкамлаштирилган қопламалардаги чуқурларни ва ўнқир-чўнқирларни беркитишга, кичик майдонларнинг устига ишлов беришга мўлжалланган.

Заливщик швов - чокларни тўлдирувчи - қўл аравага монтаж қилинган конуссимон шаклдаги қозонли мослама, фойдаланишдаги цементбетон қопламалари чокларини янгит-дан тўлдириш учун ишлатилади.

Инъекторы поверхностные - устки (юза) инъекторлар - бетон ва темирбетон кўприкларнинг қисмларидаги дарзларни йўқотиш учун ва ёриқларга инъекцион эритмани босим остида юбориш орқали компрессорда ишловчи пневматик киздирувчилар ёрдамида уларни герметизациялаш асбоб-ускуналар.

Канавовосстановитель роторный - роторли ариқни тикловчи - ўзи юрар машина, таянчли машиналардан (автогрейдерлар ва бошқалар) ва бешковшли роторли кўринишида осиб қўйилган ишчи қисмдан ва фланецли кўчмас қувурдан иборат.

Канавоочиститель - ариқни тозаловчи - ариқларни тозалаш учун ўзи юрар машина, куракли, занжирли ишчи қисми билан.

Каток - каток (галтак машина) - 5.3 бандга қаранг.

Котель ремонтёрский - йўлни таъмиришида ишлатиладиган дошқозон - йўлларни таъмирлашда битумни, катронни киздириш учун қўлланиладиган ҳаракатланувчи турдаги асбоб. Керакли сигими 500 - 700 л.

Крыло боковое - ён томондаги қанот - қор тозалагич машинасининг ағдаргич кўринишидаги таянчли, ён томонга осиб қўйилган ёрдамчи ишчи қисми. Тозалаш кенглигини ошириш ва ҳ.к. Сиқилган ҳаво билан ишлайдиган, қорни тозалаш тасмасидан бошқа ерга суриш учун мўлжалланган, мис рангли, бетонли ва тошли иншоотларни, йўл қопламаларини, музлаган тупрокни ва бошқаларни зарб билан бузиш учун қўл билан ишлатиладиган пневматик асбоб. У стволдан, унда ҳаракатланувчи, зарба берувчи ва ҳаво тарқатувчи қурилма жойлаштирилган асбоблардан тузилган.

Машина подметально-уборочная универсальная - супурувчи-йиғувчи универсал машина - автомобиль йўлларини ва аэродромларни лойдан, ёзда ахлатдан, чангдан тозалаш учун, қишда вакуумли усул билан қорни тозалаш, йиғиш ва йиғилган қорни

махсус кузовларга ортиб ташиш ва тушириш, шунингдек зичланган қорни қоплама юзасидан сидириб олиш учун мўлжалланган машина.

Машина поливочно-моечная - *сув сепувчи-ювувчи машина* - икки тўпلامли асбоб-ускуналар бирга қўшилган йўл машинаси, ёзги ишларда қопламани супуриш ва ювиш, қишки ишларда йўлни қордан тозалаш учун қўлланилади. Шунингдек, чакиқ тошли, қумли, шағалли, қумли қатламларни зичлашдан олдин сув сепишда ва янги ётқазилган бетонга қарашда ҳам фойдаланилади.

Машина уборочная универсальная - *тозаловчи универсал машина* - таянчли шассидаги машина бўлиб, бир неча ишчи қисмдан: тиркамали ёки осма турдаги (йўл қопламаларини ёзда ва қишда сақлаш жараёнларини бажариш учун мўлжалланган), ағдаргичли, қор тозалаш чўтқаси, фрезер-роторли ускунаси, сув сепувчи-ювувчи тиркама, сингдирувчи-бўшатувчи, плугли хаскашли ва бошқалардан ташкил топган.

Машины маркировочная - *белги қўювчи машиналар* - йўлнинг қатнов қисмига (кўчалар, аэродромлар) механизмлар билан йўл белгилари чизикларини қўйиш ва қайта тиклаш учун мўлжалланган машиналар бўлиб, қуруқ иқлимда йўлни ва йўлдаги бошқа иншоотларни лак бўёқли ва термопласт материаллар билан бўяш учун ишлатилади. Асбоб-ускуналар (ишчи қисм, компрессор, раствор, бўёқлар учун катта идиш, эритувчи бак, ўлчовчи-назоратчи асбоб ва бошқалар) автомобилга ёки ўзи юрар шассига монтаж қилинади.

Оборудование автогрейдера навесное - *осма автогрейдер жиҳози* - автогрейдернинг қўшимча ускунаси бўлиб, (чўкичловчи, кенгайтирувчи, ағдаргични узайтирувчи, йўл чеккасидаги ариқларни тозаловчи ва қайта тикловчи ҳамда бошқалар), автомобиль йўлларини таъмирлашда ундан фойдаланиш соҳасини кенгайтиришга мўлжалланган.

Оборудование для восстановления канав - *ариқларни тозалаш жиҳози* - автогрейдерга ёки бошқа таянчли машиналарга осма жиҳоз, плугли ёки фрезер туридаги ишчи қисми билан.

Оборудование для выдергивания колев - *қозиқларни суғуриб олиш учун жиҳоз* - “30-кН” синфидаги трактордаги осма жиҳоз бўлиб, ишчи қисми тракторнинг турли тизимлари ва ишловчи сувли цилиндрдан иборат. Қордан ҳимояловчи тўсиқларни маҳкамлашда қозиқларни ўрнатиш ва суғуриб олиш учун мўлжалланган.

Оборудование для заделки трещин (швов) - ёриқларни (чокларни) беркитиш жиҳози - тузатиш агрегати бўлиб, юқори қувватли ток агрегатидан ўзи юрар шассига монтаж қилинган ишчи қисм - пичоқ, чўтка ва электрфрейзердан ташкил топган.

Оборудование для нарезки прорезей - ёриқларни кесиш жиҳози - 30 кН синфидаги ғилдиракли ёки гусеничали трактордаги осма жиҳоз, эриган ёки музлаган тупроқлардаги йўл ёқасида, йўл тасмасида юз берадиган музлаганда кўтарилиш ҳодисасига қарши ёриқларни кесиш учун мўлжалланган.

Оборудование для обрезки краев покрытия – қопламанинг четини кесиш жиҳози - тракторли шассига монтаж қилинган жиҳоз, ишчи қисми икки дискли фрейзер, асфальтбетон қопламаларининг четини ёки таъмирланиши керак бўлган жойни кесиш учун мўлжалланган.

Оборудование для окашивания - ўриб ташиш жиҳози - “30-кН” синфидаги ғилдиракли трактор базасида алмашинадиган жиҳоз, ишчи қисми бармоқли турдаги ўроқ машинасидан ва ротацион кесувчи аппаратдан ташкил топган. Йўл ёқасидаги, йўл четидаги, қияликлардаги ўтларни ўришга ва буталарни кесишга мўлжалланган.

Оборудование для очистки труб - қувурларни тозалаш жиҳози - ишчи қисми гидромонитордан иборат бўлиб, базали машина (ғилдиракли ёки гусеничали, тракторли шасси)нинг таянчли қурилмасига маҳкамланган. Йўл пойи кўтармаси остидаги сув ўтказадиган иншоотларни тозалашга мўлжалланган.

Оборудование дорожно-ремонтное - йўл таъмирлаш жиҳозлари - жиҳозлар мажмуи бўлиб, 30 кН синфидаги ғилдиракли тракторнинг икки ўқли тиркамага монтаж қилинган ва енгиллаштирилган турдаги мукаммаллаштирилган қопламаларни жорий таъмирлашдаги кичик ҳажмли ишларни бажаришга мўлжалланган, йўл шароитида бўяш ва кўкаламзорларга қарашда ишлатилади. Унга қуйидагилар қиради: электрстанция компрессори, битум учун дошқозон, боғловчи-тарқатувчи тизим, элетртебратгичли ғилдиракли машина, ўрта грелкали газли сопол инфрақиздиргичлар, 4 та газ баллони, оҳақли бўёқни транспорт воситасида ташиш учун 2 та резервуар, захарли кимёвий моддалар ва сув, чакиқ тош, аралашмалар учун иккита бункер, асбоб-ускуналар тўплами.

Оборудование плужно-щеточное - плугли-чўткали жиҳозлар - трактор ёки автомобиль шассисига монтаж қилинган жиҳоз бўлиб, ағдаргич машинанинг олд томонига ўрнатилган, цилиндрли чўтка орқадаги бошқарувчи ғилдиракка монтаж қилинган.

Оборудование подъемное передвижное - *кўча кўтариш жиҳози* - транспортли аравадаги юк кўтарувчи механизм (юк кўтариш қобилияти 250...500 кг). Йўлни қайта жиҳозлаш ишларига мўлжалланган. Эскиларини олиб ташлаш ва янги тўшамаларни, йўл белгиларини қўйиш ва кўкаламзорлаштириш учун кўчатлари ишлатилиши.

Оборудование экскаватора сменное - *экскаваторнинг алмашиловчи жиҳози* - 30 кН синфидаги ғилдиракли тракторга ўрнатилган экскаваторнинг қўшимча жиҳозлари: грейдер, кран, вилкали ушлаб қолгичлар. Автомобиль йўлларида фойдаланишда машиналарнинг қўлланиш соҳасини кенгайтириш ва унумдорлигини ошириш учун мўлжалланган.

Планировщик-восстановитель - *текисловчи-тикловчи* - йўл ёқасини ва қияликларни текислаш ва тиклаш бўйича ишларни бажаришга мўлжалланган машина. Ўсимликларни қирқиш, манзарали-шаклли текислаш, қирқилган ўсимликларни ва тупрокни ортиш, қатнов қисмини супуриш ишларини бажаради. Ишчи қисмлари: фрейзер-юкловчи шнек, лентали конвейер ва чўткалар.

Прицеп малогабаритный - *кичик габаритли тиркама* - таъмирлаш материалларини олиб келиш учун мослаштирилган агрегат ва бирга фойдаланиладиган тиркамали арава.

Разогреватель покрытий - *қопламалар қиздиригичи* - ўзи юрар тиркамали ёки қўл билан ишлайдиган, асфальтбетон қопламасидаги таъмирлаш жойини қиздириш учун, сувоқ ёки газли ёқилғида ёки инфрақизил нурланишдаги иссиқликдан фойдаланиб ишловчи машина.

Распределитель противогололедных материалов - *яхмалакка қариш материалларни тақсимловчи жиҳоз* - алмашиб ишлайдиган минерал материаллар (кум, кул ва бошқалар), шунингдек турли кимёвий материаллар, хлоридлар ва махсус реагентлар тақсимлаш учун ишлатиладиган, автомобиль йўлларида қишда сақлашда қўлланиладиган жиҳоз. Автомобил-шассисига доимий мустаҳкамлаб монтаж қилинади. Кузови куракли ёки лентасимон конвейер кўринишидаги шнекни ва қияланган тармоқни таъминловчи сочувчи қурилма билан жиҳозланган. Материални сочиш горизонтал айланивчи дискнинг марказга интилувчи кучи таъсирида рўй беради.

Ремонтер дорожный - *йўл таъмирлаш ускунаси* - ҳаракатланувчи қурилма бўлиб, автомобиль базасига монтаж қилинган, ўзи юрар шассида ёки тиркамада асфальтбетон қопламаларини жорий тузатишдаги ишларни (ўнқир-чўнқирларни,

чўккан жойларни бекитиш, силжишларни, тўлкинларни, дўнглари йўқотиш ва бошқалар) тўла механизациялаш учун мўлжалланган. Жихознинг тўпламига электростанция, компрессор, битумли дошқозон, электротебратгич, электромайдалагич, инфрақизил нурлатувчи, горелкали кичик габаритли аравача ва бошқалар киради.

Скалыватель-рыхлитель - *ер юмшатгич-синдириб олгич* - зичланган қорни, асосан, асфальтбетон ва цементбетон қопламаларидан олиб ташлашга мўлжалланган, автомобиль, трактор ёки махсус шассиларга монтаж қилинган жихоз. Ишчи қисми суст турдаги, қўзғалмас қилиб маҳкамланган ва фаол турдаги, базали шассига нисбатан силжувчи, олти ва ундан кўп пичоқлардан иборат.

Снегоочиститель плужный - *плугли қор тозаловчи* - йўлни янги қордан патрулли тозалаш учун мўлжалланган машина, ағдаргич плуг ёрдамида ён қанотлари билан ёки уларсиз, одатда, сув ўтказгич билан автомобилли ёки тракторли шассига монтаж қилинган. Бир ағдаргичли ёки икки ағдаргичли бўлиши мумкин.

Снегоочиститель роторный - *роторли қор тозаловчи* - йўлдан қорни бошқа томонга олиб ташлаш усули билан йўл қопламасини қордан тозаловчи машина. Машинанинг жихози автомобилли, тракторли ёки махсус шассига монтаж қилинади. Бирлаштирилган ишчи қисми қирқувчи диск ёки фрезерротор кўринишидаги супурувчи механизм билаи таъминланган, қорни ўраб олиб қор оқимида керакли тезликни беради ва уни улоқтириб ташлаш масофасини тартибга солади (15..20 м гача). Қуввати ва унумдорлиги бўйича ажратилади: енгил - 200 т/с гача, ўртача 200...1000 т/с гача ва оғир - 1000 т/с дан кўп.

Снегоочиститель плужно-роторный – *плугли-роторли қор тозаловчи* - патрулли қор тозалашга ва қор уюмларини йўқотишга мўлжалланган машина, ротор кўринишидаги ишчи қисм билан таъминланган бўлиб, қор лемехли плуг билан узатилади. Улоқтириб ташлаш масофаси 15 м гача.

Снегоочиститель плужно-щеточный - *плугли-чўткали қор тозаловчи машина* - патрулли қор тозалашда қорни ағдаргич билан бошқа томонга силжитиб, ағдаргич ишлагандан сўнг қолган жуда зичланган қор қаватини чўтка билан сидириб, қопламалардан қорни бутунлай олиб ташлаш учун мўлжалланган машина.

Снегоочиститель шнеко-роторный - *шнекли-роторли қор тозаловчи машина* - йўлни қордан тозалаш ва қор уюмларини олиб ташлаш учун мўлжалланган машина. Алоҳида ишчи қисми ротор кўринишидаги, ўқи базавий шассининг бўйлама ўқига параллел

бўлган ва айлана ўқи машина ўқиға тик бўлган шнек кўринишидаги супурувчи механизмдан, ўқи базали шассининг бўйлама ўқиға параллел бўлган ва айлана ўқи машина ўқиға тик бўлган таъминловчидан ташкил топган. Қорни ташқарига улоқтириб ташлаш масофаси 30...35 м.

Снегопогрузчик - қор ортиш машинаси - қор уюми ва тўпламидан қорни транспорт воситасига ортиш учун мўлжалланган машина. Универсал турдаги қор ортувчилардан сочилувчан материалларни ортишда ҳам фойдаланиш мумкин. Машина жиҳози махсус автомобилли ёки тракторли шассига ёинки бир қовшли юк ортгич базасига монтаж қилинган. Ишчи қисми панжали турдаги таъминловчи билан универсал (юк ортгичларда фрезерли таъминловчи билан) ва шкипли чўмич билан ёки сидирувчи конвейер билан (элеатор билан) таъминланган.

Шасси самоходное - ўзйорар шасси - автомобилли ёки тракторли шасси бўлиб, мукаммаллаштирилган йўл қопламаларини таъмирлаш ишларни бажарадиган, алмашинадиган жиҳозларни тортиб (осиб) қўйиш учун мўлжалланган.

Экскаватор колесный - гилдиракли экскаватор - ўзйорар машина бўлиб, асосий ишчи қисми тўғри ёки тесқари белқуракдан бир хилга келтирилган, кичик сиғимли ($0,35 \text{ м}^3$) чўмич ва ағдаргичдан иборат. Машина, асосан, йўл пойини таъмирлашга ва бошқа кичик ҳажмдаги ер ва юк ортиш ишларини бажаришга мўлжалланган.

VIII. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Аварийность - (ҳалокатлик) авариялилиқ - йўллардаги ҳаракат хавфсизлигининг кўрсаткичи бўлиб, маълум вақт оралиғидаги йўл транспорт ҳодисаларининг, шу ҳодисаларда жароҳат олганлар ҳамда ҳалок бўлганларнинг абсолют ёки йўл транспорт ҳодисалари сонининг транспорт воситалари, аҳоли ва автомобиль-километр сони нисбати орқали аниқланади.

Авария - ҳалокат (авария) - йўл ҳаракатидаги нормал жараёнининг бузилиши - «Йўл транспорт ҳодисаси» бандига қаранг.

Автоматизированная система управления движением (АСУД) - йўл ҳаракатини бошқаришнинг автомагистралаштирилган тизими (ЙЎБАТ) - светофорларнинг автоматик иш

тартибини таъминловчи курилмалар мажмуи. Мураккаблигига кўра уч даражага бўлинади: биринчи даража - алоҳида чорраҳада қаттиқ ёки мослашувчи тартибда бошқарилади; иккинчи даража - сутка вақти ва алоҳида чорраҳалардан ўтаётган транспорт оқимининг хусусиятига кўра, қаттиқ тартибда ишлайдиган алоҳида светофорларнинг дастурларига асосланиб, алоҳида магистрал кўчалар ёки аҳоли пунктларининг кичик туманлари; учинчи даража - йирик шаҳар туманларида қаттиқ бошқарув режими асосида, жорий ҳамда мўлжалдаги транспорт оқимининг тартибига кўра (АРДАМ тизимига қаранг).

Агрегатная система управления движением (АССУД) - *ҳаракатни бошқариш воситаларининг агрегат тизими (ХБВАТ)* - учта даражадаги йўл ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими (ЙХВАТ)нинг йиғиндиси.

Аквапланирование - *аквапланирование* - ҳаракатланувчи транспорт воситаси шиналарини йўлнинг устки юзасидан ажратувчи узлуксиз намли қатламнинг мавжудлигидан юзада шина билан қоплама орасидаги тишлашишнинг бутунлай йўқолиши.

Акселерометр - *акселерометр* - ҳаракатланаётган автомобилнинг тезланиши (секинланиши)ни ўлчовчи асбоб.

Анализатор микропрофиля динамический - *динамик микропрофил анализатори* - йўлдаги нотекислик спектрини олиш учун фойдаланиладиган қурилма.

Балка ограждения - *ажратувчи тўсин* - зўриқишга қарши ёки зўриқишни бошқа ажратувчи элементларга ёхуд бевосита йўл пойи ёки кўприк иншоотларига узатиш учун мўлжалланган тўсинни ушлаб турувчи ғовларнинг конструктив элементи.

Бампер энергопоглощающий - *энергияни пасайтирувчи тўсиқ (бампер)* - деформацияланадиган элементлар орқали транспорт воситасининг кузовига ўрнатилган бампер бўлиб, зарбанинг энергиясини пасайтириб беради.

Безопасность активная - *фаол(актив) хавфсизлик* - йўл ҳаракати иштирокчиларининг фаол фаолиятлари орқали йўл транспорт ҳодисасининг олдини олишга имкон берадиган транспорт воситалари ва йўл иншоотлари сифатларининг йиғиндиси.

Безопасность дорожного движения - *йўл ҳаракати хавфсизлиги* - ҳалокат (авариялилиқ) даражасига кўра аниқланадиган йўл ҳаракатининг сифати.

Безопасность пассивная - *сул (пассив) хавфсизлик* - йўл ҳаракат иштирокчиларининг фаол фаолиятсиз йўл - транспорт

ходисаларининг оғир оқибатларини камайтирувчи транспорт воситалари ва йўл иншоотлари сифатининг йиғиндиси. Суст хавфсизлик икки хил фарқланади: ташки суст хавфсизлик - транспорт воситаларидан ташқарида бўлган инсонлар жароҳатланишининг камайишини таъминловчи; ички суст хавфсизлик - инсонлар жароҳатланишининг камайишини таъминловчи транспорт воситаси ичида жойлашган қурилмалар.

Безопасность психологическая - *психологик хавфсизлик* - транспорт воситаси ҳайдовчисига хотиржамлик ва ўзига бўлган ишончни ҳосил қилувчи йўл сифати. Йўл йўналишини аниқлаш ва унинг йўл теварак-атрофига уйғунлашуви билан таъминланади.

Блескость - *ялтираш (ярқираш)* - ёруғлик манбаларининг кўзни камаштиришга таъсир кўрсатиш хусусияти.

Борт - *бордюр, ён девор* - тўсиқ (1.3.бандга қаранг).

Буксирование колеса - *ғилдиракнинг жойидан жилмай айланиши* - ғилдиракнинг бўйлама сирғаниши бўлиб, унинг йўналиши таянч юзага тегиб турган ғилдирак нуқталарининг тангенциал тезликлари йўналиши билан бир хил бўлади.

Ветер штормовой - *пўртана шамол* - 20 м/с дан катта тезликка эга бўлган шамол.

Вибронагруженность транспортного средства - *транспорт воситасининг теббранма юкланганлиги* - транспорт воситаси тебранишларининг амплитуда частотали характеристикаси, хусусан, транспорт воситасига йўл нотекисликларининг таъсири кўринишида

Видимость встречного автомобиля - *қарши ҳаракатланаётган автомобилнинг кўриниши* - ҳайдовчига керак бўлган шундай масофаки, у бошқа транспорт воситасидан ўзиб кетаётганида қаршидан келаётган автомобилнинг ҳисобий тезликда ҳаракатланиши учун ҳалақит бермаслиги лозим.

Видимость геометрическая - *геометрик кўриниш* - йўлнинг геометрик элементлари таъминлаб берадиган кўриниш.

Видимость на дороге - *йўлдаги кўриниш* - шундай масофаки, ҳисобий тезликда ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчиси шу масофадан туриб йўлдаги жисмларни ўз вақтида фарқлай олиши лозим.

Видимость физиологическая - *физиологик кўриниш* - инсон кўзининг жисмларни фарқлай олиш қобилияти. Кузатилаётган объектнинг фон билан биргаликдаги контрастининг илк контрастига нисбати орқали аниқланади.

Водитель - *ҳайдовчи* - йўлларда бирор бир транспорт воситасини бошқарувчи шахс. Бошқаришни ўргатувчи, миналадиган ҳайвонларда кетаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва молларини ҳайдаб бораётган шахслар ҳам ҳайдовчига тенглаштирилади.

Волна ударная в транспортном потоке - *транспорт оқимидаги зарба тўлқини* - зич оқимдаги транспорт воситалари тезлигининг навбатдаги пасайиши бўлиб, у ҳаракат йўналишига қарши йўналади.

Ворота габаритные - *габаритли дарвоза* - йўл ўтказгич ёки ер ости йўлига киравериш олдида ўрнатилган дарвоза бўлиб, шу иншоотларга кирадиган транспорт воситаларининг чегаравий габаритларини белгилаш учун қўлланилади.

Время нарастания замедления - *секинлашишининг ортиб бориш вақти* - ҳайдовчининг бирор-бир хавфни кўрган ёки эшитган вақтидан бошлаб, унинг транспорт воситаси бошқарув механизмларига таъсир кўрсатиш вақтигача кетган давр.

Время торможения - *тормозланиш вақти* - тормозлашни бошлаган вақтдан тугатилгунча кетган вақт.

Выбег автомобиля - *автомобилнинг бошқарувдан чиқиши* - тўсиқдан чиқиб кетгандан кейин автомобилнинг бошқарувсиз ҳаракат жараёни.

Габарит динамический - *динамик габарит* - ҳаракатланаётган транспорт воситаси эгаллаган майдон. Кўндаланг габарит - ҳаракатланувчи транспорт воситаси банд қилган ҳаракат тасмасининг кенглиги, бўйлама габарит - орқадаги транспорт воситасининг узунлиги микдори ва бир-бирининг орқасидан бораётган транспорт воситалари олдиндагисининг орқа нуктаси ва орқадагисининг олд нуктаси орасидаги интервал.

Габаритный коридор - *габарит йўлаги* - транспорт воситасининг бурилиши учун керак бўлган ҳаракат йўлагининг эни. Транспорт воситасининг узунлиги, эни ва баландлиги бўйича энг катта ўлчамлари.

Гидропланирование колеса - *ғилдиракнинг гидропланланиши* - ғилдиракнинг йўл юзаси ва шина орасидаги сувли қатламда сирғаниши.

Гипноз дорожный - *йўл гипнози (сехри)* - ҳаракатнинг бир хил кечиши туфайли ҳайдовчи психик функцияларининг пасайиши.

Дальность видимости метеорологическая - *метеорологик кўринишининг узоклиги* - уфқда кузатиладиган катта ўлчамлардаги кора объектнинг кундузги кўриниш узоклиги.

Движение дорожное - *йўл ҳаракати* - транспорт воситалари ва пиёдаларнинг йўлдаги ҳаракатланиш жараёни бўлиб, ҳаракат иштирокчилари - хайдовчилар, пиёдалар ва йўловчиларнинг ҳаракати йўл ҳаракати қоидалари орқали белгиланади.

Движение дорожное лево (право) поворотное - *йўл ҳаракатининг чапга (ёки ўнгга) бурилиши* - чапга (ёки ўнгга) буриладиган транспорт оқимининг қисми.

Движение дорожное местное - *маҳаллий йўл ҳаракати* - бирор бир вилоят, туман, шаҳар ёки аҳоли пунктлари худудидагина ҳаракатланадиган транспорт воситаларининг ҳаракати.

Движение дорожное одностороннее - *бир томонламали йўл ҳаракати* - транспорт воситаларининг қатнов қисми эни бўйича фақат бир йўналишда ҳаракатланиши. Агар қатнов қисмида қарама - қарши ҳаракат учун йўлак ажратилган бўлса (кўпинча йўналишли жамоат транспорти учун), бу ҳаракат

тўлиқ бўлмаган бир томонламали йўл ҳаракати дейилади.

Движение дорожное правостороннее - *ўнг тарафлама йўл ҳаракати* - транспорт воситалари қатнов қисмининг ўнг тарафидан ҳаракатланадиган ва қарама-қарши келаётган транспорт воситаларига чап томонлари билан қаратилган тартибдаги йўл ҳаракати.

Движение дорожное смешанное - *аралаш йўл ҳаракати* - ҳар хил турдаги транспорт воситаларига айнан бир тасмалардан баравар фойдаланишга рухсат этилиши.

Движение дорожное транзитное - *транзит йўл ҳаракати* - транспорт воситалари ҳаракатининг бошланғич ва сўнгги пунктлари вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пунктдан ташқари худуддаги йўл ҳаракати. Тўхтовсиз ва узлукли транзит ҳаракатлари бўйича фарқланади.

Деселерометр - *деселерометр* - транспорт воситасининг секинлашишини ўлчовчи асбоб бўлиб, тормоз қурилмаларининг самарадорлигини назорат қилишда фойдаланилади.

Дисбаланс колеса - *гилдиракнинг номувозанатлиги* - гилдиракнинг айланиш ўқиға нисбатан номувозанатлиги. Бу ҳолат йўл қўйиш мумкин бўлган ҳолатдан ошиб кетса, транспорт воситаси бошқарувининг қийинлашиши, транспорт воситалари шиналарининг едирилиши ошиб кетишига олиб келади.

Дистанция - *оралиқ* - битта ҳаракат йўлагидан кетма-кет ҳаракатланаётган транспорт воситалари орасидаги масофа.

Дорога второстепенная - *иккинчи даражали йўл* - «Йўлни бўшатинг» ёки «Тўхтамасдан ҳаракатланиш ман қилинади» каби йўл белгилари билан белгиланади (1.1. бандга қаранг).

Дорога главная - *асосий йўл* - «Асосий йўл», «Иккинчи даражали йўл билан кесишув», «Иккинчи даражали йўлнинг туташуви» каби белгилар билан белгиланади (1.1. бандга қаранг).

Дорога неровная - *нотекис йўл* - йўл нотекисликлари (тўлқинлик, эгри-бугрилик, дўнгликлар) туфайли тезликнинг пасайиши, хавфсизлик коэффициенти 0,6 ва ундан кичик қийматларда акс этадиган йўл бўлаги.

Дорога скользкая - *сирпанчиқ йўл* - йўл ҳолатидаги шина ва қоплама орасидаги тишлашиш коэффициентининг қиймати 0,3 дан кичик бўлган йўл бўлаги.

Дороги равнозначные - *бир хил даражали йўллар* - қопламали ёки қопламасиз кесишаётган ёки бир-бирига туташаётган йўллар бўлиб, устунликни билдирувчи белгиларсиз ҳамда кесишиш олдидан «Бир хил даражали йўллар кесишуви» йўл белгиси қўйилган йўллар.

Дорожка велосипедная - *велосипед йўлаги* - фақат велосипедчилар ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлак.

Дорожка пешеходная - *пиёдалар йўлаги* - фақат пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган йўлак.

Дорожно-транспортное происшествие - *йўл-транспорт ҳодисаси* - транспорт воситасининг йўлдаги катиови жараёнида содир бўлиб, одамларнинг ўлими ёки уларнинг соғлигига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса. Транспорт воситасини бошқариш имкониятининг йўқотилиши («Бошқара олмаслик» ка қаранг) ёки йўл ҳаракати иштирокчиларининг нотўғри ҳаракати натижасида келиб чиқади, моддий зарар, инсонларнинг жароҳатланиши ва ўлимига сабаб бўлади. ЙТҲ қуйидагича бўлиши мумкин: а) транспорт воситаларининг пиёдалар, велосипедчилар, от-аравалар, от минганлар ва ҳайвонларни босиб кетиши; б) транспорт воситаларининг тўқнашуви; в) транспорт воситаларининг қўзғалмас жисмларга урилиши; г) ағдарилиш; д) йўловчиларнинг тушиб қолиши. Ўлим, шикастланиш ёки моддий зарар келтириб чиқарган ЙТҲ ҳам фарқланади. Келтирилган зарарнинг ўлчамига қараб

ЙТХни куйидагича ажратишади: ҳисоботли бўлмаган (ҳисобга олинмаган), ҳисоботли (ҳисобга олинган) ва ҳақозо.

Дымометр - *тутун ўлчагич* - дизель двигателининг ишлаб чиқарган чиқинди газидаги тутун миқдорини ўлчовчи асбоб.

Железнодорожный переезд - *темир йўл кесиб ўтиладиган жой*. 1.3. бандга қаранг.

Задержка движения - *ҳаракатнинг тўхтаб, туриб қолиши* - мазкур йўл учун меъёрий тезлик қийматига қараганда транспорт воситасининг тезликни мажбуран пасайтириши ёки тўхташи.

Зазор безопасности - *хавфсизлик оралиғи* - қарама-қарши йўналишда ҳаракатланувчи транспорт воситалари орасидаги хавфсиз оралик.

Замедление транспортного средства - *транспорт воситасининг секинлашиши* - транспорт воситаси тормозланаётганда унинг тезлигининг пасайиши.

Занос боковой - *ён томонга сурилиш* - транспорт воситаси орқа ғилдирагининг ёнлама сирғаниши.

Затор - *тирбандлик* - йўлнинг максимал даражада юкланган вақтида транспорт оқими ҳаракатининг тўхтаб қолиши.

Звуковая тень - *овозли соя* - тарқалиш йўлида жойлашган тўсиқ орқасидаги бўшлиқ бўлиб, бу ерда шовқин анча суст ёки умуман йўқ.

Зеркало заднего вида - *орқани кузатиш ойнаси* - ҳайдовчига транспорт воситаси орқасидаги йўл ҳолатини кўришга имкон берадиган ойна.

Знаки аварийной остановки - *ҳалокат сабабли тўхташ белгиси* - йўл-транспорт ходисаси содир бўлган жойда, тўхташ мумкин бўлмаган жойларда мажбурий тўхтаган ҳамда кўриниш ёмон бўлган жойларда тўхтаб турган транспорт воситасининг орқасидан 25...30 м ораликда қўйиладиган махсус белги.

Знаки дорожные - *йўл белгилари* - йўлни жиҳозлаш элементлари бўлиб, йўл ҳаракатининг иштирокчиларига ҳаракат шароити, унинг хусусияти ва ҳаракат йўналиши ҳамда тартиби ҳақида ахборот берувчи шартли белгилар ёки ёзувлардан иборат. Йўл белгилари 7 гуруҳга бўлинади: 1) огохлантирувчи - йўл ҳаракати иштирокчиларига бирор хавф ҳақида, хавфли йўл бўлаги ва ундаги йўл шароитига хос хусусиятлар ҳақида ахборот берилади; 2) имтиёз - чорраҳалар, қатнов қисми, тор йўл бўлакларида ҳаракатланиш навбатини белгилайди; 3) тақиқловчи - ҳаракатланишда чекланишлар киритиш ёки уларнинг алмаштирилгани ҳақидаги белгилар; 4)

буюрувчи - керакли йўналиш ва ҳаракат шароити ҳамда тартиби ҳақидаги йўл белгилари; 5) ахборот берувчи белгилар - йўл ҳаракати иштирокчиларига ҳаракатланиш тартиби хусусиятлари ёки аҳоли пунктлари ва бошқалар ҳақида маълумотлар беради; 6) сервис белгилари - йўл ҳаракати иштирокчиларига техник ва маиший хизмат, медицина объектлари ҳамда масканлари ҳақида маълумот беради; 7) қўшимча ахборот белгилари - бошқа йўл белгилари ҳақида тўлиқроқ маълумот ёки чекланишлар ҳақидаги маълумотларни беради. Қўчмас ёритгичлар билан ёритиладиган йўлларда йўл белгилари ташқи ёритгичлар (ташқарида жойлашган ёритгичлар) ёки ички ёритгичлар (белги ичидаги жойлашган ёруғлик манбалари) билан ёритилади. Қўчмас ёриткичлари йўқ йўлларда йўл белгилари юзаси ёруғлик қайтарувчи материаллардан ишланади.

Знаки дорожные автономные автоматические - *автоматик автоном йўл белгилари* - мураккаб йўл бўлаклари ёки қийин об-ҳаво шароитида ҳаракатланиш тартиби ҳақидаги ахборотларни кўрсатувчи белгилар. Улар метеорологик (туман, ёғингарчилик, яхмалак, шамол) шароитларда датчикларнинг сигналларига мувофиқ ишлатилади.

Знаки дорожные многопозиционные - *қўп вазиятли йўл белгилари* - ўзгарувчан ахборотларни кўрсатувчи белгилар.

Знаки дорожные на переносных опорах - *қўчма таянчлардаги йўл белгилари* - йўл ишлари олиб бориладиган ёки йўл ҳаракатини ташкил этиш схемаларига тезкор ўзгартириш киритилган жойларда қатнов қисмига ўрнатилган йўл белгилари.

Знаки дорожные управляемые - *бошқариладиган йўл белгилари* - ҳаракат шароитининг ўзгаришлари ҳақида йўл ҳаракати иштирокчиларига маълумот бериш учун фойдаланиладиган ўзгарувчи маълумотли йўл белгилари (йўлнинг юкланганлик даражаси, йўл иқлим кўрсаткичларининг ўзгариши, ЙТХ ва таъмирлаш ишларини олиб бориш).

Зона видимости - *кўриш минтақаси* - тўсиқлардан ҳоли бўлган, қатнов қисми тевааридаги юза.

Зона контролируемая - *назорат қилиб туриладиган минтақа* - йўл қатнов қисмининг бўлаги бўлиб, унинг ҳудудида детекторнинг сезги элементи транспорт воситаси келаётганлигини қайд этади.

Зона концентрации внимания - *диққатни жамлаштириш минтақаси* - транспорт воситаси олдидаги зона бўлиб, ҳайдовчининг диққат-эътибори шу зонага жалб этилган бўлади.

Зона опасная - *хавфли ҳудуд* - огоҳлантирувчи йўл белгилари билан белгиланган, аҳоли пунктдан ташқаридаги йўл бўлаги бўлиб, бу зонада ҳаракатнинг тезлик тартиби ўзгариши кутилади.

Зона пешеходная - *пиёдалар минтақаси* - шаҳар ёки аҳоли пунктидаги йўл тармоғининг қисми бўлиб, бу йўлда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ман қилинади.

Изменение направления движения - *ҳаракат йўналишининг ўзгариши* - масофадан туриб бошқариладиган светофорлар ва кўп мақсадли йўл белгилари ёрдамида тирбанд участкадан муқобил қатнов йўлига ҳаракатни йўналтириш.

Индикатор годности - *яроқлилиқ индикатори* - хавфсизлик камарларига қўшиб тўқилган махсус иплар бўлиб, уларнинг ҳолатига қараб камардан келгусида фойдаланиш яроқлилиги аниқланади.

Индикатор износа шины - *шинанинг едирилиши индикатори* - шинанинг ўта едирилиши туфайли протектор юзасида қўндаланг излар ҳосил бўлиши.

Интервал - *оралиқ (интервал)* - ёнма-ён қатнов қаторларидаги транспорт воситалари орасидаги масофа.

Интервал временной - *вақт интервали* - йўл қатнов қисмининг бир қисмида кетма-кет ҳаракатланаётган транспорт воситалари орасидаги вақт оралиғи.

Интервал движения - *ҳаракатланиш интервали* - бирин-кетин ҳаракатланадиган жамоат фойдаланиш транспорт воситалари орасидаги вақт оралиғи.

Интервал между транспортными средствами - *транспорт воситалари орасидаги интервал* - бир-бирининг орқасидан бораётган транспорт воситалари олдиндагисининг орқа нуктаси ва орқадагисининг олд нуктаси орасидаги масофа ёки вақт интервали.

Информация маршрутная - *қатнов йўли ахбороти* - очиқ жойлардаги ёки шаҳардаги қатнов йўли бўйича ҳаракатланиш имконини берадиган йўл белгилари серияси.

Искусственная неровность - *сунъий нотекислик* - йўл ўқига перпендикуляр ҳолатда жойлашган, тасма, қирра кўринишида ўрнатилган ўтиш қисмидаги маҳаллий сунъий баландлик.

Канализирование движения - *каналлаштирилган (сараланган) ҳаракат* - йўл чизиклари ёки оролчалар ёрдамида транспорт оқимининг алоҳида қисми учун йўлаклар ажратиш.

Катушка инерционная - *инерцион ғалтак* - хавфсизлик камарининг кескин тормозланиш вақтида аста-секин, эркин ўралиши ва ечилишини таъминловчи автоматик мослама.

Классификатор транспортных средств - *транспорт воситалари таснифлагичи* - транспорт воситаларини уларнинг ён томондан кўриниш шакли ва катталиги бўйича автоматик тарзда тариф синфларига ажратадиган қурилма.

Климат дороги - *йўл иқлими* - йўл ҳаракатидаги ўзаро боғлиқликлар ҳолати, уларнинг йўл ҳаракати қоидаларига мослиги.

Кнопка разметочная - *белгили тугмача* - одатда, ёруғлик тарқатувчи элементдан таркиб топган, йўл юзасининг устида турадиган тугмача.

Колонка рулевая травмобезопасная - *шикастланишдан сақловчи бошқарув колонкаси* - ҳайдовчининг кўкрак қафасини жиддий жароҳатлардан сақловчи рулдаги колонка бўлиб, ўзининг ўқи бўйича (телескопик) қисқариши натижасида зарба энергиясини ютади.

Контраст - *контраст* - объект ва фон равшанликлари фарқининг объект равшанлигига нисбати. Бошланғич контраст - кўз билан илғай олинadиган энг кам контраст.

Контролер - *назоратчи* - светофор ишини бошқарувчи автоматик қурилма.

Компонента сопротивления скольжения адгезионная - *сирғаниш қаршилигининг адгезион компоненти* - умумий сирғанишга қаршилиқнинг бир қисми бўлиб, шина протекторининг резинаси ва йўл қопламаси материалининг ўзаро тишлашиш жараёнида ҳосил бўладиган фрикцион алоқалардаги бузилишларга қаршилиқ кўринишида ифодаланади.

Комфорт акустический - *акустик комфорт* - бирор ҳудуд учун ўрнатилган шовкин меъёрларидан ошмайдиган шовкин даражаси.

Коэффициент аварийности итоговый - *якуний ҳалокатлик (авариялик) коэффициенти* - айрим ҳалокатлик (авариялик) коэффициентларининг кўпайтмаси бўлиб, бирор бир йўл бўлагидagi йўл-транспорт ҳодисаларининг эталон йўл бўлагига нисбатан нисбий эҳтимоллигини кўрсатади.

Коэффициент аварийности сезонный - *мавсумий ҳалокатлик (авариялик) коэффициенти* - айрим ҳалокатлик (авариялик) коэффициентларига (ёзда қийматлари 1,0 га тенг бўлган) тузатма коэффициент бўлиб, у ёздагига қараганда йилнинг ноқулай фаслларида ҳаракат жадаллигининг ўзгариши, йўл ҳолатининг ёмонлашуви ва йўл параметрларининг камайишини ҳисобга олади.

Коэффициент аварийности частный - айрим авариялик коэффициенти - режада бўйлама ва кўндаланг кесим элементлари ёки йўл ёқасидаги шароит ва қоплама, йўл ёқаси юзасининг сифатига асосан ҳаракат шароити ёмонлашининг эталон йўл бўлаги (2 та ҳаракат тасмаси бўлган, қатнов қисмининг эни 7,5 м ва қопламаси ғадир-будир ҳамда йўл ёқаси мустаҳкамланган, тўғри, горизонтал йўл бўлаги)га солиштирилгандаги нисбий сон кўрсаткичи.

Коэффициент безопасности - хавфсизлик коэффициенти – бирор-бир йўл бўлагидаги рухсат этилган ҳаракат тезлигининг шу йўл бўлагига кириб боришдаги мумкин бўлган максимал тезликка нисбати.

Коэффициент загрузки дороги (участка) движением - йўлнинг (йўл бўлагининг) ҳаракат билан юкланганлик коэффициенти - 1.1. бандга қаранг.

Коэффициент отражения - акс этиш коэффициенти - турли йўналишлар бўйлаб ёруғлик оқимини бир текис тарқатувчи объектнинг ёруғлик-техник тавсифномаси ва унинг кўриниш шароитларини баҳолаш учун фойдаланиладиган қайтган ёруғлик оқимининг юзага тушаётган ёруғлик оқимига нисбати.

Коэффициент яркости - ёрқинлик коэффициенти - йўл қопламаларининг ёруғлик-техник тавсифини, йўл белгиларини ва бошқа кузатиш объектларини баҳолашда фойдаланиладиган ёритилган юза ёрқинлигининг идеал ёритувчи ёрқинлигига (борий оксиди ёки магний оксидининг оқ қатлами билан қопланган юзага) нисбати.

Место стоянки - тўхташ жойи - чегараси ўтиш қисмининг жойланиши ёки белгилари билан аниқланадиган транспорт воситаларининг вақтинчалик тўхташи жойи.

Наезд на велосипедиста - велосипедчини уриб кетиш - транспорт воситаси велосипедчини уриб кетадиган ёки унинг ўзи ҳаракатланаётган транспорт воситасига келиб уриладиган йўл-транспорт ҳодисаси.

Наезд на гужевой транспорт - арава транспортига урилиш - ҳайвонларни кузатиб ёки юклаб бораётган транспорт воситасини уриб кетадиган ёки шу жониворларнинг ўзи транспорт воситасига келиб уриладиган йўл-транспорт ҳодисаси.

Наезд на пешехода - пиёдадни уриб кетиш - транспорт воситасининг одамни уриб кетадиган ёки одамнинг ўзи ҳаракатланаётган транспорт воситасига келиб уриладиган йўл-транспорт ҳодисаси. ИТХ нинг бу турига, шунингдек, пиёдаларнинг

транспорт воситалари ортиб кетаётган транспорт воситасидаги юк ёки предметлар (тахта, хода, трос, аркон)дан шикастланиши ҳам киради.

Наезд на препятствие - *тўсиқларга урилиш* - транспорт воситаларининг қўзғалмас предметларга (кўприк таянчи, симёғоч, дарахт, мачта, тўсик, қурилиш материали ва б. га)урилиши оқибатида юз берадиган йўл-транспорт ҳодисаси.

Наезд настоящее транспортное средство - *тўхтаб турган транспорт воситасини уриб (босиб) кетиш* - ҳаракатланаётган транспорт воситаси тўхтаб турган транспорт воситасини босиб кетиши ёки унга урилиши билан кечадиган ЙТХ. Бу ЙТХ турига бирданига тўхтаб қолган транспорт воситаси билан содир бўлган тўқнашув турига қирувчи ҳодисалар қўшилмайди.

Обгон - *қувиб ўтиш* - қувиб ўтувчи транспорт воситасининг ўзи эгаллаб турган қатордан чиқиб бир ёки бир неча транспорт воситасини қувиб ўтиши.

Обеспечение безопасности дорожного движения - *йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш* - автомобиль ҳаракатининг ривожланиши билан биргаликда, улар содир этадиган ЙТХларнинг сони ва оғирлик даражасини камайтириш асосий мақсади бўлган тадбирлар.

Обзор телевизионный - *телевизион кузатув* - телевизион аппаратуралар ёрдамида анча мураккаб ҳаракат шароитли йўл бўлагида кузатувлар олиб бориш.

Обзорность транспортного средства - *транспорт воситасидан кузатиш қулайлиги* - ҳайдовчи ўтирган жойидан автомобиль атрофидаги йўл ҳолатини кўриш имконияти.

Обстановка аварийная - *авариялик вазияти* - ЙТХ содир бўлиши мумкин бўлган вазият.

Обстановка дороги - *йўлнинг ҳолати (муҳити)* - йўл ҳаракатини ташкил этиш воситаларининг йиғиндиси. Йўл белгилари, йўл белги чизиклари, тўсиқлар, светофорлар.

Обустройство дороги - *йўлнинг жиҳозланганлиги* - йўл иншоотларининг мажмуи бўлиб, уларга қуйидагилар киради: автобус бекатлари, тезликни ўзгартириш тасмалари, тўхтаб туриш ва дам олиш учун мўлжалланган майдончалар, йўлни ёритиш қурилмалари, йўл алоқалари, пиёдалар ва велосипедчилар учун йўлаклар, йўл белгилари, ётиқ йўл белгилари, йўналтирувчи қурилмалар, йўл тўсиқлари, светофорлар, автоматик бошқарув тизими ва бошқалар.

Объезд - *айланиб ўтиш* - транспорт воситасининг эгаллаб турган қаторидан чиқиб, тўсиқ ёки тўхтаб турган транспорт воситасини айланиб ўтиши.

Объезд на маршруте - *йўналишидаги айланиб ўтиш* - вақтинчалик қатнов тўхтатилган йўл бўлагини айланиб ўтиш.

Огни контурные - *контур чироқлари* - белгиланган габарит энидан ошиб кетадиган транспорт воситаларига ўрнатиладиган ёруғлик сигналлари.

Огни опознавательные - *таниқлик чироқлари* - транспорт воситасининг хусусиятларини билдирувчи ёруғлик сигналлари. Масалан, юк автомобили кабинаси тепасидаги олов рангли учта чироқлар - унинг автопоездлигини билдиради.

Огни стояночные - *тўхташ чироқлари* - транспорт воситасининг ён томонидаги ёруғлик берувчи сигналлари бўлиб, олди тарафга оқ ранг, орқа тарафга қизил ранг тарқатади.

Огонь преимущественного проезда - *имтиёзли ҳаракат чироқлари* - транспорт воситасининг томига ўрнатиладиган ёниб ўчувчи чироқ бўлиб, у имтиёзли ҳаракатланиш ҳуқуқига эга.

Ограждение дорожное - *йўл тўсиғи* - йўл пойининг кўтармаси, кўприклар, йўл ўтказгичлар, эстакадалардан транспорт воситаларининг чиқиб кетмаслиги, қарама-қарши келаётган транспорт воситаси билан тўқнашмаслиги, пиёдалар ҳаракатини ташкил қилиш, пиёдалар ва ҳайвонларнинг қатнов қисмига чиқиб кетиш ҳоллари олдини олиш учун мўлжалланган қурилма. Улар пўлат, бетон, цементбетон ёки комбинацияланган синтетик материаллардан тайёрланиши мумкин. Тўсиқлар қуйидаги турларга бўлинади: тўхтатиб қолувчи - транспорт воситасини хавфли тўсиқ олдидан тўсиққа бурчак остида ёки тўғри бурчакка яқин ҳолатда тўхтатиб қолувчи қурилма; пиёдалар тўсиғи - пиёдалар оқими ҳаракатини тартибга солиш учун; кўзни камаштиришга қарши - махсус пластинкали (экран) кўринишидаги, қарама-қарши ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчиларининг кўзи қамашмаслиги учун ҳамда автомагистралда ушлаб қолувчи тўсиқлар билан ажратувчи тасмаларда фойдаланиладиган тўсиқлар; шовқинга қарши тўсиқлар - йўл ҳаракати туфайли ҳосил бўладиган шовқинни камайтирувчи тупроқли кўтармалар ёки махсус тўсиқлар (экранлар) тўсиққа ўтқир бурчак остида ҳаракатланаётган транспорт воситаларини икки тарафлама ушлаб қолувчи тўсиқлар; транспорт воситаларини бир тарафлама ушлаб қолувчи тўсиқлар. Тузилишига кўра тўсиқлар икки хил бўлади: а) ғовсимон туридаги - асосий

қисмлари тўсин ва тўсинни ушлаб турувчи тиргакдан иборат; б) девор турдаги - юза тарафи махсус қирқимга эга бўлган темир-бетон ёки узлуксиз тош девор кўринишида.

Ограничение скорости - *тезликни чеклаш* - мақсади бутун йўл тармоғида (умумий чеклаш) ёки шаҳарнинг алоҳида туманида, алоҳида йўлда ёки йўл участкасида (махаллий чеклаш) ҳаракат тезлигини пасайтиришдан иборат бўлган фаолият.

Ограничение скорости движения принудительное - *ҳаракат тезлигини мажбурий чеклаш* - мақсади ҳайдовчиларни ҳаракат тезлигини пасайтиришга мажбур қиладиган, транспорт воситалари йўлида табиий тўсиклар (сунъий нотекисликлар, хавфсизлик оролчалари, режада кўчанинг эгрилиги, кўчанинг ўтиш қисми торайиши ва ш. к.) яратишдан иборат бўлган фаолият.

Омыватель - *юевуви мослама* - автомобилнинг олди ойнаси ёки чироқларига улардаги лой ва ифлосликни кетказиш учун сув оқимини берувчи мослама.

Опора дорожного знака - *йўл белгиларининг таянчи* - йўл белгисини катнов қисмига нисбатан маълум ҳолатда ўрнатиш учун ишлатиладиган мослама. Таянчлар уч хил бўлади: 1) консолсиз - йўл белгиларини катнов қисмининг ёнига ўрнатиш учун; 2) консолли - йўл белгиларини катнов қисмининг тепасига бир ёки икки томонлама консол кўринишида ўрнатиш учун; 3) рамали - ригелдан ташкил топган таянчларга йўл белгиларини катнов йўлаклари тепасига ўрнатиш учун.

Опора осветительная - *ёритиш таянчлари* - ёриткичларни катнов қисмига нисбатан маълум ҳолатда ўрнатиш учун фойдаланадиган қурилма.

Опора ударобезопасная - *зарбадан хавфсиз таянч* - йўл белгилари ёки ёриткич таянчлари олдидан ўрнатилган таянч бўлиб, уларга келиб урилган транспорт воситалари ва ундаги йўловчиларга зарар етмайди.

Опрокидывание - *ағдалиш* - йўл транспорт ҳодисасининг бир тури бўлиб, бунда механик транспорт воситаси ўз турғунлигини йўқотиб ағдарилади. Бундай ЙТХларга тўқнашиш ёки қўзғалмайдиган тўсикка урилиш натижасида транспорт воситаларининг ағдалилиши қирмайди.

Организация дорожного движения - *йўл ҳаракатини ташкил қилиш* - йўл ҳаракатининг максимал имкониятидаги хавфсиз тезлигини таъминлаб бериш бўйича тадбирлар бўлиб, ечиладиган масалаларига кўра уч даражага бўлинади: умумдавлат даражасидаги -

йўл ҳаракатига оид қонунларни тасдиқлаш, автомобиль - ҳайдовчи - йўл - пиёда - атроф-муҳит тизимидаги қисмларга қўйиладиган талабларни стандартлаш, автомобиль ҳаракати микёсини бошқариш; идора даражасидаги - йўловчи ва юкларни ташишни ривожлантириш ва мукамаллаштириш, йўл қурилиши ва техник воситаларни ишлаб чиқариш, йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш ва ҳайдовчиларни тайёрлаш; муҳандислик хизмати даражасидаги - йўл ҳаракатини текшириш, хавфли йўл бўлакларида ҳаракат шароитини яхшилаш, йўл ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқаришнинг техник воситаларини яхши сақлаш ва уларни жорий қилиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг қоидага риоя этишларини назорат қилиш.

Освещение дорожное (уличное) - *йўл (кўча)нинг ёритилиши* - йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл иншоотларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш мақсадида сутканинг қоронғи вақтида йўлда яхши кўриш шароитини таъминлайдиган турғун ёритиш воситалари.

Освещенность - *ёритилганлик* - ёритилаётган юза бирлигига тушаётган ёруғлик оқими бўлиб, унинг ўлчов бирлиги - люкс.

Ослепление - *кўзнинг қамашиши* - ёруғлик ва қоронғиликнинг кетма-кет таъсири натижасида кўзнинг мослашуви пасайиб, объектларни илгаш хусусиятининг камайиши.

Остановка - *тўхташ* - транспорт воситасининг ҳаракатини вақтинчалик тўхтатиш (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш).

Остановка вынужденная - *мажбурий тўхташ* - техник носозлик ёки ортилган юк келтирган хавф-хатар, ҳайдовчи (йўловчи)нинг ҳолати ёки йўлда тўсиқ пайдо бўлиши туфайли транспорт воситаси ҳаракатининг тўхташи.

Островок - *оролча* - қуйидаги турдаги оролчалар мавжуд: а) хавфсизлик оролчаси - қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёдаларнинг автомобиллар ўтиб кетишини хавфсиз пойлаб туриш учун қатнов қисмида қурилади; б) ажратувчи каналлаштирилган чорраҳаларда ҳаракат тасмаларини ажратиш учун ҳамда режа ва бўйлама кесимдаги кўриниш ёмон бўлган жойларда қарама - қарши ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ажратиш учун фойдаланилади; в) марказий доира кўринишидаги чорраҳа марказида ўрнатилган оролча (1.3. бандга қаранг).

Ответчик - *жавоб қайтарувчи* - истеъмоладан тўловларни йиғиш пости ёки йўлда юришни қайд қилувчи пост ўртасида узлуксиз алоқани таъминлаш учун ва тўловларни йиғишнинг автоматик технологияларидан фойдаланиш шароитида йўлдан

юришга доир тўловлар бўйича жараёнларни амалга ошириш учун мўлжалланган штрихкодли маркерли кўринишдаги, транспорт воситаси ичига ўрнатилган қурилма.

Падение пассажира - *йўловчининг йиқилиб тушиши* - йўл-транспорт ҳодисасининг бир кўриниши бўлиб, бунда йўловчи ҳаракатланаётган транспорт воситасидан йиқилиб тушади. Бу ЙТХ турига йўловчининг механик транспорт воситаси кузовидан ағанаб тушишини ҳам қўшиш мумкин.

Парапет - *парапет* - девор - кўприклар, дарё бўйидаги ва тоғлик жойлардаги йўлларда тўсиқ сифатида қўлланиладиган баланд бўлмаган девор.

Пассажир - *йўловчи* - транспорт воситасидаги (ҳайдовчидан ташқари) шахс.

Перегрузка инерционная - *инерцион ўта юкланганлик* - жисм тезланиши (секинлашиши)нинг эркин тушиш тезланишига нисбати.

Перегрузка ударная - *зарбадан ўта юкланганлик* - инерцион юкланганлик бўлиб, ЙТХсида унинг таъсир вақти 1 с дан ошади.

Перекресток - *чорраҳа* - чорраҳалар бошқарилмайдиган (бошқарувчисиз, светофорсиз ёки светофор ўчирилган) ва бошқариладиган, бунда ҳаракат тартиби светофор ёки бошқарувчи ишораси билан олиб бориладиган бўлиши мумкин.

Переплетение потоков движения - *ҳаракат оқимларининг кесишуви* - бир йўналишда кетаётган ҳаракат оқимларининг ҳаракат йўлакларини алмаштириб, ўзаро кесишуви.

Период неуправляемости - *бошқара олмай қолиш даври* - нотўғри олиб борилган фаолият натижасида ҳайдовчининг транспорт воситасини бошқара олмай қолиш даври. Бунга транспорт воситаларининг ҳалокати, йўлнинг махсус ҳолати ёки об-ҳавонинг бирданига ёмонлашуви сабаб бўлиши мумкин.

Пешеход - *пиёда* - йўлда транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва иш билан банд бўлмаган шахс. Велосипед, мопед, мотоцикл, чана, арава, болалар ҳамда ногиронлар аравачасини етаклаб кетаётган шахслар, ногиронлар аравачасида етакчисиз ҳаракатланаётган шахслар ҳам пиёда ҳисобланадилар.

Плавность хода - *юриш раванлиги* - ҳаракатнинг қулайлик кўрсаткичи.

Плотность потока - *оқимнинг зичлиги* - бир метр узунликдаги ҳаракат йўлагига ҳаракатланаётган автомобиллар сони билан белгиланадиган транспорт оқимининг зичланганлик кўрсаткичи.

Пиёдалар учун - 1 м² пиёдалар йўлагига тўғри келадиган кишилар сони.

Переход пешеходный - *пиёдалар ўтиш жойи* - 1.4. бандга қаранг.

Поворачиваемость автомобиля избыточная - *автомобилнинг ортиқча бурилувчанлиги* - Автомобиль бурилувчанлигининг етишмаслиги - олд гилдиракнинг орқа гилдиракка нисбатан кўпроқ ёнлама силжиши натижасида автомобилнинг берилган радиусдан катта радиусли траекторияда ҳаракатланиши.

Погибший при дорожно-транспортном происшествии - *йўл транспорт ҳодисасида ҳалок бўлган* - йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойда ёки йўл-транспорт ҳодисасидан олинган жароҳатлар туфайли 7 сутка ичида ҳалок бўлган инсон.

Подголовник - *бош қўйғич* - автомобилнинг кескин тезланиши, тўқнашуви ва орқасидан келиб урилиши натижасида бўйин умуртка поғоналарининг шикастланиши олдини олиш мақсадида ўриндиқ юқорисига ўрнатиладиган мослама.

Подушка безопасности надувная - *пуфланадиган хавфсизлик ёстиқчаси* - йўл-транспорт ҳодисалари ёки автомобилнинг кескин тўхташи рўй берганида ҳайдовчи ва автомобилдаги йўловчиларнинг ўринларида хавфсиз қолишлари учун мўлжалланган махсус пуфак бўлиб, у дарҳол баллон ёки газ генераторидан газ билан тўлдирилади.

Покрытие дорожное освещенное - *ёритилган йўл қопламаси* - коронғи пайтда ҳаракат хавфсизлигини ошириш мақсадида таркибига табиий ёруғлик қайтарувчи ёки сунъий тош материаллар (синопал, термит) қўшиб тайёрланган қоплама.

Полоса безопасности - *хавфсизлик тасмаси* - 3.2. бандга қаранг.

Полоса движения - *ҳаракат тасмаси* - 1.3. бандга қаранг.

Полоса движения дополнительная - *қўшимча ҳаракат тасмаси* - 1.3. бандга қаранг.

Полоса краевая - *чекка тасма* - 1.3. бандга қаранг.

Полоса местного движения - *маҳаллий ҳаракат тасмаси* - аҳоли пункти ҳудудидаги ҳаракат тасмаси бўлиб, маҳаллий транспорт ҳаракати учун мўлжалланган.

Полоса обгона - *қувиб ўтиш тасмаси* - йўл чизиғи билан ажратилган ҳаракат тасмаси бўлиб, қувиб ўтиш учун мўлжалланган.

Полоса переходно-скоростная - *тезликни ўзгартириш тасмаси* - 1.3. бандга қаранг.

Полоса разгона - тезланиш тасмаси - 1.3. бандга қаранг.

Полоса разделительная - ажратиш тасмаси - 1.3. бандга қаранг.

Полоса реверсивная - *реверсив тасма* - ҳаракат йўналишини ўзгартиришга имкон берадиган тасма - қатнов қисмининг алоҳида тасмаси бўлиб, бу тасмада ҳаракат йўналишини қарама-қарши тарафга ўзгартириш мумкин. Бу тасмалардаги ҳаракат махсус светофорлар орқали бошқарилади.

Полоса торможения - *секинлашиш тасмаси* - 1.3. бандга қаранг.

Полосы трясушие - *силкитадиган тасмалар* - қатнов қисми юзасидаги кўндаланг тасмалар бўлиб, улар йирик, ғадир-будир, юзага ишлов бериш орқали бажарилади. Бу тасмалардан ҳаракатланганда, транспорт воситасида тебраниш ва шовкин ҳосил бўлади. Бу эса хайдовчиларнинг диққат-эътиборини кучайтиришга сабаб бўлади.

Порог звукового давления - *бошланғич товуш таъсири* - инсон қулоғи товуш сифатида қабул қиладиган энг кичик катталиқдаги товуш таъсири. Халқаро келишувга мувофиқ бошланғич товуш таъсири $2 \times 10^{-5} \text{Н/м}^2$ га тенг деб белгиланган.

Посадки барьерные - *тўсиқ кўчатлари* - йўлни эски йўналишда давом эттириш мумкин эмаслигини билдириш мақсадида дарахтлар ва бутасимон кўчатларни экиш.

Посадки направляющие - *йўналтирувчи кўчатлар* - йўлдаги бурилишлар ва йўлнинг қиялиги ҳақида тасаввур берувчи дарахт ва буталарни йўл бўйлаб ўтқизиш.

Потеря от дорожно-транспортных происшествий - *йўл транспорт ҳодисаларидан кўриладиган зарарлар* - транспорт воситалари, юкларнинг ишдан чиқиши ва инсонлар жароҳат олиши натижасида халқ хўжалигига етказиладиган зарарлар (бевосита) ҳамда жабрланувчиларнинг моддий ва маданий ишлаб чиқариш доирасидан қисман ёки бутунлай ажралиши туфайли кўриладиган зарарлар.

Правила дорожного движения - *йўл ҳаракати қоидалари* - республика ҳудудидаги йўллар ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши мумкин бўлган барча жойларда йўл ҳаракати тартибини белгилаб берувчи ягона ҳужжат.

«Предел терпеливого ожидания» - *сабр билан кутиш чегараси* - 30 сония атрофидаги вақт бўлиб, бу вақт ўтгандан сўнг светофорнинг чироғига қарамасдан йўлни кесиб ўтишга ҳаракат қилувчи инсонларнинг сони кўпайиб кетади.

Преобразователь микрокесимья динамический - *динамик микропрофилни ўзгартириб берувчи* - принципдаги асбоб бўлиб, йўлнинг микропрофилини электр сигналларига айлантириб беради.

Преступление дорожно-транспортное - *йўл транспорт жинояти* - жиноий жавобгарликка тортиладиган йўл-транспорт ходисаси.

Прибор «барьер» - *“тўсиқ” асбоби* - радиолокацион ўлчагич бўлиб, ҳаракатланаётган транспорт воситаси тезлигини сонли индикатор билан ўлчаб беради.

Прибор «контроль трезвости» - *ҳушёрликни текишириш асбоби* - чиқарилаётган нафас таркибидаги алкоголь бугларини ўлчовчи асбоб бўлиб, у индикатор трубкаси, реагент, респиратор баллони ва мундштукдан ташкил топган.

Прогиб ограждения динамический - *тўсиқларнинг динамик эгилувчанлиги* - автомобилнинг тўсиққа келиб урилишида деформацияланмаган тўсиқ тўсини ўқига нисбатан тўсиқ тўсини бўйлама ўқининг кўндаланг йўналишда энг кўп горизонтал силжиши.

Поток транспортный - *транспорт оқими* - йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг йиғиндиси. Оқимлар ҳаракатланиш ҳолатига кўра қуйидаги турларга бўлинади: а) эркин - транспорт воситаларининг ҳаракат тартибига ўзаро таъсир кўрсатмайдиган оқим. б) қисман боғланган - бундай оқимда транспорт воситалари гуруҳлар кўринишида ҳаракатланади ва кўп қувиб ўтишлар содир бўлади; в) боғланган - бу оқимда автомобиллар орасидаги катта интервал сақланган ҳолда, қувиб ўтишлар анча қийин; г) зич оқим - бу оқимда ҳаракатланиш қувиб ўтишларсиз, кичик тезликда, баъзида тўхтаб қолиш билан кечади.

Прибор «ПЕГАС» (ГБКЭА) - газ бирикмаларнинг кўчма экспресс анализатор асбоби бўлиб, чиқарилган нафас таркибида алкоголь бугларининг мавжудлигини аниқлаш учун мўлжалланган.

Прибор «Фара» - *ёруғлик сигнали билан ишловчи асбоблар* - транспорт воситасининг бурилиши ва секинлашишини кўрсатувчи асбоблар.

Прицеп динамометрический - *динамометрик тиркама* - йўл ва ғилдирак орасидаги ўзаро таъсирлар натижасида ҳосил бўладиган кучланишларни ўлчовчи тиркама асбоб.

Пропускная способность дороги - *йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти* - икки турга бўлинади: а) назарий ўтказувчанлик қобилияти - фақат енгил автомобиллардан ташкил топган транспорт оқимидаги автомобилларнинг доимий интервалида горизонтал йўл

бўлаги учун ҳисоблаб топилади; б) амалдаги йўлнинг ўтказувчанлиги белгиланган вақтда маълум йўл бўлагида берилган ҳаракат тезлиги ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда транспорт воситаларининг ўтиши мумкин бўлган максимал сони (1.1.бандга қаранг).

Пространство жизненное - *ҳаётий бўшлиқ* - йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганида ўриндиқда хавфсизлик камари билан боғланган инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун керак бўладиган транспорт воситаси салони ёки кабина ичидаги минимал бўшлиқ.

Профилограф дорожный - *йўл профилографи* - йўлнинг микропрофилини қайд қилувчи асбоб.

Профиль дороги поперечный безопасный - *хавфсиз кўндаланг йўл кесими* - транспорт воситаси йўлдан ағдарилиб тушмасдан раван юриб тушиши учун ён қияликка силлиқлаб туташтирилган йўлнинг кўндаланг кесими.

Пункт населенный - *аҳоли пункти* - уй-жой иншоотлари қурилган ҳудуд бўлиб, (шаҳар, посёлка, қишлоқ ва шу каби) бу ҳудудга кириш ва чиқиш олдидан автомобиль йўли зарурий йўл белгилари билан жиҳозланади.

Пункт (станция) сбора платы за проезд - *йўлдан ўтганлик тўловини йиғиш пункти (станцияси)* - пулли автомобиль йўли (йўл объекти)га кириш ва (ёки) чиқишларни назорат қилиш, йўлдан ўтганлик учун тўловларни йиғиш ва юриш талони (билети)ни бериш учун мўлжалланган ва бино, иншоот, майдонча, махсус жиҳозларни ўз ичига оладиган мулкый мажмуа.

Пункт управляющий автоматизированной системой управления движением - *ҳаракатни автоматик тизим билан бошқариш пункти* - йўл ҳаракатини автоматик бошқариш тизимларининг периферик қурилмаларига бошқарув таъсирини марказлашган ҳолда қайта ишлаб узатиш учун мўлжалланган жиҳозлар мажмуи.

Путь остановочный - *тўхташ йўли* - ҳайдовчи томони-дан хавф сезилгач, транспорт воситасининг тўлиқ тўхташигача кетган вақт ичида босиб ўтилган йўл.

Путь торможения - *тормозланиш йўли* - транспорт воситаларининг тезлигини тормоз қурилмалари ёрдамида камайтириш давомида босиб ўтилган йўл.

Рабочая ширина зоны взаимодействия автомобиля и ограждения (рабочая зона) - *тўсиқ ва автомобилларнинг ўзаро таъсири минтақаларининг ишчи кенлиги (ишчи минтақаси)* -

тўсикка келиб урилган юкли автомобиль кузовининг ёки тўсикнинг ўзининг кўндаланг йўналишда деформацияланмайдиган тўсик тўсини юза томонига нисбатан энг кўп горизонтал силжиши.

Равномерность освещенности - *ёритилганликнинг бир текислиги* - юзанинг энг кўп горизонтал ёритилганлигининг ўртача нисбати.

Равномерность яркости - *ёрқинликнинг бир текислиги* - ёритилган юза нуқталаридан бирининг энг кам ёрқинлигининг мазкур юзанинг ўртача ёрқинлигига нисбати.

Радиус качения колеса - *гилдиракнинг тебраниш радиуси* - гилдиракнинг илгариланма тезлиги бўйлама ташкил этувчининг гилдирак бурчакли тезлигига нисбати орқали аниқланади.

Радиус поворота габаритный - *габаритли бурилиш радиуси* - транспорт воситаси сиғиши мумкин бўлган бурилишдаги айлананинг минимал радиуси.

Разделение транспортного потока - *транспорт оқимининг ажралиши* - транспорт оқимидаги бир қисмнинг ҳаракат йўналишини ўзгартириши.

Разметка вертикальная - *вертикал белги чизиги* - йўл иншоотларига чизиладиган оқ ва қора чизиклар бирикмаси кўринишидаги белгилар ва йўл жиҳозларининг уларнинг габаритини кўрсатувчи ва кўз билан мўлжаллаш воситаси бўлиб хизмат қилувчи элементлари.

Разметка горизонтальная - *горизонтал белги чизиги* - ҳаракатнинг муайян тартиб ва режимини ўрнатадиган, йўлнинг ўтиш қисмига чизиладиган (чизиклар, стрелкалар, ёзувлар ва бошқа) белгилар.

Разметка дорожная - *ётиқ йўл белгилари* - йўлнинг қатнов қисмида, бордюр ҳамда йўл иншоотлари ва жиҳозларининг қисмларида мустақил равишда ёки йўл белгилари ва светофорлар билан биргаликда қўлланиладиган ёзув ва йўл чизиклари. Ётиқ йўл белгилари икки хил бўлади: а) вертикал йўл белги чизиклари - йўл жиҳозлари ва қисмларига чизилади; б) горизонтал йўл белги чизиклари - йўл қатнов қисмига чизилади.

Разъезд встречный - *қарама-қарши ҳаракатни ажратиши* - транспорт воситаларининг қарама-қарши йўналишда ва ёнма-ён қаторларда ҳаракатланиши.

Район управления дорожным движением - *йўл ҳаракатини бошқариши ҳудуди* - светофор сигналлари ва бошқариладиган

белгиларнинг таъсир доирасидаги ҳамда йўл ҳаракатини автоматик тизим билан бошқариш камровидаги йўл бўлақларининг йиғиндиси.

Раненый при ДТП - ЙТХда жароҳат олганлар - касалхонага ётказилиши ёки биринчи тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг амбулатор даволаниши лозим бўлган, ЙТХда жароҳат олган транспорт ҳаракати қатнашчиси.

Рассеиватель - тарқатувчи - фара чироғи ёруғлигини тарқатиб берувчи мураккаб шиша линза.

Расстояние видимости - кўриш масофаси - 1.1.бандга қаранг.

Регулирование движения координированное - ўзаро мувофиқлашган ҳаракатни бошқариш - асосий йўл-транспорт воситаларининг эркин ҳаракатини таъминлайдиган светофор чироқларининг автоматик ўзгариши.

Регулирование дорожного движения - йўл ҳаракатини бошқариш - транспорт воситаларининг оптимал тезлиги, транспорт ва пиёдалар оқимининг хавфсиз ҳаракатланишларини таъминлаш мақсадида йўл белгилари, ётиқ йўл белгилари, светофорлар, ЙПХ нозирлари ёрдамида йўл ҳаракати қоидаларида белгиланган тартибга кўра йўл ҳаракати иштирокчиларига таъсир кўрсатиш ишларининг йиғиндиси.

Регулятор тормозных сил - тормоз кучини тартибга солиб турувчи асбоб - автомобилларнинг тормоз узатмасидаги автоматик қурилма бўлиб, орқа гилдираклар тормозларининг ишчи цилиндрларидаги босимни чеклаш йўли билан уларнинг тўлиқ тўхтаб қолишини бартараф этади.

Режим гибкого регулирования - ўзгарувчан бошқарув тартиби - светофорнинг иш тартиби бўлиб, бунда унинг чироқлари чорраҳада транспорт воситаларининг бор ёки йўқлигига кўра автоматик тарзда ёниб ўчади. Транспорт воситалари мавжудлиги ҳақидаги маълумот қатнов қисми тепасидаги ёки қопламада жойлаштирилган махсус датчиклар (транспорт детекторлари) ёрдамида аниқланади.

Режим «желтое мигание» - сариқ чироқнинг ўчиб-ёнувчи тартиби - светофорнинг иш тартиби бўлиб, бунда барча ҳаракат йўналишлари учун сариқ чироқ ўчиб-ёнади. Шу тартибда ҳайдовчиларнинг диққат-этиборларини оширишлари огоҳлантирилади.

Режим жесткого регулирования - қаттиқ бошқарув тартиби - светофорнинг иш тартиби бўлиб, светофорнинг чироқлари

берилган дастурга катъий асосланиб, бирор бир ўзгаришларсиз автоматик равишда ёниб ўчади.

Режим «зеленая волна» - *«яшил тўлқин» тартиби* - светофорнинг ишлаш тартиби бўлиб, транспорт воситаларининг берилган йўналишда, белгиланган тезликда, тўхтовсиз ҳаракатланиш имконияти таъминланади.

Режим «зеленая улица» - *«яшил кўча» тартиби* - светофорнинг ишлаш тартиби бўлиб, транспорт воситаларининг берилган йўналишда, хоҳлаган тезликларда тўхтовсиз ҳаракатланишлари таъминланади.

Режим регулирования дорожного движения - *йўл ҳаракатини бошқариш тартиби* - алоҳида тактлар, фазалар ва светофор чироқларининг ёниш цикллари давомийлиги ва алмаштирилиш тартиби.

Режим ручного регулирования - *қўл билан бошқариш тартиби* - светофорнинг иш тартиби бўлиб, унинг чироқлари ёниб ўчишини бошқарувчи бошқаради.

Режим холостого хода - *бўш юриш тартиби* - двигателнинг иш тартиби бўлиб, тирсакли вал юкламасиз, минимал частотада айланади. Чикаётган газ таркибида углерод оксидининг юкори даражада кўп бўлиши билан ажралиб туради.

Ремень безопасности - *хавфсизлик камари* - йўл транспорт ходисаларида транспорт воситасидаги ҳайдовчи ва йўловчиларни ўз жойларида ушлаб қолиш учун мўлжалланган эластик лента.

Ровность дороги - *йўлнинг равонлиги* - транспорт воситасининг ғилдираги ва кузовининг тебранишига сабаб бўлувчи, йўл нотекисликлари орқали аниқланадиган йўл сифати.

Свет ближний - *яқинни ёритувчи чироқ* - транспорт воситасининг олди қарама-қарши ҳаракатланаётган транспорт фараси ёки кўчмас чироқлар билан ёритилганда фойдаланиладиган чироқ нурлари тутами ёки чироқлар комплекти.

Свет дальний - *узоқни ёритувчи чироқ* - транспорт воситасидан узоқроқ масофани қарама-қарши ҳаракат бўлмаганда ва кўчмас чироқлар билан йўл ёритилмаганда фойдаланиладиган чироқ нурлари тутами ёки чироқлар комплекти.

Световозвращатель - *ёруғлик қайтарувчи* - ёруғлик нурларини қайтарувчи бўлиб, унга тушаётган ёруғлик нурлари ўзининг тушаётган бурчагини ўзгартирган ҳолда қарама-қарши йўналишда қайтарилади.

Светофор - *светофор* - ёруғлик сигналлари билан йўл ҳаракатини бошқарувчи қуролма. Улар қуйидаги кўринишларда бўлади: а) кириш светофорлари - чорраҳага киришда; б) чиқиш светофорлари - чорраҳадан чиқишда; в) қайтариловчи светофор - ҳайдовчининг кўзи сатҳида жойлаштириладиган, кичик ҳажмли светофор; г) пиёдалар светофори - пиёдалар оқимини бошқарувчи икки хил рангдаги светофор.

Система АРДАМ - «АРДАМ» тизими -ҳаракат жадаллиги 20 минг авт/сут дан ошувчи I-тоифали автомобиль йўлларида қўлланиладиган автоматлаштирилган бошқарув тизими бўлиб, унинг ёрдамида автомагистралларга кириш, реверсив ҳаракатланиш бошқарилади ҳамда қишки ва жорий таъмирлаш ишлари, йўл авария хизматлари бошқариб борилади.

Складывание автопоезда - *автопоездларни йиғиши* - тягач ва тиркамаларнинг ўзаро жойлашуви бўлиб, бунда уларнинг бўйлама ўқи режада бурчак остида бўлади.

Скольжение колеса - *ғилдиракнинг сирганиши* - таянч юзасига нисбатан ғилдиракнинг барча нукталарининг бир вақтда силжиши. Бўйлама ва ёнлама сирганиш бўлади.

Слияние потоков движения - *ҳаракат оқимларининг қўшилиши* - бир ёки бир неча ҳаракат оқимларининг бир оқимга қўшилиши.

Смена полосы движения - *ҳаракат тасмасини ўзгартириши* - ҳаракатланаётган транспорт воситасининг йўналишини ўзгартирмасдан, ёнидаги ҳаракат тасмасига ўтиши.

Сопротивление дорожного покрытия скольжению шины - *йўл қопламасининг шина сирганишига қаршилиги* - ғилдирак сирғанаётганида шина ва қоплама орасидаги куч таъсирларининг адгезион ва гисторезис ташкил этувчилари йиғиндиси.

Состав транспортного потока – *транспорт оқимининг таркиби* - транспорт оқимидаги ҳар хил транспорт воситаларининг сонли нисбати.

Состояние окружающей среды - *атроф-муҳитнинг ҳолати* - белгиланган вақт учун иқлим шароитларининг йиғиндиси.

Средства ограждающие - *тўсиқ воситалари* - йўл ишлари олиб борилаётган жойни тўсиш учун фойдаланиладиган тўсиқлар - кўчма барьерлар, конуслар ва ҳар хил рангли байроқчалар осилган арқон ва занжирлар.

Стекло лобовое панорамное - *панорамали пешойна* - транспорт воситасининг кузови ёки хайдовчи кабинаси олдидаги олд ойна бўлиб, горизонтал бўйича 180° атроф кўринишни таъминлайди.

Стекло лобовое типа «Триплекс» - *«Триплекс» туридаги пешойна* - транспорт воситасининг кузови ёки хайдовчи кабинаси олдидаги олд ойна бўлиб, у иккита текисланган ойна орасига юпка шаффоф пленка ўрнатиб ясалган. Бу пленка ойнанинг парчаланганда ҳосил бўладиган зарраларини ушлаб қолади.

Стеклоочиститель - *ойна тозалогич* - пешойна ва орқа ойнадаги кўринишни яхшилаш учун уни чанг, лой ва ифлосдан тозаловчи мослама.

Стеглосфера - *ойнали доира* - фара ёруғида йўл белгилари ва ишораларининг кўринишини таъминлаш учун фойдаланиладиган шаффоф ойнали юмалоқ шарлар

Стойка ограждения - *тўсиқ устуни* - тўсиқни ушлаб турувчи ғов тўсини ва кронштейнни унга монтаж қилиш учун тиргак бўлиб хизмат қиладиган ва йўл пойига, кўприк иншоотларининг ўтиш қисми плиталарига ёки ўтиш плитасига маҳкамланадиган тўсиқнинг вертикал элементи.

Столбики направляющие (сигнальные) - *йўналтирувчи сигнал устунлар* - ҳаракат иштирокчиларининг йўналишни аниқлашига ёрдам берувчи устунлар. Йўл ёқасида эгри чизиқ доирасида ва бирон бир хавфнинг таъсир ҳудудида ўрнатилади.

Столкновение - *тўқнашув* - ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг ўзаро ва темир йўлларининг ҳаракат таркиби билан тўқнашуви кўринишидаги йўл транспорт ходисаси. Бу ЙТХ турига тўсатдан тўхтаб қолган транспорт воситаси (светофор олдида, техник носозлиги туфайли ҳаракати тўхтаб қолган) билан тўқнашиш ҳамда тўхтаб турган транспорт воситаси билан темир йўлда ҳаракатланувчи локомотивнинг тўқнашуви ҳам киритилади.

Стоп-линия - *тўхташ чизиги* - транспорт воситасининг тўхташ чизиги олдида вақтинча туриши. Бу тўхтаб туриш йўловчиларни тушириб чиқариш ва юкларни ортиб тушириш билан боғлиқ эмас.

Стоянка - *тўхташ жойи* - агар бу йўловчиларнинг тушиши ва чиқиши ёхуд юк ортиш ва тушириш билан бевосита боғлиқ бўлмаганда кўпи билан 5 мин муддатга транспорт воситасининг тўхташи.

Стоянка автомобильная (автостоянка) - *автомобиль турар жойи* - аҳоли пунктларидан ташқарида автомобилларнинг тўхташи ва қисқа муддатли туриб қолиши учун жиҳозланган майдонча ёки ўтиш қисмининг кенгайтирилиши ёки аҳоли пунктидаги махсус жиҳозланган майдонча.

Стратегия управления дорожным движением - *йўл ҳаракатини бошқариш стратегияси* - мавжуд ресурслардаги транспорт воситаларидан фойдаланиб, катта тезликдаги хавфсиз йўл ҳаракатини таъминлаш мақсадида муҳандислик- ташкилий ва бошқарув ечимларини танлаш таклифи.

Съезд левоповоротный - *чапга бурилиш йўли* - 1.3. бандга қаранг.

Съезд правоповоротный - *ўнга бурилиш йўли* - 1.3. бандга қаранг.

Съезд противоаварийный - *аварияга қарши йўл* - 1.3. бандга қаранг.

Такт светофорной сигнализации основной - *светофор сигнализининг асосий такти* - транспорт ёки пиёдалар оқимининг ҳаракатланиши рухсат этиладиган такт.

Такт светофорной сигнализации - *светофор сигнализининг такти* - вақт оралиғи бўлиб, бу пайтда ёқилган светофор чироқлари ўзгармайди.

Тахограф - *тахограф* - аниқ вақт давомида (смена, сутка) транспорт воситасининг ҳаракат тезлигини қайд қилувчи асбоб.

Тахометр - *тахометр* - айланиш частотасини ўлчовчи асбоб (масалан, чиқарилаётган газ таркибидаги углерод оксидининг энг кам қийматини бошқаришда, ишламасдан ҳаракатлантириш тартибида ички ёнув двигателининг тирсакли вали айланиши).

Толчкомер - *силкиниш ўлчагичи* - автомобиль орқа кўпригининг унинг кузовига нисбатан вертикал силжишини қайд қилувчи асбоб, қопламанинг раёнлигини баҳолаш учун фойдаланилади.

Торможение - *тормозлаш* - транспорт воситасининг тезлигини мажбурий камайтириши ёки уни тўхтатиш жараёни. Тормозлашнинг қуйидаги турлари мавжуд: а) тўлиқ - транспорт воситасини тўлиқ тўхтатиш; б) ишчи - транспорт воситасининг тезлигини бошқариш мақсадида тормозлаш; в) хизмат тормозлаш - бунда секинлашув микдори 3 м/с^2 дан ошмайди; г) тўхташ - транспорт воситасини силжимайдиган ҳолатда ушлаб туриш учун

тормозлаш; д) фавқулудда ҳолатларда - транспорт воситасининг тезлигини иложи борица тезроқ камайтириш мақсадида тормозлаш.

Тормоз-замедлитель - *тормозни секинлатувчи* - транспорт воситасининг хизмат юзасидан тўхтамасдан тезликни пасайтириши.

Точка конфликтная - *конфликт нуқтаси* - ҳаракат оқимларининг кесишиш, қўшилиш ва ажралиш нуқталари.

Транспортное гужевое средство - *аравали транспорт воситаси* - от ва бошқа жониворлар ёрдамида ҳаракатланадиган чана ва аравалар.

Транспортное механизированное средство - *механизацияланган транспорт воситаси* - юргизгич (двигатель) билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама трактор ва ўзиюрар мосламаларга ҳам тааллуқлидир. Буларга осма двигателли велосипедлар, двигателининг ишчи ҳажми 50 см³ дан ва энг юқори тезлиги 40 км/с дан кичик бўлган мопедлар, трамвай, троллейбус, трактор, мото-арава, мотопарта ва бошқа ўзиюрар машиналар кирмайди.

«Треугольник видимости» - *кўриш учбурчаги* - чорраха ёки бир сатҳли кесишувдаги кўриш ҳудуди.

Туман - *туман* - ҳавода майда, кўз билан илғаб бўлмайдиган сув заррачаларининг мавжудлиги, буғ ҳолатда горизонтал кўриниш 1000 метрдан кам бўлади.

Тумба выращающаяся - *айланадиган тумба (устунча)* - вертикал устун шаклидаги тўсувчи мослама.

Тумба с искусственным освещением - *сунъий ёритилган устунча* - ярим шаффоф ойнали ёки пластмассали ичи ковак қутидан иборат бўлган ва ичига электр таъминоти манбаидан таъминланган электр чироғи ўрнатилган йўналтирувчи қурилма: хавфсизлик оролчаларида баландроқда ўрнатилади ва сутканинг қоронғи вақтида оролчаларга, ажратувчи тасмаларнинг бошланғич участкаларига, транспорт тоннелларининг тирговуч деворларига йўналтирилади, кўришни яхшилаш учун фойдаланилади.

Увод колеса боковой - *ғилдиракнинг ёнлама тойиши* - ёнлама сирғанмасдан айланаётган ғилдиракнинг кўндаланг текисликда силжиши.

Удар - *зарба* - динамик юк бўлиб, урилаётган жисм тезлигининг кескин камайиши натижасида ҳосил бўлган инерция кучи таъсирини ифодалайди.

Удерживающая способность ограждения - *тўсиқларнинг тутиб қолиш хусусияти* - автомобилнинг ағдарилиши ва унинг ўтиш

қисмидан четга катта бурчак остида чиқиб кетиши олдини оладиган, ҳайдовчилар ва йўловчиларга нисбатан йўл қўйилган ортик даражадаги инерцион оғирлик таъсири билан биргаликда унга келиб урилган автомобиль энергиясини тўсиқнинг тарқатиб юбориш хусусиятини характерлайдиган кўрсаткич. Алоҳида йўл шароитларида ҳар хил турдаги йўл тўсиқларининг тутиб қолиш хусусияти тўсиқнинг йўл қўйилган динамик эгилишини ва тўсиқ ҳамда автомобилнинг ўзаро таъсири минтақасининг максимал ишчи кенглигини ҳисобга олиш билан аниқланади. Тўсиқларнинг тутиб қолиш қобилиятининг ўнга даражаси белгиланган.

Удостоверение водителя - *ҳайдовчи гувоҳномаси* - транспорт воситасининг маълум бир турини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

Управление дорожным движением диспетчерское - *йўл ҳаракатини бошқариш диспетчерлиги* - йўл ҳаракатини бошқарувчи сменалар, иш бошқарувчи ускуналар ишига диспетчер орқали тезкор ўзгартиришлар киритиш.

Управление дорожным движением - *йўл ҳаракатини бошқариш* - йўл ҳаракатланиш тартибининг энг қулай ва маъқул шакллари яратиш бўйича тадбирлар мажмуи.

Управляемость транспортного средства - *транспорт воситасининг бошқарувчанлиги* - ҳайдовчининг кучини энг кам сарфлаган ҳолда транспорт воситасининг ҳаракат йўналишини ўзгартириши ёки ўз йўналишида давом этиши.

Уровень загрузки дороги движением - *йўлнинг ҳаракат билан юкланганлик даражаси* - 1.1. банддаги “Йўлнинг юкланганлик коэффициентини”га қаранг.

Уровень шума - *шовқин даражаси* - шовқин босимининг даражаси бўлиб, ўлчанаётган шовқин босимининг иккиланган ўнли логарифмли шовқин босимининг ноль даражадаги нисбати орқали топилади.

Уровень шума эквивалентный - *эквивалент шовқин даражаси* - доимий, кенг тасмадаги шовқин даражаси бўлиб, доимий бўлмаган шовқин каби таъсир кўрсатади.

Уровень удобства движения - *ҳаракатнинг қулайлик даражаси* - транспорт оқимининг сифатини кўрсатувчи ҳолат бўлиб, бунда ҳайдовчиларнинг иш шароитлари ҳамда аниқ авариялилиқ даражаси белгиланади.

Условия дорожного движения - *йўл ҳаракатининг шароити* - транспорт воситаси ҳаракатланаётган йўлдаги реал шароит (йўл шароити, транспорт оқими, атроф-муҳитнинг ҳолати).

Условия дорожные - *йўл шароитлари* - йўл ҳаракатининг шароитига бевосита таъсир кўрсатадиган йўлнинг геометрик параметрлари, транспорт-фойдаланиш сифатлари, йўл қопламаси, жиҳозлаш қисмларининг йиғиндиси.

Устойчивость транспортного средства - *транспорт воситасининг барқарорлиги* - транспорт воситасининг берилган йўналишини сақлаб, ағдарилмасдан (қўндалангига ва бўйлама) ва ёнлама силжимасдан ҳаракатланиш хусусияти.

Устройства направляющие - *йўналтирувчи қурилмалар* - йўлнинг жиҳозлаш қисмлари (йўналтирувчи устунлар, ички томони ёритилган тумбалар, таёқлар, йўл чизиқлари) бўлиб, ёмон об-ҳаво шароитларида ва, айниқса, сутканинг қоронғи вақтида ҳайдовчиларнинг атроф-муҳитни яхши англаб олишлари учун мўлжалланган.

Устройство противоблокировочное - *блокировкага қарши қурилма* - автомобилнинг хизмат юзасидан, фавқулодда ёки сирғанчиқ қопламаларда тормозланганда, унинг битта ёки барча ғилдиракларининг умуман тўхтаб қолиши олдини олувчи автоматик қурилма.

Устройство противоугонное - *олиб қочишга қарши қурилма* - транспорт воситаси двигателининг бегона шахс томонидан юритилиши олдини оладиган ёки транспорт воситасининг бир ва бир неча бошқарув органлари ишлашини тўхтатиб турадиган қурилма.

Утомление - *толиқиш* - диққат-эътиборнинг камайиши, ҳаракатни бошқаришнинг тарқоқлиги, уйқучанлик каби организмнинг физиологик ҳолати.

Участник дорожного движения - *йўл ҳаракати иштирокчиси* - йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситаси ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс.

Участок ограждения начальный (концевой) - *тўсиқнинг бошланғич (охирги) участкаси* - тўсиқнинг каттиқ қўндаланг кесилган участкасига автомобилнинг урилиши олдини олиш мақсадида думалоқ шаклдаги учлик билан ёки йўл пойи қирғоғи четига тўсиқ (панжара) қуриш билан ва балка ёки панжаранинг юқори четини ер сатҳигача пасайтириш билан таъминланган тутиб қолувчи тўсиқ участкаси.

Участок ограждения переходный - *ўтувчи тўсиқ участкаси* - кўприк иншоотларининг йўлак плитасида жойлашган ва кўприк ҳамда йўл тўсиқларини бириктириш, шунингдек ажратувчи тасмалардаги бир томонлама ва икки томонлама тўсиқларни бирлаштириш учун мўлжалланган тутиб қоluvчи тўсиқ участкаси.

Фантом эффект - *фантом эффект* - светофор ёнган чироғининг ташки ёруғлик манбаи таъсирида мавжудланиши.

Фара - *фара* - транспорт воситасининг олдини ёритиш учун техник қурилма. Туманда ёки қор ёғаётганида кўринишни яхшилаш мақсадида сариқ ёки оқ ранг тарқатувчи туманга қарши чироқлардан фойдаланилади. Туманга қарши фараларнинг хусусияти - транспорт воситасининг қуйи қисмида жойлашади. Кенг тарқатиш бурчаги (70...90°), ёруғлик нурларининг горизонтал текислигидан қуйида жойлашади.

Фон - *фон* - муҳит - кузатув объекти кўрилаётган муҳит.

Цикл светофорной сигнализации - *светофор сигналининг цикли* - светофор сигнали барча фазаларининг кетма-кетлиги такрорланувчи вақт оралиғи.

Шлагбаум - *шлагбаум* - йўлда ҳаракатни тўлиқ ёки қисман ёпиш учун қурилма.

Шум - *шовқин* - оғриқли идрокни, ғазабланишни юзага келтирадиган ёки фойдали товушни қабул қилишга ҳалақит қиладиган товуш.

Шум транспортный - *транспорт шовқини* - транспорт оқимидаги автомобиллар ҳаракати билан юзага келадиган, вақт бўйича доимий бўлмаган шовқин.

Шумозащитные сооружения - *шовқиндан ҳимояловчи иншоотлар* - турар-жой бинолари ёки уларга туташ ҳудудлардаги йўлларда транспорт шовқинини пасайтириш учун мўлжалланган иншоот (тупроқли девор, шовқиндан ҳимояловчи тўсиқ, ўтиш қисми устини ёпиш ва ш. к.). Шовқиндан ҳимояловчи иншоот ролини йўл ва бино ўртасидаги овознинг тўғридан-тўғри тарқалишига қаршилиқ кўрсатадиган, етарли баландлик, узунлик ва овоз ўтказмасликка эга бўлган ҳар қандай тўсиқ бажариши мумкин.

Эквивалентный уровень звука транспортного шума - *товушининг транспорт шовқинига эквивалент даражаси* - одамга вақт бўйича доимий бўлмаган транспорт шовқинидек таъсир кўрсатадиган доимий шовқин. Турар-жойлар, жамоат бинолари ва иморатлари, уларга туташ ҳудудлар учун йўл қўйиладиган шовқин миқдори санитария меъёри билан белгиланади.

Экран противоослепляющий - кўз қамашишига қарши тўсиқ - хайдовчиларнинг рўпарадаги автомобиль фаралари ёруғидан кўзи қамашиши олдини оладиган ва тутиб қолувчи тўсиқлар билан биргаликда қўлланиладиган тўр, пластин, тўсиқ тахта ёки бошқа вертикал элементлардан иборат бўлган, ёруғлик оқимининг калинлигини чеклайдиган қурилма.

Яркость - ёрқинлик - берилган йўналишдаги юза участкасига сочилган ёруғлик кучининг мазкур йўналишга перпендикуляр текисликдаги юзанинг ёритилган участкаси проекциясига нисбати, метр квадратга кандел ($\text{кд}/\text{м}^2$)да ўлчанади.

Яркость дорожного покрытия средняя - йўл қопламасининг ўртача ёрқинлиги - йўлнинг ўтиш қисми ўқида жойлашган кузатувчининг кўзи йўналишидаги қуруқ йўл қопламасида ёрқинликнинг майдон бўйлаб ўртача тарқалиши, метр квадратга кандел ($\text{кд}/\text{м}^2$)да ўлчанади.

ХІХ. АЭРОДРОМЫ И АЭРОПОРТЫ

9.1. Умумий тушунчалар.

Аэродром - аэродром - ҳаво кемаларининг учиши, қўниши, юриб бориши, сақлаш ва уларга хизмат кўрсатишни таъминлаш учун мўлжалланган иншоотлар ва қурилмалар мажмуасига эга бўлган, махсус тайёрланган ер участкаси. Стандарт шароитда сунъий қопламали асосий учиш-қўниш тасмаларининг (АУҚТ) узунлигига ва меъёрий оғирликлар даражасига боғлиқ ҳолда аэродромлар гуруҳларга бўлинади. Аэродромлар фойдаланиш хусусиятига кўра қуйидагиларга бўлинади: базавий (таянч) - ҳаво кемалари доимий жойлашган аэродром; доимий фойдаланиш учун жиҳозланган ва ўрнатилган тартибда қайд қилинганлиги ҳақидаги гувоҳномага эга бўлган аэродром; вақтинчалик - чегараланган муддат фойдаланиш учун тайёрланган аэродром; кеча-кундуз сурункасига ишлайдиган - куннинг исталган вақтида ҳаво кемаларининг хавфсиз ва мунтазам ишлатилишини таъминлайдиган, махсус воситалар билан жиҳозланган аэродром; асосий - ҳаво кемаларининг қўниши жадвалда кўзда тутилган (учиш режасида) аэродром; бошланғич (охирги) -ҳаво кемалари берилган йўналиш бўйича ўз учишини бошлайдиган ёки тугаллайдиган ва тўлиқ юкланиш ва юк туширишни амалга оширадиган, шунингдек техник хизмат оловчи аэродром; оралик - учиш топшириғи ёки жадвалда кўзда тутилиб, ҳаво

кемасининг кўниши ва қисқа муддатга тўхтаб туриши учун белгиланадиган аэродром; трассали - йўловчи, юк ва почта ташувчи транспорт ҳаво кемаларининг эксплуатацияси кўзда тутиладиган аэродром; тоғдаги - ер юзасининг тузилиши паст-баланд ва ўқ марказдан 25 км гача радиусда, 500 м дан ортиқ нисбий баландликда жойлашган, шунингдек денгиз сатҳидан 2000 м ва ундан ортиқ баландликда жойлашган аэродром. Аэродромлар вазифаси бўйича куйидагиларга бўлинади: авиацияни халқ хўжалигида қўллаш - авиацион кимёвий ишларни, самолётдан туриб уруғ сепиш, самолётдан ерни суратга олиш, ўрмонларни химоялаш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, патруль хизмати ва бошқа (доимий ва вақтинчалик) ишларни бажариш учун кўзда тутиладиган аэродром; мураккаб - транспорт авиацияси ишлари ва халқ хўжалигида қўллаш учун биргаликда фойдаланишга мўлжалланган аэродром; ўқув юртига тегишли (фойдаланиш хусусиятига кўра улар марказий, таянч ва дала аэродромларига бўлинади) аэродром; спорт клуб - спорт ва учиш - ўқув ишлари, шунингдек аэроклубларнинг оммавий тадбирлари учун мўлжалланган аэродром; биргаликда фойдаланиладиган - фуқаро авиацияси вазирлиги ва бошқа муассасага тегишли аэродром, бунда учиш тасмалари, магистрал юрғазиб бориш йўлакчалари, кўниш воситалари, алоқа, ҳаво ҳаракатини ва бошқа объектларни бошқаришда биргаликда фойдаланилади, хизмат ҳудуди алоҳида бўлади; заводники - ҳаво кемаларини ишлаб чиқарадиган заводлар ёки авиация-тузатиш корхоналарининг тажрибавий ёки назорат учишлари учун кўзда тутилган аэродром. Аэродромлар учиш-қўниш тасмаларининг сони бўйича бир тасмали, икки тасмали ва кўп тасмали бўлиши мумкин.

Аэропорт - *аэропорт* - йўловчилар, юклар ва почталарни бир маромда қабул қилиш ва жўнатиш, ҳаво кемалари учишига хизмат кўрсатишни амалга оширадиган фуқаро авиациясининг транспорт корхонаси. Шу минтақада у аэродром, аэровокзал ва бошқа махсус ер усти иншоотлари ва қурилмаларига эга. Аэропорт халқаро, ҳамдўстлик ва маҳаллий бўлиши мумкин. Халқаро, ҳамдўстлик аэропортлари ҳавода ташишни амалга оширади ва чегара, божхона ва карантин назорати хизматларига эга; маҳаллий аэропортлар мамлакат ичида ҳаво кемаларининг учишига хизмат кўрсатиш учун кўзда тутилган. Юк ташиш ҳажми ва аэропорт гуруҳига боғлиқ равишда аэропортлар синфларга бўлинади.

Вертолетная площадка (вертодром) - *вертолет майдончалари* - вертолетлар учиши, кўниши ва уларга хизмат

кўрсатиш учун жиҳозланган аэродромнинг ажратилган қисми ёки махсус тайёрланган ер қисми, иншоотлардаги майдончалар, иморатлар томида, дарё кемаси ёки денгиз транспортида ва махсус тайёрланадиган майдончалар.

Вертолетная станция (вертопорт) - *вертолет бекати* - йўловчилар, юк ва почталарни қабул қилиш ва жўнатишни, вертолетларнинг учишини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатишни амалга оширадиган ва шу мақсадда зарур иншоотлар ҳамда қурилмаларга эга бўлган транспорт корхонаси.

Воздушная трасса - *ҳаво йўли* - аэродромлар ва ер усти радиотехник воситалари билан таъминланган, учиш бажариладиган йўлак кўринишидаги, ер юзаси тепасидаги белгиланган ҳаво бўшлиғи.

Высота аэродрома - *аэродром баландлиги* - денгиз сатҳига нисбатан баланд ҳисобланган аэродромнинг энг юқори нуктаси.

Гидроаэродром - *гидроаэродром* - гидросамолётлар-нинг учиши, қўниши ва уларга хизмат кўрсатишни таъминлаш учун иншоотлари ва жиҳозлари бўлган, қуруқлик билан чегарадош акваториянинг махсус тайёрланган қисми.

Зона взлета и посадки - *учиш ва қўниш жойи* - ҳаво кемаларининг учишида ва қўнишга киришида маневр қилишни таъминловчи аэродром сатҳидан иккинчи эталон баландлигигача бўлган баландликлардаги ҳаво бўшлиғи.

Посадочная площадка - *қўниш майдончаси* - ҳаво кемаларининг бир марта ёки ахён-ахёнда учиши ва қўниши учун ер (сувли) майдони.

Пропускная способность аэродрома - *аэродромнинг ўтказиш қобилияти* - бир бирлик вақт ичида (соат, кеча-кундуз, йил) аэропортда қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва ҳавога чиқариш мумкин бўлган ҳаво кемаларининг сони.

Район аэродрома - *аэродром тумани* - аэродром ва у бошланган чегарада унга ёндош жойлар тепасидаги ҳаво бўшлиғи, шунингдек келиш тумани деб ҳам юритилади.

Территория приаэродромная - *аэродром олди ҳудуди* - аэродромга ёндош жой бўлиб, унинг тепасидаги ҳаво бўшлиғида ҳаво кемалари маневрни бажаради. Бу ҳудуднинг ўлчами аэродром синфи бўйича аниқланади.

Точка контрольная аэродрома - *аэродромнинг назорат нуқтаси* - аэродромнинг жўғрофий жойлашишини аниқловчи нуқта.

Узел аэродромный - *аэродром тугуни* - умумий учиш туманига эга бўлган, яқин жойлашган аэродромлар гуруҳи. Бу аэродромлардан бир вақтда учишни ташкил қилиш келишишни талаб этади.

Условия расчетные - *ҳисобланган шароитлар* - стандарт шароитлар қайта ҳисобланадиган, аэродром жойлашган маҳаллий шароитлар (яқин метеостанцияларнинг кўп йиллик кузатишлари бўйича).

Условия стандартные - *стандарт шароитлар* - учиш-қўниш тасмаси узунлигини аниқлашда эталон сифатида қабул қилинган шароит: идеал қуруқ ҳаво, ташқи ҳаво ҳарорати 15⁰С, атмосфера босими 0,98 ПА, денгизда шамолсиз тинч вақт, УҚТ юзаси горизонтал ва қуруқ цементбетон қоплама.

9.2. Аэродромларнинг асосий қисмлари.

Взлетно-посадочная полоса (ВПП) - *учиш-қўниш тасмаси (УҚТ)* - ҳаво кемаларининг учиши ва қўниши учун махсус тайёрланган ва жиҳозланган учиш майдони(учиш тасмаси)нинг қисми бўйича визуал қўниш учун (ҳаво кемаларининг визуал учиш қоидаси учун жиҳозланган) ва асбобли қўниш учун (ҳаво кемаларининг асбоблар бўйича учиш қоидаси учун жиҳозланган) мўлжалланган.

Водоприемник - *сув йиғувчи* - аэродромнинг сувни қочириш тизимидан сувни чиқариш мумкин бўлган сунъий ёки табиий сув ҳавзалари, сув оқавалари, бунда улардаги сув сатҳи жуда кўтарилмаслиги лозим.

Водосточно-дренажная сеть - *сув оқиш [нов] ва ернинг захини қочириш тармоғи* - аэродром тагидаги ер ости сувларини четлатиш, олиб ташлаш ёки сатҳини пасайтириш учун хизмат қилувчи горизонтал ва вертикал қурилмалар тизими. У юзадаги сувларни аэродром чегарасидан ташқарига чиқаришни таъминловчи, учиш майдонини қуришиш тизими, асосдан сувни қочириш тизими ва аэродром ҳудудини жала, эриган қор суви ва ер ости сувлари оқимидан, шунингдек яқин сув ҳавзасидаги сув сатҳининг кўтарилиши натижасидаги сув босимидан ҳимояланишни таъминловчи коллектор, ёмғир сувларини қабул қилувчилар, кузатиш ва ер ости ҳудудлари, новлар ва ариқлар (шу жумладан, тоғ олди), қуриувчилар ва йиғувчилардан ташкил топади. Аэродром қопламаларининг мустаҳкамлигини, устуворлиги ва кўпга

чидамлилигини ошириш ва тупроқли аэродромларда учиш мумкин бўлмаган муддатларни қисқартиришни таъминлайди.

Дистанция прерванного взлета - *узилиб қолган учиш масофаси* - кескин тезликда двигатели ишламай қолган ҳолатда учиш тўхтатаётганда ҳаво кемасининг югуриш йўли бошидан то тўлиқ тўхтагунигача босиб ўтадиган масофаси.

Длина ВПП - *учиш - қўниш тасмасининг узунлиги* - ҳисобланган турдаги ҳаво кемасининг хавфсиз учиши ва қўнишини таъминловчи учиш-қўниш тасмасининг энг кичик ҳисобланган узунлиги.

Длина пробега - *йўл босиш узунлиги* - ҳаво кемасининг УҚТ га қўниш (уриниш) нуқтасидан то тўлиқ тўхтагунигача босиб ўтадиган масофаси.

Длина разбега - *югуриш(тезланиш) йўли узунлиги* - ҳаво кемасининг УҚТ да югуришни бошлашидан то тасмадан узилиш нуқтасигача босиб ўтган масофаси.

Дождеприемник - *ёмғир сувини йиғувчи* - учиш-қўниш тасмаси, югуриб бориш йўлакчалари ва тўхтаб туриш жойларининг сунъий қопламалари очик новлари бўйича оқиб келадиган сувларни йиғиш учун, новнинг ўкига қўндаланг бўлган узун томони тубида жойлашадиган иншоот. Икки турда бўлади: йиғма темирбетондан ёки монолит бетондан чуқур жойлаштирилган тўғри бурчакли қудук ва ёмғир сувларини йиғувчи ўпқон.

Дренаж - *ернинг захини қочирувчи* - 1.4. бандга қаранг.

Дрены глубинные - *чуқур ер ости захини қочирувчилар* - сунъий қопламалар остидаги ер ости сувлари сатҳини пасайтириш учун хизмат қиладиган қурилма, сунъий қоплама чети бўйича жойлаштирилади.

Дрены закровочные - *ҳандақ орасидаги захни қочирувчилар* - аэродромнинг сунъий қопламалари, филтрлайдиган (сизувчи) асосларидан сувни тезроқ чиқариш учун мўлжалланган қурилма, қоплама чети бўйлаб ундан 1-2 м масофада жойлаштирилади.

Колодец смотровой - *қузатиш қудуғи* - аэродромнинг сув кетиш тизимига қараш ва таъмирлаш учун кўзда тутиладиган муҳандислик иншооти. Коллектор ўқи чизиги бўйича шу ишларни бажариш муҳимроқ ва қулайроқ бўлган жойда ўрнатилади(ўтказувчи қувурларнинг туташган, режада ўқ чизигининг бурилган жойида ва диаметри ўзгарган коллекторнинг боши ёки йиғувчилар ўқ чизигида). Қабул қилинадиган материали бўйича - темирбетон, монолит бетон

ёки гиштли режадаги кесим бўйича - тўғри бурчакли ёки думалок бўлади.

Колодец тальвежный - *ер ости қудуги* - тупрокли учиш майдонининг ёпиқ пастлик қисмидан сувларни йиғиш, сўнг ўтказувчи қувурлар орқали коллекторларга ўтказиш учун кўзда тутилادиган иншоот.

Место стоянки (МС) - *тўхташ жойи (ТЖ)* - ҳаво кемаларининг тўхтаб туриши, сақлаш ва хизмат кўрсатиш учун тайёрланган ва жиҳозланган майдонча. Шахсий - алоҳида майдончаларда якка ҳаво кемаларининг тўхтаб туриши учун, гуруҳли - катта майдончаларда кўп сонли ҳаво кемаларининг тўхтаб туриши учун мўлжалланган бўлади.

Обочина аэродромная - *аэродромнинг йўл ёқаси* - аэродром қопламалари (УҚТ, ЮБЙ, чиқиш олди майдончасига туташиш, сувни четлатиш ва ҳаво кемаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш учун кўзда тутилган қисм).

Осушитель - *қуритгич* - тупрокли учиш майдонининг унча катта бўлмаган қисмидан сувларнинг йўлини тўсиб ва уларни йиғувчиларга ўтказиш учун кўзда тутилган сувни четлатиш ва захни қочириш тармоғининг бирламчи бўлаги. Қуйилиш чуқурлиги 0,9 - 1,2 м (музлаш чуқурлигидан пастда), узунлиги 50-60 м найчаларсиз, 50-75 м ли найчалардан иборат бўлади.

Отмостка - *йўл ёқасининг бир қисми* - йўл ёқасининг аэродром қопламаси билан туташувчи жойида махсус мустаҳкамланган қисм. У аэродром қопламаларининг асосига юза сувларининг тушишидан оғоҳлантирувчи, шунингдек қаттиқроқ аэродром қопламаларидан тупроклига ўтишни енгиллаштириш учун кўзда тутилади.

Отстойник - *тиндиргич* - аэродром сув кетиш тизимининг бир қисми ҳисобланган иншоот. Коллектор тупроққа ётқазилганда, тез лойқаланиш юзага келиши мумкин бўлганда кузатувчи қудуқларда ўрнатилади. Тиндиргич туби қудуқдан чиқувчи нов қувурлари сатҳидан 30-50 см пастга жойлаштирилади.

Перрон - *чиқиш олди майдончаси* - йўловчиларни чиқариш ва тушириш, юк ва почталарни ортиш ва тушириш, техник хизмат кўрсатиш мақсадида ҳаво кемаларининг вақтинчалик туриши учун кўзда тутилган махсус тайёрланган майдон. Йўловчилар ва юклар учун мўлжалланган чиқиш олди майдончаси бўлиши мумкин.

Плоскости ограничения - *чегаралаш текисликлари* - аэродром ва аэродром олди ҳудуди тепасидаги рухсат этилган

баландликларни бўйсундирадиган шартли горизонтал, вертикал ва кия текисликлар.

Площадка специального назначения - *махсус белгиланган майдончалар* - ҳаво кемаларига махсус хизмат кўрсатиш кўзда тутилган майдончалар (ҳаво кемаларини ювиш, махсус машиналарнинг туриши, компосларнинг огишини бартараф қилиш) ва бошқалар.

Покрытие аэродромное - *аэродром қопламаси* - бир нечта тузилмавий қатламлардан иборат бўлган сунъий қоплама (қопламанинг ўзи, бир ёки бир нечта қатламли сунъий асос, табиий тупроқли асос) қопламанинг тузилмавий қатламлари қалинлиги ҳисоб орқали белгиланади.

Покров дерновый - *чимли қоплама* - бутун йил давомида ҳаво кемаларининг фойдаланишини таъминловчи аэродромнинг тупроқли учиш-қўниш тасмаларида, юргизиб бориш йўлакчаларида, тўхтаб туриш жойларида, чиқиш олди майдончалари ва бошқа майдончалардаги чимли сунъий қоплама.

Поле лётное - *учиш майдони* - бир ёки бир нечта учиш тасмаси, юргизиб бориш йўлакчаси, тўхтаб туриш жойлари ва махсус белгиланган майдонлар жойлашган аэродромнинг бир қисми.

Полоса безопасности концевая (КПБ) - *охирги хавфсизлик тасмаси (ОХТ)* - УҚТ охирига туташган ва ҳаво кемаларининг учиши ва қўнишида хавфсизликни таъминлаш учун кўзда тутилган, махсус тайёрланган ер майдони.

Полоса безопасности боковая (БПБ) - *ён томондаги хавфсизлик тасмаси (ЎХТ)* - учиш-қўниш тасмасининг ён чегарасига туташган ва ҳаво кемаларининг йўл босишда ва югуришда УҚТ чегарасидан ғилдираб кетиш эҳтимоли бўлганда, хавфсизликни таъминлаш учун кўзда тутилган учиш тасмасининг қисми.

Полоса воздушных подходов - *ҳаводан келиш тасмаси* - учиш тасмаси охирларига туташ ва ҳаво бўшлиғида учиш тасмаси ўқи давомининг йўналишида жойлашган аэродром олди ҳудудининг бир қисми. Унда ҳаво кемалари учиши вақтида баландликни эгаллаш ва қўниши вақтида пасайиш амалга оширилади.

Полоса грунтовая - *грунтли тасма* - сунъий қопламасиз, кўпинча чим қопламаларга эга бўлган ер майдони. Енгил турдаги ҳаво кемасининг учиши ва қўниши амалга оширилишига имкон беради. Тупроқларнинг вақтинчалик намлиги ортиши вақтида учиш мумкин бўлмаган муддатга эга.

Полоса летная - *учиш тасмаси* - одатда ўзаро карама-карши йўналишда ҳаво кемаларининг учиши ва қўнишини таъминловчи учиш майдонининг бир қисми, у учиш-қўниш тасмаси (СУКТ ёки УҚТ), ён хавфсизлик тасмаси (ЁХТ) ва охириги хавфсизлик тасмалари (ОХТ) ни ўз ичига олади.

Полоса летная главная - *асосий учиш тасмаси* - тўла ҳуқуқли ташкилотлар томонидан асосий тасма сифатида аниқлаб берилган учиш тасмаси. Энг катта узунликка, эга ва, одатда, ҳукмрон шамоллар йўналишида жойлашади. Бошқа учиш тасмалари ёрдамчи дейилади.

Порог ВПП - *учиш-қўниш тасмасининг бўсағаси* - ҳаво кемаларининг қўниши учун фойдаланиладиган учиш-қўниш тасмасининг бошланиш қисми.

Профиль поперечный ВПП и РД - *УҚТ ва ЮКЙ нинг кўндаланг кесими* - учиш-қўниш тасмаси ва юрғазиб бориш йўлакчасининг баландлик белгиси бўлган ва бўйлама ўқига перпендикуляр бўлган вертикал қирқим. Кўпинча қиялиги бир томонга йўналган.

Радиус закруглений РД - *ЮБЙ нинг бурилиш радиуси* - юрғазиб бориш йўлакчасининг бурилиш чегараларини кўрсатувчи чизиқ. У бошқарилиш тезлиги ва ҳаво кемаси шассисининг тузилмасига боғлиқ. Радиус ўлчамлари меъёрлаштирилган.

Рулежная дорожка (РД) - *юрғазиб бориш йўлакчаси (ЮБЙ)* - аэродромнинг баъзи қисмларини ўзаро бирлаштирувчи, ҳаво кемалари ва шатакка олиш учун махсус тайёрланган йўл. Юрғазиб бориш йўлакчаси куйидаги турларга бўлинади:

Вспомогательная (ВРД) - *ёрдамчи (ЁЮБЙ)* - тўхтаб туриш жойларини ва бошқа махсус максадлардаги майдончаларни магистрал юрғазиб бориш йўлакчаси билан боғлайди;

Магистральная (МРД) - *магистрал (МЮБЙ)* - одатда учиш тасмаси бўйлаб жойлашади ва ҳаво кемаларининг чиқиш олди майдончасидан учиш-қўниш тасмаси охирига энг қисқа йўл билан бошқарилишини таъминлайди;

Собиратель - *йиғгич* - қуритгичлардан келиб тушадиган сувларни қабул қилиш ва уни коллекторга узатиш учун мўлжалланган қурилма. Йиғгичлар сунъий қопламага ёндош, намлиги ортган алоҳида тупроқли қисмларда ва тупроқли учиш тасмасининг намлиги ортган жойларида жойлаштирилади.

Сооружения устьевые (оголовки) - *этакдаги иншоотлар (каллаклар)* - аэродромдаги сув оқадиган тизим коллекторнинг

элементи. У қувурнинг очик ариқ ёки сув йиғгичларга чиқиш олдида ўрнатилади. Улар таянч деворлар, очкичлар, новлардан ташкил топади ва коллектор қувири охирини, сув тўкилиш жойини мустаҳкамлаш учун кўзда тутилади.

Территория (зона) служебно-техническая - *техник хизмат ҳудуди (минтақаси)* - аэропорт ҳудудининг бир қисми. Унда аэропортнинг, худди транспорт корхонааридек, транспорт ва фойдаланиш техникавий фаолиятини таъминлаш учун иморат ва иншоотлар жойлашади.

Уклон поверхности ВПП средний - *УҚТ юзасининг ўртача қиялиги* - учиш- қўниш тасмасининг ҳисобланган қисми боши ва охири баландлик белгилари фарқининг унинг узунлигига нисбати.

Уширение ВПП - *УҚТни кенгайтириш* - учиш-қўниш тасмаси охириги қисмларини магистрал юрғазиб бориш йўлакчаси бўлмаганда, ҳаво кемасининг бурилиши учун қўшимча кенгайтириш.

Уширение РД - *ЮБЙ ни кенгайтириш* - юрғазиб бориш йўлакчаси қопламасининг бурилишларда кенгайтирилган қўшимча тасмалари.

Ширина ВПП И РД - *УҚТ ва ЮБЙ кенглиги* - учиш-қўниш тасмаси ва юрғазиб бориш йўлакчалари ён чегараси орасидаги масофа, аэродром гуруҳига боғлаб талабномаларда меъёрлаштирилади.

9.3. Аэродром қурилиши

Восстановление дернового покрова - *чимли қопламани тиклаш* - учиш майдонида ер ишлари тугаллангандан сўнг мустаҳкам чимли қатламни юзага келтириш учун ўсимлик тупроғини текислаб, ўтлар уруғи аралашмасини механизациялаштирилган усулда тақсимлаш.

Заделка удобрений - *ўғитларни ёпиб текислаш* - учиш майдони ва хавфсизлик тасмаларига олиб келинган ўғитларни замин тупроғи билан мола ва бошқа воситалар ёрдамида аралаштириш, одатда, экишдан олдинги юмшатиш жараёнида бажарилади.

Засев летного поля - *учиш майдонига экиш* - бутун тупроқли учиш майдони бўйича кўндаланг қилиб алоҳида қўламларда икки марта ўтиш билан сочиш усулида кўп йиллик ўтлар аралашмалари уруғини механизациялаштирилган усулда тақсимлаш.

Засыпка траншеи - *ҳандақни кўмиб тўлдириш* - коллектор қувурлари ётқизиб бўлингандан сўнг одатда икки усулда

бажарилувчи механизациялаштирилган технологик иш. Юмшатиш билан тупроқ билан қувур бўшлиқларини тўлдириб текислаш, зичлаш ва хандакнинг бутун кенглигида тупроқни бульдозер билан суриш, сўнг шиббалагич ёки электр, пневматик шиббалагичлар билан зичлаш.

Крепление траншеи - *ҳандақни мустаҳкамлаш* - хандак деворларининг тўсатдан ағдарилиб тушиши олдини олувчи технологик иш. У ёғоч ёки анжомли металл иншоотлар (яхлит горизонтал ёки оралиқли ва яхлит вертикал) ёрдамида бажарилади.

Монтаж коллектора - *коллекторни йиғиш* - коллектор қувурларини хандакнинг текисланган тубига, бетон ёки темирбетонли асосга, лойиҳага асосан қиялик билан кранли қурилма ёки қувур ётқизгичлар ёрдамида ётқизиш ва уланган жойларини зич беркитиш бўйича бажариладиган технологик иш.

Обваловывание растительного грунта - *ўсимлик тупроғини йиғиш* - ер ишлари тугагандан сўнг учуш майдонининг чимли қатламини тиклаш учун фойдаланиладиган, қирқиб олинган ўсимлик тупроғини механизациялаштирилган усулда уюмларга йиғиш бўйича технологик жараён.

Освоение территории - *ҳудудни ўзлаштириш* - лойиҳа жойига қўчирилгандан сўнг қурилишнинг тайёрлов даврида бажариладиган ишлар мажмуи. У жойни тозалаш, дарахтларни ва харсанг тошларни кесиш, ковлаб олиш ва йиғиштириш, торф ва мохларни олиб ташлаш, дўнгликларни қирқиш ва қурилиш майдони ҳудудини қуритиш, ер ва текислаш ишларини ўз ичига олади.

Осушение территории - *ҳудудни қуритиш* - аэродром қурилиши майдонида ер қазийдиган ва қурилиш машиналарининг бир маромда ишлашини таъминловчи, намлиги ортган жойларни қуритиш ва вақтинчалик қуритиш тармоқларини қуриш бўйича асосий ишлар бошлангунигача бажариладиган технологик ишлар мажмуи.

Отрывка траншеи - *ҳандақни ковлаш* - кузатиш қудуқлари ўрнатиладиган жойларни кенгайтириш билан хандақ ҳосил қилиш ва коллектор қувурларини ётқизиш мақсадида сув оқимига қарама-қарши йўналишда тупроқни қазिश бўйича технологик ишлар мажмуи.

Планировка дна траншеи - *ҳандақ тубини текислаш* - коллектор қувури ётқизилишидан олдин хандақ туби юзасига равонлик ва лойиҳавий қиялик бериш учун механизациялаштирилган асбобларда ёки қўл билан бажариладиган технологик иш.

Планировка летного поля - *учиш майдонини режашлаштириш* - учиш майдони, охирги ва ён хавфсизлик тасмаларида равон юзани хосил қилиш учун икки босқичда бажариладиган – механизация-лаштирилган усулда олдиндан дағал текислаш ва геодезик белгилар бўйича пухта текислаб тугалланадиган технологик жараён.

Распределение удобрений - *ўғитни тақсимлаш* - ўғитни бир бирлик майдонга талаб қилинадиган меъёрда текис қатламда ёйиш учун ўғит сочувчи ёки бошқа тақсимлагичлардан фойдаланиб ернинг қатламига аралаштириш усули.

Рыхление растительного грунта - *ўсимлик тупроғини юмшатиш* - ўсимлик тупроғини қирқиб олинадиган қатлам чуқурлигида юмшатиш, қирқиб олиш ва ўйиб-йиғишлар орасидаги вақт бўйича энг қисқа узилиш билан юмшатиш бўйича технологик жараён. Юмшатиш юмшатгичлар ва омончлар билан; майдонлаш фрезалаш, мола, культиватор билан бажарилади.

Снятие растительного грунта - *ўсимлик қатламини қирқиб олиш* - учиш майдонида ўсимлик қатламини бульдозер ёки автогрейдер билан қирқиш ва уни ўйиш учун чеккага суриш бўйича технологик иш.

Строительство водосточно-дренажной сети - *сув оқизувчи ва ернинг захини қочирувчи тармоқларни қуриш* - қоплама қурилиши бўйича оқимни тугал режашлаштириш ишлари бажариб бўлинганидан сўнг коллектор новлар, ўтказгичлар, ёмғир сувларини йиғувчи қудуқлар, дренажлар, қуритгичлар ва йиғгичларни қуриш бўйича технологик жараёнлар мажмуи.

Строительство дождеприемных воронки и лотка - *ёмғир сувларини йиғувчи воронкалар ва новни қуриш* - сув йиғувчи қудуқлар устига сув йиғувчи воронкалар қуриш, новлар қаторини бетонлаш вақтида воронка ўрнини қопқоқ йўли билан, воронка шаклидаги махсус ёпқичнинг виброформалари билан, виброформалар ёрдамида новлар қаторидаги янги ётқазилган бетон ёки йиғма элементларни йиғиш асосида новни шакллантириш йўли билан қуриш бўйича технологик жараёнлар мажмуи.

Строительство дренажных устройств - *захни қочирувчи иншоотларни қуриш* - сопол ёки асбоцементли тешикли қувурларни йиғиш, қувурлар устига ғовакли материаллар тўқиш билан боғлиқ технологик жараён (ер ости сувлари сатҳини кенгайтириш ва йиғиш, аэродром қопламалари асосидан ортиқча сувларни чиқариш учун).

Строительство колодцев - *қудуқларни қуриш* - ёмғир сувларини йиғувчи йиғма ва монокит ва кузатиш қудуқларини қуриш

бўйича технологик жараёнлар мажмуи. У асосни тайёрлаш ва совуқдан химояловчи пойдеворларни қуриш, қудуқ блокларини йиғиш ёки жойида бетонлаш учун қолип ўрнатиш, ўтказувчини қуриш, тупроқ тўкиб тўлдириш ва қудуқни сувдан химоялаш ишларини ўз ичига олади.

Строительство летного поля - *учиш майдонини қуриш* - ҳудудни ўзлаштириш, ўймани ишлаш ва кўтармани кўтариш бўйича ер ишларини бажариш, чимли қатламни қуриш ва режалаштириш ишлари бўйича технологик ишлар мажмуи.

Строительство осушителей - *қуришгичларни қуриш* - захни қочириш қурилмасини қуриш бўйича технологик жараён. Бунда филтрловчи тўқима ер юзасига чиқарилади.

Установка обноски - *кўчма иншоотларни ўрнатиш* - сув оқизувчи ва захни қочирувчи тармоқларни тақсимлаш режасини жойига кўчиришда қозиклар, ғов тахталар ўрнатиш ва уларда теодолит ёрдамида баландлик белгиларини миҳлар билан қоқиб тақсимловчи нукталарни мустаҳкамлаш бўйича бажариладиган технологик ишлар.

XX. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТЕРМИНЛАР ВА АТАМАЛАР

Стандарт - *стандарт*- консенсус асосида ишлаб чиқарилган ва белгиланган орган томонидан тасдиқланган ҳужжат бўлиб барча умумий принциплар ёки маҳсулотга ва у билан боғлиқ жараёнга ҳамда ишлаб чиқариш методларига қўлланиш тавсифлардир.

Национальный стандарт - *миллий стандарт* - кенг истиқлолчилар доираси учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш бўйича миллий орган томонидан қабул қилинган стандарт.

Международный стандарт - *ҳалқаро стандарт* - кенг истемолчилар доираси учун мўлжалланган стандартлаштириш билна шуғулланувчи ҳалқаро ташкилот томонидан қабул қилинган - стандарт.

Межгосударственный стандарт - *давлатлараро стандарт* - кенг истемолчилар доираси учун мўлжалланган стандартлаштириш, метрология сертификациялаш давлатлараро кенгаш ёки қурилишда стандартлаштириш, техник мейёрлаш ва сертификациялаштириш

давлатлараро илмий техник комиссияси томонидан қабул қилинган стандарт.

Межгосударственные строительные нормы (МСИ) - давлатлараро қурилиш нормалари - қурилиш молларини керакли даражада сифатини таъминлашга йўналтирилган бўлиб асосий ташкилий -методик талабларни қамрайди; қурилиш ва лойҳалаш учун муҳандислик қидирув бўйича умумий техник талаблар; бино ва қурилиш конструкциялари, режалаштириш ва қурилиш талабларини қамрайди.

Межгосударственный свод правил (МСП) - давлатлараро қоидалар тўплами – Лойихалашда, қурилиш монтаж ишларини бажаришда ва қурилиш конструкцияларини тайёрлашда қурилиш нормаларига талабларига мажбурий риоя қилишни қамрайди.

МУНДАРИЖА

I. АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР. ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ВА ЛОЙИҲАЛАШ.	3
1.1. Умумий маълумотлар. Автомобиль йўлларининг туркумланиши	3
1.2. Автомобиль йўлларини қидириш ишлари ва лойиҳалаш.	10
1.3. Автомобиль йўлининг қисмлари элементлари.	24
1.4. Автомобиль йўлларидаги муҳандислик иншоотлари.	31
1.5. Йўл - транспорт иншоотлари.	35
II. ЙЎЛ ПОЙИ ВА ЙЎЛ ТЎШАМАСИ.	37
2.1. Умумий тушунчалар.	37
2.2. Йўл пойи тузилиши ва турлари.	48
2.3. Йўл тўшамасининг тузилиши ва турлари.	55
2.4. Йўл тўшамасини ҳисоблаш	66
III. КЎПРИК ИНШООТЛАРИ, ҚУВУРЛАР ВА СИЗУВЧИ(ФИЛЬТРЛОВЧИ) КЎТАРМАЛАР.	75
3.1. Умумий тушунчалар. Кўприк иншоотларининг туркумланиши.	75
3.2. Кўприк иншоотларининг қисмлари.	84
3.3. Қувурлар ва сизувчи(фильтрловчи) кўтармалар	107
3.4. Кўприк ва қувур конструкциялари ҳисоби	109
3.5. Кўприкли ўтиш жойлари, кўприк ва қувурларнинг оралиғи ҳисоби.	118
IV. ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЯРИМ ФАБРИКАТЛАР, МАҲСУЛОТЛАР	129
4.1. Тупроқлар. Мустаҳкамланган тупроқлар	129
4.2. Тоғ жинслари, сунъий ва табиий тош материаллар	135
4.3. Боғловчи материаллар(органик ва ноорганик), қўшимчалар, полимерлар	149
4.4. Йўл бетон ва бошқа қоришмалар, улардан тайёрланган буюмлар	164
4.5. Йўл,аэродром қурилишида қисман ишлатиладиган материаллар	173

4.6	Йўл қурилиш материалларининг хусусиятлари, уларни аниқлаш	174
V.	АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚУРИЛИШИ ТЕХНОЛОГИЯСИ. ЙЎЛ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ.	199
5.1	Йўл қурилиш ишларини ташкил этиш, уларнинг технологияси, механизациялаш ва автоматизациялаш.	227
5.2	Йўл ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари	234
5.3	Автомобиль йўллари ва аэродромлар қурилишида фойдаланиладиган механизация воситалари.	259
VI.	АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДАГИ КЎПРИК ВА ҚУВУРЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ	259
6.1	Кўприк таянчларини қуриш ва оралиқ қурилмаларини йиғиш.	259
6.2	Сув ўтказувчи қувур қурилиши	276
6.3	Кўприк конструкциялари ва қувур элементларининг заводда тайёрланган маҳсулотлари	278
6.4	Кўприкларни тадқиқ этиш ва синаш	280
6.5	Кўприк ва қувур қурилиши учун механизация воситалари	286
VII.	АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА САҚЛАШ.	289
7.1	Автомобиль йўлларида фойдаланиш ҳақида умумий маълумотлар	301
7.2	Автомобиль йўлларини таъмирлаш	273
7.3	Автомобиль йўлларини сақлаш ва кўкаламзорлаштириш	307
7.4	Автомобиль йўлларидаги кўприклар ва қувурларни таъмирлаш ва сақлаш	327
7.5	Автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш учун ме- ханизация воситалари	335
VIII.	АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ	341

IX. АЭРОДРОМЛАР ВА АЭРОПОРТЛАР	371
9.1 Умумий тушунчалар. Аэродром ва аэропортларнинг туркумланиши	371
9.2 Аэродромларнинг асосий қисми	374
9.3 Аэродром қурилиши	379
X. СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТЕРМИНЛАР ВА АТАТМАЛАР	341